ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ–МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ. ТАЛАБАЛАР ОНГИДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ”

мавзусидаги ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг анъанавий республика илмий-назарий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

(2019 йил, 20 апрел)

Самарқанд – 2019

“Ёшларни ғоявий–мафкуравий тарбиялашнинг устувор масалалари. талабалар онгида китобхонлик маданиятини шакллантириш” мавзусидаги ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг анъанавий республика илмий-назарий конференцияси. Самарқанд. СамИСИ. 2019 йил. 20 апрел. 284 бет.

Республика илмий-назарий конференция материалларида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг ёшларни ғоявий–мафкуравий тарбиялашнинг устувор йўналишларига оид долзарб муаммоларига бағишланган

Тўпламдаги материаллардан профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабалар ва амалиёт ходимлари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Илмий-назарий конференция ўз ишини **ўзбек, рус** тилида олиб боради.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ:

Д.Ҳ.Асланова	СамИСИ илмий ишлар бўйича проректори, и.ф.н., раис.
А.А.Азизқулов	СамИСИ Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, ф.ф.н., аъзо.
Ш.С.Қушаков	СамИСИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
Ш.З.Ўрозов	СамИСИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
А.Н.Алимов	СамИСИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
Ж.Ш. Мустафаев	СамИСИ Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Ушбу тўпламдаги мақолаларнинг хато ва камчиликларига муаллифлар масъулдир.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯЛАШ– АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

М.Э.Пўлатов - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ислоҳотларнинг ўзига хос янги даври бошланди. Ватанимизнинг барқарор ижтимоий иқтисодий тараққиёти йўналишини белгилаб берган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да барча соҳалар бўйича вазифалар аниқ белгилаб берилгандир. Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки полиэтник давлатимизда барқарор ижтимоий муносабатларни таъминлашда бу омил муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди»[1].

Кишилик жамияти информацион цивилизация босқичида яшаётган ҳозирги мураккаб шароитда баркамол ёшларни тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ахборотлашган жамият ва глобаллашув жараёнларининг салбий жиҳатлари кўпроқ маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларида намоён бўлмоқда. Ахборот хуружи ва маънавий таҳдидларни олдини олиш учун ғоявий мафкуравий тарбиялашнинг самарадорлигини ошириш ва талаба ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш лозимдир.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мафкуравий иммунитети кучли бўлган, интеллектуал салоҳиятли ёшларни ғоявий - мафкуравий тарбиялаш муаммоларига жиддий эътибор берилди. Талаба - ёшларни ғоявий мафкуравий тарбиялаш ва уларда китобхонлик маданиятини шакллантириш кўплаб восита ва омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида асрлар давомида сайқал топган миллий маънавий меросимиз алоҳида аҳамият касб этади.. Президентимиз таъкидлаганидек: ”Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш, жаҳон илм фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш зарур”[2].

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган ”Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг долзарб масалалари. Талабалар онгида китобхонлик маданиятини шакллантириш” мавзусидаги республика илмий назарий конференциясида кўриб чиқилаётган масалалар ва мавзулар Ҳаракатлар

[1] Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари /-Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. -82 бет

[2] Ш.Мирзиёв. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом, шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак/ Халқ сўзи, 2017й 16 январь№11(6705)

стратегиясининг “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларни ижтимоий фаоллигини ошириш” каби асосий йўналишлар билан уйғунлашганлигини таъкидлаш жоиз. Анжуманнинг асосий мақсади ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушиб қолмайдиган ёш авлодни тарбиялаш, уларда китобхонлик маданиятини шакллантириш масалаларини таҳлил этиш, муаммоларини ўрганиш ва уларни ечимларига оид тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда, хусусан, биз таълим бераётган талаба ёшларимизни ғоявий-мафкуравий тарбиялаш, уларда китобхонлик маданиятини шакллантиришимизда мукаммал илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб борилаётган сифатли таълим-тарбия билан эришиш мумкин. Президентимиз таъкидлаганидек: ”Профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси-ёш авлодга пухта билим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир”[1]. Шу боис бугунги ёш авлодни тарбиялашда ҳар биримиз масъул эканмиз, ўқувчи ва талабаларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда дахлдорлик масъулиятини теран англаб олишимиз лозим.

Бугунги илмий анжуман ишига муваффақият тилар эканман, мазкур тадбирда илгари суриладиган илмий-назарий хулосалар ҳамда ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ёшларда ғоявий-мафкуравий тарбиялаш жараёнларида ва талабалар онгида китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларида назарий ва методологик манба бўлиб хизмат қилади.

[1] Ш.Мирзиёев. Эркин ва фароавон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.:”Ўзбектистон”, 2017 йил, 14 бет

ЁШЛАРНИНИНГ МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ОРИЯТ РУҲИДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИДА КИТОБНИНГ ЎРНИ

Б.О.Тураев- Фалсафа фанлари доктори, профессор

Ватанпарварликни бир сўз билан ифодаласак, у миллий манфаатларни қадрлаш, ҳимоялаш ва жаҳонга ёйиш маъносини беради. Ватанпарварлик – миллий қадриятларни англашдир.

Миллий қадриятлар халқнинг урф-одатлари, анъаналари, идеаллари, орзу-умидлари ва кайфияти билан чамбарчас боғланган бўлади. Улар халқнинг куч-қувватини, имкониятларини ва маданийлашиш даражасини кўрсатади. Миллий қадриятларидан бегоналашган кишилар, уларни ўз халқи билан боғлаб турган ришталарини йўқотган бўлади. Бундай кишиларда миллий ғурур ва орият бўлмайди. Космополитизм касаллигига йўлиққан кишиларда ана шу ҳолат кузатилади. Миллий шаън ва ориятга эга инсонлар ҳақиқий ватанпарвар кишилар бўлишади. Ватанпарвар инсонлар миллий манфаатларни астойдил ҳимоя қилувчи кишилардир.

Бу туйғуларни тарбиялашда бадиий адабиётнинг роли ниҳоятда каттадир. Халқимиз қадимдан ўз Ватанини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган аждодлари ҳақида достонлар яратишган, афсоналар тўқишган. Тўмарис ва Широқ ҳақидаги қиссаларини юнон тарихчилари ҳам қайд этиб ўтишган. Алпомиш, Гўрўғли, Рустамхон ва Муродхон ҳақидаги достонларда ватанпарварлик туйғуси ёрқин ифодалангандир. Халқимизнинг босқинчи-ларга қарши озодлик ҳаракатларини акс эттирувчи оташин руҳдаги ватанпарварлик қиссалари минг йиллар давомида оғиздан оғизга ўтиб келади. Улар кишиларнинг ватанпарварлик тарбиясида муҳим рол ўйнаган. Бугунги кунда атоқли шоирларимизнинг ватанпарварлик руҳи билан суҳорилган эҳтиросли шеърлари ҳам инсон қалбида Ватан туйғусини жўш урдиришга хизмат қилади. Масалан, Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим”[1] шеъри, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон”[2] шеърларини том маънода ватанпарвар-лик мадҳияси дейиш мумкин. Бу асарлар инсон қалбини ларзага солади.

Ҳозирги кунда буюк ватандошларимиз Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Имом Бухорий, Термизий, Мотурудий, Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Юсуф Хос Хожиб, Марғиноний, Мирзо Улуғбек ва бошқа юзлаб мутафаккирларимиз, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Шайбонийхон, Мирзо Бобур, Ялангтўш Баҳодир сингари саркардаларимиз ҳақида кишиларнинг қалбини миллий ғурур ва Ватан фахри билан суғорувчи, ёшларимиз онгида миллий орият ва ватан шаъни туйғуларини тарбияловчи бадиий асарлар яратилиши лозим.

Миллий қадриятларга садоқат туйғуси болаликдан шакллатирилиши муҳимдир. Болаларга ёшлигидан Она Ватанга, Ватан тимсолларига ҳурмат

[1] http://www.nurzamon.uz/article_view.php?id=473; Erkin Vohidov. Oʻzbegim. Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017.

[2] Абдулла Орипов. Йиллар армони.Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. Б.227.

туйғусини тарбиялаш зарур. Бунинг учун уларга Ватан манфаатлари йўлида жонини ҳам фидо қилишдан қайтмаган қаҳрамонларимиз ва саркардаларимиз ҳақида, юртимиздан етишиб чиқиб, ўзининг буюк хизматлари билан бутун оламга машҳур бўлган бобокалон мутафаккирларимиз, улуғ адибларимиз ҳақида фахр билан сўзлаб беришимиз, Ватанимизнинг шонли тарихи ҳақида алоҳида ғурур билан ҳикоялар айтишимиз, халқимизнинг бутун инсониятга татигулик ибратли одатларининг мазмунини тушунтириб беришимиз, уларга миллий қадриятларимизнинг келиб чиқиши ва асл моҳиятини англатишимиз керак бўлади. Бу борада ёшларга миллий ўзлигини англатиш муҳим аҳамиятга эгадир[1]. Ўзлигини англаган инсон Ватан манфаатларини ҳам яхши англайди. Ватанпарварлик замирида унинг манфаатларини тўғри англай олиши, бу манфаатлар учун курашиш ва ҳимоя қилиш туйғуси ётади. Ватанпарвар инсонларгина ватанпарвар кишиларни тарбиялай олади.

Миллий қадриятларга садоқат туйғуси миллий ғурур, миллий шааън ва миллий орият туйғулари билан боғланган бўлиб, улар инсоннинг ўз Ватани манфаатларига жиддий ёндашиш хусусиятларини тарбиялайди. Миллий ғурур бу инсоннинг ўз юрти ютуқларини яхши англаган ҳолда улардан фахрлана олиш ҳолати. Миллий шааън эса миллий мансублик белгиларини эъзозлай олиш ва унга нисбатан ҳимояловчи позициясининг намоён бўлишидир. Миллий орият миллатнинг ютуқларидан ғурурланиш ва камчиликларини тузатиш учун жонкуярлик қилиш туйғусидир. Миллий орияти бор инсон миллатининг ютуқларидан қувонади ва камчиликларидан куюнади. Миллатнинг яхши хусусиятларини оширувчи, ёмон томонларини бегоналардан яширувчи миллатпарварлик туйғусидир. Буларнинг барчаси миллий ўзликни англашда муҳим аҳамият касб этади.

Ватан манфаатлари учун курашишда бу туйғуларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг алоҳида ўрни бор. Миллий ғурур ва орият туйғулари ривожланган юртда миллий юксалиш барқарор бўлади. Бу борада японларнинг мустақилликка эришиш даврида ва иккинчи жаҳон урушидан кейин олиб борган ҳаракатларини эслатиб ўтиш ўринлидир. Тэцукаяма университетининг собиқ ректори, Осако университети фахрий профессори, таниқли назариётчи-физик Рёю Утияма (1916-1990) хотирлашича, Японияда миллий тараққиёт учун кураш даврида Япония ўзининг кўплаб мутахасис-ларини ғарб мамлакатларига, Европа ва Америкага стажировкага юборган. Ёшларни стажировкага, ўқишга юборишдан олдин улар билан миллий ғурур борасида суҳбат ўтказишиб, сен ўзга юртларга борганда Япониялик эканлигингни унутма, Япония шаънига доғ туширма, уларга япон фарзанди қандай бўлишини ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан намойиш қил. Ўз юртингга хориждан янги ютуқлар, янги ғоялар билан қайтиб кел. Жаҳондаги нуфузли журналларда ҳеч бўлмаганда 1та, 2та мақола эълон қил. Бу топшириқлар стажировкага кетувчиларни илҳомлантирар, ғурурлантирар эди, деб эслайди Рёю Утияма. Аммо, чэт элга бориб бирор мақола эълон қилмасдан Японияга қайтиб келиш япон ёшлари учун ўта

[1] To‘rayev B.O. Tanlangan asarlar: Jild II: Ijtimoiy falsafa, sotsiologiya, milliy g‘oya va publitsistika. – T.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2015. – B. 334.

шармандалик, уят ҳисобланарди. Айрим япон тадқиқотчилари бундай шармандаликка чидай олмай ўзларини харакири қилганлар ҳам бўлди. Утияма ўзи ҳақида хижолат билан эсларкан, шундай ёзади: “Мен ўқиш ва тадқиқотлардан ташқари ўйин ва кўнгил очар машғулотларга берилиб, вақт қандай ўтганлигини сезмай қолибман. Бирор мақола ёзишга улгура олмаган эдим, шунда, Япония ҳукуматидан ўз ҳисобимдан яна 2 ой муддат беришларини сўрадим. Шу муддатда жиддий тадқиқот олиб бориб, натижаларимни умумлаштириб, илмий журналларда 2та мақола эълон қилдим. Кечқурунлари кафеларда идишларни ювиб тирикчилик учун пул топардим”[1]. Мана миллий ғурур тарбиясининг амалий натижаси. Японияни Япония қилган тарбия миллий ғурур ва орият тарбиясидир.

Мамлакатни энг аввало инсон капитали ривожлантиради. Шундай экан, бу капитални тарбиялаш, такомиллаштириш лозим. Унинг учун таълим тизимида миллий ғурур ва орият туйғусини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш, юксак савияли бадиий асарларга таяниш лозим. Бу мамлакат истиқболи учун ўта муҳим стратегик масаладир. Аммо миллий ғурур ва орият тарбиясида меъёрга жиддий риоя этиш лозим. Агар бу борада меъёрдан чиқилса, миллий ғурур миллатчиликка, миллий орият эса тажовузкорликка айланиши мумкин. Фалсафада ҳар қандай сифат меъёридан ошса, ўзининг қарама-қаршисига айланади деб бежиз айтилмаган. Халқнинг миллий ғурури ва ориятини инсонгарчиликка хизмат қилдириш ҳамда бу қадриятларни миллатлараро ҳамжиҳатликни, бағрикенгликни қарор топтириш йўлига, бунёдкорлик йўлига йўналтириш жуда муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг стратегик вазифаларидан бири бўлган “Ҳаракатлар стратегияси” дастурининг шарҳининг миллий маънавиятни асрашга оид вазифалар қисмида мазкур дастурни амалга ошириш - “жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларга янги куч бағишлайди”[2], деб жуда тўғри таъкидланган.

Бу ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган вазифалар ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаролари зиммасига улуғвор вазифаларни юклайди ҳамда уларни адо этишда миллий ғурур ва ориятли ватандошларимизнинг ҳамжиҳат ҳаракати юртимиз келажаги учун муҳим роль ўйнайди.

СИНЕРГЕТИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК МОҲИЯТИ

Абдуллаева М.Н.-ф.ф.д., профессор,
ЎзМУ Фалсафа илмий жамоаси

Синергетика асосий илмий йўналиш сифатида XX асрнинг 60-70 йилларида шаклланди. Бунда Г.Хакен, И.Пригожин, И.Стенгерс, Г.Николис,

[1] Утияма Р. К чему пришла физика: от теории относительности к теории калибровочных полей. – Москва: Знание, 1986. С.5.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. Б.37

А.Климонтовичларнинг хизмати катта бўлди. У, асосан, физик, кимёвий, биологик ҳамда иқтисодий, техникавий, ижтимоий мураккаб жараёнлардаги ўз–ўзини ташкил бўлиши, ўз–ўзининг бошқарилиши, тартиблиликдан тартибсизликка (хаос) ўтиш, чизиқли ва чизиқсиз каби ҳолатларнинг йўналиши, қонуниятини топишга интилди.

Синергетика XXI аср бўсағасида пайдо бўлиб, тараққиётнинг янги қирраларини тушунишга ёрдам бераётган янги тафаккур услуби, деб баҳоласа бўлади. Шу билан бирга, синергетика (юнон. sunergeia – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) ҳозирги замон ўз–ўзидан ташкил бўлиш назарияси, ўз–ўзини бошқариш, ночизиқли ҳодисаларни ўрганишга, дунёни янгича изоҳлашга, мураккабликни ўрганадиган, табиий ва ижтимоий–иқтисодий жараёнларниинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, тафаккур услубидир.

Ҳозирги вақтда синергетика ғоялари гуманитар фанлар вакиллари ижтимоий давлат ва ҳуқуқ муаммолари тадқиқотида қўлланилади. Яъни, синергетика шаклланган ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнлари барча тизимларга (физика, биология, ментал, ижтимоий) хос.

Ўз-ўзини ташкиллаштириш – ночизиқли очиқ тизимларни хаотик, тартибсизлик ҳолатидан тартиб ҳолатига ўз-ўзидан (ташқи таъсирсиз, ички сабаблар туфайли) ўтиш.

Синергетика ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнини ўрганади. Тизим ночизиқли, очиқ ва турғунлик ҳолатидан узоқда ҳаракат қилиши керак. Ўз-ўзидан шаклланиш учун тизимда модда, энергия ёки ахборот таъсир этиб туриши шарт. Тизимда бирданига қўққисдан янги структураларни пайдо бўлиши ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг муҳим хусусиятидир.

Замонавий табиий-илмий далиллар дунёни ночизиқлигини, ўта мураккаблигини кўрсатмоқда. Биз ҳаётимизда кўпроқ ночизиқли жараён, воқийликлар билан тўқнашамиз. Экстремал ҳодисалар, «капалак эффекти», кичкина таъсир каттакон ўзгаришларга сабаб бўлиши каби муаммоларни чизиқли тафаккур асосида ўрганиш мумкин эмаслиги ҳозирги кунда ҳаммага аён бўлди. Шунинг учун чизиқли тафаккурдан ночизиқли тафаккурга ўтиш зарурлиги таъкидланади.

Ҳозирги вақтда ўз-ўзини ташкиллаштириш ғоясига асосланган ва унинг фанлараро моҳиятини кўрсатувчи концепциялар мавжуд Г.Хакен – лазер нурларини пайдо бўлиши, И.Пригожин – диссипатив структураларни кимёвий жараёнларда пайдо бўлиши, Матурана ва Варела – аутопоэзия – тирикликни пайдо бўлиши, Мандельбро – фрактал геометрия, Луман – ижтимоий ҳаётда ва ҳ.к. Ушбу концепцияларнинг асосини қарама-қаршиликлар кураши эмас, балки бирлашиш, корпорациялашиш, ўзаро таъсир – ҳамкорлик ва ижод ташкил этади.

Г.Хакен синергетика тизимда элементларни ўзаро таъсир, ўзаро алоқаси натижасида шаклланишини ифодалайди деб таърифлайди. Г.Хакен ўз тадқиқотларига асосланиб, оддий ёруғликдан лазер нурини пайдо бўлиши – ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг намунавий кўриниши, ушбу жараён мувозантсиз тизимларга хослигини аниқлади. Лазер – иссиқлик мувозанатидан узоқда

бўлган кўпгина майда заррачаларнинг тизими. Унинг мавжудлиги, сақланиб қолиши учун, унга ташқаридан энергия таъсир қилиб туриши зарур, лекин шаклланиши, ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг қоидаси барча ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимларга хосдир.

Г.Хакен концепцияси билан бир қаторда И.Пригожиннинг диссипатив структуралар концепциясининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

И.Пригожинни диссипатив структура концепциясининг асосий ғояси, классик фандаги тушунчадан фарқли, диссипатив структура ўзининг турғунлик, мувозанат ҳолатини, мувозанатли ҳолатдан узоқда бўлганлигида ҳам сақлайди. «Пригожинни фикрига кўра – диссипатив структуралар тартибсизлик дунёдаги тартиб орқали ва ўзининг тартибини атроф-муҳитдаги тартибсизликни кучайтириш ҳисобига қолади ва кучайтиради». Ушбу концепцияда структуралар ва ўзгаришлар бир вақтда мавжуд бўлиш муаммоси ҳал қилинди. Структура ва ўзгаришлар, тартиб ва тарқалиш борлигини тушунтириш учун классик фанда қабул қилинган мувозанат тушунчасидан мувозанатсизлик, тартибдан тартибсизлик, борлиқдан (статика) шаклланиш жараёнига урғу берилди.

Синергетиканинг асосий мавзуси қуйидаги ғояларда ўз ифодасини топиши керак: емирилувчилик ва яратувчилик (бунёдкорлик), деградация ва эволюция жараёнлари Коинотда тенг ҳуқуқлидир; бунёдкорлик жараёнларида мураккаблик ва тартибликнинг ўсиши, ягона алгоритм асосида рўй бериб, тизимларнинг моҳиятига боғлиқ эмас.

ТАЛАБА ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ - МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

С.Каримов-СамДУ профессори

Ҳозирги мафкуравий глобаллашувнинг кенг қулоч ёйиши жамият аъзоларининг барча қатламлари орасида ғоявий мафкуравий тарбия жараёнини назарий ва амалий жиҳатдан тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Бунинг икки асосий омили мавжуд: ташқи ва ички. Ташқи омил сифатида ўзини намоён қилаётган ғоявий-мафкуравий-маънавий таҳдидлар ёшларимизни йўлдан уришга ва уларни чалғитишга қаратилган ҳаракатлари сифатида намоён бўлса, унинг ички омиллари мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳатларнинг туб моҳияти халқимизнинг фаровон ҳаётини барпо этишга қаратилганлигини ва жамиятимизни энг тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқаришга бўлаётган ҳаракатлар эканлигини чуқур тушуниб етиш ва халқ оммасига тўғри етказишдан иборатдир.

Бу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган мурожаатида таъкидлаганларидек, “биз амалга ошираётган буюк ишларда қудратли ғояга таянамиз”, деган ибратомиз ва долзарб фикрлари бунинг исботидир. Ғоя миллий ғоя сифатида халқ мафкурасига айланган тақдирдагина қудрати кучга айланади. Унинг

қудратлилигига халқнинг буюк мақсадларимиз ва ғояларимизни чуқур англаши натижасида эришилади. Бу ўринда ёшларнинг роли ва ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Демак, биз ёшларни ғоявий мафкуравий тарбиялаш жараёнига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янгича ёндашишимиз зарур бўлади. Бу ўринда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур:

1. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларининг глобаллашуви инсоният олдига кутилмаган ва тезкор ечим талаб қиладиган ҳамда жиддий ёндашадиган муаммоларни қўймоқда. Бу айниқса, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви билан янада ойдинроқ намоён бўлмоқда. Инсоннинг қалби ва тафаккури учун аёвсиз кураш бошланди. Бу эса, ҳар бир мамлакат учун ўз халқининг жипслиги, тараққиёти ва давлат сиёсатининг тақдири сифатида қарашни шарт қилиб қўймоқда. Чунки, мафкура ижтимоий борлиқнинг, яъни кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий, сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англаниб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятда назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

Одатда ҳар бир давлат, ўзи бажараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий синфлар, табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқодлар ва майллар шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи мафкурага муҳтож бўлади. Шу билан бир қаторда, умумдавлат мафкураси талаблари ва қоидалари доирасида жамиятдаги, мамлакатдаги ижтимоий синфлар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқод вакиллари ўз мафкураларини ишлаб чиқадилар.

Жумладан, бизнинг Ўзбекистон мафкуравий жараёнларга жиддий ёндашиш билан ижтимоий табақаларнинг ҳар бирига ўзига хос тизимли, мукаммал тарғибот-ташвиқот тамойилларини ишлаб чиқмоқда. Бу эса, ўз навбатида бутун халқимизни ягона мақсад йўлида жипслаштиришга, миллатлар ва ижтимоий табақаларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий табақлар ичида ғоявий - мафкуравий соҳада талаба ёшларга ёндашиш ўзига хос масъулият талаб қилади. Биринчидан мамлакатимизнинг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил қилар экан ва дунёда энг ёш мамлакат ҳисобланар экан, бу ўзига хос мафкуравий-ғоявий тарбияни талаб қилади. Иккинчидан, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, ёшлар келажак учун мамлакат тақдири учун жавобгардирлар.

2. Таълим-тарбия тизимида талабаларни ғоявий-мафкуравий йўналиш асосида тарбиялаш давр талаби сифатида ўзини намоён қилмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир, деган фикрлари ўзининг долзарблигини намоён қилиб бонг урмоқда. Бу эса ўз навбатида талаба

ёшларни тарихий, миллий, умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Чунки, миллатнинг келажаги бўлган ёшлар тўлақонли касб эгаси бўлиши, ўз Ватанининг ватанпарварлари бўлиши учун ғоявий-мафкуравий чиниққан бўлиши зарур. Зеро, талабаларнинг интеллектуал қобилиятини, тафаккурини, билим савиясини, ижтимоий фаоллигини, тарбиячилик сифатларини тарбиялаб бориш миллий мафкурамизнинг муҳим қирраларидандир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни тўғри тушуниш, англашда миллий мафкура тарбиясининг роли беқиёсдир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, мафкураси заиф бўлган одам, ҳатто у олий маълумотли мутахассис бўлса-да ижтимоий ҳаётда ҳеч қачон етук шахс бўла олмайди. Мафкуравий заифлик талабага ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаш ва намоён қилишга тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам талабаларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқарашини ғоявий-мафкуравий ҳушёрлик, огоҳлик, маърифатпарварлик, инсонпарварлик, умуминсоний қадриятлар ҳамда она–Ватанни севиш руҳида тарбиялаб бориш профессор-ўқитувчиларнинг айниқса ижтимоий фан ўқитувчиларининг касбий ва фуқаролик бурчлари бўлиб ҳисобланади.

3. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мафкура бир муддатда намоён бўлиб, сўнгра сўниб қоладиган тасодифий ҳодиса эмас балки, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг таркибий қисми, уларнинг мақсад-вазифаларини ифодалайдиган ғоялар мажмуасидир. Мафкура давлат ривожини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги вазифаларни ўзида мужассамлаштиради. Мамлакат фуқароларининг яратувчанлик, ижодкорлик фаолиятларини фаоллаштиради, сиёсий-ғоявий даражалари ўсишига хизмат қилади.

Шундай экан, ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири мафкуравий тарбияни тизимли асосда объективлик ва мукаммаллик тамойиллари асосида ташкил қилишни талаб қилади. Дарҳақиқат, тарбия жамиятда амал қилаётган меъёрларга мос равишда шахсни мақсадли тизимий шакллантириш жараёнидир.

Мафкуравий тарбия инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. (Фалсафа., Қомусий луғат).

Мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси эса, халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий мафкуранинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва айниқса ёшлар онгига сингдиришдан иборат.

Мафкуравий тарбия энг аввало оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақазо этади. Санаб ўтилган ҳар бир тоифага мафкуравий тарбия ўзига хос хусусиятларни тизимли асосда ва узлуксизлик ва давомийлик тамойили асосида ташкил қилишни талаб қилади. Бу ўринда мафкуравий тарбия олиб боришнинг асосий

бўғини мафкуравий мақсадларни уюшган ёшлар онгига сингдириш вазифаси таълим тизими орқали амалга оширилади. Дарҳақиқат, таълим шахснинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига жамиятда мавжуд маданиятга тайёрлаш ва мослаштириш вазифасини бажарувчи ижтимоий институт ҳисобланади.

4. Талаба ёшларни ғоявий-мафкуравий руҳда тарбиялаш аввало ҳар бир таълим муассасасида умумдавлат талаблари асосида ташкил қилинган тизимли мафкуравий тарбиядан бошланади. Бу эса ўз навбатида мафкуравий жараёнларни тўғри англаб етадиган, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан мукаммал билимга эга бўлган, ғоявий сергак мафкурачилар армиясини шакллантиришдан бошланади. Чунки, ғоявий-мафкуравий тарғибот мукаммал билим, ғоявий-мафкуравий-сиёсий жиҳатидан етук билимга эга бўлган профессор-ўқитувчиларгагина юклатилиши зарур. Акс ҳолда, ғоявий жиҳатдан етук бўлмаган, маънавий дунёси тор, мафкуравий масалаларни тўғри ва тўлиқ тушунмайдиган тарғиботчи тескари тарғибот олиб бориши ва талабаларни ғоявий мажруҳлик сари етаклаши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир олий таълим муассасасида юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб берадиган профессор-ўқитувчиларни бирлаштирган махсус “Тарғиботчилар гуруҳи” ёки маркази ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ғоявий-мафкуравий тарғибот ишларида ҳар бир олий таълим муассасаси умумий ва яхлит тизим асосида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун олий ўқув юртлараро ҳамкорлик йўлга қўйилиши бир мақсад сари қилинаётган ҳаракатнинг асосий шартидир. Бу борада олий ўқув юртларида ғоявий-мафкуравий тарғибот ишларини тизимли ташкил қилиш мақсадида уларнинг айниқса, ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур бўлади. Бунинг амалий кўриниши сифатида олий ўқув юртлараро тажриба алмашиш, илмий ҳамкорлик қилиш мақсадида олий ўқув юртлараро илмий тўпламлар чоп эттириш мақсадга мувофиқдир.

ГЛОБАЛЬНОЕ ИНФОРМАЦИОННОЕ ОБЩЕСТВО И ЧЕЛОВЕК В ЗЕРКАЛЕ ФИЛОСОФИИ

Иззетова Э.М.-Ташкентский государственный институт востоковедения д.ф.н.

Современная цивилизация характеризуется глобальными процессами, которые по своим масштабам и значимости являются беспрецедентными в истории развития человечества. Мощные сдвиги, которые происходят сегодня во всех сферах жизнедеятельности человека, привели к формированию нового типа цивилизации – глобального информационного мира. Планетарные масштабы происходящих процессов, более широкое использование научных знаний и наукоемких высокоэффективных информационных технологий, стали главными отличительными чертами этого общества. Современный мир невозможно представить себе без компьютеров и информационных систем. Сегодня в нашу жизнь стремительно ворвались цифровые технологии. Развитие технологий, вычислительной техники и цифровых телекоммуникаций все

сильнее влияет на другие сферы бытия человека. Мировое сообщество в полной мере осознает необходимость интегрироваться в цифровую среду.

Становление этой цивилизации происходит в настоящее время ускоренными темпами в результате взаимодействия трех основных процессов: глобализации общества, его комплексной информатизации и новой технологической революции, приоритетными направлениями которой стали биоинженерия, цифровые и нанотехнологии. Судя по результатам научных прогнозов, именно глобализация, информатизация, новые технологии и позволят сформировать тот новый технологический уклад общества, который кардинальным образом изменил привычный образ жизни всего населения планеты.

В информационной цивилизации существенным образом возрастает роль человека. Но эта роль носит амбивалентный характер: а) человек является главным ресурсом и движущим фактором развития информационного общества; б) именно человек является одним из основных факторов риска на пути этого развития [1,с.57-58]. Возрастание роли человека в информационном обществе является объективно обусловленным. Основным объектом труда в этом обществе становится информация и ее высшая форма – научное знания. В то же время, информация и знания все больше становятся не только объектом, но и результатом труда, наиболее ценным продуктом человеческой деятельности. Поэтому в структуре занятости населения возрастет число людей, которые связанны с получением, обработкой, хранением и распространением информации и знаний.

Информационные технологии являются мощным катализатором всего процесса развития общества. В центре этого процесса находится человек, так как именно он является основным генератором знаний, составляющих фундамент этого развития и определяющих его направления, а также возможные последствия. Поэтому и основное внимание общества должно быть сконцентрировано не на развитии материальной сферы, а именно на гуманитарных проблемах, связанных с развитием и использованием человеческого капитала и его потенциала.

Будущее сегодня приближается слишком быстро, не оставляя человеку времени для того, чтобы он смог психологически перестроиться для адекватного восприятия той новой реальности, которая уже наступила. Вопрос заключается в том, успеет ли человек изменить себя таким образом, чтобы решение этих проблем стало практически возможным еще до наступления катастрофических последствий глобального кризиса цивилизации. Однозначного ответа на этот вопрос сегодня не существует. Все зависит от того, какими личными качествами будет обладать человек в самом ближайшем будущем. А. Печчеи писал: «Человеку необходимо быстрее приблизиться к следующей фазе своего развития – той, где он, сочетая свое могущество с достойной мудростью, научится поддерживать в гармонии и равновесии все дела человеческие» [2, с.35].

Стремление к материальному благополучию и личному обогащению стало сегодня главным приоритетом культуры стран Запада, которая, благодаря процессу глобализации, активно навязывается и всему остальному миру. Однако именно эта материально ориентированная культура и потребительская идеология представляют сегодня наибольшую угрозу для дальнейшего устойчивого и безопасного развития человеческого общества. «…Вся наша цивилизация нежизнеспособна, и причина этого в нежизнеспособности нашей ценностной системы, самого нашего сознания, которое определяет наше отношение к миру» [3, с. 20].

Весьма серьезную опасность для человека представляет развитие глобальных сетей телевидения, компьютерных коммуникаций, радиосвязи и других информационных систем, которые создают широкие возможности для воздействия на общественное сознание и манипуляции этим сознанием. Еще одной проблемой информационного мира можно считать появление «клипового мышления», которое стало ответом на возросшее количество информации. Обладатель клипового мышления затрудняется, а подчас не способен анализировать какую-либо ситуацию, ибо получает информацию пульсами, не фокусируясь на идеях, воспринимает мир не целостно, а как череду почти не связанных между собой фактов, событий. Э. Тоффлер это новое явление, рассматривает в качестве важного элемента общей информационной культуры будущего, которую называет «клип-культурой». «Клиповое мышление» - это процесс отражения множества разнообразных свойств объектов, без учета связей между ними, характеризующийся фрагментарностью информационного потока, алогичностью, полной разнородностью поступающей информации, отсутствием целостной картины восприятия окружающего мира [4]. Все выше рассмотренные явления современного мира, как мы видим, не всегда служат приумножению благ, а порождают серьезные проблемы.

Наше резюме сводится к следующему. Верно сформулированные задачи, стратегия развития науки, образования и культуры, могут стать важным средством противостояния современным угрозам. Наиболее важными задачами можно считать формирование: новой информационной культуры личности и общества, соответствующей условиям и требованиям информационного общества; новой системы духовных ценностей, которая была бы адекватной условиям существования человечества в XXI веке; инновационной научной парадигмы и нового научного мировоззрения; информационной этики, которая сможет обеспечить необходимый уровень информационной безопасности современной цивилизации. Долг философии в этой ситуации – всемерно содействовать сохранению человеческого достоинства, ясности мысли, оптимистической перспективы, решимости преодолеть кризисные явления.

ФОРОБИЙНИНГ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИНИНГ КОНСТРУКТИВ МОҲИЯТИ

Г.Т.Маҳмудова- ЎзМУ профессори

Ўрта асрлар Марказий Осиё эстетик тафаккурининг шаклланиши маданият, илм-фан ва санъат тараққиёти билан белгиланади. Умуминсоний қадриятларга эътиқод, инсонпарварлик тамойилларига содиқлик руҳи мустаҳкам тизимга айлана бошлади. Марказий Осиё халқлари тарихида “Уйғониш биринчи навбатда, қарамликдан қутулиш, мустақил тафаккур, мустақил ижод, мустақил маънавийлик – мустақилликнинг самараси бўлди” [1.68б].

Мана шу ёндашув орқали Марказий осиё халқларининг эстетик тафаккури бой ва кўпқиррали эканлигини эътироф этиш жуда долзарб муаммолар қаторидан ўрин эгаллайди. Зеро мамлакатимиз эстетик тафаккури тарихига бағишланган асарлар бой ва катта илмий захирани ташкил этади. Л.Исломова таъкидлаганидек: “Ота боболаримиз маънавий ва моддий маданиятининг юксалиши ҳақида яна бир ёрқин мисол бу кўҳна шаҳар Афросиёбда топилган қазилмалардир. Унинг саси нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бошқа кўп мамлакатлар олимлари ўртасида ҳам илмий тадқиқотлар объектига айланган. Афросиёб қазилмалари маҳаллий санъаткорларнинг VII асрдаёқ мисли кўрилмаган турғун бўёқларни билганликларидан ва умуман ҳар тарафлама ривожланган тасвирий санъатга эга бўлганликларидан далолат бериб туради” [2. 6-7б]. Умуман олиб қараганда, ўрта асрлар Марказий Осиё эстетикаси ўзининг гўзалликка бўлган шарқона муносабати билан, анъанавийлик ва замонавийликни синтез қилган юксак таълимот сифатида катта аҳамият касб этади.

“Бу давр маданиятининг характерли томонларидан бири шундаки, илм-фан, санъат-адабиёт, ижтимоий-фикр асарлари уч тилда – араб, форс-тожик ва туркий тилларда ижод этилди. Бу даврда Ўрта Осиё, бутун мусулмон дунёси маданиятига қадимги юнон илм-фани, маданиятининг таъсири ҳам кучайди” [1.71].

IX-X асрларда маданий ривожланишнинг муҳим қисми бўлмиш қомусшунослик вужудга келди. Бу илк Ўрта асрда турли библиографик, жўғрофий луғатлар, ҳар ҳил тазкираларнинг кўплаб ёзилишида ўз ифодасини топди. Бу давр маънавий маданиятнинг энг бой, ранг-баранг соҳаларидан бири адабиёт бўлиб, ўз даврининг дунёқараши, ижтимоий онгининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди. Турли жанрларни ўз ичига олган, турли тилларда ёзилган бадиий асарларсиз замона маданиятини ўрганиш, тасаввур этиш мумкин эмас.

Шу маънода Л.Исломова таъкидлаганидек: “Шеър ва қофиялар тўғрисида” номли рисоласида *Форобий* бадиий образлар шоир фантазиясида туғилади, аммо ўз моҳияти нуқтаи назаридан доим борлиқни акс эттиради, деб уқтиради. Сўнгра рисола муаллифи поэзия ва санъатнинг жамият ҳаётидаги юксак роли

тўғрисида тўхталиб, санъатнинг мақсади тақлиб қилиш орқали инсоннинг сезги ва тасаввурларига таъсир этишдан иборатдир, дейди" [2.10].

Ўрта асрлар Марказий Осиё эстетик қарашларнинг ривожланиши бир томондан бадиий услуб ва иккинчи томондан давр алломаларининг нафосат, гўзаллик ҳақидаги фикрлари билан эътиборлидир.

*Абу Наср ал Форобий*нинг катта фалсафий мероси ичида унинг эстетик қарашлари ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро *Форобий*нинг эстетик қарашлари бўйича Республикамизда махсус ва кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Форобий дунёқарашининг конструктив жиҳати яқин ва ўрта Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий қарашлари негизида шаклланган фалсафий таълимотдир. Жумладан қадимги юнон маданияти, айниқса *Аристотел*нинг фалсафий ва табиий мероси унинг файласуф сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатган. М.Хайруллаевнинг мажозий талқинига кўра: "*Форобий* учун борлиқ – бамисоли ғунча, секин асталик билан очилади, ўз бўёқларини борган сари турли жозибадорликда кўрсатади, бундан бепоён бойлик акс этади" [3.214]. *Форобий* фикрига кўра борлиқ худо томонидан эмас, балки инсонлар эккан ноёб дарахтларга тўлган, ифорлари уфуриб турган боғдир. Инсон бу оламда, ҳаёт деб аталмиш гўзалликнинг яратган ва сақлаб турувчи боғбондир.

*Форобий*нинг эстетик қарашлари турли санъат асарларида, жумладан мусиқа ижодида ифодаланган, моддий ва маънавий оламнинг, рационал ва ҳиссий, қалб ва жисм ҳақидаги уйғунликни алоқадорлиги ва ифодасини тушунтиришга қаратилган. *Форобий* қадимги юнон файласуфларнинг уйғунлик ҳақидаги таълимотини такомиллаштирган ҳолда, "уйғунликни гўзалликнинг хусусияти сифатида тасдиқлашга ҳаракат қилган. Мутакаллимларнинг уйғунликнинг мистик моҳиятини идеалистик концепция орқали тушунтиришдан фарқли равишда, *Форобий* эстетикаси уйғунликни табиатнинг хусусияти сифатида тушунтирган" [4.43].

Уйғунлик *Форобий* фикрига кўра, камолот ва гўзаллик мезонидир. Инсоннинг қайси соҳада бўлишидан қатъий назар унинг камолоти (ахлоқий) ва гўзаллиги (эстетик) моддий ва маънавий, ақлий ва ҳиссий яҳлитлигининг қанчалик уйғун эканлигига боғлиқ. Бу уйғунликда, гўзаллик ёки хунукликни аниқлаш ва тасдиқлашда инсон ақли муҳим аҳамият касб этади. Ўз даврининг зиддиятли мафкурасига қарамай, *Форобий* гўзалликни моҳиятини табиат ҳодисалари, жамият ва инсон ижодиётида кўради.

Форобий фикрига кўра санъат ҳаётни билишда ўзгача инъикос вазифасини ўтайди. Гарчи *Форобий*нинг шеърият назариясида *Аристотел*нинг таъсири кузатилсада, шунга қарамай у борлиқни бирламчилигини ва инъикос-тақлидни иккиламчи деб тушунтиради. "Шеърий мунозараларда нарсаларга тақлид қилиш тақиб қилинади ва таллафуз орқали ифодаланади. Бу хайкалтарошлик санъати турли ҳайвонларни жисм ҳаракатлари орқали кўрсатадиган ҳодисага ўхшайди. Шеърият санъатининг бошқа санъатларга қиёслаш (силлогистик) хайкалтарошлик санъатининг бошқа амалий санъатларга муносабатига

ўхшайди, ёки шахмат ўйини ҳақиқий харбий ҳаракатларга ўхшашдир. Борликда бор нарсани, шоир сўзлар билан, хайкалтарош буни ўз хайкалларида ифодалайди, ҳайвонларга тақлиб қилувчи ўз ҳаракатлари билан ҳайвонларни кўрсатади, шахматчи эса – харбий харакатларда ифодалайди" [3.284].

Форобий фикрига кўра, гарчи санъат борлиққа тақлид қилиш бўлсада, уни ифодалайди ва ишлаб чиқаради, бироқ у борлиқнинг ўзидан фарқ қилади, у ўзига хос бўлган янгиланиш ҳодисасидир. Бу фикрларни у шахматчи ўйини билан исботлашга ҳаракат қилади. Шахматчи ўйин орқали харбий ҳаракатларга тақлид қилади, лекин шу билан бир қаторда харбий ҳаракатларга ўхшамаган ўзига хос бўлган бошқа санъатни яратади. Демак, санъатда ўзига хос бир ўйин борки, у воқеликдаги ҳодисаларга тақлид қилади.

*Форобий*нинг бу фикрларида рационал мантиқ борлигидан далолат беради. Воқеликдаги санъат бадиий образлар орқали воқеий борлиқни ифода этишдир. Лекин бу борлиқнинг ўзи эмас, у инсоннинг эркин ижодий ўйин кучи орқали яратилади. Умуман олганда, санъатнинг асосида ҳаётни маънавий ўзлаштириш ва қайта яратиш билан боғлиқ қандайдир ўйин бор. Зеро бундан *Форобий*нинг санъатнинг инсоннинг борлиққа нисбатан ижодий муносабатини кўрсатувчи жиҳатини тўғри англаб етганлигидан далолат беради. Бошқа жиҳатдан, *Форобий* санъат ҳодисаларининг хаққонийлиги тарафида қатъий турган, ҳар қандай тақлид, ҳар қандай янгилик шундагина мантиқан тўғри бўладики, қачонки, у силлогистик санъат сингари ҳақиқатга асосланган бўлса. "*Форобий* силлогизмни 2 га бўлади**.** Силлогистик хулоса чиқариш ва силлогистик бўлмаганга (яъни қиёсий бўлмаган) бўлади. Силлогистик санъат шундай санъатки, - дейди *Форобий*, - унинг бўлаклари аниқланиб бир бутун ҳолга келтирилиши учун силлогизмдан фойдаланишни талаб қилади. Силлогистик бўлмаган санъат эса унинг бўлаклари аниқланиб, бир бутун ҳолга келиши учун махсус ишни бажаришни (масалан) маълум ҳаракат ва ишни амалга оширишга қаратилган медицина, деҳқончилик, дурадгорлик, бинокорлик ва бошқа санъатларни талаб қилади" [1.109].

Форобий гўзаллик ва хунуклик категорияларини таҳлил этишда билишнинг мураккаб жараёни эканлигини эътироф этади. "Инсон туғилганда унда истеъмолчилик кучи пайдо бўлади ва унинг ёрдамида овқатланади. Шундан сўнг унда сезги кучи пайдо бўлади ва унинг ёрдамида иссиқлик, совуқни ҳис этади. Сўнгра шундай куч пайдо бўладики, у орқали хидларни билади, кейин яна бир куч пайдо бўладики, у орқали ранг, ёруғлик ва бошқа ўзга нарсаларни ҳис этади. Ҳис қилиш кучлари билан бир қаторда уни сезаётган нарсасига ундовчи ёки ундан қайтарувчи куч пайдо бўлади. Бу куч натижасида инсонда ҳис қилаётган нарсаларига нисбатан ё мойиллик ё нафрат уйғонади. Энди унда бошқа куч пайдо бўлади. Яъни сезгилар орқали таъсир доирасидан кетган нарсалар, уларнинг қиёфалари қолиб кетади. Бу қабул қилаётган қиёфаларни ҳамоҳанглик вазифасини бажарувчи тасаввур кучидир. Баъзи комбинациялар хаққоний, баъзилари сохта бўлади. Тасаввурдаги комбинациялар инсонни хаёл қилишга ундайди. Шундан сўнг инсонда ақлий куч пайдо бўлади, ва у орқали инсон ақлий ва абстракт тафаккур қилади, гўзалликни хунукликдан ажрата

олади, билимларга, санъатга ва фанга эга бўлади, улар билан қизиқади, тафаккур янглиғ ўсади” [5.244].

Форобий тасаввурни қиёфанинг мураккаб уйғунлик кучи деб қарайди. Бу жараённи у қиёфаларни механик аралишиши деб тушунса, бошқа жиҳатдан инсон қобилиятининг алоҳида ижодий вазифаларини ҳис қилган, демак мураккаб тасаввур ҳаққоний ва сохта қиёфаларни саралашга қодир.

Тасаввурнинг бундай мураккаб жараён сифатида идрок этиш ўз даври учун катта аҳамиятга эга бўлган. Агар инсоннинг тафаккури қиёфаларни мураккаблаштириб, идрок этиб ва яна ҳаётий тасаввурлар орқали янги қиёфалар яратса, бу бадиий тафаккурнинг асосини ташкил этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Шарқ эстетикаси тарихида *Форобий* бу масалани илмий асосга қўйганлигидан гувоҳ бўламиз. *Форобий* фикрига кўра, инсон фақат ақл орқалигина гўзалликни хунукликдан ажрата олади, яъни содда ҳиссий билиш гўзаллик ёки хунукликни ифодалай олмайди, бу ерда инсон ақлининг баҳоси зарур, чунки ақл ҳодисаларнинг эстетик қабулини саралай олади.

Форобий ўз даврининг илғор эстетик қарашларини ҳам тарғиб қилди ва ривожлантирди. Унинг “Катта мусиқа китоби” номли асари ўз даврида илғор фаннинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асарда мусиқа асбобларини ўрганиш ва мусиқа назарияси масалаларидан ташқари, мусиқанинг келиб чиқиши, мусиқа эстетикаси, эстетика қонунлари каби соҳаларда ҳам ажойиб фикрлар баён этилган.

“*Форобий* инсон тарбиясига таъсир қилувчи омиллардан бирини мусиқа деб билади. У мусиқани инсонга нафосат, эстетик завқ бағишловчи, ҳис-туйғулар ва ахлоқни тарбияловчи муҳим восита, деб ҳисоблайди. Мутафаккир “Мусиқа ҳақидаги катта китоб” номли кўп жилдлик асарида мусиқа назарияси ва тарихи, турли мусиқа асбоблари, куйлар ва уларнинг ички тузилиши, товушлар, ритмлар, оҳанглар ҳақида маълумот беради. *Форобий*, шунингдек, куйлар уйғунлиги, куй ижро этиш усуллари ҳақида сўз юритади.... *Форобий* янги мусиқа асбоби яратган, куй басталаган, моҳир созанда сифатида ном чиқарган. *Форобий*нинг айтишича, мусиқий тасаввурлар инсон руҳининг энг нозик жойидан қайнаб чиқиб оҳанг ҳолида сезги қувватларига таъсир қилади” [1.126].

Форобий фикрига кўра санъатнинг икки тури (шеърият ва мусиқани) уйғунлик асосида, шеърий сатрлардаги тартиб асосида бирлашиши инсоннинг маънавий оламига катта таъсир ўтказади. Демак, эстетик лаззатланиш санъат асарининг юксак камолотидан далолат беради. “Инсон мусиқани англаши учун, етарли даражада тайёргарликка эга бўлган ва юқори даражадаги ҳиссиёт соҳиби бўлиши керак”[6. 254-255].

Форобий мусиқанинг инсонга таъсир қилишдаги универсал хусусиятини эътироф этади. Мусиқа тинглаш орқали инсон нафақат эстетик завқланади, лаззатланади, у ахлоқий-эстетик жиҳатдан камолотга эришиб боради. Мусиқа – инсон қалбини кўп ҳаётий зиддиятлардан даволайди. Форобий фикрига кўра, товушлар ва мусиқа ҳақидаги фан “осойишталигини йўқотган инсонлар ахлоқини эвига солади, хали камолотга эришмаганларни, комил қилади,

мувозанати йўқолганларни, турғунликка келтиради. Бу фан жисм соғлиғи учун ҳам зарур, чунки жисм ҳасталанганда, қалб ҳам сўлийди, жисм тўсқинликка учраса, қалб ҳам қийинчиликка учрайди. Шундай қилиб жисм ва қалб шифо топади, уларнинг кучи эвига келиб, унинг субстанциясига мослашадилар, чунки бу жараённи товушлар бера олади" [7.151].

Шарқ диний-фалсафий ва илмий ғояларини ўрганиш жараёнида турли зиддиятли ва шу билан бир қаторда ягона ваҳдоният ғоясига қаратилган таълимотларга дуч келдик. Умуман олганда Марказий Осиё ўрта асрлар эстетик ғоялари кам ўрганилган ва жаҳон адабиётида кенг ўрин эгаллаган эмас. Бироқ шунга қарамай Форобийнинг эстетикаси унинг жаҳоншумул фалсафий таълимотида етарли баҳоланиши зарурдир. Зеро қатъий диний мафкурага асосланган Ўрта асрлар Марказий Осиё фалсафий таълимоти мураккаб ва зиддиятли дунёқарашлар ва ғоявий тамойиллар негизида шаклланишига қарамай инсон ақл идроки, илғор ижтимоий-тарихий тафаккур, халқ фольклори, халқ амалий санъати, архитектура каби соҳаларнинг ривожланиши орқали табиат ва жамият, инсон моҳиятининг мураккаб ҳодисаларини билишга йўналтирилган.

ФЕЙКОВАЯ МОДЕЛЬ ДЕЗИНФОРМАЦИИ КАК РАЗНОВИДНОСТЬ СИМУЛЯКРА

Ш.С.Кушаков- д.ф.н,профессор СамИЭС

Одним из коммуникативных оснований социума является социальная информация. Последняя играет важную роль в существовании и развитии общества, социальных систем и структур. В зависимости от предназначения и сферы использования различают экономическую, социально-политическую, хозяйственную, управленческую и др. видов социальной информации.

Все процессы, происходящие во взаимоотношениях людей, социальных групп, в управлении социальными структурами имеют информационную составляющую, компонент. Общество не может ни существовать, ни трансформироваться в более высокую ступень развития без производства, передачи и потребления информации. Вместе с тем, информация не функционирует, если можно так выразиться, в "безвоздушном пространстве". Социальная информация, какова бы ни была ее роль в обществе, все же является инструментом реализации определенных интересов, отношений, противоположных целей и устремлений. Этим можно объяснить появление противоречивых форм представления и функционирования социальной информации в обществе. Особенно выпукло этот аспект информации проявляется в соотношении информации и дезинформации как двух, противоположных по смыслу, типов социальной инфомации.

Дезинформация (фр.des – отрицание, information – сообщение) – это заведомо неверная, ложная информация. Со стороны формы представления и информация, и дезинформация сходны друг с другом, так как оба они

порождаются посредством кодирования сигналов, выработки символов, знаков, изображений и т.д. А вот функции другие, противоположны по смыслу и цели.

Функциональным предназначением дезинформации является достижение состояния дезориентации, когда люди лишаются правильного, адекватного представленя о каком-либо явлении, в результате чего формируется искаженный образ действительности.

Существует два типа дезинформации: 1) неумышленная дезинформация, вызванная, например, недостатком фактов, цифр, неправильной оценкой тех или иных событий; 2) сознательная дезинформация как результат осознанного извращения различных сторон социальной действительности, выработанная в политических, идеологических и иных целях.

Истоки проявления дезинформации как элемента структуры поведения восходит к первообытному обществу. В частности, проявлением дезинформации по отношению к объекту охоты являлось ряжение охотника под зверя (чтобы дезорориентировать животного, не испугать его), имитирование движений, голоса и повадок животных.

С возникновением и развитием цивилизаций, государств дезинформация становится орудием борьбы лиц, групп за установление того или иного господства. Оценивая должным образом силу дезинформации, Платон в своем утопическом плане государства выдвинул положение относительно судебного преследования лиц, ответственных за распространение ложных сообщений. На существование дезинформации обратил внимание Бируни: ”…сообщение о каком-либо факте, существование которого допускается естественным порядком вещей, одинаково может принимать правдивый или ложный вид”[1]

В новейшее время, когда возникают и всемерно распрстраняется средства массовой информации, дезинформация становится орудием и средством внедрения идеологических представлений и стереотипов, манипуляции сознанием и поведением людей. Это наблюдалось в политике и идеологии тоталитарных государств, особенно в условиях холодной войны между противоположными социально-политическими системами (НАТО- страны Варшавского договора во второй половине XX столетия).

Компьютерный век “принес” новый вид дезинформации, а именно фейковую дезинформацию. Причины и основания порождающие дезинформацию (столкновение интересов, борьба за влияние, феномен “цветных революций” и т д.) сохраняются, тем более, в условиях ведения информационных войн. Этому способствует использование возможностей интернета.

В интернетовском “исполнении” дезинформация чаще всего проявляется в виде фейка. Слово “фейк” в переводе с английского языка означает подделка или фальшивка. Еще в прошлом веке это слово использовалось англоговорящими людьми как синоним глагола “слямзить, стащить, стянут”, а в настоящее время оно стало обозначать нечто фальшивое. Все что удается

[1] А б у Р е й х а н Б е р у н и. Избранные произведения. Том 2.Ташкент, 1963. –С.57.

подделать под оригинал, начиная от брендов известных фирм и кончая изготовлением фальшивых аккаунтов и сайтов в интернете, входить в разряд фейков.

Интернет-фейки отличаются большим разнообразием. Это, например, фото-фейки, заказные публикации, письма, фейковые аккаунты, сайты, блоги, фальшивые программы, постановочные ролики и т.д. Целью всех этих фейков является создание полной иллюзии реальности происходящего. Особенно это касается постановочных видеороликов. Например, организация, известная под названием “белые каски”, создает видеоролики “демонстрирующие” сцены спасения людьми этой организации гражданское население Сирии, якобы подвергшихся химической атаки со стороны правительственных войск.

Виртуальная природа фейков позволяет провести достаточно строгую аналогию между ними и симулякрами. Все фейки выступают в качестве моделей симуляции, когда говоря словами Ж.Бодрийяра, происходит подмена реального знаками реального. Разъясняя смысл симуляции он пишет: “Симулировать – это значит делать вид, что у вас есть то, чего вы не имеете”[1]. Отсюда следует, что фейковая дезинформация как вид симулякра является описанием того, чего нет, а ее функция - распространение ложных сообщений, фальшивых свидетельств, с целью вводить потребителя информации в заблуждение. В этой связи представляется важным исследование различных аспектов функционирования информации в интернете вообще, и фейковой дезинформации, в частности, а также, особенностей информационных симулякров, чтобы глубже понять их природу, роль и место в мире виртуальной реальности, оказывающих все большее влияние на жизнь человека и социума.

ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Н.Сафарова- Нав.ДУ профессор

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқа, таъсир шу даражада кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла иҳоталаниб олган бironта давлатни топиш қийин. Бундай жараён глобаллашув деган тушунча билан ифодаланадики бу жараён турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши билан белгиланади. Аслида “Глобал” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, ер шарини ўраш, қамраб олиш деган маъноларни англатади.

Кўриниб турибдики, ҳозирги замон цивилизациясининг характерли томонларидан бири ижтимоий ҳаётнинг ҳам глобаллашув жараёнидир. Демак, глобаллашув бошқа соҳалар билан бир қаторда мафкуравий соҳада ҳам амал қилмоқда. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви-ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказиш жараёнига сайёрамизнинг барча минтақалари қамраб олинаётганлиги, мафкуравий кураш умумбашарий аҳамият касб этаётганлигини

[1] Б о д р и я р Ж. Симулякры и симуляция// hhtp: simulacra and – slmulation.blgsport.com

ўзида ифодалайди. Чунки “мафкуравий жараён” муайян ғоявий қарашлар тизимнинг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши билан боғлиқ босқичларнинг узвий бирлигини ифодалайди. Айнан мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлаирнинг кенгайиши оқибатида ер юзининг барча минтақаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқиёс касб этаётганлиги билан ҳам ифодаланади.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир биридан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция амалга ошади ва бу мафкуравий муҳофазани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришилган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Яъни миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув, қўшилишув, бирлашув жараёни содир бўлмоқда.

Иккинчидан, миллатлар, мамлакатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий , маънавий, маданий ривожланишидаги беқарорлик улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда.

Бунинг оқибатида яъни мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ижтимоий жараён сифатида ҳар бир авлод учун ўзига хос - хусусият касб этиб келган ва ҳар бир даврда ўзига хос ҳимоя усулларини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйган. Мафкуравий иммунитет тушунчаси ҳозирги давр авлоди учун мафкуравий ҳимояланишнинг муҳим шарти сифатида майдонга чиқди.

Мафкуравий иммунитет-шахс ва жамиятни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ғоявий назарий қарашлар тизимидан иборатдир. Иммунитет аслида тиббий тушунча бўлиб, озод бўлиш, қутулиш организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келшидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Янада соддароқ қилиб айтганда, иммунитет-киши организмининг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Бу тушунчани 1956 йилда венгер иммунолог олими М. Мадевар илмий атама сифатида фанга киритган ва асослаб берган.

Ижтимоий соҳага тадбиқ қилиб айтганда иммунитет инсон онгини ёт ғоявий унсурлардан ҳимоя қилиш ва уларга берилмасликни англатади. Демак инсонда мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш доимий жараён бўлиши зарур. Яна бир муҳим жиҳати мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Учинчидан эса, иммунитет тизим сифатида шаклланган жамиятдаги мафкуравий даҳлсизликни таъминлаш мумкин бўлади.

Шунинг учун ҳам мафкуравий иммунитетни шакллантириш энг долзарб муаммолардан бири сифатида ўзини намоён қилмоқда. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришнинг асосий бирламчи шарти билимдир. Аммо билимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян “билим” ларга таянадилар

ва уни сингдиршга ҳаракат қиладилар. Демак, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар, бир томондан объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ аск эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан, миллат, инсон манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Мафкурвий иммунитет тизимининг иккинчи асосий унсури анашу билимлар асосида шаклланадиган қадриятлар тизимидир. Демак билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса унинг замирида юзага келадиган қадриятлар шунчалик мустаҳкам бўлади. Дарҳақиқат, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитет имкониятларини белгилаб беради ва ҳар қандай ғоявий таҳдидлар йўлида қалқон бўлиб хизмат қилади. Мафкуравий иммунитет тизимининг учинчи муҳим шарти ғоявий маданий соҳаларда мақсадлар тизимининг аниқлиги билан белгиланади. Агарда мафкуравий масалада мақсад аниқ бўлмаса жамиятнинг ҳар бир аъзоси ё очиқ, ё яширин мафкуравий таъзйиқлар гирдобига тушиб қолиши табиий.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳаётимизга ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг аҳамияти катта. Мафкуравий профилактика кенг маънода ижтимоий институтлар томонидан ғоявий-тарбиявий тизим жараёнини ўз ичига олади. Демак бу тарбия жараёнида ғоявий таъсирнинг хилма хил усул ва йўлларидан фойдаланилади ҳамда турли хил воситалар қўлланилади. Шу ўринда мафкуравий профилактика маънавий таълим-тарбия тизимига таянишни ёддан чиқармаслик керак. Демак, унинг асосини таълим-тарбия ва тарғибот – ташвиқот тизими ташкил қилади. Бу ишни эса халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тизилмалар бўлган оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотларини фаолиятини тизимли ташкил қилиш вазифасини кўяди.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА ЁШЛАР МАСАЛАСИ

Ш.С. Ғаффаров- СамТИ профессор
Ж. Амирдинов- СамТИ ўқитувчиси

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга, иккинчи марта вилоят, туман, шаҳар депутатлари ва улар орқали 33 миллионга яқин халқимизга мурожаатнома қилдилар.

Мурожаатномадан 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимиз фуқароларининг келгуси беш йиллик ҳаётини белгилаб берувчи ушбу ҳужжат, аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган.

Президентимиз халқимиз фаровонлигини яхшилаш, хусусан ёшларга алоҳида ғамхўрлик қилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрда “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ги ПҚ-3271-сон Қарори асосида бугунги кунда жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратди .

Ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳал этиш йўлга қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Тарбия гўдакликдан бошланади”, деган ҳикматли сўзга амал қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни унинг энг қуйи босқичи – мактабгача таълим тизимидан бошладик. Қиёслаш учун фақат битта мисол келтирмоқчиман. Сўнгги икки йилда юртимизда болалар боғчалари сони 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди. Давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилаётган хусусий мактабгача таълим масканлари сўнгги бир йилда икки баробар кўпайди ва 568 тани ташкил этмоқда. Яна мингта шундай боғча очиш бўйича амалий ишлар бошланган.

Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, педагог-ўқитувчилар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи босқичма-босқич кўпайтирилиб, уларни рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий қилинмоқда. Ёшларимизга таълим-тарбия бериб келаётган педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди.

Таълим тизимининг кейинги босқичи – олий таълим соҳасида ҳам салмоқли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда 5

та янги олий таълим муассасаси ҳамда 12 та нуфузли хорижий олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилди .

“Эл-юрт умиди” жамғармаси мамлакатимиз тараққиёти учун истеъдодли кадрларни етакчи хорижий таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида ташкил этилди .

Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак, деб таъкидлайди Президентимиз. Шу мақсадда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифати тубдан яхшиланмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида “Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим .

Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун, барча шароитларни яратиш лозимлиги, хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклиги мурожаатномада таъкидлаб ўтилди.

Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалар давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, ён атрофимизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, шунингдек халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиш бирга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ёшларга кенг имкониятлар очиб бермоқда.

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИ ВА ИНТЕРНЕТ

Ш.С.Қўшоқов-СамДУ профессори, ф.ф.д.

XXI асрда яшаётган барча ёшдаги инсонлар тез, шиддатли ва ялпи ижтимоий-сиёсий, маънавий, технологик ва информацион ўзгаришлар оламига кириб келдилар. Катта ёшдаги кишилар ўзларида йиллар давомида тўплаган тажриба, билим, касбий маҳорат ва малака туфайли ҳаётнинг барча жабхаларида содир бўлаётган янгиликларга нафақат мослашиш, балки улардан самарали фойдаланиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ёшлар-чи? Айтиш керакки, ёшларда ўтиш даврини бошидан кечираётган жамиятда содир бўлаётган турли ўзгаришларга нисбатан ҳозир жавоб бўлиш ва мослашиш қобилияти етарли бўлмаслиги мумкин. Лекин, улардаги энергия, ҳаракатчанлик, тез фикрлаш, жўшқинлик ва бошқа хислатлар ҳар қандай пайдо бўлаётган ҳаётий, интеллектуал ва ижодий муаммоларни ҳал қилиш имкониятини беради.

Ёшлар жамиятда ўзига хос ижтимоий, маънавий психологик ва интеллектуал сифатлари билан ажралиб турадиган, ёши, тутган ўрни ва мавқеи жиҳатидан ўхшаш бўлган катта ижтимоий гуруҳни ташкил қилади. Бу гуруҳга оид индивидларнинг маънавий олами, онги, бунёдкорлик ва ижодий қобилияти тўхтовсиз шаклланиш, ўсиш ва такомиллашув ҳолатида бўлади. Мана шундай ҳолатнинг мавжудлиги ёшларни жамиятда ҳаракатчан, ҳар қандай ўзгариш ва инновацияларга нибатан очиқ бўлишини белгилайди. Шу билан бирга ёшлар олдинги давр стереотиплари (бир хил қолипда фикрлаш) ва замон талабига мос келмайдиган тамойиллар ва қадриятлардан холис бўлган, янги ижтимоий ролларни эркин ва манфаатдор шахс сифатида бажара оладиган, ўзининг ўрни ва мавқеини фаол излаш ва мустаҳкамлашга интиладиган қатламдир. Бу қатламнинг катта жабхасини ўқувчи ёшлар ва талабалар ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда ёшлар сон жиҳатидан инсониятнинг энг йирик авлодини, хусусан, 2 миллиард кишини, мамлакатимизда эса аҳолининг 60% ни ташкил қилади. Шу рақамга эътиборни қаратиб, республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-чи сессиясидаги нутқида “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиш...Ёш авлодни ижтимоий қўллаб – қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим”, деб таъкидлади[1].

Ёшлар ҳаёти ва фаолиятига маълум маъно – мазмун берадиган муҳим субъектив омил дунёқараш ва эътиқоддир. Дунёқараш олам ва бизни ўраб турган теварак – атроф, воқелик тўғрисидаги умумлаштирилган тасаввурлар, образлар, ғоялар ва тамойиллардан ҳосил бўлган мураккаб, кўп қатламли концептуал, назарий, ҳиссий – образли, норматив қарашлар тизимидир. Шу тизим асосида индивид дунёда бўлаётган воқеа – ҳодисаларни англайди, ўзи ва бошқалар фаолиятига муносабат билдиради, баҳо беради.

Онгнинг таркибий қисми сифатида дунёқараш инсоннинг шахсиятли структурасини шаклланишида фаол роль ўйнайди. Шахсиятли структура ўз навбатида ижтимоий, психологик, қадриятли, интеллектуал ва бошқа маънавий – идеал даражалардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири воқеликнинг мазмун – моҳиятини, қадриятли томонларини очиб беради, умумлаштиради, баҳолайди.

Дунёқарашни шакллантириш қобилияти индивиднинг болалиги, ёшлик ва балоғат ёшларида турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида юксалади, такомиллашиб боради. Бу жараёнда дастлабки асос сифатида оила, таълим – тарбия муассасалари, мулоқот, китоб, газета ва журналларни ўқиш устувор аҳамиятга эга бўлади.

Ёшлик (хусусан, 18 – 20 ёш) – шахснинг интеллектуал қобилияти, аҳлоқий ва эстетик ҳиссиёти энг фаол ривожланиш палласи, руҳияти ва танлаган ижтимоий ролни бажариш борасида барқарорликка эришиш давридир. Бу давр ёшлик учун ўз – ўзини англаш ва ўсмирликда шаклланган дунёқарашни

[1]Ўзбекитон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассаблеясининг 72 – сессиясидаги нутқи//Дунё. Сиёсат, Жамият. Гулистон:”Зиё” нашриёти, 2018. - 28 б.

янгилаш, ҳаёт берган саволларга мустақил жавоб беришга интилиш, ўз шахси хусусида қаердадир холисона, қаердадир хаёлий (виртуал) тасаввурларни ҳосил қилиш, олдин ўзлаштирган билимларни қайтадан баҳолаш, танқидий кўриб чиқиш давридир.

Талабалик йилларида ёш индивиднинг интеллектуал ва маънавий – аҳлоқий ривожланиши нибатан барқарорлашади, шахсиятли (индивидуал – психологик) хислатлари ҳам маълум етуклик даражасига кўтарилади, ижодий имкониятлари кўлами эса ўқиш ва изланиш жараёнида кенгайиб боради. Мана шундай масъулиятли даврда ўқувчи ёшларнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатиш имкониятларига эга бўлган янги технологиялар, яъни электрон алоқа воситалари, рақамли телекоммуникация, интернет ёрдамга кела бошлади, уларнинг таълим, амалиёт ва ишлаб чиқаришни турли соҳаларида татбиқ қилиниши тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса интернетнинг ёшлар психологияси ва дунёқарашига таъсири бошқа масофавий алоқа воситаларига қараганда мисли кўрилмаган даражада юқори туради. Бунинг сабаби шундаки, интернет реал дунёни, агарда барча мавжуд ва чекиз ишлаб чиқилаётган порталлар, сайтлар ва файлларнинг мажмуасини ҳисобга олсак, тўлароқ, айтиш мумкинки, глобал тасвирини, моделини беришга қодир. Эрон тадқиқотчиси Сайедтахер Абулфазл таъкидлаганидек, “интернет инсонни ўрнидан турғизиш ва бутун дунё билан бирлаштириш имкониятига эга[1].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интернет техник восита ва билиш манбаи сифатида талабалар руҳияти ва дунёқарашига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, интернетнинг салбий жиҳатлари кўп томонлама бўлиб, у инсоннинг физиологиясига (кўриш ўткирлигини пасайиши, мониторинг олдида кўп вақт ўтириш оқибатида организм иммунитетини кучсизланиши ва ҳоказо) негатив таъсир кўрсатишда, жонли нутқ маданиятини пасайиши, китоб ўқишни ташлаб қўйиш, маданиятимиз ва менталитетимизга зид бўлган ғарб “оммавий маданият” сайтларига кириб кетишларда намоён бўлади[2]

Шу билан бирга, интернет инонпарварлик руҳияти билан суғорилган маънавият ва дунёқарашни шакллантириш, онг–билим савиясини юксалтириш, тафаккур теранлигини ҳосил қилиш каби ижобий томонларни намоён этиш имкониятига эга. Лекин бу имкониятни воқеликка айлантириш учун талабаларда интернет ва ундаги манбалардан, технологик восита ва ресурслардан фойдаланиш, масофавий таълим тизимида онлайн мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Шу мақсадда талабалар учун махсус дастурлар асосида семинарлар, устозлар ва блогерлар билан учрашувлар (мастер-класс шаклида) ташкил қилиш, материалларни интернетга жойлаштириш хусусида машғулотлар ўтказиш лозим.

Ҳақиқатан ҳам интернет XX арнинг буюк технологик кашфиёти бўлиб, кўп жиҳатдан ижтимоий, маънавий ва интеллектуал тараққиётнинг ҳал қилувчи

[1] Қаранг: Сайедтахер Гадери Аболфазл. Влияние Интернета на морально-духовные и социальные ценности студентческой молодежи//Автореферат диссертации на соиск. уч.ст. канд. пед. наук. Душанбе – 2013.

[2] Қаранг: Аманов Г.А., Юупалиев О.О. Интернет и духовность молодежи// Журн. ”Молодой ученый”. – 2014.- № 9. – С. 414-416

омили ва шарт-шароити бўлиб қолмоқда. Шундай экан ёшларимиз учун тафаккур маданиятини юксалтириш, дунёқарашни бойитиш, таълим-тарбия ва илмий-тадқиқот ишларида ундан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Н.И.Тайлаков – Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Н.Н.Нарзиева -Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Таълим сифатига замонавий ёндашувнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ҳаёти давомида ўқиб-ўрганиш, билим, тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш, маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш самарали омиллардан ҳисобланади. Ушбу ҳолат ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширади, таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга асос яратади, бу эса ўқувчиларнинг ўз касб йўналишини танлашларида ўта муҳимдир.

Ҳозирги кунда компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСнинг қабул қилиниши таълим тизими, шахс, давлат ва жамият, фан ва ишлаб чиқаришдан иборат бўлган Миллий моделнинг айрим қисмларидаги улкан ўзгаришлар: хусусан, давлат ва жамиятнинг тубдан ўзгариши, ҳаётимизга кириб келган ахборот-коммуникацион воситалар, фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган замонавий ишлаб чиқариш технологиялари ва олдинги ёшлардан тубдан фарқ қилувчи ўзгача фикрловчи ёшлар вужудга келганликлари билан изоҳланади.

Ундан ташқари, бутун дунёда бўлаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам, хусусан Жанубий–Шарқий Осиё давлатлари, Европа ва Америка қитъаларидаги 10-15 йилдан буён амалга оширилаётган таълимга оид ислоҳотлар таъсирида Ўзбекистоннинг компетенцияли таълим стратегияси яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат Таълим Стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сон Қарори 1-иловасининг (3-боб) “Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг асосий принциплари”да ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлиги белгилаб қўйилган. Ушбу қарорда компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСда фанларга оид компетенциялари алоҳида ажратиб кўрсатилган. Жумладан, “Умумий ўрта таълимнинг малака талаблари умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига,

ўқув юкламалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, у қуйидагилардан ташкил топади [1]:

a. Билим...;
b. Кўникма...;
c. Малака..;
d. Компетенция..

Ўқувчининг таянч компетенциялари - инсон ким ва қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, шахсий ҳаётида, касбий фаолиятида, ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этиш учун эгаллаши лозим бўлган лаёқатлар, қобилиятлар ва ҳаётий малака ва кўникмалар мажмуидан иборатдир. Бунда ҳар бир шахс коммуникатив бўлиши, ахборот билан ишлай олиши, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши, ижтимоий фаол фуқаро бўлиши, умуммаданий хислатларга эга ва фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиши назарда тутилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида мана шундай хислатлар ўқувчининг ёши, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, таълим ва тарбияни уйғун амалга ошириш билан фанларни ўқитиш жараёнида шакллантирилиб борилади [2].

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда таянч компетенциялар шакллантирилади. Таянч компетенцияларни схема тарзида қуйидагича изоҳлаш мумкин(1-расм):



1-расм. Таянч компетенциялар

1. Коммуникатив компетенция — ижтимоий вазиятларда она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олишни, мулоқотда муомала маданиятига амал қилишни, ижтимоий мослашувчанликни, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантиришдир.

2. Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси — медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олишни, саралашни, қайта ишлашни, сақлашни,

улардан самарали фойдалана олишни, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантириш кабилар.

3. Ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси — доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз ҳатти-ҳаракатини муқобил баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутади.

4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси — жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, унга риоя қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатларида муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантиришдир.

5. Миллий ва умуммаданий компетенция — ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий қоидаларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади.

6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси — аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли диаграмма, чизма ва моделларни ўқий олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантиришдир. Мазкур компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилади.

Келтирилган компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилиши, ҳар бир умумтаълим фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилиши таъкидланган.

Юқоридагиларга асосланиб, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг янги ўқув технологияларини ишлаб чиқиш учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг дидактик тамойиллари, шахс-фаолиятнинг асосий қоидалари ва ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўрганиш учун шахсга йўналтирилган интегратив ёндашувларга асосланган ҳолда барча керакли имкониятлар мавжуд бўлиши мумкин деган хулосага келиш мумкин.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ВА АБУ АЛИ ИБН СИНО ДИАЛОГИ

Шарипов А.Ж. – ф.ф.н., ЎзМУ

Фан тарихида муҳим аҳамият касб этган фалсафий диалогнинг энг ёрқин намуналардан бири ёш алломалар Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Сино ўртасида фалсафа, хусусан натурфалсафа муаммолари бўйича олиб борилган

илмий ёзишмадир. Уни Беруний саволлари ва Ибн Сино жавоблари, Беруний эътирозлари ва уларга жавобан Ибн Синонинг шогирди Маъсумий томонидан “шайх номидан” ёзилган ҳати ташкил этади.

Ёзишманинг бир қисми «Номаи донешварон»нинг иккинчи жилдида босилган бўлса, унинг форсча таржимасининг асосий матни эса Берунийга бағишланган Эрон олими Деҳхудо китобида чоп этилди. Ўзбекистон олимлари ёзишмани ўрганиш, ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш ва таҳлилдан ўтқазиш ишига катта хисса қўшган. Кейинчалик тўлиқ арабча матни С.Ҳ. Наср томонидан чоп қилинди, ундан ташқари Дамашқ ва Анқарада нашр этилди [1-4]. Охирги вақтда ушбу асарга кенг илмий доиралар томонидан қизиқиш анча ошганлигининг ёрқин ифодаси сифатида иқтибосларда келтирилган унинг инглиз тилига қилинган таржимаси нашр этилганини кўрсатиш мумкин.

Беруний ва Ибн Синонинг Аристотел натурфалсафасига оид ва бошқа қатор йирик илмий масалаларни ҳал этишлари жаҳон фани контекстидаги аҳамияти борган сари ошиб бормоқда. Шу вақтга келиб табиатшунослик соҳасида эришилган ва Берунийнинг шахсий ютуқлари унга Аристотел натурфалсафасига танқидий ёндашишга, шунингдек, заиф томонларининг фарқига бориш ва қайта кўриб чиқишга имкон берди. Ибн Сино ҳам Аристотель натурфалсафасига ижодий ёндашиб, уни бир неча масалалар бўйича такомиллаштиришга ҳаракат қилади.

Уларнинг баҳси авваламбор Аристотель натурфалсафасининг муҳим масалаларидан бири – жисмларнинг чексиз бўлиниши бўйича олиб борилган. Берунийнинг бу назарияга танқидий ёдашувини назарда тутиб, айрим муаллифлар уни Демокрит атомизмининг тарафдорлари қаторига қўшган. Ваҳоланки, Беруний томонидан бу масала бирмунча мураккаброқ қўйилади. У бўлиниш муаммосини ҳал этишда икки қарама қарши таълимот – атомистик ва чексиз бўлиниш концепцияларининг ўзига хос қарама-қаршиликлар ва чекланишларини бартараф этишга интилади, «Нима учун Аристотель бўлинмас бўлакчалар бор деювчиларнинг сўзига қўшилмади? Ҳолбуки, жисм чексиз бўлинишни қабул қилади деганлар сўзига лозим келадиган нарса ундан ёмонроқ эди», - деган саволни берган Беруний фикрини давом эттириб, «Бўлинмас бўлак бор деювчи одамларга бундан бошқа кўп эътирозлар лозим бўлади, бу эътирозлар геометрия олимларига маълумдир»[1; 3] - дейди.

Берунийнинг фикрича, янги сифатнинг юзага келиш муаммоси атомистлар ўртасида қийинчилик туғдиради. Элементларнинг ўзгармаслиги ҳақидаги концепциялардан фарқли ўлароқ, у турли ҳодисаларни элементлар заррачаларидаги ўзгаришлар ва уларнинг биридан иккинчисига айланиши билан тушунтиради.

Ундан ташқари, Беруний назариясининг Демокрит атомистик таълимотидан фарқи шундаки, Беруний бўшлиқни инкор этса, Демокрит бўшлиқ дунёнинг зарурий ажралмас қисми деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон фани Беруний ҳақлигини тўла-тўкис тасдиқлайди.

Беруний Аристотелни танқид қилишда даставвал тажрибага, ҳатто экспериментга мурожаат этади ва шуни Аристотелнинг кузатувчанлик

услубига қарши қаратади. Шундай қилиб, Беруний бу икки таълимотнинг (яъни жисмларнинг чексиз бўлинувчанлигини тан олиш ва атомистик назариялари) чекланганлигини босиб ўтишга интиладию, бироқ, бу муаммони ўша давр доирасда ҳал қилолмади. Лекин шунга қарамай, масаланинг бундай қўйилишининг ўзи ҳам мутафаккирнинг катта ютуғи бўлиб чиққан.

Ибн Сино ҳам ушбу икки назариянинг бир-бирига зидлигини тан олган ҳолда, Аристотель таълимотининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда унинг заиф томонидан қутулиш учун ўзининг ҳал қилиш йўлини кўрсатади: «Чунки амалий бўлинмай, билкувва ажраладиган чекли бўлакларнинг тақсимига кўпинча ҳаракат воқе бўлди. Бас, бу таҳқиқ ўша икки сўзга лозим келиш икки ёмонликнинг ўртасида юришга олиб борадиган бир йўлдир». Шу далилдан бир неча асрдар мобайнида Аристотель таълимоти тарафдорлари фойдаландилар.

Маълумки, «табиий ўрин» тушунчаси Аристотелнинг натурфалсафий тизимида муҳим таркибий жой олган. Беруний бу тушунчани рад этиб, ажойиб математик далилни келтиради. «Оғир нарсанинг табиий жойи, яъни қуйи томони маркази, енгил (нарсанинг) асл жойи эса юқори (тараф), яъни сфера бўлиши учун ҳар унсур ўзининг табиий жойида бўлиши шарт эмас. Аммо марказ нуқтадан бошқа нарса эмас. Шунинг учун Ер заррасини жуда кичкина деб тасаввур қилганимизда ҳам, у марказда жойлаша олмайди, балки Ер зарраси марказнинг ҳар тарафидан марказга қараб интилади.

Сфера масаласига келсак, унга енгил жисмлар кўтарилиши учун ўзида ҳеч қандай жисмларни жойлаштира олмайди, чунки сатҳдан иборат бўлган ясси сфера қалбакидир. Шу билан бирга, агар сувни ўз ҳолича қўйиб юбориб, тагидаги тўсиқни олиб ташласак, шубҳасиз у марказга интилади. У ҳолда, сувнинг табиий жойи Ер сатҳида деган даъво нотўғри бўлиб чиқади. Демак, бironта жисмнинг алоҳида табиий жойи йўқ. Бу фикрлар осмон сфералари оғир, лекин унинг (заррачаларининг – А.Ш.) ўзаро боғланганлиги уни тошиб кетишдан сақлайди, деган даъволарни инкор этмайди». У барча элементлар, шунингдек, оғирроқ элементларнинг бошқа элементлардан олдин марказга интилиши тўғрисида гапирган. «Ҳамма унсурлар марказга қараб интилади, лекин вазминроқлари бошқа унсурлардан ўзиб кетади».

Ташқи кўринишида юқорига интилувчи олов ҳаракатини Беруний оғир элемент томонидан енгил элементнинг сиқиб чиқарилишидаи иборат деб тушунтиради ва буни исботлайдиган экспериментини келтиради. Ундан ташқари Берунийнинг Ибн Синога эътирозларида фазовий муҳитнинг оғирлигини эътироф этиши, бу фазо жисмлари билан Ер ўртасида тортилиш кучлари борлигини тан оладиган фикрга яқинлашганлигини кўрсатади.

Беруний Аристотелнинг айланма ва доиравий ҳаракат фазовий жисмларга табиатан ҳослигини шубҳа остига олиб, уларга тўғри йўналишдаги ҳаракат табиий бўлиши, айланма эса мажбурий эканини таъкидлашга ҳаракат қилади. Беруний ўзининг эътирозларида ҳамма нарсаларга ер марказига қараб ҳаракат қилиш, ўзига хос тортилиш кучи хослиги ҳақида гапиради ва шунда «нарсаларнинг бир-биридан ўзиб кетишидан бошқа нарса йўқ»лигини тасдиқлайди.

Ибн Сино бу муаммо бўйича ўзининг қарашларини қуйидагича изҳор этади: «... пастга фалак кўчиб бориши учун табиий бир ўрин йўқдир ва яна, юқорида ҳам ҳо ҳақиқий, ҳо ҳаёлий бўлсин, ҳаракатга ўрин йўқдир. Чунки бу ҳаракат ҳам биз айтгандек иложсиз ёмонликларга, яъни ҳамма унсурларнинг ўз табиий ўринларидан кўчмакларига ёки бўшлиқнинг борлигига олиб боради. Ҳолбуки, на феъл билан, на ваҳм ва имкон билан исбот қилиниши мумкин бўлмаган нарсадан кўра бузуқроқ бир нарса йўқдир. Шундай бўлгач, на қуйига, на юқорига бориш учун жойнинг йўқлиги менга таслим қилинади. Ҳар бир табиий жисмнинг табиий ўрни бордир». Шуни айтиш керакки, Берунийнинг «табиий жой»ни рад қиладиган концепцияси кейинчалик фаннинг давомли ривожланиши натижасида ғолиб бўлиб чиққан.

Берунийнинг бошқа дунёлар мавжудлиғи тўғрисидаги тахмини унинг ажойиб илмий ютуқларидан бири ҳисобланади. Аристотелнинг дунёнинг чекланганлиги ҳақидаги қарашлари ҳукм сурган даврда Беруний бошқа дунёларнинг борлигини эътироф этди. Улар эҳтимол бизнинг дунёмиз сингари табиий хусусиятларга эга бўлиб, «ҳаракат йўналишари эса бизнинг дунёмиздаги ҳаракат йўналишларидан фарқ қилади», - дейди.

Ибн Сино Берунийнинг бошқа дунёлар ҳақидаги ғоялари беҳисоб дунёларнинг борлигини тасдиқловчи мантиқий хулосага олиб келади, бу эса сафсатадир деган бўлса, унга қарши Беруний «Агар софистлар деган ном уларга шу сабабдан берилса, унда мен ҳам бу номни олишдан бош тортмайман», - дейди. Беруний фазовий жисмларга доирасимон ҳаракатнинг табиатан хослиги ҳақидаги Аристотелча таълимотни танқид қилиб, «Доирасимон ҳаракатга келсак, у табиатан муҳитга (сферага) боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин», - деб ёзади Беруний. У ҳимоя қилган бошқа дунёлар ҳақидаги таълимот Ренессанс даврида Европа фанида таъкидланди, унинг энг йирик тарафдори Ж.Бруно ҳатто қатл қилинди ҳам. Бу масала янги кашфиётлардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги замон фанида яна кўтарилмоқда. Коинот чексизми, чеклими деган савол қўйиляпти. «Кенгайиб бораётган коинот» ҳақидаги назария шу масалага ҳам жавоб қидирмоқда.

Беруний илгари кетиб, ҳатто кейинги кашфиётларнинг олдини олиб, фазовий жисмлар ва уларнинг сфералари эллипсоид шаклда бўлиши эҳтимоли ҳақида ўз фикрини баён қилган. У шу муносабат билан Аристотелнинг мавҳум натурфалсафий далилларини рад этади, лекин бу масалани аниқ ҳал қилиш учун фанда етарли маълумотлар ҳали етишмаганлигини тан олади. Шунга қарамасдан Берунийни ушбу назарияни карор топтиришда И.Кепплернинг ўтмишдошларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Умуман олганда, Беруний тажриба ва экспериментга кўпроқ асосланган ҳолда, Аристотель натурфалсафий таълимотларининг кўпгина асоссиз томонларини аниқлашга эришган бўлиб, кейинчалик Европа, умуман жахон фанида рўй берган қатор жараёнларнинг олдини олишга муваффақ бўлган , Ибн Сино Аристотель қарашларининг айрим заиф томонларидан қайтмаган бўлса ҳам, уларни ривожлантириш ва янги давр фанига мослашга ҳаракат қилган.Тажрибага мурожаат қилиш, эксперимент ёндошувни қарор топтириш

буюк олим ва табиатшунослар Беруний ва Ибн Синонинг асосий хусусиятларидан бири сифатида намоён бўлди,.

Жаҳон фалсафаси ва умуман, фан тарихи соҳасида илмий асарлари кенг тан олинган йирик Эрон олими Саййид Ҳусайн Наср Беруний ва Ибн Сино ўртасида олиб борилган машҳур фалсафий ёзишмани «аср мубоҳасаси (диалоги)» деб атаган бўлиб, у энг юксак «ақлий савияда» олиб борилганлигини таъкидлайди ва уни ўша давр фалсафаси тарихида энг муҳим ҳодисалардан бири сифатида баҳолайди.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ (фалсафий таҳлил)*

Ғаффарова Г.Ғ.- фалс.ф.н., доцент,
ЎзМУ ОТ-Ф1-95 лойиҳа раҳбари

Маълумки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиладиган иқтисодий ривожланиш усулларидан бири – кластерли ёндашув ҳисобланади. Шунингдек, ушбу ёндашув иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқариш омилларидан янада самарали фойдаланишни ташкил этишда жаҳон мамлакатлари ривожланиши ва бошқарувининг инновацион методларидан биридир. Шу сабабдан, у бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар учун асосий вазифалардан ҳисобланади.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларини ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан бири кластерлар бўлиб, ҳозирда иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ушбу тузилма фаолиятини йўлга қўйишга киришилмоқда.

Хўш кластер нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унинг кўринишлари ёки турлари мавжудми?

Кластер сўзи бугунги кунда фаннинг турли хил соҳаларида кенг қўлланилади. Кластер (инглиз. cluster - чўтка, тўплаш, концентрация) турли хил нарсалар ёки одамларнинг гуруҳи, бирлашмаси бўлиб, кўплаб табиий фанлар ва иқтисодда кенг қўлланилган.

Биринчи бор кластер атамаси илмий муомалага 1930 йилда киритилган. Яъни, математикада 1930 йилда кўп ўлчовли маълумотларнинг таҳлили кластер аппарати шаклланган. Иқтисодиётда эса «кластер» атамасини биринчи бўлиб, XIX аср охирида Альфред Маршал сиёсат кластери ёндашувини ишлаб чиққан[1]. Аммо ушбу ғояни ҳеч ким тан олмади. Экологик майдонларнинг турларини шакллантириш ва уларни кичик гурухларга бирлаштириш учун узоқ вақт керак бўлди.

* Ушбу мақола ПЗ-20170928696 «Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёнини таҳлил этиш ва амалга оширишнинг концептуал-фалсафий методологияси (Ҳаракатлар стратегияси асосида)» (2018-2020 йй.) лойиҳаси доирасида тайёрланган.

[1] https://utmagazine.ru/posts/10088-klaster

Тадқиқотларда “кластер” тушунчасига бир қатор таърифлар берилган, жумладан, «кластер – битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи»; «кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган фирмалар гуруҳи»; «кластер – махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи», «кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади». Умумий олганда кластерлаштириш бу битта географик ҳудудда концентрациялашган ва маълум бир аниқ вазифани ечишга қаратилган фирмалар гуруҳи бўлиб, улар бир-бири билан узвий алоқадаги, жамовий рақобатлашувни мустаҳкамлаш мақсадида ишчи кучларини ўзаро бирлаштирувчи жараёндир.

Шунингдек, илмий адабиётларда ривожланган давлатларнинг тажрибалари барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистик марказлари, эркин иқтисодий зоналар каби кластерларнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори эканлиги кўрсатилган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Физик кластерлар замонавий физика фанининг динамик ривожланаётган йўналишидир. Ҳисоблаш кластерлари - бир турли компьютерлар диспетчерли (назорат қиладиган) тизими билан бирлаштирилган ҳолда таълим ва илмий тадқиқотларда вақт талаб қиладиган ҳисоблаш вазифаларини ечишда фаол фойдаланилади.

Иқтисодда эса кластер – «ҳудудий жиҳатдан яқин ҳамда функционал жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган турли хил субъектлар, яъни ташкилотлар, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим масканларининг бирлашмаси»[1] тушунилади. Дарҳақиқат, иқтисодиётни ривожлантиришнинг кластерли ёндашуви янгича бошқарув технологияси бўлиб, ушбу ёндашув нафақат алоҳида ҳудуд ёки тармоқ, балки бутун мамлакат рақобатбардошлигини ошириш имкониятини беради.

Майкл Портер назариясига кўра, «кластер – бир вақтнинг ўзида ўзаро рақобатлашувчи, аммо шу билан бирга ҳамкорликда ишловчи, географик жиҳатдан бир ерга тўпланган, ўзаро бир-бирига боғлиқ компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, маълум тармоқлардаги фирмалар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотлар (масалан, университетлар, стандартлаштириш агентликлари, шунингдек савдо уюшмалари)нинг бирлашган гуруҳи»[2]дир. Шу билан бирга, олим рақобатга кластер учта йўл орқали таъсир қилади деб ҳисоблайди. Яъни, кластер ундаги компанияларнинг маҳсулдорлигини оширади; инновацияларни

[1] http://www.promcluster.ru/Торгово-промышленная палата Российской Федерации. Кластеры в федеральном законодательстве и законодательстве г. Москвы.

[2] Porter M. Clusters and the new economics of competition // Harvard Business Review. Nov/Dec, 1998. Vol.76, issue 6. –P.77.

яратади; янги бизнес шаклланишини қўллаб-қувватлайди. Дарҳақиқат, замонавий глобал иқтисодиётда нисбий устунлик оғир ишлаб чиқаришга молиявий маблағларни йўналтиришда эмас, балки инновацияларнинг доимий янгиланишига имкон берувчи фан ва таълимни ривожлантиришдадир.

Иқтисодий кластерлар тузилишига кўра географик, соҳавий, горизонтал ва вертикал турларга бўлинади. Шу билан бирга, билим ва фан билан боғлиқлигига кўра: юқори технологик кластер; тарихан ноу-хауга асосланган кластер; омил асосидаги кластерлар; ишлаб чиқариш ҳаражатлари паст бўлган кластерлар; билим хизматларини кўрсатувчи кластерлар фарқланади. Ушбу кластерлардан, билим хизматларини кўрсатувчи кластерлар – дастурлаш, инжиниринг, аналитик таҳлил хизматларини кўрсатувчи, асосан ривожланаётган мамлакатларда фаолият олиб борувчи кластерлар ҳисобланади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш, инновацион, туристик ва инфраструктурадаги ва таълим кластерлари ҳам мавжуд. Айтиш керакки, кластерларнинг энг юқори самарадорликка эга ва мамлакатда инновацион фаолиятнинг жадал тарзда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи туридан бири – инновацион кластердир. Ушбу кластер тури бизнинг мамлакатда ҳам олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналиши сифатида 2018 йилдан амалда фойдаланилмоқда. Инновацион кластер моҳиятига тўҳталсак, унда инновациялар, технологиялар соҳасида фаолият олиб борувчи, географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ўзаро боғлиқ компаниялар, ташкилотларнинг гуруҳи бўлиб, инновацион соҳа кластерларида янги товар ёки хизмат бир нечта фирма ёки тадқиқот институтларининг саъй-ҳаракати натижасида яратилади. Натижада, ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш, илмий тадқиқот ишларини амалиётга ва ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш имкони туғилади. Шу сабабли бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодиётни ривожлантиришнинг кластерли ёндашувига катта аҳамият қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, иқтисодий ривожланишнинг кластерли ёндашуви айниқса АҚШ ва Европа мамлакатларида кенг қўлланилади. Шимолий Европа мамлакатлари иқтисодиёти кластерлар билан қамраб олинган бўлиб, иқтисодиётда ёғочсозлик, биотехнологиялар, фармацевтика ва коммуникацион кластерлар етакчилик қилади. Германия ва Буюк Британияда биотехнология кластерлари, Францияда озиқ-овқат ва косметика кластерлари кенг тарқалган бўлса, Италияда саноатда банд бўлган аҳолининг ярми саноат кластерлари ҳиссасига тўғри келади[1].

Кластер тушунчасини таҳлил ва амалий фаолиятда ҳам фойдаланиш мумкин. Биринчи ҳолда кластер ўзида алоҳида ташкилот ёки объект соҳасини ўрганиш, қисман башорат этишда кўринади. Иккинчи ҳолда кластер регионал ривожланиш стратегияси доирасида объектни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар фирма регионида жойлашган бандлик ва фойда келиши, конкурентлик имконияти, инновацион, ишлаб чиқаришни ўсишини кластерлар билан қуриб чиқишади.

[1] Powerful dusters: Main Drivers of Europe’s Competitiveness. Brussels, 17 October 2008. http://ec.europa.eu/entererprise/innovation/index_en.htm

Бизнинг республикада ҳам кластерли ёндашувлар амалда кенг қўлланилиши юзасидан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида ҳам тўхталиб ўтди. Айниқса, бу усулга мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири – Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида юксак баҳо берди. Амалда буни “Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги «Angor Surxon g‘ururi» масъулияти чекланган жамияти пахтачиликда ҳосилни парваришлашдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқични ўзида мужассам этган кластер усулини” [1] жорий этаётганида кўриш мумкин. Ушбу янги усулни қўлланилиши қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, ваколатларни тақсимлаш, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро таъсирлашиш, ахборот айирбошлашни жадаллаштириш ва янгиликларни тарғиб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ҳамда ҳудудлар инновацион жозибадорлигини юксалтириш, ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилиш каби янги имкониятларни тақдим этади. Бунда ҳар бир кластер иштирокчиси бўлган корхона ўз мақсадини кўзлаган ҳолда нафақат ўз хўжалик фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади, балки тадбиркорлик инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашгани ҳолда, ҳудудда фаолият юритаётган турли хилдаги бошқа корхоналарнинг иқтисодий ўсишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айганда, кластер – тушунчаси ўзида мураккаб тизимни ифода этади. Кластер кўп сонли элементлардан иборат, элементлар орасидаги ўзаро алоқалар кучли бўлган мураккаб тизимдир. Кластер турли соҳаларда ташкил этилиши мумкин. Масалан, бир бирининг рақобатбардошлигини ўсишига ёрдам берадиган ва соҳаси билан яқин боғланган фирма жамоалари. Ҳар бир давлат иқтисодиёти учун кластерлар ички бозорни ўсиш нуқтасида муҳим ролни ўйнайди. Кластернинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда мақсадли тадбиркорлик фаолияти шаклланади ҳамда унга кирувчи ҳар бир элемент якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш занжирида иштирок этади. Шу билан бирга кластер тизимида таълим ва илмий-тадқиқот марказлари янги илмий-услубий ишланмаларни яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни ихтиро қилиш учун шароит пайдо бўлади.

СОВРЕМЕНАЯ МОЛОДЕЖНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА – ОСНОВА РАЗВИТИЯ СТРАНЫ

Р.С.Мардонов-(фалсафа фанлари номзоди,
доцент, ТАТУ СФ,

С первых дней независимости в Республике Узбекистан уделяется особое внимание воспитанию здорового, гармонично, всесторонне развитого

[1] Манба: Uza.uz

поколения, государственная молодежная политика в числе приоритетов. Ведь именно здоровая и образованная молодежь - фундамент будущего великого государства.

Создан прочный законодательно-нормативный фундамент, на котором выстраивается воспитание и развитие молодежи. Одним из первых правовых актов, принятых после приобретения независимости, стал Закон «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» от 20 ноября 1991 г. Всесторонне защищены интересы молодежи в Конституции Республики Узбекистан, 22 законах, указах и постановлениях, а также в международных документах, направленных на защиту прав и интересов подрастающего поколения.

За годы независимости проведена масштабная работа для того, чтобы дети росли здоровыми, получали качественное образование и были всесторонне развитыми личностями. В частности, проведены реформы по охране материнства и детства, совершенствованию системы образования, развития детского спорта и потенциала. Созданы дворцы молодежи, современные медицинские центры, образовательные учреждения, спортивные сооружения для всестороннего развития подрастающего поколения. Проводятся правовые, организационные и социально-экономические меры для становления и развития интеллектуального, творческого и иного потенциала молодежи.

В соответствии с Государственной программой «Год здоровой матери и ребенка» принят 15 сентября 2016 г. Закон «О государственной молодежной политике», предусматривающий дальнейшее совершенствование механизмов формирования и реализации молодежной политики. Согласно данному акту под государственной молодежной политикой следует понимать систему социально-экономических, организационных и правовых мер, осуществляемых государством и предусматривающих создание условий для социального становления, развития интеллектуального, творческого и иного потенциала молодежи [1].

В данном правовом акте разъяснены такие понятия как «молодежь (молодые граждане)», «молодая семья», «молодой специалист», «молодежное предпринимательство». В частности, под молодежью понимаются лица в возрасте от четырнадцати до тридцати лет включительно.

В законе определены основные принципы, направления, государственные, территориальные и иные программы государственной молодежной политики. В числе приоритетных направлений этой политики – обеспечение правовых, социальных, экономических, политических и иных прав и интересов детей и юношей, доступного и качественного образования, содействие физическому, интеллектуальному и нравственному развитию молодежи, создание условий для трудоустройства и занятости, воспитание в духе уважения к правовым, национальным и общечеловеческим ценностям, формирование здорового образа жизни, развитие спорта и другое.

В качестве основных принципов государственной политики закреплены поддержка и стимулирование молодежных инициатив, приоритет духовных,

нравственных и культурных ценностей, недопущение дискриминации молодежи. Ее основными направлениями являются обеспечение прав, свобод и интересов молодежи, охрана их жизни и здоровья, воспитание подрастающего поколения с твердой идеологией, убеждениями и взглядами на жизнь.

В воспитании молодежи должно участвовать не только государство, но и общество в целом. В Законе определены задачи и полномочия органов и учреждений, осуществляющих государственную молодежную политику в центре и на местах, их ответственность для эффективности проводимой политики. Важное значение имеет внедрение положений об участии в реализации государственной политики общественных, прежде всего молодежных негосударственных некоммерческих организаций, органов самоуправления граждан и СМИ.

В целом, Закон «О государственной молодежной политике» обеспечивает гарантии прав, свобод, социальной защиты и интересов молодежи. Предусмотрена поддержка одаренной и талантливой молодежи, молодежного предпринимательства, обеспечение социальной службы молодежи. Разработаны механизмы разрешения споров и привлечения к ответственности за нарушение законодательства о государственной молодежной политике.

Новый закон создаст условия и возможности для счастливой жизни молодежи, реализации творческого и интеллектуального потенциала и всестороннего развития как личности, отвечающей требованиям XXI в.

На сегодняшний день мы становимся очевидцами многих положительных изменений в сфере здравоохранения, образования, разностороннего развития интеллектуального, творческого и иного потенциала молодежи. Особенно в «Год здоровой матери и ребенка» проведена широкомасштабная, содержательная работа по снижению материнской и детской смертности, предотвращению наследственных заболеваний и врожденных пороков, уменьшению среди детей заболеваемости острыми респираторными вирусными инфекциями, пневмонией, бронхитом, сколиозом. Показатели развития подрастающего поколения отвечают стандартам Всемирной организации здравоохранения.

Во всех регионах страны, включая отдаленные села, более 2 млн. детей регулярно занимаются 30 видами спорта, что является еще одним важным средством воспитания здорового поколения. Особо хочется отметить развитие детского спорта среди девочек, укрепляющее их здоровье, как будущих матерей.

Построенные по типовым проектам дома в сельской местности улучшили условия и качество жизни семей, облегчили быт женщин. Женщины могут больше времени уделять воспитанию детей и саморазвитию. Для того чтобы дети росли здоровыми и всесторонне развитыми необходимо поднять уровень образования прежде всего у матерей. Для этого проводится широкомасштабная работа комиссией по обучению девушек и овладением ими современных профессии. Это увеличивает их кругозор и мировоззрение.

Говоря о молодежной политике нельзя не упомянуть об общественном движении молодежи, ставшим сегодня одной из крупных негосударственных организаций страны. Оно объединяет более 5 млн. юношей и девушек. По его инициативе ежегодно реализуются сотни проектов, направленных на повышение социальной активности молодежи. Такой подход способствует формированию политически грамотных, идейно зрелых, высокодуховных юношей и девушек, которым не может угрожать идеологическая сила извне [2].

За последние годы в нашей стране проводится молодежный фестиваль «Мы – дети великой страны». Он набирает обороты и превратился в мощное движение в масштабах республики. В них были привлечены люди разных возрастов и профессий: депутаты, ученые, спортсмены, предприниматели, фермеры, поэты и писатели, актеры театра и кино, эстрадные и оперные исполнители, музыканты, художники и другие. В рамках данного проекта молодежь ознакомилась с общественно-политическими и социально-экономическими реформами, демократическими преобразованиями, происходящими в Узбекистане, осознали важность созданных благоприятных условий для их развития. Его участники, побывавшие от Каракалпакстана до Ферганской долины, провели около 1,5 тыс. пропагандистских мероприятий, пробудив в сердцах 5,5 млн. юношей и девушек чувство гордости за любимую Родину.

Также необходимо отметить, что для поддержки и дальнейшего расширения молодой семьи, молодоженам, а также семьям с двумя и более детьми выданы двухкомнатные и трехкомнатные квартиры. Все это свидетельствует о всесторонней заботе и чуткости нашего правительства в воспитании обеспеченного и всесторонне развитого поколения.

Важную роль в реализации молодежной политики наряду с государственными структурами активно принимают участие институты гражданского общества, включая органы самоуправления граждан - махалля.

Большой вклад в эту работу вносят общественные комиссии при сходах граждан. Так, комиссии по вопросам просвещения и духовности, способствуют бережному сохранению и приумножению духовных ценностей, привитию молодежи наилучших общечеловеческих качеств, любви и преданности Родине. Благодаря усилиям комиссий по вопросам несовершеннолетних, молодежи и спорта на местах создаются условия для укрепления здоровья юных граждан и регулярного занятия спортом, профилактики правонарушений [2].

При сходах граждан действуют «Родительские университеты», где с молодыми мамами и папами работают психологи, медики, юристы и другие специалисты, авторитетные жители махалли с богатым жизненным опытом. Общественные формирования «Махалла посбони» помогают в патриотическом воспитании юных и профилактике правонарушений. На системной основе проводится мониторинг трудоустройства выпускников профессиональных коллджей, эффективно решаются вопросы их занятости за счет вовлечения в предпринимательство [3].

Во всех регионах страны для представителей государственных и общественных структур проводятся семинары «Приоритетные аспекты реализации механизма «семья – махалля – образовательное учреждение»». В рамках данного проекта проводится работа по духовно-нравственному воспитанию молодежи, религиозному просвещению, повышению качества образования в учебных заведениях, повышению заинтересованности к учебе у учащихся, профилактическим мерам по правонарушениям, вредным привычкам у подростков, ограждению их от влияния чуждой нашему менталитету «массовой культуры» и много др.

Воспитание гармонично развитого поколения – непрерывный процесс. Он требует постоянного решения широкого круга задач, пристального внимания и ответственности каждого человека, каждой семьи, всего общества.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИНИ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

А.Азизқулов - СамИСИ ф.ф.н.
А.Алимов - СамИСИ ўқитувчиси

Уч минг йиллик давлатчилик тарихимизнинг турли даврлардаги табиий-илмий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда кўплаб нодир асарлар яратилдики, улар ҳанузгача умумбашарий манфаатлар йўлида хизмат қилмоқда. Мутафаккирларимиз ижодининг асосий муаммоларидан бири баркамол инсонни тарбиялашнинг, фуқаролар маънавиятини юксалтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган. Аждодларимизнинг шахс маънавиятини юксалтириш соҳасида тўплаган тажрибалари, назарий ва амалий кўрсатмалари ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Хусусан, ахлоқ фалсафасига оид нодир асарлар яратган Ҳусайн Воиз Кошифий илмий мероси ҳам шулар жумласидандир.

Ҳусайн Воиз Кошифий (1442/46-1505) ислом динининг йирик назариётчиларидан бири бўлиши билан бир қаторда фалсафа, ахлоқ, тилшунослик, адабиётшунослик, сиёсат, тарих, астараномия, нотиқлик санъати, тиббиёт каби соҳаларга оид 200дан ортиқ асар ёзган етук алломадир[1]. Ҳусайн Воиз Кошифий темурийлар ҳукмронлиги даврида барқарор ижтимоий муҳит ва эркин ижодий фаолият учун яратилган шарт-шароитда яшаб ижод этди. Ҳирот шаҳридаги илмий ва ижодий муҳит, айниқса, Алишер Навоийдек алломанинг Кошифий ижодий фаолиятини шаклланиши ва юксалишида таъсири катта бўлган. Алишер Навоий Ҳусайн Воиз Кошифийни ўз ҳимоясига олар экан, унга яқиндан ҳомийлик қилган ҳамда унинг истеъдодини юқори баҳолар экан, «Мажолис ун нафоис» тазкирасида унга алоҳида ўрин ажратган.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг барча асарларида шарқона одоб-ахлоқ масалаларига катта эътибор қаратилади. Хусусан, “Ахлоқи муҳсиний” асарининг асосий ғояси инсон фаолиятида яхши хулқни тарғиб этишдан

[1] Р.Ж.Маҳмудов. Ҳусайн Воиз Кошифий/Маънавият юлдузлари. Т. 2001й.241-245 бетлар

иборатдир. Асар муқаддимасида бу хусусида Ҳусайн Воиз Кошифий шундай дейди: ” Ҳакимлар чиройли хулқ шундай бир йўлки, бу йўлдан юрмай туриб, иззат ва шариф манзилига етиб бўлмайди ва бу йўлга қадам қўймай туриб вужуд рахтини ҳайвонот биёбонидан инсоният дорил мулкига етказиб бўлмайди, дейдилар....Одамларнинг қай бирларида чиройли хулқ ва ёқимли хислатлар намоён бўлса, шу кишилар зебо кўринадилар”[1]. Кошифийнинг мазкур асари шарқона ахлоқ фалсафасининг нодир намунаси сифатида эътироф этилади.

«Ахлоқи муҳсиний» асарида баён этилган барча мавзулар кишини яхши хулққа чорлагани ва бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилганлиги боис ҳар бир ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Шахс маънавиятида шукр ва сабр қилишлик ва унинг фазилатлари баён этилиб, ҳаё, покизалик, олийҳимматлик, собитқадамлик, адолатли бўлиш, авф этиш, шафқатли ва марҳаматли бўлиш каби ахлоқий фазилатлари зарурлигини уқтириб ўтади. Шуниндек, Кошифий киши фаолиятида чиройли хулқ ва мулойимлик фазилатларининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Омонат ва диёнат, вафо ва аҳд, ростгўйлик каби ахлоқий фазилатлар хусусида батафсил тўхталиб ўтади. Оҳисталик ва шошилмаслик, андишалилик каби хислатларни киши ахлоқ одобида тутган ўрнини баён этади. Шижоат, ғайрат, фурсатни ғанимат билиш киши учун зарур фазилат эканлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Кошифий ўқувчини фаросатлиликка, сир сақлашлик, ҳуқуққа риоя қилишлик, доимо яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишликка ва ёмон ишлардан йироқ бўлишга чақиради. Ҳусайн Воиз Кошифий адаб хусусида шундай дейди: “Адабнинг маъноси ёмон сўздан ва бефойда ишдан нафсни тийиш, ўзини ҳамда бошқа кишиларни иззатини сақлаб обрўйини тўкмасликдир”[2]. Инсон маънавий баркамоллигида одобнинг аҳамиятини таъкидлар экан шундай дейди: “Одобли одам барчага яхши кўринади Улуғлар айтибдурларким, барча сармояларнинг яхшироғи ва жамики зийнатларнинг маҳбуброғи барча одам учун, хусусан, олам подшолари учун адабдур”[3]

Ҳусайн Воиз Кошифий барча ахлоқий фазилатларни баён этар экан ҳаё хусусида шундай дейди: “Ҳаёнинг маъноси ёмон иш қилишдан уялишдир. Одамзотга ҳаё шариф хислат ва мақбул сийратдир”. Аллома ҳаё хусусидаги мулоҳазаларини баён этар экан, унинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди: “Агар шарму ҳаё орадан кўтарилса ва одам ҳеч кишидан уялмаса, оламнинг тартиби издан чиқади, одамлар орасида яхши расму одатлар битади, кишилар ҳаётига путур етади. Улар бир-бирлари билан диёнат сақламайдилар, оқибат кучлилар заифларни йўқ қилади. Аммо ҳаё шундай кучли бир сифатки, у одамларнинг фақат ўзлари ҳоҳлаган ишларни қилишга йўл қўймайди”[4]. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бу фикрлари, XX асрда Ғарбий Европадаги шарму ҳаё кўтарилганлиги ҳамда ахлоқсизлик авжига чиқишиин башорат қилгандек. Аллома ҳар бир киши ҳаёга риоя қилиши лозимлигини уқтириб шундай дейди:

[1] Ўша асар 129 бет
[2] 150 бет
[3] Ўша асар 151 бет
[4] 145 бет

“Демак, катта-ю кичик-ка ҳаёдан катта фойда бор, яхши одатларнинг меваси ҳаё суви ва офтобидан парвариш топмаса, доим хом тураверади”[1] Кошифий ҳаёни бир неча турлари борлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади ҳамда қизиқарли ва ибратли ривоят ва ҳикоялар орқали ўқувчинит шарм ҳаёли бўлишга чақиради.

Асарнинг асосий хусусияти шахсда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш хусусидаги мулоҳазалари ва хулосалари мантиқий тафаккур тарзига мувофиқ баён этилади. Содда, равон ва тушунарли тилда баён этилганлиги учун ўқувчида савол ёки эътирозга ўрин қолмайди. Кошифий мазкур асарида ҳар бир мавзуни ёритишда “Қуръон” оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш билан чекланмайди, балки, Шарқ халқларининг буюк мутафаккирлари Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Баҳоуддин Нақшбандларнинг назмларидан лавҳалар келтиради. Шунингдек ҳар бир мавзунинг моҳиятини ёритишда ибратли ривоятларни келтириб ўтади. Ривоятларда кўпинча турли хил миллат ва дин вакилларидан иборат тарихий шахслар ва улар ҳаёти давомида (баён этилаётган мавзуга оид) содир бўлган воқеалар ибрат тарзида баён этилади. Хусусан, Афлотун, Арасту ва Миср, Рум, Форс ҳукмдорлари ҳамда вазирлари билан боғлиқ ҳикоялар асарда ўрин олган.

Кошифийнинг ахлоқ фалсафасида диний ва миллий бағрикенглик тамойили муҳимлиги тарғиб қилинади. Унинг мазкур асарида келтириб ўтилган ривоят ва ҳикоятларда қаҳрамонлар гоҳ насронийлик пайғамбари Исо ёки яҳудийлик дини пайғамбарлари Довуд, Сулаймон, баъзан зардуштийлик дини коҳини ёки ҳинд руҳонийси бўлиши мумкин. Асарда Қуръондан ташқари Инжил ва бошқа диний манбалардан ҳам далиллар келтиради. Нуширавон ҳузурида Рум Қайсари, Хитой ҳоқони, ва Ҳинд ройиси бўлиши, албатта бу муаллифнинг хаёлий тасаввури, аммо бунда тўрт хил миллат, тўрт хил дин ва тўрт давлат раҳбарларининг бир вақтда, бир жойда, биргаликда ўзаро ҳамсуҳбат бўлиши миллий ва диний бағрикенглик тамоилининг тарғиботидир[2]. Шунингдек Шом, Яман ва Рум қайсари билан бўлган воқеалар мисолида ҳам бағрикенглик тамойилини тарғиб қилади[3].

Исломдан аввалги ҳукмдорлар, хусусан, Афросиёб, Нуширавон, Искандар Зулқарнайн, Парвиз, Ардашер Бобак, Миср подшоҳи Паётала, Шеруя каби кўплаб ҳукмдорларни фаолиятидаги ибратли воқеаларни баён этар экан, кишиларни ҳамжиҳатликка даъват этади.

Хитой подшоҳи ва Искандар Зулқарнайннинг, Миср подшоҳи билан Рум Қайсарининг ўзаро суҳбатлари каби келтирилган ривоятлар орқали турли хил миллат ва дин вакилларини ақл фаросат ва яхши одоб ахлоқ орқали тинч тотувликка, бағрикенгликка чақиради.

Ўрта асрлардаёқ шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришда миллий ва диний бағрикенглик муҳим тамойил эканлигини Кошифий асослаб

[1] 145бет
[2] Ўша асар, -327- бет
[3] 202-203 бетлар.

бера олган эди. Ҳусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи муҳсиний» асарининг илмий аҳамияти шундаки, унда шахс маънавий юксалишида зарур бўлган одоб ахлоқ қоидалари мукаммал ишлаб чиқилиши билан бирга турли миллатлар ва динлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тинч-тотувлик каби бағрикенглик тамойили илгари сурилган. Ҳусайн Воиз Кошифий илгари сурган барча миллат ва дин вакилларнинг тенглиги ғояси ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало, Ҳусайн Воиз Кошифий шарқ ахлоқ фалсафасининг йирик назариётчисидир. Иккинчидан, буюк алломанинг ахлоқий фалсафий қарашлари ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва ёш авлодни миллий маънавий қадриятларимиз асосида тарбиялашда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ: ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ТАЪЛИМ ВА ҚАДРИЯТ МАСАЛАСИ

Бердиев Х.Х.-филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Маълумки, ҳар бир миллатнинг ўзлиги ва умумжаҳон аренасидаги нуфузи унинг интеллектуал салоҳияти, яшаш тарзи, тарихий анъана, урф-одат, касб-ҳунар (ва б.) соҳалардаги ютуқлари билан белгиланади.

Баркамол авлод тарбиясида эса она тили ва адабиёт дарсликларининг ҳам ўрни муҳим. Шунинг учун ҳам бу масалага давлат аҳамиятига молик иш сифатида қараб келинмоқда. “Кадрлар таёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун каби дастурий ҳужжатларда белгилаб қўйилган талаб, кўзланган мақсад ва кенг миқёсда амалга ошириш билан боғлиқ бўлган истиқболли масалаларда ҳам шу жиҳат устувордир.

Инсониятнинг бугунида кузатилаётган жараён – глобаллашув даврига келиб аста-секин унутилиб кетиши мумкин бўлган қадриятларни асраб қолиш ҳамда ёш авлод ижтимоий фаоллигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳар бир фуқарода фаоллик туйғулари шаклланишига, фидокорликка туртки беради. Айниқса, ёш авлодда бундай туйғуларни янада камол топтириш таълим билан ҳам алоқадордир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, адабиёт дарсларида она тилидан олинган билимларни мустаҳкамлаш, қадриятларга оид лингвистик билимни такомиллаштириш учун ўзига хос мавзулар мавжуд. Шулардан бири, шубҳасиз, “Алпомиш” достони материаллари ҳисобланади.

Маълумки, халқ оғзаки ижодида яратилган асарлар ёш авлодда энг олий инсоний фазилатларни тарбиялаш воситасидир. Бу жиҳатдан дарсликлардан “Алпомиш” достони материалларининг ўрин олишида ҳам ёшларни ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, фидокорлик, дўстлик, садоқат, инсоф ва адолат каби руҳий-маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш ғояси бош мақсад ҳисобланади. Асарда халқимизга хос бўлган оқилона иш юритиш, “етти ўлчаб бир кесиш” зарурлиги ҳақидаги қадриятлар мужассам.

Достон материаллари нафақат адабий-эстетик, балки лингвистик нуқтаи назардан ҳам баркамол авлод тарбияси учун муҳим маълумотларга бой.

Чунончи, дарслик материалларида учрайдиган ушбу сатрлар фикримизнинг далилидир: “*Бойсарибий ўн минг уйли Қўнғирот эли билан кўчиб бориб, Кўккамиш кўлида элибойлик қилиб, молларини семиртириб, яйловда яйраб ётиб эди. Ўн минг уйли Қўнғирот элининг соп деган бойваччалари билан йиғилиб, бир ерга жам бўлиб, бир бахмал ўтовни тикиб, шу ўтовнинг ичида ҳамма бойваччалар билан қимиз ичиб, шағал маст бўлиб, ўз кайф-сафоси билан ўтириб эди…*”

Достон парчаларида учрайдиган *элибойлик, яйлов, айраб, бахмал ўтов* сингари сўз ва бирикмалар қаҳрамонлар моддий ва маънавий дунёси, нуфузи, қадр-қиммати ҳақида муайян тасаввурлар ҳосил қилиш имконини беради. Бироқ ушбу лингвистик бирликлар бугунги ўқувчи нуқтаи назаридан изоҳталабдир. Шу билан бир қаторда, уларда аждодларимиз ҳаёт тарзининг ўзига хос излари мавжудки, буларни ўқувчиларга тушунтирмасдан туриб, асар ҳақида ҳам, ундан олинажак тасаввурлар борасида ҳам етарли даражада кўникма ҳосил қилиш бир қадар мушкул.

Кўринадики, достон лексик системасида касб-ҳунар, шу жумладан, ўтовсозлик сўз/терминлари ҳам анчагина. Контекстуал синонимик қаторни ташкил этувчи сўзлар иштирок этган қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Ўтов: *“Хоннинг Чибор оти пойганинг олдини олиб, шашти билан келиб, бахмал **ўтов**ни етти марта айланиб, отнинг тизгинини ушлаб Қоражон тўхтатди...”*

Юрт маънодоши Бойсарибийнинг элдошларидан маслаҳат сўраб, айтган мурожаатида шундай ифодаланади: *Худо дейин, яратганга жилайин, Ўз акамга қандай закот берайин, //Ўз акамга ўзим закот бергунча, Бошқа юртда жузъя бериб юрайин, //Маслаҳат бер, ўн минг **юрт**ли қариндош!*

Уй сўз/термини шу мурожаатнинг бошқа ўринларида “*Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!”* тарзида келган. Шунингдек, ўтовсозликнинг қулайлиги, чорвадорлар кўчиб юриши жараёнида бу ишнинг тез бажарилиши, олиб юришнинг ташвишсиз тарзда кечиши кабилар акс этган ушбу парчада ҳам ўтов ўрнида уй сўзи ишлатилган: *“Ҳаммаси Бойсин-Қўнғирот элини ташлаб, Қалмоқ юртига жўнаб кетмоқчи бўлиб, добирлашиб, ҳаммаси бирдан, катта-кичик, ёш-қари – бари бир-бирига хабар қилиб**, кўча бер, деб** вағир-шағир**, уйларини бузиб, туяларга ортиб**, аёллари ҳам ўз юки-ёбини бўғиб, бўғча-бўйларини чоғлаб, тўполон бўлиб, шовқин-ғалағур бўлиб қолди. Ўн минг уйли Қўнғирот талатўп бўлиб, Кашал элига, Қалмоқ юртига қараб, ҳа деб кўча берди...”*

Умуман, ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш, маънавий баркамоллигини такомил топтиришда маънавий қадриятларга оид материалларнинг дарсликларда берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шу жумладан, ота-боболаримиз турмуш тарзининг энг ёрқин намунаси сифатида ўтовсозлик ва у билан боғлиқ қадриятларни асарлар таҳлили давомида ўрганиб бориш таълим ва тарбия жараёнида керакли самаралар беради.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” НИҚОБИ ОСТИДАГИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР

Жамолов Л.-ф.ф.н. доцент Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, ахборот алмашинуви шу қадар кучайиб кетдики, бирон-бир давлат йўққи бу жараёнда иштирок этмаса. XXI аср ҳаётнинг барча жабҳаларидаги ривожланиш шиддатли ва мураккаб кечаётганлиги, ахборот алмашинувининг ақл бовар қилмас даражада тезлиги, кескин фикр алмашинувлар юз бераётгани билан ҳам эътиборлидир.

Инсоният ҳозирги кунда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, бугунга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган, ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқда. XXI асрга келиб глобаллашув ўз таъсирини ўтказмаган бирор соҳа қолмади, десак муболаға бўлмайди. Глобаллашув дастлаб давлатларнинг иқтисодий ривожланишида акс этган бўлса, ҳозирга келиб сиёсат, ахлоқ, миллий-маънавий ҳаёт, инсонларнинг кундалик турмуш кечиришигача бўлган барча жараёнларни ўзига қамраб олган. Шу билан бига ушбу ривожланиш мамлакатлар ва халқлар турмуш тарзининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлганлигини ҳам айтиб ўтмоғимиз даркор.[1]

Ривожланиш нуқтаи назаридан қараганда глобаллашувни четлаб ўтиш мумкин эмас, у жамият тараққиётидаги тарихий жараёндир. Аммо, бугун глобаллашувнинг жамиятдаги муайян қатламлар ва тузилмаларга салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик инсоният олдида турган муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Шуниси эътиборлики, глобаллашув жараёнининг таъсири билан бирга маънавий таҳдидлар ва турли ёт бегона маданиятларнинг “ҳужуми” кучайиб бормоқда. Ушбу таҳдидларнинг асосий уч кўриниши мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи кўриниши – мафкуравий хуружлар бўлиб буларга: шахс фикрини бузиш; шахс дунёқарашини айнитиш; шахс позициясини ўзгартириш каби функциялар киради.

Иккинчи кўриниши – ғоявий таҳдидлар бўлиб, булар: шахс хулқ-атворини айнитиш; шахс ахлоқий муносабатларини издан чиқариш ва шахс муомаласини бузишдан иборат.

Учинчи кўриниши – информацион ҳужумлар ва кибертаҳдидлар бўлиб, булар: шахсга нотўғри маълумот бериш; шахс билимини қолоқлаштириш ва шахс фаолиятини заифлаштиришга қаратилган ҳатти ҳаракатлардан иборатдир.

Шунингдек, ушбу маънавий таҳдидлар орасида энг кенг ёйилгани ва бугунги кунда жамият ҳаётимизга шитоб билан кириб, ёшларимизга салбий таъсир кўрсатаётгани, бу “оммавий маданият”дир. Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик,

[1] С. Отамуротов Глобаллашув ва миллат. – Тошкент, Янги авлод. 2008.

индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

“Оммавий маданият” – маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли бўлиб, уни бугун Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. ХХ асрда радио, кино, телевидение, видео, компьютерлар тизимининг пайдо бўлиши натижасида “оммавий маданият” ривожланишининг янги босқичига қадам қўйилган эди. Бу босқич кўпчилик учун мақбул бўлган қарашлар ва қадриятларни шакллантириш имкониятлари кескин ҳам ижобий, ҳам салбий томонга ўзгарганлиги билан фарқланган.

“Оммавий маданият” қачон ва қай тариқа пайдо бўлган деган саволга эса турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд. Ҳаттоки, айрим тадқиқотчилар қадимги Римда гладиаторлар жанги ўтказилган пайтлардаёқ бундай “маданият”нинг илк кўринишлари намоён бўлганлигини эътироф этишади.

Аниқ фактларга таянадиган бўлсак, ХХ асрга келиб радио, телевидение, кино, кўп нусхада нашр этиладиган матбуот нашрлари, савиясиз китоблар ва интернет сайтларининг жадал тараққий этиши бу муаммонинг чуқур илдиз отишига замин яратган.

“Оммавий маданият”нинг мақсади – одамларда ҳаётга енгил-елпи карашни шакллантириш, халқларни миллий ўзлигидан, муқаддас тушунчаларидан жудо қилишдир. У ҳали ҳаётий позицияси, дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган ёшларга таъсир ўтказиши билан ҳам хавфлидир. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, масаланинг биз учун нечоғли муҳимлигини англашимиз мумкин.

Шунингдек, “оммавий маданият” остида кириб келаётган хуружларга: молиявий имкониятларга эга бўлган айрим ташқи кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида “оммавий маданият”дан фойдаланиши, ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқариб, сохта ғоя ва мафкураларни тарғиб этиши, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиши, мафкуравий тарбия, мустақил тафаккурни издан чиқаришга ўринишларни ҳам киритиш мумкин.

Глобаллашув жараёнида хавфсизликка раҳна солувчи маънавий соҳадаги таҳдидларга инсоннинг барқарор ижтимоий ҳаётига зид бўлган, унинг турли соҳаларига қаратилган ахборот таҳдидлари, ахборотни сохталаштириш, ёлғон хабар тарқатиш, маълумотни яшириш, ўзгартириш, миллий урф - одатлар, қадриятлар, ахлоқий меъёрлар, этник-маданий ва миллий тарихий илдизларидан ажратишга қаратилган турли кўринишлардаги ҳаракатлар ва таҳдидлар киради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мамлакат ўз мустақиллигига эришгач, ўзининг миллий тарихий негизларини, аждодларининг авлодларга қолдирган

бой маънавий-ахлоқий меросини тиклашга, уларни янада ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Шу аснода ўзининг стратегик тараққиёт йўлини белгилаб, асрлар давомида ота-боболари орзу қилган озодлик ва эркинлик асосида ўзлигини англашга, жаҳонда ўзининг мустаҳкам ўрнини топишга бел боғлаб, унга ташқаридан бўладиган ҳар қандай таъсирларга муносиб жавоб бериши лозим.

2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш тузиш тўғрисида"ги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонлари асосида ёшларни китобхонликка қизиқтириш орқали уларнинг маънавий оламини бойитиш ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳар қандай маънавий таҳдидларга қарши тура оладиган муҳим қадамдир.

Ёш авлоднинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чуқур англаган ҳолда ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар, ҳодисаларга ўз мустақил фикрини билдира оладиан етук кадрлар қилиб вояга етказиш долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

ЁШЛАРНИ МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ - ДОЛЗАРБ МАСАЛА.

Содиқ Назаров- т.ф.н., доцент,
СамИСИ академик лицейи

Кўп минг йиллик тарихимиз гувоҳлик беришича, муқаддас юртимиз, Марказий Осиё "Буюк ипак йўли"нинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, халқаро муносабатларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, ўзига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий институт сифатида минтақаларни боғловчи давлатлар, халқларни, миллат ва элатларни бирлаштирувчи, маданиятларни яқинлаштириб бойитувчи ўрин эгаллаган.

Ана шу кўп тармоқли инфратузилмаларнинг юзага келиши натижасида миллатлараро муносабатлар қарор топиб, турли миллатларга мансуб аҳолининг аста-секин ўтроқлашуви туфайли бу заминда кўп миллатлилик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, миллатлараро бағрикенглик қадриятлари ривожланиб, дўстлик, бирдамлик ғояси халқларимиз қалбига сингиб, эзгулик, бунёдкорлик билан сайқалланиб, юртимизда турли миллатли фуқаролар ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Бу албатта тинч-тотувлигимиз, турмуш фаровонлигимизнинг муҳим омили сифатида ҳаётда ўз ифодасини топиб келмоқда.

Узоқ ўтмишдан бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ғоясига содиқ халқимиз, юртимиз кўп миллатли полеэтник мамлакат бўлиб, 140 га яқин миллат ва элатларга мансуб аҳоли тинч-тотув яшаб шу юрт равнақи учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар, эришилаётган ютуқларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Миллий сиёсат, жамиятда миллатлараро бағрикенглик, тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш давлатимизнинг муҳим устувор сиёсати бўлиб, мустақиллик йилларида янги босқичга кирди.

Бу ҳақда юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Мустақиллик йилларида биз эришган энг катта ва бебаҳо бойлик – кўпмиллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, унинг замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани атрофимиздаги воқеаларга даҳлдорлик туйғуси, жамиятимиздаги ўзаро меҳр оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳимдир!" – деб таъкидлаган сўзлари қимматлидир[1].

Мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатликни ривожлантиришда Республика байналмилал маданият марказининг ўрни беқиёс бўлиб, 138 та миллий-маданий марказлар орқали миллатлараро уйғунлик амалга оширилмоқда, миллатларнинг тили, дини, урф-одати ва анъаналари, маданияти, қадриятлари ривож топмоқда. Бу жараён мамлакатимизда миллатлар ўртасида ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллик йилларида олти мингдан ортиқ турли миллат вакиллари, миллий-маданий марказлар раҳбарлари ва фаоллари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган бўлса, 14 нафарига "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвони берилди. Бугунда ҳукумат олий органи Парламентимиз ва давлат ҳокимиятининг барча тизимларида республикамизда истиқомат қилаётган барча миллат ва этник гуруҳларнинг вакиллари фидокорона меҳнат қилиб юрт равнақига ҳисса қўшмоқдалар. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов кўп марта такрорлаб кўрсатганидек, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятларимиз-жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Ўзбекистон Республикасининг миллий сиёсати, миллатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли ва эркинликларга эга. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади[2].

Бу юртда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинади, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратилади. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар 12 тилда олиб борилмоқда, ўндан ортиқ тилларда газета ва журналлар нашр қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўзқорачиғидек сақлаш, мустаҳкамлаш давлатимиз

[1] Шавкат Мирзиёев. "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз". Тошкент "Ўзбекистон". 2017.67-бет

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент "Ўзбекистон" 2012й. 4-бет

сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” бешинчи устувор йўналишида юртимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик, ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Тарих синовидан муваффақиятли ўтиб келаётган миллий сиёсатимизнинг бош мақсади юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва эркинлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлашдан иборат бўлиб, барча миллатларнинг манфаатларини тўлиқ ифода қилади ва уларнинг эркин ривожланиши, яшаши учун шароит яратади. Шу сабабли ҳам республикамизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар Ўзбекистонни – ягона уйимиз, “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Шу Азиз Ватан барчамизники”, “Ўзбекистон - бағри кенг диёр” деб аташадилар.

Юртимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакилларининг давлат ҳокимияти бошқарув органларида, ҳарбий қисмларда ва бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқлилик асосида меҳнат қилиши, имтиёзларга эга бўлиши, барча байрамларни ҳамжиҳатлик ва катта қувонч билан нишонлаши миллатлараро тотувликнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майда қабул қилган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони миллатлараро муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни янада ривожлантиришга “Халқ дипломатияси” юксалишига хизмат қилади[1].

Жамиятда дўстлик ва аҳиллик, тинчлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳаларда ислоҳотларни изчил амалга ошириш, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини янада оширишнинг муҳим омили ва зарур шарти ҳисобланади.

Сафида 138 та миллий маданий марказларни бирлаштирган Республика байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, шунингдек, 34 дўстлик жамияти фаолияти, Ўзбекистондаги барча миллатлар ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳар томонлама ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин эгалламоқда.

Юртимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни янада ривожлантириш масаласига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида аҳамият қаратиб, “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан

[1] “Қишлоқ ҳаёти” газетаси 2017 йил 23 май 61-сони.

илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир", деб таъкидлайди[1].

Мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни дўстона муносабат ғоялари руҳида тарбиялашда хорижий давлатлар билан халқаро алоқалар, айниқса, қўшни давлатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон билан дўстлик, қардошлик ришталарининг мустаҳкамланиши, ҳамкорликнинг янги босқичи турлича маданий-маърифий тадбирларнинг ташкил этилиши, ўзаро давлат чегараларининг алоқа дарвозаларининг кенгайиши миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик алоқалари ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги ўта шиддатли глобаллашув даврида ёшларни миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик-биродарлик, бағрикенглик ғояси руҳида тарбиялаш кўп миллатли мамлакат ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этади. Зотан, бирор бир меҳнат жамоаси, ташкилот, ўқув юрти, таълим муассасаси, бошқарув органи йўққи таркиби жиҳатидан кўп миллатли бўлмасин. Шу сабабли, барча меҳнат жамоалари аъзоларини, айниқса, ёшларни бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътиборни янада ошириш, таълим муассасаларида, олий ўқув юртларида ёшларга, талабалар онгига дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғояларини чуқур сингдириш уларнинг келгуси раҳбарлик ва иш фаолиятида асқотади. Ёшлар онгида дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ғояларининг чуқур қарор топиши маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, миллатчилик ва экстремизм, ақидапарастлик ва ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаб, Ватан манфаатларини ҳимоя қиладиган баркамол авлодни шакллантиради. Бу эса Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, тинчлик-осойишталик, бунёдкорлик ишларига хизмат қилади, давлат ва жамиятни янада мустаҳкамлайди, қудратини оширади.

МАҲДУМИ АЪЗАМ ТАЪЛИМОТИДА КОМИЛЛИК ВА ЖАВОНМАРДЛИК ҒОЯЛАРИ

Х.Саматов- СамИСИ, фалсафа доктори (PhD)

XV аср бошларида мутасаввифларнинг комил инсон ғоясига футувват ғоялари ҳам қўшилиб, комилликнинг янги белгиси сифатида ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтириш инобатга олинди. Тасаввуфшунос олим Н.Комиловнинг фикрича, киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади[2].

[1] "Зарафшон" газетаси 2017 йил 29 декабрь.

[2] Комилов Н.Тасаввуф. Т. «Movarounnahr», 2009. Б.133.

Айнан футувват ғоялари асосида инсон маънавий етук ва фаол инсонга айланди. Футувват ўзининг нормалари билан инсоннинг янги қирраларини очишга ёрдам берди. Инсон энди фақат ўзини ўйлаб, тоат-ибодат қилмайди, балки бошқалар учун ҳам қайғурадиган инсонга айланади. Бу эса, жамиятда аксарият кишиларни ўзаро муносабатлари, дўстликни мустаҳкамлаш, бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатни кучайтиришга олиб келди.

XV асрда Ҳиротда яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи султоний» номли асарида комил инсон ахлоқи ғояси мазмунини янада бойитди. Айнан мазкур асарда футувватни тариқатнинг амалий бир қисми сифатида эътироф этиб, кишилардаги жисмоний кучдан маънавий ишларни бажаришга сафарбар этишга ишора қилинади. Кошифийнинг фикрича, тасаввуф сингари футувват ҳам руҳ илмидир. Футувват илмининг ўз мавзуи бор, бу мавзу – инсон руҳи ҳисобланади. Инсоннинг руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва ҳамида (ёқимли) хулқ атворли, фазилатли қилиб етиштириш мумкин.

«Футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлишни айтадилар, – дея таърифини давом эттиради Кошифий,– шу важҳданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлади»[1].

Кошифий томонидан футувват ва тасаввуфнинг инсонни комил қилиб вояга етказиш, тарбиялаш ҳақидаги илгари сурилган ғоялари кейинги давр ёшларини тарбиялаш бўйича дастуруламал бўлганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб қилади. Бу жиҳатдан, илоҳий ишқда дунёдан юз ўгирган, жисмини маънавий камолот йўлига қурбон этган дарвеш билан биродарлик, фидойилик удумига содиқ жавонмарднинг мақсадлари бир-бирига мос эди.

XV аср охири XVI аср бошларидаги оғир ижтимоий-сиёсий инқирозлар шароитида яшаган Махдуми Аъзам комил инсон ҳақидаги ғояларини шариат, тариқат ва футувват ғояларининг уйғунлигида ривожлантирди. Мутасаввиф томонидан комил инсон ҳақидаги инсонпарварлик концепциясини яна бир муҳим томони шундаки, у ҳар қандай оғир шароитда ҳам кишиларни иноқликка, тинч-тотув яшашга чақиради. Унинг назарида ҳар қандай қон тўкишга сабаб бўлувчи чиқиш ва норозилик халққа қарши исёндир.

Махдуми Аъзам аввало, инсон моҳиятини англашга интилиб, асли илоҳий, танаси тупроқ ва руҳдан иборат деган ғояни илгари суради. Ҳақ таъоло ўз мақсад – муродига етиш, ўзининг сиру асрорини жилолаш учун инсонга тупроқдан тана, тананинг ҳаракатланиши ва инсонга маркаб бўлиб хизмат қилиши учун ҳайвоний руҳ ва оламни илоҳийликка уйғун қилиш учун илоҳий руҳни киритди. Шу билан биргаликда инсон қалбини Ҳақ ўз тахтгоҳи ва иморати қилиб ясади. Ҳақ шу тахтини – инсон қалбига ўгирди. Демак, инсон илоҳий хилқатдир ва у илоҳий Амр билан яралиб, Аллоҳ жамол ва жалолини

[1]Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи султоний: Аҳлоқий Муҳсиний. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2011.Б.16

намойиш этиш ва уни билиш учун дунёга келган. Мутасаввиф ўзининг идеалидаги инсоннинг ахлоқий сифатларини очиб бериб, уни баркамол инсон тарбиясидаги муҳим ўрнини кўрсатади.

Тадқиқотчи Э.Зоиров Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи вужудия» номли рисоласида комил инсон тушунчасининг ўрнига «вужуд деҳқони» иборасини қўллаганлигини таъкидлайди[1].

«Вужуд деҳқони» ибораси мазмун-моҳияти жиҳатидан ўзига хос янгилик бўлиб, шу давргача комил инсон ҳақидаги шаклланиб келаётган назарияни бойитди. Бу тушунчани Махдуми Аъзам ўз таълимотида биринчи маротаба қўллаган. Олдинги мутасаввифлар, шунга яқин фикрлар айтган бўлсалар-да, лекин асарларида айнан «вужуд деҳқони» иборасини келтирмаган. Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» рисоласида келтирилган маълумотига асосланилса, Баҳоуддин Нақшбанд вужудни поклашни тупроқни хас-хашаклардан тозалаб, юмшатиб, уруғ экишга тайёр ҳолатга келтириш билан тенглаштирган. У ҳам бу иборани ишлатмаган. Айнан Маҳдуми Аъзам комил инсон тушунчаси ўрнига Марказий Осиё халқлари учун яқин, тушунарли ва англаб етишга осон бўлган «**вужуд деҳқони»** деган иборани биринчи маротаба ишлатган. Аввало, Махдуми Аъзам вужуднинг ўзига таъриф берган ва кейин ким «вужуд деҳқони» эканлиги ва бу даражага етиш воситалари ҳақида сўз юритган.

«Вужуд деҳқони» ибораси, «дунё – охират экинзоридир» деган ҳадисга ҳамоҳанг бўлиб, ерга ишлов бериб, ҳосил етиштиргандек, инсон ҳам ўзини жисмоний ва маънавий жиҳатдан парваришлаб бориши натижасида, гуноҳлари авф этилиб, унда комиллик сифатлари юзага келади.

Махдуми Аъзамнинг комил инсон ҳақидаги назарияси бошқа мутафаккирларнинг қарашларидан фарқ қилади. Мутасаввифнинг комил инсон тўғрисидаги қарашлари оила никоҳ ҳақидаги таълимотининг мантиқий давомидир. Комиллик барча эзгу ишларнинг охирги натижаси бўлса, комил инсон ҳам инсонларнинг энг юксак ахлоқлиси ва ўзида Аллоҳнинг сифатлари намоён бўлган зотдир. Шунинг учун комиллик сифатларига эга бўлиши инсонни туғилмасдан ҳам олдин инсонни бу оламга келиш жараёнлари билан боғлиқдир. «Эй садоқатли толиб, билгилки, одам авлодининг ҳар бир боласи ўзининг асл покизалигига эгадур, яъни покдур ва ҳеч қандай поксизлик унда йўқдур»[2]. Аслида, инсон Аллоҳнинг иноятиси бўлиб, туғилганда унда ёмон сифатлар бўлмайди. Байт:

Фарзанд агар айбли бўлса,

У падар жисмида (уруғда) айбдан покдир[3].

Демак, инсон жисмоний, маънавий ва ахлоқий томонидан қусурли эмас, балки барча айблардан холидир, аммо, фарзанд дунёга келиши, соғлом ота-она вужудида пайдо бўлиши муҳимдир. Махдуми Аъзам таъкидлайдики, аввало, ота-оналар ўзидан солиҳ фарзанд қолишини, туғилажак фарзандларини комил

[1] Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари.Т. «Turon zamin ziyo», 2015. Б.78.
[2] Махдуми Аъзам. Сийрати ва мероси (Масъул муҳаррир: Тураев Б. Зоҳидий А). -Т.: Адолат, 1996. Б.46.
[3] Махдуми Аъзам. Рисолаи вужудия. (Таржима муаллифлари Наврўзова Г., Зоиров Э.). Бухоро, 2007.Б.148.

инсон бўлиб вояга етишишини ният қилиши ҳамда шунга мувофиқ ҳаракат қилишлари лозимдир. Ўзлари маънавий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишлари керак.

Аксарият мутафаккир ва мутасаввифлар комил инсон назариясида инсон дунёга келгандан кейин уни тарбиялаш ҳақидаги фикрларни илгари суришса, Махдуми Аъзам дунёга келмаган инсонни комиллик сифатлари, ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб туғиладими ёки касалманд туғилиши бевосита ота ва онага боғлиқлиги ҳақидаги фикрларни илгари суради. Махдуми Аъзам фикрича, комил инсон тарбиясида насл тарбияси муҳим бўлиб, бола туғилмасдан олдин бошланади. Бўлғуси ота ва онанинг соғлиғи, фарзанд тарбиялашга масъуллигини англаши лозим. Бўлажак фарзанд соғлом бўлиши учун аввало, ота ва онанинг жисмоний, маънавий, руҳий соғломлиги ва ҳалол луқмаси билан боғлиқ. Фарзанд ҳар томонлама соғлом она жисмида дунёга келса, тўғри тарбияланса, у албатта комил инсон даражасига етиб бориши мумкин. Мазкур фикрлар мамлакатимизда олиб борилаётган соғлом авлодни дунёга келтириш, уни тарбиялаш бўйича кенг ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англатади. Махдуми Аъзам комил инсон назариясида инсонда комиллик сифатларини шакллантиришда пири комил назари ва суҳбатининг аҳамияти катталигини таъкидлаган. Пири комил назари ва тарбияси Ҳақ назаргоҳи бўлган қалб оинасини жилоланадиган даражага етказади. Пири комил ёрдамида қалб покланиб, вужуд илоҳий сифатни эгалласа, бундай вужуд бу оламга келадиган файзлар ва яхшиликларнинг сабабчиси бўлади. Халқларга не ризқ етса, шу шариф вужуд туфайли етади. Бундай вужуд туфайли ёғиладиган балою қазолар ер юзидан дафъ бўлади.

Махдуми Аъзам солик нафси худо тавфийқи туфайли, йўл юрган ва йўлни биладиган пир ёрдами билан ҳар қандай ички ва ташқи касофатлардан покиза бўлиб, жазба султонининг келиб қўнишига мушарраф бўлса, солик шукр қилиши керак, чунки солик шариат зоҳири ва тариқат одобига риоя қилиш билан улуғ саодатларга эришди. Бу ўринда шукр қилиш соликнинг олий мартабали тоифанинг энг юксак даража ва мақомларига кўтарилишига сабаб бўлади, деган фикрни илгари суради[1].

Умуман олганда, Махдуми Аъзам Косоний умуминсоний, ахлоқий, тадбиркорлик ва интеллектуал сифатларни ўз ичига олган комил инсоннинг илмий-назарий моделини ишлаб чиққан. Мазкур сифатларни замонавий «баркамол авлод»ни тарбиялаш концепциясига, Ўзбекистон ёшларини тарбиялаш тизимига киритиш мумкин.

[1] Махдуми Аъзам. Сийрати ва мероси (Масъул муҳаррир: Тураев Б. Зоҳидий А). -Т.: Адолат,1996. Б.49.

ЁШЛАРДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ВАТАНГА САДОҚАТ ҒОЯСИНИ ТАРБИЯЛАШДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎРНИ

С.Назаров- т.ф.н., доцент, СамИСИ академик лицейи
А.Бойқобилов – ўқитувчи-изланувчи

XXI аср глобаллашув ва ахборот технологиялари асри сифатида тарихга кирди. Бугун ахборотлар оқими шу даражада кўпайиб бормоқдаки, уларнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етмасдан, уларга ишониб борилиб, айрим ҳолларда улар қулига айланиб қолаётган инсонлар сони ҳам йўқ эмас. Айниқса, билими саёз, онги, тафаккури етарлича шаклланмаган, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлмаган айрим ёшлар ана шундай бузғунчи ғоялар, маънавий таҳдидлар, ёт оқимлар ва кучлар қурбонига айланиб қолмоқдалар.

Мана шундай ғоявий-мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружлари кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув даврида, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилиши шароитида, асосан, шу ёшдагиларни ғоявий-мафкуравий таъсирлардан ҳимоя қилиш йўлларини белгилаш, тарбиявий ишларни кўчайтириш, асосий йўналишлари вазифаларини кенг тарғибот қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Ёшлар сиёсати Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиб, 2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг 33 моддадан иборат “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”[1]ги Қонуни қабул қилинди. Қонунда ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш долзарб масала сифатида кўрсатилган.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда ёшларни тарбиялаш, уларнинг маънавият ва маданиятни юксалтиришга қаратилган йўналишлар кўрсатилиб, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш муҳим вазифа эканлиги муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз ўртасида, айниқса, ёшлар орасида китобхонлик анъанасини янада жонлантириш, китоб мутолаасига кенг эътибор қаратиш бўйича амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари диққатга сазовордир.

Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”[2]ги,

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 37-сони. 3-бет
[2] Миллий тикланиш газетаси 2017 йил 14 сентябрь

“Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”[1] 2018 йил 12 майдаги, “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида”[2]ги 2018 йил 14 август Қарорлари қимматли аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Кўрсатилган тарихий қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” танловлари ўтказилиб, ғолиб ўқувчилар мукофотланаётганлиги эътирофлидир. Китоб дўконлари кўпайиб китоб ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Китоб мутолааси ва китобхонликнинг аҳамияти, қиммати ҳақида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг қуйидаги ўгитлари ниҳоятда қимматлидир: “Китоб (битик) – барча бунёдкорлик, яратувчилик, ва ақл-идрокнинг, илму-донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир”[3]. Ҳақиқатдан ҳам китоб инсоннинг энг яқин дўсти, ҳаёт йўлини ёритувчи машъаладир. Кимки китобни кўп ўқиса, севса, мутолаа қилса, кўзлаган эзгу мақсадларига эришиши айни ҳақиқатдир.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев китобхонлик маданиятини оширишга катта эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас албатта. Чунки, ўқиш, мутолаа – туйғу ва тафаккурни парваришлаш, ривожлантириш дегани! Шунинг учун ҳам китобсеварлик, китобхонлик маданияти юқори бўлган давлатда, жамиятда барқарорлик мустаҳкам ва юқори бўлади. Демак, бунинг негизида ёшларимизнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишни янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “Оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш[4] – да муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларимиз ўзликни англаш ва Ватанпарварлик ғоясини қалбига жо қилишлари учун маънавиятимиз, маданиятимиз байроқдорлари бўлган буюк алломалар, улуғ зотлар аждодларимиз Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий маънавий мерослари, бадиий асарлари, халқ оғзаки ижоди дурдоналарини ўрганиш ниҳоятда қимматлидир. Ушбу буюк зотлар ва улардан кейинги буюк алломалар асарларини мутолаа қилиш ҳар биримизни албатта эзгу мақсад ва саодат сари бошлайди.

Дарҳақиқат, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан

[1] Қишлоқ ҳаёти газетаси 2018 йил 15 май
[2] Ёшлар овози газетаси 2018 йил 16 август.
[3] Амур Темур ўгитлари. Тошкент. “Наврўз” 1992й. 59-бет.
[4] Ўзбекистон Республикаси Қонун ва Ҳукумат лар тўплами. 2017 йил 27(787)сони. 14-бет

“Маърифат карвонлари” йўлга чиқиб, республикамиз бўйлаб кенг тарғибот ишларини олиб бормоқда, вилоятларимиз шаҳарларида ижод мактаблари ташкил этилиб, баркамол авлод тарбиясига катта аҳамият қаратилмоқда. Замонавий таълимни эгаллаган, одоб-ахлоқли, улуғ аждодларининг муносиб ворислари бўлиб, етишаётган ёшларимиз, албатта Ўзбекистоннинг ривожланган дунё давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу йўлда Китоблар онгу тафаккуримиз, билим ва дунё қарашимизни юксалтирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.

Сафаров А. -ф.ф.н., доцент, СамДАҚИ

Тарихий жараённи таҳлил қилар эканмиз, муайян бир халқ, миллат ёки давлатнинг маданий юксалишнинг доимо юқори поғонасига интилишларининг гувоҳи бўламиз. Бундай эзгу мақсад йўлидаги амалий ҳаракатлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий соҳаларини бир нуқтада туташтиради. Шубҳасиз, айни йўналишдаги барча имкониятлар ижтимоий тараққиёт воқелигини амалга оширувчи, янгиланиш ва ўзгаришларнинг давомчиси, бунёдкор кучи ҳамда ташаббускори сифатида ўзлигини намоён қила оладиган баркамол ёшлар тарбияси сари йўналтирилади.

Илм-фан тараққиёти ижтимоий тараққиётнинг етакчи кучи, ҳал қилувчи омили эканлигини яна бир карра таъкидлаган ҳолда, XXI асрнинг ҳақиқатан ҳам интеллектуал салоҳият асри эканлигига шубҳа қолдирмаймиз. Шу боис, мустақил Ўзбекистон танлаган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида илм-фан, таълим-тарбия масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлаш жоиздир. Қолаверса, ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг муҳим омили сифатида таълим ва фан тараққиётини замонавий талаблар даражасига кўтариш Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим устувор йўналиши сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас.

Таълим ва тарбия инсонийлик зийнатидир. Таълим жараёнида инсон дунёни англаш мазмунида тарбияланади. Тарбиявий жараёнда эса ўзликни англаш мазмунида таълим олади. Ҳар иккала ҳолат ҳам маърифат ёғдуси ҳосиласидир. Зеро, маърифат инсонни ҳамиша ёруғликка бошлаб, фаоликка бошловчи, жаҳолат ўтини сўндирувчи маънавий кучдир. “Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди”[1], деб таъкидлар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ривожланган давлатлар таълим тизимидаги ижобий кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилиб, таълим тизимига инвестицияларни жалб этиш бу энг аввало, фарзандларимиз камоли, мамлакатимизнинг жадал ривожланиши кафолатидир, деб уқтиради.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 28 декабрь.

Шу ўринда айни бир ҳақиқатни таъкидлаб ўтишни маъқул топдик: Илмий салоҳият, илм-фан тараққиёти юксаклиги - энг аввало маънавият юксаклигининг инъикосидир. Фақатгина маънавият нурига йўғрилган илм-фан тараққиёти, ихтиро ва кашфиётлар инсоният истиқболи, миллат, халқ ва мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади. Шунинг учун фарзандларимизни илмли қилиш, маърифатга етаклашнинг энг кучли воситаси-тарбиядир.

Таълим-тарбиявий ишларимизнинг пировард мақсадини баркамол авлод, комил инсон шахси билан боғлар эканмиз, сўзсиз, бу ўринда аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни таълим-тарбиявий фаолиятимизнинг замин-пойдевори деб билмоғимиз лозим. Шундай экан, ана шу бой мерос сари кенг йўл очиш, бебаҳо маънавий неъматлардан ёшларимизнинг фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда уни ижодий ривожлантириш қобилиятини тарбиялаш асосий вазифамиз бўлмоғи лозим.

Аввало, ёшларимизнинг миллий-маънавий меросимизга эътиборини жалб қила билмоқ, унинг маънавий куч-қудрат манбаи эканлигига ишонтирмоқ ва шу тариқа уларда миллий маънавиятимизга нисбатан интилишни кучайтирмоқ аниқ мақсад йўлини белгилаб беради. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”[1].

Таълим-тарбиявий жараёнда миллий-маънавий меросимизнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини ёшлар онгига сингдириш орқали ғоявий-мафкуравий тарбия изчиллигини таъминлар эканмиз, бу билан мафкуравий иммунитетнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишга эришамиз. Бундай натижа масаланинг икки муҳим жиҳатини тақозо этади:

- биринчидан, ёшларимизни ўтмиш маданий меросимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш орқали бундай бебаҳо бойликдан ижодий фойдаланиш имкониятлари улардаги ички эхтиёжлар, ҳохиш-ирода билан уйғунлашиб кетмоғи лозим. Шундагина ёшларимиз ўзликни англаш - тарихни билишдан бошланишини чуқур ҳис этган ҳолда келажак масъулиятини аниқ-равшан идрок қила оладилар;

- иккинчидан, ёшларимизнинг ўтмиш маънавий меросимизга оқилона муносабатини тарбиялаш устида сўз борар экан, албатта, ушбу мақсаддаги тарбияни амалга ошириш имкониятларини юзага чиқариш учун етарлича шарт-шароит ҳамда соғлом маънавий-ахлоқий муҳит яратилганлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак.

Мамлакатимиз тараққиётининг истиқбол режалари бу борада бизнинг олдимизга аниқ талабларни қўймоқда. “Ёш авлод тарбияси мамлакат ривожланишининг реал талабларига мос ёндашувни, ўзига хос аниқликни тақозо этмоқда. Бу аниқликда бизнинг миллат ва халқ сифатидаги замонавий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 28 декабрь.

ўзлигимизни англаш даражамиз ва замонавий тараққиёт талаблари тақозо этадиган миллий тафаккуримиз ифодаланиши керак.”[1]

Табиийки, ушбу талабларнинг амалда бажарилиши ёшларимизга ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун асос бўлади. Муҳими, ана шу интилишлар аввало ички ҳохиш-истак билан ҳамда ички эҳтиёжларнинг ифодаси сифатида, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари билан уйғунлашувидир. Ана шундай масъулиятли вазифани амалга оширишда миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва фазилатларимизнинг ёшлар турмуш тарзига сингдирилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган оила, маҳалла ва таълим тизимининг мавқеини янада мустаҳкамлаш муҳимдир. Айниқса, бу масалада шахсан Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг етакчилик, ташаббускорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш муҳимдир. Бугунги кунда таълим-тарбиявий жараёнда кун тартибида турган яна бир жиддий масала - бу уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларнинг савияси ва самарадорлигини оширишдир. Аксарият ҳолларда фан, таълим ва ишлаб чиқариш тизимларида қамраб олинган ёшлар билан маънавий-тарбиявий ишларга эътиборимизни кучайтирб, аниқ бир соҳа ёки фаолиятлари билан банд бўлмаган ёшлар эътибордан четда қолмоқда. Афсуски, бундай ижтимоий гуруҳ билан изчил, доимий ва самарали иш олиб бориш масъулиятини ўз зиммасига аниқ қилиб оладиган буғинлар фаолияти сезилари даражада эмас.

Ушбу масалага танқидий ёндашиб, Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар иттифоқи олдига масаланинг ижобий ечими сифатида типдаги ёшларни ижтимоий фаолликка йўлловчи, уларда дахлдорлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини тарбия қиладиган амалий тадбирлар ташкил қилиш, тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаларини қўйилди. Мақсад, авваламбор, ушбу гуруҳга дахлдор ёшларни доимий эътиборда тутиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг энг фаол иштирокчисига айлантиришдан иборат бўлиши керак.

Мухтасар қилиб айтганда, таълим-тарбиявий жараёнида сингдирилажак миллий-маънавий қадриятларимиз келажак бунёдкорлари бўлган ёшларимиз маънавий қиёфасининг муҳим тамойилига айланмоғи лозим. Фаолиятимизнинг ушбу йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ёш авлоднинг, хусусан, уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ташаббускорлиги, тадбиркорлиги ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, давлат дастурлари, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари аждодлар мероси, ғоявий-мафкуравий мақсадларимизга таянган ҳолдагина пировард натижани бериши аниқдир.

[1] М. Мунавварова. Миллий ғоянинг маънавий илдизлари. –Т.: 2011., 25 бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАРАКАТЛАР СТРА ТЕГИЯСИДА ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЗАРУРАТИ МАСАЛАЛАРИ

Ф.Н.Усмонов- фал.ф.д (PhD)
(ТАТУ Самарқанд филиали)

Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичларида инсон ақли-заковати, тафаккури ва маънавий оламининг тегишли даражалари ётади. Инсон турмуш тарзининг ўзгаришига унинг ақли ва тафаккури эргашиб юрмайди, аксинча, келажак истиқболининг илгарилаб, юксалиб боришига хизмат қилади. Жамият ҳаёти ўз-ўзидан кишиларни бахтли-саодатли қилиш даражасига кўтарила олмайди. Бунинг учун одамларнинг тегишли йўналишдаги саъй-ҳаракатларини амалга ошириш лозим бўлади. Ҳар қандай эзгу, олижаноб мақсадга етишишнинг бирдан-бир йўли ақл билан иш кўришдир.

Шу боис, давлат бошқарувини оқилона ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, замонавий илм-фан ва тафаккур ютуқларини жорий этишга таянмоғи лозим. Мамлакатимиз ривожланишининг ғоявий асосларини миллий ғоя, фуқаролик жамияти, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳуқуқий давлат, демократик ислоҳотлар, хусусий тадбиркорлик ва тижорат эркинлиги ташкил этади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” мамлакатимизнинг янада равнақ топишида миллий ғояни юксалишида ўз ўрнига эга. Хусусан, Шавкат Мирзиёев олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарурлигини таъкидлаб, “Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат”[1]лигига тўхталади.

Миллий ғоя кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш борасидаги ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради. Айниқса ёшлар онгида миллий ғоя ва юксак ҳуқуқий маданиятни юксалтилиш мамлакат тараққиётининг кафолатидир. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият қонун усутуворлигини таъминлаш ва қонунчиликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли аҳборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 9 январда

[1] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз// ”Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 15 декабрь.

«Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди[1]. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев «Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим»[2]лигига алоҳида тўхталиб ўтади. Унга қадар давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 28 июлда қабул қилинган «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»[3]ги қарори билан Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил этилди. Ушбу марказнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий вазифаларда, хусусан, миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва эллатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди. Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ёшлар онгида ҳуқуқий маданиятни шаклланиш зарурлиги ва бу жараёнда дастлаб умумий маданиятнинг: инсоф, шаън, ростгўйлик, қадр-қиммат ва эзгулик каби элементларни ривожлантириш зарурдир. Ушбу элементларсиз ҳуқуқий маданият яхлит юзага келмайди. Ижтимоийлашув натижасида ёшлар эзгулик ва адолат, инсон шаъни ва унинг топталиши ҳамда эркинлик ва қуллик каби қонуниятнинг мавжудлигини англаб идрок этишади. “Нима яхшию, нима ёмонлигини” тушуниб етишда эса уларга айнан ҳуқуқ соҳаси ёрдам беради. Ана шу нуқтаи назардан миллий ғоя ёшларда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим асос вазифасини бажаради. Ёшлар онгида миллий ғояни шакллантирмасдан туриб уларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш кутилган натижани бермайди. Сабаби, миллий ғоя ўзида ягона мақсад сари жамиятни жипслаштириш, йўналтириш ва сафарбар этиш каби муҳим функцияларни мужассам этади. Бу эса ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга асосий замин бўлиб хизмат қилади. Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларимизга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий шароитларидан келиб чиқиб, ёшларнинг ғоявий-мафкуравий тарбия жараёнида миллий ғоя ва ҳуқуқий маданият ажралмас хусусиятга эга. Ёшларда миллий ғояни кучайтириш учун ўз Ватанига ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялашга, жамиятда соғлом турмуш тарзини, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратиш лозим. Бунда ҳар бир ўзини ўзбекистонликман деган шу юрт фуқароси биргаликда харакат қилиши,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фаромни // «Халқ сўзи», 2019 йил 10 январь

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2018 йил 29 декабрь.

[3] www.lex.uz

уларнинг қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини ўйғотиш зарур. Ана шундагина биз олдимизга қўйган вазифани тўлиқ бажарган бўламиз.

G‘OYAVIY-MAFKURAVIY TARBIYA JARAYONIDA MILLIY-MA’NAVIY MEROSNING ROLI VA AHAMIYATI

Tursunova O-F.f.n., dosent SamDU falsafa kafedrasi
Hakimova D, SamDU magistri

O’zbekistonda inson huquqlari sharqona urf-odatlar, milliy g’oya, milliy mafkura, milliy falsafa asosida shakllanib kelgan. Qadimdan xalqimizning oila jamiyatning asosi, oila a’zolarining bir-biriga bo’lgan oqibati, oiladagi mafkuraviy tarbiya, insonning kattalarga hurmat, kichiklarga izzat qilinishi, insonning ona Vatan va jamiyat oldidagi burchning oilada o’rganishi kabi ezgu fazilatlari inson huquqlari va sharqona urf-odatlarimiz bilan uzviy ravishda rivojlangan. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev ta’kidlaganidek: «Biz butun jahon jamoatchiligiga islom dining asl insonparvarlik mohiyatini etkazish eng muhim vazifa deb hisoblaymiz. Biz muqaddas dinimizni azaliy qadriyatlarimiz mujassamining ifodasi sifatida behad qadrlaymiz. Biz muqaddas dinimizni zo‘ravonlik va qon to‘kish bilan bir qatorga qo‘yadiganlarni qat’iy qoralaymiz va ular bilan hech qachon murosa qila olmaymiz» [2, 36].

O’zbekistonda inson huquqlari va sharqona urf-odatlarimizning o’zaro munosabati masalalarini birgina O’zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi uchinchi bo’lim, o’n to’rtinchi bobi bilan taqqoslab tahlil qilsak, yuqoridagi fikrlarimizning yorqin dalilini ko’rish mumkin.

O’zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 63-moddasiga ko’ra: «Nikoh tomonlarning ixtiyoriy roziligi va teng huquqliligiga asoslanadi» [4, 12] deyilgan, Ayni shu fikrni shariat va urf-odatlarimiz nuqtai nazaridan qaraydigan bo’lsak, «Ozod ham muxallifa, ya’ni aqlli, balog’atga yetgan qizning o’z-o’zini valisiz kuyovga bermagi durust, garchi kufuina, ya’ni qizning tengdoshi bo’lmagan erga bo’lsa-da» [3, 92], ikki huquqiy normada ham bir ma’noni anglash mumkin.

Konstitusiyamizning 64-moddasiga e’tibor beradigan bo’lsak: «Ota-onalar o’z farzandlarini voyaga yetgunlariga qadar boqish va tarbiyalashga majburdirlar» [4, 12], deyilgan. Asosiy Qomusimizning ushbu moddasi dunyoning hyech bir davlati normativ huquqiy aktlarida uchramaydi. Shuningdek, bu moddani musulmon huquqining manbasi bo’lmish Hadisi Sharifda uchratish mumkin: «Kim mehribonlik qilmas erkan, mehribonlik ko’rmagaydir!» yoki «Hattoki ot ham o’z bolasini mayib qilib qo’yishdan cho’chib tuyoqlarini ehtiyotkorona ko’tarib bosg’aydir» [1, 85]. Shuningdek, 64-moddaning davomida: «Davlat va jamiyat yetim bolalarni va ota-onalarining vasiyligidan mahrum bo’lgan bolalarni boqish, tarbiyalash va o’qitishni ta’minlaydi, bolalarga bag’ishlangan xayriya faoliyatlarni rag’batlantiradi» [4, 12], deyiladi. Xuddi shu fikrlarni urf-odatlarimizga singib ketgan, inson huquqlarining ilk manbalaridan bo’lgan Qur’oni Karim Niso surasining 6-oyatida ko’rish mumkin: «Yetimlarni to balog’at yoshiga yetgunlaricha imtihon qilib (tekshirib) turinglar. Agar ular es-hushlari joyida ekanini ko’rsangiz, mollarini o’zlariga topshiringlar. U

mollarni isrof qilib va (egalari) katta bo'lib qolmasin, deb shoshilib yeb qo'ymanglar, (Yetimni otaliqqa olgan kishi) agar boy bulsa, (yetimning molidan) parhyez qilsin. Bordi-yu kambag'al bo'lsa, yaxshilik bilan (ya'ni qilgan xizmatiga yarasha) olib yesin. Mol-mulklarini o'zlariga qaytarganingizda esa guvoh, keltiringlar» [5, 55]. Shuningdek, An'om surasining 152-oyatida: «Yetimning moliga to voyaga yetgunicha faqat eng chiroyli yo'l bilan yaqinlashingiz! O'lchov va tarozini adolat bilan tortingiz! … So'zlaganingizda (guvohlik berganingizda) garchi qarindoshingiz bo'lsa ham adolat qilingiz! …» [5, 98].

O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 65-moddasiga ko'ra: «Farzandlar ota-onalarining nasl-nasabidan va fuqarolik holatidan qatiy nazar, qonun oldida tengdirlar. Onalik va bolalik davlat tomonidan muhofaza qilinadi» [4, 13], deb ta'kidlanadi. Shu ma'noni Qur'oni Karim Ankabut surasining 8-oyatida o'qib olish mumkin: «Biz insonni ota-onasiga yaxshilik qilishga buyurdik (ya'ni ota-ona xoh yaxshi, xoh yomon bo'lsin, xoh, musulmon, xoh kofir bo'lsin ularga yaxshilik qilish farzandning burchidir, ammo agar ular sen o'zing bilmagan narsalarni Menga sherik qilishing uchun zo'rlasalar, u holda ularga itoat etmagin!)» [5, 28]. Keyingi bandga Luqmon surasining 14-oyati to'g'ri keladi, deb o'ylaymiz: «Biz insonga ota-onasini (ya'ni ularga yaxshilik qilishni) amr etdik. Onasi unga ojizlik ustiga ojizlik bilan homilador bo'ladi (ya'ni qornidagi homila kattargan sari onaning holi qurib, zaiflasha borur) uni (ko'krakdan) ajratish (muddati) ikki yilda (kelur)». 15-oyatida esa: «Ularga (garchi kofir bo'lsalarda), dunyoda yaxshi muomalada bo'lgin va o'zing menga ijobat-tavba qilgan kishilarning yo'liga ergashgin!» [5, 297]. Shuningdek, An'om surasida 151-oyatida: «… ota-onaga yaxshilik qilingiz, bolalaringizni kambag'allikdan (qo'rqib) o'ldirmangiz» [5, 98].

O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 66-moddasiga ko'ra: «Voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o'z ota-onalari haqida g'amxo'rlik qilishga majburdirlar» [4, 13]. Xuddi shu moddaning ilk manbasini, mag'zini urf-odatlarimizda ifodalanganligini, azal-azaldan ushbu modda biz kim o'zbeklarning sharqona mentalitetga xos bo'lgan xususiyat ekanligini ko'rish mumkin. Jumladan, Qur'oni Karim Baqara surasining 83-oyatiga ko'ra: «Faqat Ollohgagina ibodat qilasizlar, ota-ona, qarindosh-urug', yetim va miskinlarga yaxshilik qilasizlar» [5, 12]; Al-isro surasi 23-24-oyatlarida: «Parvardigoringiz, yolg'iz Uning O'ziga ibodat qilishlaringizni hamda ota-onaga yaxshilik qilishlaringizni amr etdi. Agar ularning (ota-onangizning) birovi yoki har ikkisi sening qo'l ostingda keksalik yoshiga yetsalar, ularga qarab «uf» tortma va ularning (so'zlarini) qaytarma! Ularga (doimo) yaxshi so'zlar ayt! Ular uchun mehribonlik bilan, xorlik qanotini past tut - xokisor bo'l va: «Parvardigorim, meni (ular) go'daklik chog'imdan tarbiyalab o'stirganlaridek, sen ham ularga rahm-shafqat qilgin», deb (haqlariga duo qil!)» [5, 197]; Niso surasining 36-37-oyatlarida: «… ota-onangizga hamda qarindosh-urug', yetim va miskinlarga, qarindosh qo'shni va begona qo'shniga, yoningizdagi hamrohingizga, yo'lovchi musofirga va qo'llaringizdagi qullaringizga yaxshilik qilingiz!» [5, 59] deyilgan.

O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 36-moddasiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, unda shunday deyilgan: «Har bir shaxs mulkdor bo'lishga haqli. Bankka

qo’yilgan omonatlar sir tutilishi va meros huquqi qonun bilan kafolatlanadi» [4, 9]. Fuqarolarning iqtisodiy va ijtimoiy huquqlarini islom huquqining manbalarida uchratish mumkin. Jumladan, Qur’oni Karimning Niso surasi 7-8-oyatlarida: «Erkaklar uchun ota-onalari va qarindosh-urug’lari qoldirib ketgan merosdan ulush bordir. Ayollar uchun ham ota-onalari va qarindosh urug’lari qoldirib ketgan merosdan ulush bordir. Meros taqsimlashda uzoq qarindoshlar, yetim va miskinlar ham hozir bo’lsalar, ularni ham shu merosdan bahramand qilib, yaxshi so’zlar aytinglar» deyilgan. Yuqoridagi suraning 19-oyatida esa: «Ey, mo’minlar, sizlar uchun xotinlarni majburiy holda meros qilib olish durust emasdir». Shuningdek, 33-oyatida: «Har bir inson uchun ota-ona va qarindoshlar qoldirib ketgan merosdan (bahramand bo’lguvchi) merosxo’rlar qilib qo’ydik» [5, 59]. Bu oyatlarda nafaqat iqtisodiy va ijtimoiy huquqlar, balki inson huquqlari va erkinliklarining kafolati normasi ham ko’rinadi. Konstitusiyaning 46-moddasiga ko’ra: «Xotin-qizlar va erkaklar teng huquqlidirlar» [4, 10]. Shuningdek, «O’zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo’lib, jinsi, irqi millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e’tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqyeidan qat’i nazar, qonun oldida tengdirlar» [4, 6] mazmundagi 18-moddada ham foydalaniladi.

Umuman, O’zbekistonda butun sharq davlatlariga xos bo’lgan inson, oila, oila a’zolarining huquqlari va burchlarini barcha urf-odatlar bilan qo’llash, muhim insoniy qadriyatlardan, milliy mafkuradan, milliy g’ururlardan biri bo’lib kelgan. O’zbekistonda inson huquqlarini amalga oshirish mezoni avvalo bizning sharqona urf-odatlarimizdir. Chunki ota-obobolarimiz, ona-momolarimizdan bizga meros bo’lib kelayotgan urf-odatlar, hurmat, izzat, mehr-muxabbat, iymon, e’tiqod, g’urur - bularning barchasi qon-qonimizga singib ketgan. Albatta, inson huquqlarini himoya qilishda, uni oliy qadriyat deb bilishda milliy davlatchiligimiz urf-odatlari katta rol o’ynaydi. Bu esa huquqiy ongimiz va huquqiy madaniyatimizni, ma’naviyatimizni oshiradi.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОС МАЪНАВИЯТИМИЗ МАНБАИ

Доцент: Хурсанд Худойбердиев
Ассистент: Фируза Норматова
Тошкент давлат техника университети
Термиз филиали

Кейинги юз йиллар давомида нашр этилган асарларда маданий мерос, маънавий мерос, миллий маънавий мерос тушунчалари купинча синоним сифатида ёки бир-бири билан уйгунлаштирган холда тушунилиб келинмокда. Одатда “маданий мерос-авлод-аждодлар томонидан яратилган амалий тажриба, ахлокий, илмий, тафаккурий, диний ва рухий карашлар, халк маданияти ва ижоди каби моддий хамда маънавий бойликлар мажмуи”[1] маъносида тушунилмокда.

Маънавий мерос деганда эса маълум жамият аъзоларининг сиёсий, хукукий, ахлокий, эстетик, фалсафий, илмий, диний, дахрийлик, экологик,

демографик, иктисодий қарашлари, ғоялари, муносабатлари, халк оғзаки ва ёзма адабиёти, маънавий бойликларнинг йигиндисига тушунилади.
Миллий маънавий мерос эса маълум элат, миллат, халк, этник гурухларга тегишли бўлган, унинг менталитетига хос булган, ундан келиб чиккан маънавий бойликлардан иборатдир. Маълумки кишилик тарихида хар бир халкнинг авлоди хар бир давр учун узига хос маданий, маънавий, маърифий меросга қараб давр ва авлодлар хақида хукм чикариши мумкин. Маданий, маънавий, маърифий мерос кандай булса, давр ва авлодлар хам шундай булади.

Маданий, маънавий, маърифий мерос кенг халқ оммаси ва айрим ижодкорлар мероси сифатида намоён булади. Масалан, халк маданияти, маънавияти, маърифати ва ижодига оид бойликлар асрлар давомида йигилиб, хар бир авлод томонидан кайта ишланиб, тулдирилиб, оммавий куринишда мавжуд булиб келади. Маданий, маънавий, маърифий мерос муаллифи, ижодкори, яратувчиси халқ оммасидир. Хоразмий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Хаким Термизий, Собир Термизий, Улугбек, Бобур каби алломалар колдирган ижтимоий, илмий, тафаккурий, диний мерос кенг қамровли ижтимоий ходиса булгани учун унга ранг-баранглик, хурфикрлилик, узига яраша демократизм хосдир. Худди шу нуктаи назардан маънавий меросга муносабат жамият кандай тамойилларни узига шиор килиб олганлигини хам ифода этади. Бирок, маънавий меросга муносабат камлик килади, хамма гап бу бойликлардан ижтимоий тарракиёт учун фойдаланиш имкониятларини яратишдадир.

Шу маънода Биринчи Президентимиз И.А.Каримов узининг “Юксак маънавият енгилмас куч” номли асарида “ маънавият котиб колган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий харакатдаги узлуксиз жараён бўлиб тараккиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий хаёт олдига қуйиладиган талаблар хам муттасил пайдо булаверади”[1], деган эди.
Лунда қилиб айтганда, бу ўринда бир-бирига қарама-қарши булган, бир-бирини инкор қиладиган икки хил хаётий караш хақида бормоқда.

Биринчиси- уз нонини халол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги хаёт лаззатлари, балки охират хақида, унинг обод булиши хақида уйлаб яшайдиган инсонларга хос хаётий курашлар хисобланади.

Иккинчиси-бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндошув, яъни, хаётнинг маъно-мазмуни хақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан узини кдйнамасдан, факат нафс кайгуси ва уткинчи хою хавасга, хузур- халоватга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашларидир. Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо буладиган оғир саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни уйлантириб, қийнаб келади. Хаёт мохиятини англаб етишга ўз умри, билими ва салохиятини бағишлаган. Не-Не буюк зотлар, мутафаккирлар файласуфлар,

1 Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т: “Маънавият”, 2008, 171-бет.

2

аллома ва азиз-авлиёлар, тили ва динидан қатъи назар шу каби мураккаб муаммоларга жавоб топиш учун изланган, бу мавзуда қанча-қанча асарлар яратган. Лекин бу савол бугунги кунда хам хануз уткир ва долзарб булиб қолаётганини инкор этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бу ҳақида шундай деган эди: “Барчамизга маьлумки, Оллохнинг узи инсон зотини вужудга келтирар экан, уни турли қиёфада, нафақат юз-кўзи, балки феьл атворини ҳам бир-бирига ухшамайдиган қилиб яратган. Ер юзида қанча инсон яшайдиган булса, бармоғининг изи хам ички дунёси ҳам бир хил булиши иккита одамни топиш, учратиш қийин, табиийки, бу инсонларни фикрлаш ва яшаш тарзи хам бир-биридан фарқ қилади. Таъбир жоиз булса кимдир Рахмон измида юрса, кимдир Шайтон измида юради”.[1]

Бу нарса шуни кўрсатиб турибдики бу дунёда ҳаёт бор экан, турфа хил одамлар ва уларнинг онгу тафаккуридаги ўзаро тафовут ва зиддиятлар сақланиб қолаверишини кўрсатади. Айнан ана шундай турли дунёқарашлар, бир-бирини инкор этадиган оқим ва йўналишлар мавжудлигини табиий бир хол деб қабул қилишни ҳаёт воқеилигининг ўзи талаб этади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бир-бирига қарама-қарши дунё қарашлар хақида шундай деган эди. “бир-бирини инкор этадиган дунёқарашларни инобатга оладиган булсак, буларнинг узи тегишли хулосаларга олиб келиши муқаррар. Яъни уз пешона тери билан ҳалол турмуш кечирадиган инсон хаётидан мамнун ва рози бўлиб, қалби ва юраги осойишта, виждони пок, руҳий олами барқарор бўлиб, элнинг ҳурматини қозониб яшайди. Иккинчи томондан, бу дунёда енгил-елпи, ҳар хил нопок йўлларга берилиб, инсоний бурчини унутиб, мол-дунёга интилиб яшаган одам энг ачинарлиси шуки, ҳаётининг сўнггида армон ва надоматларга ботиб ўз умрини тугатади”.

Доно ҳалкимиз, ғараз ва хасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатини узгалар хисобидан эришишни маъқул курадиган, фақат узини уйлайдиган кимсадан узи асрасин дейди. Бағрикенг, ҳалол, пок виждонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғаму ташвиши билан яшайдиган кишиларни эса, аксинча бошига кутаради ва бундай одамлар жамият томонидан қадр-қиммат, хурмат-эътибор топади.

Ўзбек ҳалқининг миллий, маданий-маънавий мероси узоқ ўтмишдан турли халқларнинг вакиллари томонидан ўрганилиб келинмокда. Чунки ўзбек халки Марказий Осиёда энг бой ва қадимий маданий-маънавий меросга эга халқ чунки унинг аждодлари уч минг йилдан ортиқ йиллар давомида минтақанинг энг қулай, серҳосил, серқуёш ва серсув қисмини инсоният моддий ва маънавий маданиятининг ва маънавиятининг улкан масканларидан бирига айлантирганлар, бизга мерос сифатида унлаб маданият ва маънавият марказлари, минглаб фалсафий, адабий, дунёвий ва илмий асарлар қолдирганлар.

Шу боисдан Европаликлар, Араблар, Форслар, Хитойликлар, Руслар ва бошкалар бу сохада тадқиқот ишлари олиб борганлар, ҳозир ҳам олиб бормоқдалар. Собик иттифок даврида иккинчи жахон уруши шиддат билан

давом этаётган бир пайтда маданий, маънавий ва маърифий мерос муаммоларини илмий тадқиқ қилишга маълум эътибор берилди. Шу максадда 1943 йил Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди. Академия таркибида Тил ва адабиёт институти, Беруний номидаги Шарқшунослик институти,
Тарих ва археология институти, кейинроқ фалсафа ва хуқуқ илмий текшириш институтлари очилди. Санъатшунослик институти, Ўзбекистон ҳалклари тарихи институти, санъат музейи очилди. Уларда маданий-маънавий мерос муаммолари тадқиқ қилинди.

Марказий Осиё инсоният маданияти, маънавиятининг энг қадимги учоқларидан биридир. Бир неча йиллар давомида жуда куплаб фан, меьморчилик, адабиёт, санъат ва бошка сохаларнинг бебахо асарлари яратилган булиб, улар жахон фани ва маданияти, маьнавиятининг дурдона асарлари хисобланади. Жахон фани ва маъданиятини Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Навоий ва бошкаларнинг машҳур асарларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу даврда узбек ҳалқ оғзаки адабиётининг намуналари булмиш 70 дан ошиқ достонлар ёзма холга келтирилиб нашр этилди.

Айниқса бадиий меросимиз, тарих, адабиёт, санъатга маълум эътибор кучайди. XII-XX асрларда яшаган Юсуф Хос Хожиб, Лутфий, Навоий, Бобур, Турди, Машраб, Увайсий, Нодира, Гулханий, Махмур, Фурқат, Муқимий, Огахий, Аваз Ўтар, Завқий, Хамза ва бошқаларнинг ижоди урганилди. Мусиқа ва санъат тарихи буйича куп томлик асарлар, хусусан, классик мусиқалар нашр этилди. Узбек миллий маданий, маьнавий меросини урганишда В.В.Бартольд, Е.Э. Бертельс, И.Ю. Крачковский, А.А.Семёнов, (В Г П . Вяткин, А.Самойлович, А.К.Боровков, А.И.Беленицкий, В.И.Дмитриев, А.Ю. Якубовский, И.Г. Петрушевский, П.С Толстов каби олимлар бу сохага муносиб хисса қушдилар. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қуқон, Урганч ва бошқа жойлардаги кутубхоналарда куплаб қўлёзмалар тупланди ва сақланиб келинмокда. Х.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида барча узбек шоирларининг қулёзмалари тўпланди.

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қулёзмаларнинг хақиқий сақланадиган жойига айлантирилди. Институт фондларида 40 мингдан ошиқроқ асарларни уз ичига олган 18 минг жилд қулёзмалари тупланди. Бу жойда қулёзмалардан ташқари 50 мингдан ошиқ литографик нашрлар ҳам сақланмоқда. Улар XIX аср охири XX аср бошларига тааллуқли нашрларидир. Қўлёзмалар институтида X асрдан XX асргача бўлган қулёзмалар тупланган. Бу ерда Яқин ва Урта Шарқ, Шимолий Хиндистон, Эрон, Ғарб мамлакатларига олиб кетилган ёзма манбалар ҳам мавжуд. Улар Араб, Форс, Турк, Урду, Пуштин тилларида ёзилган.

Институт кутубхонасида қадимги ва урта асрнинг йирик мутафакирлари Аристотель, Платон, Гален, Форобий, Тусий, Ибн Сино, Бахманёр, Ибн Рушд, Ибн Баджа ва бошкаларнинг 107 та трактатларининг қўлёзмалари мавжуд.
Институт фондида Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Озарбайжон, Афғонистон, Араб мамлакатлари сўз мулки султонларининг машҳур асарлари Рудакий,

Фирдавсий, Алишер Навоий, Жомий, Бобур, Низомий, Мутаннабий, Ҳофиз, Саадий, Умар Хайём, Мирзо Бедил ва бошкаларнинг хам асарлари мавжуд. Институт фондида ўрта асрнинг энг бебахо асарлари хисобланмиш Ибн Жарир ат-Табарийнинг "Тарих ат-Табарий. (X аср), Ибн Мискавайхнинг "Таджариб ал-умам" (XII аср), Ибн ал- Асирийнинг 20 жилдлик "Умумий тарих" (XIII аср), Мухаммад ал- Жувайнийнинг "Тарих комил" (XV аср), Рашидиддин ибн Имададоланинг "Жомеъ ат-таворих" (XIV аср) асарлари хам мавжуд.

Бобурийлар ҳакида ёзилган ибн Хераийнинг "Табикат Акбаршохи" (XVI аср), хинд олими Сунжани Рая Муншининг "Хулосатат-таворих", Мирзо Салим Нуриддин Мухаммад Жахонгирнинг "Жахонгирнома", Мухаммад Қосим ХинДушохийнинг "Тарихи Фаришта" (XVI- XVIII аср лари) асарлари хам мавжуд.

Улуғ Ватандошимиз Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро Тарихи" (XII аср) асари институт фондида сақланади. Афтидан бу қўлёзма асарнинг энг кадимий қулёзмасидир.Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Форобий, Розий, Али Қушчи, Бобур, Наршахий, Байхақий ва бошқаларнинг қулёзмалари асосида уларнинг асарлари нашр этилган. Улар 1972 йилда Берунийнинг, 1975 йилда Форобийнинг, 1980 йилда Ибн Синонииг, 1983 йилда Хоразмийнинг юбилейлари муносабати билан нашр килинди. Маданий, маънавий, маърифий меросни китобхонларга етказишда, утмиш мутафакирларининг асарлари билан таништиришда узбек олимларининг хам хизматлари катта булди. Жумладан, 1959-йилда академик И.М.Муминов рахбарлигида "Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар, 1949, 1957 йилларда "Из истории развития обшественно-философской мысли в Узбекистане в конце XIX и начале XX в." монографияси, 1946, 1958 йилларда "Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари" китоблари уша давр учун катта изланишлардан бири булди. Лекин шуро хокимияти ҳалқимизнинг маданий, маънавий, маърифий меросига бир томонлама ёндошди, синфий ва партиявий нуқтаи назардан қараб маънавий мероснинг минглаб дурдоналари туғрисида сузлашни тақиқлади. Юзлаб маданий, маънавий, маърифий мерос намоёндаларини миллатчиликда, миллий биқиқликда, чеклангаликда айблаб, уларни қатағон қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов узиниг "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарида юқорида қайд қилинаётган давр хақида шундай деган эди: "Узоққа бормасдан, халқимиз уз бошидан кечирган мустамлака даврини бир куз олдимизга келтирайлик. Қарийб 150 йил давом этган тарихимизнинг том маънодаги қора кунлари булмиш уша замонда бир пайтлар узининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шахар ва қишлоқлари билан дунёни хайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор булганини яхши биламиз.

Лекин ана шундай дахшатли даврда хам хар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз узини, узлигини йуқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Нохақлик ва зуравонлик хукмрон булган шундай замонларда хам юртимиздан миллат ва халқ қайгуси билан яшаган хақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чикди. Халқимизнинг асрлар синовида янада

кучайиб, тобланиб борган мустахкам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий узлигимизни сақлаб қолишига асос бўлди”[1].

“Чор Россияси ва совет тузуми озодлик учун қилинган хар қандай миллий хатти-харакатни аёвсиз бостиргани, “босмачилар” ва аксилинқилобчиликка қарши кураш ниқоби остида халқнинг энг ижтимоий фаол ва саводхон қатламининг аксариятини қириб ташлаши ёки чет элларга қочишга мажбур этиши; Сталин қатағонлари; “дебсан-дебсан” сохта айби билан оддий кишиларни хам қамаш; 80-йилларда ўйлаб топилган ўзбеклар иши” ўша тарихий қўрқувни янада кучайтирди, сиёсий лоқайдлик учун замин бўлди”,[2] деб ёзади А.Эркаев.

Натижада халқимизнинг талай қисмида бечоралик, буш- баёвлик, ўз ҳақини талаб қила олмаслик, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга бефарқлик кўникмаси вужудга келди. “Мустақиллик шароитида бундай камчиликлар тараққиёт йўлида катта ғов бўлмокда. Айниқса, аҳолининг айрим қисмидаги бепарволик ва ижтимоий сусткашлик ўамда ўз хақ-ҳуқуқини талаб қилиб ололмаслик ўтиш даврида айрим қаллобларга қўл келмокда”,[3] дейди А. Эркаев.

Бу фикрни ривожлантирган А.Чориев шундай деб ёзади: “Мустабид тузум шароитида қарор топган ясама турмуш тарзи баьзи бировларда руҳий-маьнавий жонланиш уйғотган бўлса, кўпчиликда лоқайдлик, бефарқлик кайфиятини таркиб топтирди. Оқибатда ёлғон сўзлаш, ваъданинг устидан чиқмаслик, омонатга хиёнат қилиш, нафсу-хавога берилиб йўлдан озиш жамият турмуш тарзига борган сари чуқурроқ кириб борди”[4].

Маьнавий қашшоқлик, энг аввало, эътиқодсизликда, иймонсизликда намоён бўлади. Эътиқодсизлик ҳар қандай муқаддас ахлоқий қоидалар, хуқуқий нормаларни емиради. Сўз билан иш бирлигининг бузилишига олиб келади, икки юзламачиликни келтириб чиқаради.

Маьнавий қашшоқликнинг энг муҳим ва энг даҳшатли кўринишларидан бири-мустақил фикрлаш малакасининг сўниб боришидир. Сир эмаски, мустақил фикри йўқ киши қўрқоқ бўлади. Қўрқоқлик эса эътиқодсизлик билан боғлиқ бўлади. Эътиқодсизлик иймонсизлик инсон онгининг заифлашувидан далолат берса, қўрқоқлик кишининг амалий фаолиятида содир бўлади.

Маьнавиятсизликнинг куринишларига ёлғончиллик, қаллоблик, кўзбуямачилилик, мақтанчоқлик, хасад, нафсни жиловлай олмаслик, тутуриқсизлик, бетайинлик, махаллийчилик, порахўрлик ва бошқалар киради. Мустақиллик йилларида бундай иллатларга қарши қатъи харакатлар бўлмоқда. Мустақиллик туфайли ўзбек халқи ўз миллий маьнавий меросини янгидан тикламоқда. Маданий, маьнавий, маьрифий меросимиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбанд каби мутафаккирлар таьлимотлари, яқин вақтгача тақикда

---

3. И.А.Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т. “Маънавият”, 2008, 25-26-бетлар.
4. А. Эркаев Маънавият-миллат нишони.-Т. “Маънавият”, 1999, 94-бет
5. А. Эркаев Маънавият-миллат нишони.-Т. “Маънавият”, 1999, 95-бет
6. А. Чориев Инсон фалсафаси. Мустақил шахс.-Т. “ Чинор ЕНК”, 2002, 59- бет.

бўлган талайгина урф-одатлар, расм-русумлар, аньаналар, миллий йиғинларнинг тикланиши ҳисобига бойиб бормоқда, тарихимизнинг ўар бир палласи бошқатдан кўриб чиқилмокда, жадидчилик харакатининг асл маъноси очиб берилмоқда. Муқимий, Фурқат ва бошқа шоирлар ижоди қайта кўрилиб, тўла равишда ёритилмоқда. Фитрат, Чўлпон, Боту, Усмон Носир, Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг фикрлар олами халқимизга аслига кўра етказилмокда.

Халқимизнинг энг бой ва қадимий миллий маьнавий меросини тўла юзага чиқариш, инсоният олдига ўзбек халқининг ҳақиқий маданий, маьнавий, маьрифий қиёфасини кўрсатиш маьнавий меросимизни тиклашнинг таркибий қисмидир. Ўзбекистонни оламга танитишнинг зарурий шартидир. Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим манбасидир.

РОЛЬ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ В ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОМ ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ

Доц. кафедры иностранных языков СамИЭС
к.ф.н. Хусаинова Л.Ю.,
студентка III-курса группы БХ-216 СамИЭС
Жамшедова Н.Ж.

В наше время все чаще встает вопрос о духовно-нравственном воспитании молодого поколения, граждан нашей страны. Понимание и усвоение духовных ценностей становится важным фактором развития общественного и национального самосознания. Построение сильного государства зависит от потенциала сегодняшнего поколения, его устремлений, знаний и интеллектуальных способностей. Только физически крепкая, гармонично развитая, высокодуховная молодежь способна взять на себя ответственность за судьбу страны и будущее нашей нации. В современном обществе владение иностранным языком повышает рейтинг специалиста в любой отрасли, делает его конкурентно способным, создает условия для комфортного выполнения профессиональных обязанностей.

В связи с этим задача духовно-нравственного воспитания подрастающего поколения имеет большую значимость; ее, необходимо осмыслить как одну из приоритетных в деле обеспечения национальной безопасности страны. Педагогическая поддержка самоопределения личности, развития её способностей, таланта, передача ей знаний, умений и навыков, необходимых для успешной социализации, сами по себе не создают достаточных условий для свободного развития личности.

Язык – хранилище культуры этноса, в нем запечатлен весь познавательный опыт народа, его морально-этические, социокультурные, художественно-эстетические, воспитательные идеалы. Через язык передается культура народа, ценностные приоритеты.

Сегодня духовно-нравственное воспитание нуждается в теоретическом осмыслении его методологических основ, разработке целостного подхода к

ним. Наступил новый этап развития социума, связанный с изменением менталитета общества и личности, изменением ценностных ориентаций у подрастающего поколения. Все острее ощущается потребность в воспитании духовно богатой, высоконравственной личности, способной созидать

Иноязычная культура — часть общей культуры человечества, которую учащийся может овладеть в процессе коммуникативного иноязычного образования в познавательном (социокультурном), развивающем (психологическом), воспитательном (педагогическом) и учебном (социальном) аспектах. На сегодняшний день английский язык — это не просто интересная дисциплина, а важное средство для диалога культур. Постепенно английский язык становится инструментом международного общения и общечеловеческого единения.

Процесс обучения современных студентов иностранным языкам содержит уникальный педагогический потенциал духовно-нравственного, идейно-политического, эстетического, трудового воспитания молодого поколения. Он приобщает учащихся к образцам мировой и родной культуры, включает их в диалог культур. Обучение иностранным языкам имеет четко выраженную культуроведческую направленность. Патриотизм и культурность межнациональных отношений тесно связаны между собой.

На уроке иностранного языка студенты знакомятся с историей и традициями стран изучаемого языка, осваивают другую культуру. И через знакомства с другой жизнью они могут осуществлять проекцию своей жизни. В ходе изучения иностранных языков также затрагиваются и обсуждаются проблемы, позволяющие формировать навыки критического мышления, позволяющие соотнести свои взгляды с нормами общественной морали.

К методам и приемам, содействующим нравственному воспитанию учащегося на уроке английского языка, могут быть отнесены коллективные формы взаимодействия. Среди них можно выделить групповую и парную работы. Именно в группах и парах проходит обсуждение той или иной проблемы, именно во взаимодействии с окружающими детьми складываются определенные точки зрения.

Следующим эффективным приемом работы является ролевая игра. Она также является формой коллективного взаимодействия. В ходе использования данного приема работы также необходимо ввести этап рефлексии для того, чтобы учащиеся смогли проанализировать уместность, необходимость и эффективность той или иной модели поведения. Конечно, во многом ролевое поведение определяется изучаемым языковым материалом, но нравственная направленность также оказывает влияние на предполагаемый вариант поведения.

Не последнюю роль играют тематические уроки. Проектная методика обучения иностранным языкам даёт большие возможности для формирования у учащихся таких общечеловеческих ценностей, как уважительное и толерантное отношение к другой культуре и более глубокое осознание своей культуры. Знакомство с культурой страны изучаемого языка происходит путём сравнения

и постоянной оценки имевшихся раннее знаний и понятий с вновь полученными, со знаниями и понятиями о своей стране, о себе самих. В результате происходит своеобразный диалог культур устами школьников. Сравнивая зарубежного сверстника и самих себя, страны, учащиеся выделяют общее и специфичное, что способствует объединению, сближению, развитию понимания и доброго отношения к стране, её людям, традициям. Средствами поликультурного воспитания студентов могут быть и общение со сверстниками из других стран, и переписка с носителями языка в режиме on-line.

GLOBALLASHUVNING XUSUSIYATLARI VA ZIDDIYATLARI

SamVMI, f.f.n D Rahimova,
o'qituvchilar S. Turatosheva, J. Oripov

Agar tarixga nazar tashlasak, o‘z faoliyatida boshi berk ko‘chaga kirib olganda, hamma vaqt ilmiy — texnikaviy yangilikka intilgan va erishilgan muvaffaqqiyat evaziga o‘z ko‘chasini ochiq qilib olgan: olov paydo bo‘lishdan, bug‘ mashinasi, yadro, atom energiyasi paydo bo‘lishiga qadar biz uning guvohimiz. Axborotni qayta ishlash, boshqaruv jarayonining boshi berk ko‘chaga kirib qolishi o‘z navbatida tezkor elektron hisoblash mashinalari bunyod etilishiga olib keldi.Jamiyatni axborotlashtirish ishlab chiqarishning yuqori darajasidagi jarayon bo‘lib, axborotdan jamoat resursi sifatida foydalaniladi. Axborotlashtirish- bu umumjahon jarayoni bo‘lib, taraqqiy etgan mamlakatning jahon bozoridagi peshqadamligi, iqtisodiy o‘sishi va milliy xavfsizligini ta’min etadi. Ma’lumki, globallashuv jarayoni obyektiv va qonuniy jarayon bo‘lib, o‘ziga xos bir qancha ijobiy xususiyatlarga ega. Bu jarayon birinchi galda davlatlarga xalqaro maydonga erkin chiqishga, boshqalar bilan yaqindan hamkorlik olib borishga hamda o‘z milliy manfaatlarini turli xil xalqaro va nodavlat tashkilotlar doirasida ta’minlashga keng imkoniyatlar beradi. Shuni aytish kerakki, vaqt o‘tishi bilan globallashuv jarayonining o‘ziga xos ijobiy tomonlari bilan birga, bir qator salbiy jihatlari ham namoyon bo‘la boshlaydi. Davlatlarning bir-biriga sezilarli darajada o‘sgan bog‘liqligi shuni ko‘rsatmoqdaki, bir mintaqadagi xoh salbiy, xoh ijobiy voqea — hodisalar dunyoning boshqa bir mintaqasiga juda tez tarqalib, o‘z ta’sirini ko‘rsatmoqda. Buning oqibatida, mintaqa xavfsizligi va barqarorligiga jiddiy tahdidlar vujudga kelmoqda. Vaziyatning keskinlashuvi, tashqi tahdidlarning ichki tahdidlar bilan, ya’ni an’anaviy tahdidlar bilan o‘zaro qo‘shilishi, ular orasidagi masofa yaqinlashuvi hamda ularning o‘zaro bog‘liqligi o‘sishi kuzatilmoqda. Bu holat esa milliy va mintaqaviy xavfsizlikni ta’minlashda jiddiy muammolarni keltirib chiqarmoqda. Shuningdek, bugungi kunda jahon geosiyosatida geostrategik kuchlar muvozanatining o‘zgarishi, ko‘p qutbli markazlar yuzaga kelishi, ular orasidagi raqobat hamda ayrim davlatlarning dunyo hukmronligi uchun ochiqdan — ochiq da’volari yangi mustaqil davlatlarda jamiyatni erkinlashtirish va huquqiy demokratik davlat qurish jarayoniga, milliy va mintaqaviy xavfsizlikni ta’minlashga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Ushbu geosiyosiy raqobat oqibatida xalqaro xavfsizlikning yangi noan’anaviy tahdidlari: xalqaro terrorizm, diniy ekstremizm va fundamentalizm,

narkobiznes, noqonuniy qurol savdosi, separatizm vujudga kelishi kuzatiladi. Mazkur tahdidlar esa zamonaviy xalqaro munosabatlar tizimidagi globallashuv va integratsiyalashuv natijasida kundan-kunga milliy, mintaqaviy va xalqaro xavfsizlikka xavf solmoqda. So‘nggi davrlarga kelib, geosiyosiy vaziyatning o‘zgarishi hamda raqobat kuchayishi natijasida yuqorida ko‘rsatilgan omillardan tashqari, ilgari kuzatilmagan tahdidlar yuzaga kela boshladi. Ayrim g‘arb davlatlari tomonidan o‘z milliy manfaatlarini kengaytirishda «demokratiya eksporti» «ikkilamchi me’yor» siyosiy va «axborot huruji» kabi asosiy vositaga aylanmoqda. Globallashuv jarayonini bevosita axborot bilan bog‘liq ekanligini tushinish qiyin emas, albatta. Mutaxassislarning fikricha, hozirda axborot iqtisodiyotning eng serdaromad manbaiga aylanib bormoqda. AQSh Strategik tadqiqotlar institutining ma’lumotlariga ko‘ra, axborot mahsulotiga sarflangan har bir dollar, yoqilg‘i-energetika sohasiga sarmoya qilingan 1 dollardan ko‘ra bir necha barobar ko‘p foyda berar ekan. Bu faqat uning iqtisodiy jihati, uning siyosiy jihati esa o‘z shaxsiy manfaatlariga o‘ta arzon, o‘ta qulay yo‘llar bilan erishish sifatida qaralmoqda. Shu nuqtai nazardan bugungi kunda axborot omili ham siyosiy, ham iqtisodiy jihatdan ayrim kuchlar manfaatiga aylanib bormoqda. Shuning uchun ham yangi mustaqil davlatlarning milliy xavfsizligini ta’minlashda siyosiy, iqtisodiy, harbiy omillar bilan bir qatorda uning axborot jihatlari borgan sari dolzarblashmoqda. Prezidentimiz aytganlaridek, axborot omili yadroviy poligonlardan ham dahshatli omilga aylanib borayotir. Agar mazkur omilga alohida e’tibor berilmas ekan, u borgan sari kuchayib boradi. Natijada, ayrim kuchlar qo‘lida asosiy «qurol»ga aylanadi. Bu esa nafaqat davlatlar yoki mintaqalarda keskin vaziyat vujudga kelishiga sabab bo‘ladi, balki xalqaro miqyosda ham o‘z ta’sirini ko‘rsatadi.Xalqaro munosabatlar tizimida yuz berayotgan o‘zgarishlar natijasida milliy xavfsizlik, mintaqaviy xavfsizlik va xalqaro xavfsizlik kabi tushunchalar mohiyatini tushinishga, ularning o‘zaro bog‘liqligini anglashga e’tibor ortib bormoqda. Bugungi dunyoning axborot xavfsizlik holati «Xavfsizlik»ka bo‘lgan zamonaviy yondashuvlarni ishlab chiqishga va milliy, mintaqaviy va xalqaro xavfsizlikka nisbatan konseptual qarashlarni rivojlantirishga undamoqda. Bugungi globallashuv asrida axborotga bo‘lgan talab har qachongidan ko‘ra, kuchayib bormoqda. Shunday ekan, xolis va haqqoniy axborotlarni tarqatish, ommaning bu mahsulotga bo‘lgan ehtiyojini qondirish har qachongidan ko‘ra bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etadi. Ma’lumki, demokratik jamiyatda ommaviy axborot vositalari, tele-radio kanallar odamlarni xolis va haqqoniy axborot yetkazadigan, gumanistik qarashlar, ilg‘or g‘oyalarni ifoda qiladigan erkin minbar sifatida e’tibor beriladigan vositadir.. Bugun jahon miqyosida bo‘layotgan olamshumul o‘zgarishlar, iqtisodiy taraqqiyot, ilm-fandagi inson aqlini lol qoldiradigan yangiliklaru ixtirolar barcha-barchasi ommaviy axborot vositalari orqali ma’lum bo‘lmoqda. Demak, OAV, matbuot yaxshilikka, ezgulikka xizmat qilmoqda. Shu o‘rinda ulug‘ alloma Abu Rayxon Beruniy merosidagi ayrim fikrlarga e’tiborni qaratmoqchimiz. Alloma bundan ming yil burun shunday yozib ketganlar.«Xabar beruvchilar sababli rostlik va yolg‘onlik tusini oladi. Chunki, odamlarning maqsadlari xilma-xil xalqlar o‘rtasida tortishish va talashish ko‘p. Shunday kishilar ham bo‘ladiki, ularning tabiatiga yolg‘on xabar tarqatish o‘rnashib qolib, go‘yoki unga

shu vazifa yuklangandek bo‘ladi va xabar tarqatmasdan tinchiyolmaydi. Bu yomon xohishlardan va tabiatiga buzuq fikrlarning joylashganligidan kelib chiqadi». Qarang bundan o‘n asr avval yashab o‘tgan bobokalonimiz bugungi kun voqeligi, ayniqsa, o‘zini adolatparvar, inson huquqlari himoyachisi, oddiy so‘z bilan aytganda, «jurnalist» deb yurgan ayrim kimsalarga ta’rif berib o‘tgan ekanlar. Axborotni himoyalash masalalariga rivojlangan mamlakatlar katta ahamiyat beradi. Hozirgi paytga kelib xalqaro munosabatlar yangi axborot texnologiyalari asosida shakllanayotgani bois, axborotni himoyalash va kompyuter tizimlari xavfsizligini ta’minlash jamiyat oldidagi eng muhim vazifalardan biriga aylanmoqda. Amerika Qo‘shma Shtatlarida «axborot quroli»ga qarshi maxsus davlat dasturini amalga oshirish uchun yiliga 137 mln. dollar sarf qilinadi.«Bugungi kunda, — degan edi, O‘zbekiston Respublikasi birinchi prezidenti Islom Karimov, — insoniyat qo‘lida mavjud bo‘lgan qurol-yarog‘lar Yer kurrasini bir necha bor yakson qilishga yetadi. Buni hammamiz yaxshi anglaymiz. Lekin hozirgi zamondagi eng katta xavf — insonlarning qalbi va ongini egallash uchun uzluksiz davom etayotgan mafkuraviy kurashdir. Endilikda yadro maydonlarida emas, mafkura maydonlarida bo‘layotgan kurashlar ko‘p narsani hal qiladi». Kurashning bu turida eng samarali qurol — axborot. Shu bois, axborotni o‘z maqsadlariga xizmat qildirishga intilish keskin tus olmoqda. Axborot, uni uzatish, qayta ishlash va yig‘ish bosqichlari o‘ziga xos xususiyatga ega ekanligi bilan ham ahamiyatlidir. Ya’ni, insonning oddiy, kundalik ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan xatti-harakatlarining asosini ham, dunyo mamlakatlarining insoniyat taqdiriga daxldor bo‘lgan qarorlarining manbaini ham axborot tashkil etadi. Bu esa o‘z navbatida g‘oyaviy ta’sir o‘tkazish imkoniyatlarini yanada kengaytiradi. Mutaxassislarning xulosalariga qaraganda, rahbarlar, boshqaruv xodimlari axborotlar bilan ishlashga o‘z vaqtlarining 30 foizdan 80-95 foizgachasini sarflashar ekan. Bu tabiiy holat. Chunki o‘z vaqtida va ishonchli axborotlarga ega bo‘lish hamda ularni o‘z vaqtida yetkazish va amaliyotda unumli foydalanish samarali boshqarishni ta’minlashning sharti hisoblanadi. Shundan kelib chiqib, aytish mumkinki, endilikda axborot- davlat faoliyatida boshqaruvchilik kuchini sezilarli darajada namoyon qiladi. O‘zbekistonning mustaqil bo‘lishi uni ayrim davlatlarni bizning mintaqamizga intilishlari mohiyatida ikki muhim jihat-mintaqada geosiyosiy ta’sirga va bu yerdagi tabiiy hamda notabiiy resurslarni tasarruf etishda o‘z ulushiga ega bo‘lish alohida ko‘zga tashlanadi. Boshqa ayrim davlatlardan farqli o‘laroq, buning O‘zbekiston hukumati tomonidan anglab yetilgani va mazkur masala uning tashqi siyosatida aks etib turishi «katta o‘yin» qatnashchilarini o‘z manfaatlari yo‘lida har qanday usul hamda vositalardan foydalanishga majbur etadi. Yuqorida ta’kidlaganimizdek, bugungi kunda dunyo bo‘ylab o‘z manfaatlarini keng yoyishning eng maqbul usuli — axborot hurujlari bo‘lsa, eng samarali vosita — axborot tizimlari va vositalari hisoblanadi. Axborot hurujlarining tez-tez uyushtirilayotgani aslida «urush»ga munosabatni o‘zgarganidan, qurolning yangi turi kashf qilinganidan darak beradi. Axborot bilan qurollangan bunday hurujlar davlatlar tomonidan o‘z manfaatlari doirasini kengaytirish maqsadida uyushtirilar ekan, bunday vaziyat mavjud bo‘lmaydi. Hozirda turli usullarda olib borilayotgan mafkuraviy targ‘ibot va tashviqotlarning asl maqsadi-inson qalbi va ongi uchun kurashga qaratilgan. Bu

kurash natijasiga koʻra uchta asosiy bosqichdan iborat. Birinchisi — muayyan axborot inson tomonidan qabul qilinmaydi. Ikkinchisi — axborot inson ongida maʼlumot sifatida saqlanib qolishi va u bundan boshqa bir masala yuzasidan qarorlar qabul qilishda solishtiruvchi manba sifatida foydalanish mumkin. Uchinchisi — axborot fikr yoki gʻoya sifatida inson qalbini egallashi, maʼnaviy-ruhiy holatining uzviy qismiga aylanishi hamda bu uning amaliy faoliyati asosini tashkil qiluvchi omil boʻlib qolishi mumkin. Axborot uchinchi holatda insonni harakatga daʼvat etuvchi, ragʻbatlantiruvchi kuchini toʻla namoyon etadi. Hozirda axborot hurujlari haqida koʻp gapirilayotgan boʻlsada, mutaxassislar tomonidan mazkur tushunchaga hali toʻla taʼrif berilganicha yoʻq. Buning ustiga, hatto soha tadqiqotchilari, mutaxassislar ham «axborot urushi» degan jumlaning qachondan muomalaga kirgani va axborot-qurol sifatida ilk bor qachon foydalanilgani haqida bir toʻxtamga kelgani yoʻq. Dunyoning deyarli barcha rivojlangan mamlakatlarida axborot hurujlari masalasiga jiddiy munosabatning shakllanib ulgurgani, bu borada aniq konsepsiyalarning yaratilgani nafaqat mintaqada, balki jahonda oʻzining munosib oʻrnini egallash sari intilayotgan Oʻzbekiston uchun ham alohida ahamiyat kasb etadi. Oʻzbekistonning geosiyosiy joylashuvi, tabiiy resurslarga boyligi va boshqa iqtisodiy hamda ijtimoiy salohiyati uning manfaatdor kuchlar tomonidan «axborot hurujlarining obyekti» sifatida qaralishi ehtimolini keltirib chiqaradi. «Aslida, hayotning oʻzi turli-tuman gʻoyalar kurashidan, bahsu munozaralardan iborat. Taraqqiyotning maʼno-mazmuni, kerak boʻlsa, falsafasi ham shunda. Ammo hamma gap har qanday tahdid yoki tahlika oldida vahimaga tushmasdan, ana shu kurash va sinovlarga doimo tayyor turishda ogoh va sergak boʻlishdadir», degan edi birinchi Prezidentimiz I.Karimov.«Sovuq urush» davrida yadroviy hurujlardan choʻchib yashagan dunyo endi terrorizmning shavqatsiz tajovuzlaridan saqlanish yoʻllarini izlamoqda. Zero, vaqt va makon tanlamaydigan bu ofat xohlagan vaqtda, xohlagan joyda oʻzining mashʼum basharasini namoyon etib qolishi mumkin. Kishini xavotirga soladigan sabab shuki, terroristik hurujlar kiber makonda ham faollashib bormoqda. Shu bois, koʻplab davlatlarning oldida axborot- kommunikatsiya va kompyuter tizimlarida ishonchli axborot xavfsizligini taʼminlash masalasi turibdi..Shu oʻrinda rossiyalik olim A. Zinovevning «Globallashuv yangi jahon urushi. U yangi tipdagi jahon urushi» degan taʼkidi kishini ancha sergak torttiradi. Yana bir olim A.Parshev esa «Aslida globallashuvning asosiy mazmuni boshqa mamlakatlarda ishlab chiqarilgan mahsulotning qoʻshimcha qiymatini dunyodagi asosiy zahiralarni oʻzlashtirishdan iboratdir» deydi. Ochigʻi bu kabi farazlarning mohiyatida globallashuv jarayoniga qarshilik koʻrsatishdan koʻra, uning zamiridagi «siyosiy oʻyin»larni fosh qilishga nisbatan norozilik yotibdi desak, toʻgʻri boʻlar edi.Ayrim gegemonlik vasvasasiga tushgan davlatlarning globallashuv geosiyosati negizida «demokratiyani faol ilgari surish prinsipi» yotibdi. «Universal va barchaga taalluqli» demokratiyani jahonga yoyishga urinishlar, bugungi kunda jadallashib ketganidan koʻz yuma olmaymiz. Demak, «demokratchi»lar oʻz gʻoyalari va turmush tarzini tiqishtirmoqchi boʻlmoqdalar. Kishilik jamiyati paydo boʻlgandan beri inson axborot olish, tarqatish va undan foydalanishga ehtiyoj sezib keladi. Albatta, qadimda bu jarayon juda sodda koʻrinishga ega edi. Dunyo taraqqiy etgan sari u murakkablashib, axborotning

jamiyatdagi o‘rni yanada oshdi. Hatto, davrimiz ham «Axborot asri» — deb nom olgani bejiz emas. Ayni paytda mutaxassislar har qanday davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasi bilan birga mudofaa qudrati ham axborot tizimi va texnologiyalariga bog‘liqligini ta’kidlashmoqda. Shu o‘rinda jamiyat hayotining turli sohalarini kompyuterlashtirish, elektron kommunikatsiyalar, elektron ko‘rinishdagi ma’lumotlar bazasi, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish ijobiy natijalar bilan bir qatorda, axborot tizimlariga buzg‘unchilik maqsadida ta’sir etishni ko‘zda tutuvchi yangi «axborot quroli»ning ta’siri kuchayishiga olib kelayotganini aytib o‘tish joiz. Bu esa o‘z navbatida, mamlakatimizning axborot resurslari va telekommunikatsiya tarmoqlarini noqonuniy maqsadlarda ishlatishga qarshi himoya choralarini ko‘rish va ularning benuqson faoliyatini ta’minlashga da’vat etmoqda.Globallashuvning avj olishi millat «chegaralarini» yo‘q qilib yubormoqda, ommaviy ma’naviyatni shakllantirishga olib kelmoqda. Buning natijasida har bir millatga xos bo‘lgan urf-odat, an’ana, qadriyatlar o‘z ahamiyatini «yo‘qota» borish xavfi yuzaga kelmoqda. Bu millatning ma’naviy qashshoqlashuvi sodir bo‘lishga, ularning o‘zligini anglamaydigan manqurtlariga olib keluvchi tahdidlarni yuzaga keltirmoqda. Umuminsoniy ma’naviyat turli-tuman millatlarning o‘ziga xos boshqa millatlar uchun ham ma’naviy oziqa bera oladigan qirralarini o‘zida mujassamlashtirganligi bois, tabiiy ravishda keng yoyilib boradi hamda jahonda yashayotgan turli millatlarning ma’naviyati rivojlanishiga yordam beradi. Shuning bilan birga umuminsoniy ma’naviyatning shakllantirish jarayonining o‘zi ham milliy ma’naviyatlar rivojlanishiga yordam beradi. Chunki bu jarayonda turli millat va elatlar teng huquq imkoniyatga ega bo‘lib, ularning har biri o‘z ma’naviyatining boshqalar uchun ham zavq — shavq va ilhom bera oladigan jihatlarini rivojlantirishga harakat qiladi hamda uni ommaviylashtirishda o‘zi faol ishtirok etadi. Uning zaminida zo‘ravonlik yo‘li bilan o‘zga millat va elatlar ongi, qalbini egallash maqsadi turmaydi, balki ma’naviy tenglik, samimiylik, o‘zaro do‘stlik, qardoshlik va bir-birini ulug‘lash kabi umuminsoniy qadriyatlar turadi. Shuning uchun ham turli millatlarni o‘zaro boyitib boradi, ularni yaqinlashtiradi va ma’naviyatlarning yuksalishiga yordam beradi. Axborot globallashuvi va yoshlar ma’naviyati, har qanday axborot oqimining yoshlar ma’naviyatiga ta’siri xususida so‘z yuritganimizda avvalo bu masala zamirida jamiyatimizning, davlatimizning milliy xavfsizligi yotganini nazarda tutishimiz lozim. Zero bu mavzuda so‘z yuritar ekanmiz avvalo ikki masala mavzuning dolzarb nuqtasiga aylanadi: birinchisi axborot oqimi-mafkuraviy tahdid; ikkinchisi — yoshlar ma’naviyati, ya’ni turli xildagi axborotlarga nisbatan yoshlarimizda shakllangan immunitet masalalaridir.Gap shundaki, axborot oqimi o‘z mohiyatiga ko‘ra ma’lum bir maqsadga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Uning qanchalik yoshlarimizga ta’sir qilishi uning oldiga qo‘yilgan maqsad sari puxta yo‘naltirilganligiga bog‘liq. Tabiiyki, axborot oqimining salbiy ta’siri esa ularda shakllangan mafkuraviy himoya tizimining mukammalligi omiliga bog‘liq. O‘tish davrida axborot mafkuraviy idrok etish bilan bog‘liq vaziyatning murakkabligi, ya’ni davlat, jamiyat va shaxsda mafkuraviy raqobat borasida yetarlicha demokratik tajriba yo‘qligida hamdir. Ommaviy axborot vositalari tinglovchilarining ko‘pchiligi siyosiy mavzudagi har qanday axborotni rasmiy axborot sifatida qabul qiladi. Axborotlar

xarakteri va tartibi siyosiy osoyishtalik va barqarorlikning o‘ziga xos barometri bo‘lib xizmat qiladi. Agar fikrlar xilma-xilligi holati namoyon bo‘lsa, beqarorlik ko‘rsatkichi, siyosiy munosabatlar tizimida muammoli vaziyat yetilib kelayotganining o‘ziga xos alomati sifatida talqin qilinadi. Ikkinchi masalada avvalo, yoshlarimizning mafkuraviy immuniteti bugungi kunda qanday shakllangan degan savol paydo bo‘ladi. Masalani inson omili nuqtai nazaridan o‘rganadigan bo‘lsak, mafkuraviy immunitet — har qanday axborot ta’siriga tushib qolmaslik, avvalo, o‘sha inson ongu-tafakkuri, idroki nechog‘lik o‘tkirligiga, chuqur mushohada qilish qobiliyatiga bog‘liq.To‘g‘ri, avvalo hammada ham bunday qobiliyatlar birdek rivojlangan emas. Ammo, bu qobiliyatlarni shakllantirish, idrok ko‘nikmalarini hosil qilish, inson tug‘ilganidan to shaxs sifatida shakllanguniga qadar davom etadi. Xususan, bunda ma’lum bir yoshning ko‘p kitob o‘qishi, o‘z mamlakati tarixini o‘rganishi, urf-odatlarga nisbatan hurmat ruhida tarbiya topishi, bir so‘z bilan aytganda, unda milliy e’tiqod — milliy faxr shakllanishi muhim o‘rin tutadi. O‘z millati qadriyatlarini qadrlagan, o‘z tarixini bilgan, Vatanga e’tiqodi shakllangan yoshlarning axborot oqimlarining ta’siriga tushib qolish ehtimoli kam. Chunki bunday yoshlarda o‘ziga xos psixologiya va masalaga o‘ziga xos yondashuv paydo bo‘lgan bo‘ladi.

ФАКТОРЫ ДУХОВНОГО РАЗВИТИЯ МОЛОДЕЖИ

Ю.М. Халимбетов - к.ф.н., доцент
СамМИ, Ё. Садыкова к.ю.н СамМИ,
Ибрагимова Э.Ф. ассистент СамМИ

Одним из ключевых приоритетов стратегических реформ в последние годы Независимости стало создание принципиально новой, современной системы образования и воспитания подрастающего поколения. Теоретическое и практическое значение анализа комплексного подхода в организации образовательной и воспитательной работы состоит в том, что реализация его требований позволяет в Узбекистане обеспечить более высокий уровень пропаганды и агитации, усилить их деловитость и конкретность, связь с жизнью, с решением хозяйственных, нравственных задач, развивать наступательность, боевитость в учебно-воспитательной работе, понимание необходимости решительно бороться с любыми чуждыми влияниями и пережитками прошлого, со всем тем, что мешает нашему движению вперед.

Формирование нового молодого человека самым тесным образом связано со всем комплексом экономических социальных и духовно-нравственных проблем. Без высокого уровня образования, общественной сознательности, идейной зрелости молодежи Узбекистана невозможен, как невозможен он без соответствующей материально-технической базы. А это значит, что формирование молодого человека является не только результатом, но и важнейшим условием Независимого Узбекистана.

Воплощение в жизнь Стратегии действий невозможно без ускорения динамики развития экономики, социальных отношений, духовно-нравственной

сферы, стиля и работы хозяйственных, особенно молодежных организаций. Интенсификация по своей сущности к содержанию, целям и задачам, размаху и методам это настоящая перестройка, перелом во всей системе общественных отношений, в ушах и сердцах молодежи Республики, их психологии и понимании современного этапа развития общества. Она носит необратимый характер, должна проводится одновременно сверху и снизу, охватывать все эшелоны управления страной, все звенья государственного руководства.

Формирование молодого человека было и остается предметом особой заботы Независимого Узбекистана. Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев разрабатывает свою политику и организует практическую деятельность с учетом конкретных условий, динамизма современных социально-экономических и духовных процессов и в соответствии с этим во многом по новому ставит и решает вопросы воспитания в духе дружбы и солидарности. Необходимость совершенствование межнациональных отношений связано также с тем, что все более возрастает информированность молодежи Узбекистана, его образованность и культура, а в связи с этим иными стали требования к содержанию и уровню межнационального воспитания. Президент Ш.М. Мирзиёев усилил внимание интернационалистской воспитательной работе, которая обусловлена также тем, что в жизнь вступает многонациональное поколение людей. Именно он призвал обеспечивать формирование всей многогранной совокупности всесторонне и гармонично развитого человека - его теоретического и практического опыта, сознательного отношения к труду, высокой нравственности и культуры.

В ряде случаев жизни решение проблем межнациональных отношений, проблем взаимодействия национального и инонационального, традиционного и нового, надо по сути дела начинать с принципиально новых позиций, оставаясь при этом на твердой почве историзма. Историзм научного подхода к проблемам национальных процессов выдвигает в теоретическом и практической аспектах ряд новых проблем. Одной из таких проблем нам неизбежно придется иметь дело в ходе набирающей темп экономического развития. Образован новый тип многонационального независимого государства. Реально национальные процессы проявляются, как а) внутринациональные; б) межнациональные (как межнациональные отношения и межнациональные общения); в) международные (между народами СНГ и ШОС). Национальные процессы у разных народов в разных государствах происходит не одинаково и не однообразно.

Научный подход к национальным процессам, с одной стороны требует их познания, понимания, исследования, а с другой осознанного воздействия на них в целом, требует решения, как противоречий объективного характера, так и преодоления трудностей (и даже ошибок) порожденных действиями субъективного порядка. Противоречия свойственны всякому развитию, неизбежны они и в этой сфере. Главное видеть постоянно возникающие их аспекты и грани, искать и своевременно давать верные ответы на вопросы, которые выдвигает жизнь. И прежде всего они делают ставку на молодежь, на

недостаточно высокий уровень социальной зрелости ее определенной части молодежи и по вопросам прошлого, и настоящего как «своего» народа, так и других народов.

Интернационалистская зрелость личности, коллектива, социальной группы общности в целом один из важнейших гарантов правильного понимания и действия в современных национальных процессах, в том числе и развития высокой культуры межнационального общения. Поскольку формирование и утверждение интернационалистской зрелости осуществляется под воздействием социальной среды, реальной действительности, под воздействием как исторических достижений Узбекистана, в том числе в национальных процессах, так и еще имеющихся недостатков, особенно в области межнационального общения, то в воспитательном процессе все это следует обязательно трезво и ежедневно учитывать. И все же прежде всего необходимо опираться на уже достигнутое, на накопленный положительный опыт. Научный подход к формированию интернационалистов-патриотов немыслим без соответствующей теории воспитания.

В годы Независимости Узбекистана предпринято немало усилий по разработке теории интернационалистского воспитания, в том числе вопросов формирования интернационалистской зрелости молодежи. Недостает пока и научно обоснованных рекомендаций, необходимы для решения целого ряда педагогических, психологических, юридических и организаторских проблем интернационалистского воспитания.

Научная теория формирования интернационалистской зрелости перед воспитателями ставит кроме выше отмеченных и много других основополагающих требований. В их числе: глубокие знания научной теории нации, национальных процессов, интернационализма, национализма, принципов справедливой национальной политики и т.д.; предметное знание объекта воспитания, в нашем случае различные категории молодежи и её различных групп (учета уровня их социальной, в том числе уровня интернационалисткой зрелости, знаний, умений, навыков, способностей, учета их психологических особенностей и т.д.); наличие в каждом коллективе научно обоснованной системы интернационалистского воспитания с учетом всех её основных направлений, но прежде всего формирования интернационалистского сознания и вовлечения каждого молодого человека (с учетом дифференцированного подхода) в активную интернационалистскую деятельность и основополагающих принципов, целостного комплекса средств, форм и главных методов воспитательного воздействия; четкая координация воспитательных мероприятий не только в учебном заведений, но и на уровне всех участков, учреждений, институтов, организаций, которые влияют на формирование интернационалиста-патриота; наличие и постоянное поддерживание в каждом коллективе здоровой действенной воспитывающей атмосферы (трудовой, нравственной, эстетической, организаторской и т.д.).

Больше самостоятельности, организованной (но не заорганизованной) ответственной деятельности и самодеятельности, проявлении инициативы и

самоинициативы молодежи, её массового участия в самоуправлении коллективом и обществом неисчерпаемые резервы превращения каждого молодого человека из объекта в активный, сознательный субъект воспитания интернационалистов-патриотов.

Осуществление интернационалистского воспитания в современных условиях требует по новому осознать живую диалекту взаимосвязи национального фактора с экономикой, политикой, наукой, дипломатии, материальным благосостоянием, уровнем культуры и сознания молодежи. Эта связь, как показали итоги этносоциологический исследований, является настолько многогранной, всесторонней и все проникающей, что любые негативные явления в одном из звеньев указанной цели неизбежно сказывается на других, незамедлительно проявляются на психологии межнациональных отношений.

Серьёзные издержки интернационалистского воспитания в немалой мере протекали из слабой разработанности ряда условий тем национальной проблематики. До сих пор, например, не утихают споры о том, какая из двух тенденций - развития или сближение наций - является приоритетной. Между тем обе точки зрения, одна из которых, отдавая предпочтение развитию, - ведет к местничеству и национализму, а другая, наоборот, - к космополитизму, не лишены односторонности. На современном этапе и в обозримом будущем методологически точнее думать, что обе тенденции бесконечны. И процесс каждой из них состоит не в увлечении расстояния между национальным и интернациональным, а наоборот, приближении их друг к другу. Иными словами, в синхронном, взаимосвязанном развитии национального, роста национального самосознания и углубляющихся процессов интернационализации одновременно наличествует и противоречие и единство.

Развитие интернационализма проистекает не само по себе, а в тесном взаимодействии с развитием каждой нации, народности, и национальной группы. И многие проблемы, связаны отклонением от принципов интернационализма, лежат не столько в непосредственной сфере межнациональных отношений, не в сфере межреспубликанских контактов, сколько в процессах всестороннего развития каждой нации.

Чаще всего промахи интернационалистского воспитания стремимся объяснить недостатками, обнаруживаемыми в интернациональных (т.е. в межнациональных) процессах, в то время как истинные, глубинные причины надо искать в интернациональных (внутринациональных) и в экстранациональных, т.е. во всесторонних связях национального с вненациональным.

ЁШЛАРНИНГ ДУНЁВИЙ ҚАРАШЛАРИДА ДИНИЙ МЕРОС, БУГУНГИ ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Ю.М.Халимбетов - ф.ф.н. доцент, СамМИ
Ш.М.Мухитдинов - б.ф.н. доцент, СамМИ
Г.Н.Мамурова - ассистент, СамМИ.

Шу муқаддас заминимизда яшаган улуғ аждодларимиз бундан кўп асрлар илгари ҳозирги замонавий дунёвий ва диний фанларга пойдевор қўйиб, уни ривожлантиришга беқиёс ҳисса қўшган. Марказий Осиё Ўрта асрлар илмий-маданий марказларидан бири сифатида бошқа минтақадаги Ренессанс жараёнининг ижобий таъсир кўрсатган жаҳон илм-фанидан ўз тасдиғини топган. 2014 йилнинг май ойида Самарқандда дунёнинг элликка яқин мамлакатидан келган олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва илмий-диний марказлар вакиллари экспертлар иштирокида "Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусида ўтказилган халқаро конференция ва биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг унинг очилиш маросимидаги маърузаси улуғ аждодларимизнинг ана шундай бой маънавий ва диний мероси аҳамиятини яна бир карра чуқур англаш имконини берди. Зеро Юртбошимиз таъкидлаганидек "Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман уларга доимо: "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак" деб айтаман. Айни вақтда "Фақат ғурурланишнинг ўзи етмайди, худди уларга ўхшаб мана шу бебаҳо меросга ўз хиссамизни қўшайлик деб такрорлайман".

Қадимдан илму-фан, дин ақидалари, қонун-қоидалар ёшларимизни диёнатли, саховатли, раҳмдил ва бағрикенг бўлишга ўргатганлар. Бу масалада биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг " Дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган, уларни поклаб юксалтирган, ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умумий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодларга етказишга ёрдам бериб келган. Баъзи вақтларда эса унинг бирдан бир чораси бўлган" деган фикрларини келтириш ўринлидир: Барчамиз яхши биламизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш миллий хусусиятларимиздандир. Қадимий авлодларимиз дини бўлмиш Ислом - мусулмонларнинг миллий менталитети, турмуш моҳияти ва ҳаётининг ўзидир. Ўзбекистонда ислом дини милодий VIII асрдан эътиборан ёйила бошлаган бўлиб, мустақиллик йилларида дин, виждон, эътиқод эркинлиги юзага чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг, асосан ёшларнинг виждон эркинлиги кафолатланган, 1991 йил 19 июнда ва 1998 йил 1 майда янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", "Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига хаж қилиши тўғрисида", Қурбон ва Рамазон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилиниши тўғрисида", "Тошкент Ислом Университетини ташкил этиш тўғрисида" ва бошқа бир қатор Президент Фармонлари бу соҳага катта эътибор берилаётганини кўрсатиб турибди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфидаги 10та

мадраса ва Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Институти ёшларга ҳам диний, ҳам дунёвий илм беришда намунали ишларни бажармоқда.

Мамлакатимизда Ўрта асрда яратилган ибратли меросимизга таянган ҳолда ҳозирги замон цивилизацияси туфайли келиб чиқаётган турли фанлар янгиликларни ёшларга узлуксиз тушунтириб бормоқда. Диний билимларни эгаллашга интилган ёшлар сони ортиши билан бирга ўқув жараёнига ҳам ўзгартиришлар киритилмоқда. Ўзбекистондаги диний билим юртлари учун давлат таълим стандартлари билан мувофиқлаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, илмий ва амалий қўлланмалар, амалдаги қонунлар асосида дунёвий ва диний фанлар ўқитилмоқда. Республикамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси барча вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг маҳаллаларида масжидлар очилди. Диний билимларни ўргатадиган мадрасалар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Истиқлол йилларидаги илмий ва диний қадриятларимиз тобора узлуксиз ривожланиб, қадр топиб ҳаётимизга кириб келмоқда. Мустақиллик бошлангандан сўнг комил инсон тарбияси энг долзарб масала бўлиб қолди. Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларда жиддий ислоҳотлар бошлаб юборилди. Бу мураккаб, кўп қиррали ишларни аъло даражада уддалаш учун янгича фикрлай оладиган, ақл-заковатли, фидоий, уддабурон боболар меросдан узоқлашмаган ёшларга диний илм сирларини ўргатиш лозим.

Бугунимиз – эртамизнинг пойдевори. Ҳозир тушуниш муҳим: биз кечирган кечаги тирикчилик билан биз қураётган эртанги ҳаёт ўртасида ер-осмонча тавофут бор. Биз кўрган – билган ижтимоий пиллапояда инсон энг қуйи поғонада турган ва олий, ҳатто ўнлаб ҳам юқори маълумоти билан мурватлик вазифаларга яраган холос. Озод ҳаёт, эркин меҳнат учун мурватлар эмас, ташаббускор, шижоатли, билимли бунёдкорлар керак. Мукаммал ва фозил кишилар ҳақидаги орзу-башариятнинг азалий орзусидир.

Ота-боболарнинг ҳунармандлиги билан фахрланиш, улар яратган илмий асарларни пухта ўқиш, момоларнинг бундан бир неча асрлар илгари айтилган ғазалларини, аллаларини эшитиб таълим тарбиянинг нималигини тушунишса ўринли бўлади. Абдурахмон Жомий ёзган ҳикматли мисраларини Хожа Самандар Термизий давом эттириб, “Азизим, ҳунар аҳлини тарбиялашда саъй-ҳараткат қил, ҳунарсиз кишиларни отасининг ҳунари, хизмати учун ҳурмат қилма. Одамнинг ҳурмати отасининг шухрати билан эмас, балким ўзининг қобиляти, ҳунари билан белгиланади” деб масалани янада ойдинлаштиради.

Халқимизга хос бўлган хусусиятлар-меҳнатсеварлик, адолат меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат, шарм-хаё, иффат, иболилик, андиша, тўғрилик, ҳақгўйлик, инсоф, диёнат, касб-корига ҳурмат, ҳалоллик, поклик, саховат, раҳм-шафқат, мурувват, камтарлик, устозга ҳурмат, вафодорлик, оилага ғамхўрлик, ижтимоий адолат ва ҳоказоларнинг барчаси ислом динимизнинг зиёсидир. Динимизнинг зиёси оиладан, бошланғич таълимдан, мактабдан, Олий ва Ўрта махсус ўқув юртлари, маҳаллалардан ва меҳнат жамоаларидан, ўз устоз ва мураббийларидан ўрганишлари лозим.

Таълим берувчи устозда замон талаби билан энг камида уч ижодий

мутахассис хусусияти мужассамлашган бўлиши зарур. Олимнинг, нотиқнинг, актёрнинг илмий фикрини ёшларга олимона, вазмин, нотиқдек аниқ, актёрдек таъсирчан, тушунарли қилиб етказиш ўқишхонани ром қилади, фаннинг обрўсини оширади. Билимсиз маърифат, маърифатсиз маънавият, маънавиятсиз диний қадрият йўқ. Маънавият илм –фаннинг, маданиятнинг, маърифатнинг ва диний қадриятларнинг имонидир. Диний маънавиятли кишиларни халқ орасида ақлли, доно фикрли, баъмани, мутафаккир, маърифатли, эс-хушли, исломий ҳикматли деб баҳолашган. Билим жиҳатдан зиёли – бу нур эгаси. Бу нур илм нури, теран маданият, олий тафаккур, мустаҳкам ички интизом, сунъий руҳият нуридир. Қалбига Исломий диннинг уруғи қадалган инсон имонли бўлади, имон эса бу ҳалоллик, покизалик, тўғрилик, ҳақлик демакдир. Бу ижобий ҳислатларни ҳаммасини қиладиганлар-мураббийлардир. Чунки Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди”. Дин - бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга-ю, яхши из қолдиришга ундаб туради.

НЕКОТОРЫЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ФЕНОМЕНА СЛОЖНОСТИ

Ниязимбетов Марат Кудиярович -*кандидат философских наукстарший преподаватель кафедры «Философия и логика» Национального университета Узбекистана*

Проблема исследования сложности является многоаспектной. Этим обусловливается существование нескольких концепций, позволяющих анализировать феномен сложности. В современной философии и науке существует несколько исследовательских программ при изучение сложности. В этом плане известны концепции Г. Хакена, И. Пригожина, Э. Морена, Е.Н. Князева и т.д. В них феномен сложности изучены в разнообразных аспектах.

Например, исторический аспект исследования сложности, т. е. эволюция освоения феномена сложности Ратников В.С разделяет (путем историко-методологической реконструкции), на три этапа: 1) этап классической науки, где сложность трактуется в контексте статистики многоэлементных (чаще - механических) систем; 2) этап становления системного подхода, кибернетики и первых концепций самоорганизации и 3) этап нелинейной науки и синергетического подхода.

Таким образам этапы эволюции освоения феномена сложности выглядит так: классический, неклассический и постнеклассические этапы.

В классической науке сложность рассматривалось как недоступная для познающего субъекта. Потому что, сложный объект имеет чрезмерно большое количество элементов отсюда недостаток предварительной информации об этом объекте. Для познания объекта сложность в таких ситуациях либо игнорировали, исходя от того, что не существуют более совершенные средства

исследования, либо считали, что сложность вообще не познаваема, непостижима. Позиция к феномену сложности в классической науке выглядела так: сложность отражает неполноту знания. И она рассматривала сложность с эпистемологической, точки зрения, а также как способа описания или объяснения. В случае же эпистемологической имеют в виду сложность методов и средств их освоения, а также сложность форм знания об этих объектах. Т.е. сложность мира – в субъекте (в голове исследователья).

Следующий этап изучения феномена сложности является неклассический, которых связан со становлением и развитием теории систем, кибернетики, теории информации. Это например, общая теория систем Л. Фон Берталанфи. Развивая кибернетический подход Н. Винера при исследовании биологических систем, У.Р. Эшби открыл «закон необходимого разнообразия»[1].

На этом этапе выявлен еще один аспект сложности: состояние чувствительности характеризующее начальное состояний. То есть, что даже небольшие изменения начальных условий могут вызвать непредвиденное поведение системы, на что указал Жюль Анри Пуанкаре. На этом этапе были открыты теорема К. Гёделя о неполноте, соотношение неопределенности Гейзенберга. Согласно последнему в микромире невозможно одновременно точно определить импульс и координаты в силу противоречивой корпускулярно-волновой природы микрообъектов: чем меньше неопределенность координаты частицы, тем больше неопределенность ее импульса и наоборот.

Благодаря Курту Гёделю выяснилось, что математическая точность не является абсолютной. Теореме Гёделя о неполноте, одна из самых известных теорем математической логики. Теорема Гёделя о неполноте - «доказывает, что есть вещи, непостижимые для человеческого разума». Из теоремы Геделя вытекает, что истина не равна выводимости.

Позиция к феномена сложности в неклассической этапе выглядела так: На этапе развития неклассической науки пришло понимание таких понятий как вероятность, непольнота знаний, неопределенность, случайность, открытость и т.д, которые отрожает существенные, объективные характеристики сложного мира.

Новый, третий этап освоения феномена сложности характеризуется формированием особой области научных дисциплин - наук о сложности, которые, в свою очередь, отличаются ярко выраженной междисциплинарностью. К ним относятся: нелинейная динамика, термодинамика открытых систем, синергетика, теория диссипативных структур, теория катастроф, теория бифуркации, теория фракталов и др.

В отличие от классической науки, стремившейся сводить все к простому и предсказуемому, современная наука работает с непредсказуемым, неопределенным, неточным и сложным. Например, И. Пригожин анализируя феномен сложности, отмечает, «наше видение природы претерпевает

[1] См.: Норберт Винер. Человек управляющий. — СПб.: Питер. 2001, Эшби У. Р. Принципы самоорганизации. — М.: Мир, 1966. 332с.

радикальные изменения в сторону множественности, темпоральности и сложности. Долгое время в западной науке доминировала механистическая картина мироздания. Ныне мы сознаем, что живем в плюралистическом мире». …«Мы знаем, что столь сложные системы обладают высокой чувствительностью по отношению к флуктуациям»[1].

Если синергетика является наукой о сложном, то своего рода метанаукой о сложном стали исследования Э. Морена. При объяснении природы сложности Э. Морен рассматривает онтологическую природы сложности и обосновывает двух фундаментальных аспектов сложности. Первый аспект это холизм, т.е. соединения частей или элементов с образованием единого целого, которые обретают новое свойство. Сложное, на латинском complexus, буквально означает то, что соткано, сплетено вместе, что создана единая ткань[2].

Второй аспект сложности состоит в том, что всякое сложное познание, сложное явление или структурообразование в природе и обществе раздираемо глубокими, нередуцируемыми противоречиями, которые не столько разрушают сложное, сколько, как это ни парадоксально, строят его[3].

Итак, Э. Морен отождествляет сложности с холизмом и нередуцируемостью.

Таким образом, предметы и явления необходимо рассматривать, основываясь не на их амбивалентности, а в совокупности всех их сторон, которые предполагают друг друга..

К. Майнцер раскрывал феномена сложности как сложносистемное мышление. Мы находимся внутри этого сложного мира, и сложность мира определяет характер и возможности нашего мышления: мышление само должно быть сложным, чтобы дать нам возможность постичь сложность мира. К. Майнцер утверждает, что в настоящее время необходим переход от линейного мышления к нелинейному. Итак на наш взгляд, по мнению К.Майнцера познания сложности, необходимо нелинейный подход познании. Он отождествляет сложности с нелинейностью.

Е.Н. Князева выделяет следующие характерные свойста сложных систем[4]: 1. сложность есть множество элементов системы, соединенных нетривиальными, оригинальными связями друг с другом; 2. Сложность есть внутреннее разнообразие системы, разнообразие ее элементов или подсистем, которое делает ее гибкой, способной изменять свое поведение в зависимости от меняющейся ситуации; 3. Сложность есть многоуровневость системы; 4. Сложные системы являются открытыми системами, т. е. обменивающимися веществом, энергией и/или информацией с окружающей средой; 5. Сложные системы – это такие системы, в которых возникают эмерджентные феномены (явления, свойства); 6. Сложные системы имеют память, для них характерно

[1] Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой.: Пер. с англ./Общ. ред. В.И. Аршинова., Ю.Л. Климонтовича и Ю.В. Сачкова. –М.: Прогресс, 1986. –С.34. 386.
[2] Морен Э. Метод. Природа Природы. – М.: Прогресс-Традиция, 2005. –С.14.
[3] Морен Э. Метод. Природа Природы. – М.: Прогресс-Традиция, 2005. –С.14.
[4] Князева Е.Н. Энактивизм: новая форма конструктивизма в эпистемологии. 2011.

явление гистерезиса, при смене режима функционирования процессы возобновляются по старым следам (прежним руслам); 7. Сложные системы регулируются петлями обратной связи: отрицательной, обеспечивающей восстановление равновесия, возврат к прежнему состоянию, и положительной, ответственной за быстрый, самоподстегивающийся рост, в ходе которого расцветает сложность.

В заключении можно сказать, что сложность это – многокомпонентное свойство бытия. Мир в целом сложно. Сложность есть универсальное, фундаментальное свойство мира. К сложности относятся и такие характеристики как неопределенность, случайность, хаос являющиеся проявленинием бытия сложности.

TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA MILLIY-MA'NAVIY MEROSNING ROLI VA AHAMIYATI

SamISI dotsenti Xalikova L.N.
SamDU dotsenti Yuldashev Sh.K.

Dunyoda ikki olam bor, biri narsalar olami, ikkinchisi shu narsalarning ma'nolari, narsalar haqidagi bilimlar, munosabatlar, fazilatlar olami. Shuning uchun bo'lsa kerak xalqimiz bilimdonlarni olim, fazilatli insonlarni fozil,- deydi. Fazilatlarning ma'no-mazmunini nafaqat chuqur anglash, balki ana shu xususiyatlarga ega bo'lish, ularga amal qilish-odamzotning ma'naviy boyligini belgilab beradigan asosiy me'zon desak xato bo'lmaydi. (Ma'naviyat yuksalish yo'lida Toshkent ma'naviyat. 2008. 20-bet)

Darhaqiqat bugun o'tmishimizni ajdodlarimiz qoldirgan boy madaniy m'erosmizni chuqur o'rganish bugungi har sohada ketayotgan islohotlar zamirida muhim ahamiyat kasb etadi. Abu Nosir Forobiy buyuk allomalarimizdan biri. U ilm-fan sohasiga o'zining ulkan hissasini qo'shgan. Uning iqtisodiy va ma'naviy qarashlari «Fozil odamlar shahri» asarida o'z ifodasini topgan. Jumladan, Farobiy shunday uqtiradi. «Mulk orttirishda unchalik xavf yo'q, ammo uni ehtiyot qilib saqlash kerak. Agar boshqa birovlar hisobiga mulk orttirganlar jazolanmasalar , u holda shahar aholisidan insof va shuhrat yo'qoladi. Mulkni ehtiyot qilib saqlab, o'z ehtiyoji uchun ishlatilsa, bu yomon ish hisoblanmaydi».

Mustaqilligimiz sharofati bilan insonlar mulk to'plashiga keng ko'lamli imkoniyatlar yaratilgan Kichik beznis va xususiy tadbirkorlik har taraflama qo'llab-quvvatlanmoqda . Ular mulk to'plash manbai bo'lishi bilan birga mamlakatimizni ko'pgina aholisini ish bilan ta'minlamoqda.

Mulkdor inson o'zining tashqi dushmanidan himoya qilishi bilan birga ko'pgina yaxshiliklar qilishga qodir. Demak bundan ko'rinadiki mulk to'plashning hech qanday xavfi yo'q, balki u xalq farovonligining manbaidir. Agar insonlar birovni mulkiga ko'z olaytirish, poraxo'rlik, birovlarni aldab pulini olishsa ular qonun oldida javob beradilar bu bosh qomusimiz konstitutsiyada kafolatlangan. Olim Aflotun falsafasini sharhlar ekan, odamlarni mulkiy qonunlar asosida tarbiyalash masalasiga alohida e'tibor beradi. «Agar shahar aholisi ma'rifatsiz,

tajribasiz odamlar va bolalardan iborat bo'lsa, u holda ular qonun, o'rnatilgan tartib va boshqaruv usulini qabul qilmaydilar». Olimning bu fikri bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotgan emas. Mamlakatimiz birinchi Prezidenti I.A.Karimov mustaqilligimizni ilk yillaridanoq bunga alohida e'tibor berdi. Xalqimizni ongida qotib qolgan eski g'oya va mafkuralardan xalos qilish, ularni ma'rifatli qilish, milliy g'oya va mafkuramizni shakllantirsh, eng muhimi o'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama zamon talablariga mos barkamol avlodni tarbiyalashga qaratdilar.

Forobiy qarashlarida taqsimot masalasi juda keng va o'ziga xos usulda talqin etiladi. U jamiyat va odamlar qo'lidagi mulk va noz-ne'matlarni to'g'ri taqsimlash davlat qurilishida asosiy masaladir ,- degan fikrni bildiradi. Taqsimot ishi maqsadga muvofiq yo'lga qo'yilmas ekan ko'pchilik odamlar bachkanalashib ketadi, odamlar faqr ahvolga tushib qoladi.

Taqsimot mavjud mulk, mahsulot boyliklar hisobini to'g'ri yo'lga qo'yishdan boshlanadi. Xuddi ana shu fikr Forobiy tomonidan oldingi o'ringa chiqariladi. «Avvolo deydi olim yer va joylarning miqdori, keyin ularning egalari va tutgan o'rinlari va so'ngra nihoyatda zarur narsalar bo'lgan oziq ovqatlar ekiladigan yerlar saroy va shaxsiy uylarning miqdori hisobga olinishi zarur». Birinchi Prezidentimizning «O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida» nomli asarida alloma aytgan bu masalaga ham alohida to'xtaladi. Unda «odamlarni o'rta mulkdorlar sinfini vujudga keltirish kechiktirib bo'lmas vazifa ekanligi uqtiriladi».

Buyuk ajdodlarimizdan biri dunyoga mashhur mutafakkir Ibn Sinoning 280 dan ko'p asarlari mavjud bo'lib, ular tibbiyot, matematika astronomiya, kimyo, falsafa, iqtisodiyot va boshqa sohalarga bag'ishlangan. Abu Ali Ibn Sino shu narsani chuqur tushunib yetadiki, odamlar o'zaro hamkorlikda bo'lishlari kerak ya'ni ular iqtisodiy munosabatlarga kirishishlari lozim. Chunki har bir inson alohida holda ishlaganda u qanchalik kuchli, va salohiyatli bo'lmasin hatto o'z ehtiyojlarini ham qondira oladigan mahsulot yaratishga kuchi yetmaydi.

Bu fikr o"sha davrda juda to'g'ri bo'lgan chunki feodal tizim davrda mehnat taqsimoti unchalik rivojlanmagan, mehnat unumdorligi ham past darajada edi. Ularni tajriba almashishi muhim edi. Ibn Sino savdo munosabatlari jamiyat taraqqiyotida katta rol o'ynashini uqtirgan. U savdo aloqalari shaharlarr (mamlakatlar, xalqlar) o'rtasida yo'lga qo'yilishi lozimligini ta'kidlaydi. Haqiqatdan ham bu fikr o'z mohiyatini yo'qotgan emas. Tariximizdan ko'rishimiz mumkinki tashqi savdodan uzilib qolgan xonliklar oxir-oqibat parokandalikka uchradi, ya'ni ular yangi texnika ilm- fan yutuqlaridan orqada qolgan edi, qachonki savdo-sotiq yaxshi bo'lsa, jamiyat taraqqiyotga yuz tutadi, odamlar o'rtasida tushunish vujudga keladi.

Ibn Sino nafaqat oila doirasidagi balki shahar va hatto davlat miqyosidagi daromad va xarajatlar balansi to'g'risida ham fikr yuritadi. Uning fikricha davlat tabiiy ofat yoki urish bo'lishi ehtimolini hisobga olib, unga mablag' ajratgan holda daromad va xarajatlar balansiga erishishi zarur. Bugungi kun moliyasi ham buni tasdiqlaydi va zarurligini ko'rsatadi.

Ibn Sino ideal davlat to'g'risida fikr yuritib uni quyidagicha tavsiflab beradi.

Hamma o’z foydasini ko’zlab mehnat qilishi kerak. Bu fikr o’sha davrda (feodal) orzu bo’lgan bo’lsa, keyinchalik XVI asrda Yevropada Adam Smit tomonidan bu g’oya olg’a suriladi va hayotda o’z tasdig’ini topadi.

Bu davlatda barcha moddiy boyliklar shunday barobar taqsimlanishi kerakki, unda juda katta boylik va ashaddiy kambag’allik bo’lmasin.

Barcha kishilar halol mehnat bilan shug’ullanishi va halol savdo qilishi sababli urushadigan odamlar bo’lmaydi va urushlar tugatiladi. Davlatlar o’rtasidagi siyosiy bahslar esa tinch yo’l bilan hal qilinishi kerak.

Ideal davlatda odamlarda hamma narsa muhayyo bo’ladi va shuning uchun ular bir-biriga qarama-qarshi bo’lishmaydilar, quvnoq ashula va musiqani yaxshi ko’radilar. Uzoq vaqt qarimaydilar.

Allomaning bu fikrlari bugungi kunda yurtboshimizni olib borilayotgan odilona siyosatida hayotimizda o’z tasdig’ni topayapti.

XI asrda yashab ijod etgan buyuk mutafakkir Yusuf Xos Hojib iqtisodiy fiklar ravnaqiga munosib hissa qo’shgan. Allomaning “Qutadg’u bilig” asarida biz uchun g’oyat muhim iqtisodiy g’oyalar ilgari surilgan asar sifatida ilmiy ahamiyatga ega.

Asardagi iqtisodiy munosabatlarning turli jihatlari to’g’risidagi iqtisodiy fikrlar ayniqsa qimmatlidir.

Asarda mehnatga to’g’ri haq to’lash boshqalar mehnatini to’g’ri taqdirlash, qadriga yetish moddiy manfaatdorlik kasb - hunar egallash, kuchli ijtimoiy masalalarga katta o’rin berilgan.

Yusuf Xos Hojib shunday yozadi. «Xizmat ahli o’z mehnati natijasida umidvor turadi, umidini topmagan xodim ko’ngli sinadi» Ammo xizmat qiluvchilarni hammasi ham bir xil emas, ular turli toifalarga bo’linadi.

Xodimlarning naf keltiruvchlari bor, shuningdek nafi yo’g’i ham ancha. Naf keltiruvchi kishiga xizmatiga loyiq ravishda tortiqlar berish kerak. Xizmatiga loyiq taqdir ko’rgan xodimning boshi ko’kka yetadi.

Muallif taqsimot munosabatlariga, ularni rag’batlantiruvchi ahamiyatiga e’tibor qaratadi. Zero rag’batlantirish kuchiga ega bo’lgan taqsimot munosabati ishlab chiqarishni kuchaytiradi, jamiyat va xalq boyligini orttiradi.

Ma’lumki insonlar o’zlarining har bir harakatidan manfaat axtaradi,zero manfaat harakatlantiruvchi kuchdir. Ushbu haqiqatni Yusuf Xos Hojib quyidagi birlik bilan tasdiqlaydi: «Aslida butun qimirlagan jon naf va ezgulikni o’ylab harakatlanadi shu nafi bo’lmaganda edi, ovchi ham uyidan chiqmas edi.’’

Ulug’ bobokalonimizning yuqoridagi iqtisodiy o’gitlari mamlakatimiz Prezidenti iqtisodiy qarashlari, bozor iqtisodiyotini qurish konsepsiyasi, hamda uning iqtisodiy siyosatida u boshliq hukumatimiz olib borayotgan yaratuvchanlik faoliyatida e’tiborga olinmoqda, ularga asoslanilmoqda.

Sharq iqtisodiy ta’limotlar tizimida Abu Ali ibn Ali Tusiy Nizom-ul-mulkning butun dunyoga mashhur «Siyosatnoma» asarida ilgari surilgan iqtisodiy g’oyalari o’ziga xos o’rniga va o’ziga xos ahamiyatiga ega.

«Siyosatnomada» iqtisodiy masalalarga xazina uni boyitish va sarflanishi oziq ovqat va boshqa davlat barqarorligi uchun zarur zaxiralar tashkil etish, xizmatchilarga

maosh belgilash, adolatli taqsimot, soliq va xiroj zakot moliya va xo’jalik masalalariga doir bir qancha ko’rsatmalar o’z ifodasini topadi.

Kitobning dastlabki sahifasidanoq muallif davlatni idora qilish va mamlakatda iqtisodiy barqarorlikni ta’minlash uchun amalga oshirilishi lozim bo’lgan iqtisodiy tadbirlar haqida fikr yuritadi. Buning uchun «Chetdan koriz qazib, suv keltirish, qishlog’-u dalalar obodligi uchun katta ariqlar qazish, qal’alar qurish shaharlar barpo etish, zebo binolaru, keng ko’chalar, rabot qurdirishi lozim» deb yozgan.

Bu nafaqat sha davr hayoti, turmushi ,ishlab chqarishi, savdo –sanoati uchun muhim bo’lgan ishlar edi. Bugungi kunda ham o’ta zarurligi sababli mustaqilligimizning ilk yillaridanoq ana shunday obobonlashtirish bunyodkorlik ishlari boshlab yuborildi.

Asarda aholidan xiroj olishning yo’l yoriqlari bayon etilgan . Soliqlar odamlarga malol kelmaydigan bo’lishi ularga azob uqubat erkazmasligi soliq to’lash imkoniyati yo’qlarni majbur qilmaslik kabi qoidalar taklif etiladi. Kitobda yoziladiki «Xirojni ham soliq yig’uvchi shunday yo’l bilan talab qilsinki odamlarga ziyon yetmasin.

Soliq o’z vaqtidan oldin olinsa xalqqa ranju azob yetadi, ular majburlikdan mol davlatlarini yarim bahoda sotib uy-joylarini tashlab ovora va sarsonlikda, g’riblikka mubtalo bo’ladi.

Bobolarimiz qoldirgan ilmiy madaniy merosimizni qancha ko’p o’rgansak targ’ib etsak yana bilimlarimiz oshaveradi.

Bugungi kunda allomalar merosini o’rganilmay qolayotgan qismlarini ham o’rganish ularni ommaga yetkazish bugunning dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Ularni ilmiy qarashlarini iqtisodiyotimizda butun ijtimoiy va madaniy hayotimizda qo’llanilishi buyuk kelajak sari intilayotgan O’zbekistonning taraqqiyotini tezlashtiradi.

ЁШЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Худоёрова О. – ЎзМУ ҳузуридаги ПКҚТМОТ(М) маркази доценти
Назарова Н. – ТТЙМИ катта ўқитувчиси

“Китоб-беминнат устоз билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи” .
Алишер Навоий

Маълумки, китоб ва китобхонлик - инсон маънавиятининг кўзгусидир. Китоб-ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялаш ва ижтимоий-сиёсий, илмий, эстетик қарашларини шакллантиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Айниқса, ёшларнинг бахту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсоннинг Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, уларни яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди. Бугунги шиддатли ва мураккаб глобаллашув даврида юзага келаётган мафкуравий хатарлар ва таҳдидларга қарши курашда ёшларнинг китобхонлик маданиятини янада юксалтириш энг муҳим

масаладир. Ватанимизнинг барқарор тараққиёти учун ёшларнинг мавжуд интеллектуал салоҳиятини кучайтиришга онгли ёндашувни шакллантириш, уларнинг шахсий масъулияти ва ташаббускорлигини жадаллаштириш катта аҳамиятга эгадир. Инсоннинг шахсий масъулияти, ташаббускорлик ҳамда фидойилик фазилатлари эса Ватанни чин дилдан севишдан, ватанпарварликдан куч олади. Шу боисдан Президентимиз Ш.Мирзиёев: "Ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ватанпарварлик тарбияси ташкил этади. Ватанпарварликнинг ҳаракатлантирувчи кучи эса одамларнинг маънавий дунёси, интеллектуал салоҳияти, китоб мутолааси уларнинг ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутиши билан ўлчанади"[1] денан эди. Шунинг учун ҳам Президентимиз китоб мутолаасини ривожлантириш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтардилар. Улуғ аждодларимизнинг эзгу ғоялари, ўгитлари, битиклари асосида таълим ва тарбия соҳасидаги туб ислоҳотларни юксак босқичга олиб чиқиш, юрт келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказиш бўйича ишларни изчил давом эттириш лозимлиги доимо уқтириб келинмоқда. Зеро, китоб ва китобхонлик инсон учун қалб чироғи, тафаккур қаноти бўлиб хизмат қилади. Китоб руҳият озуқаси, у билан дўстлашиш инсонни эзгуликка етаклайди. Китоб қалбга нур беради. Қалби гўзал инсоннинг кўзи равшан бўлиб, оламни ўз шахсий қарашлари билан кўради. Атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга онгли ёндашади. Тўғри йўл билан бахтини топади. Доно халқимиз таъкидлаганидек, она табиатни офтоб иситса, инсон қалбини китоб ёритади ва нурлантиради. Дарҳақиқат, китоб ёшларнинг дунёқарашини бойитади, нутқини ўстиради, хотирани мустаҳкамлайди. Китоб маслаҳатчи. Садоқатли ҳамрох,энг яқин дўст ва бебаҳо бойликдир.Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаш ва китобхонлик қадимий анъаналаримиздан биридир.

Ёшларнинг китобни севиб ўқиши учун уларнинг уйларида китоблари кўп бўлиши керак. Ёшларимиз болалигиданоқ китоб ўқишни одат қилсалар, кейинчалик китобга қизиқиши ошади. Психологик текширувлар шуни кўрсатадики, ёшларнинг сўз бойлигини оширилиши, китобга меҳри кучайиб, муомаласининг чиройли бўлишини уларнинг кўп китоб ўқиганлиги билан белгиланади. Баркамол авлодни вояга етказишда китобнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Зеро, маърифатли, маънавий бой ва билимли инсонларгина юртни обод этадилар. Донолар китоб ва китобхонлик ҳақида фикр билдирар экан, адабиётлар билан ошно қалбга ҳеч қачон ёмонлик ин қурмаслигини таъкидлашади.

Жамиятни, маънавий муҳитни яхши ва фойдали китобсиз, китобхон ва кутубхонасиз тасаввур этиб бўлмайди. Амир Темур бобомиз таъкидлаганидек, китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик, ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Ёшларнинг ҳаёт билан уйғунлашувини таъминлашда мутолаа маданияти муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳазрати Пайғамбаримизнинг "Бешикдан то қабргача

[1] Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Рисола. – Тошкент: Ғафур Ғулом, – 2017. 17-бет.

илм излангиз” насиҳатлари замирида ҳам илм манбаи бўлмиш китоб мутолаасига даъват борлигини унутмайлик. Китобни ўқиб завқланиш орқали ҳаёт маъносини теран англаш, инсоннинг моҳияти ва вазифасини кўпроқ тушуниб етиш мумкин. Китобнинг бизга ўргатадиган энг улкан сабоғи-тўғри сўзликдир. Китоб – инсонни мўъжизага чорлайди. Бу йўналишда кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми хусусан, “Китохонлар конференцияси”, “Мавзули кеча”, “Билимдонлар беллашуви”, “Шерхонлик кечаси” ҳамда ”Китоб ақл чироғи” мавзусидаги китоб кўргазмасини ташкил этилишига жиддий эътибор бериш орқали инсон билиши шарт бўлган мўъжизалар, тарихнинг минг йиллик ҳикматлари намоён бўлади. Китоблар умрбоқийлик хусусиятига эга бўлиб, улар инсон тафаккурининг энг мангуликка дахлдор маҳсулидир.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, китоб - ҳар бир инсоннинг фикрлаш қуроли, тафаккур ва билим манбаи эканлигини онгли англаб етиш зарур. Бу бебаҳо - маънавий бойликдан баҳраманд бўлиш ўрнига “Интернет кафе”ларда вақтини беҳуда ўтказаётган ёшлар учраб туради. “Бобурнома”, “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби кўплаб бебаҳо асарларни ўқиш ўрнига улар интернетни китобдан афзал билишадиларки, бу китобга бўлган меҳрни камайишига олиб келади. Аксинча, китобни кўп ўқиш орқали инсон тушунчалари кенгайиб бораверади. Зеро, тушунча, тафаккури, фикр доираси кенг маърифатли кишилар жамиятимизнинг чинакам бойлигидир. Шуни унутмаслик керак, ҳаётдаги айрим рўй берадиган нохушликларнинг илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимасликдан келиб чиқади. Маънавий бойлик инсонда китоб ўқиш орқали намоён бўлади. Инсониятнинг ақлий ва фикрий дурдоналарини ўзида мужассамлантирган одоб ва ахлоқ манбаи бўлган китобларни севиб ўқиш севимли машғулот ҳисобланади. Инсоннинг ақлий салоҳиятини юксалишида китобнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Китоб ўқиган инсон кенг дунёқараши, фикр - мулоҳаза юритиши, билим савияси, муомала маданияти билан алоҳида ажралиб туради. Юртимизда ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Чунки, миллатимиз шаънини, миллий ғуруримизни юксалтирувчи бу - ёшлар. Улар ўз мақсадлари сари интилиб, юксак маънавият соҳибига айланадилар. Тўқликка шўхлик эса ўзбек миллатининг ёшларига хос фазилат эмас. Қалбимиз гавҳари, хазинаси бўлган китоб энг бебаҳо бойлигимиз бўлсин. Шундагина фарзандларимиз теран фикрлайдиган, меҳрибон, Ватанига содиқ, инсофли, диёнатли инсонлар бўлиб камол топадилар.

Ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришда қуйидаги жиҳатларга жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Узлуксиз таълим тизимида китобни энг катта бойлик сифатида қадрлаб, китобхонлик, ғазалхонликлар ўтказишни самарали амалга оширишга эришиш.
2. Китоб совға қилиш анъанасини кенг жорий этиш орқали уни доимий одатга айлантириш.

3. Маънавият хазинаси ҳисобланган кутубхонадан кўпроқ фойдаланиш орқали ўзи ва ўзгалар ҳаётини бойитишга эришиш, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз эришган ютуқлардан баҳраманд бўлиш.

4. Миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг таргиб этишга алоҳида эътибор бериш.

5. Жамиятнинг интеллектуал, маънавий ва маданий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган китоб бозорини янада кенгайтириш.

6. Ёшларни китоб мутолаасига жалб этишда ижтимоий рекламалардан самарали фойдаланиш.

7. Кутубхона ресурсларидан масофавий фойдаланишни яхши йўлга қўйиш, оммавий китобхонликни тизимли ташкил этиш, ҳар бир хонадон жавонларидаги мавжуд бадиий, илмий ўқув, энциклопедик, оммабоп китоблардан самарали фойдаланиш орқали ёшларнинг мутолаа маданиятини тарбиялаш лозим.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СУБСТАНЦИОНАЛ АСОСИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Б. Мамарасулов-Самарқанд давлат университети,
ўқитувчи (PhD

Ҳозирги кунда минтақаларда этник ихтилофлар, сепаратизм ҳаракатларини авж олиши ўша давлатда миллатлараро тотувлик ғояси, ягона мафкурага жипслаштиришга мобилизация қилувчи институционал тизим йўқлигидир. Шу жумладан, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, миллатлараро зиддият ва ихтилофларни консенсус асосида ҳал этиш, турли миллат вакилларининг манфаат ва эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммоларнинг илмий ечимларини топиш талаб этилмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, ҳар бир даврда шахс, давлат ва жамият тараққиётини белгиловчи ғоялари мавжуд бўлиши лозимлиги тарихий ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2017 йил 22 декабрь) “Давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш... ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича **кучли миллий ғоя, миллий дастур** керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”[1] лигини таъкидлаган.

Жамият тараққиётини белгилашда кўп миллатли халқимизни ягона мақсад ва умумий манфаат йўлида бирлаштирувчи миллий ғоямиз хар доимгидай зарур.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – 2017 йил 22 декабрь.

Бунда ҳалқимизнинг миллий ғояга бўлган қарашлар тизимини янада кучайтиришимиз керак. Бу масалада миллий ғоянинг моҳияти ва мазмунини кенг ва асосли тарзда ёритишимиз лозим.

Яъни, дастлаб “Миллий ғоя”, унинг моҳияти, мазмуни ҳамда ижтимоий онгдан мустаҳкам жой эгаллашининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таҳлил этилган. Миллий ғоянинг субстанционаллашув ва институционаллашув хусусиятларини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганишда шу пайтгача ижтимоий фанларда тўпланган илмий қараш ва назарияларни таҳлил этиш, тадқиқ этилаётган объектга доир масалалар қамровини аниқлаб олишнинг муҳим аҳамият касб этади.

Бу нуқтаи назардан, миллий ғоя муайян миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, халқ ва жамият тараққиётига хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли, мамлакат тараққиётининг объектив зарурати, миллий ривожланишнинг қонуний ҳосиласидир[1]. – деб таъкидлаган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов миллий ғояга алоҳида эътибор қаратиб, “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”[2] – деб изоҳлаган.

Шу нуқтаи назардан миллий ғоянинг алоҳида жиҳатларига эътибор қаратишимиз керак.

Яъни, “Миллий ғоянинг субстанционаллашуви” муайян миллатнинг тараққиёти даражасини, унинг ҳаётидаги устувор ғояларнинг мазмун-моҳиятини, умумий идеалларини, мақсад ва манфаатларининг қандай ғояларга йўналганлигини намоён қиладиган фалсафий тушунчадир. Шу билан бир қаторда унинг хусусиятлари;

1. Миллий ғоянинг субстанционаллашуви тараққиётнинг муҳим омили, у ушбу миллат вакилларининг ижтимоийлашувида ва унинг ички тараққиёт механизмлари вужудга келишида муҳим роль ўйнайди.

2. Миллий ғоянинг субстанционаллашуви ва институционаллашуви истиқлол йўлидан бораётган ҳар бир миллатнинг иқтисодий ва маданий даражасини белгилаб беради, унинг юксалишига хизмат қилади.

Миллий ғоянинг субстанционаллашуви ва институционаллашуви зарурий характерга эга, чунки ҳар бир халқ ривожланиб борар экан, у ҳар доим миллий ғоялар тизимига, уни ривожлантириб туришга асос бўладиган ўз идеалларини шакллантиради ва уларга етишишга ҳаракат қилади.

[1]Абилов Ў. Миллий ғоя: маънавий омиллар. – Т.: Маънавият, 2000. – 57 б.
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият , 2008. –Б.71.

Ушбу жиҳатларни кенг жамоатчиликка етказишда миллий ғоянинг институционал механизмини янада чуқур англаш лозим. Бунда “Миллий ғоянинг институционаллашуви” тушунчасини тушуниш керак.

“Миллий ғоянинг институционаллашуви” тушунчаси шахс ва жамиятнинг мафкуравий қиёфаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини, давлат ва жамият ҳаётининг ғоявий ҳолати ва уларнинг мафкура жабҳасидаги амалга оширилаётган фаолиятини ташкил этиш тизимини акс эттиради, дея таъриф берилган. Шу билан бирга жамиятнинг ғоявий муҳити миллий ғоя институционаллашувининг амал қилиш ва ривожланиш хусусиятлари ҳамда у асосдаги замонавий қадриятларнинг таркиб топиш омиллари ва йўналишларини белгилайди.

Бу эса миллий ғоянинг жамият хаёти ва тараққиёти учун нечоғлик зарурлигини белгилаб турибди. Аммо, миллий ғоянинг субстанционаллашуви ва институционаллашуви тизими жамият ҳаётида ўз вазифасини бажармаса, жамият ва давлат тараққиётида салбий ҳолатларни юзага келтиради.

Миллий ғоянинг инсоният тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти нуқтаи назаридан олганда бугунги дунёга хос энг хатарли антисубстанционал тенденциялар қуйидагилардан иборат:

- муайян миллат ва жамиятнинг маънавий оламига ташқаридан туриб салбий таъсир ўтказувчи, анъанавий қадриятларни бузувчи ва умуман, миллий ғояни издан чиқарувчи мафкуравий таҳдидлар хуружи натижасида содир бўладиган жараёнлар ва ўзгаришлар;

- оммавий маданият таъсири остида бутун инсоният учун анъанавий бўлган бир қатор умумий маънавий меъёрлар ва қадриятлар тизимининг парчаланиши, катта миқдордаги кишилар учун ўз мамлакати, миллати ва давлати тақдири учун ватанпарварлик туйғуси ва фуқаролик масъулиятининг сезиларли даражада пасайиши;

- турли-туман ғарбпараст оқимлар ва йўналишларга хос яшаш ва фаолият услублари, илмий тузилмалар, хилма-хил ноанъанавий оммавий тарбия воситалари, мактаблар ва институтларнинг зўрлаб тиқиштирилиши, ижтимоий онгнинг диверсификация қилиниши натижасида холисона дунёқараш ва тўғри тафаккур қилиш тамойилларининг мавҳумлашуви, кўплаб кишилар учун ҳаётнинг мақсади ва мазмуни, келажакка ишонч кабилар билан бирга ор-номус, андиша, виждон, шахсий ғурур тўғрисидаги анъанавий тасаввурларнинг йўқолиб бориши;

- асосан ёшлар муҳитида ўта кескин намоён бўлаётган, кўп жиҳатдан кекса авлод қадриятларининг қадрсизланиши ва ёш авлод ҳаётий мақсадларининг мавҳумлигидан юзага келадиган ижтимоий бузилишлар ва маънавий беқарорлик, турли таҳдидлар таъсирида замонавий жамият бошидан кечираётган антропологик инқирознинг вужудга келиши;

-ҳаётий мақсадлар ва идеалларнинг миллий заминдан ажралиши, яъни ўз халқи анъаналари ва ватани қадриятларига хос бўлмаган ҳавойи мақсад-муддаолар ва юртидан йироқда шаклланган бегона ва ёт ғоялар таъсирига берилиш, бузғунчи мафкуралар асосида шакллантирилган турли “идол”лар ва

сохта “қаҳрамон”ларни ҳаётий интилишларининг стереотипига айлантириш тенденциялари кучайиши;

- шахснинг жамиятдаги умргузаронлик мезонлари қадрсизланиши, атрофидаги кишиларга нисбатан юксак маънавият талаблари бузилиши ва хатти-ҳаракат меъёрларининг умумий даражаси камайиши оқибатида баъзи ёшлар учун ота-оналарни ҳурматлаш, мустаҳкам оила яратиш истаги, фарзанд орттириш ва тарбиялаш, кексалар, қариндош-уруғларга нисбатан мурувват кўрсатиш сингари қадриятларнинг аҳамияти тобора пасайиб бориши;

- кўпроқ прагматик қийматга эга бўлган моддий қадриятларнинг якка устуворлиги ва фойдалилик тамойилига рўжу қўйиш, моддий фаровонлик ва шахсий бойиш, хизмат ва сиёсий мартабада юксалишга интилиш майлларининг жамият онгида биринчи ўринга чиқиши ва амалда ҳукмрон мавқени эгаллаши натижасида маънавият мезонларининг бузилиши, яъни замонавий жамият маънавий маконининг ўзгаришидан келиб чиқадиган жамиятдаги издан чиқишларнинг кучайиб ва кўпайиб боришидир.

Шунинг учун миллий ғоянинг ҳар бир функцияни ўз вақтида англаш ва амалга ошириш лозим.

ЁШЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА РОМАН ЖАНРИНИНГ ЎРНИ
(Омон Мухтор романлари мисолида)

Хўжамқулов Анвар-*Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ Кафедра мудири*

Маълумки, қайси соҳада иш ўз ўрнида ва бир текис кетса, тараққий этса ва ривожланса, ўша соҳага қонунчилик аралашуви амалга оширилмаганлигининг гувоҳи бўласиз. Акс ҳолда, яъни муаммолар мавжуд ва йиғилиб, ўз ечимини кутиб ётса, табиийки, қонунчилик аралашувини кузатиш мумкин. Шу маънода, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ва шу йили 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори жамият маънавиятини юксалтиришда адабиётнинг, китобнинг ўрни нечоғли юксак эканини кўрсатиш билан бир қаторда, кенг омма орасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти билан боғлиқ қатор муаммолар йиғилиб қолганлигини кўрсатди. Ушбу муаммоларнинг ечими юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни китоб ўқишга қизиқтириш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантиришда, албатта, ёзувчи-ижодкорларнинг меҳнати, серқирра ижоди, асарлари ҳам муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, сўнгги йилларда роман жанри тадқиқи ва талқинининг янгича йўналишда бўй кўрсатаётганлиги адабиётшунос ва тадқиқотчиларнинг

изланишларида кўзга ташланмоқда. Хусусан, буни Умарали Норматов баҳоси билан айтганда романчиликда ижодини ўтган асрнинг 70-80-йилларида «Йиллар шамоли», «Эгилган бош» романлари билан анъанавий реализм йўналишида бошлаган,[1] 90-йилларга келиб модернизм, постмодернизм йўлида ижод қилган Омон Мухтор романлари таҳлилига бағишланган чиқишларда кўриш мумкин. Шунингдек, янги давр ўзбек насри, жумладан, романчилик муаммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари, мақолаларнинг объекти сифатида аксарият Омон Мухтор романларининг танланаётганлиги ҳам роман жанри ва адиб ижодига бўлган муносабатнинг ўзгарганлигини, бугунги китобхонлар учун ўқимишли асарлар эканлигини исботлайди.

Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2000 йил 20 октябрь сонида “Ҳозирги романчилик муаммолари” мавзусидаги мақоласида “дастлабки ўзбек романининг яратилганига салкам юз йил бўлгани ҳолда миллатнинг эстетик бойлиги саналишга арзийдиган миллий романлар сони ўнтага хам етмаслиги кишини жиддий уйга толдириши... Миллий адабиётимиз тарихининг ҳозирги босқичида романчилик қандай ўрин тутиши, унинг ривожланиш омиллари ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар нималардан иборат” эканлиги хусусида сўз юритади. Ушбу мақолада роман жанри хусусиятлари шу кунга қадар кўп ҳолларда унинг ҳажмига қараб белгиланганлиги ўлароқ бугунги кунда бу жанрнинг ўзига хослиги хажмга қараб эмас, балки қаҳрамон руҳий олами ва шахс тасвирининг қанчалик теран ифода этилганлиги билан баҳоланаётганлиги Омон Мухтор романлари мисолида қайд этилади. Бинобарин, сўнгги йилларда адабий-назарий изланишлар майдонида кўп ўринларда Омон Мухтор романларининг таҳлилга тортилаётганлиги ва шу билан бир қаторда, адиб асарларининг кўплаб баҳс-мунозаларни келтириб чиқараётганлиги ижодкор асарларининг аҳамиятини белгилаб беради. Шуни ҳисобга олиб, ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда Омон Мухтор романларининг тавсия этилиши айни муддаодир. Ахборотлар алмашинуви нақадар тезлашган ва Интернет асри деб аталаётган XXI асрда китобхонлар анъанавий йўлда ёзилган йирик ҳажмли асарларни, жумладан, романларни қунт билан ўқиши қийинроқдек, назаримизда. Шу жиҳатдан, кичик ҳажмли мини-романлар ўқувчиларнинг вақтини тежаб, кам вақт сарфлаб, кўп таассурот олишига хизмат қилади. Омон Мухторнинг “Ффу”, “Муҳаббат ўлимдан кучли”, “Тўрт томон қибла” трилогиясини ташкил этган “Минг бир қиёфа”, “Кўзгу олдидаги одам”, “Тепаликдаги хароба” романлари шундай романлар сирасидандир.

[1]Норматов У. Ижод сеҳри. – Т., 2007, 223-бет.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА АХБОРОТ ИСТЕМОЛИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МАЪНАВИЙ МАЪРИФИЙ ИММУНИТЕТНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Л.Ташаев, О.Омонтурдиев - СамДАҚИ ўқитувчилари

Мамлакатимиз мустақиликка эришганидан сўнг хориждан кириб келадиган турли ахборот оқимларига кенг йўл очилди. Бу жараёнда ёшларимиз томонидан ахборотни қабул қилиш, саралаш, таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги даврда интернет сайтларида ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир қилиб уларнинг билим ва кўникмаларини мустахкамлайдиган ахборотлар билан бир вақтда, уларнинг фикрини бутунлай тескари томонга ўзгартириш сари йўналтирилган материаллар ҳам учраб туради. “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги – янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф – хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда”[1]. Бугунги кунда интернет сайтларида ёшлар маънавий дунёқарашини бутунлай издан чиқариб, уни ғайриинсоний, ноахлоқий ва бегона ғоялар билан тўлдиришга йўналтирилган ахборотлар тизими кўпайиб бормоқда.

Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг аксарияти ёшлар бўлгани учун уларни “номақбул” ахборот хуружларидан ҳимоялашимиз зарур. Чунки, интернетдаги ёт ғоялар, носоғлом ахборотлар ёшлар таълим-тарбиясига, маънавиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Таълим муассасаларда вояга етмаганларни турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишда мобиль телефонлардан, интернетдан тўғри фойдаланиш, ижтимоий тармоқлар орқали кимлар билан мулоқот қилаётганлиги, ўз жонига қасд қилувчи, зўравонлик ва шавқатсизликни тарғиб қилувчи ўйинлар, фарзандларимиз телефонларидаги беҳаёликни тарғиб қилувчи расмлар, видеолавҳаларни назорат қилиб бориш долзарб вазифалардан саналади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш куни” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан таълим муассасаларда профилактика куни доирасида мунтазам равишда ўқувчиларнинг давомати, мобиль телефонлари қаътий назорат қилиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида вояга етмаганларнинг “Кўк кит”, “Тинч уй” каби ўз жонига қасд қилишга ундовчи гуруҳлар таъсирига тушишининг олди олинмоқда.

Афсуски, вояга етмаганлар орасида интернетга, компютер ўйинларига тобелик, ёшлар таълим-тарбиясида “оммавий маданият” нинг салбий таъсири сезилмоқда. Вояга етмаганларнинг кийинишидаги ғарб маданиятига тақлид, ҳаётга енгил қараш, мақсадига тез ва осон йўл билан эришиш, руҳиятидаги ўзгаришлар, агрессивлик, муомила маданиятидаги қўполлик каби салбий иллатлар илдиз отмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали турли хил ёт ғоялар

таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Вояга етмаганлар ўртасида бу каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасида таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга эришиш лозим. Ушбу тадбирларнинг самарадорлиги тадбирдан сўнг ўқувчиларнинг фикри ўрганилмайди. Ушбу тадбирлар қанча ўқувчига таъсир ўтказди. Қанча ўқувчининг умуман тадбирга қизиқиши йўқ, мажбуран иштирок этди. Бу каби масалалар таҳлил қилинмайди. Фақат "шунча тадбир ўтказилди", "шунча киши иштирок этди" деб ҳисобот берилади. Тадбирлар тизимли ташкил этилмайди. Таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг намунавий йиллик иш режасида "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш, диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия, миллатлараро тотувлик", "Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган зарарли ҳолатларнинг олдини олиш" йўналишда мунтазам равишда маҳаллий хокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, диний идора вакиллари, маънавият тарғибот гуруҳи вакиллари иштирокида мунтазам равишда давра суҳбатлари, учрашувлар, турли хил диний экстримистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётган фуқароларнинг ҳаётига бағишланган видеофильмлар, "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан ишланган кинофильмлар ўқувчиларга намойиш этиб келинмоқда. Шунингдек, бугунги кунда ёшлар ижтимоий-маънавий ҳаётига шиддат билан билан кириб келаётган "оммавий маданият" ва унинг ахлоқий бузуқлик, индивидуализм, эгоцентризм ва зўравонлик каби кўринишлари, турли ижтимоий тармоқлар ва улардан тарқалаётган инсоннинг маънавий дунёсини бутунлай бузиб юборадиган, ёвуз мақсадларни тарғиб қилаётган ғоялар, мобиль телефонлар, турли интернет сайтлари ва улардан тўғри фойдаланиш қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги **"Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросига қаратилган **"Эҳтиёт бўлинг: уяли телефон орқали тарқатилаётган маънавиятсизлик"** мавзусида таълим муассасаларида учрашув, мулоқот, суҳбат ва маърузалар, давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Кўриниб турибдики, давлатимиз томонидан ёшларнинг таълим ва тарбияси йўналишида етарлича шарт-шароит яратилиб берилмоқда. Биздан эса фақат ишлаш, изланиш, интилиш, Ватан равнақига дахлдорлик, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг харакат қилиш талаб этилмоқда.

КИТОБХОНЛИК – МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК АСОСИ.

Х.Хўжамов СамДАҚИ катта ўқитувчиси.
О.Омонтурдиев, СамДАҚИ ўқитувчиси

Инсоният ўз тарихида қанчалик юксакликка, улуғворликка эришган бўлса, буларнинг барига билим асосида эришган. Инсоният қанчалик

тубанликка тушган бўлса, билимсизлик туфайли содир бўлган. Билимнинг манбаи китоб ва эзгу ниятдир.

Ёш Алишернинг буюк Навоий бўлиб етишишида оиладаги муҳит асосий омил бўлганлиги маълум. Шунинг баробарида Алишернинг ҳаётида комиллик сари юксак поғона бўлган яна бир омил, ўн икки ёшларида ёд олиб, ўзи яшаб турган оламнинг моҳиятини теран англашида восита бўлган яъни Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ-ут – тайр" достони бўлганлиги ҳақида ҳазрат Навоий шундай ёзади: "Мен бу асарни такрор-такрор ўқир, ёш кўнглим ундан баҳра топмоқда эди. Таъб унда ёзилган сўзларга ошно бўлгач, бошқа асарларни ўқишга майил кўрсатмади. Ундаги ажойиб ҳикояларга ўрганиб қолдим, қуш тилидан айтилган ҳикоя ва мажозий фикрлар менга ошно бўлиб қолди[1].

Таъкидланганидек, бу ошнолик, ишқга айланди ва умрининг охиригача алломани тарк этмади. "Бу асар менга ёд бўлиб қолган эди. Уни доимо яширинча такрорлаб юрар эдим. Кўнглим қуш тили билан сирдош бўлиб, ундан бошқа сўзга мойил оз эди"*(ўша манба 442-бет).*

Бу сўзлардан маълум бўладики, асар унинг ҳаётида камолот ҳамда комиллик сари энг тўғри йўл кўрсатувчи, ҳақ сари олиб борувчи таълимотга, эътиқотга айланди. Унинг қалбида илоҳий ишқни, илоҳий муҳаббатни пайдо қилади.

Китобни жонсиз предмет,- дейиш мумкиндир, аммо қудратсиз, яхши китобни эса илоҳий қудратсиз,-деб бўлмайди. Адиб Абдулла Қаҳҳор,- "Адабиёт-атомдан кучли",-деб ёзганида худди шу нарсани назарда тутган бўлса ажаб эмас. Навоийга илоҳий қудрат баҳш этган адабиёт, асрлар давомида халқлар маънавий оламига зиё тарқатиб, рўшнолик бахш этиб келмоқда,-десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Тарихдан маълумки, китоб ўқиган илмли фозил кишилар доимо эл ардоғида бўлиб келишган. Буюк давлат арбоби Амур Темур давлатнинг қудратини, тинчликнинг барқарорлигини оширишда уларнинг фикрини тинглаганлиги ҳақида шундай ёзади: "Фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доим келиб-кетиб, мажлисларимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим"[2].

Аммо, ҳамма даврларда ҳам аждодларимиз томонидан қолдирилган мумтоз меросларга тўғри муносабат бўлмаганлигини яқин ўтмиш тарихида ҳам кўришимиз мумкин.

"Қобуснома", "Сиёсатнома", "Иҳёу улумид-дин" (Илм), "Фиҳи мо фиҳи" (Ичиндаги ичиндадур), "Лисон ут-тайр" (Қуш тили) каби нодир дурдона асарлардаги таълумотларга, - фақатгина одоб-ахлоққа доир панд – насиҳатлар, - деб фикр юритилганлиги, асарнинг қийматини бахолай олмаслик, ҳамда моҳиятини англай олмаслик билан бирга, йиллар давомида халқни (асосан ёшларни) қадриятларимиздан йироқлаштиришга қаратилган ҳаракат бўлиб

[1] Алишер Навоий "Лисонут-тайр" (насрий баён) - Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1991 йил. 442-бет.

[2] "Темур тузуклари" Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. ─ Т.: "Ўзбекистон" 2016, 90-бет.

келди. Мумтоз асарларимизга нисбатан, иррационалликка асосланган таълимот, – дейилган ва замирида ҳукмронлик мақсади яширинган бундай муносабат, давр мафкурасининг асоссиз ғояси эди. Шу нарсани эътибордан четда қолдирмаслигимиз керакки, заминида ғаразлик яширинган бундай қараш, бугунга келиб бутунлай йўқ бўлиб кетди, - десак хатога йўл қўйган бўламиз. Аксинча, лоқайд бўлмаслигимиз Ватанга бўлган муҳаббатимизнинг шараф билан ҳимоя қилишимиз керак.

Биз сўзларимизни, буюк Навоийга мурожаат қилишдан бошладик. Яхши китоб ўсмир ҳаётида нечоғлик ўрин эгаллаши мумкин эканлигини, Шайх Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ-ут тайр" (қуш нутқи) асари, ёш Алишернинг ҳаётида умри давомидаги рахнамо бўлганлигини мисол келтиришга жазм этдик. Ҳайрат шундан иборатки, ҳазрат Навоий умрининг охирларида ўзи болалик чоғларида ўқиб ҳайратга тушган, ошиғи-ю, ошифтаси бўлиб, ўзи билан мудом бирга олиб юрган, беғубор қалбида илоҳий муҳаббат яратган китобга яна қайтади. Бунинг билан у улуғ ва муқаддас китобга, Шайхга умри давомидаги садоқатини, муҳаббатини намоён қилади. Китобдан олган чексиз билимлари учун, ҳаёт сабоқлари учун, оддий болани улуғ сиймога айлантириб, буюк Навоий даражасига етказган, раҳномо олдида қарздорлик ҳисси ҳеч қачон тарк этмаганлигини туюб, буларнинг барчаси учун Шайх Фаридиддин Аттор руҳига таъзим айлаб -"Лисонут-тайр" (Қуш тили) ни ёзиб тугатди. Унинг назмида бу жуда камтарона хизмат бўлсада, бу улуғ неъматдан бутун туркий қавмнинг баҳраманд бўлиши, унинг қалбига озгина бўлса ҳам таскин эди.

"Умидим шуки, ҳар ким бу китобга кўз солиб ўқиса ва ундаги сўзлардан кўнглига ҳарорат сезса, уни Шайх (Фаридиддин Атторни шайх деб билган) нафасидан деб йўйсин ва бу асардан файз топиб, ўз муроду мақсадига эришсин. Бунда бизни ҳам у билан бир қаторда кўриб, кўнгли иккилик сари майил қилмасин"[1].

Камтаринликнинг бу қадар улуғворлиги, гўзаллиги ҳар қандай ўқувчини ҳайратга солади. Нақадар улуғвор ва буюк камтарлик.

Ўз навбатида "Лисонут –тайр" ни насрий баёнга ўгириш ва тайёрлашда сўз заргарлигида моҳирона ишлаган, сўзнинг таъсирчанглигини сақлаб қола олган Шарофиддин Эшонхўжаев ҳамда Ваҳоб Рахмоновларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Уларга улуғ ишни, ҳазрат Навоийнинг ҳохиш-истакларини амалга оширишда шарафли заҳматлари билан руҳини шод айлаб савобга сазовор бўлганликлари муборак бўлсин деб қоламиз. Зеро мумтоз адабиётларимиздан баҳрамандлик, юксак маънавий баркамоллигимизнинг асосидир.

Яхши китобнинг хислати ҳамда ҳикмати хақида сўз борар экан, ёш авлодга китоб ҳамда китоблар ҳақидаги билим тўлиқ ва тўғри берилмоғи шарт. Бугунги давр ўқувчидан ахборотлар қаторида китоб ва китобларнинг турлари, ундаги очиқ ва яширин мақсадни ҳам баҳолай олмоқликни, англамоқликни тақозо этади. Бу муҳим жараён бўлиб ўсмир ёки ўқувчи томонидан тасодиф

[1] Алишер Навоий "Лисонут-тайр" (насрий баён) - Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1991 йил. 444-бет.

сабаб қўлига тушган китобни ўқиш айрим холларда унинг руҳиятини толиқтириши ёки салбий ҳолларга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандига,-“Китоб ўқигин”,-деган сўзни кўп бор айтар, аммо шу китоб ҳақида айтилган қисқа маьлумот, китобдаги воқеликдан айтилган сўз, ўқувчида шу китобни ўқиши учун кўпроқ иштиёқни пайдо қилади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан бошланган, халқимизнинг китобхонлик маданиятини ошириш ва унинг тарғиботи, ўзининг яхши самарасини кўрсатмоқлиги учун ҳар биримиз амалда ҳиссамизни қўшмоғимиз шарт. Халқимизнинг китобга ва китобхонликка бўлган ҳурмати азалдан юқори бўлиб келганлигини яхши биламиз. Аммо, китобга ҳурмат билан қарашнинг ўзи, китобдаги таълимотни ўрганиб ўзининг хаётига тадбиқ этади, атрофдагиларга ёйди,-дегани эмас. Шунинг билан бирга китоб иштиёқсиз ўқилганида ҳам ўқувчига ҳеч нарса бермаслиги мумкин. Шу ўринда халқ ардоғидаги санъат арбоби, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг қуйидаги иборасини келтирмоқликни жоиз деб билдик: “Яхши китобни ёмон одам қўлига олса, ундаги ҳарфлар тўкилиб қолади, китоб унга қалбини очмайди”. Демак ҳар қандай китоб эзгулик билан қўлга олинмоғи керак.

YOSHLARNI MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR ASOSIDA MA’NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHNING AHAMIYATI.

Sh. Azimov - SamDAQI
To’raeva Sh . talaba

Bugungi globollashuv davrida umuminsoniy qadriyatlar davlat siyosatining ustuvor yo’nalishi sifatida ahamiyatga ega bo’lib bormoqda. Shu nuqtai nazardan uning asosiy maqsadi-o’zlikni anglash, milliy qadriyatlarni tiklash, ko’p millatli xalqimizni birlashtirish, milliy va umumbashariy qadriyatlarga asoslangan holda ma’naviy-ahloqiy fazilatlarga ega bo’lgan. Shaxsni xususan, yoshlarni ijtimoiylashuvida, axloqiy shakllantirishga qaratilgandir. Shuning uchun ham milliy va umumbashariy qadriyatlarni uzviy birlashtirish asosida yosh avlodni yuksak ma’naviy-axloqiy fazilatlarni rivojlantirish va tarbiyalashni, o’z Vataniga va xalqiga sodiq fuqaroni shakllantirishga alohida ahamiyat berilgan. Demak, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni yuksaltirishga keng sharoitlar yaratilmoqda. Ularning rivojlanishiga etibor berilmoqda.

Qadriyatlarning jamiyat taraqqiyoti, inson hayotiga ko’rsatadigan ta’siri nuqtai nazaridan progressiv va reaksion qadriyatlarga ajratilishini ham esdan chiqarmaslik kerak. Jamiyatimizning iqtisodiyoti, madaniyati va ma’naviyatining rivojlanishiga, milliy axloq, odob urf-odat negizlarida komil insonni tarbiyalashga, mustaqil respublikamizni har tomonlama mustahkamlab, jahon sivilizatsiyasiga qo’shishga astoydil xizmat qiladigan qadriyatlar-bu progressiv qadriyatlarni tashkil etadi. Aksincha, mamlakatimiz oldida turgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy, ma’naviy muammolarni hal etishga to’sqinlik qiladigan hodisalar reaksion qadriyatlarga kiradi.

Qadriyatlar jamiyatimizning boyligi, bizning milliy iftixorimiz. Ularni avaylab-asrash va muhofaza qilish barchamizning burchimizdir. «Fuqarolar O'zbekiston xalqining tarixiy, ma'naviy va madaniy merosini avaylab-asrashga majburdirlar. Madaniyat yodgorliklari davlat muhofazasidadir»[i], deb yozib qo'yilgan Konstitutsiyamizda.

Milliy qadriyatlarga hurmat bilan qarash millatning o'ziga hurmat bilan qarashning asosiy bo'g'inidir. Ming yillar mobaynida shakllangan milliy qadriyatlarimiz hozirgi davrda yaratilgan madaniy-ma'naviy boyliklar bilan qo'shilib, taraqqiyotimizni tezlatadi, g'oyaviy va ma'naviy poklanishni ta'minlashga ko'maklashadi.

Jamiyatimizda ro'y berayotgan tub o'zgarishlarning, islohotlarning barchasi kishilar hayoti to'q, boy, go'zal bo'lishi, inson o'zini chinakam erkin his etishi, o'z mehnatining, o'z taqdirining, o'z mamlakatining egasi bo'lishini ta'minlashga qaratilgandir.

Birinchi Prezidentimiz I. A. Karimov ta'kidlaganidek; «Jamiyatni isloh qilish va yangilash bo'yicha ko'p qirrali faoliyatimiz markazida inson, mustaqil O'zbekistonning fuqarosi turadi. Islohotlarning mazmuni ayni bir fuqaro o'z qobiliyatini, o'z iste'dodini namoyon etishiga, shaxs sifatida o'zini ko'rsatish imkoniyatiga ega bo'lishiga qaratilgan. Siyosiy va ijtimoiy hayotdagi barcha o'zgarishlar mana shu oliy maqsadga erishishga har bir kishining hayotini yaxshiroq, munosibroq, ma'naviy jihatdan boyroq qilishga bo'ysundirilgan»[ii].

Eng avvalo biron-bir jamiyat o'zining madaniy merosini, ma'naviy va axloqiy qadriyatlarini odamlar ongida rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib, o'z istiqbolini tasavvur eta olmaydi. Ikkinchidan, mamlakatimiz yoshlarida yangi siyosiy dunyoqarash shakllanayotgan bir paytda, ota-bobolarimizdan meros bo'lib o'tgan bebaho go'zal madaniy durdonalardan unumli foydalanish va ular asosida yangicha mazmun kasb etadigan dunyoqarashni, ma'naviyatni shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Yurtimizda ro'y berayotgan ijtimoiy, siyosiy, ta'limiy islohotlar yurt ravnaqi, xalq farovonligiga qaratilgan. Mamlakatimiz mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab yoshlarni har tomonlama etuk barkamol shaxs qilib tarbiyalashga bor imkoniyatlarini yo'naltirdi. Umuminsoniy qadriyatlar zamirida ilm - fan, texnika bugungi kunda talab darajasida rivojlanmoqda. Faqatgina uning imkoniyatlaridan samarali foydalanishda ongli yondashuv talab etiladi

Xalqimizning milliy ongi, milliy g'ururi, milliy iftixori, ma'naviy dunyosi kundan –kunga boyib bormoqda. Bu esa umumjahon miqyosida o'z mavqeiga ega bo'lib borayotgan davlatimizning ma'naviy asosini yanada mustahkamlashga xizmat qilmoqda, lekin shuni alohida qayd etishimiz kerakki, milliy o'z-o'zini anglash, o'zbekchilik-millatchilik degan ma'noni bildirmaydi. Milliy uyg'onish, milliy g'urur, milliy tuyg'uning tiklanishi-bu milliy rivojlanish bilan uzviy boqliq bo'lgan tabiiy qonuniy jarayondir.

Milliy qadriyatlarimiz, urf-odat va an'analarimiz qayta tiklanib yanada rivojlangandagina jamiyatimizda o'tkazilayotgan islohotlar muvaffaqiyatli amalga osha oladi, chunki ma'naviy barkamol, ma'rifatli, ruhan bardam, yangicha tafakkur

qobiliyatiga ega insongina istiqlol va taraqqiyot yo'lini sharaf bilan o'ta oladi. Shunday ekan, xalqimizning madany merosi, yuksak ma'naviy qadriyatlarini chuqur va atroflicha o'rganib, ularni mamlakatimizda yashovchi har bir insonning ongiga singdirib, ayniqsa, yosh avlodni ma'naviy etuk, fidoyi kishilar etib tarbiyalash hozirgi kunda dolzarb muammolardan hisoblanadi.

Bu borada yoshlarni milliy-ma'naviy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda ularni qadriyatlarga nisbatan e'tiqodli qilib tarbiyalash o'ta muhim vazifadir.

Qadriyatlar shaxsga ilmiy-nazariy bilimlarni berish, unda yuksak ma'naviy-axloqiy sifatlarni tarbiyalash, uning har tomonlama barkamol bo'lib voyaga etishida muhim vositadir. Milliy va umuminsoiy qadriyatlar, yoshlarni ma'naviy-axloqiy, estetik, intellektual va ijodiy dunyoqarashini boyitadi.

Bu esa, ijobiy tarzdagi obyektiv-ijtimoiy shart-sharoitlar, munosabatlar orqali tarbiyalanuvchi shaxsga samarali ta'sir ko'rsatuvchi moddiy va ma'naviy voqelik tushuniladi va o'zida ota-onalar va jamiyat oldida tarbiyalanuvchi shaxsida komillikni xohlaydigan, fuqarolik jamiyati uchun foydali, mazkur ijtimoiy sharoitda muhim va zaruriy ahamiyat kasb etuvchi fazilat, sifat, xohish-istak, intilish kabilarni shakllantiradi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ МУҲИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: ХИЛМА – ХИЛЛИК ВА ПЛЮРАЛИЗМ

Саматов Д. Т- Андижон давлат университети
"Фалсафа" кафедраси ўқитувчиси

Маданий хилма-хиллик ва маданий плюрализмнинг ўсиши ҳозирги замоннинг муқаррар жараёнлари ҳисобланади. Бир мамлакатда турли маданиятларнинг мавжудлиги жаҳон ҳамжамиятининг замонавий ривожланишига хосдир. Кўп маданиятли жамиятда омон қолишни ўрганиш, миллий ва миллий озчиликларнинг маданиятига ҳурматни назарда тутадиган муносабатларни чуқурлаштиришга, ҳукмронлик ва доминант бўлмаган маданиятларнинг ривожланишига тенг шароитлар яратишни англатади [3]. Кўп маданиятлилик турли маданиятларнинг мавжудлиги, сақланиб қолиши ва ривожланиши, миллий озчиликларнинг ва кичик мамлакатларнинг маданий анъаналарини назарда тутади. Бу ҳолатда бағрикенглик миллатлараро алоқаларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, бошқа маданият қадриятларига ҳурматни оширади. Толерантлик ҳар қандай маданиятга ёки ҳаёт дунёсига тегишли бўлиши сабабли ҳақиқат ҳодисалари ва ҳақиқатларини талқин қилишда хилма-хилликнинг ижобий томонларини тан олади.

Ўзбекистонда олий ўқув юртларининг замонавий ривожланиши халқаро таълим ва илмий муҳитга алоқада бўлиб келмоқда. Ўқитувчилар ва талабалар турли мамлакатларда амалиёт ўташ, грантларни қўлга киритиш, чет элда нашр этиш. Кўпгина университетларда халқаро алоқалар бўлими пайдо бўлди, академик уйғунлик ривожланмоқда: хорижий ўқитувчилар ва талабалар вилоятларга келиб, университетлар хорижий шериклар билан биргаликда дастурларни амалга оширадилар.

Дунёдаги кўпгина университетлар учун таълим жараёнини халқаролаштириш бугунги кунда таълим, тадқиқот ва бошқарувнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Умуман умумлашма маданиятларнинг ўзаро бойлигини англатади [2]. Таълим мазмуни бўйича таълим муассасаларининг халқаро ўқув муҳитига интеграциялашуви, талабалар ва ўқитувчиларнинг ўзаро алмашинувини мустаҳкамлаш ва таълим тизимларини уйғунлаштиришга тааллуқлидир. Таълимни халқаролаштириш глобаллашув ва инқилоб жараёнларидан мулоқот воситасида туғилади. Дунёнинг давом этаётган қатъий ўзгаришлари жамиятнинг барча муҳитлари, жумладан, олий таълим муҳитига ҳам зиддир.

Таълим асосан жамиятни ривожлантириш учун манба, восита ва энг самарали механизм сифатида келажак учун ишлайди. Таълим соҳаси ижтимоий ривожланишдаги ўзгаришларга сезгир равишда таъсир кўрсатади ва маълум ижтимоий жараёнларни шакллантиришга энг катта таъсир кўрсатади. Таълим тизими глобал ҳалокатли жараёнларга қарши туриш ва прогрессив ўзгаришларни таъминлаш учун мўлжалланган.

Университетлар нафақат келажак авлодларга билимларни топиш, билим олиш, муаммоларни ҳал қилиш ва ўқув жараёнини давом эттириш учун илҳом беришлари керак, балки бизни умумжаҳон қадриятлари ва тажрибасини идрок қилиш учун глобал дунёга очиб бериши керак [4]. Талабаларни дунёга очиқ қарашга, янгиликни қабул қилиш қобилиятини шакллантиришга, инновацион ва тадбиркор бўлишга, бошқа одамларнинг фикрларига чидамли бўлишга, тез ўзгарувчан шароитларга мослашишга қобилиятини ўргатиш муҳимдир. Бугунги кунда демократиялашган жамиятда университетларнинг ролига бундай ёндашув глобал интеграцияга йўл очади, у олий таълим тизимига нисбатан қатъий талабларни қўядиган бозор тизимининг мантиғига мослашишга имкон беради.

Жамиятни демократиялаш келажакдаги мутахассисларнинг ижтимоий фаоллиги ва қобилиятларини намоён қилиш имкониятларини кенгайтирди, шахснинг ўзига хослиги ва ўзини ўзи қадрлашнинг аҳамияти ортди, шунинг учун инсон ва жамият манфаатларини бирлаштириш, ҳаракат эркинлиги ва фаолият натижаларининг оқибатлари учун ахлоқий масъулият яна ҳам долзарб бўлиб қолади.

Республикамиз бошқа давлатлар билан тенг шароитда ривожланиши ва рақобатлашиши учун бизнинг университетларимиз халқаро миқёсда рақобатга киришлари керак. Европада таълимнинг мослашувчанлиги ва рақобатбардошлилигини таъминлаш мақсадида Европа таълим тизимини интеграциялашуви бўйича ҳужжатларнинг пайдо бўлиши (Лиссабон, 1997, Сорбонне, 1998, Болоғна, 1999, Прага, 2001), Европада малака тизимларининг зарур конвенциясини ва шаффофлигини рағбатлантиришга ёрдам берди. Шу билан бирга, олий ўқув юртлари учун толерантлик муҳити аста-секин уларни тараққий этган маданий ғоялар ва билимлар алмашинувига, ўзаро қарама-қаршиликларга барҳам беришга, мамлакатлар ўртасида ўзаро тушунишни шакллантиришга ва шу билан уларнинг ўртасидаги уруш хавфини

камайтиришга қаратилган асосий йўллардан биридир. Якуний натижа ҳаётнинг моддий ва маънавий даражасини оширишдир.

Олий касбий таълимнинг асосий мақсади - миллий ва жаҳон маданияти анъаналарига, жамият ҳаётида фаол ижтимоий мослашувга ва мустақил ҳаёт танловига эга бўлган замонавий ҳаёт қадриятлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган турли шахсларни тайёрлашдир.

Бугунги Ўзбекистонда таълим соҳасининг энг юқори нуқтаи назари (жамиятни демократлаштиришнинг асосий воситаси сифатида эълон қилинган Ўзбекистоннинг янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлари натижасида) қуйидаги хулосага катта сабаблар келтиради: ислоҳот жамиятни демократлаштириш эмас, балки, тенгсизликлар, одамларнинг мол-мулкига кўра фарқланиши, таълим тизимини жамиятнинг ижтимоий табақаланишининг энг ибтидоий каналига айлантириш [1].

Таълим, унинг мазмуни ва амалий технологиялари илм-фан, технология, маданий меросни бойитиш ва глобал ҳалокатли экологик фалокатлар, этник урушлар, ахлоқий ғоялар ва қадриятларнинг қайтарилмас деформацияси, сиёсатшуносларнинг таълим сиёсатининг ижтимоий оқибатлари учун масъулиятининг юксак даражада тушунилишидир.

Оммавий ижтимоий аномалия шароитида оқилона бозор қийматлари, хулқ-атвор ва турли типдаги ёшлар хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган қиймат-меъёрий тузилма ўртасида зиддият мавжудлиги таъкидланиши мумкин.

Сўнгги йилларда тинчлик, бағрикенглик ва маданият муаммоларини муҳокама қилиш учун ўнлаб халқаро форумлар ўтказилди. Бугунги кунда таълим жуда катта тарихий вазифаларга дуч келади. Жумладан ўз-ўзини ташкил этиш ва ўзини такомиллаштиришга қодир, шунинг учун ҳар қандай ислоҳот, қайта қуриш ва ислоҳотга муҳтож бўлмаган пост-саноат типидаги барқарор (зиддиятсиз) ва арзон таълим тизимини яратиш.

Ҳозирги таълим тизими жамиятда юз берадиган жараёнлар орқасида қолмоқда. Ушбу таълимнинг эскирган ва ҳаддан ташқари юкланиши, унинг ҳаётнинг ҳақиқий эҳтиёжларидан ажралиб туриши, ўқитувчи шахсиятининг яқинлиги, талабларнинг такрорланмаслиги, таълимнинг марказлашган шакллари ва репродуктив вазифалардаги эскирган билимларнинг тарқалиши ўқувчиларнинг таълим фаолиятидан, носоғлом рақобатдан четга чиқишига олиб келади [6]. Шу туфайли таълим тизимининг барча босқичлари олдига қўйилаётган ижтимоий талаб толерантликнинг ҳамма қирралари ва хусусиятларини ўзида мужассам этган, таълим тизимининг барча босқичлари учун ишланган, толерантликни шакллантиришнинг педагогик мазмунини, уни амалга оширишнинг педагогик яхлит андозасини, уни шакллантиришнинг педагогик усул, восита ва шаклларини ишлаб чиқилишини таъминлашдан иборатдир. Шу боис ҳам толерантлик бўйича педагогик тадқиқотлар ўзининг илк ривожланиш йўлида эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шуни ҳам қайд этиш зарурки, толерантлик ўзбек миллати тафаккурида ҳар доим одамларга тенг муносабат кўрсатиш, ҳурмат, иззат, ўзга миллат ва элатларнинг урф-

одатларини камситмаслик, ўзини улардан устун қўймаслик, ўзга маданиятлар таъсирига очиқлик, муомаладаги самимийлик каби хусусиятлар доирасида ривожлантирилган. Ислом маданияти, хусусан тасаввуф тариқатлари талаблари ва адабиётида толерантлик “Комил инсон” тушунчаси мазмунига уйғунлаштирилган ҳолда киритилган. “Комил инсон” тушунчасида одамнинг кенг феъллиги, ўзгаларга яхши муносабат кўрсата олиши, бошқа динлар ва урфодатларни ҳурмат қилишга тайёрлиги, яхши ва ширин муомала қила олиши, меҳмоннавозлик каби хусусиятлар тарғиб қилинган [5]. Шу боис, ўзбеклар миллий ривожланишида толерантлик тарихий ҳодиса ҳисобланиб, унинг тарихий илдизлари мавжуд. Ўзбек миллатининг этик-эстетик, ахлоқ ва одоб, маънавий ва маърифий, фалсафий қадриятлари тизимида толерантлик ғоялари энг қадимги даврлардан бошлаб ривожлантирилган. Шунинг билан бирга, бизнинг педагогик илмимизда ҳозиргача бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тафаккурини шакллантириш масаласи ҳамда талаба-ёшларда толерантликни шакллантириш муаммоси илмий ўрганилган холос. Демак, истиқболда толерантликнинг турли педагогик хусусиятларини ўрганиш учун тадқиқот майдони жуда кенг. Шунингдек, толерантликни анъанавий тушуниш билан, уни замонавий талқин этишда жуда катта илмий ва информацион фарқ мавжуд.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Дусманов.Ш.А- СамДУ ўқитувчиси
Бабакулов Ю, Тешаев Д- СамДУ талабалари

Жамият тараққиётида турли халқлар ва миллатларнинг шаклланиши қадрият ва ўзликни англаш билан боғлиқ бўлади. Яъни, қадриятлар шу миллатни характерловчи ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг миллий ўзлигини англашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий қадриятлар миллий ўзликни англашнинг асосий манбалари ҳисобланади. Улар миллатга маънавий куч-қувват ва фидойилик руҳиятини бағишлайди. Миллий қадриятлар миллатнинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қиладиган, унинг турмуш тарзига сингиб кетган, миллат вакиллари томонидан қабул қилинган хатти-ҳаракатлар, хулқ-атвор ва ҳаётий куникмалар мажмуидир. Одатлар эса кундалик ҳаётимизда тез-тез такрорланиб турувчи, бир хил ҳаракатлар мезонидир. Ҳанузгача яхши ўрганилмаган муаммолардан бири халқимизнинг маънавий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган қадриятлардир.

Қадриятлар авлодларни аждодлар билан боғлаб турадиган, маънавий мерос вазифасини ўташини ҳам эътиборга олиш зарур.

Жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ҳам халқимизнинг тарихий тажрибаси, миллий ва маданий анъаналарига таянади. Қадриятларга мустақиллик мафкураси ва инсон эрки талаби нуқтаи назаридан ёндашганда, унинг амал қилиб келган назарий асослари ўзгараётганлигини кузатамиз.

Мустақиллик шароитида ҳар бир халқнинг ўзига хос маънавият негизларига таянган ҳолда қадрият ва анъаналарга янгича қараш ва муносабат шакллана бошлади. Профессор И.Эргашевнинг қуйидаги фикрига қўшиламиз, «Мустабид тузумнинг аччиқ тажрибаси шуни кўрсатадики, ягона мафкура тазйиқидан ва асоратидан холи бўлмасдан анъаналарга янгича муносабатда бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун анъаналарни ягона мафкуравий мақсадларга бўйсундириш фикр ва тафаккур эркинлигига, инсон ҳоҳиш-иродасига зид бўлган носоғлом ҳолатдир» [1]. Узоқ вақт давом этган ягона мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос қадрият ва анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мазкур қадрият ва анъаналарнинг халқимиз турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олиб, нафақат моҳиятини, балки шаклини ҳам ўзгартирмаганлиги тўғрисида профессор Ҳ.Карроматов «ота-боболарнинг удумлари анъана, қонун сифатида халқ онгига сингиб ўтади»[2] – деб ёзади.

Ўзбекистонда мустақиллик туфайли диний қадриятларни эъзозлаш ва уни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрда «Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида - «Юртимиз азалдан ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири эканлиги, мусулмон ренессанси, яъни илмий-маърифий уйғониш даврига асос солган улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги авлод олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради»[3] - дейилган.

Маълумки, қадриятлар миллий, диний ва турмушнинг барча соҳалари билан ўзаро боғлиқ. Миллий қадриятларнинг тарихий шакллари ҳамда улар билан боғлиқ маросимларнинг баъзиларига диний қарашлар ўзига хос таъсир кўрсатади. Зеро, ижтимоий онгнинг бошқа бирор шакли бу соҳада дин билан беллаша олмайди. Шу сабабли ҳам, миллий қадриятлар ва халқ байрамлари намоён бўладиган қадриятларнинг таъсирчанлигини оширадиган кўпгина одатлар ҳам дин билан боғланган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»[4]номли асарида Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқлар ва қабилалар, хоразмликлар, суғдийлар ва туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг қадрияти, анъаналари, турмуш тарзи ҳақида бебаҳо тарихий-маданий бойлик қолдирган бўлиб, Ўзбек

[1] Эргашев И. Ҳаётнинг ҳар они фалсафа. – Тошкент: Академия, 2011. -144 б.
[2] Карроматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2008. -664 б.
[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (15.12.2017 йил ПҚ -3433).
[4] Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968. -486 б.

халқининг ўтмишини, қадриятларини ўрганишда бу маълумотлар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган манба сифатида қадрлидир.

Халқимизнинг қадриятлари қадимий ва ранг-баранг эканини, улар табиий эҳтиёжлар асосида пайдо бўлганини, кишиларнинг меҳнат фаолияти ва турмушининг муҳим томонларига бағишланиб, одамларга шодлик, хурсандчилик ҳолатини туғдирганлигини кўрсатади. Байрамлар ва маросимларда хафагарчилик унутилган, ўзаро аразлашганлар ярашишган, танишлар дўстлашган. Қадимдан халқимизнинг чорвачилик, деҳқончилик, йил фасллари, тақвимлар, юлдузлар, гуллар билан боғлиқ байрамлари, қадриятлари жуда кўп бўлган ва халқнинг ўзлигини англашига ёрдам берган.

Халқ қадриятларида ҳамжиҳатлик, дўстлик иплари, келажакка ишонч руҳида мустаҳкамланган. Улар халқнинг маънавий-руҳий дунёсини бойитишда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг ҳар бирини ўша пайтдаги ижтимоий ва табиий шарт-шароитлардан, халқнинг миллий руҳидан, эътиқоди ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этмоқ лозим. Биринчидан, халқимизнинг қадимий қадриятлари муайян жамоаларнинг яшаш шароити, ташқи муҳит билан алоқаси, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражасига асосан шаклланган ва секин-аста одатга айланиб оммавий тус олган; иккинчидан, бундай байрам, қадриятларга мавжуд динларнинг таъсири кучли бўлган; учинчидан, қадриятларнинг халқ ҳаёти, иқтисодиёти, турмуш тарзи, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлганлари халқлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолган ва бугунги кунда ҳам халқимизнинг миллий ўзлигини англашида муҳим омил бўлмоқда.

Исломгача мавжуд бўлган қадриятларнинг аксарияти соф диний хурофотдан иборат бўлмаган, улар моддий оламнинг муайян қонуниятларидан келиб чиқадиган воқеа-ҳодисалари билан бевосита боғланган эди. Чунончи, юртимизда – жуда кенг нишонланадиган Наврўз байрами йилнинг баҳорги тенг кунлигига тўғри келиб, уни тарихий манбаларнинг хабар беришига қараганда, қадим-қадим замонларда, яъни эрамизгача бўлган бир минг йилликкача даврларда ҳам аждодларимиз томонидан нишонланган. Ҳозирги кунда шу байрам ўзининг объектив тарихий замини бўлганлиги учун ҳам яшовчан ва қадрлидир.

Марказий Осиёда исломгача бўлган қадимий диний эътиқодлар ва қадриятларнинг ранг-баранглиги ва қиймати шунда эдики, улар табиий эҳтиёжлар заминида юзага келган, халқнинг турмуши ва қонига сингиб кетган ҳамда узоқ асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, халқнинг севимли маросимлари ва анъаналарига айланиб кетганди [1].

Миллий қадриятлар ислом дини амал қилган даврда янги маъно касб этиб, халқнинг анъанавий қадриятлари ривожланиб миллий ўзликни англашга катта ижобий таъсир кўрсатган. Шу маънода ҳам аждодларимиз томонидан шакллантирилган, аммо турли сабабларга кўра «эсдан чиқиб» кетган байрамларни қайта тиклаш миллий маънавиятимизнинг янада бойиб боришига,

[1] Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2010. -172 б.

миллатимиз вакилларига маънан ва руҳан кўтаринкилик бағишлашига ижобий таъсир ўтказади.

Халқимизда шундай миллий қадриятлар борки, улар инсоният маънавиятининг энг нодир зарварақлари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғотиши барчага маълум. Айримларини мисол сифатида келтириш ўринли. Халқимиз том маънода жамоага меҳр-муҳаббатли халқ. Бундай жамоага суяниш ва жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш халқимизнинг энг олижаноб фазилатидир. Буни маҳаллалардаги ижтимоий-аҳлоқий қадриятлар исбот қилиб келмоқда. Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг холидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандларимиз. Фарзандларни аждодларнинг бой мероси руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Оилада ота-оналар ўз фарзандларига халқимиз томонидан минг йиллар давомида тўпланган амалий тажрибалардан, ахлоқ-одоб, қадриятлардан сабоқ бериб борганлар. Жумладан, ўзбекларнинг фарзандларига бўлган меҳр-оқибати, уларга турли-туман яхши, эзгуликка йўғрилган қадриятларининг бисёрлигидан, уларнинг аждодларидан авлодларга сингдириб келинаётганлигидан ҳайратга тушган сайёҳ Херман Вамбери «Ўрта Осиё халқларининг қадриятларини юксак даражада мақтовга сазавор бўладиган томонлари шуки, улар ўз миллий характерига эга бўлган ажойиб фазилатларини қатъият билан сақлайдилар», деб ёзган эди [1].

Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг энг эзгу қадриятлари тўй-томошаларида, фарзандларнинг соғлом, билимдон, одобли касб-ҳунар эгаси, меҳнатсевар бўлиб ўсишларини ният қилиб ўтказиладиган маросимларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу қадриятларнинг дин билан боғлиқликлари айниқса, узоқ вақт сақланиб туради. Бинобарин, ислом динининг оила ва оилавий муносабатларга таъсири, оила аъзоларининг миллий ва диний қадриятларини ўзида сақлаб қолиш хусусияти бугунги кунда халқимиз миллий онгининг ривожида маънавий асосларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бошқа миллатларга, бошқа мазҳаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган. Халқимизда она заминга меҳр алоҳида эътиқод даражасига кўтарилган.

Халқимизнинг ажойиб қадриятлари ниҳоятда хилма-хилдир. Одамларнинг бошини қовуштирадиган, уларни бир тан, бир жон бўлиб меҳнат ва роҳатга жалб этадиган пурҳикмат қадриятларимизни санаб адо этиб бўлмайди. «Ҳашар» деб аталувчи шундай миллий удумимиз борки, унинг таърифи ҳар қандай миллат одамларини ҳайратга солади. Миллий қадриятларимизнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан билдирилган қуйидаги фикрлар диққатга сазовор: «Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта

[1] Чориев А. Инсон фалсафаси. Иккинчи китоб. Мустақил шахс. – Тошкент: Chinor ENK, 2002. -270 б.

ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий қадрият тусини олгани барчамизни мамнун этади.

Бизнинг фикримизча, халқимизнинг қадриятларига замон талаби асосида ёндашув зарур. Қадриятларимизда ҳаёт фалсафаси, инсон дунёси, хурсандчилиги ва ташвишлари мужассам ҳолда уйғундир. Мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаёти, қадриятларининг ҳар бири ўзига хос шакл, маъно, мазмун ва моҳиятга эгадир.

Миллий руҳимизни кўтариш, аждодларимизни танишимиз, келгуси ва ҳозирги авлодни тўғри тарбиялаш бугунги кун талабидир. Мамлакатимиз фуқаролари ўз қадриятларини англаши, улар фақат моддий эмас, маънавий бойиш ҳуқуқига эга бўлишлари, ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, одамийликларини чуқур ҳис қилишлари, миллий ўзлигини англашлари бугунги кун талабидир.

Юксак маънавиятли шахслар маданий ҳаётида, бугуни ҳамда истиқболида қадриятлар чуқур маъно ва аҳамиятга эга. Унда ҳаёт фалсафаси, инсон дунёси, хурсандчилиги, ташвишлари мужассам ҳолда уйғундир. Мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаёти, қадриятларига эътибор бериладиган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос шаклга, маъно-мазмунга ва моҳиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаб уни ўрганишга киришганлигимиз мустақиллик туфайли бошлаганлигини эътиборга олсак, ҳали унга кўп вақт ва куч кераклигини эътироф этиш керак.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирганда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, миллат унинг шахслари орқали моддий борлиқ сифатида намоён бўлади. Шахсларсиз миллат бўлмайди. Биз миллат ҳақида фикр юритганимизда, унинг вакиллари (шахслари) ҳаётида кечадиган жараёнларни назарда тутамиз, уларнинг ягона маънавий, руҳий ва ахлоқий омиллар замирида бирлашиб миллий маънавиятни шакллантирган моддий куч сифатида намоён бўлиши ҳақида фикр юритамиз. Шу маънода ҳам миллатнинг маънавий бойиши, табиий равишда унинг вакиллари (шахслари)нинг маънан бойиб боришини ўзида акс эттиришини тушунмоқ керак бўлади.

Иккинчидан, қадриятлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки улар миллатнинг кундалик ҳаётида юзага келадиган турли ҳаётий воқеалар ва улар турмушида кечадиган жараёнлар таъсирида шаклланади. Яна ҳам аниқроғи, уларни миллатнинг ўзи меҳнати, фаолияти, интилишлари асосида шакллантиради. Шунинг учун уларнинг миллат ҳаётида оммалашиб кетиши, унинг бирлигини мустаҳкамлайди ва маънан бойиб боришига хизмат қилади.

Учинчидан, миллий қадриятлар орқали миллатнинг маънан бойиб бориши, унинг заминларини мустаҳкамлайди, улар ўз навбатида миллий тараққиётнинг назарий асоси бўлган миллий ғоянинг шаклланишига, унинг

аниқ мақсадлар йўлида жипслашиб ҳаракат қилишига куч ва қувват бағишлайди. Худди ана шу омил ўз навбатида миллат вакилларининг ўзлигини англашга, яъни ўз манфаатлари йўлида ягона куч сифатида ҳаракат қилишларида муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Тўртинчидан, мустақиллик туфайли шахс маънавиятини юксалтириш, маънавий қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Миллий ғоясини, унинг миллий маънавий негизларини тиклаб, янада ривожлантириб янгиламоқда. Аммо бир томондан, миллий қадриятлар миллий-маънавий тикланишимиз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, мустақиллик йилларида миллий менталитетимизга зид бўлган янги қадриятларни шакллантиришга қаратилган уринишлар бўлганлигини, бугун ҳам бу ҳолатнинг юзага келаётганлигини таъкидлашга тўғри келади. Бу салбий жараённинг олдини олиш тобора долзарблашиб бормоқда.

ТАЪЛИМ – МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ТИЗИМ.

А.Э.Зиётова, талаба Ж.Дагаров- СамДАҚИ. Катта ўқитувчи

Халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросимларидаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маьнавий руҳ берган тафаккур тарзида ўзини намоён этади. У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган.

Буюк донишманд аждодларимизнинг озодлик тўғрисидаги ғоялари, бу борада ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик. Айниқса, ўнлик саноқ системасини бутун инсоният учун энг қулай бўлган ҳисоблаш тизимига айлантирган, инсониятга “Алгебра” фанини ҳадя этган, алгоритмик кетма-кетлик услуби ҳақидаги илк ғояни кашф қилган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари табиатшуносликка оид бир қатор фанларни кашф этиб, том маънода Шарқ натурфалсафасининг отаси бўлган, Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари бугунги кун учун ҳам муҳим. Фалсафа тарихи, мантиқ, мусиқашунослик, ахлоқ сингари соҳалардан ташқари, социологияга оид илк фалсафий системани ишлаб чиққан Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият ҳақидаги қарашларининг ўз ўрни бор.

Мамлакатимизда мустабид мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги, тарихимиз, миллий давлатчилик тарихи бузиб кўрсатилганлиги ҳаммага аён. Ҳақиқатан ҳам, ўзликни англаш ўз тарихини билишдан бошланади. Биз халқни номи билан эмас, балки маданият, маънавияти орқали биламиз.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда «Ўтмишга биринчи баҳо, албатта, холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур». Қонҳўр одам «куч – адолатда», дейиши мумкин эмас.

Амир Темур бобомиз айтганларидек, «Адолат билан жаҳон гулшани обод бўлади». Адолат бўлмаса, дунё зимистон бўлади, ҳаётда ҳеч қандай маъно-мазмун бўлмайди.(1. 447-б)

Мустақиллик ва Ватан тараққиёти ғояларига содиқ бўлган янги инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Чунки мустақил, озод ва обод ўлкамизнинг келажагини кўп жиҳатдан юксак маънавиятли комил инсонлар ҳал қилади. Шундай экан, юксак маънавий фазилатлар, эзгу ғояларни ёшлар онгига сингдирмасдан, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмасдан туриб баркамол инсонларни тарбиялашдек юксак вазифанинг истиқболини тасаввур эта олмаймиз.

Дарҳақиқат, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш янги ривожланиш босқичида устувор вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бир қисми ёшларга қаратилган. Давлатимиз томонидан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш мақсадида 2017 йилда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. 2017 йил 30 июнда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилди. Мазкур қонунда «Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиб бериш, шу асосда ёшлар хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мумкинлиги кўрсатилди. Ушбу ислоҳотлар шахс маънавиятининг шаклланиши учун яна бир асос бўла олади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалар юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг маънавий-маданий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш борасида зиммамизга катта масъулият юклайди. Ушбу ривожланиш дастурида маънавий бойликларни тиклаш, миллатнинг ахлоқий намунасини такомиллаштириш ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

“Ҳаракатлар стратегияси”да белгилаб берилган тўртинчи ва бешинчи устувор йўналишларини амалга ошириш жараёнида фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимга эга бўлган, уйғун ривожланган инсон бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратиш мақсад қилиб қўйилган.

Таълим – тараққиёт босқичидаги энг муҳим тизим. Жамики ўзгаришлар, янгиланишлар бевосита таълим ривожи билан боғлиқ. Президентимиз Шавкат

Мирзиёев ибораси билан айтганда, «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз» (2. 124-б).

Хусусан, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳам, биз олиб бораётган инсонпарварлик тамойилларига асосланган ислоҳотларни фақат аждодларимизнинг маънавий меросига таянган ҳолда олиб борамиз, деб таъкидлади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарлари ҳам– ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, диний-ҳуқуқий таълимотлар тизимидан иборат. Унинг барча асарлари каби, «Сирож ул-муслимийн», «Арбаъин», «Вақфия», «Муншаот», «Рисолаи тийр андохтан» асарлари эътиқодий муаммоларнинг ижтимоий фалсафий таҳлилига бағишланган (3. Халқ сўзи. 2018.12.12).

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавий қадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятлар муттасил ривожланиб, такомиллашиб боради. Буларнинг ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан ўзлаштирилиши таълим ва тарбияни талаб қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛАБА ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

Кипчакова С.Б. – СамИСИ ўқитучиси
Фархадов Ф – СамИСИ талабаси

Юртимизда айнан истиқлол йилларида оиланинг қадр-қиммати янада ошди. Чунки оиланинг жамият маънавий ҳаёти, унинг баркарорлигидаги ўрни ва нуфузи юқорилиги тўлигича эътироф этилди. Ҳар қайси миллатнинг - ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, хеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Бу жараёнларнинг самараси эса аёл-онанинг ўрни ва ролисиз тасаввур қилинмайди.

Агар тарихни астойдил таҳлил этсак, аёл камолатисиз жамият келажаги бўлмаслигига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, ўз боласини ватанпарвар, илмпарвар, оилапарвар шахс сифатида тарбияланишида миллий кадриятлардан ўринли фойдаланган ва уларнинг шу кунгача сакланиб келаётганлигида маънавияти юксак, илм ва саводда, рўзгор юритишда, муомалада унча-мунча Ғарб ёки Шарқ аёлларидан қолишмайдиган оддий ўзбек аёли юртимизда биз учун азиз ва эъзозли бўлган кадриятларимизнинг сакловчисидир.

Шундай тасаввур бор эдики, гўёки, илгариги замонларда хотин- қизлар эрксиз, тобе, ҳақ-ҳуқуқлари паймол этиларди. Аслида ўша замонларда умуман инсон кадр-қимматининг ўзи унчалик баланд эмас, унга ўз қадр-қимматини эъзозлаш, саклаш, манфаатларини муҳофаза килиш кабиларнинг ўзи ёд эди. Хотин-қизларга келсак, бизнинг ҳудудимизда ота-боболаримиз ўша бироз нотинч, бесаронжам замонларда уй-жой қилганда, хонадонларни “ичкари” ва

“ташқари” қилиб куришлари каби холатларни хотин-кизларни авайлаш, уларни ёмон кўзлардан асраш ва умуман жисмонан уларни мухофаза қилишнинг бир йўли бўлган деб баҳолаш мумкин. Нодирабегим, Увайсий отин, Сароймулкхоним каби момоларимиз тажрибаси ва ҳаёти, уларнинг интеллектуал салоҳиятда ҳам эркаклардан кам бўлмаганликлари боис улар яратган нодир асарлар, ўгитларининг сақланиб келганлиги уларнинг ожизлиги эмас, балки жамиятдаги муносиб ўрнидан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мустақиллик йилларида оила, она ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган юзлаб конун, конуности хужжатлар, Президентимизнинг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Умуман, қонунан каралганда бизда аёл учун ҳеч кандай чекланиш ёки камситилиш йўқ. Масала моҳиятан бошқа томонда. Аввало, бизнинг қизларимиз ўрта маълумот олиб ёки касб-ҳунар таълимининг дастлабки бўғинини тамомлагач, катта ҳаётда қайси ҳунарга ўз кучи ва салохиятини бағишлаши масаласида муайян маънода хотин- қизларнинг оилавий мақоми ҳамда ота-оналарнинг қизларини аяб, олдиндан қийинчиликлардан асрашга бўлган истаклари боис кўпроқ анъанавий касб йўналишлари, масалан, ўқитувчи, педагог, ҳамшира ёки врач бўлишга йўналтиришлари ҳам рост. Шу анъанавий хотин-кизлар соҳаси бўлмиш касбларга кизларни ишга қабул қилишда ҳам қийинчиликлар деярли йўк.

Бизнес соҳасига келсак, ҳали бу иш бизнинг аёллар учун янги албатта. Катта ёки кичик фирмаларга хотин-қизларни ишга қабул қилишда ҳам шундай муассасаларда ишлашга ўз қизларини йўналтиришда ҳам ота-оналарга стереотиплар йўқ эмас. Лекин ҳозирги кунда атрофимизга боқсик, эркин тадбиркорлар орасида ҳам, махсус тайёргарликдан ўтган, ўкиган, бу сохада “мактаб” кўрган хотин-кизлар бизнес соҳасида ҳам эркаклардан қолишмаслигини намоён этмокдатар. Бу ўринда ягона қийинчилик шундаки, “бизнес леди” ёки муваффақиятли тадбиркор аёлнинг ёнида ишончли турмуш ўртоги бўлса иш анча енгил кечади. Хорижда ўтказилган тадқикотлар ва ўзимизнинг кузатишларимиз айнан оилавий бизнеснинг яккахон бизнесдан афзаллигини, бундай шароитда уйда ҳам тинчлик, ҳамжиҳатлик, хотиржамлик бўлиши, айникса, болаларнинг тарбияси ҳам муйян маромда самарали кечишини кўрсатмокда. Демак, бизнес муаммоларини оилада, баҳамжиҳат ҳал қилиш ишдаги самарани таъминлайди. Маош олиш маъносида шуни айтиш мумкинки, бир ишни маҳкам ушлаб, ўз икгидори ва малакаларини шу йўлда эркии намоён этадиган тадбиркор ўз ҳақини бировга бериб қўймайди. Айтиш жоизки, у бу масалада уни камситишларига йўл қўймайди, буни ҳаёт кўрсатмоқда. Фирма раҳбари бўлмиш эркаклар эса аёл ходиманинг иш самарасига кўра рағбатлантиришни, тенг имкониятлар муҳитини яратиши шарт. Бошқа соҳалар, иқтисодиётнинг реал секторида бу масалада чекинишлар бўлиши мумкин эмас, чунки қонунлар устивор бўлган жамиятда яшаяпмиз, хотин- кизлар билан эркакларнинг меҳнаг қилишларидаги тенглик кафолатланган эканлигини бугун ҳар биримиз яхши англаймиз.

“Тенг ҳукуклилик”, “гендер тенглик” каби атамаларни аслида хотин-қизларнинг ўзлари ўйлаб топишган. Айниқса, бу ҳаракат XX асрнинг бошларида авж олгаклигини эслаш мумкин. Аёл зоти табиатан қизиқувчан, бироз хавотирли бўлгани боис ўша даврлардаги ўзгаришлардан ортда колишдан қўрққан чамаси. Ваҳоланки, хаттоки, аёл жисми ва жони учун мураккаб бўлган ишларга, масалан, тупда ишлаш, оғир юк кўтариш, санитария-гигиеник шароитлари оналикка зид бўлган шароитларда ҳам ишлашларига тўғри келган

Энди ҳуқуқий, фукаролик жамияти кураётган бир шароитда конкрет қонунчилигимизнинг амалда тўсикларга учраётгани боис келиб чикаётган айрим хотин-кизлар ва уларнинг фарзандлари, оиласи мустаҳкамлигига оид масалалар ҳам борки, уларга аввало Оила Кодекси нормаларининг айрим бандлари киради. Чунки давр ва вақт ўтиши, конун хужжатларини амалда ишлашини назорат қилиб ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, кабул қилинган конуний нормалар ва шу жумладан, Оила кодексини хаётга тадбиқ этилишида айрим муаммолар хам йўк эмас.

Оила Кодекснинг 10-моддаси “Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва оилавий мажбуриятларни бажариш” деб номланиб, унинг иккинчи абзацида “Оила аъзоларининг ўз хукукларини амалга оширишлари хамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошка аъзолари ва ўзга шахсларнинг хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларини бузмаслиги шарт" деган норма бор. Лекин амалиётдан маълумки, никох ёшига етмаган қизни унинг раъйига караб-қарамай турмушга беришлар. кўшхотинлилик, келинчакка қариндошлар томонидан тайзикдар ўтказилиши, бола тарбиясини факат аёл-онанинг зиммасига юклаш, қолаверса, агар мабодо болатарбияда чекиниш холатларии бўлса, хотинни камсигиш холатлари учрайди. Оила Кодекси бўйича расмий никохда бўлган шахсга бошка иккинчи шахс билан никохда бўлиш таъкикланган, лекин шунга карамай, шаърий никоҳ йўли билан иккинчи хотинга ҳам уйланиш холатлари хам ҳаётда йўк эмас. Бундай холатларда энг азият чекаётган шахс - бу фарзандлар эканлиги ташвишлидир.

Қизларнинг никоҳга кириш ёши муҳим бўлиб, 1991 йилга нисбатан солиштирилса, 20 ёшдан кейин оила курган кизлар салмоғи охирги йилларга келиб, салкам уч баробарга ошган, ўртача никоҳга кириш ёши охирги статисгик маълумогларда аёллар учун 21,5, эркаклар ўртасида эса 24,3 ёш тарзида қайд этилди. Шу ўринда 15-17 ёшларда она бўлаётган кизлар ва конунда белгиланганидек, агар шундай фавкулотда холагларда расмий никохни қайд этиш учун маҳаллий хокимларга никох ёшини кискартириш ваколати берилганлигини эслаш мумкин. Балоғат ёшига етмаган болани турмушга бериш ёки шундайларнинг эрта жинсий хаётни бошлаб, барвакт она бўлишининг олдини олиш жамоагчиликни ҳам ташвишга солиши керак. Яъни, олиб борилаётган тарғибот ва гашвиқот ишлари, ёшларнинг таълим олишлари учун яратмлаёгган шарг-шароитларга қарамай, республикамизда қизларни балоғат ёшига етмай туриб турмушга бериш холатлари мавжуд. Эпг ачинарлиси шуки, 17 ёшгатўлмай турмушга узатилган кизларнинг аксарияти ҳали ўрта мактабни тугатмаган ёки касб-чунар

коллежларининг бирида таҳсил олаётган бўлади. Бу эса уларнинг келажакда касб-ҳунарли бўлишлари, мутахассис сифатида келажакда оиласи ва жамиятга нафи тегишида тўсик бўлади.

Юкоридаги холатларни инобатга олиб, Республика “Оила” илмий-амалий маркази қуйидагиларни таклиф этади:

1) Оила кодексининг оила ва никоҳ муносабатларининг мустаҳкамлигини кафолатловчи бандлари экспертлар томонидан ўрганилиши ва конкрет таклифлар Республика хотин-қизлар қўмитаси орқали тегишли давлат органларига тақдим этилиши керак;

2) Оила кодексининг амалдаги ижроси таъминланиши суст бўлган, норасмий никохдар, никоҳ ажримлари ҳамда никоҳ ёшининг узайтриш бўйича қарорнинг ижросини таъминлашни назоратга олиши керак:

ЭКОЛОГИК ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА ЭСТЕТИК ОНГ ВА ЭСТЕТИК ДИДНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аманов Ғ.А- Гулистон давлат университети**.**
Тажибоев М.А-Жиззах Политехника институти**.**

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири фан-техника ютуқлари асосида аҳолининг турли табақалари орасида экологик таълим-тарбия ва маданиятга оид билимларни ошириш йўли билан табиат муҳофазасини тезлаштиришнинг турли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 апрелда имзолаган “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза соҳасидагида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сонли Фармонига асосан ёшларни атроф муҳитга бўлган муносабатига ижобий ечим топиш, айниқса бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган экологик таълим ва тарбия, табиат ва жамият ўртасидаги доимий бирлик ва уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ қилиш асосий ечимини кутаётган муаммолардан бири эканлиги айтиб ўтилган.

Инсонни ўраб турган табиий муҳит ва унинг бойликларини биладиган, ундан тежамкорлик билан фойдаланадиган, сақлайдиган, табиат бойлигига, гўзаллигига гўзаллик қўшадиган, ижтимоий ва табиий қонунларни биладиган билимдон шахсни етиштириш экологик тарбиянинг мақсади ҳисобланади.

Табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган инсонлар, унинг ҳар бир қарич ерида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни сезади, кузатади, табиатга ёрдамга боради, яъни йиқилган буталарни тиклайди, касал хайвонларни тузатади, даволайди, ифлосланган сувни тозалашга ҳаракат килади, ёнғинни ўчиради ва унинг олдини олишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билади.

Инсоният ва табиат биосферасида униб-ўсиши учун сув, қуёш ҳарорати, озиқ-овқат жуда зарур бўлиб, у буларнинг ҳаммасини табиатдан олади. Инсонни она дунёга келтириб тарбияласа, табиат вояга етказади. Шу сабабли “Она - табиат” деб аташади. Одамзоднинг соғлом бўлиши уни ўраб олган атроф-муҳитга, табиатга боғлиқ. Табиат қанча мусаффо бўлса, одам ҳам соғлом, бақувват ўсади. Одам ҳар нафас олиб, чиқарганда унинг ўпкасига ярим литргача ҳаво кириб чиқади. Одам танасига бир минутда 10 литргача ҳаво кириб чиқади. Бу миқдор бир кеча-кундузда 10 минг литрдан ортади. Демак, ҳаво инсон танаси учун энг муҳим ва зарур табиат инъомидир. Хавога мунтазам равишда аралашиб турадиган ифлос чанг ўпкада газ алмашинувига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса инсоннинг соғлиғини бора-бора издан чиқаради, ҳар хил касалликларни, хасталикларни келтириб чиқаради.

Экологик таълим - тарбия ёшларнинг эстетик онг, эстетик дид, эстетик фаолиятига ўзининг таъсирини ўтказувчи жараёндир.

Экологик таълим-тарбия жараёни узлуксиз ва узвий алоқадорликда бўлиб, узоқ давом этувчи ижтимоий жараёндир. Унинг узлуксизлиги оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, кенг жамоатчилик ташкилотлари иштирокида амалга оширилса, самарали натижага эришилади.

Ёшларда экологик маданият, экологик онг, эстетик тафаккурни шакллантириш тизими тўлиқ амалга оширилмаса, ёшларни экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги дунёқараши тор, билими саёз бўлишига олиб келади.

Инсон зоти дунёга келганидан бошлаб, табиат ва жамият деб аталган ташқи муҳит билан муносабатга киришади. Дастлаб бу муносабат англанмаган, интуитив, биологик-генетик тарзда, кейинроқ англаб етилган. Юксак даражадаги ижтимоий ҳодиса сифатида рўй беради. Эстетик муносабат бошқа (ақлий, ахлоқий, диний ва б) муносабатларга қараганда миқёсли ва кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Негаки бошқа муносабатлар инсон ақлини танигандан сўнг бошланадиган бўлса, эстетик муносабатлар инсон гўдаклик пайтидан унинг турли ранг-баранг нарсаларни илғаши ва ўзига хос тарзда завқ олишлиги билан белгиланади. Мустақиллик йилларида ҳар бир инсоннинг онги ва тафаккурида энг аввало, табиат ва жамиятга эстетик муносабат ва бу муносабатнинг онгли даражада амалга оширилиши, қолаверса бунинг негизида инсонларда экологик онг тушунчасини шакллантириш масалалари жамиятимиз олдида турган асосий масалардан бири эканлиги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ҳар томонлама асослаб берилган .

Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати, аслида воқеликка баҳо беришнинг алоҳида тури, воқеа-ҳодисаларни нафосатли қадрлаш усулидир. Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг табиий ҳаракати инсон ҳаёти, дунёқарашини ўзгартиради, эркин ва мустақил фикрлашга ундайди. Бугунги кунда кишилар

онгини, тафаккурини ўстиришда, дунёқарашини шакллантиришда маънавий ва ахлоқий фазилатларни сингдириш билан биргаликда табиий муҳитни асраб-авайлаш, унга оқилона ва одилона ёндашувни талаб этади. Маълумки, ҳозирда юртимизда экологик сиёсат юритилмоқда. Шуни ҳисобга олган холда ҳозирги даврда экология соҳасига дахлдор бўлган қуйидаги тахдидларни кўришимиз мумкин:

Биринчидан:

- Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид қарорлар қабул қилишда экологик омилларнинг етарлича инобатга олинмаслиги ҳамда аҳолининг жисмоний соғлиги, атроф муҳит учун зарарли бўлган ишлаб чиқариш фаолиятининг рағбатлантирилиши ва кенгайтирилиши;

Иккинчидан:

- Экологик жиҳатдан зарарли бўлган технология, модда ва материаллардан аҳоли учун кийим-кечак, ва уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқарилилиши, истеъмол учун кимёвий тарзда яратилган озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиб бориши;

Учинчидан:

- Ҳали-ҳануз Орол денгизи билан боғлиқ экологик танглик ҳамда унининг жамият, атроф- муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири;

Демак, шу халқ фарзандиман деган ҳар бир шахснинг ҳозирги глобаллашув жараёнида доимо табиат ва жамиятга эстетик муносабатда бўлиши ва ушбу жабҳада олиб борилаётган ишларга мустақил дунёқараш билан муносабат билдира олиши давр талабидир. Бу эса ҳар бир жамиятимиз аъзосини ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлаётган жараёнларга бефарқ бўлмасликни, экологик муҳитнинг софлигини таъминлаш учун масъул эканлигини хис қилиб яшашни англатиб туради.

Бу муаммони кенг кўламли ёритиб бериш ва тақиқ этишда нафақат ҳозирги даврнинг етук мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларидан, балки аждодларимиз томонидан яратилган «Юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар» [1, 34-бет.] нинг ҳали тўла ўрганилмаган жиҳатларини тақиқ этиб, халққа тақдим этиш фалсафий фанлар олдидаги долзарб вазифалардандир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, инсониятнинг ҳар бир аъзоси ўзи яшаб турган она табиатни ўзидан кейинги авлодга гўзал ва обод, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ранг-баранг турларини тўла сақлаган ҳолда етказиб бериш, экологик ва эстетик маданиятни ёшлар онгига сингдириш ва она табиат заҳираларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш ҳар бир шахснинг ўз олдидаги бурчидир, чунки она табиатда ҳамма нарса чамбарчас бир бири билан боғлиқ.

YOSHLARNI G'OYAVIY –MAFKURAVIY TARBIYALASHNING DOLZARB MASALALARI.TALABALAR ONGIDA KITOBXONLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH

Z.Mansurova- SamISI o'qituvchisi

Istiqlolning dastlabki yillaridan boshlab mamlakat mustaqilligini mustahkamlash, uning iqtisodiy, ijtimoiy hamda huquqiy asoslarini yaratish bilan birga ma'naviy – ma'rifiy va ta'lim-tarbiya sohasini isloh qilish, yoshlarni ham ma'nan, ham jismonan yetuk, zamonaviy bilimlarni puxta egallagan, yuksak aql-zakovat sohiblari etib voyaga yetkazish davlatimiz rahbarining doimiy e'tiborida bo'lib kelmoqda.

Mamlakatimizning salmoqli aholisi g'ayrat-shijoatli yoshlardir. Jamiyatimizning tayanchi bo'lgan yoshlarni qo'llab – quvvatlash, sog'lom avlodni voyaga yetkazish bugungi kuning dolzarb masalasi bo'lib qolmoqda.

"Farzandlarimiz, yoshlarimiz bizning nafaqat ishonchimiz va kelajagimiz, yoshlarimiz bugungi va ertangi kunimizning hal qiluvchi kuchidir" degan edi Birinchi Prezidentimiz I.Karimov. Bu bizni, yosh avlodni yanada ma'suliyatli bo'lshiga chorlaydi. Ammo "Guruch kurmaksiz bo'lmaydi"- deganlaridek, bu ma'suliyatni his qilmaydigan yoshlarimiz ham topiladi. Bu illatlarning kelib chiqish zaminiga nazar tashlaydigan bo'lsak, unda mafkuraviy bo'shliq, o'z-o'ziga ishonchning yo'qligi, ishsizlik va boshqalardir. Bugungi dunyoni qiynaydigan muammolar: OITS, Vich, giyohvandlik va odam savdosi kabi illatlar shular jumlasidandir. Mehnatga layoqatli aholining katta qismini yoshlar tashkil etar ekan, ular doimo ishsizlik muammolari bilan ro'baru keladilar. Mehnatga layoqatli aholining xuddi ana shu toifasining huquqiy savodsizligi tufayli xorijda daromadli ish taklif etayotgan uyushgan guruh va firibgarlarning tuzog'iga osongina ilinayotganligi sir emas. Oqibatda yosh yigit – qizlar hatto, voyaga yetmagan bolalar ham shu ishlarga osongina jalb etilmoqda.

Kitob, avvalo yosh avlod ongu shuurida ona tiliga hurmat va ehtirom, o'zlikni anglash, Vatannga muhabbat, uning taqdiri uchun daxldorlik fidoyillik tuyg'ularini mustahkam qaror toptirishning eng asosiy omillaridan biri.

Yoshlar qiziqib o'qiydigan milliy va jahon adabiyoti namunalaridan iborat eng sara kitoblarning elektron variantni 20 nomdagi badiiy adabiyotlar Libra.ru, Ziyonet.uz saytlaridan olinib resurslar boyitildi .Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy yozganidek, "kitob-beminnat ustoz, bilim va ma'naviy yuksalishga erishishning eng asosiy manbai".

Xalqimiz tilida kitob o'qib bilim va munosib tarbiya olish, kasb-hunar o'rganishning ahamiyatiga doir maqollar juda ko'p. Jumladan, "Kitobsiz aql-qanotsiz qush", Biim-aql chirog'i", "Go'zallik – ilmu ma'rifatda". Bunday hikmatli naqllarni yana uzoq davom ettirish mumkin.Necha ming yillardan buyon insonlarga to'g'ri yo'lni ko'rsatib kelayotgan, ularning bilimli, tarbiyali, kasb-hunarli va albatta baxtli bo'lishining muhim omili – bu kitobga do'st bo'lish, va kitob o'qishni kanda qilmaslikdir. Ayniqsa, yoshlarning hayotida kitobning alohida o'rni bor. Chunki

yaxshi kitob insonda Vatanga muhabbat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat tuyg‘ularini yuksaltirib, yaxshilik hamda ezgulikka undaydi.

Sakkizinchi mo’jiza sifatida e’tirof etiladigan kitob inson qalbining chinakam hamrohi, aql va fikr qayrog’idir. Bilasizmi, eng qadimgi kitoblar qachon va nimadan yaratilgan? Yer yuzidagi ilk kitoblar qadimgi Ossuriya va Bobilda loydan yaratilgan ekan. Qadimgi Misrda esa kitob matnlari tosh taxtalarga bitilgan.

Shiddat bilan taraqqiyl etib borayotgan tamaddun asrida yashayapmiz. Rango-rang, inson ongu tafakkuriga tez ta’sir eta oladigan g’oyalar, fikrlar shu qadar ko’pki, ularni “hazm qilishimiz” oson bo’lmaydi. Saragini sarak, puchagini puch deydigan eng muruvvatli USTOZ bu – YAXSHI KITOBLARDIR!

Shu ma’noda kitobxonlik madaniyatini yanada yuksaltirish, bu boradagi ko’nikmalarni yanada kamol toptirish, “Oilaviy kitobxonlik”, “Bir farzandga bir kitob” kabi ezgu tushunchalarni keng targ’ib qilish jamiyat taraqqiyotini belgilovchi muhim omillardan biridir.

Joriy yilning 7-avgust kuni shahrimizning “Bolajon” bog’ida tashkil etilgan oilaviy kitobxonlik bayrami va kitob sayli o’tib borayotgan haftaning yirik tadbirlaridan biri bo’ldi, deb ayta olamiz.

“Jaholatga qarshi ma’rifat bilan” shiori ostida bo’lib o’tgan mazkur kitob bayramida O’zbekiston xalq artisti, ekranlarda hazrat Navoiyning buyuk timsolini yarata olgan ustoz-san’atkor Yoqub Ahmedov, qurama o’lanlarining mohir ijrochisi, O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan artist Toshpo’lat Matkarimov, Respublika Ma’naviyat targ’ibot markazining Tashviqot bo’limi bosh mutaxassisi Nilufar Husanboyeva, Yoshlar siyosati masalalarini rivojlantirish va ma’naviy-ma’rifiy yo’nalish bo’yicha hokim o’rinbosari Sohib Ahmedovlar ishtirok etdi.

Tadbir mehmonlari o’z chiqishlari orqali bilim manbai bo’lgan kitobni sevish, uni tanlay olish va o’qish madaniyatini bilish kerakligini, kutubxonani boyitib borishga alohida e’tibor bilan qarash lozimligini, kitob saqlash odobi, o’qish jarayoni, o’qiganni o’ziga va hayotiga tatbiq etish kitobxonlik madaniyati ekanligini e’tirof etib o’tdilar. Tadbir davomida kombinat kasaba uyushma Kengashining tashkiliy ishlar bo’yicha komissiya raisi Dilshod Yunusov, kombinat Avtotransport boshqarmasining yoshlar faoli Jasur Tog’ayevlar kitob va kitobga munosabat, oilaviy kitobxonlikning rivojlanishi uchun qanday ishlarni amalga oshirish kerakligi borasida o’zlarining teran fikrlarini bildirib o’tishdi. Respublika Ma’naviyat targ’ibot Markazi Olmaliq shahar bo’limi huzuridagi “Jilg’a” etnografik ijodiy ishlar uyushmasi mas’ul kotibi, shoir Luqmon Musulmon va “Jilg’a”ning yosh a’zolari yangi ijodiy ishlari bilan tadbirga yanada jo’shqin kayfiyat olib kirdilar.

Kitob – beminnat ustoz. U bizni har lahza donishmandlarning bilim xazinasi bilan oshno eta oladi. Darhaqiqat, kitoblar buyuk mo‘jizadir, ular beminnatlik bilan bizlarni o‘z sehrli olamiga eltadi. O‘sha olamning chashmalaridan esa ziyo tomib turadi. Undan tatib ko‘rgan insonlar faqatgina odamiylik va ezgulikni maqsad qiladi. Bugungi kunda yurtimizda kitoblar saviyasi va noshirlik ishlariga ham yetarlicha e’tibor qaratilmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ib qilish bo‘yicha kompleks chora-

tadbirlar dasturi to‘g‘risida” 2017-yil 13-sentabrdagi qarorida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash maqsadida bugun O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligining katta majlislar zalida “Noshirlik ishi: kitoblarning badiiy uslubiy saviyasi, kitobxon ehtiyojini qondirish borasida taklif va tavsiyalar” mavzuidagi amaliy konferensiya bo‘lib o‘tdi.

Avvalo, badiiy, ma’rifiy, ilmiy-ommabop, tarbiyaviy, yoshlarning intellektual salohiyatini oshirishga qaratilgan adabiyotlarni chop etish, ular bilan ta’lim muassasalarini ta’minlash, milliy va jahon adabiyoti namoyandalarining yetuk asarlarini saralash, tarjima qilish ishlari puxta o‘ylangan tizim asosida tashkil etilmagan.

Chop etiladigan kitoblarni nashriyotlardan hududlarga arzon narxlarda yetkazish, onlayn buyurtma berish va manzilga yetkazish tizimi sust rivojlangan, shuningdek, aholiga xizmat ko‘rsatishda elektron kitob shakllaridan keng foydalanish yaxshi yo‘lga qo‘yilmagan.

Ta’lim va madaniyat muassasalari uchun kitob xarid qilishga mablag‘lar yetarli darajada mavjud bo‘lgan manbalar hisobidan jalb etilmayapti, kitob sotishga ixtisoslashgan korxonalar tomonidan ta’lim muassasalari, kutubxonalar va mahallalarda yangi kitoblar taqdimotini o‘tkazish, mutolaa madaniyatini oshirish, shu jumladan, ommaviy-axborot vositalari orqali targ‘ibot-tashviqot qilishga qaratilgan tadbirlar yetarli emas.

Olim, ziyoli insonlarni izzat-hurmat yuzasidan uyimizning to‘riga o‘tkazsak, bilimsiz kishidan biror xatolik o‘tganda “ha, endi, kitob ko‘rmagan bir bechora-da”, deya aybini kechirib yuboramiz. Dunyo bizga havas bilan boqadigan o‘qimishli va kitobxon mamlakat bo‘lishimiz uchun kitoblar shunchaki javon bezagi emas, balki ko‘nglimizning bebaho mulkiga aylanishi kerak. Shundagina talablarimiz qalbiga ezgu g‘oyalarni singdirib, ularni komil inson qilib tarbiyalashimiz mumkin.

ЁШЛАРНИ ҒОЯВИЙ –МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯЛАШДА ТИЛ ВА НУТҚНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ ҲАМДА ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ

Тўлқин Мардиев – СамИСИ катта ўқитувчиси

Тил ва нутқ вужудга келиши инсониятнинг вужудга келиши тарихи билан боғланади. У асрлар оша тараққий этиб ҳозирги ҳолатига етиб келган ижтимоий ҳодисадир. Зеро, тил ва нутқни кишилик жамиятида ўзаро муҳим алоқа воситаси сифатида ихтирочиси, яратувчиси инсонлардир. Шунинг учун ҳам тил ва нутқ фақат кишилик жамиятидагина мавжуд бўлади ва яшайди. Кишилик жамиятидан ташқарида ҳеч қандай тил мавжуд бўлмаган ва мажуд бўлмайди ҳам. Биз инсонни у яшаётган ва ҳаракатда бўлган жамият орқали билсак, унинг сўзлашаётган нутқига қараб қайси миллатга хослиги ва маданийлик даражаси ҳақида фикр юритишимиз мумкин бўлади.

Умуман, инсон тили халқ, миллат тафаккурининг ойнасидир ва ҳар бир миллатнинг ақлий тузилиш ўз тилида стереотип сифатида шаклланган бўлади. Тил – сўзловчи дунёқарашининг ва маънавиятининг акс этишидир[1]".

Тил ва нутқ бир-бирига боғлиқ ҳодисалардир. Уларни асосан бир-биридан тамоман ажратиб қараб бўлмайди.. Тил нутқ учун моддий материалдир. Шу материал асосида нутқ ташкил топади, яъни тилдаги моддий материал нутқ орқали юзага чиқади. Аммо улар қанчалик бир бирига боғлиқ бўлмасин, уларда ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Бу фарқлар қуйидаги ҳолатларда сезилади.

Нутқ – тил деб аталувчи, ижтимоий-индивидуал ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари, имкониятларининг объектив борлиқ, тафаккур ҳамда жамият билан ўзаро зарурий, доимий муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ – расмий тилдир.

Тилда руҳий ва моддий материал мавжуд. Тилдаги товуш тўплами орқали ифодаланган фонема, морфема лексемалар ва сўз бирликлари ва гаплар ҳамда уларга хос грамматик қонун-қоидаларнинг киши хотирасидаги образлари руҳий материал ҳисобланади. Нутқнинг ҳосил бўлиши жараёнида ушбу тил материалларнининг қўлланилиши эса моддий материалдир. Бундан тил бир томондан руҳий ҳодиса бўлса, иккинчи томондан моддий ҳодисадир, деган хулоса келиб чиқади. Тилдаги руҳий материал ҳисобланган ифода воситалари нутқ ихтиёрига ўтгач, ҳақиқатга айланган фикр ҳисобланади. Бошқача айтганда, нутқ тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳақиқатга айланган фикрдир. Нутқ – нутқ аъзоларининг ҳаракати жараёнида пайдо бўлади.

Демак, маълум тил жамоасидаги кишилар онгида товуш образлари сифатида сақланадиган ва ҳамма вақт ҳақиқатга айланишга тайёр турган фонема, морфема, лексема, сўз бирликлари ва турли лисоний қоидалар, гапларнинг моделлари тилга тегишлидир. Тилга оид нарсалар чегараланган миқдордадир. Уларнинг сони турли тилларда турлича бўлади. Қайси тилда тил воситалари нисбатан кўп бўлса, ўша тил бой ҳисобланади. Жамоа ҳаётининг бутун соҳаларини ўзида қамраган тил бирликлари жамият тараққиёти билан ривожланиб боради. Жамият эҳтиёжига жавоб бермай қолган тил элементлари истеъмолдан чиқа боради, улар ўрнида янги ифода воситалари пайдо бўлади. Тилдаги ифода воситалари чегараланган бўлишига қарамасдан, нутқ чексиздир. Чунки тил воситалари нутқ ихтиёрига ўтгач, улардан чексиз миқдорда гаплар тузиш мумкин.

Нутқ жамоадаги алоҳида киши ёки кишиларга қаратилган бўлади. Демак, нутқ ҳам тил каби ижтимоий ҳодиса бўлганлиги туфайли у жамиятдаги кишиларни бирлаштириш, маълум мақсад сари отлантириш имкониятига эгадир. Жамият тараққиётида нутқ белгиловчи ўрин эгаллайди. Нутқсиз кишилик жамиятини бошқариш мумкин эмас. Тилдан нутқнинг яна бир фарқи шунда сезиладики, тилдан ва унинг алоқа воситалигидан жамиятнинг барча аъзолари тенг фойдаланадилар. Аммо нутқда ундай эмас. Нутқдан бирор бир шахс ёки жамиятнинг маълум бир табақаси ўз манфаатини кўзлаб

[1]. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры – М.: Прогресс, 1985, стр. 373, 376, 397.

фойдаланиши мумкин. Демак, нутқ табақаланиш, яъни синфий ҳусусиятга ҳам эга.

Ҳозирги даврда барча мутахассисларга ўқув жараёнида адабий тилга хос билимдан амалий фойдалана билиш, фикр маҳсулини нутқ шароити ва вазиятига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш, ўзгалар фикрини аниқ англаш кўникмасига эга бўлишдек муҳим вазифа юклатилган. Бунинг учун ўқув жараёнида ҳар бир мутаҳассис ёки раҳбар давлат тилининг адабий шаклларини, яъни оғзаки ва ёзма нутқ меъёрлари ва қоидаларини пухта эгаллашлари ҳам лозим. Ана шу талабга кўра «ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш *ҳам қийин»*[1]. Жамиятда кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси саналган тил ўз хизматини икки шаклда: оғзаки ва ёзма кўринишларда олиб бориш тадаб этилади. ва ҳар иккаласи ҳам адабий тил меъёрий-қоида қонунларига амал қилади. Адабий нутқ қадим даврлардан оғзаки тарзда шаклланиб келган бўлса-да, унинг аниқ бир шакли ҳақида тўлиқ даражада тасаввур қилиш қийин. Демак, ҳамма учун бирдек талаб асосида қўлланиладиган адабий тилга, меъёрий қоида-қонунларига амал қилиши лозим бўлади.

Оғзаки нутқ сўзловчи гапириб турган вақт бирлигидагина мавжуд бўлиб, бу жараён тугаши билан нутқ ҳам тугайди. Аммо нутқ таъсирида ўйғонган ҳаяжон, берилган ахборот маълум вақтгача тингловчи онгида сақланиши, таъсир этиши мумкин. Манбаларда оғзаки нутқнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича таърифланади:[2]

а) Оғзаки нутқ тезкорлик билан амалга ошади. Сўз ва сўз бирикмалари ва гапларнинг моделлари айтилмоқчи бўлган фикрга монанд ҳолда тезкорлик билан танланади. Гап қурилиши моделларини ақл-онг назорат қилиб боради. Айтиладиган фикрни хотирада вужудга келтириб, ушлаб турган ҳолда ривожлантиришга тўғри келади. Агар хотира озгина панд берса, айтилаётган фикрда қўлланилган сўз ва сўз бирикмалари, гап тузилишлари ўзаро мантиқан ва грамматик боғланишлар бузилиш, мос келмаслик ҳолати вужудга келиши мумкин. Бунда хотирадаги фикрнинг аввалги қисм билан янги қисм унутилиш ҳоли юзага келган бўлиб, улар ўртасида мослик бузилади. Ёзма нутққа қараганда баъзан оғзаки нутқда адабий тил қоида-қонунларга амал қилинмай қолиш ҳолатлар мавжуд бўлади.

б).Оғзаки нутқ жараёни тугаб, фикр тингловчига етиб боргач, нутқ ҳам тугайди. Вақт ўтган сари айтилган фикрни айнан ҳолда қайта тиклаб бўлмайди , ёзиб олинмаган бўлса тамоман унутилади.

в). Оғзаки нутқ сўз бойлиги жиҳатдан ёзма нутққа нисбатан анча камбағал бўлади.. Зеро, тил воситаларини танлашга имконияти етарли бўлмайди. Бу бир томондан вақт иқтисоди билан, иккинчидан, нутқ кучини тежаш билан боғлиқ бўлади. Лекин нотиқ учун ифода воситалари чегараланган бўлишига қарамасдан, нутқ чексиздир

---

[1]. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори -Т.: 1997, 9 -б.

[2] . Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари, 24-25-бб.

г). Оғзаки нутқда таҳрир имконияти бўлмайди. У қандай шаклда қандай айтилса, шундайлигича тингловчига ҳавола этилади;

Ёзма нутқ оғзаки нутқдан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

а). Шахс учун фикрни ёзма равишда баён этишда имконият мавжуд бўлади. Нутқни ёзаётганда нотиқ вақт жиҳатдан бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, ёзма нутқ умри узоқ бўлади, яъни абадий сақланиши мумкин.

б) Ёзма нутқ ҳамиша адабий тил меъёрий қоида-қонунларига риоя қилиши лозим. Бунда ёзма нутқни қайта-қайта таҳрир қилиш учун имконият бўлади;

г) Ёзма нутқда фикрни таъсирли, чиройли тарзда ифодалаш учун “гўзал либос” саналган сўзнининг ментал маъноларини танлаш, фикрни таъсирли ифодалаш учун мос фраземалардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам ёзма нутқ оғзаки нутқдан мазмунли, таъсирли бўлади;

Хуллас, мақолада айтилган фикрлар, умуман, оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзаро алоқаси ва фарқли томонлар имконият даражасида қисқача баён этилди.

ТАЛАБАЛАРДА САЛОМАТЛИКНИ АСРАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН “HEALTH CARE” ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ПЕДАГОГИК МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

И. Маттиев - СамИСИ кафедра мудири

Соғлом турмуш маданияти масалалари педагогик категория сифатида азалдан тадқиқотчилар диққат ва эътиборини ўзига тортиб келган. Айниқса, сўнгги вақтларда дунё миқёсида ўзаро алоқаларнинг ривожи ва янги шарт-шароитлари, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, этник ва миллий муаммоларнинг кескинлашуви, глобализация негизида муаммоларнинг умумлашуви, турли миллат ва халқларда ўсиб бораётган унификация ва интеграцион жараёнлар, уларнинг ижобий хусусиятлари қаторида, салбий оқибатларининг ҳам мавжудлиги, илмий-техник ва ахборот технологиялари тараққиёти каби шарт-шароитлар соғлом турмуш мавзусини яна қайтадан янги мазмунда энг зарур ижтимоий масалалар қаторига қўшади.

Бугунги даврда инсон саломатлиги ва уни муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан бирига айланган. Чунки инсон саломатлигига таҳдидлар кучаймоқда. Инсон саломатлигини асраш бугунги кунда на фақат конкрет инсон вазифаси ва мажбурияти, балки давлат сиёсатига даҳлдор бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий вазифа ва мажбуриятга айланган. Дунё миқёсида барча давлатлар ўз фуқароларининг саломатлигини муҳофаза қилиш тизимлари, инфраструктураси, саломатликни муҳофаза қилиш бўйича тарбия институтларига эга бўлмоқлари, улар фаолиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқлари шарт бўлиб бормоқда. Жамиятларнинг бугунги тараққиёти ҳар томонлама соғлом бўлган “инсон капиталига” жуда катта эҳтиёж ва муҳтожлик сезмоқда, айнан мана шундай инсонгина мамлакатлар ривожини

таъминлаб бера олиш лаёқатига эгалини уқтирилмоқда. Бу эса, ўз ҳолида, саломатликни асраш “health care” тафаккури истилоҳи ва унинг илмий дифиниciясини, истилоҳнинг илмий-педагогик мазмунини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Маълумки, ўрганилаётган мавзу доирасида мамлакатимизда ва хорижий давлатларда маълум ишлар ва тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур ҳолат саломатлик ва соғлом турмуш масалаларининг турли даврларга оид, шу билан бирга, турли маданиятлар, халқлар ва регионларга оид ўзига хос хусусиятлари, шу жумладан бетакрор миллий хусусиятлари қаторида, умумий, илмий ва назарий омиллари борлигини тасдиқлайди. Талабалар саломатлигини асраш “health care” тафаккури муаммосини ўрганишда, бир томондан, умумбашарий мезонлар, иккинчи томондан, миллий мезонларнинг мутаносиб белгиланиши талаб этилади. Бинобарин, саломатлик ва соғлом турмушга оид қарашлар тизимини ўрганишда маълум тамойилларга эътибор қаратиш тақозо этилади:

- **тарихийлик тамойили** (кўриб чиқилаётган мавзу инсоният ва ўзбеклар тарихида қандай ривожлантирилган);

- **илмийлик тамойили** (унинг таркибига қандай масалалар киритилган ва улар қандай ечилган);

- **педагогик тамойиллар** (мазкур тушунчани шакллантиришга оид барча педагогик тизимлар, педагогик мазмун, шакл, восита ва услублар характеристикалари қандай бўлган).

Кўрсатиб ўтилган тамойиллар асосида талабалар саломатлигини асраш “health care” тафаккурини шакллантириш бўйича дунё миқёсидаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш, тизимлаштириш ва тартиблаштириш зарур бўлиб, қандай педагогик шакллар асосида тушунча мазмунини ҳаётга жорий этиш, уни қўллаш ва мазкур масалани чуқур таҳлил қилиш, уни ҳар томонлама ўрганиш учун имкон яратилади.

Мазкур ўрганиш жараёнида муҳим бўлган саволлардан –

а) дунё миқёсида талабалар саломатлигини асраш “health care” тафаккури истилоҳига нисбатан қандай илмий-назарий тафаккур шаклланган;

б) талабалар саломатлигини асраш “health care” тафаккурининг қандай таърифлари бор, унинг таркибида қандай ғоя, қараш, тушунчалар бор;

в) талабалар саломатлигини асраш “health care” тафаккурининг моҳияти ва педагогик мазмуни қандай;

г) талабалар саломатлигини асраш тафаккури “health care” ни шакллантиришнинг қандай педагогик технологиялари, усул ва воситалари, қандай шакллари мавжуд кабилар муҳимлик касб этади.

Талабалар саломатлигини асраш “health care” тафаккури тушунчаси ўзининг кўп қиррали тушунча эканлигини намоён қилади. Шу боис, мазкур масала ижтимоий фанлар таркибида фалсафа, маданиятшунослик, тарих, сиёсатшунослик, педагогика кабилар таркибида ўрганилади.

“Health care” тушунчаси бизнинг тадқиқотимиз мавзуси доирасида талабалар саломатлигини асраш ва муҳофаза қилишнинг индивидуал ва дифференциал, яъни табақалаштирилган тизими асосида ташкил қилиниши

даркор бўлган чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, улар талабалар саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилади. Шу нуқтаи назардан, “health care” талабалар саломатлигини муҳофазалашга йўналтирилган маънавий-ахлоқий, эмоционал-ҳиссий аксиологик ва акмеологик хусусиятлар мажмуидир.

“Health care” тафаккури - саломатлик борасидаги барча мавжуд тиббий, физиологик, жисмоний ва эмоционал билим, малака ва кўникмаларнинг талаба кундалик ҳаётида рационаллик асосида акс этиши жараёни бўлиб, саломатликни асраш бўйича билиш қуроли ва саломатлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий шартларидан биридир.

“Health care” га эга бўлиш – яшаш тарзида саломатликни асраш ҳақидаги илмий-назарий қараш, ғоя, билим, феъл-атвор, хулқ ва ахлоқ нормалари, турмуш тарзи, амал, сайи-ҳаракат, фаолият мажмуи бўлиб, инсоннинг ҳаёт тарзида атроф муҳит билан бўлган иқтисодий, ижтимоий, таълим ва меҳнат муносабатларининг ўзаро мувофиқлашган, бир-бирига зиён етказмаган ва муҳофазаланган тарзда амал қилиши ва намоён бўлишидир.

“Health care” тафаккурини шакллантириш таълим-тарбиявий жараёни – саломатликни муҳофазалаш, уни сезиш, идрок этиш, тасаввур қилиш, унга амал қилиш ва белгиланган талабларни ижро қилиш асосида фикр, мулоҳаза, ғоя, фаразларнинг узвий боғланган кетма-кетлигини, маълум тушунчалар, ҳукм, хулоса, қарор, сайи-ҳаракатлар, фаолиятга йўналтирилганлик, ақлий ва жисмоний жараёнларни узвийликда мақсадли ташкил қилишнинг педагогик тизими ва мақсадли ташкил қилинган жараёнидирдир.

Бинобарин, “health care” асосида талаба ўзининг саломатлигини асраш ва муҳофаза қилиш бўйича муайян қонун, қонуният ва қоидаларга, қадриятлар, урф-одатлар, турмуш тарзига оид илмий асосланган ўз шахсий хулосаларини чиқариш имкониятига эга бўлади.

“Health care” – миллий ва умумбашарий қадриятлар негизига қурилган тарихий-ижтимоий, фалсафий-ижтимоий, педагогик-психологик ва ахлоқий-эстетик категориядир. Шу нуқтаи назардан:

“health care” талабаларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятларининг ўз саломатликларини муҳофаза қилишга йўналтирувчи уларда шакллантирилган ғоялар, қарашлар, қадриятлар тизими ва мажмуаси бўлиб, одамларнинг турғун ва барқарор ҳаётий мақсадлари ва қадриятларини ифода этувчи ижтимоий тушунча тарзида белгиланди;

“health care” талабанинг ўз ҳаёти ва саломатлиги ҳавфсизлигини таъминлашга нисбатан англанган ёндашуви тизими ва ҳаёт тарзи бўлиб, мана шу тафаккур асосида инсоннинг соғлом турмуш тарзи амалга оширилиши, соғлом тафаккур асосини инсоннинг ўз саломатлигига нисбатан онглилик ва масъулиятлиликни қарор топтирувчи назарий билим, малака, амалий сайи-ҳаракатлар мажмуаси ташкил қилиши, унинг асосида инсоннинг яшаш тартиби ва ҳаётий принципларидан иборат бўлиши назарга олинди;

“health care” педагогик технологияси сўнгги 10-15 йилнинг маҳсули бўлиб, мустақил йўналиш сифатида унинг мазмуни мавжуд ижтимоий инфраструктуралар билан таълим мақсадларини замонавий тарзда

бирлаштириш, соғломлик жараёнини ташкиллаштириш, уларнинг барчасини соғломлик мақсадларига йўналтира билиш ва махсус дастурларни яратиш технологияларини қамраб олади. Соғломлик ақидаларини эса боланинг энг кичик ёшидан бошлаб, шунингдек боланинг энг қизиққон ва чапдаст бўлган ўсмирлик ёшидан, бола ўз қарорларини синаб кўрувчи даврларида алоҳида эътибор билан шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Саломатликни асраш тафаккури "health care" – мураккаб, кўп қиррали мазмунга эга бўлган тушунча бўлиб, уни ташкил қилувчи педагогик омилларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА АСОСЛАНГАН РАЦИОНАЛ ЕЧИМЛАР

Тўхтаев Х.М- Самарқанд давлат университети илмий ходими

Инсоният тараққиёти янги даврга ўта бошлади. Бу жараён инсонлар кундалик ҳаётининг жадаллашиб боришига олиб келди. Бугун "глобаллашув" сўзи энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бири бўлиб бормоқда. Глобаллашув инсон ва жамият ҳаёти ривожининг ҳозирги давридаги муҳим хусусиятларни, жумладан, кишилик цивилизацияси бугунги кунгача бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қилиб, ўта шиддатли ва мураккаб бир воқеликни ўзида мужассам этиб, инсонларга янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. "Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар"[1]. Ёки Э.Морен таъбири билан айтганда "...бугун бир вақтнинг ўзида ҳам рақобат ҳам қарама-қаршилик, ҳам тартиб ҳам тартибсизлик, ўзаро келишилганлик, доимий заруратлар, ноаниқлик ва тасодифлар ўртасида дунёда ўйин рўй бермоқда"[2].

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабабларидан бири ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаб бориш қийин эмас. Глобаллашув жараёнлари рационаллик олдига ҳам қатор муҳум муаммоларни қўймоқда. Ушбу муаммолар ечимини топиш учун бир қанча таҳлилларни олиб бориш лозим бўлади. Шундай экан, бугунги давр бошқа даврлардан фарқли ўлароқ, глобал инқирозлар, жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ўраб олмоқда. Сабаби эса жамият ҳаётининг глобаллашувидан келиб чиқади. Инсон ўзгариб, ривожланиб боргани сари унинг дунёқараши кенгайиб, психологияси ҳам ўзгариб бораверади. Э.Тоффлер айтганидек: "Дунёга назар

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т., "Маънавият", 2008. – Б.115.
[2] Морен Э. Метод. Природа Природы. – М., 2005. – С.15.

ташлайдиган бўлсак, биз ҳамма жойда психологик озишнинг гувоҳи бўламиз. Худди бизнинг “психосфера”мизда бомба портлагандек. Биз аслида техносфера, инфосфера ёки иккинчи тўлқиннинг шунчаки барбод бўлишидан эмас, балки психосферанинг қулашидан хавотирдамиз”[1]. Янги даврнинг асосий белгиси, унинг устунлик томони шуни кўрсатадики, бугунги одам ўзи учун жуда ҳам мураккаб бўлган индивидуал ва интеллектуал имкониятлардан фойдаланиб, янги олам яратиб олди. Натижада бу олам қонун ва ўзгаришларини билиш қобилиятини башорат қилиш ва ўзининг ривожланиш йўналишини йўқотди.

Ҳозир глобаллашаётган дунёда инсон борлиғи хусусида чуқур фикрлаш вақти келди. Ҳаёт шуни кўрсатадики, инсоният тарихи бир текис ривожланмаган ва олдиндан башорат қилинмаган. Глобаллашув – бу ҳаёт реаллиги бўлиб, дунё уюшмаси янги аср бошида кўплаб глобал муаммолар билан тўқнашди. Хусусан, инсон муаммолари, унинг маданияти ва идентификацияси. Инсон ва жамиятнинг бутунлай техник ва ахборотлашган ҳаётда мавжудлиги муаммоси замонавийликнинг асосий муаммоларидан бирига айланди. Бу эса файласуфлар, социологлар ва сиёсатшунослар диққат марказида бўлмоқда. Уларнинг ҳаракатлари билан инсон эволюциясининг тадқиқ қилинишига қаратилган кўплаб концепциялар ишлаб чиқилган. Шулардан бири “цивилизацион” анъанавий ёндашувдир (А.Тойнби, Н.Я.Данилевский). Бу концепцияга кўра инсон ривожланиши ва жамият тараққиётининг асоси деб социо-маданий турлар, тарихийлик ва маънавий такомиллашиш қабул қилинган.

Глобаллашув юзага келтираётган муаммолар табиат ва жамият алоқалари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ташқи тартибни тақозо этмоқда. Улар ўз ичига табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларни, экологик таҳдидларни, минерал хом-ашё ресурсларининг тугаб боришини ва энергетик инқирознинг кириб келишини олади. Айниқса экотизимларнинг бузулиб кетишидаги жараёнлар ривожланаётган давлатларда кўзга ташланмоқда. Шунингдек Космос ва Ердаги воқеа-ҳодисаларнинг тўсатдан вужудга келадиган хавф-хатарлар, табиий ҳолатлар ҳаёт мавжуд бўлишига таҳдид солмоқда. Буларга қўшимча равишда инсонларнинг ирқ сифатида мавжуд бўлиб қолиши ҳам кескин муаммо бўлиб турибди. “Фан ва информацион технологиялар ютуқларининг қўлланилиши энергетик хомашё ва бошқа моддий ашёларнинг камайиши, экологик муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни англаш, замонавий жамиятнинг ўзига хос хусусити бўлиб ҳисобланмоқда”[2].

Ҳозирги даврда биз глобал мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларига гувоҳ бўлиб бормоқдамиз. Шулардан,

- ҳар қандай жараён тезкор ва катта шиддат билан содир бўлаётгани;
- жараёнларнинг кенг қамров касб этаётгани;

[1] Тоффлер Э. Третья волна. –М.,2004. – С.577.

[2] Абдуллаева М.Н. Рационализм в глобализирующемся мире./ Фалсафа фанлар методологияси. Аллома Омонулла Файзуллаев 5 илмий-назарий ўқишлари. – Т., 2013. – Б.13.

- мафкуравий жараёнлар ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида амалга оширилаётгани кўриш мумкин.

Бундай масалалар кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томон ҳисобланади. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо глобаллашув жараёнини, мафкуравий тазйиқларни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин масаладир. Бугун шундай таҳдидлар аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, ақидапарастлик, оммовий маданиятнинг турли кўринишлари, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишлар кўринишларда содир бўлмоқда. Бу борада Биринчи Президент И.Каримов "Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим"[1] деб таъкидлаб ўтган.

Хулоса қилиб, глобаллашув жараёнларнинг маълум бир рационал ечими сифатида, дунё ривожига инсонпарварлик нуқтаи назаридан қараб, миллий ва умуминсоний қадриятларга таянадиган йўналишларнинг таҳлилини олиб бориш ҳамда уларни амалга ошириш зарур бўлади. Бугун бутун инсониятнинг тақдири инсонларнинг ўзига боғлиқ бўлиб бормоқда. Ҳозирги куннинг рационал танлови дунёнинг кейинги даври қайси йўлдан боришини аниқлаб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларимизга миллий ва диний қадриятларнинг соғлом уйғунлигига асосланган, чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда ғоявий-маънавий тарбия бериб боришимиз лозим бўлади. Шундагина биз глобаллашув жараёнидан мустаҳкам ҳимоялана оламиз.

ИЖТИМОИЙ ТИЗИМДА АХЛОҚ ВА СИЁСАТ: УМУМИЙЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Ризаев И – СамДАҚИ ўқитувчиси

Одамлар хулқ-атворини тартибга солишга ихтисослашган ахлоқ ва сиёсат ижтимоий секторлар сифатида умумий хусусиятлар ва тафовутларга эга. Бу ҳар икки соҳа умумий манба - бир томондан одамнинг индивидуаллиги ва уникаллиги ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқса, иккинчи томондан унинг жамоавий табиати, жамиятда яшашга "маҳкумлиги", бошқа одамларсиз бахтли бўлиш у ёқда турсин, ҳатто мавжуд ҳам бўла олмаслиги туфайли келиб чиқади.

Ахлоқ одамни ғаразли ниятлардан сақлаб туради, индивид ва жамият ўртасидаги зиддиятларнинг ҳал қилинишига кўмаклашади. Илк цивилизациялар даврида одамларнинг унча катта бўлмаган жамоалари (уруғ,

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т., "Маънавият", 2008. – Б.122.

қабила) маросимлар, анъаналар, турли хил табулар ва булар асосида шаклланадиган ахлоқ, шунингдек, ижтимоий назоратнинг табиий-тарихий институтлари бўлган оила ва жамоалар ёрдамида одамларнинг ўзаро таъсирини тартибга солар ва жамоа тартибини таъминлар экан, сиёсатга эҳтиёж сезмасди. Жамиятда носиёсий тартибга солишнинг устуворлиги тенгликни (демак, низоларнинг камлигини), жамоалардаги одамларнинг нисбатан кўп эмаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг анча содда шаклларини кўзда тутарди.

Вақтлар ўтиши билан, мураккаб ижтимоий жамоаларнинг вужудга келиши натижасида одамлар хулқ-атворини анъанавий маросимлар ва ахлоқий шакллар ёрдамида етарли даражада тартибга солиш мумкин бўлмай қолди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ижтимоий низоларнинг кескинлашиши, жамиятнинг, одамлар ўзаро таъсирининг ҳам мураккаблашиши, янги умумий фаолиятларнинг келиб чиқиши, ижтимоий назоратнинг анъанавий уруғчилик шакллари кучсизланиши – буларнинг ҳаммаси сиёсатнинг, одамлар хулқ-атворини махсус мажбурлаш аппарати ёрдамида тартибга солиб турадиган ҳодисанинг пайдо бўлишига олиб келган.

Шундай қилиб, ахлоқ ва сиёсатнинг асосий ижтимоий функциялари ўзаро мос келади. Сиёсат ҳам худди ахлоқ сингари умумий фаровонлик ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилишга даъво қилиш учун, гарчи у бундай гуманистик вазифаларни бажаришдан кўпинча узоқ бўлса ҳам, етарли асосга эга. Сиёсат ахлоқнинг тартибга солиш функцияси етарли бўлмай қолганлиги натижаси ўлароқ унга ўзига хос қўшимча сифатида пайдо бўлади. Мазкур ҳолатни назарда тутиб, қадимги дунё мутафаккирлари сиёсатни этиканинг бир тармоғи деб ҳисоблаган эдилар. Сиёсат ва ахлоқ ва улар ҳақидаги таълимотларнинг бўлинишини фақатгина XV аср охири - XVI аср бошларида Николло Макиавелли амалга оширди.

Сиёсат ахлоқий жиҳатдан ўзини назорат қилиш мурватларининг моддийлашуви, ташқи ифодаси ва объективация шакли сифатида майдонга чиқади. Масалан, ахлоқ учун хос бўлган виждон азоби функциясини бу ерда ўзининг баҳолари мезонлари ҳуқуқ шаклида формаллаштирган ва белгиланган меъёрларини бузганлик учун муайян санкцияларни назарда тутадиган суд бажаради.

Ахлоқ билан умумийлик элементларига эга бўлиш билан бир пайтда сиёсат ахлоқдан жиддий фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга. Улардан энг муҳими сиёсатнинг низолилигидир. Айтиб ўтилганидай, сиёсат бутун жамиятга алоқадор бўлган ва ҳокимиятни қўллашни талаб қилувчи ижтимоий гуруҳ низоларини ҳал қилишга йўналтирилган фаолиятдир. Ахлоқ эса, одамлар ўртасидаги кундалик индивидуал муносабатларни тавсифлайди ва бу муносабатларнинг хусусий кўриниши сиёсий кескинлик даражасига етмайдиган низолар бўлиши мумкин.

Сиёсатнинг бевосита манбаи одамларнинг иқтисодий ва бошқа муҳим манфаатлари бўлиб, улар орасида йирик ижтимоий гуруҳлар: миллатлар, синфлар, қатламлар ва ҳоказоларнинг манфаатлари алоҳида ўрин тутади.

Ахлоқнинг бевосита манбаи эса, умуминсоний, шунингдек, жамоавий қадриятлар бўлиб уларга амал қилиш индивид учун шахсий манфаат келтирмайди. Шунинг учун ахлоқий ва сиёсий мотивлар ўртасидаги рақобат бу – маънавий қадриятлар ва бевосита, аввало, моддий, шахсий манфаатлар ўртасидаги кураш.

Ахлоқий императивларнинг мавҳум-меъёрий хусусиятларидан фарқли ўлароқ сиёсатнинг талаблари аниқ ва одатда улар қонун шаклида бўлади, бу қонунларни бузиш эса реал жазоларга сабаб бўлади. Сиёсат ташқарига йўналтирилган ва мақсадга мувофиқ, яъни муайян мақсадларга эришиш, натижаларни қўлга киритишга йўналтирилган. Ахлоқ эса, ҳатти-ҳаракатлардаги субъектив, ички кечинмаларни баҳолайди. Унинг учун қўлга киритилган натижалар эмас, балки ҳаракатнинг ўзи, унинг мотивлари, восита ва мақсадлари, уларга эришилганлигидан қатъи назар, муҳим ҳисобланади.

Ахлоқ ҳар доим индивидуал хусусиятга эга, унинг субъекти ва жавобгари – ўзининг ахлоқий танловини амалга ошираётган алоҳида шахс. Сиёсат эса, гуруҳ, жамоа хусусиятига эга. Унда индивид синф, миллат, партия ва ҳоказоларнинг вакили сифатида намоён бўлади. Унинг шахсий масъулияти жамоавий қарор ва ҳатти-ҳаракатларга сингиб кетган бўлади. Сиёсат вазиятлидир. Муваффақиятга йўналтирар экан у, реал вазият мақсадга эришишга таъсир ўтказиши мумкин бўлган барча омилларни ҳисобга олиши керак. Ахлоқий талаблар эса, ўз асосига кўра муайян вазиятга боғлиқ бўлмайди ва универсал хусусиятга эга бўлади.

Сиёсатнинг энг муҳим хусусияти унинг кучга таяниши, талабларни бажармаганлиги учун мажбурий санкциялардан фойдаланиши мумкин. “Сиёсат, - деб ёзган эди Макс Вебер, - орқасида мажбурлаш турган ўзига хос восита – ҳокимиятдан фойдаланади”.

Мухтасар қилиб айтганда, сиёсатнинг ахлоққа нисбатан юқорида кўрсатиб ўтилган ўзига хос хусусиятлари жамият фаолиятининг бу соҳалари мустақиллигидан далолат беради, бу эса сиёсат ва ахлоқнинг уйғунлашуви мумкинлиги тўғрисидаги турли талқинларни келтириб чиқаради.

GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLAR TARBIYASIDA AXBOROT VA MAFKURAVIY G`OYAVIY KURASHLARLARNING O`RNI

Suvanova Dilnura- Samarqand veterinariya meditsinasi instituti

Bizning asosiy vazifamiz - yoshlarning o`z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish , zo`ravonlik g`oyasi “virusi” tarqalishining oldini olishdir.

Shavkat Mirziyoyev

Globallashuv jarayoni hozirgi zamonning eng dolzarb va shiddat bilan ommalashayotgan muammosiga aylanib bormoqda. Globallashuvning salbiy oqibatlari uning ijobiy ko`rinishlarini tobora yo`qolishiga sabab bo`lmoqda. Aslida

ham shundaymi? Globallashuv tushunchasining asl mohiyati nimada? Bu tushuncha XX asrning 80-yillari boshlarida amerikalik olim T.Levitt tomonidan iqtisodiy tushuncha sifatida uning “Garvard biznes revyu” jurnalida ilk marotaba qo`llanilgan edi. Mazkur maqolada u dunyodagi iqtisodiy integratsiyaning ijobiy omili va milliy iqtisodiyotning natijali o`zgarishiga ko`makchi sifatida qabul qilingan edi. Hozirgi davrda globallashuv ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy jarayon sifatida keng o`rganilmoqda. Hammamizga ma`lumki, globallashuv jarayonidan ikki xil maqsadda foydalaniladi: ezgulik va yovuzlik. Ezgulikni maqsad qilgan harakatlar davlat va jamiyat taraqqiyoti uchun xizmat qiladi. Yovuzlik maqsadida qilingan harakatlar esa davlat va jamiyat tanazulliga xizmat qiladi. Globallashuvning avj olishi millat “chegaralarini” yo`q qilib yubormoqda, ommaviy ma`naviyatni shakllantirishga olib kelmoqda. Buning natijasida har bir millatga xos bo’lgan urf-odat, anana, qadryatlar o’z ahamiyatini “yo’qota” borish xavfi yuzaga kelmoqda. Bu millatning ma’naniy qashshoqlashuvi sodir bo’lishiga, ularning o’zligini anglamaydigan manqurtlikka olib keluvchi taxdidlarni yuzaga keltirmoqda.

Aslida axborot sohasidagi globallashuv insoniyat uchun, dunyoning barcha hududlaridagi odamlarning o`zaro muloqoti uchun , ilm-fan va madaniy boyliklarini o`zlashtirish uchun ulkan imkoniyat yaratadigan jarayondir[1]. Mafkuraviy globallashuv sharoitida ulkan industriyaga aylanib ulgurgan kinomatografiya inson ongi va qalbi uchun kurashning muhim bo’g’iniga aylandi. Jahon kinosi rivojiga o’ziga xos ta’sir ko’rsatgan, undagi ko’plab yo’nalishlarni belgilab bergan, bugun ham shunday ta’sir quvvatini saqlab qolayotgan Gollivudda yiliga taxminan 1000 ta film ishlab chiqariladi. Dunyo bo’yicha esa uning soni o’n mingdan ortiqni tashkil etadi. Mafkuraviy globallashuv saviyasi past, axloqsizlik, tubanlik va yovuzlikni targ’ib qiladigan “sanat asari”ning keng tarqalishiga zamin yaratmoqda. Ularga xos bunday xususiyatlar salbiy oqibatlarni ham keltirib chiqarishi mumkin. Bu ularning behayo kadrlardan tortib ochiq faxshgacha, tajavuzkorlikdan tortib, ochiq vaxshiylikkacha bo’lgan hodisalarni o’zida mujassam etayotgan, turli shakllar va “go’zal” ko’rinishlarda inson ongiga kuchli tazyiq o’tkazadigan kino obrazlar yordamida tobora faolroq amalga oshirilayotgan agressiv g’oyaviy ta’sirga berilib ketish xavfining mavjudligi bilan belgilanadi. Zero, Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov ta’kidlaganlaridek, “ongi shakllanib ulgurmagan aksariyat yosh tomoshabinlar bunday filmlardan ko’pincha turli yovuzlik, yirtqichlik, shavqatsizlikni o’rganadi, xolos. Natijada ularning diydasi qotadi, qalbidan toshbag’irlik, zo’ravonlik, axloqsizlik kabi illatlar joy olganini o’zi ham sezmay qoladi. Hatto shunday tomosha va filmlarning qahramonlarga ko’r-ko’rona taqlid qilishni istaydigan yigit-qizlar ham topiladi. Chunki, ular bunday uydurma talqinlar ta’sirida qo’l urayotgan ishi qanday ayanchli oqibatlarga olib kelishini tushunib yetmaydi”. Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan , yuksak intellektual va ma`naviy salohiyatga ega bo`lib, dunyo miqyosida o`z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo`sh kelmaydigan insonlar bo`lib kamol topishi, baxtli bo`lishi uchun davlatimiz va

[1] Milliy istiqlol g`oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar.-T., O`zbekiston , 2000. B .23.

jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”[1] ,-deydi Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev. **Xulosa** qilib aytganda bugungi kunda barkamol avlod tarbiyasida turli xil yot g`oyalarning kirib kelishi bilan bog`liq muammolarni bartaraf etish va bularning oldini olish uchun, oila va bilim berish maskanlarini birdek hamkorlikda ish olib borishlari lozim. O`zbekistonda yoshlar tarbiyasi, ularning ma`naviyatini, huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirish asosida olib borilmoqda.

“Yoshlar hayot maydoniga qadam quyotgan ekanlar, qaysi tomonga qaraydilar(orqagami yo oldinga), kimga ergashmoqdalar, nimani orzu qilmoqdalar, o`z yoshlik kuchi, iste`dodi va imkoniyatlarini nimaga sarflmoqdalar- bular bevosita millat va mamlakat istiqbolini belgilovchi masaladir. Ana shu ma`noda yoshlarga befarqlik istiqbol mevasining ildiziga bolta urish bilan barobar bo`ladi”[2].

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҲАМДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ

Ҳайдаров О - Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Республикада охирги 2-3 йил ичида барча соҳаларда бўлгани каби ёшларга оид давлат сиёсатини олиб бориш, ёшларни жамият ҳаётидаги ролини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол шахс этиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида турли йўналишдаги кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ёшларни маънавий-ахлоқий ва ғоявий-мафкуравий тарбиялаш масалалалари ҳам устувор аҳамиятга эга бўлиб, бу йўналишга ҳам давлат даражасида муҳим эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, маънавий баркамол ёшларни тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида[3] ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича алоҳида бандниг киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фармонда жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилди.

Бизга маълумки, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш учун ҳар йили давлат дастури қабул қилинади ва у асосда тадбирлар амалга ошириб борилади. Ушбу давлат дастурларида ёшларни маънавий-ахлоқий ва ғоявий тарбиялаш

[1] Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon , demokratik O`zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. T.:O`zbekiston, 2006. B.14

[2] Maxmudov T. Mustaqillik va ma`naviyat. Toshkent , Sharq , 2001 yil,-B.120.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 й., 6-сон, 70-модда

масалалари ҳам ўз аксини топмоқда ҳамда шу асосида тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “2017 йил - Халқ билан мулоқот йили” Давлат дастурининг 99-банди асосида аҳолини, айниқса, ёшларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби бузғунчи ҳаракатлар таъсиридан асраш мақсадида маҳаллаларда ҳамда таълим муассасаларида “Ислом маърифати ақидапарастликни қоралайди”, “Диний экстремизм ва терроризм - ёшлар келажагига таҳдид” мавзуларида учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди ва тадбирлар амлага оширилди. Ушбу тадбирлар натижасида ёшларда динлар бўйича тўғри ва ҳаққоний маълумотлар шаклланишига, миллий анъаналарга, бой маданий меросга таянган ҳолда, маънавий ва маърифий ишларни тизимли олиб боришга эришилмоқда.

Президент Ш.Мирзиёев ўзининг бир қанча чиқишларида аҳолини, жумладан ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш, аҳоли ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. “2017 йил - Халқ билан мулоқот йили” Давлат дастурининг 270-271-бандларида китобхонликни кенг тарғиб қилиш тадбирлари кўзда тутилган эди. Шу асосда аҳолининг, айниқса ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасаларида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” танловларини ташкил этиш белгиланди. Ўтган вақт давомида республикамиз миқёсида китобхонлик кенг тарғиб қилинди, китобхонлик сезиларли равишда оммалашиб бормоқда, бу эса ўқувчи-ёшларни турли ёт ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилишга, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга ҳамда жамиятда юксак маънавиятни қарор топтиришга ҳисса қўшмоқда. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида “Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида Республика “Китоб байрами” анъанавий тадбири ва унинг доирасида “Китоб - миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди ва ўтказилди. “Болалар китоблари” анъанавий республика фестивалини ташкил этилди ва ўтказилди. Адабиёт орқали халқ маънавиятини юксалтириш, оилавий китоб ўқиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш, ёшларни интеллектуал ривожланган ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятига, китоб мутолааси маданиятига бўлган эътибор кучайтирилмоқда.

Давлат дастурида ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши белгиланди[1]. Ватанимиз равнақини таъминлашда ёшларнинг масъулиятини оширишга қаратилган “Энг буюк жасорат - маънавий жасоратдир” мавзусида давра суҳбатлари, ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилиш

[1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан муоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола Т. “Маънавият” 2017

белгиланган бўлиб, бунинг натижасида ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш самарадорлиги ва натижадорлиги ошди. Давлат дастурида белгиланганидек ёшларнинг ахлоқий ва медиа-маданиятни оширишга қаратилган учрашувлар, тренинглар, викториналар, маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар билан терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга бағишланган учрашувлар ўтказиш назарда тутилиб, ушбу тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

“2018 йил - Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилишда илгари, асосан хавфсизликка, хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди[1].

Давлат дастурининг 217-бандида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳада ёшларга доир турли тадбирлар қаторида уларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашга қаратилган масалалар ҳам назарда тутилди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан тасдиқланган Давлат дастурида[2] ҳам ёшларни маънавий-ахлоқий, ғоявий-мафкуравий тарбиялаш масалалари ўз аксини топган. Жумладан, Давлат дастурининг 190-бандида буюк аллома ва адиблар, азиз-авлиёларнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” каналини ташкил этиш режалаштирилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики ёшлар масаласи, уларни маънан ва ахлоқан баркамол, турли хил ёт оқим ва ғояларга қарши тура оладиган етук шахс сифатида тарбиялаш, бунда китобхонликка алоҳида эътибор қаратиш давлат сиёсатининг устувор йўнилиши сифатида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисидаги ПФ-5308 сон Фармони // www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисидаги ПФ-5635 сон Фармони // www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДА МАЪНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Д.А.Тошпулатов - ТАТУ Самарқанд филиали ўқитувчиси

Педагог касбини танлаган кишилар албатта шарафли ва масъулиятли касб вакиллари эканликларини ҳар дақиқада, ҳар қандай жойда ўз вазифасини билиши керак. Биз педагогларимизга ўқувчиларга замонавий билим беришни талаб қиламиз аммо ҳар бир педагог авваламбор ҳамиша замонавий билимга эга бўлиши зарур. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри ибратлидир: "*Бизнинг ишончимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз* " ҳақиқат бугунги кунга келиб яъни XXI асрга ёшлар тамомила янги мақсад сари илдамлашаяпти, қайики бугунги глобаллашув даврида муносиб рақобат бардош, катта халқаро майдонларда ўзини кўрсатадиган ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишмоқдалар. Бунинг учун ички омил ҳар бир шахсда муҳим ҳисобланади. Сабаби аждодлар ибрати, устозлар намунаси, замонавий қаҳрамонлари фаолиятидан чинакам ўрнак олган ёш авлод онгида маърифатга ошнолик, меҳнатсеварлик, интизом ва масъулият хислатлари камол топади.

Маърифатга ошнолик. Қадим ривоятлардан бирида: "Ё илм ўргатувчи, ё уни ўрганувчи, ёки эшитувчи ёхуд уни севувчи бўл, бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан" дейилган. Талаба ёки ўқувчилар онгида илму маърифатга муҳаббат туйғусини камол топтириш муҳимдир. Бугунги кунда таълим тизимида "Устоз -шогирд" анъанасининг йўлга қўйилиши ёш авлоднинг қайси фанга қизиқишини аниқлаш, танлаган билим соҳаси бўйича тегишли малакани шакллантириш ва уни касбга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳар бир устоз ўз шогирдларига мазкур тамойил нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашиш давр талабидир.

Меҳнатсеварлик. Ёш авлодни илму ҳунарга муҳаббатли этиб тарбиялаш барча даврларда долзарб вазифа бўлиб келган. Бугунги кунда таълим тизимида инновацион технологияларнинг жорий этилиши устозлардан эскича дарс ўтиш қолипидан воз кечишни талаб этади. Пассив, яъни фақат оғзаки маъруза билан таълим бериш усули талабаларда дангасалик иллатларининг кучайишига олиб келади. Унга кўра, устоз дарсда бошқарувчи киши бўлса яъни талаба –талаба ва талаба – устоз шаклида бу бироз бўлсада дарсни қизиқтиришга олиб келади.

Шунингдек очиқ далада ҳам дарсни ташкил этса ҳам бу ҳам талабаларга табиаятага ошнолик туйғусини шакиллантиришга туртки беради. Агар талабага кун бўйи компъютер олдидга туриб дарс ўтилса бу унинг соғлиғига ҳам ўз тассирини кўрсатади албатта.

Интизом ва масъуллият. Шубҳасиз, таълим жараёнинг ҳар бир босқичида интизом масаласи устувор аҳамиятга эга. Ёш авлодда интизом ва масьулият

ҳиссини кучайтириш учун турли усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, бир жуфт дарснинг нархи иқтисодий жиҳатдан қанча бўлиши,агар талаба дарсни қолдирса ёки унга беш-ўн дақиқа кеч қолса, бу моддий тарафдан нечоғли зарар келтиришини далиллар асосида исботлаб бериш орқали дарсга бўлган масъулиятни янада ошириш мумкин.

Юқорида зикр этилган меъёрлар асосида ёш авлод онгида шаклланган мустаҳкам эътиқод:

-биринчидан, ақидапарастлик, оммавий маданият, сектантлик, миссионерлик ва прозелитизм каби иллатлардан ҳимоя вазифасини бажаради;

-иккинчидан, ҳаёт синовларидан матонат билан ўтишда асос бўлади;

-учинчидан, бўнёдкорлик ва меҳнатсеварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, юртни обод этиш, эл кори учун хизмат қилиш каби эзгу ҳислатларни камолга етказишда куч-ғайрат бағишлайди.

-тўртинчидан, фаннинг турли соҳаларида жаҳонда ном қозонган алломаларнинг бешиги бўлган ушбу заминда янги-янги хоразмийлар, бухорийлар, самарқандийлар, насафийлар, шошийларни вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги яна бир фикри ибратлидир: “Тарбиячининг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз, аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўз ана шундай билимга эга бўлиши керак” шу сабабли талабаларга замонавий инновацион технологиялар орқали дарс беришда албатта маънавий қадриятлар билан ҳамоҳанглик билан бирга олиб бориши керак. Миллийигимизда куп гап бор. Биргина мисол сифатида айтишимиз мумкинки, Абдулла Авлоний (1878-1934) ўзининг барча тадқиқотларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйиган. “Алҳосил –деб ёзган эди у, -бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, маишатимиз дунё ва охиратимиз илм билан боғлиқдур... шунинг учун ўқимак, билмак, замонларини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмака жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдур” А.Авлоний илм тарбия жараёнида ўзлаштирилади ва у яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беради, деб ҳисоблайди. Хусусан у тарбия билан таълимнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиқди. Гарчи А.Авлоний таълим билан тарбия ўртасида озгина фарқ борлигини айтган бўлса ҳам, улар тана ва жон сингари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир, дейди. Шуни инобатга олиб педагог шахсиятига нималарни билиш керак деган саволга қуйидаги мисолларни келтирсак бўлади.

Педагог шахсига қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

1.Ақлий ва жисмоний саломатлик.

2.Кучли касбий билим.

3.Педагогик маҳорат.

4.Энг яхши фазилатларга эга бўлиш.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан наслга ўтувчи хусусият эмас, балки унинг негизида изланиш ва ижодий меҳнат ётади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки тил ва нутқ ҳар бир педагогнинг асосий иш қўроли ҳисобланади.

Тил-алоқа қуроли, тил ҳаёт кўзгуси, тил –маънавият белгиси бўлиши билан бир қаторда ўқитувчилар ва педагоглар учун энг муҳим методик восита сифатида катта хизмат қилади. Инсонни бошқа мавжудотдан ва дунё илмидан бохабар қиладиган омил ҳам тилдир.

Хулоса ўрнида биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш ғоятда ўринлидир: “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота –онани балки бутун жамиятнинг энг катта бойилигидир”.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШНИНГ СИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ш.З.Ўрозов – Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти катта ўқитувчиси.

Бошқарув раҳбар фаолиятининг муҳим кўриниши бўлиб муайян мақсага эришиш йўлида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар мажмуи ва уларни амалга ошириш жараёнининг намоён бўлишини англатади. Бошқарув маданиятнинг бир кўриниши сифатида давлат бошқарувида амал қилаётган маданиятнинг асосий жиҳатларини ўзида акс эттиради. Ваҳоланки, ҳар қандай бошқарув фаолияти муайян ҳудудда истиқомат қилаётган халқ ва миллатнинг маънавий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг миллий услуби ўзининг узоқ тарихига эга. Айниқса, мутафаккирларимиз бошқарув ва бошқаришни ташкил қилишнинг асосий тамойиллари ҳақида қимматли фикрлар билдирганлар. Сиёсат тараққиёти, мукаммал бошқарув тизими, сиёсат таназзули ва одил шоҳ масалалари мутафаккирларимиз сиёсий ғояларининг негизини ташкил қилган.

Темурнинг сиёсий қарашларини ўрганар эканмиз, сиёсий ва ахлоқий тартибларга асосланган жамият қуриш унинг сиёсий қарашларининг пойдевори эканлигини гувоҳи бўламизки, бу пойдевор темурийлар учун ҳам хизмат қилган. Темур қурмоқчи бўлган бундай жамиятнинг асосини мулк, хазина ва лашкар ташкил қилади. Унинг назарида иқтисодий асоси бўлмаган ва етарли бойликка эга бўлмаган давлат давлат бўла олмайди ва у бир ҳукмрон кишига бўйсуна олмайди ва натижада мамлакатда тарқоқлик, бебошлик авж олади. “Давлату салтанат уч нарса билан мулк, хазина ва лашкар билан тикдир”, деб ёзади (Темур тузуклари, 29-бет) ва шу билан бирга бу талабларни амалга оширишни энг эътиқодли ва ишончли вазирлар зиммасига юклайди. “Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом

тутади”, дейди Темур. (Темур тузуклари, 29-бет). Лекин у ҳар қандай шароитда ҳам ва ҳар қандай олийжаноб вазир олдида ҳам мустақил иш қилган ва давлат жиловини бериб қўйишдан ўзини эҳтиёт қилган ва уни ўз фарзандларига ҳам насиҳат қилган. Шу билан бирга ҳукмдор ҳар қанча маслаҳатлашган ва кенгашган тақдирда ҳам ўзининг мулоҳазаси билан иш қилиши керак, дейди. Чунки ҳар бир ҳукмдор, аввало ўз фуқаросининг ҳар бири учун худо олдида жавоб бериш ҳиссини ўзида ҳосил қилиш керак.

Темур қурган салтанат аввало, ўзида сиёсий тизимнинг энг яхши шаклини мужассамлаштирган эди. Чунки Темур назарида бошқариш маъмуриятини ташкил қилмай ва унинг адолатлилигини таъминламай туриб, жамият ҳаётига ахлоқий қадриятларни, исломни сингдириб, шариатни жорий қилиб бўлмаслигини тўла тушунар эди. Шунинг учун ҳам унинг сиёсий қарашлари ахлоқий тамойиллар билан қорилгандир.

Темур ўзи забт этган мамлакатларда зулм ва зўравонликка йўл қўймаган. Аввало, шу мамлакат аҳолисига ўзининг бош мақсадини тушунтиришга ҳаракат қилган ва бу ишда унинг билимдон воизлари катта хизмат кўрсатган. У ўзи қурмоқчи бўлган салтанатда пайғамбар авлодлари, олимлар, фузалолар, кексалар иззату-ҳурматда ва улар ўзларининг эртанги кунлари ҳақида ташвишланмайдилар, камбағал ва етим-есирларни ўз фарзандларидек билиб улар ҳолидан хабардор бўлиш, фуқароларнинг қайси миллатдан бўлишидан қатъи назар яхшилик қилиш ва ҳамма мамлакатларда адолат тантанасига эришишдан иборат бўлиши билан бирга, у ўз салтанатида ғаразли, сотқин, қўрқоқ, пасткаш кишиларнинг ва ўғрилар ҳамда талончиларни бутунлай йўқотишни мақсад қилиб қўйган ва бунга маълум даражада эришди ҳам. Ҳар бир ҳукмдорни адолат, шариат, Қуръон қонунларига қатъий амал қилишни талаб қилган. У ўз салтанатида қашшоқлар бўлмаслигини орзу қилган ва буни амалга ошириш учун бор кучини сарфлаган ва уларнинг сонини тўла ҳисобини олиб, нафақалар белгилаган.

Биз агар Темур “Тузуклари”ни қунт билан мутоалаа қилсак, унда Темур ўзининг сиёсий мақсадини аниқ баён қилганлигининг гувоҳи бўламиз. “Мен бўйсунган янги давлатларда ҳурматга лойиқ одамларга ҳурмат кўрсатдим. Мен пайғамбар авлодларига, қонун тарғиботчиларига, олим ва кексаларга нисбатан буюк ҳурмат ҳамда эҳтиром билан муносабатда бўлдим: уларга нафақалар белгиладим. Бу мамлакатларнинг бадавлат кишилари менинг оға –инимдек, етим-есир ва камбағаллари эса болаларимдек бўлиб қолди. Мағлуб бўлган мамлакат қўшинлари менинг қўшинларимга қўшилади. Мен бу мамлакатларда халқ ҳурматини қозонишга ҳаракат қилдим. Яхшиларга, улар қайси миллатдан бўлишларидан қатъи назар, мен ҳам яхшилик қилдим, ғаразли кишилар ва сотқинлар эса менинг давлатимдан қувилди. Қўрқоқ ва пасткаш одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим, ҳам уларнинг маълум чизиғимдан чиқишларига йўл бермадим... Менга тобеъ ҳамма мамлакатларда адолат эшиги очиқ эди. Шу билан бирга ўғирлик ва талончиликнинг барча йўлларини бекитишнинг чораларини кўрдим.

...барча ишларда, бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қатъий туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар, деб ёзади Темур. (Қаранг: Амир Темур Кўрагон, “Зафар йўли”, 12-13бетлар).

Темур сиёсий қарашларининг муҳим жиҳати сиёсат юргизишдаги эҳтиёткорлик ва сезгирликдир. У бу тамойилларни юқори даражада тушуниб, амал қилганлигини уларни халқ манфаати билан қўша олганлигидадир. Бу эса, ундаги ҳар бир халқнинг аввал табиатини, руҳиятини билиш қобилияти кучли эканлиги билан белгиланади. Бу ўринда Темур ҳар бир халқнинг ички муносабатларини, мавжуд сиёсатга, подшоҳга ва умуман маъмуриятга бўлган муносабатини билиб олишга ҳаракат сезилиб турган. Худди шу сифатлар туфайлигина у ўзининг сиёсий қарашлар тизимини ярата олди. Бу ҳақда Темурнинг ўзи шундай ёзади: “Жаҳонгирлик қилишга киришганимда тўрт нарсани хотирамда маҳкам сақладим. Биринчиси – қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсам, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси –хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Шунинг учун менга Аллоҳнинг мададу иноятн етиб, тадбир қилган бўлсам, тўғри ва рост чиқди. Ҳар ер эл-улуснинг табиати ва мижозларини хотирамга келтириб, уларнинг табиатига мувофиқ йўл тутиб, шунга қараб уларга ҳоким тайинладим. Учинчиси – уч юз ўн уч асл зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим... Тўртинчиси – бугунги ишни эртага қолдирмадим. Юмшоқлик қилишга тўғри келса мулойимлик қилдим, қаттиқўллиқ қилиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак бўлган ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю тадбир билан битиришни иложи бўлса, унга қилич ишлатмадим”, дейди. (Темур тузуклари, 92-93-бетлар). Бизнинг назаримизда юқорида келтирилган Темурнинг сиёсий фикрлари ҳозирги сиёсатдонларимиз учун ҳам ниҳоятда фойдалидир.

Темур ва темурийларнинг давлат ишларини бошқаришдаги асосий “маслаҳат кенгаши”ни саййидлар, уламолар, шайхлар, амирлар ва саркардалар ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, Темур давлатни бошқаришда ҳар доим динга, шариат қонунларига таянган. “Саййидлар, уламо, шайх ва фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим”, дейди Темур. (Темур тузуклари, 64-65-бет).

Амалда эса, Темур ва темурийларнинг давлатни бошқариш усулига мувофиқ айрим оддий мусулмоннинг фикри ёки таклифи эшитилса ҳам ҳисобга олинмаган, чунки бу уларда “ҳукмдорга” маслаҳат беришлари учун билимлари етарли, деб ҳисобланмаган. Шу билан бирга давлат масалаларини мусулмон жамоаси ҳал қила олмайди, деб тушунилган ва уни фақат шоҳ ёки халифа атрофидаги кишилар ва маслаҳат кенгаши ҳал қила олган. Айнан шу ташвиқот орқали жамоа ҳукмдор сиёсатини назорат қилган ва халифани ҳар хил ножўя

ишлардан огоҳ қилиб турган. Лекин кенгаш аъзолари мусулмон жамоасининг фикри билан тўла ҳисоблашган ва жамоанинг қарори шоҳ сиёсатини ўзгартиришга хизмат қилган.

Темур ўз салтанатини чуқур марказлаштирган бўлса ҳам, унинг бошқариш тартибларида демократизм кучли бўлган. Чунки Темур халқни ўз сиёсатидан баҳраманд қилишга ҳаракат қилган ва унинг розилиги билан иш қилган. Шунинг учун у ҳар бир мусулмон давлат ишларида қатнашиши ва сиёсатни тушунишини истаган. Бунинг учун эса ҳар бир мусулмонни илоҳий ва диний ҳамда дунёвий илмларни эгаллашга чақирган ҳамда унга ғамхўрлик қилган. Бу ҳақда Темурнинг ўзи “Мусулмонлар диний масалаларда таълим бериб, шариат ақидалари, ислом дини илмлари, тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга (Пайғамбар сўзи) олимлар, мударрислар тайин қилдим”, деб ёзади Темур ўз тузукларида. (Темур тузуклари, 58-бет).

Муҳими шундаки, Темур мамлакатни бошқариш, сиёсат юргизиш санъатини мураккаблигини чуқур ҳис қилган. Бошқаришни санъат даражасига кўтариш ва унинг масъулиятини ҳис қилиш аждодлар меросини чуқур ўрганиш, унга амал қилиш орқалигина амалга ошишини чуқур тушунган. Темур ўз салтанатининг қудратини ҳам айнан аждодлар меросини буюк давоми деб билган. Чунки, Темур “Авесто” таълимотини, Конфуцийликни, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” ёки “Сияр-ул-мулук” ҳамда христиан сиёсий таълимотини ва барча даврларда ҳукмронлик қилган шоҳларнинг сиёсатини назарий жиҳатларини чуқур ўрганган. Шунинг учун ҳам у сиёсат юргизишда ва жамиятни, давлатни бошқаришда шошма-шошарликка йўл қўймасликка чақиради. Зеро, унинг ўзи ҳам ўзи мақсад қилиб қўйган инсонпарварликдан иборат, демократик тамойилларга асосланган марказлашган давлат тузиш ва жамият қуриш жараёни мураккаб ва узоқ йиллар талаб қилишини тўғри тушунган. Бу йўлда жамиятни поклаш, ваҳшийлик ва қотилликлар устидан ғалаба қилиш, ғоявий ва маънавий душманларни синдириш катта жасорат талаб қилишини ҳам ҳис қилган. Лекин бу унинг жасоратини сусайтирмаган. Бизнинг назаримизда Темурнинг ўз мақсад-муддаоларига бундай ёндашишидан унинг Конфуций таълимотини чуқур билганлиги сезилиб туради. Дарҳақиқат, Конфуций айтганидек “Яхши инсонлар мамлакатни юз йил бошқарсалар, ваҳшийлик устидан ғалаба қозониш, қотилликни йўқотиш мумкин”, деган сўзлари ёки “Агарда донишманд ҳукмдор тахтга чиқса ҳам, ўттиз йилдан сўнггина инсонпарварларча бошқарувни амалга ошириш мумкин бўлади”, деган фикрларидан Темур тўла хабардор бўлган. (Конфуцийлик. Суҳбат ва мулоҳазалар. Тошкент, 2014.122-бет).

Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Тузуклари”да улуғ вазир ва давлат арбоби Низомулмулк амалларини ҳурмат-эҳтиром билан эслаб, жумладан, шундай дейди: “Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низомулмулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабиҳ ишлари, зулми-ситами ва нафси бузуқлиги касофатидан салтанат биноси бузула бошлади”. Соҳибқирон бошқа бир жойда

Низомулмулкни давлатни бошқаришда ибрат қилиб кўрсатиб, унинг фазилатларига таъриф беради: “Низомулмулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: “Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдаминг ҳаж қилиш билан баробардир”. Бизнинг фикримизча, Темурнинг ҳаж сафарига бориш мақсадининг кескин қўйилмаганлигининг сабаби ҳам унинг сиёсатида ва бошқарувида инсонпарварликнинг устун бўлганлигини ҳис қилиш ва амалга ошириш бўлган бўлса ажаб эмас.

HIROT MINIATYURA SAN’ATI MAKTABINING YOSHLAR MA’NAVIY TARBIYASIDAGI O’RNI

Usmonova L.R. (O’zMU tadqiqotchisi)

Yosh avlod ma’naviy tarbiyasida o‘zbek xalqining boy ma’naviy merosidan keng foydalanish, uning ta’sirchanligi va samaradorligini oshirish muhim omillardan biridir. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ma’naviy va madaniy merosni qayta jonlantirishni mukammal asoslab bergan “Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch” asarida shunday yozadi: “Albatta har qaysi xalq yoki millat ma’naviyatini uning tarixi, o‘ziga xos urf-odat va an’analari, hayotiy qadriyatlardan ayro holda tasavvur etib bo‘lmaydi. Bu borada, tabiiyki, ma’naviy meros, madaniy boyliklar, ko‘hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omillardan biri bo‘lib xizmat qiladi”.[1]

Ma’naviy kamolot o‘z o‘rnida san’at bilan bevosita bog‘liq. Chunki ma’naviy kamolot sari intilgan inson dunyo yangiliklaridan xabardor bo‘ladi. Bu esa san’at asarlarining nafisligi va go‘zalligidan bahra olishga imkon beradi. Bahra olish bilan bir qatorda o’sha asardan ma’naviy ozuqa oladi. O‘zining ma’naviy olamini boyitadi.

Ulug’ bobokalonlarimiz Imom At-Termiziy, Imom Buxoriy, Burxoniddin Marg‘iloniy, Imom Motrudiy, Alisher Navoiy singari allomalarimizning bizga qoldirgan ma’naviy boyliklari, buyuk sharq miniatyura san’ati ustalarining asarlari, ijrochilik san’atining o’lmas merosi bo’lib hisoblangan maqomlarimiz, an’anaviy qo‘shiqlarimiz, mumtoz adabiyotimiz namoyondalarining o’lmas asarlari komil inson tarbiyasida muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Biz ulug‘ ajdodlarimizning ma’naviy boyliklarini o‘rgana borganimiz sari ularga yaqinlik sezamiz. Bularning barchasi bizni komillikka yetaklaydi, ma’naviy fikrimizni boyitadi, kelajakka ishonch bilan qarashga undaydi.

Barkamol avlod tarbiyasida tasviriy san’at asarlaridan foydalanish orqali ma’naviy dunyoqarash shakllanadi va estetik immunitet rivojlanib boradi. Ayniqsa, badiiy asarlardagi an’analarning davomiyligini ifodalovchi timsollar miniatyura san’atida insonni falsafiy tafakkur qilishga chorlaydi. Yoshlarning ta’lim-tarbiyasida Sharq miniatyurasining badiiy-uslubiy jihatlaridan keng foydalanishda tasvirning majoziyligi, ranglarning bezakdorligi, suratlardagi nafosat, ijroning puhtaligi muhim hisoblanadi. Shu bois ko‘plab miniatyurachi musavvirlar miniatyuraning badiiy qonun-qoidalarini avaylab saqlagan holda tarixiy va zamonaviy mavzularda

[1] Karimov I.A. “Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch”. T., 2008. 30 b.

o‘zlarining ijodkorlik namunalarini yaratishgan. Bugungi yosh o‘zbek musavvirlari ham o‘z ijodlarida Firdavsiyning “Shohnoma”, Nizomiyning “Xamsa”, Sa’diyning “Guliston”, Jomiyning “Yusuf va Zulayxo”, Navoiyning “Xamsa” dostonlari va boshqa tarixiy – adabiy manbalar qahramonlariga murojaat etmoqdalar.

Markaziy Osiyo tarixida miniatyura san’ati asrlar davomida shakllangan san’at turi sifatida ajdodlardan avlodlarga meros bo‘lib kelayotgan noyob san’at namunalarini o‘zida ifodalab kelgan. Bunday san’atning xalqimiz tarixida aks etishi bugungi yosh avlodni go‘zallik ruhida tarbiyalashda dolzarb sanaladi.

XV asrda Hirotda shakllangan miniatyura san’ati nafis qo‘lyozma kitoblarga talab oshishi natijasida vujudga kelgan. Uning rivojiga Shoxruh, Gavxarshoh, Boysunqur Mirzo, Xusayn Boyqaro, Alisher Navoiy kabi davlat arboblarining ta’siri katta bo’lgan. XV asrning birinchi yarmida, Shoxruh davrida Hirot Xurosonning madaniy markazi darajasiga ko‘tarilib, ikkinchi yarmida, Sulton Husayn va Navoiy davrida E.E.Bertels aytganidek: “O‘sha davr Sharqning asosiy madaniy markazlarining biriga aylandi”.[1]

Hirot miniatyura maktabi vakillari qatoriga Mavlono Halil Mirzo, Shoxruhiy, Kamoliddin Behzod, Mirak Naqqosh, Xo‘ja Muxammad Naqqosh, Shox Muzaffarlarni kiritish mumkin. Ayniqsa, Kamoliddin Behzodning ijodiy kamolotga ko‘tarilgan payti miniatyura san’ati taraqqiyotining yuksak bosqichiga chiqishiga sabab bo‘ldi.

Hirot miniatyura maktabining inson estetik tarbiyasidagi o‘rni nihoyatda katta bo‘lib, bu buyuk musavvirlarning asarlarida o‘z aksini topgandir. Misol tariqasida Kamoliddin Behzodning Nizomiyning “Xamsa”siga ishlangan “Iskandar va yetti donishmand” nomli mashhur asarini keltirib o‘tamiz.

1495 yili Hirotda Nizomiyning “Xamsa”si qayta ko‘chirilgan bo‘lib, bunga Kamoliddin Behzod tomonidan bir qancha miniatyura rasmlar ishlangan. Hozirgi paytda Londondagi Britaniya muzeyida saqlanayotgan bu qo‘lyozma va undagi mo‘jaz tasvirlar san’atimiz tarixida va insonning estetik tarbiyasida alohida ahamiyatga ega. Mazkur turkumdagi “Iskandar va yetti donishmand” nomli mashhur asari o‘ziga xos bir badiiy-estetik muhit kasb etgan. Asarda donolik, zukkolik inson tafakkuriga xos falsafiy qarashlar timsollari bilan birga, me’morchilikdagi amaliy bezak san’ati, sharqona muhitga xos go’zal va nafis turmush manzarasi jozibali tasvirlangan. Miniatyurada tabiat quchog‘ida sharq allomalarining an’anaviy davra suhbati aks ettirilgan. Bu suratdagi har bir obrazda kamtarona takalluf, zukkolik kabi nozik estetik xususiyatlar yaqqol sezilib turadi. Ayniqsa, suhbatdoshlarning bir-biriga o’ta hurmat bilan muloqotda ekanliklari tomoshabinda o‘zgacha hayrat uyg‘otishi tabiiy.[2]

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda xalqimizning asrlar bo‘yi ijod mehnati natijasida yaratilgan miniatyura san’atini qadrlash, undan amaliy foydalanish, yoshlarga o‘rgatish orqali ularning estetik didini o‘stirish hamda yuksak madaniyatli kishilar qilib tarbiyalashga imkon yaratilib kelinmoqda.

[1]Бертелс Е.Э, Избранные труды Наваи и Джами. – М.:1965.с.21
[2]Oydinov N. Tasviriy san’at tarixi. T.:2007. 40 b.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ МАСАЛАСИ СИФАТИДА

Ш.З.Ўрозов – СамИСИ катта ўқитувчи
Т.Мардиев - СамИСИ катта ўқитувчи
М. Алимов - СамВМИ академик лицейи ўқитувчиси

Президентимиз ташаббуси билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегияда бешинчи йўналиш сифатида **“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”** белгиланди. Бу ҳам юртимизда фуқароларимиз хавфсизлиги, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликка берилаётган улкан эътибордан далолат беради.

“Бағрикенглик” тушунчаси илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик каби фанлар доирасида кенг ёритилади. Лотинча “tolerare”, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатувчи “толерантлик” сўзи, асосан бирор нарсани, ўзгача фикр ёки қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар бағрикенглик ва чидам билан қабул қилишни англатади. Хусусан, ушбу тушунча деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи маъно касб этиб, “чидамлилик”, “бардошлилик”, “тоқатлилик”, “ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш”, “мурувватлилик”, “ҳимматлилик”, “кечиримлилик”, “меҳрибонлик”, “ҳамдардлик” каби маъноларга эга.

Тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) бош конференциясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” қабул қилинди. Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилган.

Бағрикенгликнинг муҳим йўналишларидан бири “диний бағрикенг-лик”дир. Турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англатадиган мазкур тушунча, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда, бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этишини назарда тутади. “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да таъкидланганидек, **“Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”.**

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатликда ўз диний маросимларини адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда

можаролар бўлмаган. Бу эса, миллати ва диний қарашларидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар юртимиз аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Маълумли, ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қилади.

Қадим замонларданоқ ўлкамизда зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби динлар мавжуд булган. Энг қадимий ва кенг тарқалган динлардан бири бўлмиш зардуштийликнинг ватани ҳам бизнинг юртимиздир. Чунки, у қадимги Хоразмда шаклланиб, ривож топган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизм ҳам муҳим ўрин тутган. Ҳаттоки, Бухоро шаҳрининг номи ҳам “Вахара” – буддавийлар ибодатхонаси номидан келиб чиққан, деган фикрлар бор.

Марказий Осиёга ислом динининг ёйилиши арафасида бу ерга Эрон орқали Суриядан кириб келган несториан йўналишидаги насронийлик дини муҳим мавқени эгаллаган. VI аср бошларида Самарқандда несториан епископи, VIII асрда эса метрополити хизмат қилган. Шунингдек, қадимда ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудларида насроний динига мансуб аҳоли ҳам яшаган.

VIII асрда Марказий Осиёга араблар билан бирга ислом дини ҳам кириб келди. Аҳолининг бу динни қабул қилиши аста-секинлик билан, бир текис бўлмаган ҳолда юз берди. Аҳолининг бир қисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Бу вақтда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришуви юз берди. Мовароуннаҳр халқларининг ислом динига зид келмайдиган маърифий-ахлоқий ғоялари, ҳуқуқий меъёр ва урф-одатлари тўла сақланиб қолди ҳамда ислом таълимоти асосида янада сайқалланди. Бу ҳолат Мовароуннаҳрда исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди. Бу ҳам юртимизда узоқ йиллар давомида шаклланган диний бағрикенглик самараси эди.

Ўлкада тинчлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлашда ислом таълимотидаги ўзга дин вакиллари билан ўзаро муроса йўлини тутиш, улар билан дунёвий ишларда ҳамкорлик қилиш ҳамжиҳатликда яшашга чорловчи тамойиллар ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Айниқса, ислом таълимотидаги динни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик қалбга боғлиқ, инсонинг тўлиқ ихтиёридаги амал деб қаралиши минтақада диний бағрикенглик муҳити барқарор бўлиши учун асосий омиллардан бўлди.

Диёримиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларида ҳам диний бағрикенглик билан боғлиқ қадриятлар тарғиб қилинган ғояларни учратамиз. Жумладан Шайх Аҳмад Яссавий ҳам ўз ҳикматларида ўзга дин вакилларига яхши муносабатда бўлишни уқтирган:

Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қоттиғ дилозордан худо безор.

Юртимиздан етишиб чиққан алломаларимизнинг бу каби ўгитлари узоқ йиллар давомида халқимизни бағрикенг бўлишга, турли дин ва элатлар билан тинч-тотувликда ҳаёт кечиришга чорлаб келган.

Ҳозирги кунда ҳам юртимизда истиқомат қилаётган турли дин вакиллари учун тенг имкониятларнинг яратилиши, айниқса диний бағрикенгликка доир қоидаларнинг қонуний асосларда мустаҳкамланиши таҳсинга сазовордир. Энг аввало, Конституциямизнинг 31-моддасида мустаҳкамланган **“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”** деган қоида диний бағрикенглик учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз дини ва эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини тан олмоғи лозим. Бир кишининг дин борасидаги қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 18-моддасида ҳам **“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.**

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” деган меъёр асосида турли диний эътиқоддаги инсонларнинг дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенг экани эътироф этилган.

Конституциямизнинг 61-моддасида эса, юртимизда фаолият олиб борувчи диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳақидаги қоида мустаҳкамланган. Унда айтилишича, **“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”.** Бу қоиданинг моҳияти шундаки, Ўзбекистонда ҳар қандай дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ва барча диний конфессиялар қонун олдида баробардир. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди ҳамда улар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади.

Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда қонунчилик ҳам такомиллашиб борди. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. Сўнгги йиллар давомида мазкур қонунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди ва 1998 йилнинг 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкинлигини таъминлайди. Мазкур меъёр 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддасига мувофиқдир.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик халқаро ҳуқуқ ҳимоясида экани таъкидланади. Жумладан, 1948 йили қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 18-моддасида **"Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги** ҳуқуқига эгадир", деб таъкидланган. 1966 йили қабул қилинган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт"да ҳам "Бирор одам ҳам ўз ихтиёри билан ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки уларни қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий хатти-ҳаракатларга дучор бўлмаслиги керак", деб кўрсатилган. Бу эса, диний бағрикенгликнинг нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқий нормалар муҳофазасида эканидан далолат беради.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрларнинг қонунчиликка киритилиши диёримизда расмий фаолият олиб бораётган барча дин вакилларига катта имкониятлар яратиб берди. Жумладан, мустақилликкача юртимизда бир неча черков ва синагогалар фаолият олиб борган бўлса, қонуний асослар мустаҳкамлангач, дунёнинг турли минтақаларида диний ибодатларини амалга оширувчи евангел-лютеран жамоаси, рим-католик черкови, "еттинчи кун адвентистлари" диний ташкилоти, баҳоийлар, яҳудийлар диний жамоалари каби конфессиялар расмий фаолият юрита бошлади.

Ҳукуматимиз томонидан турли диний ташкилотларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, марказий телевидение орқали Ўзбекистон мусулмонлари идораси маънавий-маърифий кўрсатувларни бериб бориши, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби машҳур алломаларнинг таваллудига бағишланган анжуманларнинг кенг кўламда нишонланиши каби тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Айниқса, ҳаж ибодатини тўла-тўкис ва ҳамжиҳат ҳолда адо этиш учун барча шароитлар яратилгани таҳсинга сазовор.

Ўз навбатида, православлар учун Исроил, Греция, Россия, католиклар учун Исроил ва Италия, арманлар учун Исроил ва Арманистон, яҳудийлар ва баҳоийлар учун Исроил, кришначилар учун Ҳиндистон ва буддавийлар учун Кореяда жойлашган муқаддас жойларга зиёратлар ташкил қилинмоқда.

Бундан ташқари, Президентимиз Фармонига кўра, 1903 йилда қурилган "Святая Богородица" ибодатхонасининг Арман апостоллик черковига топширилгани, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб қўйилган Евангел-лютеран черкови Кирхасининг республикамизда истиқомат қилувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида "Видергебурт" немис маданият

марказига фойдаланиш учун қайтариб берилгани ва 1996 йилнинг декабрида ушбу конфессиянинг юртимизда фаолият бошлаганининг 100 йиллиги кенг нишонланиши ҳам юқоридаги фикримиз исботи бўла олади.

Шунингдек, христианларнинг “Рождество”, “Пасха”, яҳудийларнинг Рош-Ашона (Янги йил), Йом-Кипур (Гуноҳлардан покланиш байрами), Песах (Пасха), буддавийларнинг Сагаалган (Янги йил), Дончод-хурал (Будданинг туғилган куни) каби байрамларини нишонлаш учун юртимизда яшовчи шу дин вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мана шундай шароитда экстремизм ва терроризм хавфини тўғри англаб етиш, уларга қарши амалий чоралар кўриш – давр талабидир. Шундай экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўпмиллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир”.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОД СОБИТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Ҳаққулов Н.Қ-Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Ижтимоий тараққиётнинг кечиши моддий омилга қай даражада боғлиқ эканлигини баҳолай олсак, ушбу жараённинг нечоғлик эзгу мақсадлар сари йўналтирилганлиги, инсоният истиқболи билан узвийлиги кўп ҳолларда маънавий омилнинг устуворлиги билан боғликлиги янада яққолроқ намоён бўлади.

Танлаган мавзумиз мазмунидан келиб чиққан ҳолда глобаллашув ва иқтисодий ўсиш борасида фикримизни умумий тарзда баён қиламиз. Моддий турмуш тараққиёти, иқтисодий ўсиш аввало реал даромад манбаига эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Глобаллашув эса иқтисодий ўсиш имониятлари сари йўл очади. Инновацион ғоялар, замонавий технологиялар, модернизация жараёнлари ушбу имкониятларнинг амалий заминларидир.

Шу тариқа фикримизча муаммонинг бирёқлама ечимига қисман изоҳ берилди деб ҳисоблаш мумкин.

Галдаги вазифа глобаллашув ва маънавий ҳаёт ўртасидаги боғлиқликни очиб бериш. Бу бир мунча жиддий ва нозик масала. Чунки айнан шу соҳа-йўналишида глобаллашувнинг ижобий таъсири баробарида унинг салбий оқибатларига ҳам алоҳида ва жиддий эътибор қаратилади.

Зеро, маънавий янгиланиш, юксалиш ва ўсиш миқдорий баҳолаш, ёки рақамлар ҳажми билан эмас, балки сифатий янгиланиш, дунёқараш кўлами, фикр эркинлиги ва тафаккур маданияти билан белгиланади. Бу ўринда гап реал даромад устида эмас, аксинча, соғлом тарбия муҳити, ишонч-эътиқод, маънавий-руҳий бирлик борасида кетмоқда.

Мана, нима учун биз глобаллашув борасида фикрлашар эканмиз, албатта унга фақат бир ёқлама ёндашувдан ўзимизни тиямиз. Дарҳақиқат, дунё қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашдан иборат. Бу фалсафий аксиома.

Энди бугунги кун қиёфасига назар соладиган бўлсак, унда манфаатлар, мақсад-муддаолар тўқнашуви, режалар ва амалий ҳаракатлар зидма-зидлигининг, бир сўз билан айтганда, ғоялар курашининг гувоҳи бўламиз. Гуёки табиатнинг аёвсиз қонуни ижтимоий-маданий тус олган "Кимнинг ғояси кучли бўлса – у ғолибдир". Мантиқан олиб қараганда, асли шундай. Лекин гап қайси ғоя кучлироқ, ёки ғоянинг кучи нимада эканлигидадир.

Шу ўринда оддий бир ҳақиқатни эслатиб ўтмоқ жоиз. Ҳар қандай ғоя ҳалқ ишончи ва эътиқодидан куч-қувват олади. Ғоявий эътиқод собитлиги халқ оммасини ягона куч сифатида бирлаштирувчи ва уни аниқ мақсад сари бошлаб борувчи муҳим омилдир. Ўтган давр мобайнида биз мустақиллик ғояларини ҳар бир фуқаронинг онгу-шуурига олиб кира олдик. Ватан равнақи-эзгу саодат эканлигини, юрт тинчлиги-буюк неъмат, халқ фаровонлиги-инсонпарварлик тантанаси эканлигини англаган ҳолда ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғояларини ўз фаолиятининг устувор мақсадига айлантирган баркамол авлод тарбияси биз учун жамият маънавий руҳий бирлигини, ғоявий эътиқод яхлитлигини янада мустаҳкамлаш, ҳамда Ўзбекистон тараққиётини юқори чўққига олиб чиқишнинг муҳим гаровидир.

Табиийки, ижтимоий-тараққиёт, миллат ва халқ келажагини янги авлод тарбияси билан узвий бирликда кўриш ҳар бир тарихий даврнинг долзарб муаммоси ҳисобланиб келган. Қолаверса, ҳар бир давр комил инсон ҳислатларини белгиловчи мезон ва талабларни қўяди. Вақт ўтиши баробарида бундай талаблар ўзгариб, мукаммаллашиб, ёки мазмунан бойиб боради. Шу боис комиллик белгилари фақат маълум бир тарихий даврда мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум манфаатларига мос келиб, ҳукмрон мафкуравий мақсадларни акс эттирувчи талаблар билан ўлчанмаслиги лозим. Аксинча, авлод баркамоллиги миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини ўзида акс эттирувчи мезонлар билан ўлчанмоғи лозим.

Бундай талаб бугунги кунда, қайсики, глобаллашув ҳодисаси туфайли мафкуравий таъсир ўтказиш имкониятлари тобора кенгайиб, ғоявий босим ўтказишнинг замонавий усуллари ва воситалари ягона йўналишда ҳаракатга келтирилганлиги натижаси ўлароқ маънавий-мафкуравий таҳдидлар тинчлик ва тараққиёт учун жиддий хавф туғдираётган пайтда айниқса долзарб масалага айланиб қолди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз иқтисодий янгиланиш жараёнлари билан бир вақтда жамиятнинг маънавий янгиланиши масаласига ҳам жиддий ёндашдик. Ҳар иккала ҳолатда ҳам асосий эътибор инсон омилига қаратилди. Халқимиз, хусусан, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратиш баробарида уларнинг дунёқараши ва тафаккур тарзида мустақиллик ғояларининг мустаҳкам ўрин эгаллаши учун куч-қувватимизни аямадик. Мақсад – халқимиз қалби ва онгида биз танлаган йўлнинг ҳаққонийлигига ва абадийлигига, ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан

қайтара олмаслигига ишонч ва эътиқодни шакллантириш эди. Ўтган давр мобайнида биз эришган натижалар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бу вазифани қай даражада уддалай олганлигимиз белгисидир. Балки дунё бугун бизни тан олиб, танлаган йўлимизда эришган ютуқларимизга юқори баҳо бераётган экан, демак бу бизнинг миллат, халқ ва давлат сифатида маънавий-руҳий, ғоявий-мафкуравий бирлигимизни, ҳамфикрлилигимиз ва эътиқодимиз мустаҳкамлигининг белгисидир.

Ана шундай бирлик ва ғоявий собитликнинг муҳим манбаи ҳаётий дастуримизга айланган мустақиллик ғояларининг ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳияти билан уйғунлаштирилганлигидадир. Ёшларимиз қалбига ва онгига Ватанга ҳурмат, меҳр-муҳаббат, Ватан қадрини муқаддас деб билиш, Ўзбекистон деб аталмиш бу муқаддас маскан ҳар биримиз учун ягона эканлиги, унинг равнақи учун даҳлдорлик ва масъулият ҳиссини шакллантириб, бу туйғунинг мустаҳкамланиши учун бутун имкониятларимизни сафарбар этдик.

Дунёда кечаётган воқеаларни таҳлил қилар эканмиз, огоҳлик ва ҳушёрлик ҳар бир қадамда бизни тарк этмаслиги зарурлигига амин бўламиз. Ёшларимиз маънавий дунёсига четдан бўлаётган маънавий-мафкуравий таҳдидлар маънавий ҳушёрликни бирон бир лаҳзага бўлсин, асло сусайтирмасликни талаб этади. Бу ўринда биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир*: "Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.*

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор"[1].

Биз мустақил дунёқараш, тафаккур эркинлиги ва соғлом фикрни қарор топтиришни тарбиявий фаолиятимизнининг муҳим вазифаси деб билар эканмиз, сўзсиз, ушбу йўналишда ёшларимизнинг юқорида таъкидланган турли зарарли ғояларга қарши тура олиш қобилиятини ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўймоғимиз керак. Бу борада қуйидаги вазифаларни бирламчи деб ҳисоблаш маъқул бўлар эди:

-*биринчидан*, тарбиявий ишларимиз самарадорлигининг муҳим шарти сифатида соғлом-маънавий муҳитни шакллантириш;

- *иккинчидан*, мустақиллик ғояларининг мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини ёшларимиз онгига тўла сингдирган ҳолда, бизнинг турмуш тарзимизга, қадриятларимизга, миллийлигимиз ва диний эътиқодимизга

[1] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлда хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Т.: "Ўзбекистон", 2015, 267-бет.

мутлақо зид бўлган ёт ва бузғунчи ғояларнинг зарарли таъсири ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга эришиш;

- *учинчидан*, ўтмиш маданий-тарихий меросимизни чуқур ўрганиш орқали миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш;

- *тўртинчидан*, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлиш, илм-фан, маданият ва спорт соҳасида ўзининг қобилияти ва маҳоратини намоён қилиш сари йўллаш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг алоҳида эътибор қилиш лозим бўлган жиҳати бу мустақиллик ғояларининг миллийлик руҳиятини, тарихий илдизларини ва фалсафий манбаларини аниқ-равшан баён қилиш орқали ғоявий эътиқодни ва мафкуравий собитликни шакллантиришдан иборатдир. Пировард натижа эса ушбу мафкуранинг ҳар бир инсоннинг ҳаётий дастурига айланиши билан баҳоланади. Бир сўз билан айтганда, миллий ғояни ёшларимиз онгига ва қалбига сингдирар эканмиз, ғоя эътиқодга айланмоғи учун бизнинг ўзимиз аввало шу вужудга ёриб кириб, билим ва маҳоратимиз, ишончимиз билан уни забт этмоғимиз лозим. Шундагина бу ғоя куч–қудратга эга бўлади ва ҳаёт синовларига бардош бериб, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиши мумкин. Сўзсиз, бундай имконият ва куч-қудрат манбаи миллий ўзлигимизни англаш, миллий ғурур, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуси билан содир бўлаётган жараёнларга оқилона ва холисона баҳо беришдир.

ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Рўзимуродов С. - СамДУ ўқитувчиси.
Амонов Р. - СамДУ ўқитувчиси.

Давлатимиз равнақининг асоси жамиятда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва ҳар жиҳатдан баркамол авлод тарбиясига боғлиқдир. Ёш авлодни руҳан тетик, жисмонан соғлом, ақлан етук, маънавий теран қилиб камол топтириш аждодларимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлган. Бугунги мураккаб глобаллашув жараёнларида ёшларимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя этишда уларни миллий-маънавий қадриятларимиз негизида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Халқимиз жуда қадим замонларданоқ тарбия маскани сифатида оилани муқаддас ҳисоблаб келган. Оиланинг ҳар бир шахс ҳаётидаги ролини, айниқса, фарзандлар тарбиясини Президентимиз Шавкат Мирзиёев тушунтириб берар экан, «Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур

етказмоқда»[1] деб таъкидлайди. Аждодларимиз азалдан юртимизда оила мустаҳкам, унинг аъзолари тинч, фаровон ва соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келишини билишган. Жамиятнинг мустаҳкамлиги, осойишталиги оиладаги тинчлик-хотиржамликка, жамиятдаги соғлом турмуш тарзи эса оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган самимий муносабат, ахлоқий тарбиясига боғлиқ бўлган. Шарқ халқлари орасида шаклланган бундай дунёқараш ва одоб-ахлоқ бугунги кунда ҳам инсон маънавий қиёфасини ифода этиб келмоқда. Шахснинг ахлоқий қадриятларини шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари асосий восита ҳисобланади. Айниқса, ўзбек хонадонларида инсонларга хос маънавий ахлоқий қадриятлар: ўзаро ҳурмат, иззат, ишонч, мулозамат, муҳаббат, ҳамкорлик туйғулари яққол намоён бўлади. Аслида оила - (арабча - бола-чақа, хонадон, уруғ, авлод деган маъноларни англатиб), никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ ҳисобланади. Оила тушунчасига бугунги кунга қадар хилма-хил таърифлар ҳам келтирилган. Масалан, “Оила – кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, насл қолдириш) маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва хоказо) иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги бўлиб, инсон яшаши учун қулай шароит яратиб берувчи, унинг турли эҳтиёжларини қондирувчи макондир” [2]деб ҳам таъриф берилган.

Оиланинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки ўз мустақил фикрига эга бўлган, юксак маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Республикамизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов баркамол авлодни аввало соғлом муҳит шаклланган оилада камол топишини қуйидагича тушунтириб ўтади: „Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олийжаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади”[3].

Жамиятда обод турмушни камол топтиришда соғлом тафаккур, соғлом дунёқарашни шакллантириш бевосита оилавий муҳит билан боғлиқдир. Оилада аввало ота-онанинг ўз фарзандлари тарбиясида шахсий ўрнак, ибрат, намуна бўлиши муҳим мезон саналади. Ота-онанинг оиладаги хулқ-атвори, муомала маданияти, юриш-туриши фарзандлари маънавий тарбиясининг шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари, миллий-маънавий қадриятларга юксак эҳтиромда бўлиши, юксак умуминсоний хислатларга эга бўлишлари керак.

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2018, 505-бет.

[2] Фалсафа (қисқача луғат). Тошкент, “Шарқ”, 2004., 243-бет.

[3] Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 2013 йил 7 декабр.

Мана шундай ижобий хислатларга эга бўлган фарзандларда ватанпарварлик, фидокорлик, садоқат, мардлик, жасурлик, чидамлилик, вазминлик, қадр-қиммат, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантиради. Шунинг учун ҳам оиладаги ахлоқий муҳит кишилик жамиятида мавжуд бўлган ахлоқий меъёрларнинг энг қадимийси ва энг муҳими бўлиб, нафақат эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради, балки фарзандларнинг етук инсон сифатида шаклланишининг дастлабки ва асосий мезонидир. Бинобарин, маънавий бой, ахлоқан пок, жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш дастлаб оилада амалга оширилади. Инсонга бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар - эзгулик, яхшилик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик, фидоийлик, садоқат, мардлик кабиларнинг барчаси оиладан бошланади. Оила ёшларни ахлоқ-одоби, ростгўй, меҳнатсевар, ҳалол бўлиб вояга етиши учун замин тайёрлайди.

Оилада фарзанднинг тарбияси билан шуғулланиш унда яшаётган барча ёши катталарнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим. Чунки бобо-бувиларимизнинг ёш болани миллий қадриятлар, тарихий шахсларимизнинг қаҳрамонлиги, халқ оғзаки ижоди орқали тарбия бериши ўзининг кўпроқ самарасини беради.

Республикамиз биринчи Президенти таъкидлаганидек, бола етмиш фоиз маълумотни беш ёшгача оладиган бўлса, шахс маънавиятини шаклланишида оиланинг аҳамияти нечоғлик катта эканлиги намоён бўлади. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор, оила бор экан фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор, фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”[1].

Биз бугун соғлом ва теран фикрли фарзандларни оилада тарбиялаётган эканмиз, уларнинг маънавий олами бой бўлиши, тарихий меросимизни чуқур билиши, ўзида мукаммалликни акс эттиришига эришишимиз даркор. Замонавий билим ва тафаккурга эга бўлиб бораётган фарзандларимизни ҳар томонлама камол топиб боришида оиладаги маънавий тарбиянинг етуклиги кўп жиҳатдан ота-оналарнинг ахлоқ-одоб масалаларига бориб тақалади. Шунинг учун ота-оналаримизнинг ўзлари юксак инсонийлик ва ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя этишлари лозим. Жумладан, ҳар бир ота-она:

- жисмонан ва ақлан етук, ҳар томонлама (моддий ва маънавий) фарзанд тарбияси учун тайёр шахс сифатида шаклланиши;

- миллий ўзликни англаган ҳолда, ворисийлик тамойилини чуқур ҳис қилиши ва ҳаётга татбиқ эта олиши;

- аждодлар яратган тарихий хотирага эга бўлиши ва миллий-маънавий қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантирган бўлиши лозим.

[1] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. Toshkent, “Ma’naviyat”, 2008, 55-56-betlar.

Мана шу хислатларга эга бўлган ота-оналар тарбиясида камол топган ёш авлод ўз мустақил фикрига эга бўлиб, ҳар қандай маънавий таҳдидлар таъсирига берилиб кетмайди ва юксак маънавийликка эга бўлади.

Оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ёшларимизни жисмонан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етишига асос бўлиб хизмат қилади.

ЁШЛАРНИ МИЛЛАТПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тоғаев Н.Э- СамДУ ўқитувчиси
Қурбонова Ю.Ғ.- СамДУ талабаси

Жамият тараққиётида ёшларнинг миллатпарварлиги ижтимоий ҳаётнинг долзарб соҳаларини қамраб оладиган ҳуқуқий, диний, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, улардан рационал тафаккур асосида фойдаланишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Қадимдан ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, уларнинг миллатпарварлигини ривожлантириш ижтимоий тараққиёт жараёнининг доимий равишда амалга ошириб борадиган тўхтовсиз ҳаракатининг маҳсулига айланиб келмоқда.

XXI аср бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдига ўз ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, ёшлар эртанги куннинг яратувчилари сифатида ўзларининг миллий давлатчилиги тарихини чуқур англаб етиши, ўз қалбларида миллатпарварлик туйғуларини барқ урдириб яшашлари керак. Шу боис ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда, авваломбор, миллатпарварлик муҳим эканлигини унутмаслигимиз лозим. Биздаги бундай миллий туйғулар бевосита аждодларимиз томонидан яратиб қолдирилган бой тарихи ва унинг маданий мероси орқали келажакка муҳрланиб қолади. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади”[1] – деб таъкидлайдилар.

Миллатпарварликнинг ёшлар онгига сингиб бориши ва унинг жамиятда тутган роли доимо долзарб миллий муносабатлар билан уйғунлашган тарзда амалга ошади. Унинг ёшларга таъсири серқирра ва сермазмун бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асарларида ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг бир қатор йўналишлари кўрсатиб берилган. Булар:

- тарихни холисона ўрганиш;

[1] Ш.М.Мирзиёев. Озод ва обод ватаннинг баркамол фарзандлари // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1-жилд. Т.: „Ўзбекистон”, 2018, 415-бет.

- аждодларимиз қолдирган бой илмий, маданий меросни тиклаш ва ривожлантириш;

- ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантириш ва мустақилликни янада мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Тарихни холисона ўрганиш йўналиши мураккаб ва мукаммал бўлган илмий тадқиқот ва изланишларни талаб этади. Тарих миллатнинг бутун ижтимоий тараққиёти жараёнида эришилган ютуқлари ва камчиликларини кўрсатиб берар экан, унинг мазмун ва моҳиятини англаб етиш ҳар бир фуқаронинг айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг асосий мақсад ва вазифаси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Миллат ва унинг келажаги билан қизиқиш, униб-ўсиб келаётган ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялаш ана шу жараёнда ўзлигини намоён этади. Бундай дунёқараш бугунги кунда тарихимизда улкан из қолдирган аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини қайта тиклаш ва ривожлантиришга асос бўлади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бу борада шундай деган эди: „Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, „Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг ҳоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ“ деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор“[1].

Бой маданий меросимиз жамиятда ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилар экан, у ҳеч вақт айнан бир миллатнинг мақсади учун фаолият олиб бориши мумкин эмас. У фақатгина халқнинг, бутун малакатнинг дунёқарашига асосланиши лозим. Айни пайтда демократик тамойилларга асосланиб фуқаролик жамиятининг маънавий қиёфасини ривожлантиришга илдам қадамлар билан кириб бораётган мамлакатимизда, авваломбор, бозор муносабатларининг юксак маънавиятга асосланишини яратиш, миллий ўзлигимизни диний ва дунёвий қадриятлар билан уйғунлигини кенг жамоатчилик онгига етказиб бериш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотларда ёшларнинг дунёқарашини аждодларимизнинг миллий бой тажриба ва кўникмалари билан қуроллантириш долзарб назарий-фалсафий масалалардан биридир.

Халқимиз учун миллий мафкуранинг нақадар долзарб ва ўта муҳимлиги, ҳар бир шахснинг фуқаролик жамиятида эскича дунёқарашдан озод бўлиши кераклигини бир қатор фикрлари орқали Ислом Каримов содда ва ҳикматомуз тарзда қуйидагича таъкидлаган эди: „Олдимизга қўйилган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг

[1] Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 273-бет.

хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда“[1].

Хулоса ўрнида, ёшларни бир мақсад сари бирлаштириш, уларнинг маънавий оламида Ватан туйғусини аждодларимизнинг бой фалсафий, илмий, маънавий ва маданий мероси билан қуроллантириш долзарб вазифадир. Шу боис ёшларимизда миллатпарварликни ривожлантиришда тарихимизнинг зарварақларини холисона тадқиқ этиш, ундаги ҳар бир саҳифани нодир манбалар сифатида эъзозланишини йўлга қўйиш, уларда янгича дунёқарашни ривожлантириш жамиятимизнинг эртанги фаровон келажаги учун муносиб хизмат қилади.

MIILIY G'OYA TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SHART-SHAROIT VA OMILLARI.

M.Vaxobov, SH.Vaxobova- SAMVMI o`qituvchilari.

Hozirgi axborot asrida turli xil g'oyalar va mafkuralar mavjud. Ularning maqsadi xarxilligi bilan bir-biridan farq qiladi. Ezgu g'oya va mafkuralar insoniyatni ezgu amallarga, bunyodkorlik ishlariga, o'zaro hamjihatlik, hamkorlikka yunaltradigan bo'lsa, vayronkor, tajovuzkor g'oya va mafkuralar esa insonlar ongiga ta'sir qilish orqali ularni umummilliy manfaatlarga zid bo'lgan maqsadlarga, xatti-harakattlarga undashga urinmoqda. Buning uchun targ'ibotning eng zamonaviy usullardan, yangi texnologik imkoniyatlaridan foydalanilmoqda. Natijada axborot maydoni har xil g'oyalar bilan to'lib, uning jozibasi ta'sirchanligini oshirmoqda.

Bunday sharoitda, milliy g'oyaning targ'ibotida turli xil texnologiyalarni qullay bilish muhim ahamyatiga ega. Bu targ'ibot samaradorligiga erishishning muhim shartidir.''Texnologiya'' tushunchasi ''usul'', ''uslub'', ''mahorat'' ma'nolarini anglatadi. ''Milliy g'oya targ'iboti texnologiyasi'' tushunchasi- milliy goyaning asosiy tushuncha va tamoyillarini, maqsad va vazifalarni yoshlarga va keng jamoatchilikka yetkazish, tushuntirish orqali, uning ma'zmun mohiyatini bilish, tushunish orqali uni anglash, ishonch va e`tiqorga aylanishi hamda amaliy faolyatida qo'llash, unga tayanish, amal qilish ko`nikma, malakasini anglatadi. Ya'ni, milliy g'oya targ'iboti texnologiyasi orqali, milliy g'oya maqsadlarini har bir kishining mafkurasiga aylanishini bildiradi.

Hozirgi dunyoda fan texnika sohasidagi yutuqlar milliy g'oya targ'ibotining texnikaviy asoslarini yanada takomillashtirmoqda, yangi imkoniyatlarni yaratmoqda. Bu targ'ibotning samaradorligini yanada oshirishga xizmat qiladi. Bunda targ'ibotning an'anaviy shaklini va noan'anaviy shakillarini bir -biridan farqlash lozim. An'anaviy shaklida (ma`ruza, suhbat, savol-javob, axborotni yetkazishda ma`ruzachining faolligi bilan belgilanadigan va b.) texnikaviy asarlardan kam

[1]Каримов И.А. „Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар“ рисоласидаги сўз боши // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 220-бет.

foydalaniladi yoki deyarli foydalanilmaydi. Targ'ibotning noan'anaviy shakli, uning xarakterli jihati targ'ibotda texnika imkoniyatlaridan vosita sifatida foydalanishga intilish oshib bormoqda. Hozirgi AKT, OAV , internet, EA makoni targ'ibotni yangi-yangi noan'anaviy shakllarda amalga oshirish imkoniyatini beradi. Eng muhimi bu imkoniyatlardan qanday maqsadda foydalanish bilan uning turli-xil natijalarini ko'rish mumkin.

Shu ma'noda milliy g'oya targ'iboti texnologiyasiga milliy g'oyaning asosiy tushunchalarni, maqsad va vazifalarni ezgu g'oyalar bilan bog'liqligi, uning targ'ibotida, texnik asoslari qanchalik takomillashib borsa jamiyat oldida turgan vazifalarni amalga oshirishga keng jamoatchilikni safarbar etadi, yo`naltiradi, ezgu maqsadlar sari ularni birlashtiradi.

Milliy g'oya targ'ibotida noan'anaviy usullaridan foydalanish-zamon talabi. Uni hisobga olish lozim. Targ'ibotni yangi texnikaviy asoslarida amalga oshirish milliy g'oyaning ta'sirchanligini yanada oshiradi. G'oya bilan g'oyaning farqini anglashga imkoniyat yaratadi.

Milliy g'oya negizlarini targ'ibot qilishda yangicha yondashish noan'anaviy usullaridan (texnik asoslardan) foydalanishni taqozo etadi. Demokratiyaning umum insoniy prinsiplarini targ'ibot qilish ham texnika imkoniyatlaridan foydalanib amalga oshirishni taqozo etadi.

Bu quyidagi holatlar orqali o'z ifodasini topadi:1) ezgu g'oya va maqsad har bir kishining ongi va taffakurida ishonch va e'tiqodiga aylanishi lozim, ya'ni unga ishonish zarur; 2)inson o'zi ishongan ezgu g'oya va maqsadlarini hayotida qo`llash ko`nikmasi, malakasiga ega bo`lish, unga amal qilish hayotiy maqsadiga, hayot turmish tarzining uzviy qismiga aylanishi; 3) bu muayan ijtimoiy guruh, qatlam, etnos, xalq, millat, jamiyat a`zolarining ong va tafakkuri darajasida ijtimoiylashish fikrni – g'oyaga aylanganligini bildiradi; 4) milliy g'oyaning maqsadlarini yagona mafkuraga aylanishi uni turli xil sotsial guruhlar, qatlamlar, xalq, millatni birlashtirib turgan umumiy maqsadlarida birgalikda hamjihatlik bilan shu yo`lda xizmat qilish, umumiy maqsadni amalga oshirish uchun ishlash, u to`g'rida qayg'urish, izlanish, ilim-fan yutuqlarini egallash, uni hayot sohalariga tadbiq etishdagi umumiy ma'sulyat tuyg'usini anglatadi.

Milliy g'oya targ'iboti texnoligiyalarini to`g'ri qo'llash uchun quyidagi xususiyatlarni xisobga olish lozim; 1) Targ'ibot obyktini, uni kimga yo`naltrilganligi; 2) Targ'ibotdan ko`zlangan maqsadni; 3) Targ'ibotni taqozo etuvchi vaziyat, shart-sharoit va omillarini; 4) Muammoning xarakterini, mazmunini; 5) Muammo bilan bog'liq uning sub`yektini, ijtimoiy qatlamni, unga xos xususyatlarni; 6) Muamoning ko'lamini ,ya'ni qamrov darajasini aniqlab olish; 7) Targ'ibotni amalga oshirishda mavjud imkoniyatlarni, texnik ta'minoti darajasini; 8) Milliy g'oya targ'iboti texnologiyasidagi, qaysi usuldan foydalanish samarali bo'lishini to'g`ri tanlash zarur bo'ladi.

Milliy g'oya targ'iboti texnologiyalaridan foydalanish uni kim tomonidan amalga oshirilayotgani bilan o'z xususyatlariga ega ekanligini aniq hisobga olish lozim.

Xususan milliy g'oya targ'ibotida; 1) Ta'lim-tarbiya muassasalari; 2) Ilim-fan muassasalari; 3) Madaniy ma`rifiy muassasalar; 4) Oyla; 5) Mahalla; 6) Ommaviy axborot vositalari; 7) Dininy muassasalar; 8) Adabiyot, sa'nat; 9) Siyosiy partiyalar, jamoat birlashmalari; 10) Sport va boshqa sohalar orqali amalga oshiriladi va o'ziga xos xususiyatga ega ekanligi tabiiy.

Lekin, kim tomonidan amalga oshirilganligidan qat`i nazar targ'ibot texnologiyalardan ko`zlangan umumiy maqsadlar va talablar mavjud:

1. Milliy g'oya va mafkurani jamiyat hayoti bilan uzviy bog'liqligi. Ularni bir – biriga ta'sir ko`rsatish resurslariga ega ekanligi;
2. G'oya va mafkura ong va tafakkurga ta'sir ko`rsatishi, uni o'zgartirishi mumkinligi;
3. Faqat ezgu, bunyotkor g'oyalar taraqqiyotga xizmat qilishi;
4. Yot va zararli g'oyalarning farqiga borishi uning oldini olish shart-sharoiti, omillariga alohida e`tibor berish muhim ahamyatiga ega.

Milliy g'oya targ'iboti degani, bu 1) ajdodlardan avlodlarga o'tib, asrlar davomida e'zozlanib kelayotgan, har bir inson, xalq va millatning ma'naviy ehtiyojiga, hayot talabiga aylanib ketgan orzu-intilishlarini, maqsadlarining mohiyatini tushuntirish, yosh avlodni ham shunday g'oyalar ruhida tarbiyalashni; 2) ezgulik, bunyodkorlik maqsadlarini ko`proq afzalligini tushuntirish, unga ishonch-et'iqodni mustahkamlash; 3) xalqimizning boy madaniy merosini yoyish va asrab avaylash; 4) urf-odatlar, an'analarni zamon bilan ham nafas bo'lishiga erishish; 5) tarixiy merosni, xotirani mustahkamlash orqali unga sadoqatni yanada oshirish; 6) ona tilini, milliy va diniy qadriyatlarni asrab avaylash madaniyatini yuksaltirish; 7) umum insoniy, demokratik prinsiplarga sodiqlikni yanada oshirish, insonni qadrlash, qonun ustuvorligi, ilm-fan yutuqlaridan unuml va oqilona foydalanishga erishish; 8) vatan, tuyg'usini milliy g'urur va or-nomusini yanada mustahkamlash orqali ona – yurtning baxtu-iqboli, buyuk kelajagi yo`lida xizmat qilishni eng oliy saodat deb bilishga fuqarolik burchi va ma`sulyati bilan munosabatda bo`lish kabi yuksak ma'naviyatni o'zida namoyon etib borishni anglatadi, deb aytish mumkin.

Shu maqsadga qaysi texnologiya, usuli yordam bersa, tushunarli bo'lsa, undan foydalanish hayotiy ahamiyat kasb etadi. Oxir-oqibatda bu g'oyadan g'oyani farqlashga, loqayd va befarq bo`lmaslikka, bu ezgu g'oyalarni o'zining asosiy mafkurasiga aylanishga imkoniyat yaratadi, unga kuch-qudrat beradi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, birinchidan, milliy g'oya targ'iboti texnologiyalari xilma-xil bo'lib, u zamon va davr o'zgarishlari, ilm-fan yutuqlari, imkoniyatlari bilan bog'liq;

Ikkinchidan, milliy g'oya targ'iboti texnologiyalari insonlar ong va tafakuridagi o'zgarishlar, yangilanishlar bilan bog'liq holda, uni hisobga olishni, unga javob berishni taqozo etadi;

Uchinchidan, jamiyat rivojida ezgu bunyodkor g'oyalar o'rtasida vorislikni, tarixiy aloqadorlikni ta'minlash begona zararli g'oyalarning ta'siridan saqlaydi. Xalqni-xalq millatni-millat sifatida uning yagona mafkurasi bo'lishini ta'minlaydi:

Ta'rtinchidan, milliy g'oya targ'iboti texnologiyalari yangiliklarni qabul qilish uzluksiz ravishda yangilanib, takomillashib borish, hayot o'zgarishlari, turli jamiyat

xayotidagi g’oyaviy-mafkuraviy jarayonlardagi turfa-xillik bilan bog’liq. Bularning barchasi milliy g’oya targ’iboti texnologiyalarining yanada takomillashtirib borishni taqozo etadi.

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-ҒОЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

С.Абдувохидов- СамИСИ ўқитувчиси

XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи чораги Ўрта Осиё халқлари тарихидан жадидчилик деб аталган ҳаракат мустаҳкам ўрин олган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Ўрта Осиёнинг бир қисми чор Руссияси томонидан заб этилиб, унинг мустамлакасига айлантирилди ва Туркистон губернияси деб аталди. Қолган қисми Руссияга вассал Бухоро ва Хива хонлигидан иборат эди.

Шундай қилиб, қадимги Туркистон ерлари истибдод занжирига тушиб қолди. Маҳаллий ахолини мустабидлик деб аталувчи миллий зулм «юк»и эза бошлади. Табиийки, бунга қадим – қадимдан эрксевар ва жасур қабила – уруғлар ватани бўлиб келган Туркистон ўлкасида яшовчи халклар куника олмадилар. Эрк, истиклол учун қуролли исёнлар кутарилди, миллий зулм «юк»ини елкадан улоқтириб ташлашга уринишлар бўлди. Таассуфки, бундай исён ва уринишлар муваффакият қозона олмади. Негаки, мустабидлар кучли ва маккор салтанатга эга эди. Ундаги “…яхши қуролланган мунтазам армия, Шарқни, мусулмонлар ҳаёти ва руҳиятини чуқур ўрганган шарқшунос – миссионерлар, Туркистоннинг табий бойликларидан фойдаланиш учун ўзини томдан ташлашга тайёр рус буржуазияси, ўлка бозорини эгаллашга интилган савдогарлар, серҳосил ерларни эгаллашга муштоқ заминдорлар ва казаклар – хуллас, муру малахдек ёпирилиб келишга ҳозиру нозир турган барча муфтихурлар бу улкани қўлдан чикармаслик учун жон – жахди билан босқинчи ҳукуматга ёрдам берди. Туркистонда мустабидлик хукумронлигининг энг ваҳший шакли – ҳарбий – маъмурий бошқарув тизими ўрнатилди. Эркни, озодликни, мустақилликни ўйловчилар у ёқда турсин, ҳатто халқнинг бошига тушган мусибатни сал енгиллатишни хаёлига келтирган кишилар Руссиянинг Сибир сингари дузах табиатли худудларига бадарға қилинар, авахтага ташланар, қамоқхона азоб – уқибатларига дучор этилар эдилар. Шундай бўлсада, Туркистон халқлари онгидан озодлик, эрк, истиқлол ниятини босқинчилар чиқариб ташлолмадилар»[1].

Мана шундай оғир ва мураккаб вазият маҳаллий аҳолининг илғор қисмида кураш тактикасини ўзгартириш зарур, деган фикр пайдо қилди. Энг аввало, қадим ва навқирон ўлка – Туркистон мустабидлик асоратига тушиб қолганлигининг сабабларини аниқлаш ва шундан сўнггина зарур тайёргарлик билан, шарт – шароит етилгач, эрк, истиқлол учун кураш майдонига чиқиш керак эди. Маҳаллий зиёлийларнинг таҳлилига кўра, Туркистоннинг мустабидлик асоратига тушиб қолишига асосий сабаб – унинг Европадаги

[1] “Жамият ва бошқарув” журнали, 1997 йил, 2-сон, 13-бет. Ғ. Махмудов. Жадид адабиётида миллий истиқлол мавзуи. “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил, 5-бет.

ривожлаган мамлакатлардан тараққиётда бир неча аср орқада қолиб кетганлиги эди. Негаки, XIX аср иккинчи яримигача ҳам Туркистонда бир – бирига душман бўлиб келаётган учта феодал давлат – Қўқон, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги мавжуд эди. Мазкур давлатлардаги тараққиёт даражаси ўрта асрлар даражасида қотиб қолганлиги, жаҳолатнинг, мутаасибликнинг кучлилиги, амир ва хонларнинг чексиз ҳуқуққа эга бўлганлари ҳолда ўзлари ва атрофидаги бир ҳовуч амалдорлар ва руҳонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай халқни эксплуатация қилиши мамлакатда ҳукум сурган бедодлик – буларнинг барчаси Туркистоннинг мустабидлик ботқоғига ботирган омиллар эди. Модомики, эрк ва истиқлол учун кураш олиб борилар экан, ана шу омилларни бартараф этиб, мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини тубдан ислоҳ этиш лозим эди. Ҳаракатни даставвал маърифатдан, шу орқали миллий онгни ўстириш, унга ўзлигини танитишдан бошлаш керак бўлди.

Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари — ҳунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий қолоқликдан уйғотиш — сиёсий – маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва ўз ватанларини мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш. Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституциявий монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланди.

Ўрта Осиё жадидчилигининг пайдо бўлишига учта омил асос бўлган :

Биринчи омил туркий халқларнинг бирлиги ва бирлашувини тарғиб этади (“пантуркизм”). Туркий халқларининг бирлиги ва бирлашуви ғоясини дастлаб ўртага ташлаган киши Туркия султони Абдулҳамид эди. Ислом динига кирган

халқларнинг бирлашиб жаҳон империализмга, унинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашини назарда тутувчи оқим (“панисломизм”) ҳам ушбу омиллардан саналади. Собиқ СССРдан ажралиб чиққан республикалардаги туркий халқларнинг ҳар бири мустақил давлатига эга. Жаҳондаги туркий халқлар бир – бирига яқин, айни ҳолда, яхши ҳаёт учун курашда ўзаро ҳамкордир.

Иккинчи омил – XIX аср охири XX аср бошларидаги татар жадидларининг таъсири. Бутун Россиядаги жадидларнинг бошлиги Исмоил Гаспринский бўлиб, у туркий халқлар бирлиги ва исломга суяниш ғоясини Туркиядан олган, дейишади, Гаспринский ўзининг «Таржимон» газетасида ёзган мақолалари ва «Роҳат уйи» романида Оврупа халқлари ва мусулмонлар ҳаёти ўзаро ўйғун бўлиши керак, деган фикрни илгари суради.

Учинчи омил – XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда, шунингдек Бухоро ва Хива хонлигида пайдо бўлган илк демократик маърифатпарварликдир.

Маърифатпарварлик ва жадидчилик, одамлар ҳаётида, онгида, руҳиятида ҳам катта инқилоб эди. Уларнинг намояндалари миллатни, ватанни улуғлашга ўргатдилар. Жадидлар халқаро империализмга, унинг мустамлакачилик сиёсатига қарши турдилар, большевикларнинг ғоясини рад этдилар. Улар бошлиқ ва раҳбаргина эмас, балки янги усулдаги мактабларда дарс ҳам берганлар. Бу мактабларнинг дарсликларини ҳам ўзлари ёзганлар.

Жадидлар фаолиятида иккта босқич муҳим ўрин эгаллаган. Биринчиси улар халқнинг аҳволини маърифатпарварлик яхшилайди деб тушунади, иккинчи босқичда эса истиқлол муҳим куч эканлигини эътироф этадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг рус мустамлакачилари томонидан босиб олиниши натижасида ўлка халқларининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳуқуқлардан бутунлай маҳрум қилиниши ва халқларнинг аянчли аҳволи жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Жадидчилик янги бир давр палласида халқимиз маънавий тафаккурини яна бир поғона юксакка кўтарди. Жадидларнинг Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-ахлоқий қарашларини уйғунлаштирган ғоялари миллий истиқлол ғоясининг муҳим тараққий босқичи вазифасини ўтаб берди. Зеро, бугунги глобаллашув жараёни ўтмишда ҳам, ҳозир ва келажакда ҳам миллий ғояга бўлган заруриятни ошириб боради. Шундай экан, жадидларнинг маърифатпарварлик ғоялари, фидоийлик ва гуманизм сингари фалсафий-аҳлоқий қарашлари билан суғорилган миллий истиқлол ғоямиз мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ватан равнақини юксалтиришга хизмат қилади.

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ КИТОБ МУТОЛААСИ ҲАҚИДА

Чориев Н.К.- Самарқанд Давлат Тиббиёт институти,

Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» асари шарқшунослик илмининг энг муҳим ва илмий - фалсафий моҳиятга эга бўлган асарларидандир. Шарқшунослик илми таркибидаги барча илмий - фалсафий ва диний - тасаввуфий муаммоларнинг нозик ва муҳим элементлари рамзий маъноларда мазкур рисолада мужассамлаштирилган. Мутафаккирнинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласи ирфоний ва фалсафий рамзий асардир. Бу рисола файласуф умрининг охирги йилларида, тахминан 1298 - 1300 йилларда таълиф этилган. Муаллиф «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласининг кириш қисмида зикр қилишича, у мазкур ирфоний фалсафий рисоласини ўз давридаги дарвешларнинг мурожаати ва илтимосига мувофиқ ижод қилган. Файласуфнинг бу рисоласи биринчи таълиф этилган пайтда «Мабдаъ ва маод» рисоласи деб номланган экан. Бу ҳақда файласуфнинг ўзи асарнинг муқаддима қисмида шундай ёзади: «Аммо баъд бу бандаи ожиз, фақир ул - фуқаро Азиз бин Муҳаммад ан - Насафий дейдики: - «Бир гуруҳ дарвешлар бу фақирдан олами кубро ва олами суғро ҳақида, мабдаъ ва маод ҳақида бир рисола битишимни ва унда мабдаъ [бошланиш] хилма - хилми ёки у биттами, ҳар бирининг маоди [қайтиши] хилма - хилми ёки у биттами: нузул ва уруж нима, аввал бошида нузул бўлиб, кейин уруж бўлганми ёки аввал уруж, сўнгра нузулми?», деган масалаларни тушунтириб беришимни илтимос қилдилар. Улар яна: - «Барча илм аҳли фикр - мулоҳазаларини холисона баён этиб беринг, бирортасини ҳам, афзал ҳисобламай, ҳар бири нима деган бўлса, шуни келтиринг!» деб сўрадилар. Мен уларнинг илтимосини қабул қилиб, сўраган нарсаларини бир жойга тўпладим. Бу мажмуани «Рисолаи мабдаъ ва маод» [Бошланиш ва қайтиш рисоласи] деб номладим!»[1]

Азизиддин Насафийнинг тасвир қилишича, мазкур дарвешлар «Рисолаи мабдаъ ва маод» ни мутолаа қилгандан сўнг, унга рисоланинг «чўзилиб кетиши ва сўзларининг ҳаддан зиёд равшанлигини таъкидлаб», «авомга зоҳиран, хос кишиларга ботинан» аён бўлишини маслаҳат берадилар. Бу ҳақда файласуфнинг ўзи яна шундай ёзган: «Аммо баъзи бирлар, бу асарни ўқиб, китобингиз чўзилиб кетибди, сўзларингиз ҳаддан зиёд равшан, у хос кишиларга авом қаторида тушунарлидир, шундай бўлсаки, [китоб] авомга зоҳиран, хос кишиларга ботинан аён бўлса!» дедилар. Илтимосларни қондириш мақсадида «Рисолаи мабдаъ ва маод» ни қисқартирдим ва мухтасарини «Зубдат ул - ҳақойиқ» [Ҳақиқатлар қаймоғи] деб номладим»[2]

Файласуфнинг юқорида зикр қилинган сўзларидан аёндирки, «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласи авом кишиларга зоҳирий маънолар билан ва хос кишиларга ботиний [рамзий] маънолари билан тушиниш натижасида илмий ҳақиқатга эришиш мақсадида ижод қилинган. Юқорида таъкидлаганидек,

[1] Насафий, Азизиддин. Зубдат ул - ҳақойиқ. [Форс тилидан Н. Комилов таржимаси] Т. Камалак - 1996. 4 - бет

[2] Шу асар. 4 - бет.

«Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласини таълиф этишдан мақсад, ўрта асрлар фалсафаси тарихидаги уч фалсафий тафаккур вакилларининг таълимотини таҳлил ва тадқиқ қилиш натижасида илмий ҳақиқатни ёруғлаштириб исбот этишдир.

Азизиддин Насафий «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласини зоҳирий ва ботиний маъноларга эга бўлганлиги ҳақида мулоҳаза юритиб, уни кубро оламининг кичрайтирилган нусхаси суғро олами бўлганидек бу асар Улуғ Китобнинг кичрайтирилган нусхаси эканлигини таъкидлайди:

«Билгилким, Аллоҳ бутун борлиқни яратиб, унга олам деб ном берди, чунки олам унинг борлиғининг аломатидир. Олам борлигида Унинг илми, маърифати, иродаси ва қудрати аломат ва нома [ёзув] кўринишида мужассамдир. Аломат эканлиги боис олам деб, нома эканлиги боис китоб деб атади. Кейин:

- «Кимки бу китобни ўқиса, Мени билиб олади, Менинг маърифатим, иродам ва қудратимни англайди», деб амр этди:

- Биз жуда кичик эдик, Китоб эса жуда катта эди ва бизнинг нигоҳимиз ул Китобнинг ҳудудларини, жами саҳифаларини илғай олмади.

Устоди Аъзам бизнинг ожизлигимизни кўриб, ўшал оламнинг мухтасар кўчирмасини яратди ва ул Китобни қисқартириб қайта китобат этди. Биринчисини олами кабир [улуғ олам] иккинчисини олами сағир [кичик олам] деб номлади. Биринчи китобни Улуғ Китоб, иккинчи китобни кичик китоб деб атади. Улуғ Китобда нимаики бўлса, уни камайтирмай ва қўшмай кичик китобда ҳам нақш этди. Токи кичик китобни ўқиган ҳар бир киши катта китобни ўқиган бўлсин».

Азизиддин Насафий Зубдат ул-ҳақойиқ [Ҳақиқатлар қаймоғи] [бети: 47].

Насафлик мутафаккир мазкур асарнинг «Инсон тараққиёти [уружи] ва инсон руҳи бошқаю, ҳайвон руҳи бошқа эканлиги ҳақида» деб номлаган фаслида рисоланинг моҳияти, маъноси, ғояси ва ҳикмат хазинасининг асрорига оид сўз юритиб, бу асарда олам сирларини баъзиларини ибора билан баъзиларини эса ишорат билан ёзганлиги ҳақида шундай айтган:

«Эй дарвеш! Мен бу рисолада инсон ва инсоний мартабалар ҳақида гапирганимдай, бошқа ҳеч қаерда гапирган эмасман. Бошқалар ҳам ўз китобларида [буни] ёзмаганлар. Сен бу бобни бир неча дафъа ўқиб чиқарсан, ўқиганда ҳам мулоҳаза қилиб, диққат билан ўқи! Чунки бу зоҳиру ботин дўкони ва ўз-ўзини англаш хазинасининг калитидир». [Зубдут ул-ҳақойиқ. Б. 39].

Мутафаккир китоб ўқиш масаласига эътибор бериб, ўқиладиган китобнинг маъноларини тушуниш, кўп ҳикматли сўзларни ёдлаш муҳим эмаслиги, китоб ўқиш жараёнида унинг ички моҳиятини билиб, ҳаёт учун ўта зарурий бўлган ғояларини ўрганиш лозимлигини таъкидлайди:

«Эй дарвеш! Туз қопига тушган нарса тузга айланади, ифлосликка тушган ифлос бўлади, зеро нопок ва палиддан нопок ва палид туғилади, сафодан сафо ҳосил бўлади. Сендан туғилган нарса соф бўлиши учун аввал ўзингни пок этишинг керак.

Эй дарвеш! Ифротий [ҳаддан ошиқ] рўза ва намозга берилиб, кетмакет ҳажга борма, буюрган фарзни адо этиш билан чеклан! Кўп сўз ва гапларни ёдлашни ҳам ўзингга одат қилма, фиқҳни берилиб ўрганишинг ҳам, кўп ҳикмат билишинг ҳам фойдаси йўқ, кераклисини билиб олсанг, бас!

Аммо шундай йўл тутгинки, қалбинг саховат ва ҳикматга тўлган бўлсин, эзгулик соҳиби бўлгин».

[Зубдут ул-ҳақойиқ. Б. 55].

Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласи ўрта асрлар фалсафаси тарихидаги ирфоний - фалсафий тафаккур заминида битилган бўлиб, мавзулар кўлами жиҳатидан энциклопедик хусусиятга молик асардир. Файласуфнинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласи: муқаддима, икки боб, олти асл ва кирқ фаслдан иборатдир.

Ризоқулхон Ҳидоятнинг тасвирлашича Азизиддин Насафий асарларини унинг пири Шайх Саъдиддин Ҳамавий мутолаа этганида, шундай деган экан:

- «Мен таълиф этган 440 та асарнинг мухтасар мазмунини Азизиддин Насафий биргина «Кашф ул - ҳақойиқ» асарида сиғдира олди».

Хулоса, Азизиддин Насафий китобларнинг бир биридан фарқи борлиги, ҳар қандай китоб ҳам асрор хазинасини жамлаш хусусиятига эга эмаслиги, аммо унинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» ва «Китоб ул-инсон ул-комил фи маърифат ал-вофир» асарлари Улуғ Китобнинг кичрайтирилган нусхаси эканлиги, бу асарни кўпроқ мутолаа қилишни тавсия этади.

Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласи ирфоний ва фалсафий асардир. Файласуфнинг мазкур рисоласи инглиз шарқшунос олими Р. Никольсон таъбири айтганда «энциклопедик асардир».[1] Насафлик мутафаккирнинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласида Шарқ фалсафаси тарихидаги барча фалсафий тафаккурлар: жумладан, калом фалсафаси, зардуштийлик дини, буддавийлик дини, қадимги Юнон фалсафасидаги натурфилософия мактабининг таълимоти, неоплатонизм, исмоилия жараёни, «Ихвон ус - сафо» таълимоти, нурбахшия ва кубравия мазҳабларининг элементлари ва рамзий - маънавий таъсири сезиларлидир.

Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул - ҳақойиқ» рисоласида Шарқ фалсафаси тарихидаги ҳар бир таълимот ва фалсафий жараёнлар ниҳоятда илмий теран услубда таҳлил қилинган. «Зубдат ул - ҳақойиқ» кичик фалсафий рисола бўлсада, унинг мағз-моҳиятида қадимги ва ўрта асрлар фалсафаси тарихидаги фалсафий тафаккур, таълимот ва дунёқарашларнинг асл ҳақиқати мужассамлаштирилган. Мутафаккирнинг бу рисоласи билан фалсафа тарихи мутахассислари танишганда, унда Шарқ фалсафасидаги қариб ҳар бир таълимот ва жараёнлар ҳамда дунёқарашлар мавжудлигини англаб олади. «Зубдат ул - ҳақойиқ» асарида Руҳи аввал [Мутлақ руҳ], Ақли аввал [Ақли кулл], Ҳаюлои аввал [Бирламчи материя], Нури аввал, Нутфаи аввал, олам ва одамнинг вужудга келиши, жавҳар ва араз, нузул ва уруж, коинот ва инсон ўртасидаги мутаносиблик [гармония], жузъ ва кулл, замон ва макон, зоҳир ва

ботин, ўзликни англаш, маърифат, ҳақиқат, ҳаракат ва руҳ диалектикаси каби фалсафий категориялар мавжуддир.

GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY G'OYA TARG'IBOTINI TAKOMILLASHTIRISH-DAVR TALABI

M.Vaxobov, SH.Vaxobova - SAMVMI o`qituvchilari

Hozirgi globallashuv davrida butun Yer kurrasi yagona va yaxlit informatsiya makoniga aylandi, aloxida olingan xar bir shaxs ongiga "yuk bo'lib tushadigan" axborot bosimi avvalgi asrlarga qaraganda nixoyatda og'irlashib ketdi. Atoqli yozuvchi Abdulla Qaxxor bolalik xotiralarida Birinchi jahon urushi boshlangani haqidagi xabar uning qishlog`iga to'rt oy mobaynida yetib kelganini yozgan edi. Bugungi kunda har qanday (odatda -sensatsiyali va taxlikali) xabar yetib kelishiga to'rt soniya kifoya. Axborot oqimi payg'ambar Nux alayxissalom davridagi to`fon kabi jumlai jahonni bosib ketadi.

Quyidagi misollar bugungi kunda OAV qamrov doirasining naqadar kengligini muayyan darajada tasavvur qilish imkonini beradi: BBC eshittirishlar korporatsiyasiga (British Broadcasting Corporation, BBC) 20 dan ortiq telekanal va 14 ta radiokanal, bir qator saytlar va 40 gaqin jurnallar tegishlidir. BBC 40 dan ortik tillarda eshittirishlar olib boradi. Reyter axborot agentligida dunyoning 91 mamlakatida 14 000 xodim, shu jumladan, 2300 jurnalist, fotomuxbir va videooperatorlar ishlaydi. Reyter agentligi dunyoning turli mamlakatlarida 197 ta byurosiga ega. Agentlikning xabarlaridan xar kuni 1 milliard odam tanishadi.

1980 yilda tuzilgan CNN (The Cable News Network) kompaniyasi bugungi kunda 24 soat davomida axborot uzatish bilan shug'ullanadi. Xozirda CHH tarkibida yangilik tarqatish bilan shug'ullanadigan 14 kabel va sputnik kanallari, 2 ta radiostansiya, 6 ta internet sayti va xorijiy mamlakatlardagi 37 ta byuro faoliyat ko'rsatmoqda. CNN yangiliklari 38 ta kosmik yo'ldosh signallari yordamida uzatiladi, uni 212 mamlakat va hududdagi 1,5 milliard odam bir vaqtning o'zida ko'rish imkoniga ega.

Hozirgi axborot inqilobi oldingi davrlarda paydo bo'lgan axborot uzatish usullarining ko'pgina tomonlarini o'zida sintez qilgan zamonaviy kompyuter texnologiyalariga asoslangan Internet kabi xodisalarning paydo bulishi bilan bog'liq.

Ommaviy axborot vositalari bu so'z, obrazlar, musiqa va shu kabi shakllarda axborotlarning tezlikda uzatilishi va ommaviy tarqatilishini taminlashga xizmat qiladi.

Bunday vositalarga ommaviylik, davriylik, tinglovchi yoki o'quvchilar auditoriyasining kengligi kabi xususiyatlar xosdir.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, OAV imkoniyati va qamrovining keskin darajada o'sganini ta'kidlash zarur. Shu nuqtai nazardan biz global propaganda fazosi, maydoni, usul va vositalari to'g'risida fikr yuritishga xaqlimiz. Ammo bu global propaganda umuminsoniy qadriyatlarni mustaxkamlashga xizmat qilmoqdami, yoki, bashariyat ma'naviyatini pasaytirishga urinmoqdami, degan muqobil savolga anik javrob berish mushkul bo'lib bormoqda.

Ikki qutbli duyo 1991 yilga kelib barxam topdi, kapitalizm va sotsializm o'rtasidagi global qarama - qarshilik tugadi. Ammo, inson ongi va qalbi uchun kurash to'xtamadi, tobora kuchayib, zo'rayib bordi. Targ'ibot va tashviqot mexanizmlari yanada takomillashtirildi, yangi g'oyalar va yangi qadriyatlarni targ'ib qilish orqali geosiyosiy maqsadlarga erishish rejalari tuzildi. Ma'naviy jihatdan zararli, zaxarli g'oyalar chiroyli qobiqqa o'rab tarqatila boshlandi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov necha bor ogoxlantirganidek, ma'naviy taxdidlar millatning istiqloli va istiqboli uchun eng katta xatarga aylandi.

Faylasuf olim K.Nazarov ta'rifiga e'tibor beraylik: «Ma'naviy targ`ibot» yurtimizdagi turli millat, ijtimoiy toifa, kasbu korga mansub bo'lgan kishilarni ma'naviy tajovuzlardan ogoxlikka chorlash, mavjud xavf va tahdidlarning moxiyatini anglab yetish, ular haqida jamoatchilik fikrini shakllantirish, eng muhimi, milliy g`oya asosida xalqini birlashtirish, jipslashtirish, yosh avlod ongi va qalbida ezgu g'oyalarga sadoqat tuyg'ularni tarbiyalashga qaratilgan usul va amaliy xarakatlar majmuini anglatadigan tushunicha hamdir. Mazkur ta'rif ma'naviy tahdidlarning oldini olishda shu sohadagi targ'ibot va tashviqotning muhim o'rin egallashini, bu avvalo, muayyan gurux, millat, jamiyat, irq, etnik guruh, hudud xalqlariga ma'naviy tizim va tamoyillarni singdirishga qaratilgan tizimli va maqsadli ma'rifiy faoliyatni ifodalaydigan jarayon ekanidan dalolat beradi.

2013 yil 31 avgust tongida "Shahidlar xotirasi" xiyobonida xalqimizning ozodligi va mustaqilligi yilida qurbon bo'lgan ajdodlarimizni yod etish marosimida O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov jamoatchilik bilan suhbatda "Butun dunyo miqyosida inson ongi va qalbini egallash uchun kurash kuchayib borayotgan xozirgi murakkab bir sharoitda yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik ruhida tarbiyalash, ularni bizga yot va begona bo'lgan turli buzg'unchi goyalar ta'siridan himoya qilish masalasi tobora dolzarb axamiyat kasb etayotgani barchamizga yaxshi ayon. Bugun zamon talab qilayotgan dunyoviy bilimlar bilan birga inson hayotining ma'no va mazmunini anglatadigan ezgulik, mehr-oqibat, bag'rikenglik kabi fazilatlardan saboq beradigan bilimlarni ham puxta o'zlashtirgan odamgina davrimizning keskin va murakkab savollariga javob topa oladi deb ta'kidladi.

O'zbekiston, uning ko'p millatli xalqi erishgan eng katta yutuq-yurtdagi barqaror tinchlik, millatlararo totuvlik va dinlararo bag`rikenglik bo'lsa, buning zamirida, ijtimoiy-iqtisodiy omillar bilan bir qatorda ulardan axamiyati kam bo'lmagan omil-ma'naviyat soxasida olib borilgan oqilona siyosat yotadi.

Ijtimoiy - falsafiy tahlil ma'naviyat sohasi o'z obiyektiv qonunyatlariga, rivojlanishning o'ziga xos tendensiyalariga ega ekanini kursatadi. Ming yillar davomida xar bir xalqning ma'naviyati, umuminsoniyat ma'naviyati bosqichma-bosqich rivojlanib, sayqallanib, yuksalib keldi. Ammo har bir tarixiy davrda yuksak ma'naviyatga nisbatan tajovuzlar, ma'naviy-axloqiy qadriyatlarga nisbatan taxdidlar vujudga kelaverdi, muayyan ijtimoiy- siyosiy maqsadlar ifodasi sifatida turli shakllarda namoyon bo'laverdi.

Hozirgi globallashuv, Birinchi Prezident Islom Karimov "Yukak ma'naviyat yengilmas kuch" asarida qayd etganidek, inson ongi va qalbi uchun kurash

kuchaygan bir paytda mafkuraviy ta’sir ko‘rsatishning kuchli va ta’sirchan quroliga aylandi, ma’naviy tahdidlar yanada kuchaydi. Bunday vaziyatda ma’naviy soha rivojini o’zi bo’larchilikka tashlab qo’yish- mamlakat kelajagi va millatning istiqboli uchun mas’uliyatsizlik, loqaydlik bo’lib hisoblanar edi. Binobarin, ma’naviyatning yuksalishida sub’yektiv omillar-ta’lim-tarbiya tizimini islox qilish, ma’naviy targ’ibot va tashviqot mexanizmlarini takomillashtirish tobora muhim ro’l o’ynashini e’tibora olib, bularni ilmiy-falsafiy tadqiq etish, ma’naviy targ’ibot hamda milliy tarbiyani yanada takomillashtirish uchun nazariy asoslangan, yangi murakkab davr xususiyatlarini hisobga oladigan tavsiya va takliflar ishab chikish o’tadolzarb vazifa bo’lib qolmoqda.

О СВЯЗИ ЧТЕНИЯ С СОЦИАЛЬНЫМ РАЗВИТИЕМ ГОСУДАРСТВА

Г.И.Кубаева, ст.преподаватель СФ ТУИТ

Развитие человечества сопряжено с постановкой и решением различных социальных проблем, возникающих в силу объективных и субъективных факторов, обусловленных приоритетом отдельных форм материальных и духовных интересов.

Конечно же, говорить о том, что у современной молодежи в последние десятилетия снизился интерес к чтению литературы вообще, это есть, по сути, искажение исторической реальности, а именно преувеличение, то есть гиперболизация значения отдельных социальных процессов. Падение интереса к книге у отдельных народов происходил в разные времена, но обязательно в переходный период смены социальных ориентиров социума. Как бы ни складывалась ситуация в целом на момент разрушения отдельных сфер общественной жизни, деградация личности, могут являться как причиной, так и следствием не только деструкции как чаще всего происходит, но и реструктуризации социальных ценностей.

Обзор интернет- литературы позволяет говорить о том, что в отечественной научной литературе научный интерес, а точнее ажиотаж среди большинства ученых вокруг отдельной проблематики каких-либо аспектов социальной жизни возникает по большей части после озвучивания социальных трудностей с трибуны власти непосредственно руководителем страны, будь то Первого или нынешнего Президентов нашего государства. Данное суждение автора данной статьи, конечно же, высказано в надежде на понимание со стороны коллег по науке, упования на культурную толерантность читательской аудитории.

Как бы там ни было, следует признать то обстоятельство, что среди и молодого и большей части старшего поколения людей заметно падение спроса на знание языка и литературы. Это проявляется в различных формах действий личности на уровне речи и поведения. В первом случае следствием незначительного проявления к родному языку и литературе выглядит так: совершение грамматических и орфографических ошибках на письме; скудный

набор употребляемых слов, бедность (а порой и нищеты) лексикона человека; примитивность выбранной тематики разговора беседующих лиц; оперирование на уровне речи малым количеством слов, каждое из которых нагружается в смысловом значении большим содержанием, да еще к тому же зачастую при этом и увеличивается объем этих используемых слов. Последнее в свою очередь, демонстрирует понижение уровня интеллектуальности личности, общества. Данное обстоятельство важно для понимания причины социальных бед, выражающихся на практике, например, в форме применения физической силы в ходе достижения поставленной цели отдельными лицами удовлетворения своих потребностей этим путем, что соответственно влечет за собой появление конфликтов и т.д.

Деструктивная тенденция когнитивной деятельности человека более опасна в случаях с выполнением государственными лицами их прямых обязанностей по выполнению государственных задач. В итоге- парадокс, на практике должностное лицо, служащее в интересах государства по сути разрушает его. Так чиновник меняет смысл моральной базы государственного устройства- веры во власть. А именно, понимание власти как инструмента достижения социального благополучия и прогресса трансформируется в понимание власти как средства достижения благополучия и прогресса исключительно властных лиц. Конечно же, такое социальное явление наблюдается и со стороны лиц с высоким уровнем интеллекта, беда которых в их противоречии с общепринятой моралью. Еще хуже та ситуация, когда представители правоохранительных органов в силу их узкого мыш

ления, малого объема понятий, то есть низкой образованности, но при этом получившей соответственный диплом по специальности, оказываются действительно «дееспособными» в плане принятия решений по реализации прав и свобод человека. Своими противоправными, противозаконными действиями, как ни парадоксально это звучит, они не просто вызывают у остальных людей стресс, и в одних случаях в итоге депрессию, но хуже всего в других- становятся причиной противостояния государству в любой ее форме, в том числе и терроризма со стороны пострадавших людей от бесчинств чиновников государственных ведомств и сотрудников милиции, прокуратуры и суда.

Вышесказанное имеет прямую связь с падением интереса к чтению у молодежи. Так, в случаях когда как ребенок, молодой человек вдруг слышит высказанное вслух недовольство личностной и профессионально-компетентностной малограмотности, безграмотности должностного лица какой-либо ветви власти, то и подобно взрослому он пытается усвоить данную полученную информацию. В итоге, в сознании молодежи может возникнуть ложное представление о том, достижение власти и выполнение должностных обязанностей возможно и посредством низкого уровня образованности человека, да еще и достижения личных целей за счет только власти, пусть и базирующейся на небольшом объеме знаний и моральных, а точнее аморальных принципов. Ассоциация тождества власти (должности) и малограмотности,

безграмотности в отдельных случаях воспринимается как нормальное социальное явление, само собой разумеющееся со стороны приспосабливающихся различного уровня интеллекта лиц в условиях социальной деструкции на фоне увеличивающегося людей мало читающего художественную и научную литературу. В итоге подрастающее, молодое поколение мотивируется чтением малого, узкого круга литературы в целях устремления к обретению власти. Избирательность только к необходимому знанию, порождающаяся под воздействием понимания тождественности власти, финансов и беззаботной радужной жизни постепенно приводит к сегментаризации источников чтения литературы. При этом в большинстве случаев человек, обретший власть и финансы постепенно приходит к минимизации читательской деятельности. Но, только часть успешных руководителей наоборот - расширяет диапазон своего читательского интереса.

Попытки противостояния деструктивным явлениям общественной жизни в лице интеллигенции, как чаще всего, к тому же, если представитель ее одиночка или малая группа, заканчиваются трагически, как показывает история. Религиозно верующие люди же воспринимают разрушение общества как фатум, рок. Надежда на преобразование настоящего и будущего начинает возлагаться на мессию- спасителя общества. И эта мессианская роль уготована, судя по речам всех политических лидеров страны, подрастающему поколению, а именно его читательскому отношению. Доказательством осознания человечеством спасения от собственной катастрофы выступает только чтение, о чем свидетельствует само название таких священных человечеству книг как Веды (с санскр. «знание, знать») или Коран (с араб. «чтение»).

Повышение уровня личностной культуры детей путем чтения приводит к предотвращению социальных деструкций, избегания любых человеческих трагедий в настоящем и будущем времени. Сила знания и морали, как доказывает прошлое, коренным образом меняло общество на всех его уровнях. Социальная пропаганда и реклама образа читающего, мыслящего человека, тем более ребенка, проявление вежливого отношения и заботы к читателю (малого возраста), повышение его статуса в обществе, разработка и демонстрирование художественного и документального образа грамотного ребенка- вот некоторые способы решения повышения культуры чтения в обществе.

ТОШЛАРГА НАҚШ ЭТИБ БИТИЛГАН ДОСТОН

Чориев Норхўжа Кенжаевич- СамТИ ўқитувчиси

Инсоният цивилизацияси ва илмий тафаккури тараққиётидаги энг нодир кашфиёт, бу ёзувнинг пайдо бўлишидир. Ёзув пайдо бўлиши инсонларнинг ҳаётий тажрибалари ва билим сирларини тошлар, темир, ёғоч ва варақларда нақш этиб, китоб шаклида келтириб, келгуси ворисларига қолдириш ва янги тафаккур босқичларининг ривожланишига асос яратди.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримнинг номи «ўқиш», «қироат қилиш» сўзидан олинган бўлиб, унинг биринчи нозил бўлган «Алақ»

сураси «Ўқи!» сўзи билан пайғамбаримиз Муҳаммад [с.а.в] га мурожаат этилган. Ҳадиси шарифда эса, ёшликда олинган билим, тошларга нақш этиб битилган мустаҳкам билим эканлиги, шу билан бир қаторда бир неча сура-ю ҳадисларда «Илм олиш ҳар бир муслиму муслималар учун фарз» эканлиги, «Илмни ўрганинглар, гарчи у Чин [Хитой]-у Мочиндан узоқда бўлса ҳам», «олимнинг илми жоҳилнинг ибодатидан афзал» каби бутун инсониятни илм ва маърифатга даъват этувчи ҳикматли сўзлар келтирилган...

Ҳаким Термизий ёшлигидан Қуръони каримни ёдлаб, китоб мутолаасига шунчалик жазава билан берилиб кетган эканларки, ҳатто оналари у кишининг олдиларига дастурхон ёзиб қўйганларида, ҳам очликка парво қилмасдан, китоб ўқиб турар эканлар. Шунда оналарининг раҳми келиб, у кишининг оғизларига нонни бурдалаб қўйиб, мажбурий ҳолда нон едирар эканлар.

Муҳаммад Жарир Табарий ва Абурайҳон Берунийларнинг маълумотига биноан, маздопарастлик дининг пайғамбари Зардушт Эрон подшоси Гуштасп ҳузурига бориб: - «Мен осмондан Яратувчи ҳузуридан келдим!» деганидан сўнг аввал, уни қабул қилмади, сўнг уни қабул қилиб, дабирлар [ёзувчила-нусха кўчирувчилар] га буюрди, токи у айтган сўзларни ўн икки минг қора мол терисида зарҳал ҳарфлар билан ёздилар. [2: 656] Мана шу китоб Авасто асари бўлиб, у ўзининг «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» шиори билан дунёда шўҳрат қозонди.

Юнон императори Александр Македонский Эронни босиб олганидан сўнг, Эрон халқи қўзғолонлар кўтара бошлайдилар. У устози Аристотелга хат юбориб, бу қўзғолонларни қайдай тинчлантириш мумкинлигини сўрайди. Аристотель уни энг аввало донишмандларни қатл этиш ва кутубхоналарни ёндириш натижасида, халқ саводсиз бўлиб, унга итоат қилиши муқаррарлигини маслаҳат беради. Александр Македонский устозининг маслаҳатига амал қилиб, донишмандларни қатл этиб, Эрон кутубхонаси «Дижи Нипишт» [Ёзув қасри] даги асарлардан Авестонинг илмий-фалсафий ғоялари бор жойларини кўчиртириб, қолган диний қисмларини ўтга ташлашга буюради. Шу тариқа Авесто асари куйдирилди. [3:222]

Сосонийлар подшоси Шопур ҳукмронлиги даврида Эрон подшоси Гунди Шопур илмий маркази - академияси ташкил этилган бўлиб, унда ўттиз жилддан иборат бўлган тиббиёт фанларига оид энциклопедия ёзиб тугатилган.

Сосонийлар подшоси Анушервон Одил - Хусрав I - инсон умрини узайтирувчи ҳаёт суви ҳақида хабар эшитиб, уни излаш мақсадида, Ҳинд мамлакатида умр дарахти борлиги ҳақида хабар топиб, у Барзавейҳ номли донишманд табибни Ҳиндистонга юборади. У мазкур ўлкада ҳаёт дарахтини излаб, топишга ҳаракат қилади. Уни топмаганидан сўнг, бир киши уни Ҳинд мамлакатида бир донишманд борлиги, унинг олдига боришни тавсия этади. Барзавейҳ Ҳинд донишманди олдига бориб, ундан ҳаёт дарахти ҳақида савол беради. Донишманд, унга ҳаёт дарахти ҳинд халқининг ноёб асари «Калила ва Димна» асари эканлиги, уни ўқиган киши узоқ умр кўриши мумкинлигини айтади ва ҳинд донишманди шу китобни Барзавейҳга тақдим этади. У бу асарни Эронга келтириб, паҳлавий тилига таржима қилади. «Калила ва Димна» асари

кейинроқ, араб тилига таржима қилинган бўлиб, ислом мамлакатлари дунёсида ниҳоятда кўп маротаба кўчирилган, қайта ёзилган ва назм тизмасига киритилган.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, юнон императори Александр Македонский ва араб саркардаси Қутайба ибн Муслим Эрон, Хоразм ва Мовароуннаҳр мамлакатига юриш қилганларида, энг аввало донишмандларни ўлдириб, у ердаги кутубхоналарни куйдирганлар.

Марказий Осиё мамлакатларида Исмоил Сомоний раҳбарлигида марказлашган Сомонийлар давлатининг ташкил топиши Эрон ва Турон мамлакатиларида форсий ва туркий тилларнинг истиқлоли, миллий тафаккур, миллий маданият ва миллий мафкуранинг эркин ривожланишига асос бўлди. Бу даврда Сомонийлар давлатининг донишманд вазири Абул Фазл Балъамий ва Абу Абдулло Рудакий ташаббуслари билан Сомонийлар давлатининг маркази ва пойтахти Бухоро шаҳрига Ислом мамлакатларининг турли ўлкаларидан олиму мутафаккирлар даъват этилди ва Бухоро шаҳрида Бағдод академиясидан кўра ҳам нуфузли **«Авонис ул - улум»** [«Илм муштоқлари»] номли академия - илму фарҳангу тамаддун маркази ва **«Саввон ул-ҳикмат»** [«Ҳикмат ганжинаси»] номли шу даврдаги энг буюк кутубхонаси ташкил этилган.

Донишманд вазир Балъамий Рудакийга қадимги ҳинд ахлоқий - дидактик асари «Калила ва Димна» тамсилий китобини шеър риштасига киритишни таклиф этди. Бу ишни Рудакий олий даражада назмга киритиб тугатди. Хусусан шеърият билан ёзилган бу асарда адолат, бурч, виждон, билим олиш ва комил инсон тушунчаларига алоҳида эътибор берилган.

Рудакий ўзининг «Калила ва Димна» номли тамсилий достонининг муқаддимасида билим муқаддас мўъжиза эканлиги ва инсониятни ҳақиқат йўлига раҳнамолик қилиб унинг йўлини чироғдек ёритувчи эканлигини тавсифлаб, бу ҳақида қуйидаги шеърни келтирган:

Одамдан юқори тураркан олам,
Билим оширмоққа муҳтождир одам.
Ақлли кишилар ҳар қайси тилда,
Ҳар қайси замонда, ҳар қайси хилда,
Билимларни тўплаб ҳурмат этдилар,
Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар:
- «Одамлар қалбининг чароғи билим!
Балодан сақланиш яроғи билим!»

Сомонийлар буюк вазири Муҳаммад Балъамий ва Абу Абдулло Рудакий бирга маърифатпарварлик ғоясига юз тутиб, шу даврдаги энг нуфузли ва улкан китобларни Бухоро шаҳрига тўплаб, Бағдод шаҳридаги Байт ул-ҳикмат академиясидан ҳам нуфузлироқ бўлган шу даврдаги энг нуфузли илмий марказ - Сиввон ул-ҳикмат академияси ва кутубхонаси ташкил этиб, унда дунёнинг турли томонларидан энг нодир асарларни келтирган. Шунинг учун Рудакий ўзининг қуйидаги байтида шундай деган:

Имрўз ба ҳар ҳоле Бағдод Бухорост!
Кужо Мири Хуросон-ст, пирўзи он жост!

Мазмуни: Бугун ҳар ҳолда Бағдод Бухоро эрур,

Қайда Хуросон Амири бўлса, ғалаба ва бахт шу ердадур!

Мана шу байтнинг ўзида Рўдакий Бухоронинг нуфузи Араб халифалигининг маркази бўлган Бағдод халифалиги нуфузидан ҳам катта бўлганлигини, Марказий Осиё мамлакатларининг илму фан маркази бўлганлигини ўзи гувоҳи сифатида таъкидлайди.

Шу илмий марказда буюк маърифатпарвар вазир Муҳаммад Балъамий, Абу Абдулло Рўдакий, Шаҳид Балхий, Абу Наср Форобий, Наршахий, Абушакур Балхий, Абу Али ибн Сино ва бошқа буюк шоиру олимлар фаолият юритганлар.

Машҳур табиб Абу Али ибн Сино [980-1037] Сомонийлар подшоси Нўҳ ибни Мансур Сомонийни даволаб, подшоҳ даволаш эвазига ундан бирон бир хизмат сўраганида, буюк табиб, подшоҳдан фақат Сомонийлар кутубхонаси «Сиввон ул-ҳикмат» кутубхонасига кириб, ундаги китобларни мутолаа қишишга ижозат сўрайди. Ибн Сино мазкур кутубхонада кириб, унда дунёдаги энг ноёб асарлар, ҳали кўзи кўрмаган ва қулоғи эшитмаган китобларни турли тилларда, араб, чин [хитой] ҳинд, юнон, рим, лотин, форс ва бошқа тилларда мавжуд эканлигини таъкидлайди.

Сомонийлар давлати таназзулга юз тутиб, унинг ўрнида Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлати ташкил этиши ва қонли урушлар вақтида, ана шу кутубхонанинг куйдирилиши вақтида, Ибн Сино шу кутубхонани олов оғзидан қутқариб қолишга уриниб, ҳатто олов ичига кириб, нодир китобларни қутқармоқчи бўлади.

Аммо!... Афсус!... Мана сизга олимлик энтузиазми!...

Шунинг учун тириклик вақтида Ибн Сино «Бухоро кутубхонаси» деган номга сазовор бўлган.

Бундан ташқари, Ибн Сино Аристотелнинг «Метафизика» асарининг араб тилида таржима қилган нусхасини қирқ маротаба ўқиб, уни тушунмаганлиги, кейин Абу Наср Форобийнинг Аристотелнинг «Метафизика» сига шарҳини ўқиб, шу орқали Аристотель асарларини тушунганини таъкидлашиши, бу китобхонлик маданиятининг энг олий кўриниши ҳисобланади.

Ҳозирги даргача қайси одам диний олимлардан ташқари, битта китобни қирқ маротаба ўқийди?! Бир маротаба диққат ва эътибор билан ўқишининг ўзи кўпчиликка муаммо!...

Ибн Синонинг замондоши Шайх Абу Сайид Абулхайр инсон илми унинг кўкрагида, юрагида жойлашган бўлишини кераклигини айтган:

Бу Марказий Осиё Илк Уйғониш даври тараққиёти тарихининг олтин варақларидан бир лавҳаси эди, халос.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий китобни инсоннинг ёлғизлиги вақтидаги энг яқин дўсти, билимдонлик тонгининг ёритгувчиси сифатида таърифлайди:

Мазмуни:

Ёлғизлик бурчагидаги сирдошинг китобдир,
Донолик тонгининг ёритгувчиси китобдир!
Сенга бемузд ва миннатсиз Қуёш бўлиб,

билимдан ҳар нафасда савоб инъом этади.

Асрлар давомида бутун дунё тарихида хаёли хом императорлар ва подшоларнинг жангу жадаллари натижасида ниҳоятда кўплаб кутубхоналар ва китоблар куйдирилди. Бу борада ниҳоятда кўплаб илмий - тарихий далилларни келтириш мумкин!

XV аср форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси, шоир ва мутафаккир Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарида ёзишича: бир киши Тоҳирийлар давлатининг амири Абдулло ибни Тоҳирнинг ҳузурига «Вомиқ ва Узро» достонини форсий тилда келтириб, унинг моҳияти ва маъноси ҳақида гапириб берганида, у Қуръон ва ҳадис илмлари бор жойда, бу асарларни ўқишга эҳтиёж борми?! - деб араб тилидан бошқа тилларга ёзилган ёзув ва адабиётларни сув ва оловга ташлаб куйдириш кераклигини буюрган экан.

XVII аср Ҳиндистон форс-тожик мумтоз адабиётининг йирик шоираси Зебунисо ўзининг «Шашмақом» нинг машҳур қўшиғига айланган ғазалининг авжида қуйидаги байтни айтган бўлиб, унинг маъноларини тушунадиган киши ундан шунчалик қаттиқ маънавий таъсир оладики, уни сўз билан ифодалаш ниҳоятда қийин:

Китобхонаи олам варақ - варақ жустам,
Хати ту дидаму гуфтам, ки: - «Муддао ин жост!»...

Мазмуни:

Дунё кутубхонасидаги китобларни варақ-варақ изладим,
Сенинг ёрган хатингни кўриб айтдим: - «Муддао [мақсад] шу ерда!».

XX аср жаҳон адабиётининг йирик вакили, Лотин Америка халқининг буюк ёзувчиси Хорхэ Луи Борхес қадимги даврда Чин императори Ван Чун кутубхоналарни ёндиришга буйруқ берганлиги, кутубхона ойлаб- йиллаб ёниб турганлигини таъкидлаб, унинг машъум кирдикоридан нафратланиб, ҳасрат билан шундай деган: «Ҳали ҳанузгача кутубхона тутунининг ҳиди менинг тамоғимга келиб туради!»

Борхес дунёни кутубхонага ва инсонни китобга ўхшатади. У ҳар куни кутубхонага кирганида, худди бутун Коинотга - Дунё ичига саёҳат қилгандек бўлганлигини тасвирлайди.

XX асрнинг бошида Марказий Осиё халқлари яна дунёдаги энг катта фожиавий тарихий даврни бошдан ўтказди. Бу даврда Марказий Осиё мамлакатлари Россия подшолиги томонидан босиб олинди ва XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб Марказий Осиё мамлакатида инқилоб бошланиб, собиқ Шўролар ҳукумати топшириғи биноан халқимиз қўлидаги диний китоблар тортиб олинди, Москва ва Санкт-Петербургга юборилди, баъзи жоҳил одамлар топшириғи мувофиқ тупроқларга кўмилди, дарёларга ташланди ва куйдирилди ва ҳо казо!...

Марказий Осиё давлатларининг мустақиллик даврига эришиши уларнинг янги давр маърифатпарварлик даври ва янги тараққиёт босқичининг вужудга келиб ривожланишига имкониятлар яратди.

Ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг китобхонлик маданиятига катта ва жиддий эътибор берганликларининг асосий сабаби ҳам, мана шу

Марказий Осиё мамлакатлари тарихида халқимиз бошидан ўтган турли тарихий фожеаларни тарихий сабоқ сифатида таҳлил қилиб, улардан ижобий хулосалар чиқариб, ёшларимиз онгига синдириб, уларнинг маънавият пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида, ҳеч қачон хатога йўл қўймайдиган халқимизнинг асл фарзанди қилиб тарбиялашдан иборат.

ИМАМ АЛЬ-БУХАРИ-ВЕЛИКИЙ ХАДИСОВЕД-ГОРДОСТЬ УЗБЕКСКОГО НАРОДА И ВСЕГО МУСУЛЬМАНСКОГО МИРА

Муртазаев У.М.- Преподаватель СамИСИ

На протяжении многих веков древнаяя земля Узбекистана оставалась очагом просвещения и науки, одним из центров мировой цивилизации, а стремление к знаниям всегда являлось неотъелемой частью менталитета нашего народа.

Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым на 72 сессий Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных наций, состоявшегося 19 сентября 2017 года было отмечено: “Важнейшей задачей мы считаем доведение до широкой мировой общественности подлинно гуманистическую суть Ислама. Мы чтим нашу священную религию как средоточие исконных ценностей. Ислам призывает нас к добру и миру, сохранению подлинно человеческого начала. Хочу особо отметить бесценный вклад в развитие исламского и мировой цивилизации целой плеяды ярких представителей Центральноазиатского Ренессанса. Одним из них-Имам Бухари, признан во всем мире в качестве автора второй по значению в Исламе после Корана книги-Сахих аль-Бухари”.

В первое столетие существования религии Ислам, воспринятого населением нашей страны все большое значение стала приобретать Сунна-мусульманское священное предание, составленное из хадисов. Хадис-это рассказ, содержанием которого служит какое-нибудь действие пророка Мухаммада или его изречение, сказанное по тому или иному поводу.

В суннитской среде было признанно что шесть тематических сборников содержат достоверный материал и могут считаться основными источниками Сунны, которые приобрели значение священных книг. Из шести таких сборников сунны наиболее авторитетным до сих пор признается “ Аль-Жомиъ-ас –Сахих”-(Достоверный сборник) аль-Бухари.

Аль-Бухари-выдающийся мусульманский богослов, непревзойденный знаток и толкователь хадисов, родился в 810 году в Бухаре. Он был проницательным, умным, с раннего возраста прявлял интерес к знаниям, к различным отраслям наук, но с особым интересом изучал науки о хадисах-преданиях о пророке Мухаммеде и его изречениях. В 16 лет он уже знал наизусть известные книги, посвященные хадисам. Затем ал-Бухари вместе с матерью и братом уезжает в Мекку, чтобы посетить святые места. Там он надолго обосновывается, собирая изречения пророка Мухаммеда.

В 18 лет аль-Бухари пишет книгу под названием “Тарих”, где было собрано множество хадисов. Для продолжения сбора хадисов ученый много путешествовал-побывал в Сирии, Египте, Басре, Куфе, Хиджасе. Из собранных 600 тысяч хадисов автор счел истинными и включил в свой труд 7 тысяч 250 хадисов. Новые хадисы он включает в свою книгу “Ал-Жомеъ-ас-Сахих” которая в последствии стала одной из фундаментальных книг в исламском мире.

Великие учёные-богословы исламского мира признавали её как самую выдающуюся книгу после Корана. Книга ал-Бухари, после тщательного критического изучения известными мусульманскими улемами –богословами, не претерпела никаких изменений и единогласно была признана всеми мухаддисами лучшей книгой по хадисам. За глубокое знание хадисов ученые присвоили ему звание “Имам ал- Мухаддисин” (Глава всех знатоков хадисов).

По возращению на родину Аль-Бухари начал заниматься преподавательской деятельностю, обучая своих учеников хадисам. Но недруги и завистники, видя, что популярность ал-Бухари в народе растет с каждым днем, оклеветали его перед эмиром Бухары Халид ибн Ахмедом аз-Зухали, после чего ученый был вынужден покинуть Бухару и переселиться в кишлак Хартанг близ города Самарканда. Прожив здесь недолгое время у родственников, он тяжело заболел. 1 сентября 870 году Аль-Бухари скончался и был похоронен в этом кишлаке. Имам ал-Бухари оставил после себя богатое наследие. Ему принадлежат более 20 трудов. Основным сочинением аль-Бухари является “ Аль-Жомеъ ас-Сахих”.

В 1998 году в Узбекистане широко отмечался 1225-летний юбилей Ал-Бухари. На месте, где похоронен мухаддис, был сооружен величественный мавзолей. 23 октября 1998 года состоялось церемония открытия памятного комплекса Имама Аль-Бухари, на котором выступил первый Президент нашей страны И.А.Каримов «Хазрат Имам аль-Бухари-это гордость не только узбекского народа, но и всего мусульманского мира. Жизнь этой святой личности в прямом смысле является примером научного и человеческого героизма, несгибаемой воли, символом негасимой убежденности. Наш великий соотечественник оставил человечеству несравненное наследие, сборник самых достоверных хадисов “Ал-Жамиъ-ас-Сахих”, который считается вторым источником после Корана в исламском мире. По убеждению мусульман всего мира, это самая великая книга, созданная человечеством. Вот уже двенадцать веков, как эта книга, освящая лучами благородства сердца людей, призывает их на праведный и благородный путь. Благодарение Всевышнему, что в результате обретения независимости в нашем крае возрождаются имена таких великих предков, как Аль-Бухари. Бессмертное наследие мыслителя входит в каждый дом нашего соотечественника, озаряет наше сознание и мышление. Очищает наши средца благородными лучами, чувством любви и дружбы».

Мысли Аль-Бухари о щедрости, об уважении к родителям, оказания почестей старшим, помощи сиротам, любви к Родине и других общечеловеческих ценностях, изложенные в собранных им хадисах, и поныне

не утратили своего значения. Аль-Бухари служит для потомков образцом скромности, трудолюбия, последовательности, преданности к науке, верности к Родине, служению народу.

В целях сохранения и изучения его богатейшего насления, распространения его учения о просвещённом Исламе правительством нашего государства было принято решение об организации в Самарканде Международного научно-исследовательского центра имени Имама Бухари.

Выбор места размещения Международного научно-исследовательского центра имени Имама Бухари при Кабинете Министров а рядом школы хадисоведения мотивирован ролью Самарканда как одной из жемчужин мусульманской культуры, а также особой духовно-нравственной атмосферой селения Челек, где расположено место упокоения великого мыслителя мусульманского мира-Имама аль-Бухари.

Инфраструктура центра включает административно-исследовательское здание, рабочие кабинеты, информационно-ресурсный центр, депозитарий для хранения рукописей, реставрационная лаборатория, экспозиционный зал, большая аудитория для проведения конференции, симпозиумов, в том числе международных а также видеоконференций в режиме онлайн.

В организационной структуре центра Совета попечителей из числа авторитетных отечественных и зарубежных улемов, общественных деятелей, меценатов. Консультативный совет будет курировать специализированные отделы по исследованиям и публикациям, духовности и просветительству, международному сотрудничеству информационным технологиям и ресурсам.

Создание Междуродного научно-исследовательского центра Имама Бухари показывает на сколько значимая по масштабам и содержанию работа проделана за последние два года в Республике в соотвествии с принципом “Просвещение и религиозная толерантность”. Особое внимание уделяется защите сознания и мышления молодежи от деструктивных идеологий. При этом в образовательных и воспитательных процессах широкое применение находят идеи подлинной миролюбивой, толерантной созидательной и гуманистической сути ислама.

MILLIY G`OYA TARG`IBOTI SAMARADORLIGINI TA`MINLASHNING MUHIM OMILI

M.Vaxobov, SH.Vaxoboba - SAMVMI o`qituvchilari

Insoniyat tarixiy taraqqiyotining hozirgi bosqichi dunyo xalqlari hayotida g`oyat jiddiy ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, huquqiy, ma`naviy-madaniy o`zgarishlar, ular bilan bog`liq g`oyaviy - mafkuraviy ziddiyatlarning tobora kuchayib borayotgani bilan xarakterlanmoqda. Bunday sharoitda dunyodagi har bir inson, millat, jamiyat va davlat hayotida tinchlik va barqaror taraqqiyotni ta`minlashga xizmat qiluvchi omillar tizimida ruhiy-ma`naviy omillarning ahamiyati ortmoqda. Ya`ni Birinchi Pirizidentimiz I. Karimov takidlaganlaridek, ,,Bugungi kunda biz, ertaga nima bo`lishini oldindan aytib bo`lmaydigan, ko`p jihatdan noaniq, beqaror bir zamonda

yashayotganimizni hisobga olgan holda, avvalo xalqimizning o`z kuchiga bo`lgan ishonchi, iymon-irodasini yanada mustahkam qilish haqida o`ylashimiz kerak ‘’. Bu boradagi ishlarda jamiyatimizda amalga oshirilayotgan g`oyaviy targ`ibot va tashviqot alohida o`rin tutadi. Shuning uchun ushbu yo`nalishdagi nazariy va amaliy masalalarni keng ilmiy tadqiq etish, xususan bunda milliy g`oya targ`iboti samaradorligini ta`minlovchi omillar mohiyatini atroflicha yoritish muhim ahamiyatga ega.

Darhaqiqat, har bir ijtimoiy makon va tarixiy zamonda o`z xalqi kelajagini o`ylagan mamlakatda g`oyaviy targ`ibot-tashviqot izchil yo`lga qo`yilib, aholi davlat tomonidan olib borilayotgan siyosatdan va jamiyatda amalga oshirilayotgan o`zgarishlardan ma’lum darajada xabardor qilib borilgan. Bu esa odamlarni birlashtirish, umum milliy maqsadlar yo`lida safarbarlikni taminlab, davlat va jamiyat taraqqiyotiga erishishdek ezgu maqsadlarga xizmat qilgan. Dunyoning yetakchi davlatlarida targ`ibot va tashviqotdan foydalanish va umuman targ`ibot vositasida mavkuraviy ta’sir ko`rsatish o`ziga xos industriya darajasiga ko`tarilgan .AQSH hukumati o`z faoliyati targ`ibotiga yiliga 2,5 mlrd dollar, Fransiya ham hukumati o`z siyosatini tushuntirishga 100 mln. Frankni sarflaydi. Mazkur ma’lumotlar o`tgan asrning 80-yillariga tegishli bo`lib, keyingi davrlarda jahon mamlakatlarida bunday xarakat va xarajatlar yanada ortib borayotgani, g`oyaviy targ`ibot va tashviqotga e’tibor kuchaygani kuzatilmoqda.

G`oyaviy targ`ibot va tashviqot jamiyatda amalga oshiriladigan ma’naviy-ma’rifiy faoliyatining o`ziga xos shakli bo`lib, uning predmeti, maqsadi va vazifalarida kishilarda muayyan g`oya, qarash va ta’limotlarga doir bilim xamda ishonch-etiqotni shakllantirish asosiy o`rin tutadi. Shunga ko`ra fuqarolarimizda milliy g`oya to`g`risidagi haqqoniy bilim bilan unga nisbatan mustahkam ishonch-etiqotni, aniqroq qilib aytganda, mafkuraviy e’tiqotni shakllantirish jamiyatimizda amalga oshirilayotgan g`oyaviy targ`ibot va tashviqot samaradorligini belgilovchi muhim omillaridandir.

Bu o`rinda mafkuraviy e’tiqod jamiyatdagi kishilar, turli ijtimoiy guruh, birlik va toifalar faoliyatini tartibga solib, aniq maqsadlarga yo`naltiruvchi g`oyalarga qattiq ishonchdan iborat ruhiy-ma`naviy kuchdir. U ma`lum bir ijtimoiy g`oyalarning kishilar uchun ruhiy-ma`naviy hayot tamoyillariga aylangan holatidir.

Mafkuraviy e`tiqodning shakillanishi o`ziga xos ijtimoiy asos va omilarga bog`liq bo`lib, bunda g`oyalarga, undagi maqsad va orzu-ideallarga ishonch alohida o`rin tutadi. Ya’ni, umuman, g`oyalarning haqqoniyligiga va ularning ro`yobga chiqishiga bo`lgan ishonch har qanday mafkuraning hamda u bilan bog`liq barcha xususiyatlarning shakllanishida asosiy rol o`ynaydi. Shunga ko`ra, mafkuraviy e`tiqodni ijtimoiy hayotdagi obyektiv va subyektiv omillar ta`sirida shakillanadigan, kishilarning ongi va qalbida ma`lum g`oyalar haqidagi bilim-tasavvurlarga asoslangan hamda ana shu g`oyalarni ro`yobga chiqarishga bo`lgan mustahkam ishonchdan iborat ruhiy-ma`naviy hodisa sifatida tariflash mumkin.

Mafkuraviy e`tiqod o`ziga xos tarzda, turli bosqich daraja va ko`lamlarda, ijtimoiy ong va ruhiyat bilan uzviy bog`liq holda shakllanib, rivojlanadi. Ijtimoiy ong va ruhiyat mafkuraviy e’tiqodning individual va ijtimoiy darajalarda, faol-konstruktiv

yoki passiv-konservativ xarakterda rivojlanishini belgilaydi. Shunga ko`ra kishilardagi g`oyaviy bilim-tasavvurlar bilan ruhiy-emotsional xislatlarning uyg`unligi mafkuraviy e'tiqodning mazmunida muhim o'rin to'tadi. Bu o`rinda mafkuraviy e'tiqodda g`oyaviy bilim emotsional-rihiy xususiyatlar bilan birlashib, ijtimoiy-ma`naviy ehtiyoj va manfaat talablariga mos keladigan ishonchga aylanadi. Ishonch, shu ehtiyoj-manfaat va amaliy tajribadan kelib chiquvchi maqsad, orzu-intilishlarga nechog`li mos kelishiga qarab e'tiqodga aylanadi, yoki aksincha. Ayni mana shu hol mafkuraviy e'tiqodni va unga asoslangan mafkuraviy immunitetning shakllanib, rivojlanishi hamda ijtimoiy hayotga o`ziga xos ta'sir ko`rsatishida muhim o`rin tutadi. Binobarin, jamiyatdagi umumiy maqsad, orzu-ideallarga va ularni ro`yobga chiqarish yo`llariga xalq ishonchini shakllantirish-milliy mafkurani rivojlantirish va undagi g`oyalarni amalga oshirishning muhim shartidir.

Yuqoridagilardan kelib chiqib aytish mumkunki, bugungi kunda xalqimizning asosiy maqsadi-yurtimizda ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot barpo etish bo`lib, kishilarimizda ana shu ulug`vor ezgu g`oyani ro`yobga chiqarishga bo`lgan mafkuraviy ishonch-e'tiqodni shakllantirish eng muhim vazifalardandir. ``Milliy g`oya xalqning ishonch-e'tiqodiga aylansa, u o`zining kutilgan samarasini beradi,- deb yozadi professor S.Mamashokirov. Shuning uchun ham ishonch-etiqod masalasi milliy g`oyada muhim mezon hisoblanadi.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, g`oyaviy targibot va tashviqot ishlari samaradorligini ta'minlashda el ichida obro'-e'tibori baland kadrlarning faoliyati ko`proq ahamiyat kasb etadi. Bunday kadrlarning mavqey-martabasi, yetakchilik salohiyati qanchalik yuqori bo'lsa, kishilarga shu qadar ko`p va kuchli g`oyaviy ta`sir o`tkazadi.

Odamlar obro'li kishilarning fikr-qarashlari, g`oya va mafkuralariga qarab, ijtimoiy munosabatlar ma'zmunini, umum alq ma'nfaatlari va maqsadlarini tushunadi, ularning amaliy faoliyatlarini kuzatib, jamiyat taraqqiyoti qonuniyatlari va davlat siyosati haqida xulosalar qiladi. Lo`nda qilib aytganda, el hurmat qiladigan odamlarning aytayotgan gaplari va qilayotgan ishlari kishilarda milliy g`oya va mafkuraga nisbatan ishonch-e'tiqodning shakllanishiga ko`proq ta'sir ko`rsatadi. ``Odamlar har qanday rahbarni birinchi galda uning faoliyati, ishining amaliy natijasiga qarab baholaydi. Quruq savlat va balandparvoz gaplar bilan emas, faqat shu hisobidan rahbar obro' topishi, hurmat qozonishi mumkin``.

Shu bois milliy mafkurani keng jamoatchilik ongiga singib, xalqchillashishi va sog`lom ishonch-e`tiqodga aylanishi uchun kadrlarning faoliyatiga alohida e'tibor qaratilishi zarur. Ularning milliy g`oyaga nisbatan munosabatlarida turli xil manfaatlar emas, ishonch-e'tiqod ustun turishi lozim. G`oyalarning haqqoniyligi va ularni ro`yobga chiqarish usul-vositalarning to`g`riligiga ishonch-etiqod shu tariqa shakllanishi mumkin. Aks holda, olimlar ta'kidlaganidek, bu sohadagi barcha ishlar hayotdan ajralib qolishi, g`oya va mafkura haqida aytilayotgan so`zlar, salmoqli fikrlar, o`tilayotgan darslar, yozilayotgan kitoblar va umuman, bu boradagi hamma ishlar qanchalik asosli, o`rinli, dolzarb bo`lmasin, ularning bari odamlarga havoyi gaplar bo`lib tuyulishi muqarrar.

Ayni paytda, milliy g`oya xalq ishonch-etiqodiga aylanib, ularda mafkuraviy immunitet rivojlanishi uchun jamiyatdagi kishilarning mafkuraga amal qilishini rag`batlantiruvchi stimul-rasmiy siyosiy, huquqiy asos va shart-sharoitlar bilan bog`liq real ijtimoiy muhit, mexanizm-ruhiy-ma`naviy motiv ham bo`lishi lozim. Chunonchi, jamiyatda ma`naviyat va ma'rifatning ijtimoiy-siyosiy maqomi hamda madaniyatli kishilar mavqeining baland bo`lishi, o`z kuchi va bilimiga tayanib yashaydigan sog`lom mafkuraviy e'tiqodli kadrlarning qadrlanishi, umuman milliy taraqqiyot konsepsiyasidagi tamoyillarning hayotda to`la amal qilishi kabi omillar ana shunday motiv-mexanizm bo`ladi.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАДАНИЯТ, АМАЛИЙ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ РИВОЖИ

Амир Мустафаев–СамДУ 4-курс талабаси;
Жафар Мустафаев – СамИСИ, Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси;
Урунова Нозима – СамВМИ, Агроиқтиодиёт ва бухгалтерия хисоби кафедраси ўқитувчиси

Амир Темур ва темурийлар даврида илм фан, маданият, ижтимоий сохалар билан бир қаторда тасвирий санъатнинг бир неча йўналишлари кенг тараққий этди. Ўрта Осиё қадимдан маданият ўчоғи сифатида ўзининг бой қадриятлари ва анъаналарига эга ҳудуд ҳисобланади. Шунингдек, деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат анъаналари Амир Темур даврида янги шакл ва мазмунда янгидан уйғонди. Айниқса, маданият ва санъатнинг ўзига хос шакли сифатида миниатюра санъатига ҳам аввало, наққошлик санъати сифатида қаралган. Темурийларнинг маърифатпарвар сиёсати ва хомийлиги остида турли шаҳарларда халқ амалий санъати, хаттотлик, рассомчилик, кулолчилик каби маданий сохаларнинг ривожланиши ўша давр ижтимоий-маданий муҳитининг яққол акс эттиради. Шунингдек, Самарқанддаги темурийларнинг сарой, қароргоҳларида қабул маросими, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар бўлган. Уларда Амир Темур, ўғиллари, набиралари, аёллари ва канизаклари тасвири акс эттирилган. Улуғбек расадхонаси деворида ҳам деворий суратлар мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, услубий жиҳатдан миниатюра жанрига яқин бўлган. Хусусан, ўша давр манбашунослари ва мутафаккирларнинг фикрига кўра Уйғониш даври иккинчи тўлқини жуда катта потенциал билан балқиб чиқди. Абдураҳмон ас-Суфийнинг фалакиётга оид асарига ишланган бир суратда Андромеда юлдузлар туркуми чочлик аёл қиёфасида тасвирланади. Расадхонада эса тўққиз фалак кўриниши, етти гардиш, етти ёритқич юлдуз даража, вақт бўлимлари, Ер юзининг етти иқлими тасвирланган. Амир Темур даврида қурилган Ширинбека оға, Бибихоним, Туман оға ёдгорлик мажмуалари наққошлик ва хаттотлик билан бирга, тасвирий санъат ва маданият намуналарининг ноёб кўринишидир. Ширинбека оға мақбарасида рангли тасвир кўп бўлса, қолган икки бино деворларида оқ ва мовий рангдаги исломий нақшлар тасвирланади. Ҳаттотлик санъати тараққий этди, XV асрда аньанавий куфий, насҳ, девоний хатлари

қаторида пештоқларни безовчи сулс ва тезкор-настаълиқ услублари ривожланди. Ноёб қўлёзма асарлар кўчириладиган махсус устахона китобатчилик, шунингдек ноёб дурдона асарларнинг вужудга келишига имконият яратди. Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра мактаби ташкил топди. Бу даврдаги етакчи мусаввир Хожа Абдулҳай Наққошдир. Ҳозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сақланаётган хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, улар алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиқлар уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темур ҳаётлик вақтида қиёфаси акс этган миниатюралар ҳали топилмаган. Асл ҳолатига яқин суратлар «Зафарнома»нинг дастлабки кўчирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча ёрқинроқ қиёфаси Ҳиротда (1467 й.) кўчирилган «Зафарнома»да келтирилади. Дастлаб Мирак Наққош бошлаган ва Камолиддин Беҳзод якунлаган ушбу миниатюралар тарҳининг мураккаблиги ва сержило рангларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради. Шарқ миниатюраси ва амалий санъатининг тараққиёти бадиий адабиётнинг ривожи билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар кўпинча Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий, сўнгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлашган. XIV асрда Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг «Жомеъ ут-таворих» тарихий асарига ҳам миниатюралар ишланган. Бу анъана темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Хотифийнинг “Темурнома” каби асарларида жанг лавҳалари тасвирланади. Айрим ҳолларда диний асарларга ҳам Макка ва Мадина каби муқаддас жойлар тасвири туширилган. Бадиий асарларнинг баъзиларида Муҳаммад пайғамбарнинг (муборак юзлари ниқоб билан тўсилган ҳолда) одамлар орасида турган ҳолатлари ва меърожга чиқишларига оид лавҳалар учрайди. XV аср миниатюраларининг аксариятида Шарқ шеъриятининг қаҳрамонлари Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, Искандар, Баҳром билан боғлиқ жанг лавҳалари тасвирланади. Умуман миниатюра санъати мусулмон Шарқининг Ироқ, Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудида муайян бир даврнинг ўзига хос бадиий - эстетик ҳодисаси эди. Бу санъат темурийларнинг ҳомийлик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, Исфаҳон, Шероз, Табриз, Ҳирот, Самарқанд, Деҳли каби марказий шаҳарларда илғор миниатюра мактаблари вужудга келди. Самарқанд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида шаклланган бўлиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шарқий Туркистон санъатига хос бўлган туркона тимсолларда хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради. Самарқанддаги сарой мусаввирлари Хожа Абдулҳай Наққош ва унинг шогирдлари Шайх Маҳмуд Талилий, Пир Аҳмад Боғи Шамолий, Муҳаммад бин Маҳмудшоҳ ал - Ҳайём, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмларда нозик, ранглар усталик билан қўлланган. Ушбу миниатюралар темурийлар даврига хос ов-шикор мавзуида яратилган. 1420 йилдан кейин Бойсунғур Мирзо Ҳиротда кутубхона, ҳаттотлик ва наққошлик устахонасини ташкил қилгач, бу рассомларнинг айримлари (Масалан, Маҳмудшоҳ ал - Ҳайём) Ҳиротга кўчиб

ўтади. Хожа Абдулҳайнинг тарихий асарларга (“Зафарнома”) ишлаган миниатюраларида Амир Темур ва темурийларнинг қиёфаларигина акс этса, баъзи бадиий асарларга ишлаган расмларида ҳам улар турли ҳолатларда тасвирланади. Халил Султон даврида ишланган айрим миниатюралар муҳим тарихий ҳужжат бўлиши билан бирга, бадиий жиҳатдан ўзига хос «сиёҳи қалам» услубида ишлангани билан ажралиб туради. Амир Темур ҳаётлик даврида унинг сарой деворларида шоҳ ва шаҳзодалар бор бўйича тасвирланган. Ҳақиқий портрет жанрини Камолиддин Беҳзод шакллантирган. Амир Темур ва темурийларнинг қиёфалари тасвирланган кўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Уларнинг аксариятида расм чизилган давр ёки рассом, жой, мактаб кўрсатилмаган. Бироқ бу миниатюраларда нур сочиб турган қуёшсимон шернинг боши тасвирланган туғ - Амир Темур асос солган рамз-унинг саройи пештоқида, Халил Султон ва Улуғбек зарб қилган тангаларда учрайди. Шунингдек, табиат тасвирида тўқ яшил ва жигаррангнинг кўплигидан, кийимлар туркий миллатга хос бўлганлигидан бу миниатюраларни Самарқанд миниатюра мактабига мансуб дейиш мумкин. Чунки, Ҳирот ва Шероз миниатюралари қаҳрамонларининг кийимлари бошқачароқдир. Самарқанд миниатюра мактаби вакиллари композиция яратиш ва манзара тасвирида маҳоратлироқ бўлишган. Мирзо Улуғбек даврида машҳур бўлган ҳаттот ва мусаввир, обивардлик Султон Али Бовардий миниатюралари чизиқларнинг кескинлиги, рангларнинг ёркинлиги билан ўзига хосдир. Самарқанд мактабига хос бўлган 18 та миниатюра Низомийнинг «Хамса» асарига ва 49 та миниатюра «Шоҳнома» асарига ишланган бўлиб, улар ҳозир Туркиянинг Тўпқопу сарой кутубхонасида сақланади. Абдураҳмон ас-Суфийнинг «Силжимас юлдузлар рўйхати» асарига ишланган миниатюраларда хариталар қизил ва қора доиралар билан, катта ва кичик юлдузларнинг ўринлари кўрсатилган бўлиб, ранг бермай, қора сиёҳда график тарзда чизилган. Юлдуз туркуми оддий халқ вакили қиёфасида тасвир этилади. Шарқ миниатюрачилигида оддий халқ ҳаёти мавзуи айнан темурийлар даврида пайдо бўлган. Масалан, «Самарқанд масжидини қуриш», «Искандар деворини бунёд этиш», «Кўчманчилар турмуши», «Жамшиднинг оддий халққа ҳунар ўргатиши” мавзуидаги миниатюралар бунга мисолдир. Темурийлар даврида маданият ва амалий санъатнинг юксалиши бадиий ҳунармандчиликнинг турли шаклларида ҳам намоён бўлди. Уларнинг айримлари меъморчилик билан, баъзилари кошинкорлик, ёғоч ва тош ўймакорлиги билан, баьзилари амалий санъат билан ҳам боғлиқ эди. Қабртошларга қисман исломий ўсимликсимон, асосан геометрик нақшларда ҳаттотлик намуналари билан сўзлар битилган. Бу ёзувлар чуқур, қуйма ўйиқларда битилган. Қабртошлар сағана ёки супа шаклида бўлиб, маҳаллий хом ашё - бўз рангли мармардан, айрим ҳолларда ўта ноёб тошлардан ишланган. Ёғоч ўймакорлигида Гўри Амир, Шоҳизинда, Яссавий мақбаралари эшиклари, шунингдек, XV асрга оид уй устунлари ўймакор нақшлар билан ишланган. Бу даврда металл ўймакорлиги (кандакорлик) тараққий этади. Буюм ва идишлар зарҳал бронза, латун, қизил мисдан ишланган. Нақшлар ўйиқ ва бўртма усулда, қимматбаҳо тошлар қадалиб тайёрланган. Яссавий

мақбарасидаги улкан шамдонлар, айниқса, икки тонналик қозон бронза қуйиш санъатининг энг юксак намунасидир. Амалий санъатнинг кулолчилик тури учун яшил, зангори тусдаги ёрқин сир устига содда ўсимликсимон нақшларни қора бўёқлар билан тушириш ёки уюрма гуллар ишланиши, бу даврда пайдо бўлган оппоқ садафдек идишларга шаффоф сир устидан кобальт ёрдамида нақш берилиши янгилик бўлди. Сопол буюмлардаги нақшлар мўйқаламда чизилган. Олдинги асрларда сопол буюмларига нақшлар чизишган, темурийлар даврига мансуб чиннисимон сопол буюмларда кулол-рассом турли услубда оч ҳаворангдан то ложувардга қадар рангларни қўллайди. Бу даврнинг амалий санъат турларидан тўқимачилик, гиламдўзлик, каштачилик юксак санъат даражасига кўтарилди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда Темурийлар даврида маданият юксак ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Мовароуннаҳр ва Хуросондаги маданий тараққиётнинг тамал тоши буюк соҳибқирон Амир Темур томонидан қўйилди. Ҳозирги замон фани Амир Темур ва темурийлар даврини ҳақиқий Ренессанс – Уйғониш даври деб эътироф этмоқда. Зеро, бу даврда ўтмиш даврлар тажрибаларини ижодий ўзлаштиришга ва янгича ёндашувларга, олимлар, меъмор ва ҳунармандлар, миниатюрачи рассомлар, шоирлар, мусиқачилар, янги давр томоша санъати вакиллари олдида турган масалаларни ҳал этишда жиддий янгиликлар киритишга асосланган энг яхши анъаналар тикланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биринчидан санъатнинг хусусан, амалий санъатнинг ривожланиши учун хар томонлама имконият ва шарт-шароит яратилган. Иккинчидан, темурийлар даврида халқ амалий санъати ва тасвирий санътнинг бошқа соҳалар билан уйғунлашиб кетишида Шарқ ва Ғарбда бу давр маданиятининг юксак тараққиётини белгилашда хизмат қилди. Учинчидан, ушбу ноёб дурдоналар асарлар орқали санъат намуналари бизгача яхши сақланиб келингани ва биздан кейинги авлод учун мерос қилиб қолдириш учун замин яратди. Тўртинчидан, буюк ўтмиши бор халқ буюк келажак кўришига қодир халқ сифатида шаҳдам қадамлар билан илдамлаб боради.

СТРАТЕГИЯ ДЕЙСТВИЙ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЁЖИ

Муртазаев У.М - Преподаватель СамИСИ.

За годы независимости в стране были реализованы комплексные меры направленные на построение правового демократического государства, сильного гражданского общества, развитие, основанной на свободных рыночных отношениях и приоритета частной собственности, экономики, создание условий для мирной и благополучной жизни народа, обретение Узбекистаном достойного места на международной арене.

С учётом объективной оценки пройдённого пути и накопленного опыта, анализа достигнутых успехов за годы независимости и исходя из требований современности, перед нами стояла задача определить важнейшие приоритеты и чёткие ориентиры дальнейшего углубления демократических реформ и ускоренного развития страны.

Для реализации данной задачи были проведены конструктивные беседы и обсуждения с широкими слоями населения, представителями общественности и предпринимательских кругов, руководителями и специалистами государственных органов, а также изучены действующее законодательство, информационно-аналитические материалы, доклады, рекомендации и обзоры национальных и международных организаций, проведён анализ опыта развитых зарубежных стран.

На основе сбора, глубокого изучения и обобщения поступивших предложений был разработан проект Указа Президента Республики Узбекистан. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» в котором было предусматрено утверждение Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

В основу Стратегии действий легли концептуальные в опросы общественно-политического, социально-экономического культурно-гуманитарного развития страны озвученные Президентом Республики Узбекистан Шавкатом Мирзиёевым в ходе предвыборной избирательной компании, многочисленных встреч с общественностью, представителями деловых кругов, а такие государственных органов.

В частности, определены 5 приоритетных направлений развития страны:

1. Совершенствование государственного и общественного строительства.
2. Обеспечение верховенства закона и дальнейшего реформирования судебно-правовой системы.
3. Либерализация экономики.
4. Развитие социальной сферы.
5. Обеспечение безопасности, межнационального согласия к религиозной толерантности, осуществление взвешенной и конструктивной внешней политики.

Каждое из этих направлений содержит конкретные разделы по дальнейшему углублению реформ и преобразований в стране.

Четвёртое направление «Развитие социальной сферы» предусматривает развитие сферы образования и науки являющееся продолжением курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания.

В области совершенствования государственный молодёжной политики ставится задачи, воспитаниея физически здоровых, духовно и

интеллектуального развитой, самостоятельно мыслящих, преданной Родине молодёжи с твёрдыми жизненными взглядами, повышение её социальной активности в процесса углубления демократических реформ и развития гражданского общества.

В Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису было отмечено о необходимости, продолжить совершенствование системы непрерывного образования и науки, отвечающего требованию времени. Воспитание и образование начинаются с колыбели. Ведь только просвещение создает условие для гармоничного развития личности. По этому государственная политика в сфере образования должна основываться на его непрерывности на протяжении всей жизни человека, начиная с детского сада. Нам нужно усилить меры по обеспечению равного доступа к высшему образование для всех слоев насиление. В недавнем прошлом в Узбекистане уровень охвата выпускников средних и средних специальных учебных заведений высшим образованием составлял всего 9-10 процентов. Благодаря принятию в последние два года мерам этот показатель превысил 15 процентов. Однако этого недостаточно. Ведь в развитых странах он составляет 60-70 процентов. По этому доведение данного показателя до 20 процентов в 2019 году является актуальной задачей. Предоставление нашей молодёжи возможности сдавать документа одновременно в несколько вузов, позволило расширить реализацию её права на образование. У студентов бакалавриата появится ещё больше возможностей для продолжения обучения за рубежом. Чем большие в нашем обществе специалистов с высшим образованием и высокой квалификацией, тем быстрее оно будет развиваться. Работа с молодёжю составляющий почти половину населения страны, и впредь будет одной из основных наших задач. Широкому привлечению молодёжи к предпринимательству, обеспечению её занятности будет способствовать дальнейшее расширение деятельности фонда, «Молодёжь-наше будущее». В 2019 году фонду будет выделено более 2 триллионов сумов и за счёт этого создано более 50 тысяч новых рабочих мест.

Обеспечение законных прав и интересов молодёжи, осуществление её стремлений и надежду реализация таланта и потенциала являются приоритетным направлением государственной политики Республики Узбекистан. Подтверждением является и то что за прошедший год было принято более 20 законов. В частности был принят Закон «О государственной молодёжной политики», указы и постановления непосредственно касающиеся жизни молодёжи. В частности, был образован Союз молодёжи Узбекистана, что стало большим событием не только в жизни молодого поколения, по и всей страны в целом. За минувший период Союз молодёжи Узбекистана превратился в важную общественную структуру, эффективнее взаимодействующую с государственными органами, негосударственными, некоммерческими организациями и другими гражданскими институтами, что является прямой реализацией молодёжной политики. На этой основе осуществляется значительная работа по укреплению у молодого поколения активной

гражданской позиции, воспитанию его гармонично развитыми личностями, обладающими самостоятельным мышлением, современными знаниями и профессиями и способными успешно конкурировать на международной арене. Самое главное-неотъемлемой частью государственной деятельности явился постоянный диалог с молодёжью, обеспечение её занятости, содействие обретению достойного места в обществе, улучшение условий труда и жизни. Сегодня инициативные молодые люди активно участвуют в реализации осуществляемых в рамках Стратегии действий широкомасштабных программ, в том числе «Молодёжь- строитель будущего», «Благоустроенное село», «Благоустроенная махалля», «Умный город» и другие.

В последние годы был принят ряд документов направленных на выведение высшего образования на новый уровень. Внедрены современные образовательные стандарты, прозрачная система приёма в вузы. Утверждены постановлениями Президента программы по развитию высших учебных заведений повышению качества образования на 2017-2021 годы. В 2018 году в нашей стране начали деятельность 13 новых вузов в частности, Международный университет туризма «Шёлковый путь» в Самарканде, филиал национального исследовательского технологического университета «МИС и С» (Россия) в городе Алмалыке, Университет Пучон (Южная Корея) в городе Ташкенте. Указом главы нашего государства от 25 сентября 2018 годы создан фонд «Эл- юрт умиди» при Кабинете Министров. Он содействует активному привлечению наших соотечественников за рубежом-учёных, специалистов, и экспертов к осуществляемых в Узбекистане широкомасштабным реформам, а также талантливой молодёжи в получении образования в развитых странах, повышении квалификации в ведущих международных институтах и зарубежных организациях.

По предложению Президент Шавката Мирзиёева в качестве логического продолжения начатой в 2018 году работы с целью поднять её на ещё более высокий уровень, 2019 год провозглашён «Годом активных инвестиций и социального развития». К сегодняшнему дню предприняты решительные меры по продолжению реализации государственной молодёжной политики, а также мобилизованы все силы и возможности общества, для того чтобы наша молодёжь обладала современными знаниями и профессиями, обрела прочное место в жизни, была счастлива.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Хидиров Х.И- Жиззах политехника институти
“Ўзбекистон тарихи ва ижтимомий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Коррупция халқнинг давлат ва унинг органларига бўлган ишончига путур етказади, жамиятнинг ахлоқий асосларини емиради, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг вужудга келиши ва чуқурлашишига сабаб бўлади. Агар бирор соҳа жадал ривожланмаётганининг сабаблари холис ва чуқур ўрганилса,

улардан бири, албатта, коррупция эканлиги маълум бўлади. Тан олиш керакки, жамиятимизда мазкур иллат йиллар давомида томир отганлиги хусусида Президентимиз Шавкат Мирзиёев деярли ҳар бир чиқишларида бизларни бот-бот огоҳликка чорлаётганлиги бежиз эмас. Тан олайлик, илгари юртимизда ана шу оғриқли муаммо хусусида деярли сўз очилмас, гўёки бу мавзу “ёпиқ” эди.

Давлатимиз раҳбари ўз сайловолди маърузаларидан биридаёқ бу муаммога алоҳида диққат қаратиб, “бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз – мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат”, дея таъкидлаган эди. Орадан кўп ўтмай, ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун кучга кирди. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури” тасдиқланди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди.

Эътиборлиси, юртбошимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам коррупцияга қарши таъсирчан механизмларни қўллаш муҳимлигини яна бир карра қайд этди. Бинобарин, давлатнинг мазкур иллатга қарши курашиши бўйича талай самарадор вазифалар белгиланиб, уларни амалга татбиқ қилиш учун Президентимиз бошчилигида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бироқ бу борада кўзланган мақсадларни фақатгина давлатнинг ўзи тўла-тўкис рўёбга чиқариши мушкул. Бугунги кунда коррупцияга қарши курашишда жамиятнинг барча саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, аҳоли, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг давлат идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бориши, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Коррупцияга қарши курашнинг мақсад ва вазифаларини қонуний мустаҳкамлаш мамлакат сиёсатининг бу борадаги асосий йўналишидир. Бу доирада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг асосий мақсади давлат сиёсатини устуворликларини ўрнатиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олинганлиги” ҳақида гапирилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 1-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумий тан олинган меъёрларига асосланганлиги такидланган. Халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги ҳақидаги бундай тенденция Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунлари учун ҳам характерлидир”.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари қонунчилик актларини ҳуқуқий мустаҳкамлаб, коррупцияга қарши кураш доирасидаги мақсад ва вазифалар, муаммоларини кўриб чиқишни оҳирига етказиб, мазкур масала

бўйича миллий қонунчилигини яқинлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича қатор таклифларни ишлаб чиқиш мумкин:

1) мақсад ва вазифаларни бошқариш, йўлга қўйиш, уларни бараф этиш учун аниқликларга муҳтож;

2) ўтказувчан характер қонуни тўғри реализация қилиш механизми нуқтаи назаридан кучсиз қилиб қўяди;

3) мақсад ва вазифаларни хорижий тажрибаларини ўзлаштириш ва халқаро стандартларни имплементация қилиш йўли билан маълум сабабларга кўра, аниқ қонунларда белгиланган вазифаларни миллий қонунчиликда кенгайтириш зарур;

4) қонунчилик актларига мос келувчи мақсад ва вазифаларни мувофиқ равишда тизимлаштириш;

5) меъёрий, ҳуқуқий актларни амалий реализация қилиш механизмини ташкил этувчи меъёрларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

6) миллий суд амалиётида умумий тан олинган халқаро ҳуқуқ меъёрларини фаол қўллаш зарур.

Коррупциянинг олдини олиш ҳамда ушбу жараёнга жамоатчиликни кенгроқ жалб этиш учун шарт-шароит яратиш, айниқса, жамоатчилик иштирокини рағбатлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш керак. Биз ана шундагина керакли натижага эришамиз.

НАЦИОНАЛЬНО-ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ, ЕГО РОЛЬ В ПРОЦЕССЕ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЁЖИ

Мулладжановой Х.Я - Преподаватель СамИЭС
кафедры социальных дисциплин

Ни одно общество никогда не остается таким каким оно было. Каждое государство стремится к развитию. Происходит научно-техничекий прогресс, социальные изменения в стране и во всем мире в целом - все это заставляет развиваться мораль и самостоятельность человека, а также повышается требования к ним. Нравственное становление личности это сложный многогранный процесс. И главную роль в нем играет общество.

Формирование нравственных качеств происходит в социальной среде, в процессе осознании своих действий и поступков во внутренней работе человека над собой.

Стать духовно-нравственным человеком означает стать мыслящим правильно личностью со своей точкой зрения и нормами морали, объединив совокупность всех этических требований и норм.

Духовно-нравственное воспитание - воспитание, направленное на усвоение молодым поколением высших духовных ценностей. Через постепенное изменение права, характера, мотивов, отношения человека к милосердию, ответственности за свои мысли, слова, действия основанные на посредством приобретенные знания.

Духовно-нравственное воспитание начинается с рождения человека и продолжается в течение всей его жизнь.

Главная задача Узбекистана построение правового демократического государства, развитие духовности, ибо Узбекистан это страна с невероятно богатым прошлым, национальными и духовными ценностями (обычаи, традиции).

Духовные ценности народа, его традиции в течении многих веков всегда играли главную роль в становлении подрастающего поколения, формировании его нравственных качеств.

Важнейшей задачей является воспитание гармонично т.е. всесторонне развитого поколения. Чтобы добиться этой цели необходимо донести до молодежи смысл нашего исторического богатства, с целью недопущения возможности появления идеологического ваакума.

Как подчеркнул И.А.Каримов в работе **Родина священна для каждого** – «либо если мышление и сознание не избавленное от гнёта и давления, человек не может быть социалный и культурный прогресс обеспечивают духовно развитые люди. Сегодня на пути демократического развития ни одно общество не может видеть свою перспективу без развития и укрепления духовного потенциала, духовных и нравственных ценностей в сознании людей. В этом направлении большое значение предаётся роли молодёжи и их участию в демократических преобразованиях в нашем независимом государстве.

В высших учебных заведениях много молодых педагогов делающих всё для того, чтобы молодое поколение понимало **суть всех демократических преобразованиях** в нашем государстве, не упуская из виду повышение и укрепление научного потенциала студентов, молодых специалистов отвечающий требованиями «Закона об образовании» и «Национальной Программы подготовки кадров». За все годы независимости молодёжь Узбекистана постоянно повышает свою активность, выступает в качестве опоры общества? в семье, в школе, в высших учебных заведениях. Именно мечты, идеалы наших великих предков вдохновляют молодежь на подвиги, именно этим воспитывается любовь к Родине, своему народу.

Ценность философских, этических, нучных ит.д. идей и учений, созданные мыслителями прошлого, в том что они прошли испытания историей, полностью соответствуют национальным интересам, мечтам и стремлениям сегодняшнего дня, требованиям демократического общества.

Национальными чертами, вызывающими уважение и признание других народов, является трудолюбие, дисциплинированность, справедливость и солидарность. Эти качества присущие и нашей молодёжи являются критериями высокой духовности личности и именно такая молодёжь будет вносить свой достойный вклад в строительство правового демократического государства.

В системе гражданского общества духовное возрождение граждан занимает ключевую позицию, так как духовность совершенствует национальную государственность. В этом плане важное значение имеет анализ

исторического опыта, возрождение национальных и общечеловеческих ценностей в процессе построения нового справедливого демократического, правового, светского общества с устойчивой рыночной экономикой.

Основу, ядро всего процесса реформирования и обновления нашего общества составляет углубление демократических преобразований.

Определяя приоритетные направления развития Республики в XXI веке, первый президент Узбекистана И.А. Каримов на первое место выдвинул задачу либерализации всех сфер нашей жизни, сформулировав суть концепции политического устройства формулой «от сильного государства к сильному гражданскому обществу».

Построение гражданского общества требует действенного функционирования всех сторон жизни общества, а это возможно лишь с учетом накопления исторического опыта.

Изучение социально-гуманитарных дисциплин, предоставляют возможность студентам научиться государственному мышлению и подходам к актуальным вопросам совершенствования активной позиции молодёжи повышения морально-этических требований к политике, реально представлять возможности, достижения и просчеты людей по устройству и созиданию правового социального государства, гражданского общества.

В заключении следует сказать, что, социально-гуманитарные дисциплины призваны помогать объективному освещенного проблемы духовного развития и просвещения нашего общества.

TALABA - YOSHLARNI MA’NAVIY SHAKILLANTIRISHDA OLIY O’QUV YURTI, OILA VA MAHALLA HAMKORLIGI

Imamov N - SamISI o’qituvchisi

Davlatimiz mustaqilligini mustahkamlash, ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy tarbiya va boshqa sohalardagi islohotlarinng taqdiri, yurtimizning buyuk kelajagini barpo etish fuqarolarning, ayniqsa yosh avlodning ma’naviy-axloqiy tarbiyalanganlik darajasiga, yuksak ongliligi, ijtimoiy faolligiga bevosita bog’liq. Shu bois mamlakatimiz mustaqilligining dastlabki kunlaridan boshlab ma’naviy axloqiy tarbiya masalalariga davlat siyosatining ustuvor yo’nalishlaridan biri sifatida alohida e’tibor qaratib kelmoqda. Yoshlar ongini zaharlashga qaratilgan turli tahdidlar, ma’naviy xurujlar avj olgan bugungi murakkab sharoitda hushyorlik va ehtiyotkorlik zarurligini barchamiz angladik va his etib turibmiz. Chunki “ommaviy madaniyat” niqobi ostida yoshlar qalbiga chuqurroq kirib ularning ma’naviyatini zaharlashga urinayotgan “kuch”lar har birimizni tashvishga solmoqda. Birinchi Prezidentimiz I.Karimovning “Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch” asarida, “ Tabiiyki, “ommaviy madaniyat” degan niqob ostida axloqiy buzuqlik va zo’ravonlik, individualizm, egotsentrizm g’oyalarini tarqatish, kerak bo’lsa, ushning hisobidan boylik orttirish, boshqa xalqlarning necha mingyillik an’ana va qadriyatlari turmush tarzining ma’naviy negizlariga bepisandlik, ularni

qo’porishga qaratilgan xatarli tahdidlar odamni tashvishga solmay qo’ymaydi” [3,117].

Jamiyat hayotida tarbiyaviy ish hamisha dolzarb bo’lib kelgan va shunday bo’lib qoladi. Shu bois XX asrning jonkuyar pedagogi Abdulla Avloniy “Tarbiya bizlar uchun yo hayot-yo mamot, yo najot-yo halokat, yo saodat-yo falokat masalasidur”- deb ta’kidlaganligi bugun o’z tasidig’ini topmoqda. Mamlakatimizda ta’lim-tarbiya ishini davlat darajasidagi ustuvor vazifaga aylantirilishi ham jamiyatimizda yoshlarni ma’naviy barkamol, kuchli, bilim va yuksak tafakkurga ega bo’lgan kadrlar qilib tarbiyalashda qanchalik muhim ish ekanligining isbotidir. Yosh avlodni ma’naviy tarbiyasida oila va mahallaning o’rni beqiyos ekanligi, ular o’rtasida o’zaro hamkorlikni yanada kuchaytirish va takomillashtirish zarurligi oydinlashmoqda.

Yosh avlodni tarbiyalashda oilaning vazifalari:

- oilada sog’lom muhitni yaratish, milliy ruh va turmush tarzini hisobga olish, farzandlar uchun ota-ona har tomonlama ibratli bo’lishi, farzandlarning ota-onaga, Vatanga muhabbat tuyg’usini shakllantirish, o’zaro g’amxo’r bo’lishni ta’minlash:

- oilada huquqiy tarbiyani yaxshilash, oila a’zolarini o’z huquq va burch-larini anglab yetishlarini va ularga rioya qilishlarini ta’minlash:

Yoshlarni tarbiyalashda mahallaning vazifalari:

- mahalla faollari tomonidan tarbiya muassasalari bilan birgalikda ta’lim-tarbiya jarayonida amalga oshirilishi kerak bo’lgan masalalarni muhokama qilishda qatnashishi va oqilona yechimlarini topishda faollik ko’rsatish:

- ma’nan nosog’lom oilalarni mahalla yig’inlarida muhokama qilish, ularga nisbatan jamoatchilik choralarini ko’rish:

Ma’lumki, bugungi kunda yoshlar tarbiyasida oila va mahalla hamkorligi o’rni tobora ortmoqda. O’zbekiston Respublikasining “Ta’lim to’g’risida”gi qonunida oilaning jamiyat, davlat oldida ma’suliyatini anglab yetadigan komil insonlar tarbiyalashdagi o’rniga alohida e’tibor qaratilgan. Tarbiya o’ta murakkab va serqirra jarayon bo’lib, yoshlar tarbiyasi, ularning ijtimoiy hayot jarayonidagi o’rni bugungi kunda sezilarli darajada ortib bormoqda. Oilada singdirib boriladigan odob-axloq qoidalari ijtimoiy foydali mehnat, ta’lim olish, bo’sh vaqtlarida tur xil to’garaklarga qatnashish yoshlarning kelgusi hayotlarida ijtimoiy huquqiy munosabatlarning faol subyektlariga aylanishlari muhim ahamiyatga ega. Yoshlani ma’naviy shakllantirish esa eng muhim va murakkab vazifalardan biridir. Shuni alohida ta’kidlash lozimki, dunyoning biror bir davlatida mahalla institutiga bo’lgan e’tibor bizning mamlakatimizdagidek emas. Shunga ko’ra, tarbiyada o’zaro hamkorlik va unga xos tajribalarni o’rganish hamda ommalashtirish bugungi kunning dolzarb vazifasi hisoblanadi.

Oila va mahalla inson hayotida muhim rol o`ynaydi. Oliy o’quv yurti oila va mahalla hamkorligi talabalarni ma’naviy tarbiyalashda bo’shliqni oldini olish, ularni bo’sh vaqtini mazmunli tashkil etish va talabalarning muammolarini hal qilishda, giyohvandlik kabi salbiy illatlarni bartaraf etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Mahallaga hozirgi vaqtda keng imkoniyatlar yaratib berilgan bo’lib,

o’z imkoniyatlaridan to’g’ri foydalanishi va o’z ishini samarali yo’lga qo’yishi kerak. Mahalla katta tarbiyaviy ta’sir kuchiga ega ekanligini hisobga olsak, o’z imkoniyatlaridan kelib chiqib, oilalar, ta’lim muassasalari bilan hamkorlikdagi faoliyatini izchil yo’lga qo’yishi, ular bilan yaqindan aloqa o’rnatishi zarur.

Sho’ni alohida ta’kidlash zarurki, oila va mahalladagi ma’naviy muhitni sog’lomlashtirish, oiladagi moddiy va ma’naviy, ruhiy, ijtimoiy munosa-batlarni to’g’ri yo’lga qo’yish, mahallada faol olib boriladigan ma’naviy targ’ibot ishlarini jonlantirish lozim. Milliy ma’naviyatimizga xos bo’lgan xislatlarni shakllantirishda mahallaning o’rni muhimdir.

РИВОЖЛАНГАН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ АССОСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жабборов И.Б - Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма–босқич ривожланиб бориши замирида халқимизнинг турмуш фаровонлигини тобора яхшилаб бориш, шунингдек ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини моддий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш, умуман олганда республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб негизида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қилинган меҳнатига яраша тақдирлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш масаласи ётади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 — 2021 йиллар учун тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш: ... бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш; янги иш ўринларини яратиш устувор йўналишлар сифатида белгиланди[1].

Шу жиҳатдан ҳам пенсия таъминотининг аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги муҳим вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Хусусан, ҳар кимга меҳнатига яраша, яъни, пенсия жамғармасига суғурта бадали сифатида амалга оширган тўловлари улушига кўра пенсия тайинланиши ва меҳнат фаолияти даврини ҳисобга олган ҳолда узоқ йиллар давомида суғурта бадали тўлаган фуқаро билан ундан камроқ меҳнат даврига эга бўлган инсоннинг пенсиясида сезиларли даражада тафовут бўлиши адолатлилик принципларига мос келади. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, Пенсия жамғармасига кўпроқ суғурта бадали тўлаган фуқаро ҳақли равишда юқорироқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.

фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимидаги иштирокини фаоллаштиришга ва суғурта бадали тўловчилар қамровини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, хорижий мамлакатлардан бизнинг минталитетимизга яқин бўлган шарқ мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларини пенсия таъминоти тизими амалиётига жорий этилиши мамлакатимиз пенсия тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шарқ мамлакатлари қамрови жуда кенг бўлиб уларни қуйидагича классификацияга ажратиб ўрганишимиз мумкин:

- яқин шарқ мамлакатлари: Бахрейн, Израил, Иордания, Ироқ, Эрон, Ямен, Қатар, Қувайт, Ливан, БАА, Фаластин, Саудия Арабистони, Сирия;
- шимолий-шарқий Осиё: Аоминь, Гонконг, Хитой, Тайвань, Тибет, Корея, Монголия, Япония;
- жанубий-шарқий осиё: Сингапур, Малайзия, Бруней, Ветнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Тайланд, Филлипин;
- жанубий Осиё мамлакатлари: Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Непал, Покистон ва Шриланка.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу мамлакатлар орасидан пенсия тизимида катта ютуқларга эришган ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бугунги кунда барча давлатлар олдида аҳолининг демографик ўзгариши муаммоси юзага келмоқда. Ҳаёт даражаси яхшиланган боис одамларнинг умри ҳам узайиб боряпти. Жумладан, 2050 йилга бориб Японияда кексалар сони ёшлар улушига қараганда кўп бўлади. Бугунги кунда кексалар сони бўйича Япония жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. Бу ерда 65 ёшдан ошганлар аҳолининг 25 фоизини ташкил қиляпти. Туғилишнинг камлиги сабабли Жанубий Корея ҳам унга етишиб келяпти. Бу мамлакатларда ҳар бир пенсионерга 4 нафар меҳнатга яроқли киши тўғри келяпти. Аммо, 2050 йилга бориб бу мутаносиблик 2 тага тушиб қолади. Россияда 60 ёшдан ошганлар улуши 2012 йилдаёқ 26,5 миллион кишига етди ва умумий аҳолининг 19 фоизини ташкил этяпти. 2030 йилга бориб улар улуши 28 фоизга ортади[1].

Хитойда аҳолининг кескин кексайиши кузатилмоқда, масалан, 1960 йилда умумий аҳоли таркибида 60 ёшдан ошган аҳоли (ўртача умр кўриш давомийлиги 43 ёш) сони 6,1% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирги кунга келиб 16,7%ни (ўртача умр кўриш давомийлиги 76 ёш) ташкил этмоқда. 2017 йилда 60 ёшдан ошган аҳоли сони 230,8 миллион кишини ташкил қилмоқда. Натижада эса, 2016 йилда Хитой пенсия фондида 429,1 млрд юан (тахминан 66 млрд доллар) дефицит юзага келишига сабаб бўлди. Шунга қарамасдан, Хитой давлати пенсия ёшини кўтаришга шошилмаяпти ва 2045 йилгача босқичма-босқич эркаклар ва аёллар учун бир хилда 65 ёш қилиб белгилашни режалаштиришмоқда. Шунинг ҳисобига 2018 йилдан пенсия миқдорини 5,5% га ошириб ўртача 2,5 минг юанга (тахминан 370 доллар) кўтаришди. Бу кўрсаткич 2005 йилда 640 юан (80 доллар) ни ташкил этар эди.[2]

[1] “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали.№1, сентябрь, 2016 йил

[2] https://newizv.ru/news/society/24-06-2018/kitayskiy-opyt-reform-pensii-tam-est-hotya-i-ne-u-vseh

Япония давлати икки босқичли пенсия тизимига эга. Биринчиси – бу базавий пенсия, яъни бу пенсияни миллати, фаолият тури, даромади даражасидан қатъий назар, мамлакатда яшовчи барча фуқаролар олиш ҳуқуқига эга. Базавий пенсиялар ёшга доир (65 ёшга тўлган ва суғурта стажи мавжуд бўлган), ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияларига бўлинади. Иккинчиси – давлат ва касб пенсиялари. Буни ёлланма ишчилар базавий пенсияга қўшимча тарзда оладилар. Японияда пенсияга чиқиш ёши 65 ёшни ташкил қилади. Меҳнат фаолияти давом этганда пенсия миқдори ҳар йили ошириб борилади.

Ҳар бир меҳнатга лаёқатли Корея фуқароси ҳар ойда ўз даромади ҳисобидан 190210 вон (бу 1379022,5 сўмни, 170,68 АҚШ долларини ташкил этади) суғурта бадали сифатида тўлашга мажбур ҳисобланишади. Корея фуқаролари жуда кўп нарсадан воз кечиб узоқроқ вақт давомида меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ҳаракат қилишади ва оддий ҳаёт кечириш учун жуда оз нарса олишади. Улар 61 ёшида пенсияга чиқиш имкониятига эга бўлишади[1]. Тадқиқот натижалари кўрсатадики, давлат пенсия фондларининг инвестицион портфели даромадлилиги хусусий пенсия фондларига нисбатан пастроқ кўрсаткични ташкил этади. Масалан, 22 та турли давлатларнинг 1980-1995 йиллар давомидаги давлат пенсия фондлари инвестицион фаолияти даромадлилиги юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, фақатгина Жанубий Корея ва Малайзия давлатларида пенсия фондлари инвестицион фаолиятининг даромадлилиги банк депозитларининг реал даромадлилигидан юқори кўрсаткични ташкил этган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда барча соҳалар сингари пенсия тизимини ривожлантириб боришга доимий эътибор қаратиб пенсия тизимининг зарурий ҳуқуқий асослари яратилганлиги ҳамда пенсия ва бошқа иштимоий нафақаларнинг йил сайин ошириб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Шундай бўлсада, пенсия тизимини ривожлантириш ва унинг янада самарали бўлишини таъминлашда халқаро тажрибаларни ўрганиб бориш асосида қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

− бугунги кунда жаҳонда барча соҳалардаги каби турли мамлакатлардаги пенсия тизими трансформацияси юз бераётганлиги ва бу жараёнда миллий пенсия тизимларидаги ислоҳотлар доимо ижтимоий босим келтириб чиқариши сабабли ушбу масалага, айниқса, ривожланган давлатлар тажрибаларини татбиқ қилишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

− Япония давлати тажрибаларига мувофиқ мамлакатимизда ҳам аҳолининг ўртача умр кўриш ёши ошиб бораётганлиги ҳамда уларнинг тиббий жиҳатдан саломатлигини мустаҳкамлаш тизимининг янада ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб, фуқароларнинг ихтиёрий равишда яна 5 йил ишлаш имкониятини бериш ва пенсияга чиққанидан (65 ёшдан) сўнг ҳам

[1] Manba: https://visasam.ru/emigration/pension/pensiya-v-koree.html

меҳнат фаолиятини давом эттирган тақдирда пенсия миқдорини ҳар йили муайян коэффициентларда ошириб бориш;

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган шарқ давлатлари пенсия тизимларидаги иқтисодий ҳолатларни ва қонунчилик нормаларини чуқур таҳлил қилиш асосида ўрганиш ҳамда мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимига уларнинг ижобий жиҳатларини татбиқ этилиши Пенсия жамғармасини истиқболда ривожлантиришга хизмат қилади.

TALABA-YOSHLARNI G'OYAVIY-MAFKURAVIY TARBIYALASHDA KITOBXONLIK MADANIYATINI YUKSALTIRISH

Imamov N - SamiSi o'qituvchisi

Har bir inson dunyoga kelar ekan, atrof-muhitga, o'zi o'sib-ulg'aygan jamiyatga tafakkur nigohi bilan boqib, undan ibrat oladi, xulosalar, fikr-tushunchalar bilan boyiydi va shularga tayangan holda shaxs bo'lib shakllanadi. Chinakam badiiy adabiyot ana shu fikru xulosalarni benihoya go'zal bir tarzda ifoda etadi, eng ta'sirchan, unutilmas voqealar vositasida teranlashtiradi, mustahkamlaydi. Bir so'z bilan aytganda, adabiyot odam bolasida chin insoniy fazilatlarni shakllantiradi. Unutmasligimiz kerakki, shaxsiyati mazkur mezon va fazilatlardan mosuvo kimsa halol va yaxshi ishchi yoki xizmatchi tugul, tom ma'nodagi inson ham bo'la olmaydi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 12 yanvardagi "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish xhamda targ'ibot qilish bo'yicha Komissiya tuzish to'g'risida"gi F-4789-sonli farmoyishi ijrosi yuzasidan joylarda "Talabala- yoshlar o'rtasida kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish, ularning sifatli kitob mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish" bo'yicha bir qancha ishlar amalga oshirildi.

Kitob – odamni hayotga nima uchun kelgani, nima uchun yashayotgani, kimga o'xshasa yaxshi-yu, kimga o'xshasa noma'qul ekanligini anglashga yordam beradigan mo'jiza. Kitob o'qigan odam dunyoqarashi keng, shu bilan birga, sabr-matonatli, toqatli inson bo'ladi. Bundan tashqari, kitobdan olingan bilim fundamental ilm hisoblanadi. Bugun o'quvchilarimiz, yoshlarimiz badiiy adabiyotga qiziqayotgan bo'lsalar, uni sevayotgan bo'lsalar, bundan faqat quvonish kerak. Inson o'z umrini mazmunli o'tkazishi uchun avvalo, borliqni tushuna bilishi, yuksak aql va tajriba egasi bo'lishi darkor. Bu borada kitobning o'rnini hech narsa bilan qiyoslab bo'lmaydi. Inson butun umri davomida kitob bilan hamkor va hamnafasdir. Hayot davom etar ekan, inson ana shu buyuk kashfiyot sanalgan kitoblar orqali o'zining ma'naviy olamini boyitadi, ong va tafakkurini yuksaltirib, umrini mazmunli va maqsadli ishlar sari yo'naltiradi. Kitobga mehr qo'ygan, unga oshno tutingan har kishi undan dur va nur topmay qolmaydi. Kitoblar insonga o'zlikni, dunyoni anglash, hayot mazmunini tushunish imkonini beradi. Kitobsiz fikriy teranlikka erishib bo'lmaydi. Kitob va uning mutolaasi haqida ko'p va uzoq gapirish mumkin.

Shu o'rinda kitoblar saviyasi va albatta, mualliflar masalasiga ham to'xtalib o'tishga to'g'ri keladi. Bugun axborotlar oqimi nihoyatda katta, cheksiz. Talabala-

yoshlar shu axborotlar orasidan eng saralarini, o‘ziga ma’qulini, muhimini tanlab, saralab olib o‘qishi kerak. Buning uchun eng yaxshi asarlar yuzasidan xolis ilmiy munozaralar, amaliy mashg‘ulotlar olib borilishi maqsadga muvofiq. Yaxshi kitoblarning televideniye, OAVdagi targ‘ibot va taqdimotlari ham ayniqsa, katta samara beradi. Albatta, qaysi asarni o‘qish har kimning shaxsiy ishi. Birovni zo‘rlab bunga qiziqtirib bo‘lmaydi. Lekin afsuski, bugun iste’dodli shoir yoki adib kitobini chiqarolmay, chiqargan taqdirda ham sotolmay o‘tirgan bir paytda adabiyotga mutlaqo aloqasi yo‘q kimsalar badiiyatdan yiroq, hatto insoniy odob-axloqqa zid bo‘lgan jild-jild kitoblarni chop etib, do‘konlaru maktab va kollej o‘quvchilarini o‘z “ijod”laridan bahramand etishmoqda. Ko‘plab xususiy nashriyotlar kitobning nonday aziz va pokligiga putur yetkazib, maza-matrasiz, imloviy xatolar g‘ij-gij kitoblarni chiqarish ishiga o‘z “hissa”larini qo‘shishmoqda. Oxir-oqibatda bu bir jihatdan zukko yoshlarni kitobdan bezdirib qo‘ysa, ikkinchidan odamlarning tarbiyasiga, ma’naviyatiga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bunga esa aslo loqayd qarab bo‘lmaydi. Bizningcha, umuman, ta’lim maskanlaridagi kutubxonalarga badiiy adabiyot niqobi ostida soxta va sayoz narsalarni turli yo‘llar bilan kirib kelishiga zinhor yo‘l qo‘ymaslik kerak.

Kitob tafakkur qanotidir, degan edi alloma adibimiz Oybek. Biz bugun yangi davrga qadam qo‘ydik. Dunyo yana ilmga, tafakkur — intellektga intilmoqda. Zero, insoniyat uchun faqat va faqat tafakkurgina najot bo‘la oladi. Chindan ham ulug‘ va mo’tabar kitoblar insoniylik, halollik, shafqat va imon urug‘larini qalbimizga ekadi. Bizni olamshumul kashfiyotlar, buyuk bunyodkorliklar sari da’vat etadi. Mushkul onlarimizda bizga hammaslak va do‘st bo‘lib to‘g‘ri va oqil yo‘lni ko‘rsatadi. Shu boisdan hayotimizda “o‘qimishli inson” degan ibora boshqacha jaranglaydi.

Darhaqiqat, shaxs takomilida oilaviy muhit, oilaviy qadriyatlar asosiy vosita rolini o‘taydi. Ota-onaning ma’naviy darajasi, axloqiy qarashlari bevosita farzandga ham ko‘chib o‘tadi, farzandlar shaxsiyatida aks-sado beradi. Binobarin, kitobxonlik, badiiy adabiyotga muhabbat ham inson ma’naviy tafakkurini, tarbiya ahvolini namoyon qiluvchi muhim xususiyatlar sirasidandir. Kitob dunyosiga oshufta, adabiy olamga hamnafas, badiiyatdan bahramand qalb egasi o‘zidagi bu tuyg‘u va fazilatlarni atrofidagilarga, ayniqsa, oilasiga ham yuqtirishi, singdirishi ehtimoli yuqori. Kitobxon ota-onalarning farzandi ham kitobga o‘zgacha mehr ko‘rsatadi, bu ma’naviyat xazinasiga tabiiy qiziqish va intilish tuyadi. Shu bois kitobxon avlod tarbiyasida, avvalo, ota-onaning tarbiyali bo‘lishi, badiiy adabiyotga oshno ekanligi muhim zaruriyatdir.

Bugun jamiyatimizda talaba-yoshlarimizda kitobxonlik qobiliyatini rivojlantirish, mutolaa madaniyatini takomillashtirish borasida har doimgi davrdan bir necha barobar ko‘p miqdorda samarali ishlar amalga oshirilmoqda, tashviqot-targ‘ibotlar olib borilmoqda. Shunday bo‘lsa ham, talaba-yoshlarimizning kitobxonlik madaniyati takomili qoniqarli darajada emas. Yuqorida ko‘rib o‘tganimiz kabi kitobsevar talaba-yoshlar bilan bir qatorda, ularning aksi bo‘lgan muhitni ham uchratishimiz achinarli. Ko‘pgina talaba-yoshlar va ularning ota-onalar na o‘zlari kitob o‘qishga qiziqishadi, na boshqalar, na farzandlarini bu borada to‘g‘ri yo‘naltirishadi.

МИЛЛИЙ ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШДА ХОРИЖИЙТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Н.М.Рахмонов - магистрант
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Пенсия тизими ижтимоий таъминот, тиббий суғурта билан бир қаторда ижтимоий давлат асосларидан бири ҳисобланади. Пенсия тизимларининг турли мамлакатларда молиялаштиришнинг “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган тақсимот тизимлари шаклида пайдо бўлади. Пенсия тизимларини ислоҳ этишда тақсимотга асосланган пенсия тизимига муқобил тарзда жамғариладиган пенсия тизими танланади. Ушбу пенсия тизимида ҳар бир ишлаётган фуқаро томонидан тўланадиган пенсия бадаллари қимматбаҳо қоғозларга ёки бошқа молиявий дастакларга инвестицияланади. Бу маблағлар индивидуал ҳисоблар бўйича тақсимланади ва жамғарилаётган маблағлар суммаси фуқаронинг иш ҳақи миқдори ва ушбу маблағларни инвестициялаш натижаларига боғлиқ бўлади. Амалиётда тақсимот ёки жамғариш тамойилига тўлиқ амал қиладиган пенсия тизимлари кам учрайди. Дунё амалиётида устун даражада аралаш ёки кўп даражали пенсия тизимлари амал қилади. Кўп даражали пенсия тизими иқтисодиётда ва сиёсатда юз бераётган беқарорликлар билан боғлиқ кўплаб рисклардан жамғармаларни бошқариш (давлат ва хусусий), молиялаштириш манбаларини шакллантириш (капитал ва меҳнат) ва инвестиция стратегияси турларини диверсификациялаш ёрдамида ҳимоя қила олади.

Пенсия таъминот тизимини ислоҳ этишнинг муҳим сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларини бажариши учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир. Бу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан холда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатларда узоқ муддатли истиқболда пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган бир қатор муҳим қадамларни қўйдилар. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг қариши иқтисодиётда молиявий босимни кучайишига олиб келади. Шу сабабдан жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олувчи пенсия таъминотининг оптимал моделини шакллантириш кўпчилик мамлакатлатларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун пенсия ёшини ошириш, пенсия имтиёзларини қисман бекор қилиниши, келажакда пенсияни тўлашга мўлжалланган маблағларни инвестициялаш элементларини киритувчи пенсия ислоҳотлари амалга оширилмоқда. (1-жадвал).

Пенсия ёшидаги ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўртасидаги нисбат, фоиз ҳисобида[1]

Минтақалар	2015 й		2030 й		2040 й	
	15-64 ёш	60+ёш	15-64 ёш	60+ ёш	15-64 ёш	60+ёш
Жаҳон	65,7	12,3	64,7	16,5	63,7	18,9
Юқори даромадли мамлакатлар	66,5	22,1	61,9	27,7	60,0	30,2
Ўрта даромадли мамлакатлар	66,8	10,5	66,3	15,4	65,1	18,5
Паст даромадли мамлакатлар	54,1	5,2	58,0	5,8	60,4	6,8
Қолоқ мамлакатлар	56,5	5,5	60,0	6,7	61,8	8,0
Жанубий Европа	65,4	26,2	60,9	33,9	55,9	38,8
Ғарбий Европа	64,7	26,0	59,3	32,7	56,8	34,1
Япония	60,8	33,1	57,3	37,3	53,6	41,2

БМТ мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра 2015 йилда жаҳонда аҳолининг 12,3% ини 60 ва ундан катта ёшдагилар ташкил этгани холда, уларнинг улуши 2040 йилга бориб 18,9% га етиши мумкин. Юқори даромадли мамлакатларда ушбу жараён янада чуқурроқ намоён бўлади. Жумладан, пенсия ёшдагилар кўрсаткичи 2015-2040 йилларда 22,1% дан 30,2% га қадар ортиши башорат қилинмоқда. Жанубий ва Ғарбий Европа минтақаси мамлакатлари, Японияда жами аҳоли таркибида 60 ва ундан катта ёшдагилар улуши 2015-2040 йилларда мутаносиб равишда 26,2% дан 38,8%га, 26,0% дан 34,1% га, 33,1% дан 41,2% га қадар ортиши башорат қилинмоқда.

Пенсия структураси комплексида тақсимловчи тизим билан биргаликда пенсия бадаллари молиявий активларини инвестициялашга фойдаланилувчи жамғариб борувчи тизимнинг ҳам ривожланишида пенсия ёшидаги шахсларнинг молиявий манфаатлари кўпроқ ҳимоя қилинмоқда. Бундай активларнинг умумий суммаси фонд бозорида даромадлар эвазига ўсиб бориши мумкин. Бунда хусусий пенсия фондларини жадал ривожланиши ва уларга жамланган активлардан фойдаланиш бўйича кенг имкониятлар яратилганлиги ушбу фондларни инвестицион дасдурлардаги иштирокини кенгайиши, ўз фаолиятларини ривожлантириш мақсадида пенсия фондларининг ҳар бири инвестицион стратегияларини ишлаб чиқиши орқали пенсия фондларининг даромадлари кўрсаткичини ортиши билан бир қаторда, глобал аҳолининг қариши муаммоси шароитида пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришилмоқда. Зеро, хусусий пенсия фондлари давлат

[1] World Population Prospects, Volume I-II/Population Devision/UNDESA/UN secretariat, New York,2018. Маълумотлари асосида тузилган

инфратузулмаси ва турли хусусий компанияларга инвестицияга йўналтиришга эътибор қаратилаётганини ривожланган мамлакатлар тажрибасидан билиш мумкин бўлмоқда. Бу турдаги инвестициялар ўз навбатида узоқ муддатли бўлиб, бундан пенсия фондлари даромадларнинг узоқ йилардаги барқарорлиги кафолатланиши мумкин бўлади.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ РИҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Соҳиба Аноров Булунғур- туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг, бошланғич синф ўқитувчиси**.**

Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими жорий этилган. Бунда ватанпарвар, баркамол шахс ва малакали мутахассислар тайёрлашда умумий ўрта таълим мактабларининг фаолияти ва ушбу ўқув муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларига берилаётган таълим мазмунини бойитиш кўзда тутилган. Дастлаб бола мактабга қадам қўйганида ижтимоий муҳит таъсирида ақлий томондан ривожланиб боради. Теварак – атрофдаги кишилар билан муомила қилиш жараёнида у тилни ва у билан таркиб топган тушунчалар системасини ўзлаштиради. Натижада бола тилни шунчалар эгаллаб оладики ундан муомила воситаси сифатида эркин фойдалана оладиган бўлиб қолади. Бошланғич синф ўқувчиларига ақлий тарбия беришни тўғри ташкил этиш учун уларнинг ақлий ривожланиши қонуниятлари ва имкониятларини билиши керак.

Бошланғич синфга келиб болалар теварак - атроф тўғрисидаги каттагина ҳажмдаги тушунчаларга эга бўлиб борадилар, асосий фикрлаш жараёнларини эгаллаб оладилар, нарса буюмлардаги, воқиғлардаги мухим ва мухим бўлмаган томонларни ажрата оладиган, бази бир сабаб натижалардаги боғланишларни эгаллаб олиб, уларда ўқув фаолиятининг дастлабки куртаклари шакилланиб, фақат яхши ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўлақонли ақлий ривожланиш рўй беради. Шу сабабли педагогларнинг вазифаси болага муайян мақсадни кўзлаб, тарбиявий таъсир кўрсатиш учун керакли шароитлар яратишдир. Шу билан бирга “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги – янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрмаган турли ёвуз хавф – хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда”[1]. Ҳақиқатдан ҳам бугунги жаҳонда

кечаётган глобаллашув жараёни ҳар бир давлатга ҳар бир миллатга қолаверса ҳар бир инсондан ҳушёрликни талаб қилмоқда. Шундай экан болаларимизга таълим беришда бошланғич таълим беқиёс рўл ўйнайди чунки бу даврда олган ҳар бир билим эртанги кун учун пойдевори бўлиб ҳизмат қилади.

Ёшларимизни тарбия қилишда асосан миллий анъаналаримиз, қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Биз аввало болаларимизни ватанга мухаббат миллий ғоямизга содиқлик ва хурмат рухида тарбиялашимиз зарур деб билишимиз зарур. Бу борадаги ишларимизни бошланғич синфда ўргатсак хис қилдира олсак, бу бизнинг ютиғимиздир. Бошланғич таълимда ватан туйғуси ёки миллий ғоя ва маънавият асослари фанлари ўтилмайди лекин бошланғич синф ўқитувчилари дарсларни олиб бориш жараёнида ватанимизда кечаётган ўзгаришлар ватан нима эканлигини унинг шаънини тинчлигини қандай ҳимоя қилиш борасидаги тушунчаларни ёш авлод онгига сингдиб бориш мақсадга мувофиқдир. “Болаларнинг таълим, тарбияси – мактабларда; қароқчиларнинг таълими, тарбияси – қамоқхоналарда; аёлларники – уйларда; ёшларники илмда; кексаларники эса масжидлардадир”[2] Мана шу фикрлардан ҳам кўриниб турибдики болаларнинг тарбияси асосан мактабларда эканлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Инсон олиш мумкин бўладиган ахборотларнинг катта қисми болалиги даврига тўғри келади. Шунинг учун бугунги кунда фаолият олиб бораётган бошланғич синф ўқитувчиларидан жуда катта маҳорат ўз касбининг устаси бўлиши, ёш авлод онгига ватанпарварлик, ватанга содиқлик туйғусини шакиллантира олиши зарур деб хисоблайман. Бу борада ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар огоҳ, ҳушёр, шижоатли, ватанпарвар, интилувчан, қатъий эътиқодли, ҳамда мустақил ва теран фикрлай оладиган бўлсагина биз олдимизга қўйган мақсадимизга сўзсиз ета оламиз.

Биз ёшларимизни тўғри тарбиялашимиз ёш авлод онгида ватанпарварлик, миллий ғояга хурмат рухида тарбиялашимиз лозимдир. Бу эса юртимиз тараққиёти учун энг тўғри йўл деб ўйлайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ф.Б.Назиров - магистрант
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегияси тасдиқланди. Ушбу устувор йўналишлардан 4-йўналиш “Иштимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” хисобланади ва ушбу йўналишда: пенсионерлар, ногирон ва ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эхтиёжманд тоифаларининг тўлақонли хаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам

кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш каби долзарб масалалар келтириб ўтилган.

Мамалакат аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишда шу мамлакатда таркиб топган пенсия таъминоти муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу тизим жамиятнинг турли ижтимоий қатламларини қондириш учун мўлжалланган иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб тизим хисобланади. Бу тизимнинг муваффақияти эса, унинг молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига, пенсия таъминоти тизимининг молиявий манбалари мустаҳкамлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари пенсия тизимларини бошқариш ва молиялаштириш анча мураккаб бўлган аралаш тизимга эга. Шу жиҳатдан ҳам, бу давлатларда пенсия тизимини бошқариш ва молиялаштириш масалаларида муаммолар мавжуд. Бу муаммолар мамлакатнинг демографик таркиби, аҳоли таркибидаги кексалар улушининг ошиб бораётганлиги, ишловчилар билан пенсия олувчилар ўртасидаги нисбатнинг пенсия таъминотининг молиявий холатига салбий таъсир кўрсатадиган даражада ўзгариб бораётганлиги, давлат томонидан кафолатланган пенсия тизимларига муқобил равишда жамғариб бориладиган пенсия тизимларининг ривожланганлиги, лекин бу тизим аҳолининг даромадлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда етарли самарадорликка эга эмаслиги, хусусий пенсия фондларининг ривожланишига мамлакатда молия бозорининг етарли даражада шаклланмаганлиги каби муаммолар билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия таъминоти тизимининг асосий молиявий институти ҳисобланиб, унинг молиявий барқарорлиги, биринчидан тўғридан-тўғри аҳолининг ижтимоий химоя тизими барқарорлигига, иккинчидан, Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловлар ва бадаллар ҳамда бошқа тўловларга боғлиқ бўлади. Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги давлатнинг ижтимоий функциясига ижобий таъсир қилади.

Қуйида 1-жадвал асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлар манбаи ва уларнинг миқдорий кўрсаткичларини кўриб чиқишимиз мумкин бўлади.

Пенсия жамғармаси даромадлари таркибига энг катта улушни юридик шахслар иш хаққи фондидан ажратмалар ташкил этади. Ушбу ажратмалар хисобидан фонднинг 2018 йилда 58,02 фоизи шакллантирилган. Хажми жихатдан кейинги ўринда фуқароларнинг мажбурий бадаллари туради, улар бўйича тушумлар жамғарма даромадларининг 2018 йил 21,7 фоизни ташкил қилган. Махсулот сотиш хажмидан мажбурий ажратмаларнинг улуши 11,6 % ташкил қилмоқда. Бошқа даромадларнинг Пенсия жамғармаси даромадларидаги улуши 8.7 % га кўтарилганлигини кўриш мумкин. 1-жадвал

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари таркиби ва тузилиши[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Интернет сайти маълумотлари, www.pfru.uz

Кўрсаткичлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил	
	млрд.сўм	%	млрд	%	млрд	%
Даромадлар	**18113,3**	**100,0**	**19505,1**	**100,0**	**23948,8**	**100,0**
Йил бошига қолдиқ	2568,3	14,2	2282,0	11,7	2378,4	9,9
Иш хақи фондидан Ягона ижтимоий Тўловдан тушумлар	9474,	52,3	10226,	52,4	13896,9	58,02
Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари	3225,0	17,9	3993,9	20,5	5198,2	21,7
Маҳсулот сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар	1527,0	8,4	1429,7	7,3	2769,5	11,6
Бошқа даромадлар	1291,0	7,2	1555,0	8,0	2084,2	8,7

БМТ нинг маълумотларига кўра, 2018-йилда дунё аҳолиси таркибига 60 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг улуши 13,1 фоизни (960.млн. кишини) ташкил этган. 2020 йилга борганда 60 ёш ва ундан катта ёшдаги инсонларнинг сони биринчи марта 5 ёшдан кичик инсонлар сонидан ортиб кетади. 2050-йилга келиб Ер юзида ёши 60 ёшдан ошган ва ундан катта ёшдагилар сони 22 фоизни (2,0 млрд.кишини) ташкил этади. Ўзбекистонда кексаларнинг сони аҳоли умумий сонини 8.9 фозини ташкил этади. 2030-йилга келиб ушбу кўрсаткич – 11,6; 2050-йилда эса 19,4 фоизга етади. 60 ёш ва ундан катта шахсларнинг улуши муттссил ортиб бориши билан катта ёшдаги кишиларнинг пенсия таъминоти, шунингдек уларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган лойиха ва дастурларни молиялаштириш муаммоси пайдо бўлиши табиий. Шунинг учун мазкур жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларининг мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилиши лозим. Пенсия жамғармаси даромадларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қуйдагича таклифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман:

1. Аҳолининг демографик кўрсаткичларининг ёмонлашуви, яъни қариб бориш жараёнлари натижасида мехнатга қобилятли аҳоли билан пенсия ёшидаги аҳоли ўртасидаги нисбатнинг бузилиб бораётганлиги сабабли, давлат пенсия таъминотига муқобил пенсия тизимларини шакллантириш керак;

2. Пенсия жамғармасига даромадларнинг кўпайиши учун хорижда фаолият кўрсатаётган норасмий иш билан банд бўлган ишчилар, деҳқон хўжалиги бошлиқлари ва шахсий томорқа, қора мол боқиш билан шуғулланувчи шахсларни жалб этиш қамровини кенгайтириш ва Пенсия жамғармаси тўланадиган ягона ижтимоий тўловлар миқдорини ошириш, бунинг учун эса

оммавий ахборот воситалари, вақтли матбуот ва телевидиния орқали аҳолининг пенсия тизимига жалб қилиш ва истиқболда ундан манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, унинг қулайликларини тушунтириш керак. Зеро 2019 йилдан бошлаб ана шундай тоифага мансуб бўлган кишилар учун энг кам иш ҳақининг бир баробарида, чет элда фаолият юритаётган кишилар эса энг кам иш ҳақининг 4,5 баробарида тўловларни амалга ошириши, унинг бир йиллик иш стажани таъминлаб беради, бу эса жамғарманинг молиявий имкониятларини оширида, қолаверса иқтисодиётнинг реал секторида иш билан бандлилик даражасини оширишга хизмат қилади;

3. Ўзбекистонда хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий ва иқтисодий асосларини мустахкамлаш лозим.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. ЯПОНИЯ МИСОЛИДА.

Ш.А.Юсупов - магистрант
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига кўтарилмоқда, жамиятнинг барча соҳаларида жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу шароитда фуқароларнинг пенсия таъминотини такомиллаштириш ва аҳоли қатламлари ўртасида ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш миллий пенсия тизимимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда хориж мамлакатларидаги пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар бўйича тажрибаларни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Маълумки, Япония иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ўзига хос маданияти, улкан иқтисодиёти, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган аҳолиси ва бошқа кўплаб ижобий жиҳатлари билан Япония жаҳон ҳамжамиятида муҳим ўрин эгаллайди. Лекин шу билан бир қаторда, ушбу мамлакат аҳолисининг ёш қатлами бўйича энг кекса мамлакатлар қаторига ҳам киради. Бу эса салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки аҳолининг қариши натижасида мамлакатда меҳнат ресурслари етишмовчилиги, ижтимоий таъминот харажатларининг ортиши билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда.

Ҳозирги кунда Япония аҳолисининг 26.4 фоизини пенсия ёшидаги фуқаролар ташкил этади. Аҳолининг ўртача умр кўриш ёши 83.9 ёш, пенсия ёшидан кейинги ўртача умр кўриш давомийлиги 22 йил эканлигини статистик маълумотлардан кўришимиз мумкин. Давлат пенсиялари учун Япония ҳукумати ялпи ички маҳсулотининг 10.2 фоизи миқдорида харажатларни амалга оширади.

Япония давлат пенсия тизими икки босқичдан иборат бўлиб, асосий давлат пенсия тизими ва даромадларга боғлиқ бўлган ишчилар пенсия тизимларидан ташкил топган.

Асосий ёшга доир давлат пенсиялар олиш ҳуқуқини берувчи умумий пенсия ёши сифатида аёллар ва эркаклар учун 65 ёш белгиланган ва талаб қилинадиган энг кам стаж 10 йилдан иборат. Пенсия тайинлаш учун талаб қилинадган энг кам суғурталанган стаж 2017 йилга қадар 25 йилдан иборат бўлган ва 2017 йил 1 августдан 10 йилгача камайтирилган. Тўлиқ асосий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун эса фуқаро 40 йил суғурталанган стажга эга бўлиши лозим. Пенсия миқдорларини ҳисоблаш фуқаронинг суғурта бадали тўлаган даврига пропорционал равишда амалга оширилади.

Ишчилар пенсия тизими орқали тўланадиган ёшга доир пенсиялар асосий пенсияларга қўшимча равишда 65 ёшдан ошганларга тўланади.

Япония давлат пенсияларининг ўзига хослиги шундаки, асосий давлат пенсиялари бўйича тўланадиган суғурта бадаллари ва пенсияларнинг тўлиқ миқдори олдиндан қатъий белгилаб қўйилган. Яъни, ҳар ойлик суғурта бадали миқдори 2018 йил учун 16 340 иенани ва тўлиқ пенсиянинг йиллик миқдори 779 300 иенани ташкил қилган. Ишчилар пенсия тизими бўйича суғурта бадаллари эса иш берувчи ва ишловчи учун тенг, иш хақининг 8.914% и миқдорида белгиланган. Бундан ташқари ишчилар пенсия тизимида энг юқори суғурта бадал миқдори ҳам белгилаб қўйилган.

Японияда ёшга доир пенсиялардан ташқари ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсия турлари ҳам мавжуд. 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари давлат ва ишчилар пенсия тизимидан, 3- гуруҳ ногиронлар фақатгина ишчилар пенсия тизими орқали пенсия оладилар. 3- гуруҳдан қуйи даражадаги ногиронларга эса бир марталик тўлов амалга оширилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари қарамоғида 18 ёшгача фарзандлари бўлган фуқаро вафот этган тақдирда, давлат пенсия тизими орқали тўланади. Ишчилар пенсия тизими орқали эса: 1) агар, фуқаро суғурталанган шахс бўлиб, биринчи марта тиббий кўрикдан ўтганидан сўнг 5 йил муддатда вафот этса; 2) вафот этган фуқаро ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлса; 3) вафот этган фуқаро ишчилар пенсия тизимидан 1 ва 2- гуруҳ ногиронлик пенсияси олган бўлса, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тўланиши мумкин.

Бундан ташқари Японияда ихтиёрий-хусусий пенсия тизимлари орқали пенсиялар ҳамда 60-69 ёшдаги Токио шаҳрида яшовчи фуқароларга давлат томонидан қўшимча равишда ижтимоий ёрдам пули тўланади.

Япония пенсия тизимида яна бир ўзига хослик мавжуд бўлиб, умумий белгиланган ёшдан аввал ёки умумий белгиланган ёшдан кечиктирилган ҳолда ҳам пенсиялар тўланиши мумкин. Бунда муддатидан аввал пенсия тайинланганда ҳар бир ой учун пенсия миқдори 0.5% га камайтирилади, кечиктирилган пенсия олишда эса ҳар бир кечиккан ой учун пенсия миқдори 0.7% га оширилади.

Сўнгги йилларда Японияда нархларнинг валютага нисбатан пасайиши ҳолати кузатилмоқда. Шу муносабат билан 2019 йилдан бошлаб пенсия

миқдорларини индексациялашда дефляция ҳолатини инобатга олиш жорий қилинди, яъни нархларнинг пасайишига мутаносиб равишда пенсия миқдорлари ҳам пасайтирилиши мумкин.

КИТОБ ВА КИТОБХОНЛИК – ИНСОН МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Н. Музаффаров- СамИСИ ўқитувчиси

Ҳар бир мамлакатнинг эртаси унинг нафақат турли соҳадаги салоҳияти билан белгиланади, балки соғлом, баркамол ва интеллектуал жиҳатдан етук кадрлари ҳамда жисмонан ва маънан камол топган ёшларига ҳам боғлиқ.

XXI аср интеллектуал ахборотлашган техника асридир, яъни технология ривожланган даврдир. Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас деб ҳисоблаган. Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинт қон - қонига сингиб кетган. Кишининг маданияти унинг китобида акс этади. Шу маънода бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компютерга берилиб кетди. Компъютер ҳозирги кунда кўпгина хонадонларга ҳам кириб келган. Исталган янгилигу ахборотларни бу воситалардан хоҳлаганча олиш мумкин. Ачинарлиси, бугун китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофилм бадиий асар ўрнини босолмайди. Масалан, "Ўтган кунлар" романи асосида ишланган филм қанчалик маҳорат билан суратг а олинган бўлмасин, китобнинг таъсирини, жозибасини беролмайди.

Китобхонлик оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ. Маърифатли оилаларда китобга эътибор фарзандлар тарбиясида қўл келади. Инсон ўзининг фикрлаш қобилияти, маънавият дунёси билан ажралиб туради. Одамни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи омиллардан бири ҳам унинг маънавияти ҳисобланади.

Хўш, биз инсонлар маънавий озуқани қаердан оламиз? Албатта, "билимлар манбаи" бўлмиш китобдан. Китоб - бебаҳо бойлик экани барчамизга маълум. Бирорта санъат турини телевидение ва радио, замонавий компъютерлар имконияти ва афзалликларини инкор қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, буларнинг ҳеч бири китоб ўрнини боса олмайди. Айниқса, бадиий китоблар ҳар бир кишида инсоний фазилатларни кучайтиради, дунёқарашни кенгайтиради. "Ўзимдаги барча яхши хислатларим учун китобдан миннатдорман", деган эди ўз даврида алломалардан бири.

Дарҳақиқат, китоб бизнинг дўстимиз ҳисобланади. Лекин афсуски, бугунги кунда орамизда бу бебаҳо-маънавий бойликдан баҳраманд бўлиш ўрнига "Интернет кафе"ларда вақтини беҳуда ўтказаётган ёшлар учраб туради. Аввалари на компютер, на интернет бўлган. Ота - боболаримиз "Бобурнома", "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" сингари бебаҳо асарларни ўқиб, улғайишган. Хўш бугунчи? Кўпчилик, айниқса, ёшлар интернетни китобдан

афзал билишади. Шу ўринда, бу замонавий ахборот воситасининг салбий оқибатлари ҳам йўқ эмаслигини унутмаслик лозим. У туфайли бугун китобга бўлган меҳр тобора камайиб боряпти. Унутмайликки, китоб бизнинг энг яхши дўстимиздир. Биз қанча кўп китоб ўқиганимиз сари, шунча тушунчамиз кенгаяди. Афсуски, кўп ёшлар интернетни китобдан устун қўймоқда. Бу эса уларни дангасаликка гирифтор қилмоқда. Китоб - бу офтоб, у билимлар сарчашмасидир. Китобни инсон тафаккурининг қанотларига ўхшатишган. Зеро, тафаккури, фикр доираси кенг маърифатли кишилар жамиятнинт чинакам бойлигидир. Аксинча, ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимасликнинг аччиқ мевасидир.

Темирни занг кемирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мўрт қилади. Маънавият эса инсонга китоб ўқиш орқали юқади. Ҳар қандай янгилик ҳам бир кун эскиради, бироқ инсониятнинг минг-минг йиллар давомида қўлга киритган ақлий ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоблар асло эскирмайди. Бинобарин, китоб-ҳамиша илм-маърифат, адаб ва ахлоқ манбаи бўлиб келган. Бугунги кунда ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам китобдан кўра қудратлироқ восита йўқ. Инсон ақлий салоҳиятининг юксалишида китобнинг ўрни беқиёс. Зеро, китоб туфайли дунёқарашимиз бойиб, тафаккуримиз янада ўсиб бораверади. Не-не улуғ зотлар китобга ошно бўлиб, етукликка эришган, комил инсон даражасига етишганлар.

Атоқли адибимиз Ойбек таърифича, китоб - тафаккурнинг толмас қанотларидир. Шу маънода айтиш мумкинки, китоб - инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир. Биз шундай йўл тутайликки, токи фарзандларимиз учун китоб энг бебаҳо совғага айлансин. Шундагина фарзандларимиз биз орзу қилгандай, маънавий етук, теран фикрлай оладиган, катта ва кичик меҳрибон, ватанига содиқ, инсофли, диёнатли ва олийжаноб инсонлар бўлиб камол топадилар.

Бундан кўзланган ягона мақсад албатта бугунги кунда ёшларимизнинг мафкураси улардаги маънавий иммунитетни кучайтириш энг муҳими эса ёшларимизни китобга ошно қилиш уларни китоб билан муомаласини мунтазам йўлга қўйишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишида китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

“Айни пайтда, – дейди Шавкат Миромонович, – ахборот – коммуникация соҳасидаги охирги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва

уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади”. (“XXI аср”, 2016, 20 октябр)

Энди мутахассислар юртимизда аҳоли ўртасида, жумладан ёшлар орасида китобхонлик маданияти савиясиниг пасайиб кетиш сабабларини чуқур тахлил этиш асосида уни оширишга қаратилган аниқ ва пухта чора-тадбирлар белгилашлари талаб этилади.

ZAMONAVIY TA`LIM- AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARINING YOSHLAR HAYOTIDA TUTGAN O`RNI

Satimboyeva A.A- Buloqboshi tumani 3-maktab ingliz tili fani o`qituvchisi
Satimboyeva X.A.- ADU talabasi.

Hozirgi kunda ``ta`lim texnologiyalari`` tushunchalari har bir o`qituvchining diqqat e`tiboridagi mavzuga aylangan. Biroq bu muammoga munosabat bo`yicha turli vaziyat va yondashuvlar shu darajada keng tarqalganki, natijada bugungi kunda pedagoglar nimani xohlasa shuni, ya`ni aniq bir o`qituvchining maromiga yetgan muvaffaqiyatli ish tajribasidan tortib, to ta`lim usullari yaxshi ishlab chiqilgan darslarni ham texnologiya deb atamoqdalar. Bugun o`qitishning sinf-dars shakli o`zining asosiy qoidalari bundan 400 yil muqaddam ishlab chiqilgani va joriy etilganiga qaramasdan, hozirgacha butun dunyoda ta’limning dunyoda eng ko`p uchraydigan shakli ekanligi barchamizga yaxshi ayon. Olimlar bugun dars jarayonini tashkillashtirishda, “nimani o`qitish?”, “nega o`qitish?”, “qanday o`qitish?”,yoxud “qanday samara beradigan qilib o`qitish?” kerak degan savollarga javob qidirmoqdalar. Bu harakatlarning barchasi o`sib kelayotgan yosh avlodning kelajagi uchu tashlanayotgan qadamlardir. Chunki mamlakat taraqqiyoti asosan yoshlarning intellektual salohiyatiga bog`liqdir. Xususan, o`quvchi yoshlarimizning qiziqishi, xulq-atvori, ta`lim olishi va ijtimoiy tarmoqqa bo`lgan munosabati, dunyoqarashi va bo`sh vaqtini qanday va qayerda o`tkazayotganligi, internetning salbiy va ijobiy tomonlari haqida ko`p fikrlar bildirilmoqda. Bular kelajak avlod tarbiyasiga ta`sir etuvchi boshlang`ich omillardir. O`zbek pedagogi A.Avloniyning quyidagi fikrlari aytganlarimizga dalil bo`la oladi. *“Tarbiyani kim qilur,qayda qilinur?”-degan savol keladur. Bu savolga “birinchi uy tarbiyasi. Bu ona vazifasi. Ikkinchi –maktab va madrasa tarbiyasi. Bu ota, muallim, mudarris va hukumat vazifasidur”,deb javob beradi.* Demak, har qanday ta`lim-tarbiyaning asosiy maqsadi tegishli fandan o`quvchilarda BKMlarni hosil qilish, ularni bilish jarayonlarini rivojlantirish, olgan bilimlarini hayotda to`gri qo`llay olishiga zamin yaratish. Shu nuqtayi nazardan didaktikaning asosiy tamoyili ko`rgazalilik tamoyilidan unumli foydalanishdir. O`qitishda bu tamoyildan foydalanish, ham eshitish, ham ko`rish orqali o`quv materiallarini idrok qilib, ularni ongli tahlil qilish, hayotdagi zaruriyatini anglashga to`la asos bo`ladi. Ana shu ko`rgazmalilik AKTlar orqali o`tilgan darslarda mavjud ekanligini ko`ramiz. O`quvchilarning aqliy tarqqiyotini maksimal darajada rivojlantiruvchi ta`lim jarayonini tashkil etish katta ahamiyatga ega. Ajdodlarimiz me`rosini bugungi yosh avlodga yetkazi berishda zamonaviy ta`lim

texnologiyalaridan o`rinli foydalana olish imkoniyatlari kengaytirilgan. Yagona talim va bilim beruvchi ta`lim tarmog`ini yaratish kabi masalalarning e`tibordan chetda qoldirilmaganligi davlatimizda olib borilayotgan islohotlarning yaqqol namunasidir. Keyingi vaqtda Internet orqali tarqatilayotgan axborotning salbiy va ijobiy ta`siri haqida ota-onalar va jamoatchilikning fikrlari turli ko`rinishlarda bahs munozaraga sabab bo`layotganligiga guvoh bo`lyapmiz. Ayni damda globallashuv jarayoniga uch xil yo`nalishda e`tibor qaratishimiz zarur.

Birinchidan,fundamental hamma bilishi lozim bo`lgan kompyuter savodxonligiga doir bilim va ko`nikmalar. Ta`limning barcha bosqichlarida mazkur bilimlar yetarlicha o`qitilmoqda. Ikkinchidan, axborotning ijobiy tomoni hayotimizning har jabhasida, jumladan ta`limda ham zarur ma`lumotlarni tez va oson olish mumkin. Uchinchidan media savodxonlik. Birinchi yo`nalish bo`yicha o`quvchilar boshlang`ich sinflarda yetarli ma`lumotlarga ega bo`lmoqdalar. Ammo ikkinchi va uchinchi yo`nalishda muammolar hammamizning birdek sa`y harakatimizga bog`liq. Kerak va nokerak axborotlarni yoshlarga ajrata olishlarini o`zgatish lozim. Shunday ekan, o`qituvchi- pedagoglar, ota-onalaro`zlarining kompyuterda ishlash, axborot va media savodxonliklarini rivojlantirib ularni farzandalar tarbiyasida to`g`ri joriy etishi o`quv jarayonida sifat va samaradorlikka erishishning eng maqbul yo`li sanaladi. Ta`lim berishning bunday taraqqiyot bosqichi sifati jihatdan mutlaqo yangi texnologiyalarni samarali qo`llash zaruriyatini qo`ymoqda. Ayniqsa, AKT ushbu maqsadlarni ro`yobga chiqarishning omili sifatida ta`lim samaradorligini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Hozir talim muassasalarining barcha bo`g`inlari multimedia mahsulotlar va komyuter sinflari bilan to`la ta`minlangan. Demak, barcha loyihalarni amalga oshirish uchun zamin tayyor. Xulosa qilib aytganda, ta`limga oid portal va saytlarga murojaat qilar ekanmiz, milliy ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-talimiy, madaniy-ma`rifiy axborotlar foydalanuvchi ehtiyojlarini qondira oladigan darajada boy bo`lishi kerakligini ta`kidlamoqchimiz. Qolaversa, aksariyat xorijiy saytlardagi axborotlar yoshlarni o`ziga tortayotganligini bejiz emas. Bizning olim va mutaxassislarimiz o`z ishlanmalarini sayt va portallarga taqdim etsalar, maqsadga muvofiq bo`lar edi. Afsuski, ko`p namuna bo`lishga arzirli iste`dodlar tor doirada qolib ketmoqda. Yoshlar milliy saytlardan ma`lumot topa olmasliklaridan ko`p nolishadi. Xorijiy internet saytlaridan foydalanishning ko`payishi sabablaridan biri ham aynan shunda deb o`ylaymiz. Ta`kidlab o`tish joizki, barcha taraqqiyot mahsulotlari qatori, global axborot tarmog`idan ham faqat ma`rifiy yo`lda- umummilliy jipslikni mustahkamlash, avlodlarimiz barkamolligini ta`minlash, yurtimiz nomini jahonga tarnnum etish, umumbashariy ma`naviyatga o`z hissamizni qo`shishda foydalanishimiz lozim.

МИЛЛИЙ ФОЛКЛОР - ЁШЛАРИМИЗДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

М. Юсупов- СамДУ ўқитувчиси
С. Абдурахмонова- СамДУ Мусиқа йўналиши талабаси

Ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий-мафкуравий иммунитетини шакллантириш ва ривожлантириш давр талабидир. Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга оид ишлар давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Истиқлолдан сўнг биз ёшларга яратилган имконият ва шароитларни ҳатто жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли ташкилотлари, олимлари ва жамоат арбоблари ҳам эътироф этмоқда. Ўз навбатида бизлар ҳам Ватанимизда ёшлар учун яратилган имкониятлардан мамнун бўлган ҳолда ҳар қандай маънавий таҳдидларга қарши мустаҳкам иммунитетга эга бўлишимиз лозим.

Маълумки, шахс маънавиятини юксалишида, унинг мафкуравий иммунитетини шаклланишида бир қанча омиллар муҳим рол ўйнайди. Хусусан, мусиқа санъати шахс маънавиятини шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бу хусусида Республикамизнинг биринчи Президенти И.Каримов шундай деган эди: “...бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”[1]. Дарҳақиқат, мусиқа санъатининг айниқса ёшлар қатлами орасида таъсир доираси кенг. Шу боис мусиқа санъат миллий тарбиямизда муҳим ўрин тутади.

Аждодларимиз томонидан бой мусиқий мерос яратилгандир. Ватанимизда мусиқа санътининг ривожи беш минг йиллик тарихий даврни ўз ичига олади. Археологик тадқиқотлар жараёнида Шераборнинг Жарқўтон шаҳристонидан 4500 йиллик дўмбира ҳайкали топилди. Бундан ташқари шу жойдан най, чилтор каби чолғу асбоблари ҳам топилди[2]. Илк ўрта асрларда ҳатто Хитой манбаларида ҳам Марказий Осиё халқлари мусиқа ва рақс санъатига юқори баҳо берилган эди. Мусиқа назариясига бағишланган Фаробийнинг рисолалари Шарқ халқлари маданияти юксалишига хизмат қилган[3]. Темурийлар даврида мусиқа санъатининг равнақини испан элчиси Клавихо ҳам мамнуният билан эътироф этган эди[4]. Ўзбек халқи маънавий бойлиги ҳисобланган “Шошмақом” наволари ҳанузгача инсониятни лол қолдириб келмоқда. 1997 йилдан буён Самарқанд шаҳрида ўтказилиб келинаётган “Шарқ тароналар” халқаро мусиқа фестивали ҳам миллий мусиқа санъатимизни жаҳон ҳамжамияти юксак

[1] И.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч Т.2008й. 141 бет
[2] Шопўлат Шайдуллаев. “Беш минг йиллик йўлдошимсан, дўмбирам!” Термиз шаҳрида ўтказилган I халқаро бахшичилик санъат фестивали иштирокчиларининг дил сўзлари. Маърифат 2019 йил, 6-апрель,№26
[3] М.Хайруллаев Форобий. /Маънавият юлдузлари. .А.Қодирий номидаги халқ мероси нашри. Т.-2001й. 80 б.
[4] Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406йиллар) Т.Ўзбекистон. 2010.-179 бет

даражада эътироф этаётганлигададир. Мусиқа соҳасида аждодларимиз яратган маънавий меросни салмоғи жуда каттадир. Мана шундай нодир маънавий меросдан бугунги кунда ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда унумли фойдаланишимиз лозим.

Ёшларимизда миллий мусиқий маданиятни ривожлантиришда фолклор анъаналари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўлкамиз халқларининг фолклор анъаналари жуда бой тарихий меросга эга. Аждодларимиз томонидан яратилган афсоналар, ривоятлар, лофлар, латифалар, мақоллар, топишмоқлар, эртаклар, достонлар, қўшиқлар, аскиялар каби халқ оғзаки бадиий ижодининг нодир намуналари ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида ёшларимизни миллий маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса достончилик - халқ оғзаки ижодининг достончилик анъаналари муҳим тарбиявий ўринга эга.

Дастлаб қушиқ шаклидаги, мусиқа асбобисиз куйланадиган достонлар кейинчалик (10— 11-асрлар) дўмбира жўрлигида айтиладиганлари юзага келган. Достончилик анъаналари такомиллашиб ҳозирги даврда бахшиларимиз репертуарида 150 дан ортиқ халқ достонлар мавжуддир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Саидмурод Паноҳ ўғли, Берди бахши, Абдулла Нурали ўғли, Умир шоир, Бола бахши, Аҳмад бахши каби етакчи бахшиларимиз бўлиб, уларнинг ўз йўналишлари, мактаблари ва анъналари мавжуддир. Достончилик анъанаси ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Бахшилар театрларда, концерт залларида, катта сайил ва байрамларда, радио ва телевидение орқали уюштирилган кўрсатув ва танловларда ўз маҳоратларини кенг томошабинлар олдида намойиш этмоқдалар.

Мусиқа санътига оид бой миллий маънавий қадриятларимизни, фолклор анъаналаримизни асраб аввайлаш ва кенг жамоатчиликка тарғиб этиш мақсадида жорий йилнинг апрел ойининг бошида Термиз шаҳрида халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтди. Мазкур фестивалда дунёнинг 74 давлатидан 160дан зиёд вакиллар иштирок этдилар. Халқаро фестивални аҳамиятини таъкидлар экан, Президентимиз шундай дейди: “Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб аввайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлини эзгу бурчидир”[1] . Мазкур халқаро фестивал миллий достончилик анъаналаримизни жаҳон миқёсида тарғиб этишда муҳим омилдир. Ҳозирги ахборотлашган жамиятда ёш авлодни “оммавий маданият” таъсиридан асраб қолишда бахшичилик санъати, ундаги куйланаётган миллий қадриятларимиз муҳим аҳамият касб этади.

Бахшичилик санъати, достончилик бой миллий фолклоримизнинг бир йўналишидир. Достончиликдан ташқари миллий фолклоримизнинг бошқа йўналишлари ҳам муҳим тарбиявий аҳамитга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик фестивали очилишидаги нутқи. Халқ сўзи. 2019йил, 7 апрель №68(7298)

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало кўп минг йиллик миллий маънавий қадриятларга эга бўлган диёримизда жуда бой фолклор анъналари яратилган. Иккинчидан, мусиқа санъати тарбиянинг таркибий қисми экан, миллий қадриятларимиз тараннум этилган фолклор санъатимизнинг ноёб дурдоналарини кенгроқ тарғиб этишимиз керак. Шундагина ёшларимизда миллий ифтихор ва миллий ғурур тушунчаларини шаклланишига ёрдам берган бўлар эдик.

МИЛЛИЙ АДАБИЙ МЕРОСИМИЗДА ГАДОИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ҚОФИЯЛАНИШ ТИЗИМИНИ ЎРГАНИШ

Асланова Ҳ.А- СамДУ таянч докторанти

Ўзбек адабиётининг бой маданий мероси борки, у асрий кенгликни ўз ичига олади. Жумладан, XV аср адабий жараёнида Гадоий ижоди ҳам муҳим ўринга эга. Унинг ҳар бир ғазалида илми бадеънинг кўплаб намуналари даврий анъанага мос ва шу билан бир қаторда индивидуал услуб касб этади. Шу боис ҳам Гадоий ўз шеъриятида ижодий ўзига хослик хусусиятлари, ижтимоий масалалар талқини, бадиий санъатлар ва тимсол яратиш маҳоратлари, вазн, қофия, бадиий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланган. Диний ва дунёвий ишқнинг бадииятда қўлланилиши, унинг учун эса, қофия ва вазн тизимининг мувофиқлиги, шеърий санъатларнинг қўлланилиш доираси чуқур таҳлилларни келтириб чиқаради.

Шеърнинг бошида келадиган сўзларнинг оҳангдош бўлиб келишига, **бошқофия** деб айтилади. Гадоий ижодида бу санъат ҳам бир хил ҳижоланишга эгадир.

Санингдек шоҳнинг остонасинда,
Манингдек бир Гадо бўлмаса бўлмас.

Ёки:

Сийратинда, дилрабо давлат нишони кўрнадур,
Суратингда дағи анвоъи маъний кўрнадур.

Мумтоз адабиётимизда ҳар бир мисра сўнгида иккитадан сўзнинг қофияланиб келишига - **зулфиқофиятайн** дейилади.

“Байт мисраларида иккитадан сўзни қофиядош қилиб келтириш усули зулқофиятайн (қўш қофия келтириш) санъати дейилади. Ҳар қайси байтдаги қофиядош икки сўз мисралар охирида кетма-кет ёхуд мисраларнинг турли ўрнида келтирилиши мумкин.

Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги
Кўнглига хаёлидин тафаккур,
Жониға висолидин таҳайюр.
...Дардимға хаёлини табиб эт,
Жонимға висолини насиб эт,
Ҳам ҳужраи хилқатим бузулди,
Ҳам риштаи тоқатим узилди.

каби кўплаб байтлардаги қўш қофиялар мутакаррин қофия саналади.

Қофиядош икки сўз мисраларда ёнма-ён эмас, балки икки ўринда келса, улар маҳжуб қофия дейилади. Бу хил қофияларда қофиядош сўзлар мисраларнинг боши ва охирида келиши мумкин.

Гадоий лафзий санъатининг аҳамиятли жиҳати шундаки, ижодкор сўз бўғинларини тенг миқдорда қўллаши билан ажралиб туради.

Чун гашт учун отландинг, аё сарви равоним,
Етти ети гардунға манинг оҳу фиғоним.

Шеърнинг ҳар бир мисраси охиридаги оҳангдош сўзларнинг қўлланилиши - **қофия** саналади. "Қофия ва унинг турлари, таркибий тузилиши шарқ поэтикасида алоҳида фан - «Илми қофия»да ўрганилган. Бу назария қофия таркибини фонетик жиҳатдан тўлароқ текширишда катта имкони-ятларга эга. Унга кўра *қофия равий* (луғавий маъноси туяга юк боғлайдиган арқон, истилоҳий маъноси эса, қофияни ташкил этувчи асосий унсур) ҳарфидан-товушидан иборат. Масалан, «вафо» ва «жафо» сўзларидаги **о** товуши, «вафодор» ва «жафодор» сўзларида эса, **р** товуши равийдир. Қофия назариясига кўра, қофияда равийдан ташқари яна саккизта унсур бўлиб, булардан тўрттаси-ридф, қайд, таъсис ва дахил равийдан олдин, тўрттаси- васл, хуруж, мазид ва нойира равийдан кейин келади.

Мумтоз поэтикага кўра, қофия иккита асосий гуруҳга - *муқаййад* (ўзакнинг оҳангдошлигига асосланган) *вамутшқ* (қўшимчали сўзлар оҳангдошлиги) қофияларга ажратилади.

Муқаййад қ***офия равий***, *таъсис, ридф, қайд, дахил* каби унсурлардан, мутлақ қофия эса, *васл, хуруж, мазид, нойира* сингари узвларни ўз ичига олади. Ушбу унсурларнинг қўлланишига нисбатан муқаййад қофия етти *(муқаййади мужаррад, муқаййади муассас, таъсисли ва дахилли муқаййад, ридфи аслийли му-қаййад, ридфи муфрадли муқаййад, ридфи мураккабли муқаййад, қайдли муқаййад)* турга, мутлақ қофия эса 25 хил *(мужаррад, таъсисли, таъсисли ва дахилли, ридфи аслийли. ридфи муфрадли, ридфи мураккаб, қайд, хуружли, таъсис ва хуружли, таъсис, дахил ва хуружли, ридфи аслий ва хуружли, ридфи мураккаб ва хуружли, қайд ва хуружли, мазидли, таъсис ва мазидли, таъсис, дахил ва мазидли, ридфи аслий ва мазидли, қайд ва мазидли, рид-фи мураккаб ва мазидли, нойирали, таъсисли ва нойирали, таъ-сис, дахил ва нойирали, кайд ва нойирали, ридфи аслий ва нойирали, ридфи мураккаб ва нойирали)* тасниф қилинади.

Кўриниб турибдики, Шарқ мумтоз қофия назарияси ўз характери жиҳатдан жуда ҳам мукаммал фонетик тизимдир. Бинобарин, замонавий шеъриятдаги қофия ҳам мазкур назария асосида тадқиқ қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди[1]. Гадоий услубида ғазалларининг аксарияти тўлиқ қофияланиш тизимига эгадир.

[1] Салаев Ф, Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. Т.: Янги аср авлоди, 2008 йил, 317-318 б.

YOSHLAR MA’NAVIYATINI YUKSALTIRISH - ZULFIYA IJODINING BOSH MEZONI

SamISI akademik litsey ona tili va adabiyot o`qituvchilari
Z.Ochilova, N.Ochilova

“Kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish – buyuk maqsadlarimizga erishishning muhim kafolatidir. Farzandlarimizda yoshlik chog`idan boshlab kitobga mehr qo`yish, mustaqil fikr yuritish, murakkab hayotiy vaziyatlarda to`g`ri javob topish ko`nikmasini shakllantirishimiz darkor”, - deydi O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev. Bu esa ona tili va adabiyot o`qituvchilari zimmasiga juda muhim mas’uliyat yuklaydi. Dars jarayonida o`tiladigan har bir adib va uning asari mag`zini chaqish, avvalo, unga yuklanadi. Darhaqiqat, yosh avlodning ma’naviy salohiyati, ongi, tafakkurini shakllantirishda, ona-Vatani va xalqiga muhabbat va sadoqat tuyg`usini tarbiyalashda badiiy asarlarning o`rni beqiyosdir.

O`zbek adabiyoti serqirra ijodkorlarga, ma’naviyati yetuk barkamol shaxslarga ega bo`lgan mukammal badiiyatga boydir. Ana shunday zabardast otashnafas shoiralardan biri Respublika Davlat mukofoti sovrindori, xalqaro “Nilufar” va Javoharla’l Neru mukofoti laureati, “Mehnat Qahramoni” davlat unvoni, “Do`stlik” ordeni sohibasi, Bolgariyaning “Kirill va Mefodiy” ordeniga sazovor bo‘lgan Zulfiya Isroilovadir. Inson ruhiyati dunyosining betakror kuychisi Zulfiyani bilmaydigan, uning biror she’rini yod olmagan o`quvchi topilmasa kerak. Sevimli shoiramiz o`z she’rlari bilan yoshlarni nafosatga, ezgulikka oshno etib, oppoq tong sari yetaklab, qalb harorati bilan isitib kelmoqda. Zulfiyaning ovozi - ona qalbini, ayol nazokatini, inson orzusini kuylagan otashin she’rlari faqat O`zbeksitondagina emas, butun Osiyo va Afrika mamlakatlarida ham kitobxonlar diqqatini jalb qildi.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov aytganidek, «Zulfiya ijodi millionlab kishilarga, muhabbat va sadoqatdan saboq bermoqda, sadoqat va vafo ramzi bo`lib yashamoqda. Kamalak yetti rangda yetmish xil jilolanib, barchani maftun qilgandek, Zulfiya tongning o`ziday rost va yorqin haqiqatga yo`g`rilgan poeziyasi bilan sadoqat va vafo tuyg`usini insoniylikning, komillikning bosh mezoni darajasiga ko`targan».

Akademik litseyning III bosqichida shoira ijodini o`rganish uchun 2 soatlik dars mashg`uloti ajratilgan. “Zulfiyaning hayoti va ijodi” mavzusidagi ushbu darsda shoiraning ibratomuz hayotini o`rganish orqali o`quvchilarda vatanparvarlik, xalqparvarlik, insonparvarlik, mustaqillikning qadriga yetish, vafo va sadoqat tuyg`ularini shakllantirish, mustaqil fikrlash, ifodali o`qish faoliyatini o`stirish va shu orqali bilim, malaka hamda ko`nikma hosil qilish asosiy maqsad qilib olinadi. Dars mashg`ulotida “Taqdimot”, “Ifodali o`qish”, “Sahna namoyishi”, adabiy-musiqali kompozitsiya ko`rinishlari hamda texnik vositalardan proyektor, vizual materiallar, disklar, musiqa asbobi – gitara, didaktik vositalarni qo`llash ham ijobiy samaralar berishi kuzatiladi. Darsga shior tanlash ham

tarbiyaviy ahamiyatga molik xususiyat sanaladi. Ushbu darsning shiori: ***“Vafoli va sadoqatli bo`laylik!”*** Ushbu fikr yoshlarda onaga, ayol zotiga, Vatanga muhabbat tuyg`ularini tarkib toptiradi. Dars mashg`ulotining rejasini quyidagicha tuzish tavsiya etiladi: 1. Zulfiyaning hayoti. 2. Uning ijodida xalqparvarlik mavzusi 3. Shoira lirikasida bahor tarannumi. 4. Zulfiya – vafo va sadoqat timsoli. 5. Shoira she’rlari turli tillarda jaranglaydi. 6. Musiqali tanaffus.

Darsni kichik guruhlarda ishlash, taqdimot va boshqa usullardan mohirona foydalanish asosida o`tkazish maqsadga erishishning asosiy tamoyilini tashkil etadi.

Taqdimot usuli yangi pedagogik texnologiyaning eng sinalgan va samarali natija beradigan, o`quvchilarni mustaqil fikrlashga o`rgatadigan usullaridan biridir. Bunda mavzu o`tilishidan oldin, o`quvchilarga Zulfiya ijodini o`rganish, ijodidan namunalar yodlash, sahna namoyishlarini tashkil etish, uning she’rlariga bastalangan qo`shiqlarni topib ijro etish, internet tarmog`idan shoiraning faoliyati aks ettirilgan videolavhalarni, shuningdek, fotosuratlarni topish asosiy topshiriq qilib beriladi.

Dars jarayonida esa har bir guruh o`ziga berilgan vazifani astoydil bajarishga intiladi.

“Zulfiya izdoshlari” guruhi

Ushbu guruh O`zbekiston telekanalida namoyish etilgan “Umr daftari” hujjatli filmidan Zulfiyaning hayotiga doir parchani namoyish qiladi. O`z taqdimotini ular shoiraning mashhur **“Baxtim shu - o`zbekning Zulfiyasiman”** satrlari bilan boshlab hayoti va ijodi haqidagi quyidagi ma’lumotlarni berishadi:

Zulfiya – xalqimiz qalbida mangu yashashdek baxtga musharraf bo‘lgan noyob iste’dod egasi edi. U o‘zining bor mehr-muhabbatini, ilhomini xalqiga, Vataniga bag`ishladi. Yurtimizda shoirani bilmagan, she’rlarini o`qib zavqlanmagan kishi bo‘lmasa kerak. O`zbekiston xalq shoirasi Zulfiyaxonim nomini eshitmagan, loaqal u yozgan she’rlarning bir satrini xirgoyi qilmagan yurtdoshimiz bo`lmasa kerak.Vafo va sadoqat timsoli bo`lmish shoiraning nomi shodlik va baxt kuychisi Hamid Olimjon nomi bilan chambarchas bog`liq. Har ikki buyuk qalb egasi uyg`onish fasli bahorni juda qadrlashgan. Har gal bahordan ilhom va jo`shqinlik olishgan. Biz bugungi darsimizni ham aynan buyuk shoiraning sevimli fasli bahorning kirib kelishi, ijodi va nomining bahorday abadiy, doimiy yashnab turishiga bog`lab o`tkazishga ahd qildik. Guruh o`quvchilari tomonidan quyidagi she’rlar musiqa sadolariga hamohang tarzda ifodali o`qiladi: **“Mushoira”** she’ri, “Men o`tgan umrga achinmay qo`ydim“. Shuningdek, shoiraning “Xotiram siniqlari” dostoni asosida suratga olingan videofilmdan parcha namoyish etiladi.

“Tong kuychisi” guruhi

Bu guruh Zulfiya ijodida tinchlik, xalqparvarlik, vatanparvarlik mavzulari, tong kuychisi ekanligi haqidagi quyidagi ma’lumotlarni berishadi:

O`zbekiston xalq shoirasi, taniqli jamoat va davlat arbobi - Zulfiya, xorijiy mamlakat taraqqiyparvar yozuvchilari va davlat arboblarining mehmoni sifatida juda ko`p mamlakatlarda bo`lgan edi. U o`zining butun ijodi va ijtimoiy faoliyati bilan tinchlik ishiga, xalqlarning do`stligi va birodarligi ishiga katta hissa qo`shib

kelgan. U baxtli zamonamizni - Vatanimiz mustaqilligini ko`rishga muyassar bo`ldi, xalqimiz boshidan o`tgan dard-u balolar ortda qolganini sezdi. Zulfiyaning “O`ylar”, “Hijron kunlarida”, “Mushoira” turkum she’rlari adabiyotimiz sahifasini bezadi. Ayniqsa, shoira she’rlarida ayollarga xos nafis, latofatli, jozibali his-tuyg`ular hukmron. Guruh tomonidan shoiraning quyidagi she’r va qo`shiqlari o`quvchilar hukmiga havola qilinadi: “Xalqimga aytar so`zlarim”, “O`g`lim, sira bo`lmaydi urush”, “Seni kuylayman, hayot”, Shuningdek, “Fontan oldida” qo`shig`i namoyish etiladi.

“Bahor tarovati” guruhi

Guruh o`quvchilari bahor mavzusi shoira ijodining asosiy mavzusi ekanligi haqidagi ma’lumotlarni keltirishadi va quyidagi she’rlarni ifodali o`qishadi: “Bahor”,“Demak, bahor keldi”, “Bahor”, “Sog`inib”, “O`riklar gullar”.

Ushbu guruh “Zulfiya” videofilmidan parcha namoyish qilishadi. Shuningdek, o`quvchilar shoira she’rlarini fransuz, tojik, nemis, rus, ispan, ingliz tillarida ijro etishadi.

“Vafo va sadoqat” guruhi

Guruh o`z taqdimotini “Bahor keldi seni so`roqlab” she’ri asosida yaratishgan sahna namoyishi bilan boshlashadi. So`ng Zulfiya va Hamid Olimjon xotirasi abadiy tirik ekanligi, shoiraning hayoti o`zbek ayollari uchun vafo va sadoqat timsoli bo`lib qolishi haqidagi ma’lumotlarni berishadi. Shoiraning “Sensiz”, “ Haykal” she’rlari ifodali o`qiladi hamda o`quvchilar tomonidan “Eng gullagan yoshlik chog`imda” qo`shig`i gitara musiqa asbobida ijro etiladi.

O`quvchilar mustaqillik yillarida mamlakatimizda Zulfiya nomli Davlat mukofotining ta’sis etilishi hamda akademik litseydagi bu mukofotga sazovor bo`lgan o`quvchilar: Salimova D., Jo`rayeva U., Ahmadova M., M.Samatboyevalar haqida gapirib, ular kabi Zulfiyaxonim izdoshlari bo`lishga intilib yashash har bir insonning eng buyuk orzusi ekanligini faxr bilan gapirishadi.

Ushbu dars orqali o`quvchilar ma’naviy barkamollik bilim manbai bo`lmish kitob orqali singishi lozimligini yana bir karra chuqurroq his etishadi.

MA’NAVIY BARKAMOLLIK – JAMIYAT TARAQQIYOTINING ASOSIY POYDEVORI

Maysara Eshniyazova- SamISI akademik litseyi o’qituvchisi

XXI asr fan-texnika taraqqiyoti jadal rivojlanayotgan, axborot-kommunikatsion vositalar xizmatidan foydalanish sur’ati keskin ortayotgan, fuqarolarning talab, ehtiyoj va maqsadlarini qondiruvchi moddiy manbalar yetarlicha ishlab chiqarilayotgan davr – innovatsion texnologiyalar asri bo’lib tarixga kirmoqda. Insoniyatning farovon, to’kin-sochin hayot kechirishi uchun zarur bo’lgan moddiy-texnik jihozlar kundan kunga, yildan yilga takomillashib, sayqallanib, qulayliklari ortib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligi, “insonlarning millati, tili va dinidan qat’i nazar, erkin, tinch va badavlat umr kechirishi, bugun

hayotidan rozi bo'lib yashashi"[1], yurt kelajagi kafolatlanganiga ishonch hosil qilishi Davlatimizda olib borilayotgan oqilona va odilona siyosatning bosh maqsadidir. Zero, O'zbekiston, yurtboshimiz e'tirof etganidek, milliy tiklanishdan milliy yuksalish sari jadal harakat qilmoqda.

Davlat va jamiyatning iqtisodiy va ijtimoiy sohalari qancha taraqqiy etsa, insonlarning ilmiy-ma'naviy salohiyati ham shunga mos va mutanosib bo'lishi lozim. Fuqarolarning ilmiy iqtidori, rahbarlik salohiyati, harbiy bilimlari, kasbiy mahorati yuqori saviyada bo'lishi bilan birga, ularning shaxsiy fazilatlari: insoniylik, xalqparvarlik, vatanparvarlik, milliy g'urur tuyg'ulari qanchalik kuchli bo'lsa, davlatimiz poydevori ham, kelajagi ham shunchalik mustahkam bo'ladi. Mustaqil O'zbekistonimiz bugungi tezkor taraqqiyot davrida har tomonlama eng rivojlangan davlatlar qatoridan mustahkam o'rin egallash yo'lidan sobitqadamlik bilan borayotgan bir davrda xalqimizning, shuningdek, kelajagimiz egalari hisoblanmish o'sib kelayotgan yosh avlodning o'z oldiga qo'ygan maqsadi ham shunga mos holatda teran, aniq, xolis va qat'iy bo'lmog'i lozim. Shu bois jamiyatning mazkur talabini – g'oyaviy-mafkuraviy jihatdan sobitqadam avlodlarga bo'lgan ehtiyojini qondirish uchun, avvalo, kamolotning dastlabki bosqichi sifatida har bir yoshning shaxs sifatida kamol topishiga zamin tayyorlanadigan ta'lim-tarbiya jarayoniga alohida e'tibor qaratilmoqda. Prezidentimiz ta'kidlaganidek, "zamon talabi, islohotlar shiddatiga mos kadrlar tayyorlash"[2] maqsadida keyingi yillarda ta'lim tizimini takomillashtirish, zamonaviy kadrlar tayyorlashga qaratilgan qator ishlar amalga oshirildi.

Tarixiy hodisalar shundan guvohlik beradiki, moddiy ehtiyojlar har bir davrda o'ziga xos tazda namoyon bo'laveradi, lekin ma'naviy immunitetning mustahkam bo'lishi hamma davrlar uchun birdek qadriyat sanaladi. Aytish joizki, bugungi kunda mamlakatimizda 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan oliy maqsad – mamlakatimiz taraqqiyotini yanada yuksak bosqichga ko'tarish yo'lida barcha soha va tarmoqlarda ulkan o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Shu nuqtayi nazardan yosh avlodning, o'quvchi va talabalarning g'oyaviy-mafkuraviy jihatdan mukammal tarbiyalanishi ayni maqsadga muvofiq hodisa sifatida jamiyat a'zolarining diqqat markazida turuvchi dolzarb masaladir. Jamiyat hayotida ezgu qadriyat va an'analarni chuqur qaror toptirishda, xususan, xalqimiz, ayniqsa, yosh avlodning ma'naviy-intellektual salohiyati, ong-u tafakkuri va dunyoqarashini yuksaltirishda, ona - Vatani va xalqiga muhabbat va sadoqat tuyg'usi bilan yashaydigan barkamol shaxsni tarbiyalashda beqiyos ahamiyatga ega bo'lgan omillar bir qancha bo'lib, shulardan eng muhimi – bu kitobxonlik madaniyatini oshirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Mazkur yo'nalishda tashkiliy-amaliy ishlarni olib borish va ularni zamon talablariga mos tarzda yo'lga qo'yish bo'yicha tegishli huquqiy-me'yoriy hujjatlar bazasi yaratilgan. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining bu sohada ijobiy o'zgarishlar, tub islohotlar amalga oshirishga qaratilgan 2006-yil 20-iyuldagi

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – "Zarafshon", 2018-yil 29-dekabr, 155-156-son.
[2] O'zbekistonga jadal islohotlar sur'atiga mos ilg'or kadrlar kerak. – "Xalq so'zi", 2018-yil 19-dekabr, 262-son.

“Respublika aholisini axborot-kutubxona bilan ta’minlashni tashkil etish to‘g‘risida”gi qarori, 2011-yil 13-apreldagi “Axborot-kutubxona to’g’risida”gi Qonuni, 2017-yil 12-yanvardagi «Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ibot qilish bo‘yicha komissiya tuzish to‘g‘risida»gi Farmoyishi, 2017-yil 13-sentabrdagi “Kitob maxsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ibot qilish bo‘yicha Kompleks chora-tadbirlar dasturi to‘g‘risida”gi Qarori asosida yurtimizda keng ko’lamli ishlar olib borilmoqda. Mazkur qonun va qonunosti hujjatlarda belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash yuzasidan hududlarda Axborot-resurs markazlari faoliyati zamon talablariga mos isloh qilindi, yangi kitob savdo do’konlari faoliyati yo’lga qo’yildi hamda aholiga xizmat ko’rsatish sifat jihatidan ancha takomillashtirildi. Kitobsevarlar o’rtasida o’tkaziladigan ko’rik-tanlovlar respublika miqyosida ommalashtirildi va shaxsan davlatimiz rahbari tomonidan rag’batlantiruvchi sovrinlar belgilandi. Yoshlarning kitob o’qishga ishtiyoqi ortdi. Nashriyotlarda badiiy asarlarni bir necha nusxada chop etish va hududlarga tarqatish ishlari sur’ati oshdi. Biroq, tan olish kerakki, bu maskanlar hali gavjum go’shalarga yetarlicha aylanib ulgurganicha yo’q. Demak, jamiyatimizda kitobga mehr qo’yish, kitobxonlikka qiziqish eng zarur ehtiyoj ekanligiga aholi o’rtasida hali to’liq e’tibor qaratilmagan. Pedagog sifatida tajribamizdagi kuzatishlardan kelib chiqib bu holat yuzasidan ayrim mulohazalarimizni aytib o’tmoqchimiz.

Xalqimiz turmush tajribasidan ma’lumki, ajdodlarimiz farzand tarbiyasida kitob mutolaasiga alohida e’tibor qaratishgan. Buyuk Navoiy-u Bobur, Amir Temur-u Ulug’bek kabi alloma-yu ijodkorlarimiz, tojdor-u daholarimiz ma’naviyati bolalikdan kitobga mehr qo’yish bilan shakllangan. Ajdodlarimiz xalq ertaklari-yu dostonlarini tinglab tasavvur va tafakkur dunyosini, ruhiyat olamini boyitishgan. Adabiyot durdonalari – xoh xalq og’zaki ijodi namunalari, xoh yozma asarlar bo’lsin – xalqimiz qalbida yurtiga, ona tiliga, oilasiga, vatandoshlariga mehr-muhabbat va sadoqat, milliy g’urur, or-nomus, adolat-u insof, andisha-yu hurmat, olijanoblig-u saxovatpeshalik sifatlari shakllanishida asosiy vosita bo’lib xizmat qilgan. Bunday ma’naviyat durdonalari mutolaa qilingan, tinglangan, eng muhimi, oila davrasida yoki jamoat ichida muhokama qilingan, bahs-u tortishuvlar asosida asarlar mazmun-mohiyati anglangan, anglatilgan. Ahamiyatlisi shundaki, yosh-u qari birday qiziqish bilan ishtirok etadigan bunday davralarda mushohada qilish va mulohaza yuritish, mantiqiy fikrlash qobiliyati, keng dunyoqarash va tafakkur shakllangan, e’tiqod va iroda mustahkamlangan, notiqlik mahorati o’sgan, kishilar ongi ham ma’nan, ham ruhan, ham ilman boyib borgan. Bugungi kunda esa juda ko’p xonadonlarda oilaviy mutolaaga deyarli vaqt ajratilmaydi. Aksariyat oilalarda xonadon sohib-u sohibasi doim ish bilan bandligi bois kechki taomdan so’ng kunning charchog’ini yozish uchun yoki oynayi jahon yoniga cho’kadi, yoki dam olish uchun uyquni afzal bilishadi. Hatto shunday oilalar borki, ota-onalarning o’zi uyda vaqtini farzandi bilan emas, telefon-u kompyuter bilan o’tkazishni afzal ko’rishadi. Bolalarining injiqliklariga bardosh berish, ularga ruhan yaqin bo’lish, yutuqlari va muammolari bilan qiziqish o’rniga, ularning o’qishini o’qituvchilariga yuklab qo’yiladi yoki faqat

ta’limiy fanlardan o’zlashtirishi nazorat qilinadi, ta’lim-tarbiya berish, asosan, o’quv maskanlaridagi ustoz va murabbiylar zimmasidagi ishdek bo’lib qoladi. Kunning qolgan qismida yolg’iz yoki nazoratsiz qolgan bola, asosan, mustaqil dars tayyorlaydi, oq-u qorani, kerakli-keraksiz narsalarni to’la idrok etib ulgurmagan, hali bolaligiga boradigan yoshdagi farzand zangori ekran bilan “dos’tlashib” oladi, uning yonida asosiy vaqtini o’tkazadi, lekin tomosha qilgan ko’rsatuvlari, o’qib-o’rgangan bilimlarining mohiyatini anglab-anglamay (!) kunlarini o’tkazaveradi. Eng achinarlisi, hozirda yoshlarning aksariyati turli rusumdagi uyali aloqa vositalari yoki kompyuter texnikasi xotirasidan mustahkam joy olgan ko’ngilochar o’yinlarning (yanada dahshatlisi – bu o’yinlarning ko’pchiligida otishma, qotillik, jangarilik, mushlashish sahnalarining ko’pligi), internet orqali yuklab olingan, lekin yoshiga mos bo’lmagan film va suratlarning ashaddiy ishqiboziga aylanib qolayotganlaridir. Bola nimani qanday o’qishni bilmasa, o’qigan narsasini uqmasa yoki mohiyatini anglamasa, undan hech qanday bilim va zavq ololmaganidek, bu kabi nojoiz o’yinlardan ham hech qanday estetik zavq va ma’naviy quvvat ololmaydi, aksincha, unda o’ychanlik, jizzakilik, asabiylik, beparvolik, loqaydlik, mas’uliyatsizlik, dangasalik, maqsadsizlik kabi yana bir qator salbiy illatlar shakllanib, ruhiyati va xarakteriga tobora mustahkam o’rnashib boradi. Buyuk alloma, haqiqiy vatanparvar, yuksak salohiyatli ustoz Najmiddin Kubro “Muvaffaqiyatni sa’y-harakatda, muvaffaqiyatsizlikni esa loqaydlik va dangasalikda ko’rdim” degan ekanlar. Shu bois oila boshliqlari farzandlar taqdiriga bee’tibor bo’lmasliklari, bolalar bilan ularning yoshiga mos kitoblar mutolaasini yo’lga qo’yishlari va o’qilgan asarlar, olingan bilimlar, ularning inson hayotidagi o’rni va ahamiyati yuzasidan oilaviy suhbatlar o’tkazishlari, ko’proq o’gil-qizlarining fikr-mulohazalarini tinglashga diqqatni qaratishlari, ularni qo’llab-quvvatlashlari, kamchiliklarini muloyimlik va bosiqlik bilan tuzatishlari kerak bo’ladi. Bu holat oilada nafaqat kitobsevar farzandlar kamol topishiga erishishda yordam beradi, balki oila a’zolari o’rtasida do’stona muhitni shakllantirishda ham, ota-onaga hurmat va o’ziga ishonch tuyg’ularining mustahkamlanishida ham, mulohazakorlik, mas’uliyat, javobgarlik, tejamkorlik, vaqtni qadrlash, tabiat va jamiyat, yurt uchun kerakli inson bo’lishga intilish sifatlarini o’stirishda ham o’ziga xos poydevor vazifasini o’taydi. Demak, har bir ota-ona farzandining nafaqat jismoniy, balki ham aqliy, ham ruhiy, ham ma’naviy tarbiyasiga alohida e’tibor qaratishi, yoshiga mos badiiy kitoblar bilan ta’minlab turishi, o’qigan kitoblari yuzasidan ular bilan fikr almashishi, bolani rag’batlantirib borishi lozim.

“Yoshlarimizga munosib ta’lim berish, ularning ilm-fanga bo’lgan intilishlarini ro’yobga chiqarishimiz kerak. Shu maqsadda maktabgacha ta’lim tizimini rivojlantirishimiz, o’rta va oily o’quv yurtlarining moddiy-texnik bazasini, ilmiy va o’quv jarayonlari sifatini tubdan yaxshilashimiz kerak”,-deydi yurtboshimiz. Ta’lim sohasi faoliyatini kitoblarsiz tasavvur qilib bo’lmaydi. Ta’lim jarayonida o’quvchi ham, o’qituvchi ham bevosita kitob mutolaasiga ehtiyoj sezadi. Bu quvonarli, albatta. Lekin hozirgi kunda o’quvchilar asosan ilmiy adabiyotlar, darslik va qo’llanmalardan foydalanayotganlari bois badiiy asarlar mutolaasiga vaqt ajratishga imkoniyatlari cheklanyapti. O’quvchi faqat adabiyot darsida o’qituvchi bergan vazifani bajarish

uchungina badiiy asarlarni qo'lga olyapti. Natijada esa ma'lum: mutolaa jarayoni sevimli mashg'ulot emas, majburiyatga aylanib qoladi. Kitob mutolaasiga havasi bolalikdan paydo bo'lmagan o'quvchi keyinchalik berilgan katta hajmli asarlarni o'qishga kuch topolmaydi, ishtiyoq sezmaydi, xohish bildirmaydi, faqat darslikda berilgan qisqartirilgan parcha bilangina tanishadi va yozuvchining butun asar mazmuniga singdirib yuborgan pafosini, g'oyaviy-badiiy maqsadini to'la anglolmaydi, badiiy asarlarning haqiqiy zavqidan bebahra qoladi, adabiyotning haqiqiy kuchini, qudratini his qilmaydi, natijada kitob o'qishga mehr qo'ymaydi. Kam o'qishning salbiy oqibatlari juda ko'p: kishida mustaqil fikrlash qobiliyati, voqelikni teran idrok etish, hodisalarga munosabat bildira olish, oq-qorani farqlay bilish ko'nikmalari to'liq shakllanmaydi; milliy madaniyat, tarix va an'analar bilan keng tanish bo'lmaydi; ma'naviy qashshoqlik va ojizlik kelib chiqadi; hayotda muammolarga duch kelganda yechim topishga qiynaladi, o'zini irodasiz sanaydi; savodxonligi past bo'ladi, so'z boyligi kamligi sababli fikrini to'la ifodalab berolmaydi; madaniy nutq uchun qo'yiladigan (aniqlik, to'grilik, mantiqiy muvofiqlik, jo'yalilik, soflik kabi) talablarga mos, kompozitsion jihatdan mukammal matn yaratishda, jumlalar tuzishda qiyinchiliklarga duch keladi. Buning isboti sifatida aytishimiz mumkinki, ona tili va adabiyot darslarida insho, bayon, diktant yozdirganimizda, aksariyat ta'lim oluvchilarning yozma ishida juda ko'p imlo, ishoraviy va uslubiy xatolar uchrashiga, ko'pchilik o'quvchilarning ijodiy ishlari saviyasi juda past ekanligiga guvoh bo'lamiz. Hatto darsda o'rganilayotgan badiiy parchalarni g'oyaviy-badiiy tahlil qilishda, ularning estetik ta'siri haqida bahs-munozara qilishda o'quvchi jo'yali fikr aytolmaydi, munosabat bildirolmaydi. O'quvchi bilan suhbat o'tkazganimizda ular oxirgi marta qachon qaysi badiiy asarni o'qiganlarini aytolmaydilar, mutolaa qilgan badiiy asarlari ro'yxati bilan qiziqqanimizda, afsuski, ularning nomi sanoqligina bo'ladi. Bunday muammolarni bartaraf etish uchun o'quvchilarga har hafta bitta ma'lum nomdagi badiiy asarni o'qishni topshiriq sifatida beramiz va belgilangan muddatda guruh o'quvchilari bilan o'sha asarning g'oyaviy-badiiy jihatlarini o'rganib chiqamiz. Mustaqil o'qish uchun berilgan asarlarni tahlil qilganimizda o'quvchida badiiy kitob o'qish ishtiyoqi ortganining, unda hayrat, zavq paydo bo'layotganining guvohi bo'lamiz. Demak, yosh avlodning ma'naviy ehtiyojini qondirish uchun ularga kitob tanlashni, uni o'qishni, tahlil qilishni muntazam o'rgatib borish kerak, buning uchun esa, bizningcha, adabiyot va ona tili fanlaridan dars soatlarini ko'paytirish, mashg'ulotlarni guruhlarga bo'lib o'tkazilishini tashkil etish maqsadga muvofiq bo'lar edi. Buning natijasida tahsil oluvchilarga individual yondashish imkoni ortadi, darslarning samaradorligi oshishiga erishiladi. Shuningdek, o'quvchilar mutaxassis o'qituvchilar bilan ko'proq suhbatda bo'lib, ulardan tajriba o'rganadilar. Ta'lim-tarbiya jarayonida tom ma'noda davr talabiga mos haqiqiy vatanparvar, salohiyatli, dadil yoshlarni, g'oyaviy-mafkuraviy va intellektual jihatdan yetuk kadrlarni tayyorlashda, zarur ma'naviy ehtiyojlarni qondirishda adabiyot darslarining insonshunoslik, ruhshunoslik, axloqshunoslik sifatlari to'la namoyon bo'ladi.

Shubhasiz, insonlarning ehtiyojlari oshib boraveradi, lekin har qanday davrda ma'naviy ehtiyojning qadri ortsa ortadiki, hech qachon yo'qolmaydi. Ma'naviy

tanazzul jamiyat tanazzuliga sabab bo’ladi, ma’naviy barkamollik jamiyat taraqqiyotiga asosiy mustahkam poydevor vazifasini bajaradi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ

Абдурахмонов И. -Паст-Дарғом тумани
51 мактаб ўқитувчиси

Кишилик тараққиёти информацион жамият босқичига қадам қўйди. Жамиятнинг бу тараққиёт босқичида информацион ва компьютер инқилоби натижасида ижтимоий турмуш тарзида туб ўзгаришлар содир бўлди. Аввало жамиятда янги зиёлилар вакиллари – муҳандис техник ва оператор ҳамда дастурчилар қатлами шаклланади ва аҳолининг ижтимоий қатламида етакчи ўринни эгалламоқда. Ҳозирги шароитда компьютер ижтимоий ишлаб чиқариш кучига айланмоқда. Ахборотнинг товарга айланиши ҳам ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусиятларидан биридир. Энг асосийси информация товар сифатида касб этмоқда. Интернет тармоқлари турмушимиз тарзига сингиб кетди.

Информацион цивилизация босқичи ва глобаллашув жараёни кишилик жамияти тараққиётига хос бўлган табиий-тарихий жараён бўлиб, унинг ижобий жиҳатлари «давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларо мулоқотнинг янгича сифат кашф этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши» билан белгиланади[1].

Тадқиқотчилар информацион жамиятнинг асосий хусусиятлари қуйидагидан иборат дейдилар:

-ихтиёрий индивид, гуруҳлар, корхона ёки ташкилотлар ўзларининг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган шахсий ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳоҳлаган информация ва билимни пул тўлаб ёки бепул равишда исталган вақтда мамлакатнинг ихтиёрий бурчагида олиш имконияти мавжуд бўлиши;

- жамиятда ихтиёрий индивид, гуруҳлар ёки ташкилотлар фойдалана олиши мумкин бўлган замонавий информацион технологиялар ишлаб чиқарилиши ва ундан эркин фойдалана олиш имкониятининг мавжуд бўлиши;

- ҳозирги мураккаб глобаллашув жараёнида информацион жамият талабларини қўллаб-қувватлаш ва рағбарлантириш мақсадида Миллий ахборот ресурс марказлари ва уларнинг инфратузилмасини яратилиши;

- жамиятда ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳаларининг деярли барча йўналишларини автоматлаштириш, компьютерлаштириш ва роботлаштириш жараёнининг жадаллашуви;

[1]Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.Т. “Маънавият”,2008, 112-бет.

-ижтимоий структурада кескин ўзгаришларнинг содир бўлиши, информацион фаолият ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши. Бу соҳада аҳолининг аксарият қисми банд бўлиши[1].

Республикамизда ҳам компьютер технологияларининг ижтимоий турмуш тарзимизга сингиб кетиши мустақилликка эришганимиздан сўнг жадал ривожланмоқда. Информацион жамиятнинг барча талаблари учун шарт шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда.

Жамиятнинг компьютерлаштириш жараёни, уни ишлаб чиқариш – қишлоқ хўжалиги ва саноатда кенг қўлланиши маҳсулот ҳажми ва сифатини ортишига олиб келади. Таълим тарбия тизимида компьютер технологиялари ва интернет тармоқларининг кенг қўлланиши масофали таълимда, видеоконференцияларни ташкил этишда, жаҳоннинг исталган нуфузли кутубхоналаридаги адабиётлар билан танишишда катта аҳамият касб этмоқда.

Замонавий тиббиётни компьютер технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ахборот технологияларининг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Коммуникатив алоқа ва почта тизимида интернет тизимидан фойдаланиш кўлланиши халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида Миллий ахборот-коммуникация тизимини 2013-2020 йилларда комплекс ривожлантириш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркорлигини таъкидлар экан шундай деди: «Интернет тармоғидан фойдаланишниш техник имкониятларини янада ошириш, кенг полосали оптик тармоқларни кенгайтириш ва оптик толали алоқа тармоқларин қуриш ишларини давом эттириш, ҳудудларни, шу жумладан, узоқ ва чекка ҳудудларни рақамли телевидениега ўтказиш ишларини охирига етказиш зарур»[2].

Мамлакатимизда ахборот технологияларини жорий этишни янада жадаллаштириш учун «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳукумат Фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Вазирликни ташкил этишдан мақсад халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда ахборот технологиялари имкониятларини кенгайтириш, замонавий компьютер ва интернет тармоқларидан фойдаланишни янада қулайликлар яратиш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларни татбиқ этиш чора тадбирларини амалга ошириш,

[1] Ракитов А.И. Философия компьютерной революции. М. 1991.с.32.

[2] 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнлариниизчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифадир. /Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2015 йил 17 январь.

ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

Замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасини Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигини ташкил этилиши мамлакатимизда ахборотлашган жамият ривожланишида янги истиқболларга имконият яратди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилган тадбирлаш жамият ахборотлаштирилишини тезлаштириб юборди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш ва амалиётга тадбиқ этиш юзасидан “Ягона дарча” марказлари фаолиятини автоматлаштириш ахборот тизими яратилди ва Интернет тармоғида birdarcha. uz манзилида жорий қилинди. Бундан ташқари Ўзбекистон миллий кутубхонасида мамлакатимиз кутубхона фондининг ягона электрон тармоғини ташкил этиш бошлаб юборилди.[1]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам ахборотлашган жамият қарор топиб бормоқда . Айниқса Ҳаракатлар стратегияси бу жараённи янада тезлаштириб юборди.

ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ГЎЗАЛЛИКНИНГ ЎРНИ

Абдуллаев С.Т. - СамДУ, ўқитувчиси
Шавқиев О.С. - СамДУ, талабаси

Инсон дунёга келиб, жисмонан улғайиб борар экан шу билан биргаликда, унинг онги, тафаккурида ҳам ўзгаришлар пайдо бўла бошлайди ва теварак атрофидаги нарса, ҳодиса ҳамда жараёнларга маънавий-эстетик баҳо бера бошлайди. Шу асосда муносабатга киришиб, объектив борлиқдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгида инъикос этиб, хушнудлик кайфиятини уйғотувчи, гўзаллик касб этувчи хусусиятларига кўпроқ эътиборини қаратади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди. Чунки, ўзининг ташқи кўринишидан тортиб, у ишлатадиган, фойдаланадиган нарсалар ва

[1] Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. -29б.

яшайдиган маскани бўладими барчасидан нафис бир руҳ уфуриб туришини ички ботиний ҳис этиб яшайди. Гўзалликни ҳис этиб яшаган инсон борлиқнинг борлиқнинг барча томонларидан гўзалликни ахтаради ва эътиборини гўзалликка қаратади. Ижтимоий ҳаётга кириб келаётган ҳар бир ёш авлодни онги ва тафаккурида эстетик билим, эстетик онг ва эстетик дунёқараш шаклланса у амалий фаолиятида гўзалликка интилиб яшайди, шу асосда маънавий ва эстетик қадриятларни ҳис этиб яшайди. Инсон маънавий борлиғини ёритадиган, маънавий завқ бахш этадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган, инсонда ёқимли бир ҳис уйғотадиган жараён бу гўзалликдир. Гўзаллик - жамики лаззат бахш этадиган, ёқимли ҳис уйғотадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган нарса-ҳодисаларни қамраб олади. Инсонларда гўзалликни идрок қилишни шакллантириш орқали уларда бошқа кишиларнинг кечинмалари ва туйғуларини ҳис эта билиш, одамларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш, қайғусини енгишда мададкор бўлиши каби хусусиятларни шакиллантиради, шулар асосида инсоннинг маънавий камолоти шакллана боради. Нафисликка, гўзалликка қалби бой инсонда яратувчанлик, ижодкорлик, бунёдкорлик, фаоллик, яшашга бўлган эҳтиёж шаклланади ва маънавий камолот сари улғайиб боради ва инсоннинг хулқий гўзаллиги шаклланиб боради.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишида, ривожланишида муҳитнинг ўрни катта ҳисобланади. Инсон туғилиб, вояга етаётган муҳитда эркинликка бурканган тартиб-интизом, тозалик ва озодалик ҳамда гўзалликка йўналтирилган фаолият ҳукум сурса, шу муҳитда улғайган инсон маънавий-ахлоқий комил инсон бўлиб шакллана боради.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир давлат ўз фуқароларини комил инсон, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, айниқса униб усиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол инсонлар қилиб, уларнинг эстетик дидини шакиллантириш асосида тарбиялашни энг асосий масала қилиб, бу борадаги ислоҳатларни амалга ошириб келмоқда. “Зеро, - деб таъкидлайди Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина ижтимоий, иқтисодий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз”[1]. Инсоннинг маънавий баркамол ва ахлоқий гўзал бўлишидаги барча сифат ҳамда хусусиятлар муайян омилларнинг фаол таъсир этиши туфайли узоқ йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб боради. Инсондаги юксак эстетик дид, нафис ва бежирим қиёфа, юксак эстетик ҳис-туйғулар кишининг маънавий камол топишига хизмат қилади. Чунки, инсондаги юксак эстетик дид, ҳис-туйғулар, кечинмалар, қарашларнинг барчаси бирлашиб маънавий баркамолликни яратади. Айни дамда, ёшларни ўзига хос дид эгаси қилиб тарбиялаш, уларни гўзалликка ошно қилиш, ҳаётий воқеаларни тўғри тушуниш, олижаноб ҳис-туйғулар ва бошқаларни шакллантиришда эстетик тарбия катта ёрдам беради.

[1] Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар қуради. Халқ сўзи газетаси. 1999 й, 17 феврал сони

Комил инсон ва баркамол инсон тушунчалари бир бирига жуда яқин мазмун касб этган тушунчалардир. Аммо, давр ҳаёти тараққий этгани сари, бу тушунчаларнинг баъзи элементлари, мезон ва миеъёрлари ўзгариб, такомиллашиб, ривожланиб боради. Шу билан биргаликда, инсоннинг маънавий ва моддий ҳаётини чиройли, нафис, завқли, жозибадор ва мафтункор бўлишини таъминловчи гўзалликнинг мезонлари, қонуниятларига ўз таъсирини ўтказа олмайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг руҳий олами қанчалик тушкун ҳолатда бўлмасин гўзалликка интилиш, уни ҳис этиб яшаш, яъни инсон ўз ҳаётини гўзалликка бурканиши асосида фаолият олиб бораверади. Гўзаллик тушунчаси субъектдаги ёқимли таассурот, хуш кайфият ва қувонч уйғотадиган объектдаги эстетик хусусиятни тавсифлашга йўналтирилган илмий атама. Эстетик хусусият сифатида эса гўзаллик муайян комиллик ва юксак қадриятлар, инсонни «эркинликка олиб борадиган йўлдир»[1] Гўзалликнинг фалсафий-эстетик моҳияти шундан иборатки, мутаносиблик, ҳамоханглик, уйғунлик, мақсадга мувофиқлик, меъёр каби тушунчалар орқали ифодаланса, инсоннинг маънавий камолоти ҳам шу мезонлар орқали ривож топиб боради. Айниқса инсон маънавияти меъёр тушунчаси билан ҳамо ҳангликда шакллиниб баради. Гўзаллик назариясини амалиётга қўллаш эса бевосита инсоннинг эстетик онги, эстетик фаолияти орқали амалга оширилади ва шу билан биргаликда инсоннинг яшашга бўлган эҳтиёжи ортиб, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолияти натижасидан, ижод маҳсулидан маънавий-эстетик завқ олади ҳамда маънавий камолоти ўсиб бораверади.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, инсоннинг маънавий оламида эзгуликка, бунёдкорликка, ахлоқий фазилатга ва маънавий камолотга эришишида гўзалликнинг ўрни беқиёсдир. Гўзаллик инсонни яртатувчанликка, ижодкорликка ундайдиган, объектив борлиқдан субъектив инъикосни келтириб чиқарувчи синергетик хусусиятни ифодаловчи тушунча ҳамдир. Гўзалликни инсон маънавий борлиғини ёритадиган, маънавий завқ бахш этадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган, яшашга бўлган қизиқишини орттирадиган, инсонда ёқимли бир ҳис уйғотадиган жараён сифатида кўришимиз керак.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ

Амир Мустафаев–СамДУ 4-курс талабаси
Жафар Мустафаев - СамИСИ ўқитувчиси

Жамиятимиз тараққиёти маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатига кўтарилган бир пайтда ҳаётнинг ўзи ҳар бир кишидан, айниқса ёшлардан маънавий соғломлик ва маърифий етукликни талаб қилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: "...ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун

[1] Гўзаллик - жамики лаззат бахш этадиган, ёқимли ҳис уйғотадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган нарса-ҳодисаларни қамраб олади..

курашни тақозо этмоқда". Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг ушбу фикрлари жамиятимизни айниқса, ёшларни яна бир бор сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишга чорлабгина қолмай, уларни маънан соғлом, теран фикрловчи, етук илмий салоҳиятга эга инсонлар сифатида камол топишига ундайди.

Албатта, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашмоқлик бугунги ижтимоий ҳаётимизнинг асосига айланмоқда. Бу борада жамиятимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими миллий истиқлол ғояси асосида ёшларни тарбиялаш тизими шакллантирилди. Шунинг билан бир қаторда ёшлар тарбиясида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз масъулиятини оширишга зарурият ҳам бор. Чунки, ёшларнинг қалби, онги, тафаккури соғлом ғоялар асосида шаклланиши учун ҳар бир шахс масъулдир. Ёшларнинг бўш вақтларини қандай ўтказаётганлиги ҳар бир ота-она, маҳалла аҳли, ўқитувчи-педагогнинг эътиборида бўлиши зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз. Бунинг учун, айниқса маҳалла (қишлоқ) фуқароларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аксарият ёшларнинг тарбияси оиладан, қолаверса, у туғилиб ўсган маҳалладан бошланади. Шундай экан, мазкур масалаларга ниҳоятда жиддий ва эътибор билан ёндашишни бугунги адолатли сиёсат барчадан талаб қилаётганлиги табиий.

Баъзан шундай савол туғилади: ёшлар муаммолари билан бутун бир тизим шуғулланмоқда, лекин баъзан уларнинг ёвуз ниятлилар тузоғига тушиб қолаётганлигига сабаб нима? Сабаб битта: ёшларнинг қизиқувчанлиги ва беқарорлиги. Ёвуз ниятлилар ёшларнинг ушбу хислати ҳамда ожизлигидан фойдаланишга уринишмоқда. Бироқ биз бу ўринда ёшлар ва барчага битта "қурол" бермоғимиз зарур, бу ғоявий етукликдир. Бунга етишмоқ учун уларда аввало ўз-ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш керак. Ўзига ишонган кишида яхшиликка интилиш ва ёмонликни рад этиш, унга қарши курашиш туйғуси пайдо бўлади. Бу туйғу унда соғлом тафаккурни шакллантиради. Одамларга, давлатга, жамиятга ва келажагига бўлган улкан меҳрни уйғотади. Шу маънода мафкуравий ғанимлар билан ғоявий курашга киришмоқ иштиёқи шаклланади. Бунинг яна бир сабаби глобаллашув даврида ахборот хуружларининг яшин тезлигидек кириб келишидир. Тан олиш керак, бугун жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб улгурди. Истаймизми-йўқми биз бу жараённинг фаол иштирокчилари сифатида ҳар бир воқеа-ҳодисани кузатиб бориш имконига эгамиз. Афсуски, ахборот ҳар доим ҳам эзгуликка, бунёдкор ғояларга хизмат қилаётгани йўқ. Баъзан ана шу восита муайян вайронкор сиёсий кучлар, жиноятчилар, террорчилар қўлидаги қуролга айланиб, айниқса, ёшлар онги ва қалбини нишонга олмоқдаки, ундан бутунлай ҳимояланиш имкониятлари тобора камайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатлар ўз манфаатларига зид тарздаги шу каби ахборотларга нисбатан аҳолида иммунитет ҳосил қилиш мақсадида ОАВнинг таъсир кучини тўғри ўзанга солиш йўлини танламоқдалар.

XXI аср бошига келиб МДҲ давлатлари орасида фақат Ўзбекистонгина ўз маънавий сиёсатига эга давлат сифтаида сиёсат айвонида кутта йўлга чиқди. Бу

сиёсат Биринчи Президентимиз томонидан миллий менталитетимизга асосан ишлаб чиқилган. Шу маънода бугун миллий тарбия жараёнини кучайтириш керак. Миллий тарбиянинг уч негизи бор: жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Ҳозирги кунга келиб иқтисодий тарбия ҳам муҳим белгиловчи аҳамият касб этади: Таълим-тарбия ва маънавий маърифий соҳалардаги барча ишларимиз шахснинг ана шу жиҳатларини ўстиришга қаратилмоғи керак. Бунинг учун биздан кўплар ҳавас қиладиган кучли бир пойдевор – улкан маънавий меросимиз бор. Уларни қунт билан изчил ўрганиб бориш улкан самаралар гаровидир. Тарихга назар солсак, барча даврларда ҳам шу даврнинг мутафаккирлари ўз прогрессив ғоялари билан тўғри йўлни кўрсатиб берганлар. Масалан, IX-X асрларда Имом Бухорий, Мотуридий, Форобий, XI асрда Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, XIII асрда Азизиддин Насафий, XIV асрда Амир Темур, Бурҳониддин Рабғузий, XV асрда Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳожа Аҳрор Валий, XVI асрда Мирзо Бобур, Махдуми Аъзам Даҳбедий, XVII-XVIII асрларда Бобораҳим Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо, XIX асрда Огаҳий, Дукчи Эшон, XX аср бошларида жадид маърифатчилари халқ маънавиятини соғлом сақлаб қолганлар. Улар халқимизни миллий ғурур асосида тарбия қилиб, онги ва қалбини сохта ғоя, қарашлардан ҳимоя қилишган. Демак, биз аждодларимизнинг фақат номини санаш билан чекланмасдан, уларнинг меросини ёшлар онгига жиддий сингдиришда ҳам ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланишимиз лозим. Очиғи кўп халқлар бу меросимизга ҳавас билан қарашади. Бугун-чи? Бугун биз шундай тўғри йўл кўрсатувчи маънавий меросга эгамизми? Албатта, бундай мерос бизда бор. Бу мустақиллик йилларидаги интилишларимизнинг яхлит ҳосиласи бўлган биринчи Президентимиз асарлари тўпламида мужассам этилган маънавий-ғоявий меросдир. Уларда янги жамият эҳтиёжлари, ғоялари ва мезонлари ўз аксини топган.

Шунинг учун ҳам маънавий бой, баркамол шахсни шакллантириш учун маънавий-маърифий ишларни тубдан ўзгартириш, унинг мазмунини бойитиш, самарали усулларини излаб топиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш муҳим экан, бу йўлда барчамиз чуқур масъулиятни ҳис этган ҳолда фақат олдинга интилишимиз лозим.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ-ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Исомиддинов Ю.- СамИСИ ўқитувчиси
Ш.Х.Абдиқобилов-СамИСИ талабаси

Маърифат, таълим ва тарбия инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шартидир. Таълим-тарбия онгли фаолияти махсули бўлиб, фуқароларнинг маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг асосий омилдир. Глаболлашув шароитида айниқса ҳозирги ахборотлашган жамият шароитида интелектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда таълим ва тарбиянинг уйғунлиги мухум аҳамият касб этмокда. Давлат ва жамият миқёсида юксак маънавиятли шахсни камол топиши таълим-тарбиядан

бошланади. Баркамол авлодни тарбиялаш, комиллик сари интилиб яшаш барча саъй-ҳаракатлар ва эзгу амалларнинг асосини ҳам таълим тарбия уйғунлиги ташкил этади. Марказий Осиёда таълим ва тарбиянинг уйғунлиги ҳар доим катта эътибор билан ёндашилган. Хусусан, аллома Абдулла Авлоний «…тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур», деб бежиз айтмаган. Мукаммал тарбия инсонни яхшиликка ундайди, руҳини поклайди, маънавий ахлоқий гўзаллик бахш этади, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш. Ҳаёт, нажот ва саодатга эриштиради. Шу билан бирга, аллома нотўғри тарбия инсонни ҳалокат сари етаклайди, унга фалокат келтиради, деб алоҳида таъкидлайди. Бугунги барқарор ижтимоий ҳаёт ривожига катта ғов бўлиб келаётган иллатлар (гиёҳвандлик, ўғрилик, босқинчилик, турли жиноят, коррупсия ва ҳ.к) жохиллик ва тарбиясизликнинг оқибатидир.

Юксак ватанпарварлик, мустақил ва холис фикрлайдиган, ўз юртида ва оламда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил қила биладиган ватанпарвар авлодгина ўз юртининг келажагини яратиш қобилиятига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида ҳам таълим ва тарбиянинг уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилади. Таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлашда замонавий педагогик технологиялардан кенг жорий этилмоқда. Жумладан, таълим тизимига интерфаол усуллари тадбиқ этилиши ва билимларни назоат қилиш ҳамда баҳолашда янгича ёндашувларни жорий этилиши юртимиздаги кенг кўламли таълим тизимидаги ислоҳотлар натижасидир. Замонавий таълим тизимимизда “масофавий таълим”, “виртуал университетлар” каби тузилмаларини жорий этилиши уқувчи ёшлар интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёшлар сиёсатига, таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам таълим тарбиянинг ўйғунлигига катта этибор қаратилган. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ‘’Юксак маънавият – енгилмас куч’’ асарида таълим ва тарбиянинг уйғунлигини қуйдагича ифода этган: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона қараш ҳаёт фалсафаси» [1]. Дарҳақиқат, таълим ва тарбияга босқичига қараб бўлмайди. Аммо, илм нуқтаи - назардан таълимни ўзига хос мақсад вазифалари бор. Шу ўринда ўқитувчи дарс берувчи, тарбиячи эса тарбия берувчи деган маъно келиб чиқади.

Шуни хулоса қилишимиз мумкинки, таълим-тарбия яхлит, бир бутунгина олиб борилса кўзланган марраларга эришиш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар одоб-ахлоқи, замон шиддати,садоқат ва тарбияси ҳақида “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар

[1] Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. –T.,2008.-62-b.

ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотлар авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишига ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан" [1]деб таъкидлаганлар. Шундай экан биз ёшлар ўзимизнинг илм-маърифатимиз , интилишимиз ва бирлашиб бир куч сифатида барқарор тараққиётимизни юксалишига хизмат қилишимиз зарур.

ЁШЛАРНИ ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Худайбердиев А.К.-Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Маънавият-маърифат бўлими бошлиғи

XXI асрнинг муҳим ҳусусиятларидан бири бу шахс, инсон ва жамиятнинг инновацион ғоялар асосида интеллектуал тарзда ривожланиб бориш тенденциясининг кучайиб боришидир. Интеллектуал тарзда ривожланиш эса асрлар давомида маърифат асосида вужудга келган ва ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда. Бу эса айни вақтда маърифатнинг зидди бўлган жаҳолатни, унинг замонга мос равишда фаолият юритишини, натижада инсониятнинг бошига бало-қазоларни ёғдириб, оғир кулфатлар келтиришини назардан четда қолдирмасликни тақозо этади. Унинг олдини фақат элатлар, миллатлар, халқлар ўртасида маърифат зиёсини узлуксиз тарзда тарқатиб бориш орқали олиш мумкин. Демак, маърифат зиёсигина дунёни жаҳолат зулматидан қутқазиши, ҳаётий ҳақиқатдир.

Инсоният туғилган кунидан бошлаб коинот оламида, табиат қўйнида ҳаёт кечириб, унинг сир-асрорларини билишга интилиб келмоқда. Ҳар бир инсондаги ана шундай интилишнинг дебочаси унинг билиш қобилияти бўлса, ундан ўзгаларни баҳраманд қилиш эса маърифат орқали амалга оширилган. Шу тариқа инсоният маърифат зиёси орқали аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлаб, порлоқ келажакка йўл очиб беради.

Хўш, шундай экан маърифат нима деган савол туғилади? "Ўзбек тилининг изоҳли лўғати"да қайд этилишича: "Маърифат [арабча-билим, фан; маълумот; танишиш] - **бу** таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият" дир [1, 567]. Янада аниқроқ қилиб, фалсафий тил билан ифодалаганимизда, маърифат - бу объектив оламдаги объект ва субъектларнинг реал мавжудлиги, ривожланиш қонуниятларини, ўзаро алоқаси ҳақидаги маълумотларни билиб олган билимдон кишилар томонидан ўзгаларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий билимларини оширишга қаратилган ижодий фаолиятидир.

Ёшларни маърифий фаолиятга жалб қилиш зарурияти: ***биринчидан,*** маърифатнинг манбаини оламда мавжуд реал нарсалар, уларнинг ривожланиш

[1] Uza.uz O'zbekiston Milliy axborot agentligi portal.

қонуниятлари, ўзаро бевосита ёки билвосита алоқалари ҳақидаги илмий-амалий маълумотлар ташкил қилиши; ***иккинчидан,*** маърифат ишлари билан ҳар қандай кишилар эмас, балки чуқур билим ва аниқ маълумотлар билан таниш бўлган билимдон кишилар томонидан олиб борилиши; учинчидан, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш; тўртинчидан, кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш; бешинчидан, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш борасидаги билимларини оширишга қаратилган бир қатор фаолият турлари билан шуғулланишларида ифодаланади.

Маърифатни йўналтирилган объектлар даражаларига қараб икки катта соҳага ажратиш мумкин.

1. Дунёвий - маърифий соҳа. 2. Диний - маърифий соҳа.

Дунёвий маърифатнинг объекти ва предметини объектив олам ва унда юз бераётган нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг асл моҳияти, субъектини эса ўқитувчилар, зиёлилар, олимлар, «Маърифат» тарғиботчилари, маънавият ва маърифат ишларини ташкил этиш ва тарқатиш билан бевосита шуғулланувчи масканлар ташкил этади.

Диний маърифий соҳа - бу дин олимлари, уламолари, пешволарининг борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар ҳақида берадиган билимлари асосида аҳолининг диний онгини, маданиятини оширишга қаратилган фаолиятидир.

Диний маърифатнинг методологик асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг: «Муқаддас динимиз бундан буён ҳам халқимизни бирлаштириб, миллати ва тилидан қатъий назар, маънавий покланиш, одамларни тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тотувликка ундайдиган, ўрнини ҳеч нарса боса олмайдиган восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.[2. 31] Ислом дини фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди» [3. 475], - деган сўзларида ўзининг яққол ифодасини топгандир.

Оламдаги сиру синоатлардан бири бу маърифат билан бир қаторда унинг зидди бўлган жаҳолатнинг ҳам мавжудлигидир. Жаҳолат ўзининг ғайри табиий кўринишдаги ҳатти-ҳаракатлари билан шахслар, жамоалар, элат,миллат ва халқлар бошига кўплаб кулфатларни ёғдирган. Хўш, шундай экан жаҳолат нима, деган савол туғилади?

«Жаҳолат» сўзи кундалик маънода ножўя хатти-ҳаракатдан, гапдан ёки воқеа-ҳодисадан ранжиш, аччиқланиш, ғазабланиш туйғуси, деган маънони англатувчи «жаҳл» (арабча – нодонлик; ақлсизлик) сўзидан олинган бўлиб, бирон бир кимсанинг илмсизлигини, қолоқлигини, маданиятсизлигини, нодонлигини англатиш учун ишлатилади.

«Жаҳолат» тушунчаси ўз ичига «жаҳл» сўзининг ўзаги асосида қурилган, жаҳлдорлик, жаҳлланмоқ, жаҳлли, жоҳил, жоҳиллик, жаҳолатпарастлик каби тушунчаларни қамраб олади. Жаҳолат – бу одамнинг эскиликка ёпишиб илм-маърифатдан маҳрум бўлиб қолган ҳолда, ўзини идора қилолмасдан ўзгаларга

нисбатан илмсиз тарзда қиладиган нодонларча ғайриинсоний руҳий-ахлоқий хатти-ҳаракатларининг муайян тизимидир.

Ёшларни жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш руҳида тарбиялашда, уларга жаҳолатнинг объектига кўра қуйидаги кўринишларда, яъни жаҳолатпарастликнинг: 1) ич-ичидан мавжуд дунёвий тартибни кўролмасдан, унга нисбатан илмсизларча, яъни унинг моддий ва маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга нодонларча салбий муносабатда бўлишида; 2) давлат ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунмасдан, уларга жаҳл билан ақлсизларча қаршилик кўрсатаётганлигида; 3) узоқ ва яқин қўшни давлатлар билан тенглик ва ўзаро ёрдам тарзида ўрнатилаётган муносабатларга раҳна солишга уринишларида; 4) элат, миллат ва халқларнинг қадриятларини менсимасдан, уларни ваҳшийларча вайрон қилишга ҳаракат қилаётганликларида; 5) илм-фан ютуқларини тан олмасдан тараққиётга тўсқинлик қилаётганликларида; 6) дин ниқоби остида халқлар ўртасида низо чиқариб, мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлаб ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишни авж олдираётганликларида; 7) инсонни олий қадрият деб ҳисобламасдан, болалар ва аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиб, уларни сотиб юбориш эвазига катта маблағ тўплаётганликлари каби хатти-ҳаракатларида яққол намоён бўлишини тушунтирмоқ зарурдир. Шу билан бир қаторда жаҳолатнинг субъектига кўра қуйидаги кўринишларда, яъни жаҳолатпарастликнинг: а) жамият ҳаётида вужудга келган муаммоларни ақл, илм билан эмас, балки жисмоний куч ишлатиш йўли билан ҳал этишга уринишида; б) ўзига-ўзи маҳлиё бўлиб маърифатгўй донишмандларнинг маслаҳатларига қулоқ солмасдан ўта ўжарлик билан иш бажаришида; в) мансабпарастлик балосига чалиниб барча одамлар унга бўйсунишини, ўзи ҳеч кимга бўйсунмасликни хоҳлашида, бўйсунмаганларни ўзига ва жамиятга душман деб билишида; г) ўткинчи, юзаки нарсалар, мол-дунё, жисмоний лаззатлар, ҳирсу шаҳват, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, фаровонлик деб ўйлашида ва билишида; д) обрўпарастлик балосига йўлиқиб, ўзаро бир-бирларини мақташ, кўкка кўтаришни яхши кўришида, уларни бошқалар сўзда ҳам ишда ҳам улуғлашларини исташларида; ж) мутлақ ҳокимиятга эга бўлиб, ўзга халқларни қурол кучи билан қўрқитиб ўзига тобе қилиб олишга, яъни якка ҳукмронлик гаштини суришга бўлган хатти-ҳаракатлари шаклида намоён бўлишини кўрсатиб бермоқ керак.

Бу ҳақда Ш.М.Мирзиёев: «Биз «жаҳолат» деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрамиз. Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келаяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас”, [4.195-196.] - деган эди.

Бугунги жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг замонавий тактик усуллари қуйидагилардан иборат: бузғунчи вайронкор ғоя ва мафкуралар тўрига тушиб қолган, аммо қўли ***“қон”***га ботмаган ҳолда қайтиб келган фуқароларга нисбатан кечиримли бўлиш, яъни уларни авф этиш; кечирилган фуқароларни, уларнинг ота-оналари, оила аъзолари ва қариндош уруғларини камситмаган ҳолда иш билан таъминлаб ижодий меҳнатга, жамоат ишларига жалб қилиш; авф этилганларга нисбатан ҳар бир оила, ижтимоий гуруҳ, маҳалла ва бошқа жамоат ва меҳнат жамоаларида яхши маънавий-мафкуравий муҳитни яратиш; узоқ вақт давомида қўшни мамлакатлардан келиб, мамлакатимизда яшаб, ҳалол меҳнат қилиб, шу юртни танлаган, бироқ фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаганларни фуқароликка қабул қилиниши ва шу асосида уларнинг руҳини кўтариш; тўғри йўлдан адашиб, чет элларда хор-зор бўлиб, азоб-уқубатларни кўриб, тавбасига таяниб ўз ватанига қайтиб келган фуқаролар билан ёшларнинг учрашувларини ташкил этиб, бузғунчи-вайронкор ғояларнинг асл моҳиятини уларнинг вужудида чуқур ҳис эттириш, уларни Ш.М. Мирзиёев кўрсатиб ўтганидек: “Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан инонтириш керак” [5.476].

МЕСТО СФЕРЫ ОБРАЗОВАНИЯ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЁЖИ

Ахтамова С., Джураева П., Мажидов Ш.Ф., Рахимова Ф.
Самаркандский Государственный медицинский институт

После достижения государственной независимости в Республике Узбекистан были поставлены стратегические цели по построению правового государства и сильного гражданского общества, социально ориентированной рыночной экономики. Поставленные основные цели и задачи опираются на дальновидный, с точки зрения модернизации страны, принцип «От сильного государства - к сильному гражданскому обществу», который начал широко реализовываться с первых дней независимости. Новый этап реформирования страны начался с утверждения Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. [1].

Достигнутые Узбекистаном огромные успехи в вопросах демократизации государственной власти и управления, совершенствования судебно-правовой системы, реформирования сферы информации, развития избирательного законодательства, формирования институтов гражданского общества, дальнейшего углубления либерализации рыночных реформ широко признаны мировым сообществом [2].

Активно развивающиеся процессы глобализации диктуют необходимость достижения конкурентоспособности в условиях мирового разделения труда и идущей унификации образа жизни. В данных условиях, стремление к устойчивому развитию является непременным залогом движения к прогрессу.

Одним из аспектов стремления к гармоничному равновесию в развитии является унификация систем образования, и в первую очередь здесь можно

отметить про Болонский процесс, начавшийся с подписанного министрами образования ряда европейских стран соответствующей декларации [3]. Его основной целью было создание единого европейского пространства высшего образования. Данная декларация послужила катализатором реформ в области образования и в других частях света.

Узбекистан не участвует в Болонском процессе, но о стремлении страны подвести национальные стандарты образования под его критерии говорит ряд факторов. В первую очередь, принятые в 1997 году Закон «Об образовании» и Национальная программа по подготовке кадров. Главными целями последнего документа являются проведение коренного реформирования сферы образования, повышение уровня этой сферы до уровня сиситемы оброзования развитых демократических стран, а также, подготовка гармонично развитых, конкурентоспособных кадров. Образование в Узбекистане было законодательно провозглашено приоритетной сферой развития, удовлетворяющей экономические, социальные, научно-технические и культурные потребности личности, общества и государства [4]. В Национальной программе главными инновациями явились не только непрерывное образование, но и разделение высшего образования на две ступени: базовую – бакалавриат и узкопрофессиональную – магистратуру.

За ним последовало Постановление Президента от 10 декабря 2012 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков». Согласно данному документу, иностранный, в первую очередь английский, язык будет преподаваться с первого класса общеобразовательной школы, введён в программу вступительных экзаменов при поступлении в ВУЗы, создаются благоприятные условия для подготовки и работы педагогических кадров в сфере иностранных языков, и владеющих иностранными языками [5]. Кроме того, особым Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 мая 2013 года № 124 был утверждён Государственный образовательный стандарт по иностранным языкам системы непрерывного образования (наподобие документа Совета Европы «Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, преподавание, оценка» («Common European Framework of Reference: Learning, Teaching, Assessment»), который позволил конкретизировать уровень подготовки и оценку знаний учащихся на различных ступенях образования, от выпускников младших классов средней школы и заканчивая магистратурой. Активное изучение иностранных языков, в частности английского языка (более 50% ресурсов Интернета именно на нём) является фундаментом для реального перехода на общемировые стандарты подготовки высококвалифицированных кадров, важнейшим фактором приобщения подрастающего поколения к мировым образовательным ресурсам.

Резюмируя отметим, что сфера образования служить инструментом, с помощью которого государство и общество осуществляют рывок для модернизации и обновления, с целью повышения конкурентоспособности своего существования и развития в сложных условиях XXI века.

YOSHLARDA HUQUQIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHNING USTUVOR YO`NALISHLARI

Xurshida S.A.- ADU Maktabgacha ta`lim yo`nalishi talabasi
I.A.Oxunov - ADU pedagogika kafedrasi
katta o`qituvchisi

Yuksak huquqiy madaniyat-demokratik jamiyatning huquqiy poydevori, uning ma`naviy ma`rifiy rivojlanishining, ifodali, mamlakat huquqiy tizimining yetuklik ko`rsatkichidir. Har qanday jamiyatning huquqiy kamoloti fuqarolarning huquqiy savodxonligi, huquqiy ongi va huquqiy madaniyat darajasi bilan belgilanadi.

Yoshlar huquqiy madaniyatini shakllantirishda huquqiy ta`lim-tarbiyaning samaradorligini hisobga olish, uni yanada takomillashtirb borish eng asosiy yo`nalishlardan biri bo`lishi zarur.

Yoshlar huquqiy madaniyati shakllanganligining samaradorligi quyidagi vositalar bilan o`lchanadi,

Yoshlar tomonidan boshlang`ich huquqiy bilimlarning o`zlashtirilishi, ya`ni huquqiy bilimlarning muayyan darajasining hosil qilinishi;

Yosh larning jamiyatda mavjud bo`lgan axloqiy-huquqiy me`yorlarga, ta`lim muassasasining ichki tartib qoidalariga amal qilishlarining sezilarli darajada namoyon bo`lishi, tartibbuzarlik, g`ayriijtimoiy xatti-harakatlarning kamayganligi, ularning o`z-o`zini nazorat qilish , huquqiy xatti- harakatlarni ongli ravishda boshqara olish qobiliyati, ya`ni huquqiy ongi darajasi;

Yoshlarning ijtimoiy- huquqiy faolliklari ya`ni, huquqiy mavzudagi turli tadbirlarga tayyorgarlik ko`rish va o`tkazishda faol qatnashish, huquqiy mavzularda ommaviy axborot vositalarida chiqishlar qilish –amaliy-huquqiy faoliyat doirasi.

Huquqiy madaniyatni shakllantirish jarayonida yoshlarning huquqiy faoliyati, uning mazmuni muhim ahamiyat kasb etishidan kelib chiqqan holda ularga o`z faoliyatining mazmunini tahlil etish va tanqidiy yondashuv asosida real baholashga o`rgatish zarur.

Yoshlar huquqiy faoliyatini uzluksiz nazorat qilib borish huquqiy ta`lim-tarbiyaning mohiyatini tashkil etishi bilan birga ularda tartib-intizomning mustahkamlanishiga, qonunlarga ongli ravishda bo`ysunish ko`nikmalarining hosil bo`lishiga yordam beradi.

Yoshlar huquqiy faoliyatining real va tanqidiy baholanishi huquqiy xatti-harakatlarning ijobiy va salbiy oqibatlarini oldindan ko`ra bilish va kamchiliklarini o`z vaqtida bartaraf etishga imkon beradi.

O`quvchi-yoshlar huquqiy faoliyati ta`lim, tarbiya, o`yin sharoitlarida tashkil etiladi, egallangan nazariy bilimlarning amaliyotga tatbiq etilishi uning mazmunini belgilaydi desak adashmagan bo`lamiz.

Ushbu jarayonda hosil bo`lgan huquqiy savodxonlik, qonunga hurmat va ongli itoatkorlik, huquqiy e`tiqod, huquqiy faollik o`quvchi-yoshlar huquqiy madaniyatining tarkibiy qismlari hisoblanishi barchamizga ayon.

Huquqiy madaniyat jamiyatning faqat huquqiy hayot sohasi bilangina chegaralanib qolmay , siyosiy hayot sohasi, tabiat va tabiiy boyliklar muhofazasi, iqtisodiy hayot tarzi, tarixiy-madaniy boyliklarni asrash, sog`lom turmush tarzi, diniy e`tiqod va vijdon erkinligi masalalari bilan chambarchas bog`liq bo`lganligini unitmagan holda o`quvchi-yoshlar ongida siyosiy, iqtisodiy,ekologik, diniy, estetik va jismoniy madaniyatning kamol topishiga o`zining ijobiy ta`sirini ko`rsatishini ta`minlash aynan bizning vazifamiz emasmi.

Bugun yoshlar egallagan huquqiy bilimlarning o`zigina ularda huquqiy xulq-atvor shakllanganligining kafolati bo`la oladi deya olmaymiz. Huqуquy madaniyat tarkibida qonunga hurmat, ongli itoatkorlik muhim ahamiyat kasb etishini bilaganimiz holda yoshlarga , qonunga hurmat bu huquqning ijtimoiy qadr-qimmatini anglash, uning ko`rsatmalarini bajarish zarurligi va foydaliligini, qonun talablarining adolaliligini tan olish va ongli bo`ysunishdan, ziddiyatli holatlarda qonunga xilof kuchlardan foydalanmaslik kabi tushunchalarni izohlab uqtirmoq bizning mas`uliyatimiz ekanligi sir emas. Shu o`rinda Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning quyidagi fikrlarini keltirsak adashmagan bo`lamiz, ``Huquqiy madaniyat saviyasi qabul qilingan qonunlar soni bilan emas balki ushbu qonunlarning barcha darajalarda ijro etilishi bilan belgilanadi. Ushbu muhim ishda odamlarga qonunlarga va normativ hujjatlarga nisbatan chuqur hurmat hissini tarbiyalash alohida ahamiyatga egadir. Zero, huquqiy normalar odamlar ongiga singgan va ular orqali amal qilgan taqdirdagina yashaydi va ro`yobga chiqadi``.

Jamiyatda qonun ustuvorligini ta`minlashning asosiy yo`nalishlaridan biri yosh avlodda qonunga hurmat tuyg`usini shakllantirishdan iboratdir.

Qonunga itoatkorlik- yuksak huquqiy onglilik, davlat va jamiyat manfaatlarini chuqur tushunib yetish, ijtimoiy burch, ya`ni o`zining barcha harakatlari uchun javobgarlik tuyg`usini his etish bilan belgilanadi.

Qonunga ongli itoatkorlik-qonunlarni bilish va o`rganishdan tashqari ularga doimo rioya qilish, ijtimoiy xulq-atvorni ta`minlashni ham taqozo etadiki.

Kuzatishlarimiz natijasida biz shunday xulosaga keldikki, bugun aksariyat yoshlarimiz qonunga ko`r-ko`rona itoat etish emas, balki uning mohiyatini, talablarini to`laligicha, ongli ravishda bajarishlari lozim bo`lgani holda qonunlarning mohiyatini tushunmaganliklari uchun qonun oldidagi javobgarlikdan qo`rqib, unga rioya etadilar. Yoshlarga sotsiologlar tomonidan ``Nima sababan fuqarolar qonunga amal qilishadi ``-deya murojaat qilinganda, deyarli barcha yoshlar aynan mana shu``Javobgarlikdan qo`rqqanliklari uchun`` deya javob berganlar. Demak, shuni bilib olishimiz mumkinki, hali yoshlarimiz qonun fuqarolar manfaatini himoya qiluvchi yagona vosita ekanligini to`la anglab yetishmagan.

O`quvchi-yoshlar qonun normalariga jazolanishdan qo`rqib emas, qonunlarga rioya etish odati chuqur anglangan ichki ehtiyojga aylanganligini his etgan holda ixtiyoriy ravishda amal qilishlari kerak.

Yoshlar o`rtasida yuzaga keladigan ba`zi murosasizlikar, huquqbuzarliklarning har qanday ko`rinishiga nisbatan jiddiy yondashgan holda, huquqiy muammolarni hal etishda avvalo qonunga bo`ysunish, huquqiy faollikni ta`minlashga yo`naltirilgan shaxs faoliyatining yuksak darajasi sifatida inson kamolotining ustuni deya olamiz.

Demokratik davlat, fuqarolik jamiyati qurilishi sharoitida huquqiy me`yorlar va qonunlar talablarini har bir fuqaroning erkinligi, or-nomusi, sha`ni va qadr-qimmatini ta`minlash kafolati sifatida qabul qilingan holda mana shu jarayon qatnashchisi bo`lishga tayyorlash maqsadida yoshlar huquqiy madaniyatini shakllantirishdek dolzarb pedagogik muammoga biz osonlik bilan yechim topamiz, buning uchun bizda ham pedagogik, ham psixologik jarayon uzviylik asosida olib borilishi kifoya.

ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РОЛИ

Д. Эгамкулова- СамИСИ талабаси

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг баркарор ижтимоий тараққиётида ёш авлодларнинг ўрни беқиёс ва улар кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда асосий ўрин эгаллайди. Ёшларимиз нигоҳида, қалбида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, юрт келажаги ва тақдирига масъулият ҳисси - ҳар бир соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да энг аввало, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан етук, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратишдан иборат[1].

Бугунги кунда юртимизда ёшларимизнинг ҳар томонлама кучли, билимли, етук мутахассис-кадр бўлиб етишиши учун, барча имкониятлар ва қулайликлар яратилган. Хусусан, таълим тизимида талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг таълим ва фан соҳасида фаол-инновацсион ёндашувлар, таклифлар билан иштирокини кучайтириш, ёшларнинг тарбиясида маънавий-маърифий ишларнинг нақадар муҳим эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 17-сентябрдаги “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 736-сонли қарорда, ёшларнинг таълим

[1]O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyevning 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni

тизимида, фан ва маданият соҳаларида юқори натижаларга эришиши, жаҳон таълим стандартларига жавоб берадиган, ўз касбини, йўналишини малакали мутахасисси, интеллектуал салоҳиятга эга, руҳан ва жисмонан баркамол, бугуни ва эртасини аниқ мақсадлар асосида режалаштирган ёшларни тарбиялаш, уларнинг маънавий-ахлоқий онгини, дунёқарашини шакллантиришда ижтимоий-фалсафий фанларни ўрганишнинг илмий-назарий чора-тадбирлари ёритилган.

Талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришда халқимизнинг тарихий-миллий мероси бўлган, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз мухим аҳамият касб этади.

Миллий қадриятлар алоҳида олинган халқ, миллат ва элатларнинг ўз тарихий тараққиёти давомида яратадиган, барча моддий ва маънавий бойликлари, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари ва миллатнинг ўзлигини белгилайдиган бошқа ўзига хос томонлари йиғиндисидан иборатдир. Бу ўзига хослик моддий, маънавий, ижтимоий, оилавий ҳаёт, турмуш тарзида намоён бўлади. Бундан ташқари миллатга хос бўлган халқ амалий санъати, халқ ўйинлари, расм-русумлари, урф-одатлари, маросимлари миллий қадриятга киради.

Халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган бой миллий қадриятлари ҳам узоқ тарихий жараёнларда шаклланган. Хусусан, ўзи туғилиб ўсган она юртига эҳтиром, ўз тақдирини мана шу заминсиз тасаввур қила олмаслик, ўтган аждодлар хотирасига садоқат, катталарга доимий ҳурмат кўрсатиш, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаё ва андишани сақлаш, турмушда покликка алоҳида эътибор бериш сингари фазилатлар бизнинг миллий қадриятларимиз асосини ташкил этади. Шунингдек, халқимизга хос бўлган катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, меҳмондўстлик, ёрдамга муҳтожларга шафқатли бўлиш, ҳаё, ибо ва меҳр-оқибат, аҳли аёлини-оиласини асраш, турмушда поклик ва вафодорликни юксак қадрлаш сингари анъана ва қадриятларимиз ҳам ҳаётнинг узоқ синовларидан ўтган ўлмас маънавий меросимиз саналади.

Мазкур миллий-маънавий қадриятларимиз асосида узлуксиз таълим тизими билан биргаликда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини,миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.[1] Шуни таъкидлаш жоизки, ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришда оила, маҳалла, жамият ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси билан боғлиқ, мақсадли ғоявий – тарбиявий ишларнинг амалга оширилиши, бу жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларга маънавий меросимиз, миллий анъана ва урф-одатларимизни нақадар муқаддаслигини ўргатишдан иборат.

Бу борада республикамизда Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда, Республика Маънавият ва маърифат маркази ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Талаба ёшларнинг

[1] I.A.Karimov “Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch” T: “Ma’naviyat” nashriyoti, 2008-yil 16-bet

ғоявий-мафкуравий саводхонлигини оширишда китобларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай бадиий, илмий асарларда, романларда ва китобларда, инсон фикр доирасини кенгайтирувчи, унинг дунёқарашини шакллантирувчи ва унинг маънавий онгини янада сайқалловчи хусусиятларини ўзида намоён қилади. Ёшларда соғлом дунёқарашни шакллантириш, китобхонлик кўникмаини ривожлантириш, интернет, ахборот-коммуникацсия технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни яратиш ва уларни такомиллаштириб бориш замонавий таълим тизимининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш,"оммавий маданият", одам савдосига қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш...[1]

Ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги асосий меъзон - бугунги кундаги замонавий ахборот-коммуникатция технологияларидан оқилона фойдаланиб, аниқ, ишончли ва тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда, замон билан ҳамнафас бўлиш, шу билан бирга ғоявий саводхонлигимизни ошириш учун китоблар мутаола қилишимиз, маънавий-мафкуравий, миллий меросий қадриятлар, урф-одатлар руҳида тарбия топишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда юксак билим соҳиби ва Ватанига фидойи бўлган ёшларни тарбиялашда эса юқорида таъкидланганларда миллий-маънавий қадриятларимиз ўрни беқиёс. Ёшлар - миллат суянчи, халқнинг таянчи ва Ватан равнақи, келажагининг забардаст қалқонидир. Улар илм-фан, санъат, маданият, спорт, замонавий инноватцион технологиялар, ҳарбий соҳа ва умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларида турли янгиликларни амалга ошириб, кашфиётлар қилиб, юксак натижалар ва марраларни қўлга киритиб, юртимизни бутун дунёга танитмоқда.

YOSHLARNING MAFKURAVIY MA'NAVIY SALOHIYATINI OSHIRISHDA TA'LIM TARBIYANING O'RNI

Maxamatova K.S.-Samarqand Iqtisodiyot va Servis Instituti talabasi

Hech kimga sir emaski mamlakatning ertasi egalari bu yoshlardir, chunki aynan yoshlarning bugungi olgan bilimlarining amaliy ifodasi kelajakda yuzaga chiqadi. Chunonchi davlat va millatning kelajagi yoshlar qo'lidadir. Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev "Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash- davr talabi" mavzusidagi anjumanda ham yoshlar tarbiyasi masalasi haqida quyidagi so`zlarni aytib o`tdilar: -"Bizni hamisha o`ylantirib keladigan yana bir muhim masala - bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so`z bilan

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyevning 2017-yil 28-iyuldagi "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida" gi Qarori

aytganda, dunyoqarashi bilan bog`liq. Bugun zamon shiddat bilan o`zgaryapti. Bu o`zgarishlarni hammadan ham ko`proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o`z davrining talablari bilan uyg`un bo`lsin. Lekin ayni paytda o`zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug` zotlarning avlodimiz, degan davlat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o`zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va yana tarbiya hisobidan"[1].

Yoshlar tarbiyasi ularning ijtimoiy-siyosiy ongini rivojlantirish tog'risida bir qancha qonun hujjatlari mavjud bo'lib , ularning asosiylaridan biri bu Ï"Yoshlarga oid davlat siyosati to`g`risida"gi qonunning 2016-yil 14-sentabr kuni yangidan tahrir qilinishidir. Tadbiq etilgan ushbu qonunda yoshlarga oid davlat siyosati sohasidagi munosabatlarni tartibga solish ko`zda tutilgan. Ijtimoiy-iqtisodiy, tashkiliy va huquqiy chora-tadbirlar tizimi asosida davlat siyosati – davlat tomonidan amalga oshiriladigan hamda yoshlarni ijtimoiy jihatdan shakllantirish va ularning intellektual, ijodiy va boshqa yo`nalishdagi salohiyatini kamol toptirish uchun shart-sharoitlar yaratilishi ko`rsatilgan. Mazkur Qonun bugungi davr talablariga mos ravishda har tomonlama barkamol, mustaqil fikrlaydigan, mamlakatimiz istiqboli uchun mas'uliyatni o`z zimmasiga olishga qodir, tashabbuskor, xalq manfaati yo`lida bor salohiyatni safarbar qiladigan, shijoatli yoshlarni tarbiyalash, ularning intellektual va ijodiy salohiyatini ro`yobga chiqarish uchun mustahkam huquqiy yaratilgan poydevorni mustahkamladi.

Shu o'rinda yoshlarga oid bir qancha qonun-hujjatlari ham ishlab chiqilgan bo'lib mavjud hujjatlarga zamon talablariga mos o'zgartirishlar ham kiritildi. Quyida ularning bir qanchasi bilan tanishib chiqamiz.

O`zbekiston Respublikasining Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning davlatimizni 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning yakunlari va 2017-yilga mo`ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo`nalishlariga bag`ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan ma'ruzasida Ï «...yoshlar va aholi o'rtasida mamlakatimizning boy tarixini, uning betakror madaniyati va milliy qadriyatlarini keng targ`ib qilish, jahon ilmdagi, fandagi va adabiyotdagi yutuqlarini yetkazish uchun zarur muhit va shart-sharoit yaratish»[2] bugungi kunning dolzarb vazifasi sifatida aytib o`tildi.

2017-yil 7-fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «PF-4947 sonli ÏO`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risida»gi farmoni imzolandi va ushbu farmon mamlakatimizda yoshlar uchun ham ulkan imkoniyatlar eshigini ochib berdi. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasining to`rtinchi ustuvor yo`nalishi «Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo`nalishlari deb nomlanib, ushbu yo`nalishning beshinchi bandi Yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish bo`lib, quyidagilar belgilangan:

1. Jismonan sog`lom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat'iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik

[1] https://www.mf.uz – 15.07.2017
[2] Xalq so'zi. 15-yanvar 2017-yil.

islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish;

2.O`rta maxsus, kasb-hunar va oily ta’lim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirish hamda xususiy tadbirkorlik sohasiga jalb etish;

3.Yosh avlodning ijodiy va intellektual salohiyatini qo`llab-quvvatlash va ro`yobga chiqarish, bolalar va yoshlar o`rtasida sog`lom turmush tarzini shakllantirish, ularni jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish;

4. Yoshlarni ijtimoiy himoya qilish, yosh oilalar uchun munosib uy-joy va ijtimoiy-maishiy sharoitlarni yaratish;

5.Yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, ta’lim muassasalari, yoshlar va boshqa tashkilotlarning samarali faoliyatini tashkil etish»[1]

Mamlakatimizda har tomonlama barkamol avlodni kamol toptirishda ularga ta’lim-tarbiya berish jarayoni ham tubdan takomillashtirildi. Yoshlar tarbiyasida asosiy bo`g`in hisoblangan maktabgacha ta’lim tizimi ham zamonaviy talablardan kelib chiqqan holda takomillashtirildi. Maktabgacha ta’lim vazirligi tashkil etildi. Yurtimizdagi ko`plab ota-onalar, o`qituvchi va o`quvchilarning bildirgan takliflariga ko'ra 11 yillik ta’lim tizimi qayta tiklandi. Ta’lim berish jarayonida ham innovatsion yondashuvlardan keng foydalanilmoqda. Oliy ta’lim tizimini yanada takomillashtirish borasida ham keng qamrovga ega ishlar amalga oshirilmoqda. 2017 – 2021-yillarda oliy ta’lim tizimini kompleks rivojlantirish dasturi qabul qilindi. Talabalarning saviyasini yuksaltirish maqsadida o`qitish metodikalari qayta ishlab chiqilib, tadbiq etildi.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosatining amalga oshirilishi yoshlar uchun ulkan imkoniyatlar eshigini ochish bilan bir qatorda, ularning o’z ustilarida ishlashga va izlanishga sabab bo’lmoqda. Yoshlarni har tomonlama yetuk hamda barkamol avlod bo`lib yetishishlari uchun yetarli shart-sharoitlar yaratilgan bo`lib, iqtidorli, faol yoshlar qo`llab-quvvatlanmoqda. Birgina “Yosh kitobxon” tanlovida 14 nafar yoshlarning o`z bilim savodxonliklari bilan “Spark” avtomobili sovrinini yutib olganlari so’zimizning yaqqol dalilidir. Yosh avlod mamlakatda ularga yaratilgan imkoniyatlardan unumli foydalanib, mamlakatimizning faxr-iftixori bo`lishlari lozim va shart.

TARBIYA SOTSIOLOGIYASI- IJTIMOIY MEZON SIFATIDA

ADU. Xalilov F.magistr 1-kurs.
Abdullayev Y.
Xojiyev G’. BTSTI yo’nalishi talabalari.

Harakatlar strategiyasida ijtimoiy sohani rivojlantirish.(qizil rang-hayot va aholining munosib turmush tarzini ta’minlash ramzidir. Harakatlar strategiyasida xalqning ijtimoiy rivojlanishi uchun barcha imkoniyatlar belgilab berildi. Maishiy xizmat, aholining yashashi uchun yangi zamonaviy turar joylar barpo etildi.

[1] Xalq so‘zi. 8-fevral 201

Oilalarning ravnaqi yo’lida amalga oshirilayotgan barcha ishlar xalqimiz manfaatiga xizmat qilmoqda. Ijtimoiy reabilitatsiya maskanlari, madaniyat saroylari, madaniy hordiq, dam olish uylari va boshqalar shular jumlasidandir.

Kishilik jamiyati paydo bo’libdiki, o’ziga xos tarbiya me’zonlari o’zgarib, taraqqiy etib bormoqda. Bu esa kishilarning ijtimoiylashuvdagi rivojlanishining o’ziga xos asoslaridan biridir.

Ijtimoiy hayotning abadiy va umumiy mezonlaridan biri tarbiya sotsiologiyasi hisoblanadi. Ushbu jarayonni bevosita pedagogik-psixologik fanlar orqali bolalar tarbiyasini shaxs axloqiy xislatlarini shakllantirshning maqsadga qaratilgan jarayoni sifatida ham o’rganishimiz mumkin.

Agar qandaydir sababga ko’ra bolada ijtimoiy bilimlar shakllanmagan bo’lsa, demak munosabatlar shakllanmagan, shuning uchun ijtimoiy pedagogik faoliyat jarayonida boladagi shunday ijtimoiy ahamiyatga ega bo’lgan xislatlar shakllangan bo’lishining o’zi ham ijtimoiy tarbiya vazifalaridan biridir.

Ijtimoiy tarbiya deganda muvaffaqiyatli ijtimoiylashuv uchun zarur bo’lgan ijtimoiy ahamiyatli bola shaxsi xususiyatlarining shakllanishi maqsadga qaratilgan jarayoni tushuniladi.

Odatda o'smirlik yoshida bolalarda kattalar bilan, ayniqsa, ota - onalar bilan muammolar kelib chiqadi. Ota - onalar bolalariga hali kichkina bolaga qaraganday muomlada bo'lishi bolaga yoqmaydi, ular o’zini katta deb hisoblaydi. Shu bilan bir qatorda o’z tengdoshlari bilan ham munosabatlari o’zgaradi.

O'smirlarda kattalik xis-tuyg‘usi shakllanadi, bu esa uning mustaqil va beg'araz bo'lishiga intilishida ko’rinadi. Bu yoshda ko'pincha bolalar o’zlariga odamlar orasidan ideal topishga harakat qiladi. O'smirlar uchun tashqi ko'rinishi katta ahamiyatga egadir.

Masalan, g'ayri oddiy soch turmaklari, ziraklar ikkita, uchta bo'lishi ham mumkin. Lab bo'yoqlari va shu kabi narsalar o'smirlarni boshqalardan ajratib turishga sharoit yaratadi.

Buning hammasi emotsional iroda doirasining o’zgarishi natijasida vujudga keladi.

O'smirlarda o’zini - o’zi nazorat qila olishi, o’zining fikrlari va harakatlarini boshqara olishi uquvi shakllanadi, tirishqoqligi, vazminlik, chidamlilik, qanoatlilik va shu kabi irodaviy xususiyatlari shakllanadi.

O'smirlarning qiziqishlari kichik yoshdagilarga qaraganda bir qancha o’zgaradi. Ular qiziqish va badiiy faoliyatga intilishlarida kichik yoshda tarqoqlik va qat’iyatsizligi bilan ajralib turadi. Shu tariqa o'smirlik yoshning xarakterli xususiyatlari ya’ni; ular irodaviy xulq-atvorini boshqarishda o’zini nazorat qilishda mahoratini yetarlicha rivojlanmaganligi xohishiga qarab ish tutishi va o’zining talablarini qondirish imkoniyatlarining yetishmasligi, yuqori darajadagi ishonuvchanlik, o’zining o'rnini topishga va katta bo'lishga harakat qilish kabilar ko’zga tashlanadi.

Tarbiya qilish qiyin tushinchasi deganda pedagogik ta’sirga qarshilik ko'rsatish ya’ni ayrim ijtimoiy dasturlarni, bilimlarni, malakalarni, tarbiya va ta’limdagi talab va normalariga qarshilik ko'rsatuvchi bolalar tushiniladi.

O'smirlarda tarbiyasi qiyinchilik, yashab turgan jamiyatdagi belgilangan norma va qoidalarga amal qilmaslik, deviatsiya holatlari ko’rinishi mumkin

Normadagi xulq - atvor deganda o'smirlarning rivojlanishi va ijtimoiylashuvida uning talab va imkoniyatlariga mos keluvchi mikro-sotsium bilan o’zaro munosabatlari tushiniladi. O’zi yahayotgan jamiyatdagi belgilangan axloqiy va huquqiy normalarga qarama - qarshi xulq - atvori unga bo'lgan noto'g'ri ya’ni, uning rivojlanishi va ijtimoiylashishida atrof - muhitdagi shaxsiy va yosh xususiyatlarini hisobga olmasdan kelib chiqadigan xulq - atvordagi buzilishi tushuniladi.

Buzilgan xulq - atvor ijtimoiy dezaptatsiyaning bir ko'rinishi hisoblanadi. Bolalik - o'smirlik dezaptatsiya haqida gapirganda albatta bolalar kategoriyalarini bo’lib olish kerak. Bularga;

- o’qishga bormaydigan maktab yoshidagi bolalar;

- yetim bolalar, -ijtimoiy yetimlar;-giyohvand va zaharli moddalarni iste’mol qiluvchi o'smirlar;

- jinsiy intizomsiz xulq - atvorli o'smirlar; -jinoiy ishlarga qo'l urgan o'smirlar.

Deviant xulq – atvor, bu xulq - atvor o’zgarishlarining bir turi bo'lib, kichik ijtimoiy munosabatlarda va kichik ijtimoiy guruhlarga xarakterli yoshga tegishli xulq - atvordagi ijtimoiy norma va qoidalarning buzilishi tushuniladi.

Deviant xulq - atvorning ko'rinishlari deb vaziyatli o’zaro bog'langan bolalar va o'smirlar xulq - atvoridagi reaksiyachilarga aytiladi, ular namoyish, tajovuzkorlik, bosqinchilik, chaqiriq, mustaqil va tizimli ravishda o'qishdan yoki mehnat faoliyatidan uzilish, tizimli uydan chiqib ketishlik va daydilik, bolalar va o'smirlar ichkilikbozlik va aroqxo'rlik, giyohvandlikka berilishi, jinsiy harakatlardagi jamiyatga qarshi harakatlar va boshqalarni kiritishimiz mumkin.

Deviant xarakterlarning asosiy sabablari-bolalar, o’smirlar va umuman ba’zi jamiyat a’zolarining jamiyat tan olgan me’yorlarga zid keluvchi xatti - harakatlarni namoyon etishi — bu birdaniga, o’z-o’zidan bo’ladigan hodisa emas. Ya’ni o’sha insonlarning shunday yo’l tutishiga nimadir sabab bo’ladi. Insonning rivojlanishi bir -biri bilan uzviy bog’liq bo’lgan turli xil faktorlarga bog’liq: irsiyat, muhit, tarbiya, insonning shaxsiy amaliy faoliyati va shu kabilar.

Voyaga yetmagan yoshlar orasida deviant harakatlarni vujudga keltiruvchi qator faktorlar mavjud. Jumladan:

1.Biologik faktorlar, ya’ni bolalarning ijtimoiy hayotga moslashuvini murakkablashtiruvchi noxush fiziologik va anatomik holatlar: Ularga:genetik (o’ta aqli zaiflar, ko’rlar, karlar va h.k),

- psixofiziologik (ya’ni inson organizmiga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi, somatik harakatlarni, allergiyalar va toksik kasalliklarni vujudga keltiruvchi turli xil ziddiyatlar, kimyoviy moddalar, energiyalar va h.k),

- fiziologik (atrofdagilarda noxush kayfiyat uyg’otuvchi tashqi qiyofa, tilning duduqligi va h.k).

2. Psixologik faktorlar, ya’ni insondagi psixopotologik yoki aktsentuant (haddan tashqari) holatlar. Bu faktorlar asab kasalliklari (psixopatiya, nevrasteniya kabi kasalliklardir).

3. Ijtimoiy-pedagogik faktorlar, ya’ni bolalik davridan boshlab maktab, oila va jamoatchilik tarbiyasidagi nuqsonlar.

4. Ijtimoiy - iqtisodiy faktorlar, ya’ni bu jamiyatdagi ijtimoiy tengsizlikdir: jamiyatning boylar va kambag’allar deb ajratilishi, xalqning ma’lum qismining qashshoqlanib qolishi, oylik maoshining kamligi, shirinso’zlik, inflyatsiya va h.k.

5. Ma`naviy-axloqiy faktorlar. Ularga birinchidan, jamiyatdagi ma`naviy qadriyatlarning qadrsizlanishi, insonlarning ma`naviy qashshoqlanishi kirsa, ikkinchidan, muayyan jamiyatning undagi ro’y berayotgan deviant harakatlarga befarqlik, loqaydlik kiradi.

Deviatsiya konsepsiyasida reabilitatsiya, profilaktika va korreksiya masalalari deviant xatti-harakatdagi bolalar va o’smirlarga nisbatan profilaktika, reabilitatsiya va korreksiya ishlari amalga oshiriladi.

Reabilitatsiya-bu bola shaxsining huquqi, huquqiy statusi, sog‘lig‘i, ishga layoqatsizligini tiklashga qaratilgan kompleks, ko’p darajali, bosqichli va dinamik tizimdir.

U profilaktika va korreksiya singari aspektlarni o’z ichiga oladi.

Profilaktika bu reabilitatsiya tizimidagi shaxsning rivojlanishidagi u yoki bu chekinishlarni yo‘qotishga shart- sharoitlar yaratishga qaratilgan tadbirlardir. U ko’proq ijtimoiy muhit bilan bog’liqdir.

Korreksiya - bu hayotiy chekinishlarga uchragan bolalar va o’smirlar bilan olib boriladigan aniq faoliyat hisoblanadi.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Шавқиев Ойбек **- СамДУ** ***талабаси***

Маълумки мустакилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида қатор ижобий ишлар олиб борилди. Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас кисми, маданияти ва ривожланишининг асосий курсаткичидир.

Мамлакатимизда жаҳон таълим стандартларига жавоб берадиган таълим тизими яратилмоқда. Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб негизи бу – малакали кадрлани тайёрлашдир.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълим тизимида шахснинг ижтимоийлашувини таъминловчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, биз шахснинг шаклланишида таълим ҳамда тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга эканлигига урғу берамиз. Аксарият ҳолларда эса тарбия жараёни устувор булиши лозим, чунки ўзида аҳлоқий хислатларни намоён эта олган шахсгина ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида ижобий хусусият касб этади.

Шундай экан, асосий эътибор фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишгагина қаратмай, балки ҳам таълим ҳам тарбия жараёнинг самарадорлигини таъминлашга бирдек эътибор қаратиш лозимдир.

Шу ўринда тарбияшунос олим Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида инсон камолотида тарбиянинг ролини алоҳида таъкидлаб шундай деган: *“Жаноби ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилияти, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадиган қилиб яратган. Лекин инсондаги қобилиятни камолга етказмоқ тарбия воситасида бўладур. Агар бола яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади”*[1] деган ва бошқа шу каби инсонни тарбиясига оид фикрларни баён этган.

Шуни айтиб ўтиш жоиз-ки, педагоглар ёш авлодга замонавий таълим-тарбия беришда биринчи галда оилага, ота-онага таянади. Оилада ёшларни маърифатга чорлаб, шарқона кўп асрлик миллий анъаналаримиз рухидаги тарбия иши олиб борилса, талабчанлик ҳисси устувор булса, педагоглар зиммасига юклатилган вазифа енгиллашади. Зеро боладаги барча хислатлар, хох у салбий, хох у ижобий булсин, авваламбор, оилада шаклланади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китобида *“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб булмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”*[2] деган ҳикматдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун юртимизда таълим соҳасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиб берилгандир.

Ҳозирги кунда замонавий ўзбек педагогикасида баркамол инсонни шакллантириш расмий равишда бош мақсад қилиб белгиланди. Таълим ва тарбия ягона жараёндир. Лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш эмас. Таълим ва тарбиянинг бирлиги, авволо, улар мақсаднинг умумийлигидан иборат.

Таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни билимлар билан қуроллантириш бўлса, тарбияда ўқувчининг жамиятимизда қабул қилинган ахлоқ-одоб қоидасига мос келадиган эътиқодни, ахлоқий малака ва кўникмаларни, эҳтиёж ва интилишларни таркиб топтириш муҳимдир.

Аввало таълим ва тарбия бир мақсадни – баркамол инсонни шахсни тарбиялашни назарда тутади. Шундай экан, узлуксиз таълим тизимининг барча таълим турларида таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, ҳар томонлама камол топадиган инсонни шакллантиришга имкон яратади.

Айниқса, умумий ўрта таълим инсон шахсини тарбиялашда улкан ишларни амалга оширишнинг асосий босқичиларидан бири ҳисобланади. Чунки, бола мактабда ривожланишнинг турли даврларини болалик, ўсмирлик, ўспиринлик паллаларини босиб ўтадилар. Шу даврлар ичида улар ҳаёт, инсон ва табиат, умуман атрофимизни ўраб турган дунё ҳақида аниқ билимларга эга бўладилар. Уларнинг ахлоқи ҳам ўзгариб боради. Шу йиллар ичида боланинг ахлоқий

[1] Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Абдулла Авлоний. – Б. 3
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.

туйғулари ривожланади, онги билан хулқи ўртасида уйғунлик вужудга келади, характери таркиб топади, ўз хулқи ва ҳатти-харакатларини эҳтиёжга ва шароитга мувофиқлаштиришга интилиш одатлари тарбияланади.

Республикамизда олий ва ўрта махсус таълимнинг ўрни ёш авлодни баркамол қилиб тайёрлаш ва ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим босқич ҳисобланади. Шу ўринда Афлотуннинг *"Фарзандларингизни илм ва одобини, ўзингизни илм ва одобингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси олимлардир"* деган фикрини келтириш мумкин.

Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда таълим-тарбия масканидаги ўқитувчининг роли ҳам беқиёсдир. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ҳар бир болага ўз-ўзини бошқариш қобилиятини таркиб топишига эришмоғи зарур. Чунки бу болани ўз кучи, лаёқати ва қобилиятини ишга солишга ундайди.

Ҳар бир инсонда муайян интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун шарт-шароит яратилса, ўз тафаккурини намоён эта олишга эришилади. Тафаккур жараёнинг қуввати билимлар қувватидан юқори туриб, у шахснинг ўз- ўзини ривожлантириш унсури тарзида намоён бўлади. Ижодий изланишнинг натижаси каби, мазкур жараённи ўзи ҳам ўта муҳим бўлиб, айнан у ўқитувчи ва ўқувчиини ижодкорликка ундайди, янгилик олишга илҳомлантиради, мустақил изланиш ва ижодий фаолиятини ташкил этишга ундайди.

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ёшларда мантиқий тўғри фикрлаш қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу хусусида маърифатпарвар олим А.Авлоний ҳам таълим жараёнида "Фикр тарбияси" тушунчасига алоҳида урғу берар экан шундай дейди:

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткир.
Фикрнинг ойнаси олирса занг,
Руҳи равшан замир, ўлур бенур.[1]

Ҳулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки таълим тарбия жараёни ўқувчиларда мантиқий тўғри фикрлаш малакасини шакллантириш - ҳозирги давр талабидир.

YOSHLARNI MA'NAVIY BARKAMOL VA YETUK QILIB TARBIYALASHDA MILLIY-MA'NAVIY MEROSNING ROLI VA AHAMIYATI

Mahammatova Sh.S- O'zbekiston Davlat
San'at va Madaniyat Instituti talabasi

Yurtimiz o'z mustaqilligiga erishganidan boshlab to hozirgi davrga qadar yuksak ma'naviyatli barkamol avlodni tarbiyalash, yoshlarda tarixiy tafakkurni shakllantirish borasida ko'plab ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. O`zbekiston Respublikasi

[1] Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Абдулла Авлоний. – Б. 6

Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 28-iyuldagi “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani yangi bosqichga ko’tarish to`g`risida”gi 3160-sonli Qarorida keltirilganidek, dunyoda yuz berayotgan murakkab geosiyosiy va g`oyaviy-mafkuraviy jarayonlarning mazmun-mohiyatini har tomonlama chuqur yoritib berish va tashqi tahdidlarga qarshi samarali g`oyaviy kurash olib borishda maqsadli va mazmunli yondashuvni joriy qilish muhimdir. Shuning uchun ham bunday vaziyatda biz fuqarolarimizni va ayniqsa yoshlarimizni turli yo`llar bilan kirib kelayotgan milliy mafkuramizga, xalqimizning ko`p asrlik ma’naviyati va milliy qadriyatlari, diniy qarashlariga va hamda hayotiy udumlariga hayot tarzimizga zid bo’lgan mafkuraviy tahdidlar, ma’naviy illatlar mohiyatini ochib berish va uning salbiy oqibatlaridan ogohlantirishimiz kerak.[1]

Bu o`rinda yoshlarning mafkuraviy tarbiyasini shakllantirish alohida ahamiyat kasb etadi. *Mafkuraviy tarbiya* - inson, ijtimoiy guruh, millat, jamiyat dunyoqarashini shakllantirishga, ularni muayyan maqsadlarni ifoda etadigan g`oyaviy bilimlar bilan qurollantirishga yo`naltirilgan jarayon. G`oyalar adolatli va haqqoniy bo`lsa, ko`pchilikning talab-ehtiyojlariga mos kelsa, bu sohadagi tarbiya vositalari ta'sirchan, tarbiyachilar esa faol va fidoiy bo`lsa, g`oyaviy tarbiyadan ko`zlangan maqsadga erishiladi. Jamiyat, xalq hali o`z manfaatlarini anglab yetmagan, o`z mafkurasini shakllantirib, maqsadlari sari safarbar bo`lmagan hollarda begona va zararli g`oyalar ta'siriga tushish ehtimoli ortib boradi. Bu esa g`oyaviy tarbiyani yo`lga qo`yish, sog`lom mafkura tamoyillarini aholi qalbi va ongiga muttasil singdirishni dolzarb vazifaga aylantiradi.

Shuni alohida takidlab o’tish lozimki yoshlarni turli yod g`oyalardan asrash uchun avvalo ularning mafkuraviy immunitetini shakllantirishimiz lozim, bu esa ularning ogohlik darajasini oshirishni taqazo etadi. Mafkuraviy tarbiya jamiyatda, avvalo oila, maktabgacha yoshdagi bolalar muassasalari, maktablar, litsey, kollejlar, oliy o`quv yurtlari, ommaviy axborot vositalari, jamoat tashkilotlarining birgalikdagi faoliyatini taqozo qiladi. Uzluksiz ta'lim tizimi mafkuraviy tarbiyani olib boruvchi asosiy bo`g`inidir, zero, mafkuraviy maqsadlarni yoshlar ongiga singdirish vazifasi asosan ta'lim orqali amalga oshiriladi.

O`sib kelayotgan yoshlarning ongida ogohlik barobarida milliy g`urur va or-nomus tuyg`ularini shakllantirishda xalqning madaniy merosi, milliy qadriyatlari, ulug` mutafakkirlarning ibratli hayoti bugungi erishilayotgan yutuqlar muhim ahamiyat kasb etadi. Yosh avlod ongiga milliy istiqlol mafkurasining ijtimoiy adolat haqidagi g`oyalarini singdirishda Abu Nasr Forobiynig “Fozil odamlar shahri”, Yusuf Xos Hojibning “Qutadg`u bilig”, Nizommulkning “Siyosatnoma”, Amir Temur “Tuzuklari”, Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub”nomli mashhur asarlari tarixiy-ilmiy manba bo`lib xizmat qiladi.

Inson erkinligi va ozodligini kafolatlovchi O`zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi qabul qilindi. Qator universitetlar tashkil etilib, o`quv tizimimizda jahon andozalari, tarbiya yo`nalishida ma'naviy merosimizning eng ilg`or va insonparvar tamoyillari asos qilib olindi. Davlat va jamiyat qurilishi masalalarini o`rganish, yuksak malakali rahbar kadrlar tayyorlash maqsadida O`zbekiston

[1] www.manaviyat.uz

Respublikasi Prezidenti huzurida davlat va jamiyat qurilishi Akademiyasi tashkil etildi. Badiiy Akademiyaning tashkil etilishi, Imom al-Buxoriy, Amir Temur, Bobur, Ulug`bek, Bahouddin Naqshband, al-Farg`oniy, Motrudiy, Xoja Ahror Valiy kabi milliy madaniyatimiz darg`alariga bag`ishlangan tantanalar, qurilgan majmualar yangi jamiyatning amalga oshirayotgan real ma'naviy ishlaridir. Ular yangi jamiyatning kuch-qudratidan nishona bo`libgina qolmay, milliy ong va yangi dunyoqarash shakllanishida, biz yoshlarda milliy g`ururni mustahkamlashda juda katta ahamiyat kasb etmoqda. Buyuk ajdodlarimiz bizlarga qoldirgan boy madaniy meroslarda, ular yozgan asarlarda go'zal ifodasini topgan. Yosh avlodni bobokalonlarimiz yozgan qimmatli badiiy asarlar bilan tanishtirish, ularni adabiy asarlarni ko'proq o'qishga undash har tomonlama ularning mafkuraviy dunyoqarashini kengaytirib ularda asl insoniy fazilatlar shakllanishiga turtki bo`la oladi. Bu borada Prezidentimiz tomonidan tashkil etilgan "Yosh kitobxon" tanloviga to`xtaladigan bo`lsak, ayni shu tanlov sababli ham ko`plab yoshlarimiz bo`sh vaqtlarining asosiy qismini mutoolaga sarflashlariga turtki bo`lmoqda. Jumladan ko`plab yoshlarning o`qigan badiiy asarlari bo`yicha bo'lgan savol-javobda muvaffaqqiyatga erishgan sovrindorlar "Spark" avtomobilini yutganliklari taqsinga loyiq albatta. Bu esa, Respublikadagi ko`plab fuqarolarimizni kitob o`qishga bo`lgan qiziqishlarining ortishiga sabab bo`ldi. Xususan, 720 000ga yaqin talabgorlar bu tanlovda qatnashishga xohish bildirishgan[1].

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, milliy mafkuramiz g`oyalarini tengdoshlarimiz, ya'ni, talaba-yoshlar ongiga singdirish va amalga oshirishning eng muhim va zarur shartlaridan biri – Vatan tarixini chuqur va mukammal, uni qanday bo`lsa, shundayligicha xolisona o`rganishni yo`lga qo`yish kerak. Buning uchun zarur bo`lgan barcha imkoniyat va shart-sharoitlarni yaratishimiz kerak. Zero, buyuk tariximizni o'rganish barobarida ular ijobiy fikr yuritish qobiliyatini shakllantirib, bunyodkor g'oyalar yaratishga sabab bo'ladi.

VATANPARVARLIK – BARQARORLIK KAFOLATI

Satimboyeva X.A.- ADU Talabasi
Yusupov E.E - AndMI talabasi

Hozirgi vaqtda mamlakatimiz yoshlari ongida vatanparvarlik hissini uyg`otish hamda mustahkamlash, milliy istiqlol g`oyalarini targ`ib qilish , turli xalq va millatlarning tinch-totuv, o`zaro ahil yashashlarini ta`minlash muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Yurtimizda istiqomat qilayotgan har bir insonning qalbiga Vatan tuyg`usini singdirish, bir necha ming yillik moddiy va ma`naviy madaniyat maskanlaridan biri- O`zbekistonimizning haqiqiy jonkuyari bo`lishga erishish hozirgi kunning eng dolzarb vazifasi ekanligi barchamizga ayon.

Vatanparvarlik haqida fikr yuritganimizda, eng avvalo, Vatan so`zi ko`z oldimizda gavdalanadi. Bir qarashda Vatan tushunchasi oddiydek, rangsizdek

[1] www.uza.uz

tuyuladi. Aslida-chi, aslida Vatan, vatanparvarlik qanday bo`lishi kerak, degan savolga javob topmog`imiz kerak.

Teranroq o`ylab ko`rilsa, ``Vatan``, ``Vatanparvarlik`` sozlari zamirida olam-olam ma`no mujassamligini, uni hech narsaga tenglashtirib bo`lmasligini biz izlayotgan savolimizga javob deya olishimiz mumkin. Shu nuqtayi nazardan, Vatanni har kim o`zicha tushunadi, o`z fikri doirasida anglab yetadi.

Aslida Vatan nima - bu savolga to`g`ri va aniq javob topish biroz murakkab. Balki aniq va to`g`ri javobning o`zi yo`qdir. Kimlar uchundir Vatan bu uy-joy, tug`ilgan makon. Hatto butun yer yuzini Vatanim deb bilguvchilar ham yo`q emas.

Men uchun Vatan, yashab turgan beqiyos o`lkam, bolaligim o`tgan o`sha pastakkina tomlarga boy bo`lgan, tor va chang ko`chalar, men ilk bora bobomdan hayitlik olganimda quvongan qo`rg`onim-u, meni dunyoga keltirib, voyaga yetkazgan va menga jamiyatda o`z o`rnimni topishimga sabab bo`lgan onam mehri-yu, dadajonimning duoga ochilgan qadoq qo`llari.

She`riyat mulkining sultoni Mir Alisher Navoiy g`azallaridan birining lirik qahramoni suyukli yoriga murojaat qilib, ``Ko`zim qarosida mardum kabi vatan qilg`il``, deydi va Vatan tuyg`usini mohiyatini yanada teranroq ifoda etadi. Ya`ni, mardum –fuqaro uchun Vatan ko`z qorachig`dek aziz. Sen shu aziz joy- ko`zim qorasida abadiy yashagin, uni Vatan qilgin, deya xitob qiladi.

Demak, har bir insonda Vatanni sevish, uni qadrlash, uning muqaddasligini qalban his etish, o`zini Vatandan ayri his eta olmaslik kabi sof insoniy his-tuyg`ular asosida qaror topgan vatanparvarlik tuyg`usi inson ma`naviyatining mezonidir. Vatanparvarlik aniq muhitda, zaminda va mavjud ma`naviy –axloqiy qadriyatlar asosida shakllanadi va rivojlanadi. Hech kim vatanparvarlik tuyg`usini o`zi yaratmaydi, balki uni tayyor holda qabul qilib oladi va asta-sekinlik bilan o`z ongiga singdirib boradi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta`biri bilan aytganda “Vatanparvarlik har bir davlat hayotining ma`naviy asosi hisoblanadi, jamiyatni har tomonlama rivojlantirish borasida eng muhim safarbar etuvchi kuch sifatida namoyon bo`ladi”.

Vatanparvarlik deganda, avvalo, el-yurt manfaatini shaxsiy manfaatdan ustun qo`yish tushuniladi. Bu esa har birimizdan fidoyilikni talab qiladi. Fidoyilik esa vatanparvarlikning asosiy mezonidir. Demak , O`zbekistonning mustaqilligini mustahkamlashda, uning taraqqiyoti va rivojlanishiga biz yoshlarning hissa qo`shishimiz, ya`ni bizga bildirilayotgan ishonch zamirida zimmamizdagi vazifalarni sidqidildan bajarishimiz vatanparvarlik desam also mubolag`a bo`lmaydi.

Bugun biz o‘z oldimizga o`sib kelayotgan yosh avlodni barkamollik darajasiga ko`tarishni maqsad qilib olganmizki, buning uchun avvalambor o`quvchi yoshlarni ongini bunyodkor g`oyalar bilan shakllantirmog`imiz zarur. Axir, vatanparvarlikning boshlanishi insoniy fazilatlarning ulg`ayishidan emasmi. Biz uzluksiz ta`lim tizimida bolalarni har tomonlama, ma`naviy, axloqiy, jismoniy, ruhiy, estetik jihatdan tarbiyalab kelajakda jamiyat taraqqiyoti uchun

xizmat qiluvchi barkamol avlod qilib tarbiyalaymiz. Vatanparvarlik va insonparvarlik tuyg`ularini shakllantirishda Ta`lim va tarbiya jarayonining birgalikda olib borilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Biz bolalarni yurtimiz bo`ylab sayohatlarga olib chiqish orqali ham ular ongida vatanga bo`lgan muhabbat, insonparvarlik fazilatlarini shakllantirishimiz mumkin. Negaki, ular sayohat davomida, ajdodlarimiz qoldirgan madaniy va ma`naviy boyliklarni ko`rishga va ularni idrok qilishga muyassar bo`ladilar. Beqiyos o`lkamizning muqaddas dargohlariga qadam qo`yganlarida ular bizning ajdodlarimiz kim bo`lganliklari-yu, biz ularga loyiq farzand bo`lyapmizmi, ularnig izdoshlari bo`lishga loyiq bo`lgan insonlar faqat biz yoshlar ekanligimizga ishonch hosil qiladi

Biz pedagoglar o`quvchilarni mustaqillikning qadriga yetadigan, uni asrab-avaylaydigan, Vatan ravnaqi yo`lida xizmat qiladigan fidoyi va jonkuyar farzandlar qilib tarbiyalashimiz zarur.

Ona yurt- oltin beshik. Vatan esa ostonadan boshlanadi. Ostonani hatlab o`tar ekanmiz, beixtiyor vatan iforini tuyamiz. Biz uchun endi ko`karib chiqqan ko`kat ham, asrlar osha o`z taftida qizdirgan quyosh ham, muqaddas diyorimizning bir kaft tuprog`i ham- Vatan.

Muxtasar qilib aytganda, Vatan –eng aziz va muqaddas tushuncha. Yurtni sevish, uning koriga yarash, o`zini, o`zligini anglagan har bir kishining burchidir. Vatan uchun yashash ham, jon berish ham sharaf.

Biz tarbiyalayotgan o`quvchilarimizga mana shu tushunchalarni singdira olsak, biz ko`zlagan maqsadimiz, vatanparvar, ongu shuuri insonparvarlik g`oyalariga yo`g`rilgan barkamol avlodni voyaga yetkazishga erishgan bo`lamiz.

Yurtimizda amalga oshirilayotgan barcha islohotlar aynan yoshlar ongini yuksaltirish ular dunyoqarashida ma`naviy va mafkuraviy bo`shliqlar hosil bo`lmasligi yo`lida olib borilar ekan, biz yoshlar buning amaldagi ifodasi o`zining ijobiy tomonlari bilan barcha sohalarda ustunlik ko`rsatayotganligini o`z tashabbusimiz, o`z izlanishlarimiz natijasi orqali erishib kelayotgan bir qancha yutuqlarimiz misolida aniq ko`rsatib berishimiz mumkin.

ЁШЛАРДА АХБОРОТ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МЕДИА САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

А. Алимов – СамИСИ ўқитувчиси
Ж. Пардаев - СамИСИ талабаси

Ҳозирги пайтда дунёда глобаллашув, маданиятлараро қоришув жараёни кечмоқда. Бу мураккаб жараён нафақат ёшларга, балки барча фуқаролар дунёқарашига ҳам таъсир этмоқда. Ёшлар маънавий дунёсини эгаллаш борасида турли ахборот майдонларидан фаол фойдаланиш «пойга»си жадаллашмоқда. Бунда интернет ва ахборот техналогияларининг ўрни беқиёс. Ривожланган мамлакатлар қатори мамлакатимизда ҳам ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизга шиддат билан кириб келди.

Бугун интернетдан мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмидан зиёдроғи фойдаланаётган бўлса, улар орасида ёшлар салмоғи кўпроқ, албатта. Барчамизга маълумки, ёшлар бунёдкорлик салоҳиятига эга бебаҳо ресурсдир.

Глобаллашув даврида интернет тизими орқали менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни ёшларимиз қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар борлиги хатарлидир. Ўз ўрнида айтиш керакки, ҳозирги кунда ёшларнинг аксарияти асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилмоқда. Фойдаланилаётган ахборот воситаларининг катта қисми асосан ижтимоий тармоқлар ва видео, аудио порталларига тўғри келса, маълум бир қисмигина зарарли таъсир этмайдиган, илмий, маданий ва маърифий сайтлардан иборатлигини кузатиш мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ёш авлод онгида «ахборот иммунитети»ни шакллантириш, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиш туйғуларини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бинобарин, ўсиб келаётган авлодни шундай тарбиялаш керакки, улар ахборот маконига кирганда, фақат ўзи учун зарур ва фойдали нарсани олсин, интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргансин. Бугун ахборот хуружлари бутун дунёни таҳликага солмоқда.Бу борада Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек «Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникатсия манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш»[1] керак эканлиги муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув, яъни ахборот маконида турли таҳдидлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш устувор вазифага айланмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Жумладан Юртбошимизнинг «глобаллашув ва ахборот-коммуникатсия технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенсиясини ишлаб чиқиш"[2]ни таклиф этганлари алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, аҳоли ўртасида, жумладан, ёш авлод онгида дунёда, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар ҳақидаги фикрларнинг шаклланишида оммавий ахборот воситалари катта рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда замонавий таълим тизимига яна бир муҳим вазифа — болаларни, ёшларни турли манбалардан, биринчи навбатда, телевизор,

[1] Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2011. Б. — 119.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

интернет ва мобил телефон каби ахборот узатувчи воситалардан олинаётган турли ахборотларни тўғри қабул қила олишга ўргатиш вазифаси юклатилмоқда. Фарзандларимиз ҳар қандай ахборотларнинг сифати ва ишончлилигини баҳолай олишлари, ахборотлардан тўғри фойдалана билишлари, танлай олишлари ва ҳар бир маълумотга танқидий ёндашишни ўрганишлари зарур. Шу билан бирга, Интернет, телевидения, кино, радио, видео, мобил телефони, турли маълумотлар акс этган слайд ва суратлар каби алоқа ва маълумот узатувчи воситаларнинг жадал ривожланиб бориши ҳаётимизни сифат жиҳатдан ўзгартириб, кўплаб янги муаммоларни, масалан, ахборот маданиятини шакллантириш ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини юзага келтирмоқда.

Мазкур жараёнда Медиатаълим ўқувчини мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатиб, ёшларнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳиятининг ривожланишига ва камол топишига замин яратади. Ёшларимизнинг ахборот билан ишлаш, ахборот қидириш, турли ёлғон маълумотларга алданиб қолмаслик, зарур ахборотларни ажрата билиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, ахборот мазмунини тушуниш, дўстларга холис манбаларни узатиш, мантиқий фикрлай олишни ўрганиш кабилар асосида ахборот маданияти шаклланади. Ахборотнинг ким учун ва нима мақсадда тайёрланганлигини тушуна билиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчи алоқа соҳасида қандай техник воситалар ишлатилиши тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиши керак.

Бугунги глобаллашув жараёнида ёшларда ахборотларни таҳлил қила олиш, ахборотдаги асосий хабарни ажратиш, алоқанинг йўналишини, унинг яширин маъносини тўғри тушуниш, қисқа қилиб айтганда, ҳар қандай ахборотни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга таълимнинг барча босқичларида алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ривожланган хорижий мамлакатлар педагогикасида медиатаълим тушунчаси асосий ўринлардан бирини эгалласада, медиатаълимга аниқ тавсиф берилмаган. Ҳозирги кунда, медиатаълим ресурсларидан бутун дунёда кенг фойдаланилмоқда. ЮНЕСКО ташкилотининг 1982-йил Германиянинг Грюнвалд шаҳрида, 1997-йил Парижда, 2002-йил Испаниянинг Севиля шаҳрида ўтказилган конференсиялари резолютсия ва тавсияларида медиатаълим масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Бугунги кунда медиасаводхонлик Буюк Британия ва Австралияда гуманитар фанлар мажмуасида алоҳида фан сифатида ўтилса, Финландияда 1970-йилдан ўрта мактабларнинг, 1977-йилдан эса олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига киритилган. 1990-йилларда эса мамлакатда медиасаводхонлик медиатаълим тушунчаси билан алмаштирилди. Шветцияда у 1980-йилдан бошлаб таълим муассасаларида алоҳида фан сифатида ўқитила бошланган. 1990-йилларда Россияда медиатаълим бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. 2002-йилда педагогика олий таълим муассасалари учун медиатаълим ихтисослиги бўйича йўналиш очилди.[1]

[1] https://en.wikipedia.org/wiki/Media_literacy

Шунингдек, 2005-йил ЮНЕСКО ҳомийлигида «Медиатаълим» дарслиги яратилди ва Россияда кинотаълим ва медиапедагогика сайти ишга туширилди. Медиасаводхонлик алоҳида бир фан сифатида киритилмаган бўлсада, Республикамиз умумтаълим мактаб-ларида ҳам медиатаълим элементлари «Адабиёт», «Тарих», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Информатика» ва «Мусиқа» фанлари таркибига сингдирилган ҳолда ўқитилмоқда.[1]

Умуман, таълим тизими олдидаги устувор вазифалардан бири — ёш авлодга замонавий билим бериш билан бирга, уларни мустақил фикрловчи, умуминсоний ва миллий қадриятларни эъзозловчи, юксак инсоний фазилатларга эга ватанпарвар инсон сифатида тарбиялаш ҳамда ёшлар онгида турли мафкуравий таҳдидлар ва ахборот хуружларига қарши мавкуравий иммунитетни шакллантиришдан иборатдир. Бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникатсия тармоқларидан, хусусан, Интернетдан фойдаланиш, ахборотларни таҳлил этиш борасидаги билим ва кўникмаларини юксалтириш муҳим масала ҳисобланади. Бугунги кун талабига кўра эса, зарур ахборот ва маълумотларни кераксиз ва яроқсиз, сохталаридан ажрата олиш, яъни медиасаводхонликка эга бўлиш зарурати юзага келди. Аввало, медиасаводхонликнинг ўзи нима, нега унга бугун дунё бўйлаб талаб ортиб бормоқда каби саволларига жавоб топиш лозим. Чунки сўнгги йилларда ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бир қаторда, салбий характердаги ахборотнинг кўпайиши медиасаводхонликка эга бўлиш заруратини қўйди. Анъанавий тарзда медиасаводхонлик шахснинг асарларни таҳлил эта олиш ва сифатли матнларни яратишдан иборат бўлган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ҳозирги шароитда ёшлар учун соғлом ахборот муҳитини яратиш ва ахборот имунитетини шакллантириш устувор вазифага айланмоқда.

Ёшларда ахборот маданияти ва имунитетини шакллантиришда қуйидагиларни таклиф этамиз:

- Интернетда хавфсиз ишлашни қўллаб-қувватлашнинг техник механизмларини яратиш;
- миллий сайтларимизни ёшлар учун жозибадор, мазмунли, савияли, қизиқарли; ўзига тортувчи қилиб яратиш;
- ёш веб-ихтирочиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;
- глобал тармоқда миллий ахборот ресурсларни кўпайтириш;
- болаларга йўналтирилган ахборот муҳити мазмунини тизимли баҳолашга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш;

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ АСОСИДИР

Шавқиев О.С- Самарқанд давлат университети талабаси

[1] http://fikr.uz/blog/Hayot_yashash_uchun_berilgan/mediasavodhonlik-va-mediatalim.html

Бугунги глобаллашув даврида, демократик принциплар ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятининг асосий шартидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигини қўлга киритилиши билан давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни бебошлик ва ҳуқуқий нигилизмдан самарали ҳимоя қилиш учун, етарли шарт-шароитлари яратилган ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шуни айтиш керакки, ҳуқуқий маданият даражаси ҳуқуқий ислоҳотларнинг натижаларига боғлиқдир. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бунда, оила, махалла, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар, олий таълим муассасалари маданиятни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшишлари керак.

Биринчи Президентимиз И.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепсияси” маърузасида ҳам, “... амалга оширилаётган демократик ислоҳатларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир” деган эдилар.

Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда 1997-йил 29-августда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинди. Ушбу дастурнинг мақсади – ахолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир[1].

Бу мақсадга эришишда асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш;
- барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуқга хурмат билан муносабатда бўлишига эришиш;
- аҳолининг ҳуқуқий саводҳонлигини ошириш;
- фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Бугунги кунга келиб шу нарса аниқ бўлмоқдаки, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий муаммоларни, ҳуқуқий маданиятни шакллантирмасдан хал қилиб бўлмайди. Яна шуни айтиш керакки, шахсни ёшликдан, қонунга хурмат руҳида тарбиялаш керак. Зеро, жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг дарачасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши керак.

Юксак ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. Одамлар шуни чуқур тушунишлари керакки, маданиятли ва зиёли шахс – бу ҳуқуқий билимга эга бўлган ва уни амалиётда қўллай оладиган инсондир.

[1] “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Қарори; 466-I-сон 29.08.1997.

Негаки, ҳуқуқий маданият - жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, кишилар ўртасидаги турли муносабатларда, жамиятда тинчликни таъминлаш, бирдамликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг асосий воситадир. Қонунни хурмат қилиш – бу ҳуқуқий жамиятнинг асосий талабларидан ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, жамиятнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи мухим белгисидир. Ўзбекистон Республикасида 1995-йилда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – Омбудсман институти ташкил этилди. Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади. МДХ мамлакатлари ичида бизнинг мамлакатимиз биринчилардан бўлиб, ушбу институтни жорий қилди. Ҳамдустлик таркибига кирувчи бошка давлатлар, ушбу институтни ташкил қилишда Ўзбекистон тажрибасидан кенг фойдаланишди.

Давлатимиз ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва уни ривожлантириш бўйича олиб бораётган сиёсатининг асосий тамойиллари:

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- ижтимоий адолат;
- илмийлик;
- ўзвийлик;
- ҳуқуқий тарбия;
- ҳуқуқий аҳборот эркинлиги;
- ҳуқуқий таълим ва тарбияда ягона ва тўғри танланган йул.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да Президентимиз Ш. Мирзиёев “Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти бекиёс” эканини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда давлатимизда ҳуқуқбузарликка қарши комплекс ишлар олиб борилмоқда. Жамиятда қонун устуворлигини ва тартибни сақлашнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Бу соҳада асосий ўринни, ҳуқуқбузарликни олдини олиш чора-тадбирлари тизими эгаллайди. 2013 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикасида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан таълим муассасалари, фуқаролик жамиятининг институтлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий аҳборот воситаларининг биргаликдаги фаолияти ҳуқуқбузарликни олдини олишда самарали натижани беради. Ушбу қонунда ёшларни ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш асосий йўналиш ҳисобланади. Зеро ҳуқуқий маданият қанчалик юқори бўлса, ҳуқуқий онг ҳам шунчалик юқори бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг билан ўзвий боғлиқ, шу билан бирга мустақил ижтимоий-психологик

жараёндир. Қонун устуворлигининг асоси бўлган ҳуқуқий маданиятни шакллантириш узлуксиз таълим тизимида тарбиянинг асосий шартларидан биридир.

ЁШЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Урозалиев Элёр - СамИСИ талабаси

Бугунги ахборотлашган жамият босқичи инсоннинг фикрлаш қобилияти ва салоҳияти, маънавий дунёқараши юксак даражада ривожланган бўлишини тақозо этмоқда. Ёшларнинг интеллектуал қобилиятни шакллантириш албатта китоб мутоласи билан амалга ошади. Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида китоб мутоласига азалдан жиддий этибор қаратилган. Шунинг учун бу заминдан кўплаб қомусий олимлар етишиб чиқдилар.

Ҳадис илмининг султони деб эътироф этиладиган Имом Бухорий ҳам 5-6 ёшлигидан китобларни мутола қила бошлаган ва умри давомида ёзган бебаҳо асарлари бутун ислом оламида манавий қадрият сифатида эътироф этилмоқда.

Тиббиёт илми билан бутун дунёга машҳур Абу Али Ибн Синони Бухоро ҳукмдори бетоб қолганлиги учун саройига чақиради .Ибн Сино подшоҳни даволаганда унга анчагина миқдорда олтин беради. Шунда Абу Али ибн Сино олтинлар ўрнига подшонинг кутубхонасидаги китоблари мутола қилишга изн сўрайди.

Китобнинг инсон фаолиятидаги аҳамияти ҳақида [1]Муҳаммад Жабалрудий шундай дейди: “Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан ҳоли ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида хато бўлмайди. Суҳбатида эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиғмайди. У шундай рафиқдирки, киши орасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам “Китоб ақл қалъасидир” деганлар”[1]

Ҳозирги кунда фантехника ютуқлари негизига китобларни чоп этиш жуда оммалашди ва бу ўзнавбатида китоблар ва уларнинг нархини арзонлашувига олиб келди. Қадимда битта китобдан нусха олиш учун ҳаттотлар ойлаб вақт сарфлашга шу аснода китоблар нархи ҳам анчайин қиммат бўлган. Ҳар кимнинг ҳам китоб олишга имконияти бўлмаган.

Кишилик жамияти индустриал ва постиндустриал тараққиёт босқичига ўтиши билан китобларнинг миқдори ошиб, нархлари арзонлашди. Ахборотлашган жамиятда эса замонавий ахборот коммуникацион

[1] Машриқзамин-ҳикмат бўстони.-Тошкент,1997.39-бет

технологияларнинг кенг жорий этилиши туфайли китобларнинг янги шакли электрон манбалар юзага келди.

Хозирги кунга келиб одамлар китоб мутоласидан кўра, телефон ёки компютерлардаги электрон манбаларни ўқишни афазал кўрмоқда. Бунинг ижобий томонларибилан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Компютер ва уяли алоқа воситаларидан чиқадига нурлар мунтазам фойдаланаётган инсонларнинг тана аъзоларига ва кўриш қобиилятига салбий таъсир кўрсатмоқда.фаолиятларини зарарлайди. Шунинг учун китоб мутоласидан узоқлашган аҳолини яна китоб ўқишга қизиқишларини ошириш мақсадида сўнги йилларда юртимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг амалга оширилишида Шавкат Мирзиёев бош ислоҳатчи ва ташаббускор бўлмоқда. Бу борада “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” фармойиши 2017-йил 12-январда эълон қилиниши буларга ёрқин мисолдир. Шу фармойишдан сўнг мамлакатимизнинг аҳолисини китоб мутоласи билан банд қилиш бўйича турли танловлар элон қилинди. Шулардан бири “Ёш китобхонлар” кўрик танлови бўлиб, танловнинг мақсади 14 ёшдан 19 ёшгача ҳамда 21 ёшдан 31 ёшгача икки гуруҳга бўлиб, уларнинг ичидан энг билимдон китобҳонни танлаб олишга қаратилган. Икки мавсумдан буён мазкур танлов 100000 минглаб ёшларни жалб этмоқда. Бу ислоҳатлар давоми бўлиб юртимиздаги кутубҳоналарнинг жорий ҳолати янгиланмоқда ва янги типтаги кутубҳоналар қурулмоқда.

Самарқандда яратилган “Езгулик кутубҳонаси” ҳам янги типдаги кутубхоналардандир. Мазкур кутубхонада табиат қўйнида дам олиш ва айни вақтда китоб мутоласи билан шуғулланиши мумкин. Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 1-март куни Наманган вилоятига қилган ташрифи давомида “Librarybuc”лар билан танишди. Мазкур кутубхона автосус салонида ташкил этилган. “Librarybuc”лар асосан кутубхона тизими яхши йўлга қўйилмаган тоғ ва тоғ олди ҳудудларга мўлжалланган. Мазкур “Librarybuc”лар орқали чекка чекка жойлардаги аҳолининг китоб мутоласини ошириш ва уларнинг сонини кенгайтиришдан иборатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги глобаллашув шароитида баркамол ёшлар тарбиясида китобхонлик мадаинятини шакллантириш даврит талабидир. Зеро китобхонлик маданияти интеллектуал салоҳиятли ёшларнбни тарбиялашнинг муҳим омилидир.

TALABA-YOSHLARNI G`OYAVIY-MAFKURAVIY TARBIYALASHDA KITOBXONLIK MADANIYATINING SHAKLLANTIRISH MUAMMOLAR

Amiriddinova M.Z- SamDCHTI talabasi.

Har bir inson dunyoga kelar ekan, atrof-muhitga, o‘zi o‘sib-ulg‘aygan jamiyatga tafakkur nigohi bilan boqib, undan ibrat oladi, xulosalar, fikr-tushunchalar bilan boyiydi va shularga tayangan holda inson bo‘lib shakllanadi. Chinakam badiiy

adabiyot ana shu fikr-u xulosalarni benihoyat go‘zal bir tarzda ifoda etadi, eng ta’sirchan, unutilmas voqealar vositasida teranlashtiradi, mustahkamlaydi. Bir so‘z bilan aytganda, adabiyot odam bolasida chin insoniy fazilatlarni shakllantiradi. Afsuski, bugungi zamonamizga kelib kutubxonalarda kitobxonlar soni, kitob do`konlarida badiiy, ilmiy kitoblarga bo`lgan talab tobora kamayib bormoqda. Ayni damda ko`pchilik insonlar biron bir asarni o`qib chiqish, aniq bir sohada chuqur ilmiy ish olib borishdan ko`ra, ko`rishga arzigulik bo`lmagan, ko‘payib ketgan seriallarni, ko‘ngilochar dasturlar, ularda borayotgan oldi-qochdi gaplarni ko`rishni ularni muhokama qilishni afzal bilishadi.

Ular milliy va jahon mumtoz adabiyotiga mansub asarlarnigina emas, umuman har qanday kitobni agar u andak o‘yga toldiradigan, tafakkurga chorlaydigan jiddiyroq bo‘lsa, o‘qishni xohlashmayapti. Bugungi kunda o`quvchi, talaba yoshlar kitobdan uzoqlashib borayapti, degan gapga yopishib olib, bunda darrov zamonaviy texnika va texnologiyalarni, internetni ayblashga tushamiz. Holbuki, globallashayotgan dunyoda butun insoniyat texnikadan unumli foydalanmoqda, lekin ular kitoblarni, ayniqsa, mumtoz adabiyotni aslo chetga surib qo‘yishayoganlari yo‘q. Kitobxonlik darajasi borasida jahon mamlakatlari reytinglarini ko‘rib chiqib, bunga ishonch hosil qilasiz. Xorijda ushbu muammoni hal qilish yo‘llari avvalgidan qizg‘inroq, jiddiyroq yo‘sinda olib borilmoqda. Turli anjumanlar, muhokamalar, adiblar bilan uchrashuvlar, kitob bayramlari sifati ortib bormoqda. O‘rta maktablar dasturiga mutolaa bo‘yicha maxsus darslar kiritilmoqda. Bu darslarda o‘quvchilarda kitobga muhabbat, matnni tushunib, to‘g‘ri talqin qilish, eslab qolish ko‘nikma va malakalari shakllantirilmoqda. Buning natijasida AQSh, Yangi Zelandiya, Janubiy Koreya, Finlyandiya mamlakatlarida kitobxonlar soni ancha ko‘paygan.

Bugun kitob do‘konlarimizda, axborot resurs markazlaridagi kitoblar orasida durdona milliy yodgorliklarimizdan – “Qutadg‘u bilig”, “Devonu lug‘otit turk”, “Temur tuzuklari”, “Xamsa”, “Boburnoma” singari asarlarni uchratish amrimahol. Zamonaviy, iste’dodli shoirlarimizning she’riy kitoblari ham sotuvlarda deyarli yo‘q hisobi. Alisher Navoiyning yigirma jilddan iborat asarlari ma’lum bir tirajlarda bosilib chiqdi. Ammo nazarimizda bular kam, chunki Navoiy nafaqat maktab va institut kutubxonalari, balki har bir o‘zbek xonadonida bo‘lishi zarur. Navoiyni qo‘ya turing, hatto Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romani har yuzta o‘quvchidan bir yoki ikkitasiga to‘g‘ri kelayotganiga nima deysiz?! Qodiriyning eng mashhur asari shunchalik kam darajda bosilmoqda.Oynayi jahonda uzatilayotgan ko`pgina shoulardagi boshlovchilarning, filmlardagi aktyor va aktrisalarning nutqida ham kitobga bo`lgan e`tiborsizliklari yaqqol sezilib turadi ya`ni adabiy tilda emas shevada yoki ruscha so`zlarni qo`shib gapirishadi. Albatta bu o`sib-ulg`ayib kelayotgan o`quvchi, talaba yoshlarga o`zining salbiy ta`sirini o`tkazmay qolmaydi. “Adabiyotni, tarixni bilmagan inson kelajagini qura olmaydi”[1.22].

O’zligini, tarixini bilmagan inson yoki o’sha yurt farzandi men shu yurt farzandiman deya olishi mumkinmi? O’zlikni anglamagan bunday insonlar o’z manfati yo’lida har qanday ishga tayyor inson bo’lib yetishishi yoki ma`nan yuksalmagan, o’z fikrini, qadr-qimmatini bilmaydigan bo’lib chiqishi mumkin. Mustamlaka davrida ma'rifat g’oyasini baland ko’tarib chiqqan jadid bobolarimiz

Mahmudxo’ja Behbudiy, Munavvar Qori, Abdulla Avloniy, Ishoqxon Ibrat, Abdurauf Fitrat, Abdulla Qodiriy, Abdulhamid Cho’lpon, Usmon Nosir kabi bobolarimiz o’z zamonasida bosh ko’tarib xalqimizni yuksaltirishga milliy o’zlikni anglashni naqadar muhimligini yaxshi tushungan holda xalqimizni uyg’onishga chorlaganlar. Jadidchilikning taniqli arboblaridan biri M.Behbudiy shunday degan edi: Xo’sh bu bobolarimizni bilmagan yoki tariximizni, kelib chiqishimizni bilmagan inson men o’zbek farzandiman deyishi mumkinmi? Shu boisdan har qanday inson o’zligini bilmagan insonlarga saboq bo’lishi, kerak bo’lsa ularga turtki bo’lib ularni yuksalishiga, ularni o’zligini anglashga da'vat qilishlari lozim[2.7].

“Kitob tafakkur qanotidir”[3.18]. Biz bugun yangi davrga qadam qo‘ydik. Dunyo yana ilmga, tafakkur — intellektga intilmoqda. Zero, insoniyat uchun faqat va faqat tafakkurgina najot bo‘la oladi. Chindan ham ulug‘ va mo’tabar kitoblar insoniylik, halollik, shafqat va imon urug‘larini qalbimizga ekadi. Bizni olamshumul kashfiyotlar, buyuk bunyodkorliklar sari da’vat etadi. Mushkul onlarimizda bizga hammaslak va do‘st bo‘lib to‘g‘ri va oqil yo‘lni ko‘rsatadi. Shu boisdan hayotimizda “o‘qimishli inson” degan ibora boshqacha jaranglaydi.

Internet va boshqa kommunikatsiya texnologiyalari jadal rivojlanayotgan bugungi kunda yoshlarning kitob o‘qishga qiziqishini oshirish har bir soha vakillarining oldida turgan muhim vazifasidir. Buning dalili sifatida turli xil tashkilotlar, shaxsiy va davlat korxonalari, institut, universitetlar tomonida yoshlarga in`om etilayotgan kitoblarni misol qilsak bo`ladi.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ прфессори, и.ф.д.

КИТОБ – ДОНИШМАНДЛИК, ОДАМИЙЛИК МАНБАИ

Ёшларни китобга, китобхонликка қайтариш
керак! Китобсиз келажак йўқ.
Ш.М.Мирзиёев

Китобга сарф қилиб, бутун вақтимни,
Айнан шундан топдим, тўкис бахтимни.
М.Қ.Пардаев

Бугунги кунда китобхонлик масаласи ўта долзарб масалалардан бири сифатида баҳоланмоқда. Чунки, китобда бор фазилат, роҳат ва ҳикматни бошқа жойдан топиш қийин. Инсон камолоти, унинг маънавий ва руҳий оламининг бойлиги ҳам китобга ва китобхонликка боғлиқ. Шу туфайли иқтисодиёт фанлари доктори профессор Мамаюнус Пардаев айнан китоб ва китобхонлик масаласига бағишланган бир қанча ҳикматлар ёзган ва айрим шунга дахлдор масалаларни тўплашга муваффақ бўлган. Қуйида у кишининг ижоб маҳсулидан парчалар беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Домла бир битикларига “**КИТОБ ЎҚИШ КЕРАК!!”,** деб сарлаҳа қўйиб, устоз шогирд суҳбати шаклида қуйидаги масалаларни ёритган.

*** * ***

Шогирд устоздан сўради:
- Устоз, “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, деган мақол бор. Одам бўлиш учун нима қилиш керак?
Устоз айтди:
- Одамийлик бобидаги китобларни ўқиш керак.
Шогирд сўради:
- Олим бўлиш осон, дейилади, бунга эришмоқ учун нима қилмоқ керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқимоқ керак.
Шогирд сўради:
- Сиз ҳамиша элга манзур бўлинглар, миллат фахрига айланинглар, деб дуо қиласиз. Бунга эришиш учун нима қилиш керак?
Устоз айтди:
- Болам, китоб ўқиш керак.
Шогирд сўради:
- Сиз ҳамиша ўзини билганларгина ўз қадрига етади, деб айтасиз. Ўзини билиш учун одам нима қилиш керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқиш керак.
Шогирд сўради:
- Ўзгалар қадрига етиб, уларни ҳурмат қилиб, мос равишда, ҳурматга сазовар бўлиб юринглар дейсиз, бунинг учун нима қилмоқ керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқимоқ керак.
Шогирд сўради:
- Бизга адашманглар, адаштирмасин, деб кўп дуо қиласиз. Адашмаслик учун нима қилиш керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқиш керак.
Шогирд сўради:
- Бизга доимо иймонли бўлинглар, бундайлар Худодан ва Қонундан қўрқиб яшайди. Шу икки нарсадан қўрққанлар икки дунё саодатига эришади, дейсиз. Бунинг учун нима қилмоқ керак?
Устоз айтди:
- Иймоннинг нималигини тушуниш учун ҳам, қонунни бузишнинг нимага олиб келишини билиш учун ҳам китоб ўқимоқ керак.
Шогирд сўради:
- Болаларни муносиб тарбиялаш керак дейсиз, бунинг учун нима қилмоқ керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқимоқ ва ўқитмоқ керак.
Шогирд сўради:
Сиз ёшлар замондан олдинда юриш керак, деб уқтисасиз. Бунинг учун нима қилиш керак?
Устоз айтди:

- Китоб ўқиш керак.
Шогирд сўради:
- Бу дунёда муносиб яшаш керак, дейсиз, бунинг учун нима қилиш керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқиш керак.
Шогирд сўради:
Юртимиз бошқа давлатлардан орқада қолмасдан, аҳолимизни фаровон яшашини таъминлашимиз керак, деб айтасиз. Бунинг учун нима қилмоқ керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқимоқ керак.
Шогирд сўради:
Инновацион ғояларни яратиш учун нима қилмоқ керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқимоқ керак.
Шогирд сўради:
Бой бўлиб яшаш учун нима қилмоқ керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқимоқ керак.
Шогирд сўради:
Тарихимизни билмоқ учун нима қилдмоқ керак?
Устоз айтди:
- Китоб ўқимоқ керак.

* * *

МЕНИНГ САДОҚАТЛИ ДЎСТЛАРИМ ВА ДЎСТХОНАМ БОР

Келажакдан умиди бор бир йигит донишманднинг ҳузурига келиб бир қанча саволларига жавобни олмоқчи бўлиб рухсат сўрабди. Рухсат олгач, сўрабди.
Йигит: - Отам менга насиҳат қилиб, бу дунёда бир **содиқ дўст** топиб яшагин, шунда икки дунё саодатига эришиб, хор бўлмай яшайсан деган эди. Бундай содиқ дўстни кўп ахтардим, аммо уни топиш жуда қийин бўлмоқда. Нима қилй, деб сўрабди.
Донишманд: - Сенга қандай дўст керак?

Йигит: - Менга **садоқатли, мени алдамайдиган** дуст керак.
Донишманд: - Бундай дўст китоб – сенга ҳамиша содиқ қоладиган, ташлаб кетмайдигн, алдамайдиган дўст шу.

Йигит: - Менга **йўл кўрсатадиган** дўстни айтсангиз?
Донишманд: - Бундай дўст ҳам китоб, унда ҳаётнинг ҳамма йўл-йўриғи ёзилган, ҳамиша тўғри йўлни айтиб туради.

Йигит: - Энди менга **ҳасад** қилмайдиган дўстни қаердан топишимни ҳам айтсангиз.

Донишманд: - Бундай дўст ҳам китобдур, болам. Сенга ҳамма йўл-йўриқни айтиб туради, кўп мувоффақиятларга эриштиради, аммо бирор марта ҳасад қилмайди.

Йигит: - Менинг **қийин кунларимда ёнимда бўладиган**, мени тарк этмайдиган дўстни айтсангиз.
Донишманд: - Ўғлим бундай дўст ҳам китоб, у сени ҳеч маҳал тарк этмайди. Сен у билан доимо мулоқотда бўлсанг, унинг маслаҳатларига амал қилсанг, у сени аввало қийин кунга қолдирмайди, қийин кунларингда ташлаб келмайди.

Йигит: - Мени ҳар томонлама – **моддий ва маънавий жиҳатдан бой бўлишимга ёрдам берадиган** дўстни айтсангиз.
Донишманд: - Бундай дўст ҳам китоб, моддий бойликни топиш йўлини кўрсатади, маънавий бойликни ўзи беради.

Йигит: - Муҳтарам устоз, мени ўтмишимиз жуда қизиқтиради. Аммо бу ҳақда суҳбатлашадиган дўстни кўп қидирдим, топмадим.
Донишманд: - Бундай дўст ҳам айнан китобдур болам. Унда нафақт Сенинг, балки бутун инсониятнинг ўтмиши мужассам.

Йигит: - Менда бошқа халқлар ва миллатлар ҳақида сўзлаб берадиган маслакдошга ҳам муҳтожлик сезилади. Бундай дўстни топа оламанми?
Донишманд: - Албатта топасиз. Бу ҳам китоб. Ҳамма халқалар ва миллатлар тарихини, маданиятини, урф одатини, тафаккур маҳсулини улар томонидан яратилган китобларни ўқиш орқали билиб оласан иним.

Йигит: - Менга **келажакни англатадиган** ва айтадиган дўстнинг борлиги ҳақида ҳам айтсангиз.
Донишманд: - Шу фоний дунёда, келажакда ва охиратда қандай бўлишлигини айтадиган энг яқин, садоқатли дўст ҳам китоб. Бу – **Қурони карим.**

Йигит: - Менинг бир мутафаккир дўстим бўлса, у билан ҳар куни суҳбатлашсам дейман. Буни қандай топишим мумкин?
Донишманд: - Бунинг ҳам иложи бор, бундан минг, икки минг йиллар олдин ёзилган мутафаккирлар китобини ҳар куни ўқисанг, ҳар куни суҳбатлашасан.

Йигит: - Сиздек бўлишни ва Сиздек яшашни ўрганмоқчиман. Ҳузурингизга қачон келай?
Донишманд: - Менга келиш шарт эмас, ҳаёт йўлини ҳам ўша садоқатли дўстинг китобдан ахтар, ўзи айтади.

Йигит: - Мен кимгадир ва нимагадир суяниб яшагим келади. Нима қилай?
Донишманд: - Бенуқсон, беғараз ва муқаддас дўст – китоб билан дўстлаш.

Йигит: - Бундай бенуқсон ва беғараз дўст қандай дунёга келган?
Донишманд: - Яратганнинг иноятн билан. Тўртта китобни (Забур, Таврат, Инжил, Қурони Карим) пайғамбарлар орқали ўзи нозил қилган. Қурони Каримни Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) орқали нозил қилган. Қолган китобларни инсонларга тафаккур бериб, уларга китоб ёзишдек саодатни ато қилиб, одамлар томонидан яратилган ва яратилмоқда.

Йигит: - Бундай бенуқсон ва беғараз дўстни қаердан топаман?
Донишманд: - Бундай дўстни топиш учун китоб дўконинига бор.

Йигит: - Мен бугун ўша дўст билан гаплашмоқчи эдим, аммо бу китоб дўконда йўқ экан, нима қилай?
Донишманд: - Унда кутубхонага бор. У ерда хоҳлаган йўналишда ҳамма дўстни топасан. Ана шу "Дўстхона"га бор, деб жавоб берган экан.

Азиз дўстларим, имкон топсангиз китоб дўконидан оёқни, дўстхонадан нигоҳни узманг. Дўконга келиб, ўзингизга дўст орттиринг. Дўстхонага келиб, китобхонлик қилинг. Сизни тарк этмайдиган, хиёнат қилмайдиган садоқатли дўстингиз билан самимй суҳбат қуришга муяссар бўласиз. Китоб билан дўст бўлган одам ҳам ундан садоқатни, беғаразликни, ҳасад қилмасликни, самимийликни, алдамасликни ўрганади. Бундай фазилат эгаларининг инсонлардан дўсти кўп бўлади. Дўсти кўп одам икки дунё саодатига муяссар бўлади. Ҳаммангизга китоб ўқишдек, икки дунё саодатига муяссар бўлишдек бахтни тилайман.
Китоб орқали ўзга юртлар урф-одатларию, тамаддуни изларини биламиз.

* * *

Китобда битилган воқеалар бизга тарихимизни ўрганишга асос бўлади.

* * *

Миллат тафаккури бутун рўйи заминни китоб билан забт этиши мумкин.

* * *

Амир Темур бобомиз бутун жаҳонни қилич билан забт этган бўлса, Ибн Сино, Беруний ва Навоийлар ақли заковат ва илму-ҳикмат билан забт этганлар.

* * *

Дунёни ҳеч ким "Бобурнома" сингари китоб орқали забт этмаган бўлса керак.

* * *

Китобни ўқиб, инсон қалби нурга ва ғурурга тўлади. Шунинг учун ҳам китоб ўқиш керак.

* * *

Китобни донишмандлар ёзади, шунинг учун уни тушуниб ўқиган киши донишманд бўлади.

* * *

Китобда ёзилган нодир гапларни ҳар бир киши юрагида, фикру ёди билан жисму жонида олиб юрмоғи ва унга амал қилмоғи лозим.

* * *

Ўтмишдаги мутафаккирлар фикри бизга китоб орқали етиб келган ва бизнинг фикрларимиз ҳам келажак авлодга китоб орқали етиб боради.

* * *

Ўлмас фикрлар битилган тафаккур маҳсули бўлган китоб муаллифлари ҳам ўлмайди, ҳамиша, ҳамма жойда инсонларни тарбиялашга иштирок этиб юраверади.

* * *

Ўзини ҳурмат қилган, севган одамларгина китоб билан ошно бўлади, уларни севади.

* * *

Инсон саводсизликдан холи бўлиб, саодат сари йўл олса, йўлбошчиси китобдир.

* * *

Маърифатнинг хурофотга қарши қуроли китоб бўлсагина уни енгиш мумкин.

* * *

Жаҳоатга қарши курашга китоб сингари қурол бўлмаса киришиб бўлмайди.

* * *

Жаҳон аҳли миллатимизнинг қадимийлиги ва буюклигини китобларимиз орқали тан олган.

* * *

Ўзини англаш учун ҳам китоб ўқиш керак.

* * *

Китоб ўқишга иштиёқ уйғотиш, овқат ейишга иштаҳани очиш керак.

* * *

Тафаккур маҳсулидан фалсафа яратилади, сўзни ишлатиб асар ёзиш мумкин.

* * *

Одамнинг баҳоси йўқ, унинг баҳоси қандай китоблар ёзганлиги ва нима ишлар қилганлиги билан ўлчанади.

* * *

Лаҳзалар ичра инсон умри ўтмоқда, аммо мендан бу дунёга нима қолади, деган саволни ўзимизга бермаймиз. Лекин у дунёга ҳеч ким ҳеч қачон бирорта нарсани кўтариб кетган эмас, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ҳақиқий инсон нимадир қолдириши керак.

* * *

Овқат қоринни, китоб – кўнгилни тўйдиради. Иккаласи ҳам муҳим. Аммо овқатдан тўйган киши маълум вақтдан кейин оч қолади, кўнгли тўқлар оч қолмайдилар.

* * *

Китобга меҳр қўйган киши, устозига меҳр қўйгандек, яхшилик йўлида улардан баҳраманд бўлади.

* * *

Китобни кўзимизни очиб ўқисак, у ҳам бизнинг кўзимизни очади.

* * *

Роҳатланишни хоҳлаган киши китоб ўқиши лозим, китоб ундаги образларга нисбатан нафратни ҳам уйғотади.

* * *

Адолатнинг нималигини китобдан билиш мумкин.

* * *

Ҳаётда бошимиздан кечирган, аммо англамаган нарсаларни китобдан англаймиз.

* * *

Китоб ўқиш учун ёзилади.

* * *

Бировнинг китобини сотиб олиб ўзингизникига айлантирасиз, уни ўқиш орқали бировларнинг фикри билан ўзингизни такомиллаштирасиз.

* * *

Инсонларнинг самимий суҳбати – катта мувоффақиятларга олиб келиши мумкин.

* * *

Инсондаги маънавий сифатларнинг асосий қисми тарбия ва китоб ўқиш натижасида шаклланади.

* * *

Китобларда битилган ўтмишимизни билмасдан туриб, ўзлигимизни била олмаймиз.

* * *

Ҳар бир замоннинг маданияти, ўша замон кишиларининг маънавияти билан белгиланади. Бугунги кишилар маънавиятининг қандайлигини ўтган замон маънавияти битилган мумтоз адабиётимиздаги ифодаси билан қиёслаш орқали аниқлаш мумкин.

* * *

Ўзга кишиларга муҳаббат қўйиб, яхшилик қилиб таъна қилмайдиган кишилар – комил инсонлар эканлигини китоблардан билиб оламиз.

* * *

Муҳаббат кўнгил кўзини, китоб тафаккур эшигини очади.

* * *

Ҳаёт синовлардан иборат, уни китоб ўқиган инсон тезроқ англайди ва амал қилади.

* * *

Фозил инсон китоб ўқиб, таъсирчан қалб ва покиза лафз соҳиби бўлиб етишади.

* * *

Икки ўт (яхшилик ва ёвузлик) орасида қолган кишига тўғри йўлни кўрсатадиган маёқ – китобдир.

* * *

Китоб ўқиш орқали қалбингизга иймон, тафаккурингизга барака кириб бораверади.

* * *

Инсон қалбини поклайдиган нарсалардан бири китобдир.

* * *

Олдин кийимимнинг поклигига, муқаддас китобларни ўқигача қалбимнинг поклигига катта аҳамият берадиган бўлдим.

* * *

Авом киши кўзи билан кўрганларни англамаслиги мумкин, иймони бутун киши дунёни қалби билан кўриб, кўп нарсаларни англаши табиий.

* * *

Китоблар жуда кўп ёзилади, аммо фақат керагигина ўқилади. Менга керак бўлмаган киобни бошқа киши ахтариб юриши мумкин.

* * *

Қориннинг очлиги овқатга иштаҳа очади, тафаккурнинг очлигини сезмаймиз, шу туфайли овқатдан муҳимроқ бўлган китобни унчалик катта иштаҳа билан истеъмол қилмаймиз.

* * *

Китобни ўқиш билан бирга уқиш ва уқиганини эсда қолдириш лозим.

* * *

Китобга олам сиғади, аммо ёзилган китобларнинг варақларини тўшаб чиқилса, оламга сиғмаслиги мумкин.

* * *

Одам кўпинча пули йўқ пайтида китоб сотиб олишни орзу қилади.

* * *

Китоб ўғриси – бировнинг китобини сўрамасдан олиб кетиб ўқиган киши эмас, балки бировнинг китобидан кўчириб, ўзининг номини қўйиб чиқарган кишидир.

* * *

Иштаҳаси бўлмаган одамга овқатни едириш қийин, иштиёқи йўқ одамга китобни ўқитиш ҳам шундай.

* * *

Китобнинг ҳаётийлиги, уни ўқиганда ўзининг образини топиш билан белгиланади.

* * *

Одамнинг кийими, китобнинг муқоваси уларнинг шаклини белгилайди, аммо мазмун ҳамиша шаклга тўғри келмаслиги мумкин.

* * *

Китоб муаллифи унинг мазмунини ҳаётдан олади, ўқувчи эса, китобни ўқигандан кейингина ҳаётни тушуна бошлайди.

* * *

Китоб ҳам кино ҳам бадиий асар, аммо уларнинг фарқи кинода энг қизиқ жойига келганда рекламани улаб юборади. Бу китобда йўқ.

* * *

Китобда ёмон эпизотлар ёзилган бўлса, у китобнинг ёмонлигини билдирмайди, бу муаллифнинг иши.

* * *

Устоз китоб ўқишни ўргатмаганда эди, бугунги ҳолим не кечарди, билмадим.

* * *

Фикрни уйғотадиган энг таъсирчан восита китобдир.

* * *

Ёзилган нарса тенгсиз йўқолмайдиган жавоҳирга айланади.

* * *

Юраксиз инсон бир лаҳза ҳам яшай олмайди, катта қалб эгаси ўзининг китоби орқали ухлаб ётган қалбларни уйғотади.

* * *

Аввалари китобни ёзадиган одамни топиш мушкул эди, энди китобни ўқийдиганларни топиш қийинлашиб қолди.

* * *

Бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бойлик ҳақида ўйлаб умргузоронлик қилади.

* * *

Пули кўплар ҳам, пули йўқлар ҳам пул ҳақида ўйлаб қийналади.

* * *

Китобни ким кўп ўқиганлар, ўқигиси келаверади, китоб ўқимайдиганлар ўқимасдан юраверади.

* * *

Кекса кишининг бахти – ёшининг улуғлигида, фожиаси – ёшликнинг йўқлигида.

* * *

Ўқидингми фикрла, фикринг етмаяптими яна ўқи.

* * *

Ўрганмасдан иш бошлаган одам, уни барбод қилади.

* * *

Доно бўлишни хоҳлаган одам ўқийди, доно одам албатта ўқийди.

* * *

Бахтнинг нималигини тушуниш учун ҳам китоб ўқиш керак.

* * *

Комолот чўққисига чиқадиган зинопоя ктобдир.

* * *

Иймонни мустаҳкамлашнинг оқибатини тушуниш учун илм эгаллаш керак, бунинг учун эса, китоб ўқиш лозим.

* * *

Қонуний ва диний арконларни билиш ва уларга амал қилиш учун ҳам китоб ўқиш керак.

* * *

Қошиқ қоринни, китоб ақлни тўйдиради. Қорин бир кунда бир неча бор очқалади, ақл кўпайиб тўлиб борверади.

* * *

Бир киши бир ҳикояни кўп марта ўқиб, ҳар сафар ўқиганимда янги-янги хулосаларни чиқардим, дейди. Кўриниб турибдики, ҳар сафар ўқиганда унинг тафаккури очилиб ва савияси ошиб бормоқда.

* * *

Мактабдан олиш қийин бўлган илмни баъзан китобдан олиш мумкин.

* * *

Беғараз дўст истасанг китоб билан дўстлаш.

* * *

Китоб саҳифасини ўқишга ва уни ёзишга қаратилган кўзнинг нури бесамар кетмайди.

* * *

Одам мактаб имтихонидан ўтиш учун китобни, ҳаёт имтихонидан ўтиш учун эса ўзини ўқиши керак.

* * *

Мумтоз китоблар муаллифлари китоб билан бирга яшайди, одамларга ҳамиша яхшиликдан маслаҳат бериб туради.

* * *

Дунё аҳли ўзбекнинг улуғлигини китоблари орқали тан олмоқда.

* * *

Олимнинг баҳоси ўзининг салмоғига эмас, китобининг мазмунига берилади.

* * *

Оламни ўрганиш учун ҳам, ҳатто ўзингизни ўрганиш учун ҳам китоб ўқиш керак.

* * *

Инсон ҳаёти жуда қисқа, уни узайтиришнинг йўли фақат китоб ёзиб ёдгорлик қолдиришдир.

* * *

Минг йиллар олдин ўтган алломалар бугун ҳам бизни китоблари орқали тарбиялаб, насиҳат қилиб келмоқда.

* * *

Шундай одатланингки, китоб ўқиганда эмас, ўқимай қолганда бошингиз оғрийдиган бўлсин. Кошки эди, китоб ёзмай қолган кунингзда бошингиз оғрийдиган бўлса.

* * *

Инсон китоб ёзган пайтда ўзини эмас, халқни ўйлайди.

* * *

Доно кишилар доно фикрлари билан китоб ёзади, доно бўлишни истаган киши ҳам китоб ўқиши керак.

* * *

Ақилли бўлишни хоҳлаган киши китоб ўқиши керак.

* * *

Ўн аср олдин ўтган даҳо билан суҳбатлашиш имкони бор. Бу унинг китобидир.

* * *

Изтироб чекиб турган пайтингда китобни қўлга ол, бир зумда унитасан. Бундай дўстни яна қаердан ҳам топасан?

* * *

Китоб инсонни фикрлашга ундайди, фикрлаган одам оқ-қорани ажрата олади. Бундайлар такомил эшигидан кирган бўлади.

* * *

Ўзини ожиз ҳис қилиб юрган одам китоб орқали ўзида катта қудрат борлигини англаб етади ва қудратли инсонга айланади.

* * *

Одам китобсиз ўзини ҳам ўргана олмайди.

* * *

Яхшилик ва ёмонликни бошидан кечирмаган одам, уни китоб орқали тушуниб олиши мумкин.

* * *

Ҳамма нарса учун ўлим ҳақ, аммо китобга бунинг дахли йўқ.

* * *

Ўлмайдиган китоб ёзган муаллиф ҳам ўлмайди.

* * *

Қуёш билан ой оламга, китоб эса инсонга нур беради.

* * *

Ваҳшийликдан яхшиликка китоб орқали ўтилади.

* * *

Китобни дўст тутган одам, уни тарк этмасдан, ҳамиша у билан бирга бўлиши лозим.

* * *

Ота-она ҳам ўз фарзандини китоб орқали тарбиялайди.

* * *

Яхши ёзилган китоблар одамлар учун ибрат мактабидир, чунки ундан яхшилик ва ёмонлик нималигини чуқур англаб олади..

* * *

Ўзбекнинг ўтмиши улуғлигини китоблар орқали билиб олмоқдамиз.

* * *

Ҳаётнинг маъноси ҳам китоб орқали англанади.

* * *

Ҳаётга қизиқишни ҳам китоб орқали уйғотиш мумкин.

* * *

Яхши китоблар инсонлар ҳаётида янги йўлларни очиб бериши мумкин.

* * *

Одамнинг туйғуларини китоб орқали қўзғаш ва яхшиликка сафарбар қилиш мумкин.

* * *

Инсон нимадан завқланса, ўшани қўмсайди. Китоблар завқлантирадиган бўлиши лозим.

* * *

Буюклар билан яшаш учун улар ёзган китобларни ўқиш лозим.

* * *

Китоб билан қиёслайдиган маънавий бойлик йўқ.

* * *

Китобни ёзиш ҳам, ўқиш ҳам сабрни талаб қилади. Бирор нарсага эришмоқ истагида бўлганлар энг аввало, сабр қилишни ўрганишлари лозим.

* * *

Ўзига бефарқ бўлмаган одам, китобларга ҳам бефарқ бўлмайди.

* * *

Китоб ҳақида гап қолмади, деб ўйлаган эдим, аммо бу ҳақдаги гаплар китоб сингари бепаён эканлигига амин бўлдим.

* * *

Китоб хазина, маънавий бойлик ахтарган киши китобни варақлаши керак.

* * *

Инсонларда ҳам китобдек садоқат бўлганда жамият янада гўзал бўларди, ҳеч қандай фарзанд отасини қариялар уйига элтиб қўймаган бўларди.

* * *

Самимий ёзилган китобларни самимият билан ўқилса, тушунарли бўлади.

* * *

Китобхондан ўта ҳушёрлик ва огоҳликни талаб қилади, чунки бузғунчи ғоялар битилган китоблар ҳам бўлиши мумкин.

* * *

КИТОБ – БЕТАКРОР НЕЪМАТ, УНГА ЕТМИШТА ИЗОҲ

Китоб – билдириш воситаси, уни ўқиб, одамлар жамиятда фақат ҳуқуқинигина эмас, балки бурчи ҳам борлигини англатади.

* * *

Китоб – моддий кўринишга эга бўлган катта маънавий бойлик.

* * *

Китоб – ишончли дўст, у ҳеч маҳал сотмайди.

* * *

Китоб – уни ёшлар ўқимаса – фожиа, кексалар ҳам ўқимаса – ҳалокат.

* * *

Китоб – муқаддас неъмат, чунки унда не-не буюкларнинг тафаккур маҳсули ва нигоҳининг излари қолган.

* * *

Китоб – қуёш, ундаги илм – нур.

* * *

Китоб – фақат билим манбаигина эмас, балки тарбия воситачисидир.

* * *

Китоб – маърифат меъзони, китоби кўп миллат маърифатли миллатдир.

* * *

Китоб – тафакку мезони, китоблари машҳур миллат – тафаккурли миллатдир.

* * *

Китоб – маданиятини юксалтирувчи восита, учунки маданиятимиз тарихи ҳам китобда ифодаланган.

* * *

Китоб – миллатни танитадиган, тан олидирадиган ва тан бердирадиган неъмат.

* * *

Ктоб – инсон маънавиятини юксалтиришнинг муносиб қуролидир.

* * *

Китоб – бир киши томонидан ёзиладиган, аммо миллат тафаккур оламини кўрсатиб турадиган ойна.

* * *

Китоб – энг кучли тарбия воситаси.

* * *

Китоб – одамларни завқлантирадиган, изтироб чектирадиган, ҳаётни англатадиган неъмат.

* * *

Китоб – билимни беминнат ва беназир берадиган саховатли манба.

* * *

Китоб – тарбия воситаси, шунинг учун уни кекса ҳам, ёшлар ҳам ўқишлари лозим.

* * *

Китоб – машақат ва роҳат, унинг дунёга келиши – машақат бўлса, ундан фойдаланиш – роҳатдир.

* * *

Китоб – урмайди, сўкмайди неъмат, лекин уни ўқиб йиғлаб турган кишини кўрганда нима, деб ўйлайсиз?

* * *

Китоб – дунёни англатувчи манба, унга ўқиш орқали эришиш мумкин.

* * *

Китоб – ички эҳтиёжни қондириш манбаи, чунки у ички эҳтиёж билан ёзилади, шу туфайли уни ички эҳтиёж билан ўқиш лозим.

* * *

Китоб – ўтмишни жимгина гапириб берадиган неъматдир.

* * *

Китоб – эслатиш воситаси, унга яхшиликни ёзганларни яхшилик билан эслашади.

* * *

Китоб – тафаккур фарзанди, ақлнинг дўсти.

* * *

Китоб – илм маҳсули, уни ўн киши ўқиса моҳиятини ўн хил изоҳлайди. Демак китоб ўқиб тушуниш ва хулоса қилиш учун ҳам илм керак экан.

* * *

Китоб – маърифат эшиги, уни ўқишим керак, деб ўқимайдиган одамнинг ҳали қалбидаги маърифат эшиги очилмаган бўлади.

* * *

Китоб – ноёб неъмат, ундан қиммати баланд нарса топган ва исботлаган кишини топиш қийин.

* * *

Китоб – ёшларга устоз, кексаларга дўст, шоирга элчи, тадбиркорларга пулчи.

* * *

Китоб – инсонга дўст, чунки бевафолик қилмайди.

* * *

Китоб – миллат тафаккури ва қадриятларини асрлар оша яшашини таъминловчи неъмат.

* * *

Китоб – меҳнат қилишликни тушунтирадиган неъмат, унинг яратилиши ҳам шу меҳнат орқали амалга оширилади.

* * *

Китоб – инсониятга, бугунги ва келажак авлодга қилинган муаллифнинг маънавий совғаси.

* * *

Китоб – инсон тафаккур маҳсулини авлодлардан-авлодларга ташийдиган беназир неъмат.

* * *

Китоб – одамни дам олдирувчи, йиғлатувчи, кудирувчи ва билдирувчи неъмат.

* * *

Китоб – миллат ҳақида ёзилса, у йўқолиб кетса ҳам китоб йўқолмайди.

* * *

Китоб – ўта ноёб ва сабирли неъмат, унда нима ёзилишидан қатъи назар ўларни авлоддан-авлодга асл ҳолича ташиб етказади.

* * *

Китоб – мулоқат воситаси сифатида бир вақтнинг ўзида ўтмиш билан, бошқа миллалар билан, бошқа ирқ ва дин одамлари билан гаплаштиради.

* * *

Китоб олами жуда кенг, аммо унинг эшиги саводсизлар учун жуда тор, саводи бўла туриб, ўқишни хоҳламаганлар учун ёпиқ,

* * *

Китоб – миллат маънавияти ва маданиятини юксакларга кўтарадиган қурол.

* * *

Китоб – бошнинг озуқаси, уни озиқлантириб туриш учун китоб ўқиш керак, акс ҳолда “очликдан ўлади”.

* * *

Китоб – буюклик белгиси, уни ёзадиган фарзанди бор халқ буюкдир.

* * *

Китоб - ҳаётнинг бадиий безагидир.

* * *

Китоб – эскирмайдиган бойликдир.

* * *

Китоб – эскирган сари қадри ошиб борадиган неъматлардан биридир.

* * *

Китоб – севиладиган неъмат, уни севиш миллатни севишдир.

* * *

Китоб – бағри кенг неъмат, унда фалсафа ҳам, физика ҳам, иқтисодиёт ҳам, шеърият ҳам, баддий ижод билан ҳикматлар ҳам ҳаммаси мужассам.

* * *

Китоб – уйқусиз тунлар маҳсули, шунинг учун айрим одамларни кечаси билан ухлатмасдан варақлашга мажбур қилади.

* * *

Китоб – инсоният эришган жуда ноёб неъматлардан биридир.

* * *

Китоб – тафаккурга яхшилик уруғини экадиган, яна униб чиқиб, уни бойитадиган маҳсулот.

* * *

Ктоб – таафаккур маҳсули, тафаккурни чархлайдиган қурол.

* * *

Китоб – энг зўр тарбиячи.

* * *

Китоб – садоқатли дўст, у хиёнат қилмайди, агар ташлаб кетмасангиз у Сизни ташлаб кетмайди.

* * *

Китоб – билим манбаи, уни ўқимаганлар ўтмишни, бугунни, ҳатто ўзини ҳам етарли даражада билмайди, англаб етмайди.

* * *

Китоб – гапирмайдиган манба, аммо ўқиган одамни гапиртиргани гапиртирган.

* * *

Китоб – фикр манбаи, шу туфайли ўқиган кишини фикрлашга мажбур қилади.

* * *

Китоб – ёзилиши қийин бўлган неъмат, у ҳамманинг қўлидан келавермайди, аммо ўқиш қўлидан кела туриб, ўқимаслик – ўзига нисбатан қилинган жиноят.

* * *

Китоб – ўз муаллифи ва миллатини абадиятга дахлдорлигини таъминлайдиган неъмат.

* * *

Китоб – ўша миллатнинг маънавий қиёфасини акс эттириб турадиган кўзгу.

* * *

Китоб – гўзал ва эзгу туйғуларни ҳис қилиш манбаи.

* * *

Китоб - кўнгил, қалб ва кечинмалар мутаносиблигини англаш воситаси.

* * *

Китоб – ҳақиқатгўй, унда ёзилишича энг оғир меҳнат бекорчилик экан.

* * *

Китоб – ҳаётда огоҳликка чақирадиган восита.

* * *

Китоб – ҳаёт билан одамларни боғловчи кўприк.

* * *

Китоб – инсоннинг дўсти. У билан ҳамкорлик қилинса, инсонни улағлайди.

* * *

Китоб – катта хазина, кимга нима керак бўлса, ундан олиш мумин.

* * *

Китобни улуғлаган киши – улуғдир.

* * *

Китоб – буюклар фикри мужассам бўлган макнба, уни ўқиш мароқли эканлигини тушуниш учун ҳам китоб ўқиган бўлиши керак.

* * *

Китоб – шундай қуролки, у ақлни ишлатишга мажбур қилади.

* * *

Китоб – донишмандлик манбаи, бошқа манба ахтаришга ҳожат йўқ.

* * *

Илмий китобларнинг янгиси, баддий китобларнинг ҳаёт синовларидан ўтган эскисини ўқиш афзал. Бунда дўстнинг эскиси яхши, деган гапдан келиб чиқмоқ лозим.

* * *

Китоб сотиб олиш лозимлигини тушуниш учун ҳам олдин китоб ўқиш керак эди.

* * *

Қорин очқолганини эгасига сездиради, мия очқолганини эгасининг ўзи сезмайди, аммо атрофдагиларга аҳмоқона гапларидан аён бўлиб туради.

* * *

Одам ўзини асраш учун китоб ўқиш керак.

* * *

КИТОБНИ НИМА УЧУН ИНСОННИНГ БЕҒАРАЗ ДЎСТИ ДЕЙМИЗ?

Биринчидан, инсонга яшашни ўргатади, дам олдиради ва дам олишни ҳам тушунтиради.

Иккинчидан, инсоннинг ёшлик пайтида тўғри йўл топишига хизмат қилади.

Учинчидан, инсоннинг кексалик пайтида тасалли беради, яхшигина суҳбатдош бўлади.

Тўртинчидан, инсонни бекорчиликдан холис этади, уни ҳаётга қизиқтиради.

Бешинчидан, дардингизга нима шифолигини ҳам аниқ айта олади.

Олтинчидан, инсон билан бирга бўлса, ёшликда ҳам, кексайган пайтда ҳам, яхши-ёмон кунларда ҳам ташлаб, тарк этиб кетмайди. Буларнинг ҳаммасини беғараз, садоқат билан бажаради.

* * *

КИТОБ ЎҒРИСИ КИМ?

Биринчи киши, китобни сотиб олиб, ўқимасдан уйида сақлаб қўйган кишими?

Иккинчи киши, бировнинг китобини сўрамасдан олиб, ўзи ўқиб, уйига йиғиб қўйган кишими?

Учинчи киши, бировнинг китобини сўрамасдан олиб, ўзи ўқиб, бошқаларга ҳам ўқитадиган кишими?

Тўртинчи киши, китобни сўраб олиб, эгасига вақтида қайтарган, аммо ичидагиларни кўчириб, ўзининг номии қўйиб нашр қилган кишими?

* * *

БОЙ БЎЛИШНИ ХОҲЛАГАН БОЛА, МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖ БЎЛАРКАН.

Уч дўст мактабни тугатиб, йўлини танлабди. Биринчиси бой бўлишга аҳд қилибди, иккинчиси – одамларга умр бўйи хизмат қилиб, яхшилик қилишни айтибди, учинчиси – илмли бўлиш истагини билдирибди.

Биринчиси, тижорат билан шуғулланибди.

Иккинчиси, ўйлаб-ўйлаб, одамларга имомлик қилсам, ҳаммаси менга эргашади ва уларнинг хизматини қилган бўламан дебди.

Учинчиси, умр бўйи илм билан машғул бўлибди.

Биричи дўсти тижоратда чигал ишлар юзага келса, албатта илмли дўстидан маслаҳат олар, иккинчиси ҳам мураккаб саволларга дуч келса, шу учинчиси билан маслаҳатлар, учинчиси эса, барча муаммоларни китоблардан қараб, ўзи ҳал қилар экан.

* * *

БАҲО БЕРИШ ОСОН, ЧУНКИ ЎЗ МАНФААТИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ.

Ошни тайёрлашни билмаган одам унинг таъмига, сўзлашнинг уддасидан чиқмайдиган одам гапнинг маъносига, китоб ёзишдан бехабар одам ҳам уни ўқиб, мазмунинга баҳо бера олади.

Кўриниб турибдики, барча жабҳада инсон ўзига танқидий кўз билан қараб иш тутиши лозим экан.

* * *

АЛЛОМАНИНГ ҚАЛАМИ

Доно сўзларни ёзиб,
Китобга айлантирди.
Ўқувчисин дўст тутиб,
Қалбига жойлантирди.

* * *

Китобни дўст тутсангиз гар,
Адашмаслик, муқаррар.
Унда ҳасад йўқ, беғубор,
Кутади, сабри бетакрор.

* * *

Китобни ўқинг доим,
Дилингиз зор бўлмасин.
Жавондаги китоблар,
Чанг босиб, хор бўлмасин.

* * *

Китобни ўқиган билади,
У бегумон олим бўлади.
Сиз ҳам ўқинг ушбу неъматни,
Сизга бахтнинг ўзи келади.

* * *

КИТОБ ЎҚИЛСА УСТОЗДИР

Китоб ўқилса, улкан устоз,
Ўқилмаса, бир даста қағоз.

* * *

Китоб ўқиб улғайган бола,
Келажаги бўлмагай чала.

* * *

Болаларга қилдим китобни совға,
Бир зумда тугади, жанжалу-ғовға.

* * *

Бола китоб ўқиб, ёруғдир юзи,
Китоб таълимидан очилар кўзи.

* * *

Китобни ўқимаслик – асли иллат,
Шундай улғойганнинг – ҳаёти ғафлат.

* * *

Китоб ўқиган кўп ишарга қодир,
Таълим майдонида удир баҳодир.

* * *

Китоб ўқиган яхшидир аён,
Бундан бошқа керакмас баён.

* * *

Китобни кўп ўқиб, қилсанг меҳнат,
Ҳаётинг албат бўлади роҳат.

* * *

Китоб харид қилдим, пулларни ғамлаб,
Энди ўқиш лозим, фикрни жамлаб.

* * *

Улуғлик, буюклик одам сифати,
Гар бўлса доимо, китоб улфати.

* * *

Суҳбатинг бўлса самимий,

Абрўйинг бўлар доимий.

* * *

Яратган кўпларга қилиб иноят,
Кўп китоб яралди, саноқсиз ғоят.

* * *

Китоб учун қалам олди қўлига,
Кўп нарса ижод қилди Ҳақ йўлида.

* * *

Китоб ила эришдим кўп саодат,
Китобсиз қолган кунларим чин офат.

* * *

Дўст бўлишга китобни танланг,
Ўқиш чун ўзингизни ўнгланг.

* * *

Зихналикка китоб даводур,
Саҳифаси ғиж-ғиж маънодур.

* * *

Билим манбаи асли китобда,
Ўқинг қўлга тушган шу тобда.

* * *

Китоб асли қоғоз, бисоти,
Парвоз қилса, инсон қаноти.

* * *

Миллат ўлмагай токи бордир китоб,
Тафаккур маҳсули, гуё бир офтоб.

* * *

Китоб орқали танамни билдим,
Китоб орқали яхши иш қилдим.

* * *

Китоб орқали ўрмонни билдим,
Ўрмонга бориб бемалол юрдим.

* * *

Китобда сеҳр, китобда меҳир,
Унда тўпланган кўп доно фикр.

* * *

Нонни совға қилдим, еди тугатди.
Берган китоб бир, умрга асқатди.

* * *

Китоб ўқинг!!

Қорнимиз оч қолганда,
Дарҳол овқат егаймиз.
Маънавий ташнамиз, деб

Айтинг, қачон дегаймиз.

Овқатни кўп егандан
Эт семиз, тана катта.
Қувват олиб жисмимиз,
Кучли бўлдик, албатта.

Аммо китоб ўқимай,
Пучдир катта бошимиз.
Оқсайди фаросатдан,
Ҳатто ўрта ёшимиз.

Таъомгамас, илмга
Қаратиб эътиборни,
Фозилликка эришдик,
Ёт билдик кек, киборни.

Китоб ўқиган инсон,
Доно – англар ўзликни,
Тушунгай виждон-орни,
Инсоф, тўғри сўзликни.

Бундай одам аслида,
Бўлар эл-юртга суюк.
Бўлмаса ҳам мол-мулки,
Дерлар илми зўр, буюк.

“Китоб ўғриси” топилди.

Бир куни “Тафаккур гулшани” номли китобим керак бўлган эди, жавондан топа олмадим. Ахтардим топмадим. Бир киши ўғрилаб кетибди деб, ўзимни кўниктиришдан бошқа иложим қолмади.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб, неварамга “Бу китобни ўқи”, дея бир дўсти ўқишга китоб берибди. Неварам китобни ўқиб, айрим жойларига аниқлик киритиш учун менга мурожаат қилиб турди. Бир куни китобга диққат билан разм солсам, менга таниш, саҳифаларида мен қўядиган белгилар бор. Одатда ўзим харид қилган китобларнинг битта саҳифасига ҳамиша белги қўйиб қўяман. Шу белгига назар солсам ҳақиқатда менинг китобим экан. Лекин анча ўқилгани, унинг айрим варақларининг титилиб кетганидан билиниб турибди.

Китобнинг қаердан олганлигини суриштирдим. Қўлма-қўл бўлиб, кўп киши ўқиб, яна ўзимизга қайтиб келибди.

Китобни тўёна қилганимдан қувондим.

Бир танишим тўйга айтди. Ҳамма тўёна қилишди. Қанчадан пул берганлигини билмадим-у, ҳар қалай анчадан пул беришди. Мен эса ўзим нашр

қилган икки дона китобимни бердим. Ушбу китобларнинг қиммати, пулга чақилганда бошқаларникидан эҳтимол камдир. Вақт ўтиб, бир даврада ўтириб қолдик. Ҳалиги тўй қилган биродаримиз, ҳеч кимга сен фалон сўм тўёни қилган эдинг, демади. Аммо менинг китобимни ўзлари, келин-куёв ўқиб жуда кўп ибратли гаплар борлигини ва уларга ҳаётда амал қилаётганлигини хурсандчилик билан айтди. Менинг китобимнинг қиймати, улар берган пулга нисбатан анча кам эди, аммо қиммати тенгсиз эканлигига гувоҳ бўлдим. Китоб совға қилганлигим учун ўзим ҳам хурсанд бўлдим.

Пул ҳамма пулга қўшилиб кетган. Унда берган одамнинг фамилияси ёзилмаган. Пул келади, кетади. Аммо китобни бировга берсангиз у садоқат ва сабр билан туради, у эгасини тарк этиб кетмас экан.

Ўқилмаган китоб

Ёшлардан китоб ўқидингми, деб сўрасангиз.

– Ҳали ўқиймизда, дейишди.

Кексаларга шу саволни берсангиз:

– Вақтида ўқиганмиз, дейишди.

Саводсиз, дангасага шу саволни бериб қолсангиз:

– Айтганда ўқир эдик, дейишди.

Талабадан шу саволни сўрасангиз:

– Ҳали сессига анча вақт борку, дейишди.

Тадбиркордан китоб ўқиганмисиз, деб сўрасангиз:

– Э, оғаини унга вақт йўққу, дейди.

Пенсионердан сўраб қолсангиз:

– Энди менги китоб ўқиш нима керак, деб: саволингизни ўзингизга қайтарди.

Бечора китоб нима қилсин? У аслида ўта ноёб неъмат, ким уни ўқиса садоқатли дўст, маслакдош, ўқилмаса шунчаки бир маттоҳ.

М У Н Д А Р И Ж А

Пўлатов М.Э. Талаба-ёшларни ғоявий мафкуравий тарбиялаш– асосий вазифамиз……. 3
Тураев Б.О. Ёшларнининг миллий ғурур ва орият руҳидаги ватанпарварлик тарбиясида китобнинг ўрни…….. 5
Абдуллаева М.Н. Синергетиканинг методологик моҳияти…… 7
Каримов С. Талаба ёшларни ғоявий - мафкуравий тарбиялаш тамойиллари…….. 9
Иззетова Э.М. Глобальное информационное общество и человек в зеркале философии…….. 12
Маҳмудова Г.Т. Форобийнинг эстетик қарашларининг конструктив моҳияти……. 15
Кушаков Ш.С. Фейковая модель дезинформации как разновидность симулякра……. 19
Сафарова Н. Талаба ёшларнинг мафкуравий иммунитетни шаклланти-ришнинг долзарб масалалари……. 21
Ғаффаров Ш.С., Амирдинов Ж. Ҳаракатлар стратегиясида ёшлар масаласи…… 23
Қўшоқов Ш.С. Ёшлар дунёқараши ва интернет…….. 25
Тайлаков Н.И., Нарзиева Н. Ўқувчиларда таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш……. 28
Шарипов А.Ж Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Сино диалоги….. 30
Ғаффарова Г.Ғ. Ҳаракатлар стратегиясида кластерли ёндашув…… 34
Мардонов Р.С. Современая молодежная политика Узбекистана – основа развития страны……... 37
Азизқулов А., Алимов А. Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасини ёшлар маънавий тарбиясидаги аҳамияти…….. 41
Бердиев Х.Х. Глобаллашув жараёни: ёшларнинг ижтимоийлашувида таълим ва қадрият масаласи..... 44
Жамолов Л. Оммавий маданият” ниқоби остидаги маънавий таҳдидлар 46
Назаров С. Ёшларни миллатлараро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ғояси руҳида тарбиялаш - долзарб масала…….. 48
Саматов Х. Махдуми Аъзам таълимотида комиллик ва жавонмардлик ғоялари…… 51
Назаров С., Бойқобилов А. Ёшларда ўзликни англаш ва Ватанга садоқат ғоясини тарбиялашда китобхонлик маданиятини ривожланти-ришнинг ўрни…….. 55
Сафаров А. Миллий-маънавий қадриятларимиз таълим-тарбия самара-дорлигининг муҳим омили…….. 57

Усмонов Ф.Н. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стра тегиясида ёшларни ғоявий тарбиялашнинг зарурати масалалари…… 60
Tursunova O, Hakimova D, G‘oyaviy-mafkuraviy tarbiya jarayonida milliy-ma’naviy merosning roli va ahamiyati…… 62
Худойбердиев Х., Норматова Ф. Миллий маънавий мерос маънавиятимиз манбаи…… 64
Хусаинова Л.Ю., Жамшедова Н.Ж. Роль изучения иностранных языков в духовно-нравственном воспитании молодого поколения……. 70
Rahimova D. Globallashuvning xususiyatlari va ziddiyatlari…….. 72
Халимбетов Ю.М. факторы духовного развития молодежи……. 77
Халимбетов Ю.М., Мухитдинов Ш.М., Мамурова Г.Н. Ёшларнинг дунёвий қарашларида диний мерос, бугунги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари..... 81
Ниязимбетов М.К Некоторые исторические аспекты исследования феномена сложности…… 83
Xalikova L.N., Yuldashev Sh.K Ta’lim-tarbiya jarayonida milliy-ma’naviy merosning roli va ahamiyati…….. 86
Худоёрова О. Ёшларнинг китобхонлик маданиятини янада юксалтириш йўллари……. 89
Мамарасулов Б. Миллий ғоя жамият тараққиётининг субстанционал асоси ва институционал механизми сифатида…….. 92
Хўжамқулов А Ёшларда китобхонлик маданиятини оширишда роман жанрининг ўрни…… 95
Ташаев Л., Омонтурдиев О. Ўқувчи ёшларда ахборот истемоли маданиятини шакллантириш ва маънавий маърифий иммунитетни мустаҳкамлаш масалалари…….. 97
Хўжамов Х., Омонтурдиев О. Китобхонлик – маънавий баркамоллик асоси…….. 98
Azimov Sh., To’raeva Sh Yoshlarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar asosida ma’naviy-axloqiy tarbiyalash-ning ahamiyati…….. 101
Саматов Д. Т. Глобаллашув шароитида таълим муҳитининг хусусиятлари: хилма – хиллик ва плюрализм……. 103
Дусманов.Ш.А, Бабакулов Ю, Тешаев Д Миллий қадриятлар ва ўзликни англаш 106
Зиётова А.Э., Дагаров Ж. Таълим – миллий-маънавий меросни ўзлаштириш ва тараққиёт босқичидаги энг муҳим тизим……... 111
Кипчакова С.Б., Фархадов Ф. Ўзбекистонда талаба қизлар тарбиясида оила институтининг ўрни…….. 113
Аманов Ғ.А, Тажибоев М.А Экологик глобаллашув жараёнида ёшларда эстетик онг ва эстетик дидни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари……. 116
Mansurova Z. Yoshlarni g’oyaviy–mafkuraviy tarbiyalashning dolzarb masalalari.talabalar ongida kitobxonlik madaniyatini shakllantirish …… 119

Мардиев Т. Ёшларни ғоявий–мафкуравий тарбиялашда тил ва нутқнинг ўзаро алоқаси ҳамда фарқли томонлари…….. 121
Маттиев И. Талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” тафаккурини шакллантириш тушунчаси, унинг педагогик моҳияти ва вазифалари…….. 124
Тўхтаев Х.М Глобаллашувнинг ёшлар маънавиятига таъсири ва миллий қадриятларга асосланган рационал ечимлар……. 127
Ризаев И. Ижтимоий тизимда ахлоқ ва сиёсат: умумийлик ва ўзига хослик…… 129
Suvanova D. Globallashuv sharoitida yoshlar tarbiyasida axborot va mafkuraviy g`oyaviy kurashlarlarning o`rni…….. 131
Ҳайдаров О. Ҳаракатлар стратегияси ва давлат дастурларида ёшларни маънавий-ахлоқий ҳамда ғоявий-мафкуравий тарбиялаш масалаларининг акс этиши……. 133
Тошпулатов Д.А. Таълим методларида маънавий ва замонавий инновацион ёндашувлар …… 136
Ўрозов Ш.З. Соҳибқирон Амир Темур фаолиятида жамиятни бошқаришнинг сиёсий-фалсафий тамойиллари…….. 138
Usmonova L.R. Hirot miniatyura san’ati maktabining yoshlar ma’naviy tarbiyasidagi o’rni ……. 142
Ўрозов Ш.З., Мардиев Т., Алимов М. Ҳаракатлар стратегиясида диний бағрикенгликни таъминлаш муҳим масаласи сифатида…….. 144
Ҳаққулов Н.Қ Глобаллашув жараёнида ёшларда ғоявий эътиқод собитлигини шакллантириш масалалари……... 148
Рўзимуродов С., Амонов Р. Ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашда оиланинг ўрни..... 151
Тоғаев Н.Э, Қурбонова Ю.Ғ Ёшларни миллатпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий йўналишлари…… 154
Vaxobov M., Vaxobova SH. Miiliy g’oya targ’ibot texnologiyalarining shart-sharoit va omillari……. 156
Абдувохидов С. Ўрта осиё халқлари маънавий-ғоявий тараққиётида жадидчилик ҳаракатининг аҳамияти……. 159
Чориев Н.К Азизиддин Насафийнинг китоб мутолааси ҳақида……... 162
Vaxobov M., Vaxobova SH. Globallashuv sharoitida milliy g’oya targ’ibotini takomillashtirish-davr talabi……. 165
Кубаева Г.И. О связи чтения с социальным развитием государства…… 167
Чориев Н.К Тошларга нақш этиб битилган достон……..... 169
Муртазаев У.М Имам Аль-Бухари-великий хадисовед-гордость узбекского народа и всего мусульманского мира……. 174
Vaxobov M., Vaxobova SH. Milliy g`oya targ`iboti samaradorligini ta`minlashning muhim omili……. 176
А Мустафаев., Мустафаев Ж., Урунова Н. Темурийлар даврида маданият, амалий ва тасвирий санъат ва унинг турлари ривожи…… 179

Муртазаев У.М Стратегия действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан, актуальные вопросы обучения и воспитания молодёжи……. 182
Хидиров Х.И. Коррупцияга қарши курашнинг мақсад ва вазифалари….. 185
Мулладжановой Х.Я Национально-духовное наследие, его роль в процессе воспитания молодёжи……. 187
Imamov N Talaba - yoshlarni ma'naviy shakillantirishda oliy o'quv yurti, oila va mahalla hamkorligi…… 189
Жабборов И.Б Ривожланган шарқ мамлакатлари тажрибаси ассосида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари……. 191
Imamov N Talaba-yoshlarni g'oyaviy-mafkuraviy tarbiyalashda kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish…….. 194
Рахмонов Н.М. Миллий пенсия тизимини ислоҳ этишда хорижий тажрибадан фойдаланиш……. 196
Анорова С. Бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик ва миллий ғоя риҳида тарбиялашнинг ўзига хос ҳусусиятлари…… 198
Назиров Ф.Б. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш йўллари…….. 199
Юсупов Ш.А. Пенсия таъминоти тизимини ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаси. япония мисолида…… 202
Музаффаров Н. Китоб ва китобхонлик – инсон маънавият кўзгуси……. 204
Satimboyeva A.A Zamonaviy ta`lim- axborot-kommunikatsion texnologiyalarining yoshlar hayotida tutgan o`rni……. 206
Юсупов М., Абдурахмонова С. Миллий фолклор - ёшларимизда миллий мусиқий маданиятни шакллантиришнинг муҳим омили сифатида…… 208
Асланова Ҳ.А Миллий адабий меросимизда Гадоий ғазалларининг қофияланиш тизимини ўрганиш…… 210
Ochilova Z., Ochilova N. Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish - zulfiya ijodining bosh mezoni…… 212
Eshniyazova M. Ma'naviy barkamollik – jamiyat taraqqiyotining asosiy poydevori…….. 214
Абдурахмонов И. Глобаллашув ва ахборотлашган жамият…….. 219
Абдуллаев С.Т., Шавқиев О.С. Инсон маънавий камолотида гўзалликнинг ўрни…….. 221
Мустафаев А., Мустафаев Ж. Ёшларнинг маънавий ҳаёти ва глобаллашув даври……. 223
Исомиддинов Ю, Абдиқобилов Ш.Х. Таълим-тарбия уйғунлиги-тараққиёт гарови……. 225
Худайбердиев А.К Ёшларни жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш руҳида тарбиялаш масалалари……. 227
Ахтамова С., Джураева П., Мажидов Ш.Ф., Рахимова Ф Место сферы образования в воспитании молодёжи…… 230

Xurshida S.A, Oxunov I.A. Yoshlarda huquqiy madaniyatni shakllantirish-ning ustuvor yo`nalishlari …….. 232
Эгамкулова Д. Талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли..... 234
Maxamatova K.S Yoshlarning mafkuraviy ma'naviy salohiyatini oshirish-da ta'lim tarbiyaning o'rni…….. 236
Xalilov F., Abdullayev Y., Xojiyev G'. Tarbiya sotsiologiyasi- ijtimoiy mezon sifatida…… 238
Шавқиев О. Таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорли-гини оширишда тарбиянинг роли……... 241
Mahammatova Sh.S Yoshlarni ma'naviy barkamol va yetuk qilib tarbiya-lashda milliy-ma'naviy merosning roli va ahamiyati..... 243
Satimboyeva X.A. **Yusupov E.**E Vatanparvarlik – barqarorlik kafolati……. 245
Алимов А., Пардаев Ж. Ёшларда ахборот иммунитетини шаклан-тиришда медиа саводхонликни ошириш масалалари…….. 247
Шавқиев О.С Юксак ҳуқуқий маданият – қонун устуворлигининг асосидир…… 250
Урозалиев Э. Ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришда янгича ёндашувлар…….. 253
Amiriddinova M.Z Talaba-yoshlarni g`oyaviy-mafkuraviy tarbiyalashda kitobxonlik madaniyatining shakllantirish muammolar..... 254
Пардаев М.Қ. Китоб – донишмандлик, одамийлик манбаи..... 256

ҚАЙДЛАР УЧУН

2019 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman" гарнитураси
Босма табоғи 17,75
Буюртма № 13, Адади 70 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй